

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA’LIMI VAZIRLIGI**

**SAMARQAND VILOYATI XALQ TA’LIMI XODIMLARINI  
QAYTA TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI  
OSHIRISH INSTITUTI**

*“Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari  
yili”ga bag‘ishlanadi*

**Uzluksiz ta’lim tizimida filologiya fanlarini mazmunan  
modernizatsiyalash hamda o‘qitish sifat-samaradorligiga erishish  
texnologiyalari**

*Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari*

**Samarqand  
2017-yil, 29-noyabr**

---

**МИНИСТЕРСТВО НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
САМАРКАНДСКИЙ ОБЛАСТНОЙ ИНСТИТУТ  
ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ  
РАБОТНИКОВ НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

*Материалы республиканской научно-практической конференции*

**Модернизация содержания филологических дисциплин в  
системе непрерывного образования и технологии достижения  
качества и эффективности обучения**

**Самарканд  
29 ноября 2017 года**

**SAMARQAND – 2017**

U-40

O'-80

Uzluksiz ta'lim tizimida filologiya fanlarini mazmunan modernizatsiyalash hamda o'qitish sifat-samaradorligiga erishish texnologiyalari. Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – Samarqand, SamVXTXQTUMOI, 337- bet.

Ushbu to'plamda Samarqand viloyati xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti til va adabiyot ta'limi kafedrasini tomonidan tashkil etilgan "Uzluksiz ta'lim tizimida filologiya fanlarini mazmunan modernizatsiyalash hamda o'qitish sifat-samaradorligiga erishish texnologiyalari" mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasiga kelib tushgan tezis va maqolalari o'rin olgan.

Mazkur ilmiy-amaliy konferensiyaning maqsadi - filologiya fanlarini mazmunan modernizatsiyalash, o'qitish sifat-samaradorligiga erishish texnologiyalari, filologik fanlarni o'qitish samaradorligini oshirishda davlat me'yoriy hujjatlarning o'rni, filologik fanlarni o'qitishda kompetensiyaviy hamda differensial yondashuvning ahamiyati, o'quvchilarda shakllantiriladigan kompetensiyalarni ob'yektiv baholashning mazmun-mohiyati, fanlarni o'qitish sifat-samaradorligini oshirishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish kabi masalalarni yoritish ko'zda tutilgan.

Ilmiy anjuman materiallaridan umumta'lim maktab o'qituvchilari, mustaqil tadqiqotchilar, ilmiy xodimlar va barcha pedagoglar foydalanishlari mumkin.

**Mas'ul muharrir:** *falsafa fanlari doktori, professor*

*O.G'aybullayev*

**Tahrir hay'ati:**

*iqtisod fanlari nomzodi, dotsent*  
*tarix fanlari nomzodi, dotsent*  
*filologiya fanlari nomzodi, dotsent*  
*pedagogika fanlari nomzodi, dotsent*  
*pedagogika fanlari nomzodi, dotsent*  
*pedagogika fanlari nomzodi, dotsent*  
*filologiya fanlari nomzodi, dotsent*  
*katta o'qituvchi*

*B.Usmanov*  
*A.Kuraxmedov*  
*D.O'rinbayeva*  
*F.Narzikulova*  
*A.Abdumannatov*  
*B.Doniyev*  
*S.Yuldosheva*  
*M.Yakubjanova*  
*I.Raimkulova*  
*F.Marupov*  
*F.Normaxmatova*

*assistent*

Samarqand viloyati xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti Ilmiy kengashining 2017-yil 30-sentabrda o'tkazilgan yig'ilishining 4/4-1-sonli qarori bilan nashrga tavsiya etilgan.

ISBN 978-9943-4584-6-8

*To'plamdan o'rin olgan maqolalarning saviyasi, sifati va ilmiy dalillarning haqqoniyligi hamda mazmuni uchun mualliflar mas'uldir.*

© Samarqand viloyati xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti, 2017

## SO'Z BOSHI

Ulug' ne'mat – istiqloqga erishganimizning 26 yillicini nishonladik. O'tgan davr mobaynida jahon hamjamiyati O'zbekiston davlatini e'tirof etdi. Ana shu tarixiy jarayonda ta'lim sohasidagi islohotlar, ularning amaliy natijalari katta o'rin tutmoqda.

Darhaqiqat, xalqaro ekspertlar ham aynan ana shu jihatni – har qanday rivojlanishning asosi yoshlarga ta'lim-tarbiya berish, fuqarolarni ma'rifat orqali zamon bilan hamnafas hayotga tayyorlash ekanligini va O'zbekiston tutgan yo'lning to'g'riligini ko'p bora qayd etmoqdalar.

O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti Islom Karimovning 1997-yili Oliy Majlisning IX sessiyasida «Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori» deb nomlangan tarixiy ma'ruzasida mustabid tuzumdan qolgan eski ta'lim tizimi kamchiliklari ochib berildi va mustaqilligimizni asrab-avaylashga, taraqqiyotimizga xizmat qiladigan mutlaqo yangi tizimga asos solindi.

Davr talabidan kelib chiqqan holda bugun o'quvchilarning yoshi va psixofiziologik xususiyatlari, kompetentligiga mos umumiy o'rta va o'rta maxsus kasb-hunar ta'limining umumevropa Davlat ta'lim standartlari ishlab chiqildi. Yurtboshimiz fikrlariga asosan, har bir o'quv bosqichi, ta'limda o'quvchilar bilishi lozim bo'lgan bilim, ko'nikma, malaka va kompetensiyalar standart darajasida rasmiylashtirilib, hayotga tatbiq etildi.

Farzandlarimiz iste'dodini ro'yobga chiqarish va kamol toptirish, yoshlarning madaniy saviyasini yuksaltirish, ular qalbiga milliy hamda umuminsoniy qadriyatlarni singdirish maqsadida qabul qilingan 2009–2014 va 2016–2020 yillarga mo'ljallangan Davlat dasturlari malaka oshirish tizimini ham takomillashtirish masalasini ko'ndalang qo'yadi.

Hozirgi kunda jahonda ro'y berayotgan globallashuv sharoitida mamlakatimiz barqaror taraqqiy etib borish uchun har tomonlama modernizatsiyalashgan tizimli yondashuvni taqozo qilayotganligi munosabati bilan olib borilayotgan islohotlar samarasini yanada oshirish, davlat va jamiyatning har tomonlama va jadal rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish, mamlakatimizni modernizasiya qilish hamda hayotning barcha sohalarini liberallashtirish bo'yicha ustuvor yo'nalishlarni amalga oshirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2017-yil 7-fevraldagi “O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida”gi Farmoni qabul qilinib, Harakatlar strategiyasining to'rtinchi “Ijtimoiy sohani rivojlantirishning ustuvor yo'nalishi”ning to'rtinchi “Ta'lim va fan sohasini rivojlantirish” bandidan kelib chiqqan holda uzluksiz malaka oshirish tizimiga alohida e'tibor qaratildi. Shu asosda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 26-sentyabrda «Pedagog kadrlarni tayyorlash, xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarori qabul qilindi. Unda uzluksiz malaka oshirish tizimi samaradorligini yanada takomillashtirish, o'qituvchilarning kasbiy kompetentligini doimiy rivojlantirish masalasiga alohida e'tibor qaratildi.

Uzluksiz ta'limni modernizatsiyalash orqali o'quv-tarbiya jarayoni sifati va samaradorligini oshirishga qaratilgan Farmon va qarorlar ana shu dolzarb masalalarga yechim topishimizga ko'mak beradi. Ushbu dolzarb masalalarni yechishda soha rahbarlari, metodistlar oldida qator vazifalar turibdi. Bular:

– o'quv-tarbiya jarayoniga o'qitishning zamonaviy ilg'or shakllarini, yangi pedagogik va axborot texnologiyalarini, ma'naviy-ma'rifiy tarbiyalashning samarali shakllari va usullarini joriy etish;

– o'qitishning mazmuni, ta'lim-tarbiya jarayoni, dars mashg'ulotlarining sifatli tashkil etilishini ta'minlashda o'qituvchining kasb mahoratini oshirish;

– dars jarayonida ilg'or pedagogik va axborot-kommunikasiya texnologiyalari asosida yaratilgan metodik qo'llanmalar, ularning multimedia ilovalaridan samarali foydalanish hamda har bir o'quvchi tomonidan o'zlashtirilishini nazorat qilib borishga oid ilg'or tajribalarni o'rganish hamda targ'ib etish;

– muntazam ravishda boshlang'ich ta'lim fan metod birlashmalari tomonidan o'qituvchilarning ilg'or pedagogik va axborot-kommunikasiya texnologiyalaridan foydalanish samaradorligini ustamalar, rag'batlantirishlar belgilash jarayonida inobatga olinishini ta'minlash;

– o'qituvchilarning kasbiy kompetentligini, bolalar psixologiyasi, hozirgi zamon ta'lim pedagogikasi va bu sohadagi ilg'or tajribalar, shaxsga yo'naltirilgan ta'lim konsepsiyasi va kompetensiyaviy yondashuv asoslarini egallashlariga erishish;

– yangi avlod darsliklarining mazmuni kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan davlat ta'lim standarti va o'quv dasturiga mos bo'lishini ta'minlash;

– darsliklar o'quv jarayonining axborotli modelga aylanishiga, o'quv materiallarining o'quvchilarni muloqotga undashiga erishish;

– joylarda oliy ta'lim muassasalari hamda pedagogik kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish hududiy institutlari kafedralari professor-o'qituvchilarini birlashtirgan holda umumiy o'rta ta'lim maktablari negizida boshlang'ich ta'lim sifat-samaradorligini oshirishga qaratilgan «**Mahorat maktabi**» va «**Metodistlar maktabi**» ishlarini takomillashtirishdir.

Malaka oshirish tizimi malakali, salohiyatli, zamonaviy o'qituvchini shakllantirishi, har bir o'qituvchi o'z ustida muntazam ishlab, malakasini oshirib, o'z tajribalarini o'quvchilar ta'lim-tarbiyasiga qaratishi lozim. Buning uchun:

– o'quvchilarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashning eng samarali shakl va usullarini qo'llay olish;

– o'quvchilarni ijodiy va erkin fikrlashga, mantiqiy tafakkurini o'stirishga, iqtidorli shaxs sifatida kamol topishiga erishish;

– o'quvchilarning har bir o'quv fanidan kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan bilim, ko'nikma, malaka va kompetensiyalarga ega bo'lishlarini ta'minlash, buning uchun muallim har bir o'quvchining o'quv topshiriqlarini qanday holatda o'zlashtirayotganini tahlil etishi, nazorat qilishi, o'quvchining o'zlashtira olmagan o'quv topshiriqlariga qaytib, har bir o'quvchi bilan alohida ishlashi;

– o'quvchilarini bilish faoliyatiga bo'lgan qiziqishlari va intilishlarini kuchaytirish hamda o'z-o'zini obyektiv baholash ko'nikmasini shakllantirib borish;

– o'qituvchi o'quvchilarni sevishi, o'z ishiga qiziqishi, o'z bilim va tajribasiga asoslangan holda kasbiy faoliyat modellarini tanlay olishi, o'quvchilarning ehtiyojlarini bilishi, o'z o'quvchilari va atrofdegilar bilan samarali hamkorlik o'rnatish, zarur vaziyatlarda o'quvchilarni qo'llab-quvvatlashi, o'quvchilar bilan muloqotga kirishish yo'llarini yaxshi bilishi, o'quvchilarga va atrofdegilarga mehribon bo'lishi, ularni qadrlay olishi, o'ziga ishonishi va faoliyati natijalarini yuqori darajada baholay olishi, ijtimoiy mas'uliyatga ega bo'lishiga erishish talab etiladi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar

Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma'ruzasida «Yana bir muammoni hal etish ham o'ta muhim hisoblanadi: bu – pedagoglar va professor-o'qituvchilar tarkibining professional darajasi, ularning maxsus bilimlaridir. Bu borada ta'lim olish, ma'naviy-ma'rifiy kamolot masalalari va haqiqiy qadriyatlarini shakllantirish jarayonlariga faol ko'mak beradigan muhitni yaratish zarur».<sup>1</sup>- degan purma'no fikrlariga e'tiboringizni qaratmoqchimiz. Shunday ekan, farzandlarimizning ana shu davrini qiziqarli, bilimlarga boy, samarali tarzda o'tkazib, ularni kamolga yetkazish, boshqacha aytganda, yurtimiz kelajagining poydevorini mustahkamlash biz – ziyolilarning muqaddas burchimizdir.

Xulosa qilib aytganda, uzluksiz ta'lim sohasidagi islohotlarni amalga oshirishda filologik fanlarning o'rni muhim ahamiyatga ega bo'lib, o'sib kelayotgan yosh avlodni har tomonlama barkamol shaxs qilib tarbiyalashda o'ziga xos kompetensiyaviy vazifani bajaradi. Bu esa, o'z navbatida o'quv-tarbiya jarayonining sifat va samaradorligini oshirishga xizmat qiladigan zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanishga yordam beradi.

*Institut rektori O.G'aybullayev*

---

<sup>1</sup> Mirziyoev Sh. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т: Ўзбекистон, 2017. Б. 45.

**1-SHO'BA**  
**FILOLOGIK FANLARNI O'QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA DAVLAT**  
**ME'YORIY HUJJATLARINING O'RNI**

**ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ – ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ УЗЛУКСИЗ**  
**РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ВОСИТАСИ**

*Р.Д.Юлдашев*

*Самарқанд вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи*

Жаҳондаги олий таълим тизими асрлар оша жамиятнинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга хизмат қилувчи мутахассисларни тайёрлаш билан бир қаторда доимо янги нарсаларни кашф этиш, ихтиро қилиш, борларини такомиллаштириш билан ҳам мунтазам равишда шуғулланиб келмоқда. Айниқса, бугунги кунда ер юзида яшовчи аҳолининг йилдан йилга ортиб бориши натижасида уларнинг эҳтиёж ва манфаатларини қондирувчи турли хил шакллардаги неъматларни яратишга масъул бўлган моддий ва маънавий ишлаб чиқариш соҳасида қўлланиладиган техника ва технологияларнинг янги авлодини яратиш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу деган сўз, жамият ҳаётининг барча соҳаларида узлуксиз тарзда модернизациялаш ишларини ошириш, унга нисбатан инновацион ёндашишни ташкил этиш демакдир.

Хўш, инновация нима? Бу саволга «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да: «Инновация [ингл. innovation – киритилган янгилик, ихтиро] – техника ва технологиянинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида иқтисодиётга сарфланган маблағлар; илғор техника ва технология, бошқариш ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ва уларнинг турли соҳаларда қўлланиши; муайян тилда, асосан, унинг морфология соҳасида энг сўнгги даврларда пайдо бўлган янги ходисалар (тил бирликлари)<sup>1</sup>», «Фалсафа: энциклопедик луғат»ида: «Инновация (инг. innpovationas — киритилган янгилик, ихтиро) — олдин мавжуд бўлмаган предмет, тузилма, қадрият ва фаолият методлари (технологиялари)ни яратиш, пайдо бўлган янгиликларни белги, образ ва символларда ифодалаш, ижтимоий ўзлаштириш ҳамда тарқатиш орқали жамият ва инсон ҳаётининг барча соҳаларига татбиқ қилиш жараёни»<sup>2</sup>, «Большая экономическая энциклопедия»да: «Бозорнинг истиқболли талабидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришга лойиҳавий, технологик, моддий, ташкилий жиҳатларга янгилик киритиш билан боғлиқ фаолият»<sup>3</sup>, – деган таърифлар келтирилган бўлса, олимлардан И.Т.Балабанов: «Инновация – янги техника ва технология, меҳнат, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқарув, шунингдек, назорат, ҳисоб-китоб, режалаштириш услублари, таҳлил ва бошқаларни ташкил этишнинг янги шаклларига маблағ киритиш орқали эришилган моддийлашган натижадир»<sup>4</sup>, С.Е.Крючкова: «Инновация илмий тадқиқот фаолиятининг мавжуд шакл ва усулларини янгилашга, уларни амалга ошириш учун янги мақсад ва воситалар яратишга қаратилган парадигмал фаолиятдир»<sup>5</sup>, Н.А.Шермухамедова: «Инновация деб илмий техник ютуқлардан самарали фойдаланишга айтилади»<sup>6</sup>, – деган таърифларни

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати.Ж.П. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.212.

<sup>2</sup> Фалсафа: энциклопедик луғат.– Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.138 (344-бет)

<sup>3</sup> Большая экономическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2007.– С.257.

<sup>4</sup> Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент.– СПб.: «Питер», 2000.– С.11.

<sup>5</sup> Крючкова С.Е.Инновация и их роль в современном мире// Синергетика–нелинейность – глобализм. Гл. в кол.монография. – М.: Изд-во МГТУ «Станкин»,– С.57.

<sup>6</sup> Шермухамедова.Илмий тадқиқот методологияси. Дарслик.– Т.:«Fan va texnologiya», 2014.– Б.174.

берганлар.

Юқорида келтирилган барча таъриф ва тавсифларни умумлаштирадиган бўлсак, *биринчидан*, инновация – бу ҳар қандай ғоядан эмас, балки энг илғор ғоялардан ташкил топадиган; *иккинчидан*, энг илғор ғоя эса фан ва техника ютуқларида мужассамлашган; *учинчидан*, ютуқлар илғор техника ва технология сифатида ўзини намоён қиладиган; *тўртинчидан*, жамият ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида қўлланиладиган; *бешинчидан*, қўлланиладиган жойида янги бир сифатий ўзгаришларни келтириб чиқарадиган воситалардан бири эканлигини кўраемиз.

Ушбу масалани ёритишда инновациянинг қандай турлари мавжуд деган савол туғилиши, табиийдир. Бу хусусда М.Қ.Пардаев, Т.Х.Мамасоатов, О.М.Пардаевлар инновацияни қуйидаги белгилар: «яратувчилари; рақобатбардошлик омиллари; манфаатдорликни ифодалашлари; амалиётга жорий қилишлари; иқтисодий мазмуни; тармоқлар; вақт доирасида амал қилишлари»<sup>1</sup> нуктаи назари бўйича таснифлайдилар, яъни турларга ажратадилар. Бундай таснифни биз янгилик сифатида қабул қилар эканмиз, инновациянинг ижтимоий ҳаётнинг таълим тизими тармоқларида, хусусан, олий таълимда қўлланилиши ҳақида фикр билдиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганимизни инобатга олган ҳолда «Таълим тизими нима?» – деган саволга жавоб беришдан бошлашни лозим топдик.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 9-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;
- таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;
- таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек, уларга қаршли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

«Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир», – деб белгилаб қўйилган бўлиб, унинг қуйидаги: «мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими; олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим»<sup>2</sup>(10-модда) турлари шаклида амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган. Қонунда кўрсатилган талабларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда таълим тизими тушунчасига қуйидагича фалсафий таъриф бериш мумкин. **Таълим тизими** – бу давлат ва илмий жамоатчилик томонидан тасдиқланган ва эътироф этилган дастурлар асосида таълим-тарбия бериши, илмий изланишларни олиб бориши, бошқариши каби ишлар билан шугулланувчи муассасалар, ташкилотлар, корхоналардан иборат бўлган объектлар ва таълим-тарбия берувчи ва олувчи, илмий изланишларни олиб боровчи, бошқариши ва хизмат кўрсатиши билан шугулланувчи субъектларнинг диалектик бирлиги асосида узлуксиз тарзда юритадиган фаолиятининг макон ва замонда жойлашувидир. Таълим тизими ўзгарувчан хусусиятга эгадир. У барпо этилаётган, яъни тарих саҳнасига келган ва келаётган давлатларнинг моҳиятига қараб ўзгариб туради. Тоталитар бошқарувга асосланган давлатда маъмурий-буйруқбозликка асосланган таълим тизими мавжуд бўлса, демократик бошқарувга асосланган давлатда халқчил, гуманистик таълим тизими қарор топади. Шу билан бир қаторда, таълим тизимида дунёвий ёки диний таълимларнинг нисбатига қараб дунёвий мазмундаги таълим тизими ёки диний йўналишдаги таълим тизими ҳам мавжуд бўлади. Бизнинг мамлакатимиздаги таълим тизими халқчил, гуманистик, дунёвий характерга эга

<sup>1</sup> Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация – иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари. Монография.–Т.:Наврўз, 2014.– Б.43. (104 б.)

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Таълим тўғрисида//Таълим фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.:Адолат, 2008.– Б.37-38.

бўлган таълим тизими ҳисобланади. Таълим тизимини ривожлантириш давлат тузилишининг мазмун-моҳиятига қараб амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бизнинг мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш учун йилига давлат бюджетининг 34,6% маблағи (10860,5 млрд.сўм) ажратилади<sup>1</sup>. Холбуки, бу кўрсаткич дунёдаги ривожланган мамлакатларда 10-15% дан ошмайди. Бу деган сўз, бизнинг мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантиришдан мақсад келгусида халқимизнинг қилаётган малакали билимига асосланган жўшқин меҳнатига яраша яхши ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилганлигини билдиради. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш борасида қабул қилинган қонунларда бўлгилаб қўйилган таълим турлари бўйича инновацион сиёсат олиб борилмоқда.

Давлатнинг жамият ижтимоий тараққиётининг узлуксизлигини таъминлашда олиб борадиган инновацион сиёсат таркибидаги муҳим бўғинлардан бирини – инновацияни таълимнинг бир тури (инновацион таълим) сифатида олий таълим тизимига жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, олий таълим ижтимоий ҳаётнинг барча соҳа ва соҳа ичидаги тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

**Инновацион таълим** – бу таълим-тарбия бериш ва олиш субъектларининг тизимлаштирилган билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш борасида энг янги ғояларнинг фан ва техника ютуқларида мужассамлаштирилган, илғор техника ва технология сифатида ўзини намоён қилган, ўқитиш ва ўргатишда янги сифатий ўзгартиришни келтириб чиқарадиган воситалардан фойдаланиш орқали муайян натижаларга эришишини таъминлайдиган узлуксиз кечадиган жараёнлардан ташкил топган бир яхлит тизимдир. Олий таълим тизимида юз берадиган инновацион таълим жараёнларининг шаклланиши ва кечишини қуйидаги:

*биринчиси* – бу янги энг илғор ғоянинг вужудга келиши ва шу асосда янгиликларни яратиш концепциясининг пайдо бўлиши;

*иккинчиси* – янгилик яратиш концепцияси асосида ихтиро қилиш, яъни янгиликни яратиш;

*учинчиси* – яратилган янгиликни амалда қўллаш билиш;

*тўртинчиси* – янгиликни кенг татбиқ қилиш;

*бешинчиси* – янгиликнинг ҳукмронлик қилиши;

*олтинчиси* – янгиликнинг навбатдаги муқобилининг пайдо бўлиши;

*еттинчиси* – мавжуд янгиликнинг пировардида эскиликка айланиши, муқобил янгиликнинг инновацион объектни бир сифатий босқичдан иккинчи юқорироқ сифатий босқичга ўтишини таъминлаш каби босқичларга ажратиш мумкин<sup>2</sup>.

Олий таълим тизимида инновацион таълимни жорий этишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Буларга:

а) олий таълим контингенти саводхонлик даражасининг бошқаларга қараганда юқорилиги, яъни уларнинг асосий қисми дунёвий илмларни пухта эгаллаган профессор-ўқитувчилар ҳамда муайян илмий фалсафий дунёқарашга эга бўлган талабалар ташкил қилиши;

б) олий таълимда таълим ва тарбия ҳамда илмий ижод ва илмий тадқиқотларнинг диалектик тарзда уйғунлашиб кетганлиги;

с) моддий-техника базаси ва илмий салоҳиятнинг кучлилиги ва кенг камровлилиги;

д) етакчи олимлар томонидан шакллантирилган илмий мактабларнинг ворисийлик анъаналарига мос равишда фаолият олиб бориши;

е) ҳар бир янги ғоя, илмий кашфиёт, ихтиро, амалий ишланма ва ҳоказоларнинг қанчалик жамият ҳаётида ўрни ва умри борлигини аниқлаб берувчи илмий экспертларнинг

<sup>1</sup> Ўзбекистон рақамларда 2015 йил.–Т.:Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси Тезкор матбаа ва техник хизмат кўрсатиш бўлими, 2015.– Б.27, 31.

<sup>2</sup> Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2006. – Б.19.



фаолият олиб бориши;

f) олий ўқув юртлари ўртасида илмий ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги;

g) хорижий мамлакат олий ўқув юртлари билан ўқув ва илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бўйича тажриба алмашишнинг ташкил этилганлиги;

h) замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларини воқеликка айлантиришда профессор-ўқитувчиларнинг касбий-инновацион компетентлик даражаларининг борлиги кабиларни аниқ ҳисобга олиш керак бўлади.

Инновацион таълимнинг таркибий қисмларини – анъанавий таълим тизимини сифатий жиҳатдан ўзгартиришга ёки тубдан такомиллаштиришга қодир бўлган энг илғор ғояларнинг моддийлашишидан вужудга келган мутлақо янги типдаги техника ва технологияларни таълим жараёнига киритишда қўлланиладиган воситалар ва усуллар ташкил қилади. Бунда қўлланиладиган инновацион **воситаларга**: дарслик, ўқув қўлланма, ахборот ва техник курилмалар, кўргазмали куруллар, радио, телевидение, компьютер, видеoprojectор, лаборатория жиҳозлари, рамзий белгилар, тасвирий кўргазмали материаллар; инновацион **усулларга** эса – «Ақлий ҳужум», «Дебат», «Гуруҳларда ишлаш», «Модификациялашган таълим», «Импровизация», «Мультимедиа», «Бумеранг технологияси», «Скорбей технологияси», «Елпиғич технологияси», «Муаммоли вазият», «Танқидий тафаккур» ва ҳоказолар киради.

Инновацион таълимнинг объектини **онтологик** жиҳатдан энг илғор ғояларнинг моддийлашишидан ҳосил бўлган мутлақо янги нарсалар, ихтиролар, кашфиётлар; **гносеологик** асосларини эса уларни кашф қилган, кенг татбиқ этишга киришган ёки ўзлаштиришга ҳаракат қилаётган субъектлар ҳамда улар томонидан тўпланган билимлар ташкил қилади. Инновацион таълимнинг объекти ва субъекти ўртасида қатъий белгиланган чегаралар мавжуд эмас. Улар **аксеологик** жиҳатдан кўпчиллик учун моддий ва маънавий кадрият мақомига эга бўладиган феноменлар қаторига киради. Чунки, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётига киритилган ҳар бир янгилик, иновацион характерга, яъни қўлланиш соҳасидаги тизимни сифат жиҳати бўйича бир ҳолатдан бошқа янги ҳолатга ўтказиши ёки уни тубдан такомиллаштириши миллий ва умуминсоний манфаатларга мос келса, у албатта, кадрият мақомига эга бўладиган янги феномен ҳисобланади. Кадриятлар эса ҳамма вақт жамиятнинг ижтимоий тараққиётига хизмат қилиб келган. Шундай экан, иновацион таълим – нафақат олий таълимнинг узлуксиз ривожланишини, балки бутун жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий тараққиётини таъминловчи энг оптимал воситалардан бири ҳисобланади.

## UZLUKSIZ TA'LIM TIZIMIDA ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*А.Э. Курахмедов*

*СамДУ,*

*Д.Б. Расулова*

*Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

XXI асрга қадам қўйган заковатли инсон тафаккур ва интеллектнинг юқори даражасига эга бўлиши қанчалик зарур моҳият касб этаётганлигини доимо ҳис этиб яшамокда. Бу талаб эса ҳар қадамда бизларни сезгирликка ундайди. Замонавий билимлар нафақат инсонларнинг саводхонлигини оширишда, балки уларни жамият ҳаётидаги ислохотларда иштирок этишига, дунёда рўй бераётган воқеаларни идрок этишга ва уларга нисбатан муносабат билдира олишида ҳам намоён бўлади. Шунингдек, ҳозирги дунёнинг ҳар қандай чақириқларига жавоб бера оладиган рақобатбардош, малакали кадр сифатида фаолият олиб боришида ҳам асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Ана шу каби омиллар таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш талабини янада долзарб масалага айлантирди. Айниқса, филологик фанлар тизимида хорижий тилларни ўқитиш жараёни бунда алоҳида ўрин тутди. Мазкур жараёни самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 10-декабрдаги “Чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида узлуксиз таълим тизимида чет тилларини ўрганишнинг ўзига хос бўлган дастури ишлаб чиқилди.

Қарорда асосий мақсад “Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратишдан иборат”<sup>1</sup>, - деб таъкидланган.

Олдимизга қўйилган мазкур мақсадни амалга ошириш, ўз навбатида бир неча устувор вазифаларни белгилаб берди. Чет тилларни ўқитишда илғор хорижий технологиялар ўрганилиб, улар маҳаллий шароитимизга мослаштирилган ҳолда татбиқ этилди. “Умумевропа стандарти бугунги кунда хорижий тилларни ўқитишда интерфаол-коммуникатив методдан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Шундай экан, мамлакатимиз таълим тизимининг барча босқичларида чет тилини ўқитишни жаҳон андозалари даражасига етказиш учун илғор давлатлар тажрибасидан оқилона фойдаланиб, узлуксизлик ва узвийликка асосланган Давлат таълим стандартлари асосида чет тиллар бўйича янги авлод дарсликларини яратиш долзарб масалалардан бирига айланди”<sup>2</sup>.

Шунга мувофиқ равишда, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ва ўқитувчилари чет тиллар бўйича дарсликлар, ўқув-услубий комплекслар билан таъминланди. Ҳар бир таълим босқичида чет тилларни билиш даражасининг аниқ мезонларини назарда тутувчи янги таълим стандартлари тасдиқланди. Умумий ўрта таълим мактабларининг биринчи синфидан бошлаб чет тиллар таълимини узлуксиз жорий этилишини, шунингдек таълимнинг барча босқичларида унинг давомийлиги назарда тутилди.

Халқаро эътироф этилган стандартларнинг талабларига мувофиқ чет тилларни билиш даражасини баҳолашнинг тест тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Ўрганувчиларни чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини аниқлашни тўлов асосида тест ўтказиш (жумладан, Интернет орқали масофавий) ва давлат намунасидаги тегишли малака сертификатини бериш тизими ташкил этилди. Натижада, узлуксиз таълимнинг барча босқичларида чет тилларини ўқитиш тизими самарали равишда такомиллаштирилди.

Республикамиз таълим тизимида амалга оширилаётган ана шундай ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатга келтирувчи кучи бу – инсон, унинг баркамол ривожланиши, шахсий қизиқишларини амалга ошириш шароитлари ва ҳаракатлантирувчи механизмларини ташкил этар экан, таълимда замонавий ахборот ва педагогик технологияларни қўллаш муҳим ўрин тутди.

Замонавий интерфаол усулларни хорижий тилларни ўқитишда қўллаш бошқа фанларга нисбатан қулай ва самаралилиги билан ажралиб туради. Бу усуллар ҳар бир алоҳида дарс мавзусини ўтишда ўзига хос хусусиятларга эга. Турли дидактик ва ролли ўйинлар ўқувчиларнинг таълим жараёнида олган билим, кўникма ва малакаларидан фойдалана олиш компетенциясини шакллантиради.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2012 йил, 10-декабрь //http.lex.uz

<sup>2</sup> Ходжиева Р. Чет тили дарсликларининг замонавий авлодини ишлаб чиқишга доир педагогик тавсиялар // Халқ таълими. 2017, №3, - 68-69 б.

Шундай экан, узлуксиз таълимнинг барча босқичларида чет тилларини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда, янгича ёндашувлар, ўқитишдаги ўзига хос дидактик тамойиллар таклиф этилмоқда.

Мутахассисларнинг тадқиқотларида “Мақтабгача таълим муассасаларида болаларнинг ёши ва дунёқарашига мос равишда чет тиллари ўйин тарзида, оғзаки нутқ шаклида, мультимедиа технологиялари ва интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда ўргатилиши мумкин. Бошланғич синфларда чет тилини ўрганишда ўйин усулидан фойдаланиш самарали бўлиб, бунда ўқувчининг коммуникатив кўникмалари ривожланади”<sup>1</sup>, - деган кўрсатмалар берилмоқда.

Умумий ўрта таълим тизимида таянч компетенциялардан бири бўлган “*коммуникатив компетенция*”ни шакллантиришда чет тилларини самарали ўқитилиши алоҳида ўрин тутди. Умумий ўрта таълим узлуксиз таълим тизимида энг узоқ давом этадиган ва инсон ҳаётида сезиларли таъсир кўрсатадиган таълим босқичи бўлганлиги сабабли ҳам чет тилларни самарали ўқитиш баркамол авлод тарбиясига катта таъсир кўрсатади.

Ушбу таълим босқичида чет тилларнинг ўқитилишини самарали ташкил этиш натижасида ўқувчи-ёшларда қуйидаги ҳаётий кўникмалар шаклланади:

- чет тилларда бемалол оғзаки ва ёзма равишда мулоқотга кириша олиш;
- замонавий билимлар, хориждаги илмий янгиликлар натижаларини чет тилларда ҳам ўзлаштира олиш;
- дунё халқлари маданияти ва цивилизация намуналари (музыка, опера, театр)дан баҳраманд бўлиш;
- ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш имкониятларининг ошиши.

Энг асосийси, глобаллашув жараёнининг асосий хусусиятларидан бўлган ахборот хуружидан ҳимояланиш рефлекслари шаклланиб, ўқувчи-ёшларда ахборот билан ишлаш компетенцияси ривожлантирилади. Чексиз ахборот уммонидан фақат фойдали ва ўзига керак маълумотни танлаш ҳамда саралаб олиш имконияти ошади. “Ушбу ҳолатда коммуникатив компетенцияларнинг асосий компонентларидан: лингвистик, прагматик, социолингвистик ва стратегик компетенцияларга мурожаат қилинади ва ушбу кўникмалар орқали сўзлашиш малакалари ривожланади”<sup>2</sup>.

Бакалаврият ва магистратура босқичларида таҳсил олаётган талабаларда ахборот олиш ва уни қайта ишлаб, янги билимлар ҳосил қилиш кўникмаларини ривожлантириш учун алоҳида тавсиялар бериш мумкин. Масалан, оммавий ахборот воситаларида ёшларнинг манфаатлари ҳамда қизиқишларини инобатга олган ҳолда, телевидение, шу жумладан маҳаллий телеканаллар орқали болалар ва ўсмирларни хорижий тилларга ўргатиш бўйича кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда уларни трансляция қилиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илми ва техникасига бағишланган илмий-оммабоп хорижий бадий ҳамда мультимедиявий фильмларни ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида мунтазам кўрсатиб боришни амалга ошириш лозим.

Бундан ташқари, турли таълимга оид маҳаллий ва хорижий порталлар орқали таълим муассасаларининг халқаро таълим ва билим олиш манбаларига кириш имкониятларини сезиларли даражада орттириш, унинг ахборот ресурс марказини мультимедиа ресурслари, шахсий компьютерлар ва мобил ускуналар учун иловалар билан бойитиш, шунингдек, чет тилларда ўқув ва бадий адабиётлар, ихтисослаштирилган расмлар билан безатилган газеталар ва журналларни чоп этиш, уларга махсус рукнлар ҳамда иловаларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

<sup>1</sup> Ахмедова Н. Мақтабгача ва бошланғич таълимда чет тил ўқитиш жараёнини интенсификациялаш //Педагогика. 2015, №2. – 92 бет.

<sup>2</sup> Гулямова М. Чет тилларни ўрганувчи талабаларнинг коммуникатив компетенцияларини шакллантиришда “Role Play” методининг аҳамияти //Халқ таълими. 2017, №2, - 32 б.

Андрогогика (катталар таълими) тизимида ҳам чет тилларини ўқитиш ўзига хос ўрин тутди. Бундай вазиятда тил ўрганувчилар унинг фойдасини шахсий, касбий ва ижтимоий компетенцияларини оширишда ўзига хос аҳамият касб этишини тўғри англайди. Мазкур таълим турида педагогик жараён таълим субъектларининг қизиқиш ва эҳтиёжларига асосланган ҳолда ташкил этилади. Бунда таълим мақсадларининг хусусий даражаси ҳамда билимларни ўзлаштиришнинг амалий жиҳатларини ҳисобга олиш бирламчи мезон саналади.

“Шуни унутмаслик лозимки, катта ёшдаги таълим олувчиларда чет тилларни ўрганишга бўлган қизиқиш, одатда сертификат, диплом олиш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмайди, бу уларнинг ички ташаббуси орқали юзага келади. Катта ёшдаги таълим олувчиларнинг чет тилларни ўрганишга мотивацион йўналганлиги ёшларниқига қараганда кучлироқдир. Айнан мотивацион йўналганликнинг юқори эканлиги уларнинг дарс қолдирмасликлари, дарс жараёнида ҳар доим фаол бўлиши ва уйга берилган топшириқларни бажариш жараёнида ўз аксини топади”<sup>1</sup>.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, узлуксиз таълим тизимида хорижий тилларни самарали ўқитилиши катта аҳамият касб этади. Глобаллашув шароитида юртимизнинг дунё ҳамжамияти билан интеграциялашуви рақобатбардош, малакали кадрлар (дипломатлар, иқтисодиётчилар, таржимонлар, илмий ходимлар, маркетинглар, менежерлар)ни тайёрлаш эҳтиёжини оширади ва бундай мутахассисларни тайёрлашда чет тилларининг ўрганилиши муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, ёшларда ахборот билан ишлаш, замонавий билимларни ўзлаштириш, ахборот коммуникация технологияларидан юқори даражада фойдалана олиш кўникмаларини ривожлантириш билан бирга таълимнинг кейинги босқичларида иккинчи ва учинчи хорижий тилларни ўрганиш учун ҳам замин яратади.

## **ПЕДАГОГЛАР ИНДИВИДУАЛ ТАЪЛИМ ТРАЕКТОРИЯСИНИ ТУЗИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БОСҚИЧЛАРИ**

*А.А.Ибрагимов  
ЎзПФТИ*

Малака ошириш таълими муассасалари амалий фаолияти ва ўқув режа ва дастурларининг таҳлили ҳамда бир неча йиллик тажрибалар курсларда, жумладан, умумтаълим мактаблари тил ва адабиёт фанлари ўқитувчилари малакасини ошириш курсларида асосий эътибор педагог ходимларнинг умумий тайёргарлиги ва касбий компетентлигини оширишга қаратилишини, барча учун бир хилдаги усул ва методларнинг қўлланилаётганлигини, уларнинг касбий хусусиятлари индивидуализми, касбий маҳорат даражаси ва касбий дефицитлари етарличи инobatга олинмаётганлигини кўрсатди. Шу нуқтаи назардан, малака ошириш тизими олдида кечиктирмасдан ечилиши лозим бўлган муҳим вазифалар турибди. Шундай вазифалардан бири педагогни суwt объектдан фаол, мустақил, мақсадга интилуwчан, рақобатбардош, яъни педагогик фаолиятидан кўзлаган мақсад ва вазифаларини тушунадиган, қандай ва қай даражада касбий маҳоратга эга бўлиши лозимлиги, ўзининг имкониятлари ва қобилиятларини биладиган субъектга айлантиришдир. Демак, педагогнинг фаол ҳаётий ва касбий позициясини шакллантириш, дунёқарашини ўзгартириш ва касбий ривожланишининг индивидуал таълим траекториясини тузиш орқали касбий маҳоратини оширишга йўналтириш зарур бўлади.

А.В.Хуторской индивидуал таълим траекториясини таълим жараёнида ҳар бир ўқувчининг шахсий потенциалини рўёбга чиқаришнинг алоҳида ўзига хос йўли сифатида талқин қилади ва “...ўз таълимининг мазмуни, мақсади, вазифалари, суръати, ўқиш шакли ва

<sup>1</sup>Ходжаев Б., Абдиев А. Андрогогик таълимда чет тилларни ўқитишнинг айрим методологик масалалари // Халқ таълими. 2017, №2, - 64-65 б.

методлари, натижаларни баҳолаш ва назорат тизими каби асосий компонентларини педагог билан ўзаро келишилган ва англандан ҳолда танлаш” имкониятига эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Индивидуал таълим траекториясини тузиш ва амалга ошириш алгоритми қуйидаги чизмада келтирилган:



**Tashxis.** Birinchi bosqichda pedagogning boshlang'ich holati, ya'ni ayni vaqtdagi kasbii mahorati darajasi, kasbii qiyinchiliklari, ehtiёjlari va qiziqishlari, sub'yektiv pozitsiyasi, intellektual-ijodiy faoliatining individual uslubi va ўziga xos xususiyatlari aniqlanadi. Buning uchun kompleks kasbii tashxis ўtkaziladi. Tashxis anketa, test, suxbat metodlaridan foydalаниb maslahatchi bilan hamkorlikda ўtkaziladi. Шу ўrinda alohida taъkidlash lozimki, pedagogning ўz-ўzini tashxislash, ўz-ўzini taхлил қилиш, ўz-ўzini baҳолай олиш тажрибаси hamda шахсий потенциали, kasbii defitsitlari va imkoniyatlari chegarasini anglashi va turғun motivga эга бўлиши жуда ham муҳим. Чунки педагог ўzini kasbii anglashi orқалигина faoliatидан maqsad va vazifalariga эришиш vektorини қўра олиши mumkin.

**Maqsadni aniqlashtirish.** Mazkur bosqichda ўtkazilgan tashxis natijalariga қўра mалака ошириш maqsadi (mалака ошириш maqsadining individual tanlovi) va kutiladigan natijalar belgilanadi. Maqsadni belgilashda nafaqat pedagogning kasbii qiyinchiliklari va ehtiёjlari, balki tashqi talablar (davlat va jamiyat buyurtmasi, taъlim muassasasi ehtiёjlari, ota-onalar, ўquvchilar takliflari) mutanosibliги ham inobatga olinadi.

**Mazmunni shakllantirish.** Pedagog individual taъlim traektoriyasining mazmunini loyixalashda mavjud resurklar moslashtiriladi. Avval mалака ошириш ўquv rejalarining invariant qismi, ya'ni ўzlashtirilib majburiy бўлган (tayanч) modulлар bilan taniishtiriladi, keyin esa maslahatchi bilan birgalikda dasturning variativ qismi shakllantiriladi. Bu qism mалака ошириш ўquv rejalarining variativ modulлари, turli metodik tadbiqlarda ish tiroqi, loyixalar tayёрlash (ёки ilg'or тажрибасини) va tatbiқ қилиш, mustaqil taъlim va бошқа pedagogik faoliatiga доир ishлардан iborat бўлиши mumkin. Loyixalangan mazmun қўйилган maqsadga эришиш uchun эгалланadigan bilim, қўникма va kompetensiyalarni tўliқ қамраб олиши зарур.

Dasturning metodistlar va pedagogning mutaxassisligiga mos бўлган кафедра ўqituvchilari bilan birgalikda ishlab чиқилиши зарурий taomil бўлиб, unda invariant modulлар soni va soatlari miқdori aniq қўrsatiladi va ихтиёрий miқdorдаги variativ modulлар belgilanadi.

**Marsrutni belgilash.** Bu bosqichda pedagogning mалака ошириш taъlim ish tirokchilari bilan ўzaro taъsir mexanizmi va хarakat йўналишлари belgilanadi. Unda педагог maslahatchi bilan hamkorlikda mалака ошириш shakllarini (anъnaviy ёки masofadan mалака ошириш kurslari, хarakatдаги ўquv mashғulotlari, ustoz-shogird tizimi,

стажировка, билвосита малака ошириш, маҳорат мактаби, турли методик тадбирлар ва б.), вақт мезонлари, ҳисобот, таҳлил ва назорат турларини белгилайди. Индивидуал таълим маршрути таълим муассасаси раҳбари тасдиғидан ўтказилиб, тегишли келишувлар воситасида меъёрий жиҳатдан мустаҳкамланган сўнг уни амалга ошириш жараёни бошланади.

**Амалга ошириш.** Белгиланган индивидуал таълим маршрути маслаҳатчининг илмий-методик ҳамроҳлигида ва тажрибаларига таянган ҳолда амалга оширилади. Бу босқич жуда мураккаб бўлиб, педагогнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришишида саботлилиги ва масъулиятни зиммасига ола билишини белгилайди. Педагогнинг маҳорати индивидуал фаолиятини мақсадли ташкил қилиш, самарали амалга ошириш воситаларини қидириш, фаолиятини таҳлил қилиш мезонларини белгилай олиши, таҳрир қилиши ва баҳолай олиши, аниқ муддатлар билан ишлай олишида кўринади. Зарур ҳолларда маслаҳатчи билан биргаликда қўшимча мутахассислар жалб қилинади ёки маслаҳатлашилади.

Жараёнда индивидуал таълим траекторияси унинг мақсади ва мазмуни, амалга ошириш стратегиялари ва тактикаси таҳрири натижасида ўзгариши мумкин. Маршрут давомида педагог малака ошириш шакллари (масалан, анъанавийдан масофавийга ёки тескариси), танланган вариатив модуллар (масалан, қайсидир модуллардан воз кечиш ва бошқасини танлаш) ва белгиланган вақтни ўзгартириши мумкин.

**Таҳлил ва рефлексив баҳолаш.** Бу босқич якуний бўлиб, унда жараёндаги фаолиятнинг таълимий маҳсулотлари намён қилинади, натижалар таҳлил қилинади ва қўйилган мақсадларга солиштирилади. Рефлексия индивидуал суҳбат, ўз-ўзини баҳолаш ва таҳлил қилиш, ўзаро баҳолаш ва назорат, ўзгаришларни таққослаш, рефлексив эссе шаклларида ташкил этилади.

Шундай қилиб, касбий ривожланиш индивидуал таълим траекторияси педагогга касбий компетентлигини такомиллаштиришга фаол интилиш, тезкор рефлексив ростлаш ва илмий-методик ҳамроҳлик асосида касбий ва шахсий индивидуаллигини кўрсатиш ва исботлаш, кадриятли-англанган дунёқараши ва этиқодини юксалтириш, илғор тажрибаларини намён қилиш ва оммалаштириш, алоҳида ўзига хос бўлган касбий маҳоратини ўстиришга шароит яратади.

## САМООБРАЗОВАНИЕ ПЕДАГОГОВ – ГЛАВНЫЙ ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ

*Л.Б.Орымбетова*  
*ИППКРНО Республики Каракалтакстан*

Профессиональный и личностный рост педагога определяется как компетентность. В наиболее общем понимании «компетентность» означает соответствие предъявляемым требованиям, установленным критериям и стандартам в соответствующих областях деятельности и при решении определённого типа задач, обладание необходимыми активными знаниями, способность уверенно добиваться своих результатов и владеть ситуацией.

Совершенствование качества обучения и воспитания в школе напрямую зависит от уровня подготовки педагогов. Один из методов подготовки –самообразование педагогов.

**Самообразование** – это целенаправленная познавательная деятельность учителя, которая является одним из главных факторов повышения качества образования.

Можно ли стать хорошим учителем? Наверняка, этот вопрос волнует человека, посвятившего себя работе с детьми. Педагоги и психологи утверждают: можно. Но педагогическому мастерству учатся, как учатся искусству музыканта, хирурга, летчика, даже если есть талант. И здесь должно быть главное – любовь к детям.

Совершенствование качества обучения и воспитания в средней школе напрямую зависит от уровня подготовки педагогов. Но зачастую критерием мастерства учителя служит стаж его профессиональной деятельности. Можно слышать реплики: «Я посвятил(а) этой профессии 20, 30, 40 ... лет». Много это или мало? Думается, для педагога не бывает много или мало. Конечно, с годами приходит мастерство, можно учиться на всем, что позволяет избежать ошибок.

Неоспоримо, что уровень профессионализма должен расти постоянно, и в этом случае эффективность курсов повышения квалификации, семинаров и конференций невелика без процесса самообразования учителя. Самообразование – есть потребность творческого и ответственного человека любой профессии, тем более для профессий с повышенной моральной и социальной ответственностью, каковой является профессия учителя.

Самое главное – это желание учителя работать над собой и способность творить, учиться, экспериментировать и делиться своими знаниями и опытом, приобретенными в процессе самообразования.

В.А.Сухомлинский говорил: «Ученик - человек величайшего труда. Облегчайте ему подвиг познания!» Современные стандарты по русскому языку и литературе требуют воспитания духовно развитой личности, способной к созидательной деятельности в современном мире, формирования гражданской позиции, чувства патриотизма, любви к литературе и языку, к ценностям родной культуры, социализированной и адаптированной к жизненным условиям. В этом суть и назначение учительского труда.

Самообразование – это целенаправленная работа педагога по расширению и углублению своих теоретических знаний, совершенствованию имеющихся и приобретению новых профессиональных навыков и умений в свете современных требований педагогической и психологической наук. Педагог должен в течение учебного года или другого периода времени углублённо заниматься проблемой, решение которой вызывает определённые затруднения или которая является предметом его особого интереса.

Вот как определяет понятие «самообразование» педагогический словарь: «Самообразование, целенаправленная познавательная деятельность, управляемая самой личностью; приобретение систематических знаний в какой-либо области науки, техники, культуры, политической жизни и т.п. В основе самообразования – интерес занимающегося в органическом сочетании с самостоятельным изучением материала».

Если процесс образования осуществляется добровольно; осуществляется сознательно; планируется, управляется и контролируется самим человеком, то речь идет о самообразовании.

Общество всегда предъявляло, и будет предъявлять к учителю самые высокие требования. Для того чтобы учить других, нужно знать больше, чем все остальные. Учитель должен знать не только свой предмет и владеть методикой его преподавания, но и иметь знания в близлежащих научных областях, различных сферах общественной жизни, ориентироваться в современной политике, экономике и др. Учителю нужно учиться всему постоянно, потому что в лицах его учеников сменяются временные этапы, углубляются и даже меняются представления об окружающем мире.

Способность к самообразованию не формируется у педагога вместе с дипломом педагогического ВУЗа. Эта способность определяется психологическими и интеллектуальными показателями каждого отдельного учителя, но не в меньшей степени эта способность вырабатывается в процессе работы с источниками информации, анализа и самоанализа, мониторинга своей деятельности и деятельности коллег.

Процесс самообразования предполагает самостоятельно добывать знания из различных источников и использовать эти знания в профессиональной деятельности. Приходится использовать свои источники знаний: телевидение, газеты, журналы, литература (методическая, научно-популярная, публицистическая, художественная и др.),

интернет, видео, аудио информация на различных носителях, семинары и конференции, мастер-классы

В общем случае, все источники делятся на источники знаний, способствующие личностному росту, и источники, способствующие профессиональному росту. Однако они могут способствовать и тому и другому одновременно. Все формы самообразования можно условно поделить на две группы: индивидуальная и групповая. В индивидуальной форме инициатором является сам учитель, однако руководители методических и административных структур могут инициировать и стимулировать этот процесс. Групповая форма в виде деятельности методического объединения, семинаров, курсов повышения квалификации обеспечивает обратную связь между результатами индивидуального самообразования и самим учителем.

Необходима постоянная работа по изучению и внедрению новых педагогических технологий, форм, методов и приемов обучения. Посещение уроков коллег и участие в обмене опытом. Периодическое ведение самоанализа своей профессиональной деятельности. Совершенствование своих знаний в области классической и современной психологии и педагогики. Систематический интерес к событиям современной экономической, политической и культурной жизни. Повышение уровня своей эрудиции, правовой и общей культуры. Чем больше информации, методов и инструментов в своей работе использует учитель, тем больше эффект от его работы. Самое главное – это желание учителя работать над собой и способность учителя творить, учиться, экспериментировать и делиться своими знаниями и опытом, приобретенными в процессе самообразования.

Сейчас нашей стране нужны физически и нравственно здоровые люди. Необходимо воспитывать именно таких людей, которые смогут поставить нужные цели и не побоятся сложностей на пути их достижения. Учитель – рупор образования, который вправе выбирать свои методы и формы работы с детьми, свою педагогическую технологию, и каждый педагог обязан работать во благо развития ребёнка.

## **ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ДАВЛАТ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ЎРНИ**

*Б.И.Усманов, Ш.А.Холбаев  
Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

Юртимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар таълим соҳасида ҳам изчил ва узлуксиз ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Шунингдек, ёшларимизнинг баркамол шахс бўлиб етишишда ҳозирги вақтда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларимизнинг мазмун – моҳиятини англаб олиши долзарб масала бўлиб қолмоқда. Мазкур ёндашувда педагогларнинг масъулиятини кучайтириш айни муддао бўлади. Шунингдек, иқтисодий фанларни ўқитиш самарадорлигини оширишда давлат меъёрий ҳужжатларининг ўрни катта ҳисобланади.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида «Яна бир муаммони ҳал этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади: бу – педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий кадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол қўмак берадиган муҳитни яратиш зарур», -дея таъкидладилар.

“Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ умумтаълим фанларини ўқитишнинг



узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, замонавий методологиясини яратиш, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни ташкил этиш мақсадида “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Мазкур қарорнинг 1-илоvasи билан Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти тасдиқланди.

Давлат таълим стандартининг мақсадини қуйидаги чизмада ифодалаймиз:



1-чизма. Давлат таълим стандартининг мақсади.

Халқ таълимининг мактаб тизимидаги 8-синфда бугунги кунда ўтилатган “Иқтисодий билим асослари” дарслигининг 26-мавзуси “Бозор иқтисодиёти”, 27-мавзуси “Ўзбекистон бозор иқтисодиёти сари” деб номланиб, мазкур мавзуларда Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларига, малака ошириш тингловчиларига “Иқтисодиёт масалалари” ўқув модулида эса “Ўзбекистон иқтисодиётининг модернизациялашган шароитда давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари” мавзуси акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 6 апрелдаги 187-сонли “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори асосида ишлаб чиқилган ўқув дастурида “Ўзбекистон бозор иқтисодиёти сари” мавзуси таркибига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегиясини қўшиб ўрганиш киритилди.

Компетенцияга асосланган давлат таълим стандартининг ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этилишидан мақсад аҳолининг фаровонлигини ошириш, уларнинг турмуш даражасини яхшилашдан иборат. Умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талаблари иқтисодий саводхонлик ва иқтисодий маданиятга эга бўлиш компетенцияларини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, мазкур Фармон билан 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Мазкур Ҳаракатлар стратегиясининг беш устувор йўналиши орқали ўқувчиларимизда таянч ва хусусий компетенцияларни шакллантириш мумкин.

Муҳтарам юртбошимиз “Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда”, - дея таъкидлаганларидан, шунингдек давлат ва ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган ва қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларимизни тарғиб қилиш, шунингдек, одамларимизга содда ва аниқ қилиб тушунтириш биз педагогларимизга каттадан катта масъулият юклайди.

## ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО СОВРЕМЕННОГО УЧИТЕЛЯ

*М. К. Айымбетов*  
*Нукусский ГПИ*


В связи с бурным развитием информационной индустрии уже в 2030-2040-х годах ожидается массовая замена книгоиздательских учебников на электронные учебники нового поколения. Это говорит о том, что ученики всей планеты будут достаточно обеспечены необходимыми электронными книгами. То есть в это время намечается сверхполная насыщенность информацией в будни народного образования. Такое обновление нашего общества будет сопутствовать резким изменениям психологии ученического коллектива. В этом плане совершенствование педагогического мастерства без сомнения займет одной из центральных задач образовательной системы.

Здесь уместно отметить, что в этой системе работают такие учителя, которые вошли в наше общество не только полученными знаниями по учебникам, но также имеющие природными дарами высоким педагогическим мастерства. Они, сочетая приобретенные навыки и полученные знания, в учебных заведениях добиваются небывалых успехов. На самом деле такие педагоги встречаются довольно редко. В настоящее время мы не имеем возможности привести статистических данных о таких специалистах. Однако надо отметить, что развитие и судьба народного образования во многом зависит от одаренных наставников. Поэтому уместно изучить особенности педагогического мастерства таких учителей и применить их опыт в педагогическом коллективе.

В сфере народного образования они отличаются нижеследующими признаками:

- во-первых, нравственностью и скромностью;
- во-вторых, высоким авторитетом в коллективе;
- в-третьих, ведут занятия на высочайшем уровне;
- в-четвёртых, всегда поддерживают дружескую связь с учениками;
- в-пятых, в короткий срок справляются с трудновоспитуемыми учениками и заслуживают их уважения;
- в-шестых, в напряжённой обстановке ведут себя спокойно и умеренно.

Многолетние наблюдения показали, что они своё мастерство осуществляют в нижеследующей системе:




Эта система состоит из шести блоков. В первом блоке расположен референт. Это научно-технический термин, который включает в себе объекты внешнего мира, отношения между людьми, различных явлений и процессов.

У одарённых учителей референт отражается таким, каким он есть. Своеобразное точное отражение обеспечивает возможность точного диагностирования процессов, явлений, событий в будни народного образования.

Если им удаётся поставить точный диагноз, то появляются высокая вероятность принятия правильного решения.

Осуществляя комплекс правильных действий, можно добиваться положительных результатов.

Теперь рассмотрим обратную систему работы неопытных педагогов, которые иногда оканчиваются провалами.



Если референт не точно отражается в сознании педагога, то он не сможет поставить точный диагноз. В свою очередь, когда они не имеют возможности поставить соответствующий диагноз, то никогда не смогут принять правильное решение. Если не в силе принять правильное решение, то всегда будет сопутствовать неправильное действие, которое заканчивается провалом.

В этой системе между референтом и положительным результатом нет изначальной прямой связи. Она, прежде всего, восстанавливается педагогом. То есть благодаря его педагогическому мастерству воплощается связь между референтом и положительным результатом.

У одарённых учителей доминируют нижеследующие навыки, которые необходимы для получения положительных успехов в преподавательской работе:

- добиваются, чтобы ученики оставались не только обыкновенными слушателями, но также активными участниками в организации урока;
- в обладании актёрскими действиями;
- умелое видоизменение каждого урока 4 или 5 раз.

В заключении необходимо отметить, что с бурным развитием информационной индустрии оказывают значительное влияние на психологию ученического коллектива. В таких переменах и обновлениях требуются маневрированность, адаптация и максимальное совершенствование педагогического мастерства. В этой ситуации необходимо усвоить навыки педагогического мастерства компетентных учителей, которые являются приоритетным направлением в современной педагогической науке.

## БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИНГ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

*А. Абдуманнотов*  
Самарқанд ВХТХҚТУМОИ

Фалсафа қомусий луғатида: “*Меъёр* – объектнинг сифат ва миқдорий жиҳатлари ўзаро боғлиқлигини англайдиган; мазмун ва шакл, имконият ва воқелик ўртасидаги зарурий уйғунлик таъминланишини ифодаладиган фалсафий тушунча; *меъёрий қоида* – амалга оширилиши лозим бўлган ёки истисно қилинадиган хатти-ҳаракатлардир... меъёрлар илмий билишда қоидаларни, методларни, ҳуқуқий соҳада – ҳуқуқий норматив ҳужжатларни

(масалан қонунларни, кодексларни, буйруқларни ва шу кабиларни); *ахлоқ* – одоб меъёрларини ва бошқа соҳадаги норматив фикрларни ифода қиладилар”, - деб таъкидланган.

Педагогика фанидан изоҳли луғатда: “*Меъёрий ҳужжат* – ҳар хил фаолият турлари ёки уларнинг натижалаларига тааллуқли қоидалар, умумий қонун-қоидалар, тавсияларни ўз ичига олган ҳужжат. Таълим стандартлари тизимидаги меъёрий ҳужжатга Ўзбекистон Республикасининг таълим стандартлари киради”, - деб кўрсатилган.

Мамалакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар унинг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган. Бу борада қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг ўрни салмоқлидир. Бош Қомусимизнинг 41- моддасида: “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга, бепул умумий таълим олиш давлат тамонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”, - деб таъкидланади. Таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган ҳар қандай меъёрий ҳужжатлар бош Қомусимизга таянади.

1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ва ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган деб кўрсатилган. Шунингдек, шу йили қабул қилинган кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсади – “таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир”, - деб таъкидланади.

Мазкур ҳужжатларда бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилгандир. Бошланғич таълимнинг сифат ва самарадорлигини такомиллаштиришга қаратилган меъёрий ҳужжатлардан бири “Бошланғич таълим концепциясидир”. Ушбу меъёрий ҳужжатда бошланғич таълимнинг мақсад ва вазифалари, бошланғич таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишнинг илмий педагогик асослари, бошланғич таълимнинг мазмуни компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш, ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш, таълим жараёнига инновацион педагогик технологияларни ва ахборот коммуникация технологияларини татбиқ этиш, ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш, ўқувчиларнинг иқтидорлилик даражаларини аниқлаш ва иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, ота-оналар билан ҳамкорликни ташкил этиш, бошланғич синф ўқувчиларининг саломатлиги, бошланғич синф ўқитувчиси, компетенциясини ҳаётга татбиқ этиш чора-тадбирлари ўз аксини топган.

Таълим жараёни, шу жумладан, бошланғич таълимнинг сифат ва самарадорлигини таъминловчи меъёрий ҳужжатлардан бири давлат таълим стандартларидир. Маълумки, ДТС таълимнинг мазмунига ва сифатига қўйилган талаб бўлиб, бу муҳим ҳужжат Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган. 2017 йил 6 апрелда тасдиқланган “Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор таълим-тарбия соҳасини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш, ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Қабул қилинган янги ДТСнинг мақсади – маънавий баркамол ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат. Янги ДТС таркибига ўқув-фанининг мақсад ва вазифалари, умумкасбий фанларни ўрганиш лозимлиги, таянч ва фанга оид компетенциялар, таълим муассасаларининг битирувчиларига қўйилган малака талаблари, таянч ўқув режа, ўқув дастурлар жой олган. Янги ДТСда 4-синф ўқувчиларини А1 даража, умумтаълим фанлари чуқурлаштирилиб ўқитиладиган ихтисослашган мактабларнинг 4-синф ўқувчилари А1+ даража белгиланганлиги қайд этилган. Аниқроғи, А1 даражага эга бўлган ўқувчи содда матнларни тушуниши, уни тушуниб ўқиши, оғзаки нутқда сўз ва гаплар талаффузига риоя қилиши, 65-70 сўздан иборат диктант ёза олиши, хабар ва тасвирлар асосида 5-6 гапдан иборат матн тузиши, имло ва тиниш белгиларини тўғри қўллаши талаб қилинади.

Шунингдек, янги ДТСда технология (олдинги меҳнат), жисмоний тарбия, мусика, тасвирий санъат фанларидан алоҳида талаблар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, бошланғич синф ўқитувчиси меъёрий ҳужжатларни кенг қамровли (таянч) ўқув дастур, ўқув режа, ишчи ўқув режа, ишчи ўқув тақвим дастурлари, дарс ишланмасини етарли даражада билиши ва уларни амалиётда қўллаш малакасига эга бўлиши бевосита бошланғич таълимнинг сифат ва самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Яқинда мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди. Ушбу қарорда фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграцияси борасида амалга оширилаётган ишлар давомида ҳамда педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш, уларнинг касбий компетентлигини доимо ривожлантириш масаласи ўз ифодасини топган.

Белгиланган вазифаларнинг долзарблигидан келиб чиқиб, янгидан ташкил этилаётган ҳудудий марказларда барча йўналишдаги, шу жумладан, бошланғич таълим йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида таҳсил олаётган тингловчиларга меъёрий ҳужжатлар алоҳида блок сифатида ўқитилиши мақсадга мувофиқ.

### **ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРГА ЭҲТИЁЖ ВА УЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИММУНИТЕТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛЛАРИ**

*А.Р.Самадов  
СамДУ*

Бугунги кунда фуқаролик жамиятининг ривожланиши бизга нисбатан янги талабларни, янги имкониятлардан фойдаланишни вазифа қилиб қўймоқда. Биргина таълим тизимида бўлган ўзгаришлар, ислохотлар бунга яққол намоён бўлишидир. Таълим тизимидаги ислохотларни изчиллиги, тезлик билан муҳим қарорларни чиқарилиши бу глобаллашув даврининг талаби ва муҳим чақириқларига муносиб жавоблардир. Чунки ҳозирги замон педагог кадрларни сифати, маънавий-мақуравий иммунитетини ҳолати ва айни пайтда ёшларни тарбиясига масъуллигига қараб баҳо бермоқда. Бу тўғрисида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз нутқида шундай дейди: “...Айни вақтда бугунги мураккаб ва таҳликали дунёда ёшлар тарбияси биз учун энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиб қолаётганини ота-она, устоз-мураббий сифатида ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шунинг учун ҳам ёшларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, таълим-тарбия масаласида хато қилишга ҳеч қандай ҳаққимиз йўқ. Бу масалада хато қилсак, болаларимиз, фарзандларимизга, Ватанимизга хиёнат қилган бўламиз<sup>1</sup>”.

Дарҳақиқат, ёшларнинг тарбияси ҳар қачонгидан долзарб, ёшлар тарбиячиси, устоз-мураббийларни интеллектуал ҳолати, маънавий-ахлоқий иммунигети шакллантириш вазифаси жамият ва давлатнинг энг долзарб муаммоларидандир. Халқ таълими ва олий ва ўрта махсус таълим ўртасидаги корпоратив ҳамкорлик қилиши, маълум бир тизим ўзидан кейинги тизим билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ҳамкорлик қилиш зарурдир. Ҳозирги кунда янги чиқарилган қарорларга кўра педагог кадрларни “...қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг самарали шакллари жорий этишнинг илмий-методик ва ташкилий-методик норматив асосларини ишлаб чиқиш, таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини ҳисобга олиб, ижодий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг интерактив

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан. // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-khal-10-11-2017>.

усулларидан фойдаланган ҳолда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига юклатилган”<sup>1</sup>.

Янги жамият хусусиятлари, замоннинг геополитик манзараси ва янги технологияларни шиддат билан инсон таълим-тарбиясига кириб келиши бизни янгича фикрлашга, ҳаётга нисбатан янгича ёндашишга ундайди. Тарбияланаётган ўсмир ёшларда фуқаролик позициясини шакллантириш ва айни пайтда глобаллашув даврига мос билим бериш, маънавий-ахлоқий кадрларга содиқлик руҳида тарбиялаш миллий ғоянинг стратегик вазифаларидандир. Шунинг учун фан, таълим ва ишлаб чиқариш тизимида бирлашиш, инновацион технологияларни самарали қўллаш борасида турли соҳавий ислохотлар олиб борилмоқда. Фан, техника ва инновацион технологияларнинг ривожланиши натижасида ўқув-тарбия жараёнида интерфаол услублар (инновацион педогогик ва ахборот технологилари)дан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотларни ўзлаштирадиган ва ўзлаштирган билимларни ўзлари томонидан баҳолашга қодир бўлган, зарур қарорлар қабул қиладиган, мустақил ва эркин фикрлайдиган ёшлар керак. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари, яъни интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Педагог кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ислох қилиш ва уларни таълим олишларини оптималлаштириш борасидаги қилинадиган ишлар куйидаги ўзгаришларни олиб келиши мумкин:

*биринчидан*, малака ошириш тизимини узлуксизлиги ва доимийлиги янги масофавий шаклга ўтиб, инновацион таълим тизимини шакллантиради;

*иккинчидан*, таълим муассасалари моддий-техника базасини модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш, масофавий таълимни ҳар беш йилда эмас ҳар ойда ташкил қилиш механизмини яратади;

*учинчидан*, халқ таълимида анклав бўлиб қолган ўқитувчини олий таълим ютуқлари, илмий янгиликлари билан бирлаштириш самарали натижаларга олиб келади;

*тўртинчидан*, малака ошириш тизимида ўқитувчиларни маънавий-ахлоқий иммунитетини шакллантиришнинг турли миллий анъанавий ва хорижий методларини уйғунликда фойдаланиш имкониятлари пайдо бўлади;

*бешинчидан*, халқ таълими ва олий таълимни корпоратив, инновацион интеграциялашиши илмий янгиликлар, назария ва амалиёт, муаммо ва ечим технологиялари биргалашиб ишлаш механизмини яратади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори [http://uza.uz/oz/documents/pedagog-kadrlarni-tayyerlash-khal-talimi-khodimlarini-ayta-t-26-09-2017?ELEMENT\\_CODE=pedagog-kadrlarni-tayyerlash-khal-talimi-khodimlarini-ayta-t-26-09-2017&SECTION\\_CODE=documents&print](http://uza.uz/oz/documents/pedagog-kadrlarni-tayyerlash-khal-talimi-khodimlarini-ayta-t-26-09-2017?ELEMENT_CODE=pedagog-kadrlarni-tayyerlash-khal-talimi-khodimlarini-ayta-t-26-09-2017&SECTION_CODE=documents&print)

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ЁШЛАР ИТТИФОҚИНИНГ ЎРНИ

*Д.Худойқулов*  
*Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи*  
*Самарқанд шаҳар Кенгаши*

Мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилиниши ҳам ҳар бир соҳа вакиллари, жумладан, ёшлар масалалари билан машғул соҳа вакиллари олдига ушбу тизимни янада янгича муносабат билан ривожлантириш бўйича аниқ режа белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”, - деб ёшлар сиёсий фаоллигини оширишга даъват этдилар. Шу муносабат билан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати қурултойида ёшлар билан суҳбат қурар экан, ташкилот номини ва фаолиятини тубдан ўзгартириш вақти келганини таъкидлади. “Камолот” ЁИХ нодавлат-нотижорат ташкилоти фаолияти тугатилиб, унинг ўрнида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи давлат ташкилоти тузилди. Бу ташкилот ҳар бир ёш авлодни ватанимизга муносиб фарзанд бўлишига ундаш энг асосий вазифа этиб белгилаб қўйилди.

Янги ташкил этилган Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи олдига турган долзарб масалалар, шу жумладан, ёшлар муаммоларини ўрганиш, уюшмаган ёшларни ижобий муҳитга қайтариш, ёшларнинг маънавий тарбияси бўйича мақсадли амалий чораларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, ўзларини намоён этишлари учун ёшларга имкониятлар майдонини кенгайтириш, таълим соҳасидаги умуммиллий давлат дастурларининг ижросига кўмаклашиш, болаларнинг иқтидор ва қобилиятларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи томонидан ёшларнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва ғоявий-мафкуравий жиҳатдан юксак билимли, маънавий баркамол, рақобатбардош мутахассис кадрлар қилиб тайёрлаш олиб борилаётган мақсад ва вазифалар бугунги куннинг энг долзарб масала сифатида шахсан юртбошимиз томонидан эътироф этиб келинмоқда. Шунингдек, жорий йилнинг 5 июлида “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш” тўғрисидаги ПФ-5106 Фармони ҳамда “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар” тўғрисидаги ПҚ-3138-сонли Қарорларида Ўзбекистон ёшларига кўплаб имкониятлар яратиб бериш билан бир қаторда ёшлар олдига турган долзарб масалалар, шу жумладан, ёшлар муаммоларини ўрганиш, уюшмаган ёшларни ижобий муҳитга қайтариш, ёшларнинг маънавий тарбияси бўйича мақсадли амалий чораларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, ўзларини намоён этишлари учун ёшларга имкониятлар майдонини кенгайтириш, таълим соҳасидаги умуммиллий давлат дастурларининг ижросига кўмаклашиш, болаларнинг иқтидор ва қобилиятларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бугунги куннинг долзарб масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Айниқса, ёшлар муаммоларини ўрганиш, ёшлар билан ишлаш ва уларни жамиятга муносиб ворислар қилиб тарбиялаш билан боғлиқ бўлган бир қатор вазифалар Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегиясининг тўртинчи бўлими Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишининг 4.5. бандида Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришнинг энг асосий вазифалари қилиб қуйидагилар белгилаб қўйилган:

– жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

– ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

– ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш;

– ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш;

– ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги шиддатли замонда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи том маънода мамлакатдаги барча навқирон авлоднинг суянчи ва таянчига айланишига ва фуқаролик жамиятини барпо этишда ўз ўрнига эга бўлиб мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ислохотларни рўёбга чиқаришда фаол қатнашадилар.

### **ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА БОЛАЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИНИ ЎСТИРИШ**

*З.Қаришьева  
Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

Мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақи бугунги ёш, янги авлоднинг ҳар томонлама тўлақонли, баркамол шахс сифатида шаклланишига боғлиқдир. Ёш авлодга замонавий таълим бериш билан бирга уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш, онги ва қалбини мафкуравий ва маънавий таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилиш, уларда ғоявий иммунитет ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масалалари давлатимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларида миллий ғояни болалар қалби ва онгига сингдириш воситаси турли тумандир. Улардан биринчиси бадиий адабиёт ҳисобланади, бадиий адабиёт орқали болалар қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, мардлик, эзгулик, яхшилик, фидойилик каби фазилатлар сингдирилиб, улар ушбу илғор маънавий-ахлоқий хислатлар руҳида тарбияланади. Иккинчидан, халқ оғзаки ижоди билан таништириш, она тилига муҳаббат уйғотиш орқали болаларга Ватан туйғуси сингдириб борилади. Бунда адабиёт асосий воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бадиий адабиёт инсон маънавиятини шакллантиришнинг ва эътиқодини қарор топтиришнинг энг сермахсул воситасидир. Адабий асарлардаги бадиий образлар, персонажларнинг хатти-ҳаракатлари болалар руҳиятига таъсир кўрсатади, уни эзгулик ва фаолликка ундайди.

Давлат талаблари қуйидаги соҳалар бўйича белгиланади:

– мактабгача таълим муассасаларида болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш жараёнининг асосий йўналишлари: жисмоний ривожлантириш ва маданий-гигиеник кўникмаларни шакллантириш;

– ижтимоий-коммуникатив ривожлантириш;

– нутқ, савод, ўқиш ва чет тилларининг ўргатилишига тайёрлаш;



– билиш жараёнини ривожлантириш;  
– бадий адабиётлар билан таништириш ва бадий эстетик ривожлантириш орқали болаларнинг комил инсон бўлиб етишишига замин тайёрлаб борилади.

Бадий асар болаларнинг маънавий камолотини таъминлашга хизмат қилади ва болаларни асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларини мустақил баҳолашга, уларнинг айрим маънавий сифатлари (яхшилик-ёмонлик, жасурлик-қўрқоқлик)ни тушунишга, рухий кечинмалар (хурсандчилик, ҳафачилик)ни ҳис қилишга ўргатади.

Бола ўз она тили жозибасини халқ қўшиқлари, эркалалари, овутомчоқлар, мақоллар, топишмоқлар, тез айтишлар, дostonлар, эртақлар, шеър қўшиқлар орқали сезади ҳамда ўзи туғилиб ўсган Ватанидан, унинг халқидан, миллий анъана ва байрамлари, урф-одатларию, кадриятларидан баҳра олади. Халқ эртақлари, бадий адабиёт намуналари ўғил болаларни ўша қаҳрамонлардек жасур, паҳлавон, уддабурун, ақлли бўлишга, қизларни эса оқила, доно, гўзал, меҳнатсевар бўлишга ундайди.

Болалар мактабгача таълим ёшидаёқ Амир Темур ва унинг қудратини, Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Навоий, Бобур, Улуғбек ва уларнинг дунё илмидаги бой маънавий меросларини англай билишлари керак. Болаларга Бобур ҳақида сўзлай туриб, унинг бир умр Ватан соғинчи билан яшагани ҳақида айтиб бериш, шу аснода уларда Ватанга муҳаббат руҳини тарбиялаб бориш мумкин. Шунингдек, Алишер Навоийнинг дostonлари таркибидаги “Донолар доноси”, “Шер билан Дуррож”, “Икки вафоли ёр”, “Бир кабутар”, “Арслон ила айик”, “Ҳотами Той” каби ҳикоялари, “Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз”, “Оз-оз ўрганиб доно бўлур”, “Билмаганин сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим” ва бошқа шу каби ҳикматли сўзлари болаларга турмушда, жамиятда, ўз жамоасида юриш-туришнинг тўғри қоидаларини эгаллашида, уларда ижобий фазилатларнинг шаклланишида катта ёрдам беради.

Болаларга ёрқин эмоционал муносабатлар, тасвирланган воқеалар ва қаҳрамонларга фаол кўмаклашиш ҳамда улар ҳақида қайғуриш хосдир. Болалар китоб, шеър ва халқ қўшиқлари билан такроран учрашишга интиладилар. Улар доно фикр, ҳазил, кофиядош сўзлардан завқланадилар ва уларни эса сақлаб қолишни ҳамда ўз нутқида қўллашни хоҳлайдилар. Мактабгача катта ёшдаги болаларни “Болалар бадий адабиёти” билан таништиришда педагоглар ва ота-оналар олдида куйидаги вазифалар турибди:

– болаларни юқори бадий савиядаги адабиётларга ошно қилиш, уларда адабий-бадий таассуротлар заҳирасини шакллантириш;

– ифодали бадий нутқни шакллантириш;

– болаларга кичик прозаик матнлар мазмунини эмоционал ва ифодали тарзда етказиш ҳамда кичик шеърларни ёддан айтиб беришни ўргатиш. Маълум адабий асарларни сахналаштиришда иштирок этиш;

– болаларда адабий асарларнинг (хусусан, эртақларнинг) ўзига хос тузилмаси, типик персонажлар ва сюжетли-мавзули бирликлари ҳамда уларни ижодий қўллаш усуллари ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш;

– болаларда адабий образларни талқин қилишни ташкил қиладиган тасаввур шакллари ривожлантириш;

– болаларда бадий образнинг ривожланиши, ўзгариши, унинг кўп қирралилиги ва кўп томонлама боғлиқлиги ҳақидаги тезкор тасаввурларни шакллантириш;

– болаларда адабиётларни индивидуал тарзда афзал кўришни ривожлантириш;

– болаларнинг китобга нисбатан эстетик маданият асари сифатидаги муносабатини ривожлантириш, уларни қўлёзма китоблар ёзишга жалб қилиш.

Юқорида қайд этилган вазифаларни ҳал этиш учун педагогик ишлар мазмуни ва шарт-шароитларини тўғри белгилаш зарур.

## ЎҚУВЧИЛАРДА ФАНГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Д.Хаитова, Г.Тагаев*  
*Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

Миллий ўзликни англаш ва миллий бирликни шакллантиришда доно халқимизнинг дунё халқлари орасида тутган ўрнига баҳо беришда, унинг бой ҳаётий тажрибаларидан кенгроқ фойдаланишда, халқимизнинг анъаналарини изчил ўрганиш ва уни янада бойитишда, баркамол шахсни тарбиялашда Ватан тарихининг роли жуда катта. Ўзбекистон Республикаси Биринчи И.А.Каримов Ватан тарихининг баркамол инсонни шакллантиришдаги ўрнига юксак баҳо бериб: “Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди”, - деган эди. Ўтмишни бугун яратиб бўлмайди, ўтмиш бугунни яратади.

Ўз авлод-аждоди кимлигини, насл-насаби, ўзи туғилиб вояга етган Ватани тарихини билишга интилиш ҳар бир соғлом фикрли инсонга хос фазилатдир. Шунинг учун ҳам ўзликни англаш, аввало, тарихни билишдан бошланади. Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон, ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса, келажакни яратиб бўлмайди. Шу маънода тарих фани ўзининг олдида қуйидаги мақсад ва вазифаларни қўяди:

✓ тарихий воқеа ва ҳодисалар асосида “Тарих – халқ маънавиятининг асоси” эканлигини сингдириш;

✓ ҳар бир халқ ўз тарихини турли таъсир ва тажовузлардан асраши кераклигини сингдириб бориш;

✓ тарихий хотирасиз келажак йўқлигини тушунтириш;

✓ таълим-тарбия жараёнида таянч компетенциялар: коммуникативлик, ахборот билан ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенциялари ва тарих фани мазмунига оид тарихий воқеликни тушуниш ва уни мантикий изчилликда тушунтира олиш, тарихий манба ва адабиётлар билан ишлаш каби фанга оид компетенцияларни шакллантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асаридан дарс давомида ўқувчилар тарихий воқеликни тушуниш ва уни мантикий изчилликда тушунтира олиш компетенциясининг А2 даражаси ўзбек халқининг шаклланиш босқичларини тушунтириб беришларида фойдаланишлари яхши самара беради. Бу дарсда ўзбек халқининг этник шаклланиши ўрганилади:

– Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида ўзбек халқининг этник тарихи, унинг халқ сифатида шаклланиши масалалари;

– ўлкамиз ҳудудларидаги қадимги маҳаллий аҳоли ва ўзбек халқининг шаклланиш босқичлари;

– ўрта асрлардаги этник – маданий жараёнлар, “ўзбек” атамаси.

Бу жараён, яъни дарсда, биринчи навбатда, ўқувчи кўз олдида харита ёрдамида ўлкамизнинг энг қадимги даври гавдалантирилади. Шундан сўнг синф ўқувчилари гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳ мавзудаги режаларга тайёрланади. Бу вақт давомида ўқитувчи мавзунини бошлаб қисқача айрим эпизодларга тўхталади.

Биринчи “кичик гуруҳ”дан бир вакил чиқиб, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарининг мазмуни, унда кўрсатилаётган тарихни ўрганиш бўйича муаммолар, ўзбек халқининг этник тарихи, унинг халқ сифатида шаклланиши, этносларнинг бир-биридан фарқланиши ва ҳоказоларни гапириб, таянч ибораларни изохлаб беради.

Иккинчи “кичик гуруҳ”дан бир ўқувчи чиқиб, Ўрта Осиё ижтимоий – сиёсий ҳаётида туркий этник гуруҳлар жуда катта аҳамиятга эга бўлганлиги ва этник илдизлари жуда қадимий эканлиги, милoddан аввалги II минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб Марказий Осиё худудларида шимоли-шарқий томондан янги этник гуруҳлар кириб кела бошлаши, Ўрта Осиё худудида жуда бой археологик қазилмалар олиб борилаётганлиги, ўзбек халқининг шаклланишидаги даврлар ва бошқалар тўғрисида гапириб беради.

Учинчи “кичик гуруҳ”дан ўқувчи чиқиб ўрта асрларда халқларда этник шаклланишнинг давом этиши, “ўзбек этноними”нинг келиб чиқиши, ўзбек халқининг этник катламлари тўғрисида фикр юритади.

Биринчи Президентимиз Ислom Каримов ўз маърузаларида “Қайси халқ қаердан келиб чиққани, кимнинг тарихи кўхналиги хусусида баҳс юритиш, бу борада бир миллатни бошқа бир миллатга қарама-қарши қўйишга мутлақо қаршиман. Бу нарса бизга асло керак эмас. Фақат бизнинг давлатимиз тарихини ёритишда ўзга ғоя ҳукмронлик қилишига йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидламоқчиман. Бу масалада, яъни узоқ ўтмишимиз, тарихий томирларимиз бўйича ўз мустақил фикримизга, чуқур илмий асосга эга бўлишимиз шарт. Тарихчи олимларимиз, илмий муассасаларимиз олдида турган долзарб вазифа шундан иборат”, – деб таъкидлаган эди.

Хулоса қилиб айтганда, тарих фанини ўргатишда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислom Каримовнинг асарларидан фойдаланиш ёшларга, Ватан ва халқ тақдири учун масъулиятли бўлиш, жамиятда мустақил фаолият юритишга, ўз қобилиятини тўлароқ очиш ва ҳаётга татбиқ этишга, юксак маънавий фазилатларни камол топтиришга, миллий мафқурани шакллантириш, умуминсоний кадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

*Г.Расулова*  
*Самарқанд шаҳар санъат коллежи*

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларданок ёшлар таълим-тарбиясига, уларнинг интеллектуал салоҳиятига жиддий эътибор берилди бошланди. Ёш авлодни юксак маънавиятли, чуқур билимли, кенг мушоҳадали, ватанпарвар, буюк давлат барпо этиш йўлида ижодкор ва фаол қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Республикамизда бу борада кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси буюк келажак сари интилаётган жамиятда халқчиллик, инсонпарварлик, бағрикенглик ва эзгулик ғояларига таянади. Ҳаракатлар стратегиясининг 4 банди ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жараёнларни баҳолаш ва уларга ёндашишда миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлиги, таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг устуворлиги назариясига мустаҳкам асосланади. Умумий ўрта таълим тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда илм-фан ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ҳолда ташкил этиш, маънавий баркамол ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялаш мақсадида ДТС нинг янги шарҳи ишлаб чиқилди. Бу масалаларни ҳал этишда асосий омил ўқитувчининг ўз касбига масъулият ва ижодкорлик билан ёндашиши ҳисобланади. Таълим тизимида ДТСларнинг янги шарҳининг жорийланиши, таянч ва хусусий компетенциялар ҳақида фикр юритилар экан, **коммуникатив компетенция** — ижтимоий вазиятларда она тилида ҳамда бирорта хорижий тилда ўзаро мулоқотга кириша олишни, мулоқотда муомала маданиятига амал қилишни,

ижтимоий мослашувчанликни, ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутди. Мазкур компетенцияни ривожлантириш ҳозирги жадал тараққиёт тенденциялар мамлакатимизни индустриал ривожлантиришда шахс салоҳияти, маънавий-интеллектуал омил ривожига устувор аҳамият қаратишни долзарб масалага айлантирди. Ватанимизнинг барқарор тараққиёти учун мавжуд интеллектуал салоҳиятни самарали ишга солиш, мутахассисларнинг ўз фаолиятига онгли ёндашувини шакллантириш, уларнинг шахсий масъулият ва ташаббускорлик фазилатларини кучайтириш катта аҳамиятга эгадир. Ўқувчининг шахсий масъулият, ташаббускорлик ҳамда фидойилик фазилатлари эса ватанни чин дилдан севишдан, ватанпарварликдан куч олади. Шу боис Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Ҳар қандай давлат сиёсатининг асосини ватанпарварлик тарбияси ташкил этади”, - деб таъкидлайди. Ватанпарварлик, инсонпарварлик каби фазилатларни ҳаракатлантирувчи куч эса ўқувчининг ўз маънавий бойлиги, интеллектуал мулкани нечоғлик бойитишлари, илм-фан билан киришишлари билан ўлчанади.

**Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси** – жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва уларда фаол иштирок этиш, ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиш, унга риоя қилиш, меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутди. Ҳаракатлар стратегиясида ҳам нафақат ташқи инвестицион сиёсатни фаоллаштириш, балки инсон ички имкониятларини янада тўлароқ рўёбга чиқариш ишларига алоҳида эътибор қаратади. Бу ҳақда Президентимиз қуйидагича таъкидлайди: “Бу сиёсатнинг асосий мақсади шундан иборатки, биз ҳар қандай фуқаро ўзининг куч ва имконияти, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кенг шароит ва имконият яратиб беришимиз зарур”. Ўқувчида ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини дарс жараёнида шакллантиришда биз педагогик ва ахборот технологиялардан ўринли фойдаланишимизни назарда тутди.

ДТСнинг таянч компетенциялари таркибида **миллий ва умуммаданий компетенция** мавжуд бўлиб, бунда ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий кадриятларга эътиқодли бўлиш, бадиий ва санъат асарларини тушуниш, ораста кийиниш, маданий қоидаларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутди. Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистонда аҳил жамият, дўстлик ва муҳаббат муҳитини барпо этади. Одамлараро ички боғлиқлик, меҳр ришталари мустаҳкам боғланади. Ҳалоллик, ҳар бир ишда тўғрилиқни бош кадрият деб билиш, уни иймон даражасида эъзозлаш ҳар бир одамнинг эътиқодига ҳаёт маслагига айлантириш вазифасини юклайди. ДТС ҳам, Ҳаракатлар стратегияси ҳам айнан инсон омилига қаратилган. Бунда ҳар бир одамнинг билими, касб салоҳияти, иқтидори, саломатлиги, мақсад ва интилишлари, дунёқарashi, маънавий-ахлоқий ҳолати ижтимоий тараққиёт кўлами ва характерини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчининг ички имкониятларини тўла рўёбга чиқаришда ўқув жараёни муҳим аҳамият касб этади. Ўқув жараёнини яратишга асосланган педагогик технологияни татбиқ этиш ва мақсадга эришиш ўқитувчининг педагогик маҳорати, мулоқот маданияти, нутқининг тўғрилиги, коммуникатив маҳоратининг ўқувчиларга таъсири, педагогик техниканинг эгалланганлик даражаси ва бу техникани бевосита дарсда қўллашга улгура олишига боғлиқдир. Бу фаолият ўз навбатида янги инновацион технологияга асосланган ҳолда амалга оширилиши керак. Бу жараённи тўғри ва самарали ташкил этиш ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлади.

## ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЙ СТАНДАРТ КАК РЕШЕНИЕ ПРОБЛЕМЫ ГАРАНТИИ КАЧЕСТВА

*Б.Садикова  
СамГИЯ*

Тенденция создания национальных образовательных стандартов характерна в последние годы для систем образования многих стран мира. В ряде стран разработаны документы, носящие названия "Стандарт образования". Их анализ показал, что при некоторой общности подходов стандарты вводятся в практику образования по разным причинам и с различными целями, а сами документы по форме и содержанию также значительно отличаются друг от друга. В одних странах под стандартом подразумевают развернутую формулировку целей и задач образования, в других, систему проверки и оценки учебных достижений, а также диагностику личностных качеств учащихся.

Принципиально актуальным для введения государственных образовательных стандартов является то, что для упорядочения процесса образования и достижения желаемого результата, необходимо регламентировать его документами государственного и международного характера. Нормы и требования, установленные подобными документами, становятся, безусловно, обязательными для исполнения всеми участниками образовательного процесса: от министерств и ведомств (и их органов на местах), до администрации образовательного учреждения, педагогов, учителей, учащихся, родителей. В Республике Узбекистан к стандартизации образования приступили в 1993 году. Если описать кратко: образовательный стандарт - это диагностическое описание глобальной цели образования, которая представляет собой более общие понятия о личностных качествах выпускника образовательного учреждения, диагностируемых как конечный результат работы. Или, другими словами, ГОС определяют:

- минимально необходимый и достаточный уровень подготовленности обучающихся и выпускников;
- максимальный объем учебной нагрузки;
- требования к содержанию образования (в том числе к учебно-методическим комплексам) и способы его предъявления;
- процедуры и механизмы оценки деятельности ОУ и качества подготовки кадров;
- меры к лицам и учреждениям, не выполняющим требований стандартов и т.д.

Под стандартом образования понимается система основных параметров, принимаемых в качестве государственной нормы образованности и уровня квалификации, отражающей перспективные социальные цели и учитывающей возможности реальной личности и системы образования по достижению этих целей.

Одна из целей перехода на ГОС – это решение проблемы гарантии качества. Одним словом, ГОС – это совокупность обязательных для выполнения минимальных требований к уровню, содержанию и качеству профессиональной подготовки, а также определение психофизиологических ограничений, отраженных в нормативных документах.

Надо отметить, что стандарт – это не самодостаточное явление, а инструмент, предоставляющий полный выбор средств и методов подготовки специалистов, не препятствующий движению к совершенствованию и творческому развитию обучаемых. Стандарт должен учитывать состояние социокультурной среды, потребности и возможности заинтересованных сторон (общество в целом, учебное заведение, обучающийся и работодатель), должен отражать баланс интересов сторон, которые, в свою очередь, должны исходить из приоритета интересов личности.

Республиканский компонент стандарта, охватывающий общеобразовательный и профессиональный компоненты, определяет объем знаний и умений, которые обеспечивают профессиональную подготовку соответствующего уровня и качества.

Ориентация на стандарты результатов обусловила необходимость определить, что следует рассматривать в качестве результата образования. В настоящее время результат образования в странах-лидерах задается через понятие «компетентность», в которое входят помимо знаний и общих когнитивных способностей ценностные ориентации и другие личностные характеристики. Компетентность представляет собой интегративное качество человека. Она не сводится к применению знаний на практике, а выражается в способности решать проблемы и отвечать на вызовы различного рода жизненных ситуаций.

Компетентностный подход к определению целей и оценке результатов образования, многие из которых разделяют и отечественные специалисты, исследующие проблемы данного подхода в образовании. Особого внимания заслуживает замечание автора о том, что традиционная система оценивания в отечественной школе ориентирована не на выявление уровня компетентности учащегося в данной области знаний и умений, а на определение того, насколько он освоил программу обучения и овладел средствами обучения. По сути дела, речь идет о том, что целью обучения является не освоение учебной программы, а приобретение учащимися новых познавательных, коммуникативных и иных значимых для личности возможностей в процессе освоения программы.

Компетентность — это не какой-то особый образовательный результат. Это понятие обозначает способ определения целей и результатов образования. Результаты образовательной деятельности учащихся в современной школе также могут быть проанализированы с точки зрения компетентностного подхода.

Нельзя не отметить, что стандарт компетентностного подхода, действительно исходит из сущности образования, которое не сводится к передаче и усвоению знаний по разным предметам, а представляет собой процесс формирования определенного образа жизни, определенной культурно-образовательной среды, в которой каждый ребенок чувствует себя успешным и уважаемым человеком.

## TA'LIM TIZIMIDA QABUL QILINAYOTGAN ME'YORIY HUJJATLAR – O'QITISH SAMARADORLIGI GAROVI

*A.Xo'jamqulov  
SamVXTXQTUMOI,  
F.Tog'ayeva  
Ishtixon tumani I-IDUM*

2017-yil Respublikamiz hayotida tub burilishlar, iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy islohotlar davrini boshlab berdi, desak, mubolag'a bo'lmaydi. Shu sabab bo'lsa kerak, bugun odamlarimiz ongi va tafakkuri ham, siyosiy qiziqishlari, fuqarolik mas'uliyati ham ancha yuksalmoqda. Radio-televideniya, matbuot nashrlaridagi mamlakat hayotiga oid turli chiqishlar, o'tkazilayotgan turli tadbir va yig'ilishlar aholining eng quyi qatlamiga qadar qizg'in bahs-munozara va tortishuvlarga sabab bo'lmoqda. Bu, albatta, quvonarli hol. Ammo bu shiddatli o'zgarishlar zamonida ham "Dunyoni suv bossa, o'rdakka ne g'am?" qabilida yashayotganlar, afsuski, yo'q emas. Men ta'lim sohasi vakili bo'lganim sababli fikrlarimga shu soha orqali aniqlik kiritmoqchiman.

Bilamizki, ta'lim sohasi doim davlat siyosati darajasida e'tibor qaratiladigan sohalardan biri bo'lib kelmoqda. Shunday bo'lishiga qaramasdan, joylarda ta'lim tizimi taraqqiyotida faoliyat ko'rsatib sustkashlikka yo'l qo'yayotgan yoki shunchaki loqaydlik qilayotgan xodimlar ham yo'q emas. "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" va "Ta'lim to'g'risida"gi qonunda belgilangan ustuvor vazifalar qadam-baqadam amalga oshirilayotgan bo'lishiga qaramasdan, xalq ta'limi tizimida maktablardagi ta'lim sifati tubdan o'zgaradi, deya olmaymiz.

"Haqiqatan ham, hozirgi vaqtda yoshlar tarbiyasi biz uchun o'z dolzarbligi va ahamiyatini hech qachon yo'qotmaydigan masala bo'lib qolmoqda. Bugungi tez o'zgarayotgan dunyo insoniyat oldida, yoshlar oldida yangi-yangi buyuk imkoniyatlar ochmoqda. Shu bilan birga ularni ilgari

ko'rilmagan turli yovuz xavf-xatarlarga ham duchor qilmoqda. G'arazli kuchlar sodda, g'o'r bolalarni o'z ota-onasiga, o'z yurtiga qarshi qayrab, ularning hayotiga, umriga zomin bo'lmoqda. Bunday keskin va tahlikali sharoitda biz ota-onalar, ustoz-murabbiylar, jamoatchilik, mahalla-ko'y bu masalada hushyorlik va ogohlikni yanada oshirishimiz kerak. Bolalarimizni birovlarining qo'liga berib qo'ymasdan, ularni o'zimiz tarbiyalashimiz lozim. Buning uchun yoshlarimiz bilan ko'proq gaplashish, ularning qalbiga quloq solish, dardini bilish, muammolarini yechish uchun amaliy ko'mak berishimiz kerak", - deb ta'kidlaydi Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev o'z nutqlaridan birida. Hukumatimizning farzandlarimiz taqdiriga shu qadar jon kuydirib tashvishlanayotgani bejiz emas. Yosh avlodning turli hurujlar ta'siriga tushib qolayotgani bugungi kunda butun dunyoni tashvishga solmoqda. Farzandlarimizni bo'sh yoki qarovsiz qoldirmaslik, ularning darsdan holi vaqtlarini to'g'ri va mazmunli tashkil etish, ularning ichki dunyosi, o'rab turgan olami, yor-do'stlari bilan qiziqish kerak. Bu borada bor mas'uliyatni maktabga yuklab qo'yishdan osoni yo'q. Axir javobgarlikning eng og'iri har qanday holatda ham ota-onaga tushishi haqiqat. Ta'lim muassasasi, mahalla va oila hamkorligi ishlarini jonlantirish, bugunning o'ta dolzarb muammosi hisoblangan bu masalaga omma e'tiborini va kuchini jalb qilish kerak. To'g'ri, maktablar faoliyatini ham joyida, deb bo'lmaydi. Shu sababli ham hukumatimiz Davlat ta'lim standarti talablariga, "Ta'lim tog'risidagi nizom"ga, umuman butun ta'lim tizimiga o'zgarishlar kiritish kerak, degan xulosaga keldi. Soha mutaxassislar tomonidan ta'lim tizimi ham, bu sohaga oid xalq fikri ham atroflicha o'rganildi. Joriy yilda yurtboshimiz tomonidan ta'limga oid ketma-ket qabul qilingan farmonlar xalqning ayni yuragidagi gaplar bo'ldi, desak, mubolag'a bo'lmaydi. Ushbu farmonlarda bu kabi ustuvor masalalar yuzasidan aniq ko'rsatma va topshiriqlar berilgan. Shunday bo'lishiga qaramasdan, yuqorida aytilganidek, ko'zbo'yamachilik va sansalorlik illatlari hozirga qadar ham soha rivojida salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. Hozirga qadar ham maktab o'quvchilarining bilim darajasi Davlat ta'lim standartlariga to'liq javob bera olmaydi. O'quvchilar maktablarda har bir darsda olishi mumkin bo'ldan bilimlarini qo'shimcha darslar orqali egallashga majbur bo'lmoqdalar. Joylarda, ayniqsa, chekka hududlarda fanlardan nomutaxassislar yoki oliy ma'lumotga ega bo'lmagan kadrlar dars bermoqdalar. Kadrlar yetishmovchiligi, o'qituvchilar malakasini oshirish va qayta tayyorlash muammosi haligacha dolzarb bo'lib qolmoqda.

Davlatimiz rahbari o'zining har bir chiqishlarida ta'lim tizimini orqaga tortayotgan bu kabi jiddiy masalalarga bizning e'tiborimizni qaratmoqdalar. "...Bu vazifalarni amalga oshirishda biz asrlar mobaynida shakllangan milliy an'analimizga, ajdodlarimizning boy merosiga tayanamiz. Farzandlarimiz, ayniqsa, qiz bolalarning zamonaviy bilim va kasb-hunarlarini, xorijiy tillarni egallashlari, har tomonlama sog'lom va barkamol bo'lib, hayotdan munosib o'rin topishlari uchun barcha kuch va imkoniyatlarimizni safarbar etamiz. Bizning navqiron avlodimiz manfaatlarini ta'minlash borasidagi faoliyatimiz yaqinda qabul qilingan "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi qonun asosida qat'iy davom ettiriladi..." Bu fikrlar bizni xushyorlikka va hammani o'z vazifasiga vijdonan yondoshishga undaydi.

Yurtboshimiz o'z ma'ruzalaridan birida maktab ta'limiga ham alohida urg'u beradi. "...Ikkinchi vazifa – umumta'lim maktablari, litsey va kasb-hunar kollejlari, shuningdek, oliy o'quv yurtlaridagi o'qitish sifati bilan bog'liq. Zamonaviy o'quv reja va uslublarini joriy etish talab darajasida emas. Bolalar va yoshlarga maxsus fanlar, mamlakatimiz va jahon sivilizatsiyasi tarixini, xorijiy tillarni va zamonaviy kompyuter dasturlarini chuqur o'rgatish vazifalari hali sifatli va to'liq holda yechilgani yo'q. Yana bir muammoni hal etish ham o'ta muhim hisoblanadi: bu – pedagoglar va professor-o'qituvchilar tarkibining professional darajasi, ularning maxsus bilimlaridir. Bu borada ta'lim olish, ma'naviy-ma'rifiy kamolot masalalari va haqiqiy qadriyatlarni shakllantirish jarayonlariga faol ko'mak beradigan muhitni yaratish zarur..." Darhaqiqat, umumta'lim maktablari o'qituvchilarining aksariyati zamonaviy va ilg'or texnologiyalarda dars o'ta olmaydi. Buning asosiy sababi, axborot kommunikatsion texnologiyalar bilan ishlay olmaydi. Bu borada ta'lim berayotgan o'quvchilarimizning bizdan ko'ra uquvliroq ekanligini ham, uyat bo'lsa-da, tan olish kerak. Rahbar xodimlarning qanchalik qattiqqo'llik va mas'uliyat bilan boshqarishlariga qaramasdan, hukumatimiz tomonidan berilayotgan ayrim ustuvor vazifalar, belgilanayotgan topshiriqlarning

ijobiy ijrosi uchun buyruqbozlikning, qattiqqo'llikning o'zi yetarli emas. Buning uchun har bir davlat fuqarosi, hukumat vakili, eng avvalo, burch va mas'uliyat tuyg'usini qalbdan his etishi, har bir ishga vijdonan yondashmog'i zarur. Mamlakatimizda minglab umumta'lim maktablari faoliyat olib borayotgan bo'lsa, ularda ta'lim olayotgan o'quvchilarning kelajak taqdiriga biz javobgarmiz! Xalqning juda katta olqishiga sabab bo'lgan 11 yillik ta'lim tizimi ham 2017-2018-o'quv yilida qaytadan amalga joriy etildi. Bu tizimni amalga to'liq va muvaffaqiyatli joriy qilish sohaning har bir xodimidan katta fidoyilikni talab qiladi. Shunday bo'lishiga qaramasdan, farzandlar kelajagi, yurt ravnaqi uchun har bir fuqaro fidoyi bo'lishga majbur. Shunday ekan, biz – ota-onalar, pedagog-xodimlar, mahalla-ko'y kelajak avlod taqdiri oldida o'zimizni burchli his etib, berilayotgan hukumat topshiriqlariga “Labbay!” deb javob berishga o'zimizda kuch va imkoniyat topa bilaylik!

## ISTIQLOL DAVRI “ONA TILI” DARSLIKLARI HAQIDA MULOHAZALAR

A.Abduraimov  
SamDU

Bugungi kunda yosh avlodga har tomonlama yuqori saviyada ta'lim va tarbiya berish uzluksiz ta'lim oldidagi eng dolzarb ijtimoiy buyurtmadir. Bu vazifaning a'lo darajada amalga oshirilishiga erishish ta'lim beruvchiga ham, ta'lim oluvchiga ham, shuningdek, ta'lim vositalariga ham yangi-yangi talablarni qo'ymoqda. Fan va texnika keskin rivojlanayotgan, axborot-kommunikatsiya vositalari o'ta shiddat bilan taraqqiy etayotgan, hayot sur'atlari beqiyos tezlashgan ayni paytda ta'lim oluvchi nafaqat soat sayin yangilanib borayotgan bilimlarni tezlik bilan o'zlashtirishi, balki ular ichidan eng mukammalini ajratib olishi zarur. Bu esa ta'lim beruvchidan o'ta izlanuvchan, yangilikni tez o'zlashtirib olayotgan, aniq xulosalargagina ishonadigan o'quvchining talablariga to'la javob bera olishi, ta'lim vositasining esa o'quvchini o'ziga jalb qiladigan, hatto tajribasiz o'qituvchining ham o'z ustida muntazam ishlashini taqozo etmoqda. Ammo shuni aytib o'tish kerakki, ushbu bosqichda amaliyot jarayonida yuzaga chiqib kelayotgan kamchiliklar, chigalliklar bartaraf etilmasa, darslikning so'nggi nashrida yana o'z holicha qolaversa, bosqichma-bosqich o'tish mezonini buziladi. Har qanday darslik ta'lim uchun ahamiyatli, biroq milliy tilni o'rgatishga xizmat qiladigan Ona tili hammasidan ham muhim. Baxtiyor Mengliyev aytganidek: *“Darslik bir olim yoki muallifning shaxsiy qarashlari aks etadigan monografiya emas. Uning mukammalligi, to'g'riligi, fikrlarning uzviyligi uchun barcha ona tili ta'limi fidoyilari birdek javobgar”*. Barkamol avlodni tarbiyalashda darslikning o'rni katta. Shu bois o'quv adabiyotlariga qo'yilayotgan talablar kundan kunga takomillashib bormoqda. Quyida darslikka qo'yilayotgan talab va shu talablarni bajarish jarayonida yuzaga kelayotgan muammolar, ularning kelib chiqishiga sabab bo'layotgan omillar hamda ularni bartaraf etish yo'llari xususida fikr yuritimiz.

6-sinf “Ona tili” darsligida “Sifat yasovchi qo'shimchalar va ularning imlosi” mavzusidagi qoida quyidagicha: *–gi* guruhidagi qo'shimchalari payt (*o'zi darsliklarda otlarni ma'no turlarga ajratishda payt otlari haqida ma'lumotlar berilmagan*) va o'rin otlariga qo'shilib, payt va o'ringa xos belgini bildiradi. Munosabat. Qo'shimcha tarzda *payt ravishlariga ham qo'shiladi* deyish to'g'ri bo'lar edi. Chunki bu qo'shimchalarni payt ravishlariga ham qo'shib, belgi bildiruvchi sifatlar hosil qilsa bo'ladi. Jumladan, *kechki, ertalabki, so'nggi* kabi. Aynan mana shu darslikda “-miz, -siz, -man, -san qo'shimchalari ravishdosh, sifatdosh shakllaridan so'ng qo'shiladi” deyilgan. Munosabat. Qo'shimcha tarzda ravishdoshning *-b, -ib*, sifatdoshning *-gan, -r, -ar* shakllari *-man, -miz, -san, -siz* qo'shimchalarini oladi deb ta'kidlanganda aniq bo'lar edi. Chunki ravishdosh va sifatdosh shakllarining barchasi ham bu qo'shimchalarni olmaydi. Masalan, (sifatdosh shakllari) *-(a)yotgan, -ydigan, -adigan*; (ravishdosh shakllari) *-gach, -guncha, -gancho, -gani*.

7-sinf “Ona tili” darsligida “Ergashtiruvchi bog'lovchilar” mavzusida ergashtiruvchi bog'lovchilarga mualliflar tomonidan quyidagilar kiritilgan: **aniqlov, sabab, shart** bog'lovchilari.



Vaholanki, **maqsad** bog'lovchisi *toki* va **chog'ishtiruv** bog'lovchisi *go'yo, go'yoki, xuddi* bog'lovchilari ham ergashtiruvchi bog'lovchilardir. Biz bu o'ringa alohida to'xtalib o'tishni lozim deb bildik. Negaki, II kurs "Hozirgi o'zbek adabiy tili" darsligida **aniqlov, sabab, shart, chog'ishtiruv** bog'lovchilari berilgan. Ammo bu darslikdan ham maqsad bog'lovchisi joy olmagan. Maboda mashq matnlarida maqsad bog'lovchisi yordamida bog'langan qo'shma gaplar berilsa, o'quvchi qanday fikrga to'xtaladi? M: *Prezidentimiz ta'kidlaganidek, avlodlar o'rtasida o'ziga xos «ko'prik» bo'lishimiz lozim. Toki ota-bobolardan meros qolgan shu yurt, shu tuproq, shu aziz Vatanni ishonchli qo'llarga topshira olaylik*(II kurs HO'AT). 7-sinf Ona tili darsligida chog'ishtiruv bog'lovchilari o'rin olmagan. Qiyoslash-chog'ishtiruv yuklamalariga *xuddi, go'yo(ki)* yordamchilari kiritilgan. II kurs "HO'AT" darsligida esa aynan mana shu yordamchilarni chog'ishtiruv bog'lovchilari deya ko'rsatilgan hamda vazifalari aytib o'tilgan. Bu yordamchilar qanday holatda yuklama, qanday holatda bog'lovchi vazifasini bajarishiga biroz e'tibor berilsa, barcha o'quvchilarga mavzuni o'rganish jarayoni ma'qul bo'lar edi. Bu yordamchilar vazifadoshmi? Agar vazifadosh bo'lsa, vazifadosh bog'lovchimi yoki vazifadosh yuklamami? Bu ikki yordamchining gap tarkibida kelganda qanday holatda yuklama, qanday holatda bog'lovchi ekanligini o'quvchi aniqroq tushunishi kerak. Shu bois aniqroq ma'lumot berilishi kerak. *Masalan, "xuddi, go'yo(ki) yordamchilari qo'shma gap tarkibida kelib, undan oldin (,) vergul qo'yilsa, shuningdek, qo'shma gap qismlarini bog'lab kelsa, demak, bog'lovchi vazifasini bajaradi. Agarda gap tarkibida kelib, xuddi, go'yo(ki) yordamchilaridan oldin (,) vergul qo'yilmasa, yuklama vazifasini bajaradi"*kabi ta'rif berilsa, tushunarliroq bo'ladi. Gap "balki" yordamchisi ustida borar ekan, bu so'zga 7-sinf "Ona tili" darsligida vazifadosh modal so'z deb aytilgan. Lekin "Sof va vazifadosh bog'lovchilar" mavzusida **"Bir o'rinda bog'lovchi, boshqa o'rinda ko'makchi, yuklama yoki modal so'z vazifasida keluvchi yordamchilar vazifadosh bog'lovchilar sanaladi"** tarzda qoida berilgan va "balki" yordamchisi vazifadosh bog'lovchi deb ko'rsatilgan. Ikki turkumida ham vazifadosh bo'lsa, qaysi bir o'rinda sof deb olishimiz mumkin? 7-sinf "Ona tili" darsligida "Ayiruv-chegaralov yuklamalari" mavzusida **-gina** guruhidagilarini vazifadosh yuklama deyishgan. Ammo buni vazifasi qanday? Yoki otlarning achinish ma'nosini bildiruvchi **-gina** qo'shimchasining vazifasimi? Basharti shunday bo'lsa, shakldoshlik hodisasiga qanday fikr bildiramiz? -gina qo'shimchasini vazifadosh emas, balki sof yuklama desak, to'g'riroq bo'ladi. Chunki boshqa turkumda -gina qo'shimchasi vazifa bajarmaydi. Otlardagi -gina qo'shimchasiga kelsak, gapda achinish ma'nosini bildiruvchi qo'shimcha deb qaraymiz. Bu qo'shimchalar shakldoshlikni hosil qilayotgan lug'aviy shakl yasovchi qo'shimchalardir. 7-sinf "Ona tili" darsligida "Undov so'zlar" mavzusida **"Yozuvda undov so'zlardan keyin vergul qo'yiladi. Undalmalardan oldin kelganda esa undan keyin vergul qo'yilmaydi"** qoidasiga binoan ish ko'rsak, quyidagi holatlarni qoidaga bo'ysunmaydi deb bilamizmi? 125-bet 1-topshiriqdagi "Chu, jonivor!", 264- mashqdagi "Hay, usta -dedi, Ma'suma beka".

KHK uchun "Ona tili va adabiyot" darsligiga ham to'xtalib o'tishni ma'qul ko'rdik. Bu darslikning "Unli tovushlar va ularning imlosi" mavzusida **"disk, bank, tank kabi rus tili orqali o'zlashgan so'zlarning oxiri qo'sh(?) undosh bilan tugagani uchun o'zbek tilida bu so'zlarda "a" qo'shib aytiladi va shunday yoziladi"** kabi qoida berilgan. Qoidadagi bu so'zlarda ishtirok etgan undoshlarni qo'sh undosh emas, qator undosh deb aytilish kerak edi. **Chunki bir bo'g'inida yonma-yon ikki xil undosh kelgan so'zlar qator undoshli so'zlar deyiladi**(5-sinf ona tili). Aynan mana shunday tushunmovchilik 5-sinf "Ona tili" darsligining "Qator undoshlarning talaffuzi va imlosi" mavzusida ham kuzatiladi. **Go'sht, do'st, barg kabi so'zlar oxirida kelgan qo'sh undoshlardan biri yozuvda tushib qoladi**( 5-sinf ona til). Darsliklarimizda mavjud qoidalarning ba'zilar bir-birini inkor etadi. Mana shunaqa ziddiyatlarga berish maqsadida qoidalarga tuzatish kiritishimiz lozim, chunki yosh avladga noto'g'ri yo'nalish berib qo'yishimiz mumkin. KHK ushun "Ona tili va adabiyot" darsligida "Uyushiq bo'lakli gaplar" mavzusida **"Ustozingdan yoki do'stingdan ko'rmagan yaxshilikni kitobdan ko'rishing mumkin"** gapi qoida ichida uyushiq holga misol qilib berilgan. Lekin bu bo'laklar to'ldiruvchiligini inkor qila olmaymiz. Holning so'roqlariga ham javob bo'lmaydi. Mana shu darslikning 54-betidagi qoidada qo'shma ravishlar

ajratib yoziladi deb, *har kim, hech bir* soʻzlarini misol qilib bergan. Ammo bu soʻzlar qoʻshma olmoshlar-ku. Sababi 7-sinf “Ona tili” darsligimizda, olmoshlar mavzusida “*har*” soʻzi soʻroq olmoshlariga qoʻshilib toʻpdan ajratilgan shaxs, narsa, belgilarni bildiradigan belgilash olmoshini hosil qiladi. *Bir, narsa, nima* soʻzlari oldidan “hech” soʻzini qoʻllash natijasida boʻlishsizlik olmoshlari hosil qilinadi, deb aytilgan. KHK uchun “Ona tili va adabiyot” darsligida E (e) harfining taʼrifi quyidagicha: “Soʻz boshida yopiq boʻgʻinda *i* ga moyil aytilsa ham, *e* yoziladi: *ehtimol, eshik, ehson, ertak* kabi” soʻzlari misol keltirilgan. Ammo berilgan misollardan *e-shik* soʻzi qoidaga umuman mos kelmaydi. Negaki, bu soʻzda *e* harfi soʻz boshida yopiq boʻgʻinda emas. Soʻz boshida ochiq boʻgʻinda va ikki undosh orasida qisqa aytiladi va doim *e* yoziladi deb, *erta, meva, sezgir* soʻzlarini misol keltirgan. Lekin bu misollardan *er-ta* soʻzi qoidaga mos kelmaydi. Chunki bu soʻzda *e* harfi soʻz boshida ochiq boʻgʻinda ham emas, ikki undosh orasida ham emas<sup>1</sup>.

Xullas, milliy tilga ega boʻlish davlat suverenitetining asosiy tamoyillaridan hisoblanadi. Taʼlim oluvchi ana shu tildan ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy hayotning turli jabhalarida, muloqot va munosabatning barcha shakllarida erkin, toʻgʻri va samarali foydalana olishi uchun uning fonetikasi, orfografiyasi, leksikasi va grammatikasiga doir bilimlarni puxta oʻzlashtirgan boʻlishi lozim.

## ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

*Б.Холмухаммедов*  
*СамДУ*

Бугун замонавий жаҳон тилшунослигидан муҳим ўрин олаётган жиҳат бу инсон фаолиятининг турли соҳалар билан узвий боғлиқ бўлган илмий маълумотлар сингиши ва ўзаро таъсири ҳисобланади. Лингвистиканинг турли фан соҳалари билан муносабатга кириши натижасида тилшуносликда этнолингвистика, социоллингвистика, психоллингвистика, математик лингвистика, компьютер ва корпус тилшунослиги каби пайдо бўлган янги йўналишларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида талабаларга пухта билим бериш, ёш истеъдодларни мазкур соҳаларга дадил йўллаш лозим. Бугун олий ўқув масканларида ўзбек тилини ўқитиш жараёнида унга тизим сифатида ёндашиш, тизим қонуниятлари негизида тил ва унинг бирликлари ҳамда ҳодисаларини талқин этиш, шакл ва мазмун ассиметрияси, она тилининг функционал кўпқирралиги ҳақида чуқур илм бериш, назарий жиҳатдан етук филологлар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Олий таълим тизимини ташкил этишнинг устувор вазифаларидан бири тарзида талаба билимининг синтези, фанлараро алоқа омилининг эътироф этилишидир.

Ўзбек тилшунослари олдида ҳозирги вақтда тилни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мукамал ўзлаштиришни таъминловчи таълим мақсадига мос дастур, қўлланма ва дарсликлар, ўқув-методик ишлари барпо этишдек долзарб вазифа турибди. Ушбу масалани ижобий ҳал қилиш учун олий ўқув юртларидаги илмий-тадқиқот илари, хорижий институтлар ўртасидаги алоқалар самарадорлигини ошириш, салоҳиятли кучларни бирлаштириш, моддий-техника базасини ҳамкорликда яратиш ва ундан унумли фойдланиш зарур бўлади.

Олий таълим тизимида тил ўқитишдан бош мақсад - талабанинг ўрта мактаб таълимида эгаллаган тўғри сўзлаш, саводли ёзиш, аниқ тафаккур қилиш малакасини юқори босқичга кўтаришидир. Бунда, шубҳасиз, ўзбек тилининг унга хос фонетик, лексик, грамматик хусусиятларини пухта эгаллаш, оғзаки ва ёзма нутқда уларга қатъий риоя қилиш, адабий тилнинг меъёрларига оид билимлардан яхши хабардор бўлиш алоҳида аҳамиятга эга.

<sup>1</sup> Ona tili va adabiyot darsligi haqida Alisher Navoiy nomidagi ToshDO`TAU fakultet dekani Inomjon Azimov maqolasida quyidagicha fikrlar bildirilgan: “Darslikda jiddiy nazariy xatolar ham uchraydi. Tilshunoslikning yirik boʻlimlari tushirib qoldirilgan. Boshqa mavzular ham yuzaki berilgan. Shu bilan birga, darslik hech qanday oʻzgarishsiz qayta-qayta nashr qilinayotgani matasaddi mas’ullar oldiga qoʻllanmani mazmunan boyitish masalasini qoʻyadi”.

Жаҳон тилшунослари сафида XXI асрга шахдам қадам қўйган ўзбек олимлари олдида ҳам ўтган асрда ўз ечимини узил-кесил топмаган “Тил ва жамият”, “Инсон ва унинг тили”, “Ўзбек тилининг жаҳон тилшунослигида тутган ўрни”, “Хорижий тил ва ўзбек тили” каби масалалар билан боғлиқ вазифалар кўндаланг бўлиб турибди.

Хўш, тилшунослардан тинимсиз меҳнат, улкан чидам ва иқтидорни талаб қилувчи лисоний масалаларни ижобий ҳал этиш мақсадида авваламбор тил қурилишининг қайси жиҳатларига диққатни қаратиш, қандай изланишларни рўёбга чиқариш лозим бўлади?

1) замонавий тилшуносликдаги янги йўналишлар бўйича олиб борилаётган изланишлар кўламини янада кенгайтириш;

2) тилнинг халқ маданияти, урф-одати, русуми, характери билан чамбарчас боғлиқликда ўрганувчи этнолингвистикани шакллантириш ва ривожлантириш;

3) ўзбек туркологлари эришган ютуқларга таянган ҳолда энг қадимги даврга тааллуқли ономастикани атрофлича ўрганиш, қадимги юнон, хитой олимлари, муаррихларининг туркий кабилалар ҳақидаги маълумотларини синчиклаб таҳлил қилиш;

4) туркология бўйича библиографик справочник тайёрлаш, кенг жамоатчиликни туркологиянинг тарихи, ҳозирги ҳолатидан хабардор қилиш ва ҳ.к.;

5) алифбо ва имло масалалари, адабий тил ва жонли сўзлашув тили муаммолари бўйича олиб борилаётган илмий изланишларни жадаллаштириш;

6) муайян тилнинг ривожланиши даражаси ундаги луғатларнинг ранг-баранглиги, миқдори билан ўлчанишини эътибордан қочирмаган ҳолда, лингвистиканинг турли соҳаларига хизмат қилувчи луғатлар тузиш, сўнгги техника воситалари билан таъминлаш, халқаро ахборот тизимига интеграциялашиш ва ундан фойдаланиш;

7) сўнгги пайтларда ўз ҳолига ташлаб қўйилган терминологияда терминларни мувофиқлаштириш ва унификация қилиш ва ҳ.к.

Жаҳон тилшунослиги ютуқларини ўрганаётган, уларни ҳар томонлама таҳлил этаётган, айни чоғда, тилшуносликда юз бераётган кескин методологик баҳсларда муносиб ўрин эгаллашга интилаётган тил ҳақидаги фанимизнинг XXI асрда жиддий ютуқларни қўлга киритишига шак-шубҳа йўқ.

## 2-SHO'BA

### FANLARNI O'QITISHDA KOMPETENSIYAVIY HAMDA DIFFERENSIAL YONDASHUVNING AHAMIYATI

=====

#### ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ҲОЗИРГИ МЕЪЁРИЙ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ МАДАНИЙЛИК МЕЗОНИ

*С.А.Каримов*  
*СамДУ*

Ўз тараққиётининг ҳозирги босқичида инсоният глобал муаммолар билан боғлиқ бўлган ғоятда мураккаб жараёнларни бошидан кечирмоқда. Дунёга ҳукмронлик қилишнинг турли-туман йўллари излаётган сиёсий кучлар бугун зўр бериб «оммавий маданият» тушунчаси остида кўпчилик халқлар ва миллатларнинг маънавий қарашларига зид бўлган гайриахлоқий қарашлари тарғиб қилмоқда.

Мана шундай мураккаб бир шароитда Ўзбекистон халқи мустақилликни қўлга киритиб, уни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш йўлида дадил олдинга қараб бормоқда.

Бу ривожланиш ўз-ўзидан бўлмаётгани ва бўлмаслиги ҳаммага аён, албатта. Аммо унинг изчиллигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири таълим ва тарбия тизимини янги босқичга олиб чиқиш билан боғлиқлигини ҳаммамиз ҳам тўлалигича англаб етаётган эмасмиз. Агар шундай бўлганда эди мустақиллик шароитида ўтган 26 йил давомида давлатимиз яратиб берган имкониятлардан самарали фойдаланиб, бугун бу соҳада улкан ютуқларни қўлга киритишимиз мумкин эди.

Лекин ҳамма вақт ҳам бундай бўлиб чиқмади. Яратиб берилган шароитларнинг моҳиятини ҳаммамиз ҳам тўғри англаб етмадик, ундан маънавий бой бўлиш, таълим-тарбияни жаҳон талаблари даражасига олиб чиқиш йўлида фойдалана олмадик.

Ташаббускор ва фидойи инсонлар, элим деб, юртим деб яшаётганлар етишмаяпти. Юқоридан буйруқ кутиб ишлаш кайфиятидан ҳамон қутулганимиз йўқ. Айрим ўрта бўғин раҳбарларида тажриба етишмайди. Кўпчилик педагоглариимизнинг билим ва тажрибаси талабга жавоб бермайди, масъулиятни ва бурчини ҳис қилмайди. Агар шундай бўлмаганда эди, айрим қишлоқ мактабларида бир йилда ҳеч бўлмаганда бир ўқувчи талабалик бахтига муяссар бўларди. Бу нохуш ҳолатлар натижасида таълим ислохотларини амалга ошириш, ёшлар тарбияси билан шуғулланишда қийинчиликларга дуч келаяпмиз.

Ташқаридан бўлаётган салбий таъсирлар ҳақида тасаввурга эгамиз. Уларни бартараф этиш борасида кўплаб маънавий-маърифий ишларни амалга ошириб келаяпмиз. Аммо уларнинг аксарияти, тан олишимиз керак, хўжа кўрсинга бўлиб келаятган эди. Энди эса таълим соҳасида Президентимиз назоратида янги тизим шакллантирилмоқда. Маърифий ишларда «уюлмаган ёшлар» деган тушунча пайдо бўлди, улар билан ишлашнинг оила, маҳалла, таълим муассасаси ва ички ишлар кесимида аниқ тадбирлари белгиланди.

Аммо ички таъсирдан тўлалигича қутула олганимиз йўқ. Ҳамон боқиманда фарзандлар тарбиялашда давом этаяпмиз. Боламга яшаш шароитларини ўзим яратиб бераман, уй-жойни ўзим кураман, машинани ўзим олиб бераман, ўқишга ҳам ўзим киритаман, балоғатга етиши билан ўзим уйлантираман, невараларимни ҳам ўзим боқаман, қизимни ўзим эрга бераман, деган кайфиятдан ҳали қутулганимиз йўқ.

Акад. С.Ғуломов таҳлилларича, бизда тўйга ва унга боғлиқ тадбирларга, гап-гаштагу чойхонада ўтиришларга оилавий харажатларимизнинг тахминан 20 % (Ғарбда 3%), спиртли ичимликлар, тамаки ва нос чекишга 10 % (2%), аксинча, соғлиқни сақлашга 3% (10%), сифатли таълимга, масалан, тил ўрганишга, интернетга 2% (10%), илғор техникалар – компьютер ва бошқа техникалар сотиб олишга 3% (10%), хорижда ўқишга 2% (5%), мусиқа, санъат, шахмат ва спорт тўғаракларига қатнашга 3% (5%) сарфланар экан.

Мана, биз қарши курашишимиз зарур бўлган ҳолатлар. Соғлом турмуш тарзи ўз-ўзидан шаклланмайди.

Маълумотларга қараганда, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олар экан. Ваҳоланки, болаларнинг мазкур даргоҳларда қамраб олиниши бугунги кунга келиб атиги 30 фоизни ташкил этар экан. Мамлакатимизда 706 мингдан зиёд бола қамраб олинган 4 минг 893 та давлат мактабгача таълим муассасасида 57 мингдан ортиқ мутахассис меҳнат қилаётган бўлса, шундан 85 фоизини ўрта маълумотли кадрлар ҳисобланади. Шу боисдан Президентимиз Шавкат Мирзиёев таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш масаласини қатъий қўйди. **«Биз замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон-бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эриша олмаймиз. Бундай кадрларни, миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади»**, деди раҳбаримиз.

Бугун таълимнинг барча бўғинларида ислохотлар янгича йўлдан бормоқда. Масалан, 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини янада замонавийлаштириш, пуллик хизматлар кўрсатиш ва молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини излашда **олий ўқув юртларининг ваколатларини кенгайтириш йўли билан уларнинг мустақиллиги босқичма-босқич ривожлантириб борилади**.

Бу ислохотлар жараёнида менинг иштироким қандай бўлаяпти, деган саволни ҳар биримиз ўзимизга беришимиз лозим ва шарт. *Зиёли* деган номнинг юки оғир. Уни кўтариб юришга ҳаммамизнинг ҳам кучимиз етавермайди. Шунингдек, ислохотларда тил таълимининг вазифаси қандай бўлади, деган савол ҳам кун тартибда турибди. Бугун жамиятга салоҳиятли кадрлар зарур экан, улар, биринчи навбатда, саводли бўлишлари, сўзларни адабий тил меъёрларига мос тарзда тўғри ёзиш ва талаффуз қилишлари керак. Бунга эришиш бизнинг биринчи галдаги вазифларимиздан ҳисобланади. Навбатдаги вазифамиз эса, нутқий маданиятимизни юксалтиришдан иборат. Чунки, педагог нутқи намунавий нутқ ҳисобланади. Биз хоҳлаймизми-йўқми, атрофдагилар ундан ибратланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида ҳам ушбу масалаларни ҳал этиш мактаб ўқувчиларини тарбиялашдан бошланиши таъкидлаб ўтилган. Ўқувчиларда **коммуникатив** (ижтимоий вазиятларда она тилида ҳамда бирорта хорижий тилда ўзаро мулоқотга кириша олишни, мулоқотда муомала маданиятига амал қилишни) ва **нутқий** (сўз, ибора ва атама (термин)ларнинг маъносини тушуниб, тўғри ўқий олиш; хуснихат, тиниш белгилари ва имло қоидаларига амал қила олиш; иш қоғозларини (ариза, маълумотнома, хат, таржимаи ҳол, эълонларни ёза олиш) **компетенция**ларни шакллантириш талаблари ДТСларида аниқ кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, инсоният цивилизациясининг барча босқичларида ўртага қўйиб келинган нутқ маданияти муаммоси ҳозирда ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас.

XV-XVI аср маънавиятининг йирик вакили мавлоно **Хусайн Воиз Кошифий**нинг бу борадаги ўғитларини эслайлик. Олим ўзининг **«Футувватномаи султоний»** асаридаги **«Тариқат аҳлининг одоби»** деб номланган бешинчи фаслида инсон маънавияти ва маданиятига оид муҳим қарашларни илгари сурган. Ушбу бобда инсоннинг етти аъзоси – кўз, кулоқ, тил, қорин, оғиз, қўл ва фарж (таносил аъзоси)ни сақлаш одоби ҳақида мулоҳаза юритар экан, уларни инсон организми деб эмас, балки маънавият ва ахлоқи намоён бўлувчи рамзий белгилар сифатида талқин қилади.

Жумладан, Кошифий қуйидагиларни ёзади: «Тилнинг одоби қайси деб сўрасалар, бу олти нарсага тил очиш ва саккиз нарсадан тилни сақлаш деб айтгил. Тилни очиш керак бўлган нарсалар қайси деб сўрасалар, айтгил: ҳожат зарурати юзасидан кўнгилларда яширин бўлган розни изҳор этиш, мазлумлар фарёдига жавоб бериш ва марҳумлар имдоди учун сўз айтиш. Чунки бу сўзлар орқали золимнинг зулми мазлумлар бошидан кўтарилиши мумкин.

Тилни сақлаш лозим бўлган нарсалар қайси деб сўрасалар, айтгил: бирнчидан, ёлгон гапиришдан, зеро ёлгончи худонинг душманидир. Иккинчи, ваъдага хилоф гапириш ва мунофиқона сўз айтишдан. Учинчи, ғийбат ва бўхтон гаплардан, чунки бўхтон фосихлар ишидир. Тўртинчи, беҳуда баҳсу муноқашадан, айб қилишдан ва гап ташишдан. Булар шайтон васвасасига киради. Бешинчи, ўзини мақташ ва таърифлашданки бу худбинликкаолиб келади. Олтинчи, навкар ва хизматкорларни лаънатлашдан. Еттинчи, қарғашдан, дуои бад қилишдан, чунки бу жону дилининг офатидир. Саккизинчи, мазах-масхара қилиш ва ҳазил-хузулдан».

«Сухбат одоби ҳақида» деб номланган олтинчи фаслида эса яна қуйидагиларни баён қилади: “Агар мартабага эришганлар сухбатда қайси қоидаларга амал қилиши керак деб сўрасалар, айтгилки, қуйидаги саккиз қоидани сақлаш керак: 1) ҳар кимнинг аҳволига қараб, муносиб сўз айтсин; 2) дағаллик қилмасдан, лутф ва мулойимлик билан гапирсин; 3) гапираётганда табассум қилиб, очилиб гапирсин; 4) овозини баланд кўтармасдан, эшитувчиларга малол келтирмайдиган қилиб гапирсин; 5) одамларга нафъи тегадиган маъноли гапларни гапирсин; 6) агар сўзнинг қиммати – қадри бўлмаса, уни тилга олмасин, чунки улуғларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруғ пуч ёки чириган бўлса, уни қай ерга экманг, униб чиқмайди” [Хусайн Воиз Кошифий. Футуватномаи султоний // Шарқ юлдузи, 1993, № 3-4, 165-бет].

Ўзбек адабий тилининг қанчалик меъёрга келтирилганлиги ва унга қай даражада амал қилиниши умуммиллий ўзбек маданиятининг тараққиёт даражасини бегилловчи омиллардан саналар экан, бу муаммо зиёлилар, хусусан, филологларнинг бундан кейин жиддий шуғулланиши ва ҳал қилиши лозим бўлган долзарб вазифаларидан бўлиб қолаверади.

## ШАРОФ РАШИДОВ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Ш.Ҳасанов  
СамДУ,  
Ф.Эргашбекова  
Самарқанд ш. 29-мактаб

XX аср шўро адабиётшунослигида ижоди кўп бора таҳлил ва талқинларга тортилган, бироқ ҳолисона ўрганилмаган: ҳаётлигида ошириброк баҳо берилган, вафотидан сўнг қаттиқ танқидга олинган ижодкорлар ҳам учраб туради. Ана шулардан бири давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов эди.

Олдинги мафкура ҳукмдор ижодкорларни ёқтирмасди. Улар ижодини ўрганишни ман этарди, руҳсат берилганлари эса “пўстаги қоқилган”дан сўнг у ёки бу тарзда ўрганиларди. Соцреализм ақидаларига содиқ ўз намоёндалари, арбоблари ижоди ҳар томонлама рағбатлантириларди. Бадиий асарга баҳо беришда “ўткир ижтимоий муаммо”ларнинг, “долзарб мавзу”ларнинг ёритилганлигига урғу берилардики, бу охир-оқибатда публицистик адабиёт ташвиқотини кучайтирди.

Адабиётнинг асл вазифаси, образли қилиб айтганда, инсон ва Илоҳ муносабат ва мулоқотларига қаратилмоғи керак. Инсон ва ҳокимият муносабати – мулоқоти эса публицистиканинг вазифасини белгилайди. Илоҳни ўзидан соқит этган соцреализм оқими эса “карталарни қайтадан чийлаб”, тарозининг иккинчи палласини салмоқдор қилди, яъни бадиий асарга публицистиканинг юки ортилди. Шароф Рашидов мана шундай бир мураккаб, чалкаш мафкуравий муҳитда яшаб ижод қилди. Шу боис унда бадиий асарда публицистика устувор бўлиши керак, деган ақида мустаҳкамланди.

Шароф Рашидов “Бадиий публицистика ҳақида” мақоласида шундай деб ёзади: “Адабиёт асарлари қайси жанрда яратилган бўлишларидан қатъий назар жанговар публицистика ҳарорати билан тўлган бўлса, улар коммунизм қураётган халқнинг

кахрамонона ишларини ҳаммадан кўра тўлароқ ва ҳаммадан кўра жўшқинроқ акс эттиришга қобилдирлар” (20-бет, 4-том).

Асарда бадиийликнинг асосий шартларидан бўлган тасвирийлик ва таъсирчанликни юзага келтирадиган омиллардан бири алоҳида-алоҳида характерларнинг тақдири, ҳис-туйғулари, юриш-туриши, ўй-хаёллари, табиатидир. Публицистик бадииятда эса алоҳида тақдирлардан кўра кўпчиликнинг орзу-интилишлари, умумий феъл-атворлари етакчиликка чиқади. Ўқувчини умумфожеасидан кўра кўпроқ алоҳида шахснинг фожеаси қизиқтиради, алоҳида тақдир қисмати кўпроқ ҳаяжонга солади. Миллионларнинг ўлими статистика, яқка инсоннинг ўлими – фожеа, деб бекорга айтилмаган.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб умумшўро адабиётида публицистика мақомининг ошиши соцреализм назариячиларининг “конфликтсизлик назарияси”ни муомалага киритишлари сабаб бўлди. Жамиятда “синфий қарама-қаршилик” бартараф этилгач, арзимас тортишувлар, оғзаки айтишувлар бадиий конфликт учун асос қилиб олина бошланди. Унчалик ҳам ҳаётий ва муҳим бўлмаган, тортишувсиз ҳам осонгина ҳал қилиниши мумкин бўлган масалалардан конфликтни рўёбга чиқаравериш ҳам ижодкорларни қониқтирмай қўйди, шунинг оқибатида долзарблик билан ҳал қилиниши талаб этиладиган ижтимоий масалалар талқини бадиий асар сюжетидан жой ола бошлади.

“Қудратли тўлқин”даги Баҳор ва Пўлат, “Бўрондан кучли”даги Ойқиз ва Олимжон, “Дил амри”даги Есин ва бошқа талай персонажлар зиммасидаги ғоябардорлик уларнинг характер қиёфаларини хиралаштирган... Асарда, албатта, ғоя бўлиши керак – у характер хизматини бажармоғи зарур. Характер ғоянинг хизматига бўйсундирилса, ҳаётийлик ва табиийлика путур етади. Ўз даврининг етакчи адабий оқими учун удумга айланган бу русум Ш.Рашидов ижодида ҳам ўз ифодасини топди.

Ҳар бир асар – ўз даврининг маҳсули. Давр ўзгаради, даврга муносабат ўзгаради. Ўз даврининг маҳсули бўлган асар-чи? Унга ҳам муносабат ўзгаради. Давр ўзгариши сунъий (социализм ўрнатилишидек) ё табиий оқимда кечади. Характер хусусиятига қараб инсон ҳам ўзгаради. Барқарор характерларда ўзгариш секинлик билан кузатилади, заиф характерлар эса давр шамолларининг эсишига қараб ўзгараверади. Ҳамма даврлар учун ҳам замонавий бўлиб қоладиган асарлар бор ва замонасозлик руҳидаги асарлар мавжуд. Бир мавзуда ёзилган икки асарнинг бирови ўқилади, иккинчиси ўқилмайди. Нега? “Очилган кўрик” бугун ҳам ўқилаётган экан, демак, у бугун ҳам замонавий. “Бўрондан кучли” бугун эстетик завқ бермаётган экан, демак, замонавий бўлолмайди. “Очилган кўрик”нинг қаҳрамони тирик инсон: у янги даврни ишончсизлик билан, шубҳа билан, иккиланишлар билан қабул қилади. Унинг воқеликка аралашувини руҳиятида кечаётган ўзгаришлар белгилайди. “Бўрондан кучли”нинг қаҳрамони эса ҳеч қандай шубҳа, гумонларга бориб ўтирмайди, енг шимариб давр ғояларини ҳаётга татбиқ эта бошлайди.

Ҳозир шундай чиройли ва кўркем сунъий гуллар ишлаб чиқариляптики, яқинроқ бориб, дурустроқ разм солмасангиз, уни табиий гул деб ўйлайсиз. Етакчи адабий оқим таъсирида ёзилган XX аср совет адабиётининг кўпгина намуналари ҳам ана шундай таассурот қолдиради.

“Бўрондан кучли” ва “Кашмир кўшиғи” гўёки икки олам. “Кашмир кўшиғи” табиий, самимий, эркин ёзилган. Боиси, биринчи асарда ғоя ҳаракат қилади, иккинчисида инсон – ўзининг орзу-армони, кам-кўсти, бахти, қисмати билан.

Ш.Рашидов асарларида халқимиз ҳаётининг тарихий, муҳим даврлари қаламга олинган. Халқнинг бахти, келажаги учун кураш – яхши ғоя. Бу ғояга публицистик либос кийдириб, уни бадиий асар деб тақдим этганда ҳам у китобхонга эстетик завқ-шавқ беролмайди. Чунки бадиий услуб ва публицистик услуб бошқа-бошқа ифода йўсинларидир.

“Кашмир кўшиғи” Ш.Рашидов ижоднинг гўзал намунасидир. Мумтоз шеърятда Кашмир сеҳру афсун ватани ҳисобланади. Шоир қадим шарқ афсона ва ривоятларига мурожаат этар экан, уни қайта поэтик талқин этади, ўқувчини сеҳрлар дунёсига олиб қиради, инсон руҳининг камалакдек рангин жилваларини рамзлар тилига кўчиради.

Ш.Рашидов – серқирра иждокор. Унинг адабий-танқидий мақолалари етук мунаққид бўлганлигини ҳам тасдиқлайди. Адибнинг Алишер Навоий, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, М.Шолохов, Н.Тихонов, В.Кожевниковларга бағишланган мақолаларида иждокор маҳорати ва бадиий сўз ҳақида малакали мунаққид талқинларини кўрамиз. Бадиий асар хусусида сўз кетганда, иждокор ва у мансуб бўлган адабий оқим ақидалари ҳисобга олинади. Шу маънода Шароф Рашидов ҳам ўз даврининг иждокори бўлиб қолади.

Иждокор вафотидан кейин шахсияти ва ижоди ҳақидаги мусбат, манфий эҳтирослар тинди. Бугун Ш.Рашидов насри, назми, адабий-танқидий қарашлари, публицистикасини алоҳида тадқиқот доирасида ўрганиш иждокор ва давр, характер ва шароит, асар ва адабий оқим муносабатларига аниқликлар киритади ҳамда яқин абадий тарихимизнинг солномасини яратишга хизмат қилади.

## ЦЕЛЕВЫЕ УСТАНОВКИ КАК ФАКТОР ФОРМИРОВАНИЯ РЕЧЕВЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ

*Б.Я.Ахмедов  
Бухарский ОИППКРНО*

Выдвижение коммуникативной цели как стержневой в процессе обучения русскому языку в национальной школе требует совершенно нового подхода к отбору и организации грамматического материала. Школьная грамматика должна обеспечить оформление коммуникативных задач овладения языком как средством общения.

Целевая установка является экстралингвистическим фактором, влияющим на языковую структуру речевого произведения. Целевая установка (в дальнейшем ЦУ) присуща любой речи, она определяет значение, направленность речевого акта. ЦУ идет всегда впереди языка, а в своем языковом воплощении она подчиняет себе язык, сообразуясь, конечно, с его особенностями. Это говорит о том, что выбор той или иной языковой структуры для оформления речевого произведения во многом обуславливается целевой установкой. Именно поэтому изучение взаимозависимостей между лингвистическими формами и их назначением имеет большое значение для методики преподавания русского языка как неродного. Выявление соответствий между этими двумя аспектами речепроизводства позволило бы организовать обучение русскому языку на функциональной основе, с учетом функционирования языковых единиц в определенных продуктах речи. А это, как известно, и соответствует реализации коммуникативной направленности обучения языку, иными словами, усвоению языка как средства общения.

ЦУ можно условно разделить на шесть групп.

К первой и второй группам относятся ЦУ, вызванные чисто объективными характеристиками действительности и связанные с передачей и запросом объективной информации. При этом под объективной информацией понимаются сведения о событиях и явлениях окружающей действительности. Это могут быть сведения о самом говорящем (*Я учусь в пятом классе*) или о его собеседнике или третьем лице (*А он всегда важничает*), о действии (*Он занимается музыкой*), о признаках (*А школа у нас совсем новая*), о данной, сиюминутной ситуации (*Тебя к телефону*).

Третья и четвертая группы ЦУ связаны с обменом субъективной информацией, предметом которой являются субъективные намерения собеседников, их отношение к действительности, желания и мнения по поводу предметов, событий. Этот вид информации включает также оценку действительности (самого говорящего, его собеседника или третьего лица, событий, явлений) с точки зрения достоверности, важности, интереса, новизны и т. п. Сюда же относятся так называемые побудительные речевые действия<sup>1</sup>, посредством которых говорящий пытается осуществить свои желания, намерения относительно собеседника или



другого лица, заставить их сделать что-то: выражение приказа (*Ты должен...*), просьбы (*Пожалуйста, поиграй со мной*) и т. д.

Целевые установки пятой группы служат для реализации эмоционально-реактивной информации, которая связана с речевыми действиями слушающего. В них выражаются непосредственные ощущения, характеризующие душевное состояние собеседника в момент речи, непосредственную реакцию слушающего на высказывание (радость, удивление, сожаление, негодование и т. д.), а также непосредственную оценку услышанного (согласие, солидарность, одобрение и т. д.). Высказывания этой группы позволяют судить о характере реакции слушателя на ту или иную информацию, получаемую им в речевой или неречевой форме. Для говорящего же они являются своеобразным звеном обратной связи в процессе общения.

И наконец, к шестой группе относятся ЦУ, связанные с выражением определенных правил и норм социального общения, которые выработаны человеческим обществом в целях регуляции межличностных отношений. В речевых произведениях этой группы не содержится каких-либо положительных сведений или знаний об объективной реальности. Они обслуживают человеческое общение, управляют передачей и получением информации между собеседниками.

Интересно отметить, что в языковом отношении разные группы ЦУ неодинаковы. Если первая и третья группы высказываний обслуживаются в основном нейтральными языковыми единицами, то для оформления остальных требуются стилистически окрашенные языковые средства, употребление которых зависит от конкретной формы и ситуации речи. Этим и объясняется тот факт, что усвоение таких единиц представляет для нерусских учащихся особые трудности.

Лингвостатистическое изучение записей устной речи нерусских детей позволило выявить взаимосвязи между двумя аспектами речевой деятельности — материальной структурой и общественным функционированием языка. Путем анализа была установлена определенная закрепленность языковых средств за той или иной группой целевых установок.

Большую роль в языковом оформлении высказывания играет его направленность или цель. Любое речевое высказывание есть отражение имеющихся в сознании собеседников представлений и установок. В общении первичной является всегда целевая установка, т. е. то, для чего, с какой целью люди общаются друг с другом, адресуют друг другу некоторое целостное речевое высказывание.

Целевые установки проявляются в отдельных актах речи по-разному, и они могут иметь закрепленные за каждой из них специальные языковые средства. Так, высказывание, имеющее целью выражение чувств говорящего или его желания побудить кого-то совершить какое-либо действие, в языковом отношении отличается разнообразием интонационных средств, отбором лексики и специфическими модальными и оценочными конструкциями. Когда целью речи является установление контакта между участниками коммуникации, используются, как правило, так называемые формулы вежливости, т. е. определенные речевые штампы.

Хотя работа в данном направлении находится пока еще в начальной стадии и для окончательных выводов требуется проведение более широких и представительных исследований, уже сейчас можно предположить, что изучение взаимозависимостей между лингвистическими формами и их назначением создает предпосылки для создания грамматики для обучения общению. Исходя из ЦУ возможна определенная типологизация и систематизация языкового материала в программах и учебниках, соответствующая особенностям функционирования языка в общении. Презентация материала в соответствии с ЦУ позволяет в процессе обучения акцентировать внимание на выполнении коммуникативных задач. Объяснение целевых установок речи и показ языковых средств для их реализации создают надежные условия для моделирования речевого поведения учащихся, а также для определения принципов работы над русской речью в нерусской аудитории.

## ФАННИ ЎҚИТИШДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*М.Мамадалиев, М.Файзиева*  
*Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

Ўзбекистон Республикасида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий, маърифий ва маданий ўзгаришларга мос ҳолда ўқувчи ёшларга берилаётган таълим ва тарбия ишлари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва уларнинг ижросини таъминлашга хизмат қиладиган бир қанча меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

Маълумки, ёшларга жаҳон таълими андозалари асосида билим бериш, уларни замонавий дунё стандартларига мос ҳолда фикрлайдиган рақобатбардош кадрлар сифатида етиштириш масалалари халқ таълими соҳасининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Бу вазифалар, ўз навбатида, ҳар бир мактаб раҳбари, ўқитувчидан юқори билим эгаси бўлишни, мазкур ишларни амалга оширишда, таълим соҳасида содир бўлаётган янгиликлардан хабардор бўлиб, уларнинг мазмун-моҳияти билан танишиш, шунингдек, ўқитувчиларнинг мустақил ва методик ишларини тўғри ташкил этиш, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини таҳлил қилиб, баҳолаб боришларини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши умумий ўрта таълим мактаблари фан ўқитувчиларига ўқувчиларнинг универсал билим, маҳорат ва кўникмаларнинг янги тизимини, шунингдек, уларнинг мустақил фаолияти ва шахсий маъсулиятини шакллантиришга йўналтириш вазифасини юклатди.

Ўзбекистон узлуксиз таълимининг Давлат таълим стандартлари ўзлаштирилиши битирувчининг касбий фаолият вазифаларига тегишли бўлган билими, малакаси ва шахсий сифатларини қўллай олиш қобилиятларини ўзида акс эттирувчи компетенцияларга эга бўлиши билан белгиланади. Давлат таълим стандартларида ўқувчиларда таянч ва фанга оид умумий компетенцияларнинг шакллантирилиши кўзда тутилган.

Таянч компетенциялар – инсон қандай касб эгаси бўлишидан қатъи назар, жамиятда муваффақиятли яшаши учун эга бўлиши керак бўлган лаёқатлар, қобилиятлар ва фаолият турларидан иборатдир. Бунда ҳар бир шахс мулоқотга киришувчан бўлиши, ахборот билан ишлай олиши, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириши, ижтимоий фаол фуқаро бўлиши, умуммаданий ҳислатларга эга ҳамда математик жиҳатдан саводхон бўлиши назарда тутилади.

Тарих фанидан компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандарти ва унинг мақсади, вазифалари ушбу фан ўқитувчилари ўқув услубий ишларида турли педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг мулоқотга киришувчан бўлиши, ахборот билан ишлай олиши, шахс сифатида ўзини-ўзи ривожлантириб бориши, умуммиллий маданиятга эга бўлиши, математик саводхон бўлиши ва шу билан бирга, фан-техника янгиликларидан хабардор бўлиши каби таянч ва хусусий компетенцияга эга бўлишини белгилаб берди.

### **Тарих фанини ўқитишнинг мақсади:**

– Ўқувчиларда тарихий онг ва тарихий тафаккурни шакллантириш, дунё халқлари ҳамда кўп миллатли халқимизнинг тарихи ва бугунги кунига, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш;

– Ўқувчиларга давлатчилигимиз тарихи жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми эканлигини англатиш;

– Ўқувчиларда таянч ва тарих фанига оид компетенцияларни шакллантиришдан иборатдир.

**Умумий ўрта таълими муассасаларида тарих фанини ўқитишнинг вазифалари:**

- Аждодларимизнинг маънавий мероси ва жасоратларидан ибрат олишга, уларга муносиб ворис бўлишга ўргатиш;
- Ўқувчиларни тарихий воқеаларни идрок этишга йўналтириш орқали уларнинг ўзлигини англаш, шахс сифатида камол топишига ёрдам берадиган тушунчалар, миллий, умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялашдан иборат.

**Тарих дарсларида ўқувчиларда қандай компетенциялар шаклланиши зарур?**

1. Тарихий воқеликни тушуниш ва уни мантикий изчилликда тушунтира олиш компетенцияси.
2. Тарихий манба ва адабиётлар билан ишлаш компетенцияси.

**Тарих дарсларида компетенциявий ёндашувни татбиқ этиш ўқувчиларда:**

- билим, кўникма ва малака ҳамда амалий фаолият усуллари шахсий тажрибага айлантириш имкониятини беради;
- улар ўртасидаги интеграцияни таъминлашга хизмат қилади;
- ўзини-ўзи ривожлантириши, мустақил ва ижодий фаоллигини оширишни таъминлайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тарих фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда инновацион технологиялардан фойдаланиш тарих фани дарсларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШДА НУТҚ ЎСТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ПСИХОЛОГИК  
ЁНДАШУВ**

*Н.Д.Қосимова  
Андижон ВХТХҚТУМОИ*

Таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлишини ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун замонавий ўқитувчи ўз соҳасидаги билимларни мустаҳкам эгаллашдан, ташқари, педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни ўқув ва тарбиявий машғулотларда қўллай олиш талаблари бугунги кун долзарб масалаларидан бўлиб ҳисобланмоқда. Айниқса, ўқувчи онги, тафаккури, идроки ривожланиши билан бирга нутқини ўстиришда мустақил ишлаш қобилиятини ҳам ривожлантириш муҳим, бунинг учун муомала техникаси ҳақида билим, малакага эга бўлиши лозим. Ўқув жараёнида ўқитувчи муомала қилишда унинг мазмун-моҳиятини билиш ва риоя қилиши муҳим.

**Муомала** – бу ҳамкорлик фаолиятининг эҳтиёждан вужудга келиб чиқувчи, шахслараро мулоқот ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Муомаланинг энг муҳим таркиби мулоқот ҳисобланади. Унинг таркиблари:

1. Коммуникатив (бир томонлама) ахборот узатиш.
2. Интерактив (икки томонлама ўзаро таъсир).
3. Перцептив (ўзаро бир-бирини идрок қилиш).

Муомала ўз ичига ҳамкорлик фаолиятининг қатнашчилари билан ўзаро ахборот алмашувни қамраб олган бўлиб, у коммуникатив жабҳа сифатида тавсифланиши мумкин. Одамлар бир-бирлари билан мулоқотга киришиш жараёнида муомаланинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланмиш тилга ва унинг амалий ифодаси бўлмиш нутқ фаолиятига бевосита мурожаат қиладилар.

Муомаланинг иккинчи томони – мулоқотга киришувчиларнинг ўзаро таъсири, уларнинг нутқ фаолиятида нафақат сўз орқали фикр алмашинуви, балки хатти-ҳаракати ва

хулқ-атвори билан ўзаро таъсир ўтказиш, таъсирланишдан (масалан, ўқитувчи ва ўқувчи) иборатдир.

Муомаланинг учинчи томони шундан иборатки, бунда мулоқотга киришувчилар (мулоқотдошлар) ўзаро бир-бирларини идрок қилиш жараёни намоён бўлади, инсонни инсон томонидан идрок қилиш юзага келади. Масалан, унда мулоқотга киришувчи, яъни мулоқотдош (шерик)ларнинг биттаси иккинчисининг ишончига лойиқ, ақлли, фаросатли, тажрибали, юксак тайёргарликка эга инсон сифатида уни идрок қилиш жуда муҳим эканлигини англаш ёки бир-бирларини олдиндан ҳеч нарсани тушунмайди, узатилган ахборотни фаҳмлай олмайди, деб тахмин қилиш тарзида руҳий ҳолат вужудга келади.

Муомаланинг перцепция (инсонни инсон томонидан идрок қилиш) таркиби қуйидаги функцияларни бажаради. Муомаланинг саккизта қоидасига амал қилинса мақсадга мувофиқ бўлади:

- бемаврид гапирмаслик;
- лутф ила юмшоқлик билан сўзлашиш;
- очик чехра билан гапириб, юзда самимийликни сақлай олиш;
- эшитувчига малол келмайдиган тарзда гапириш;
- фақат фойдали гапларни гапириш;
- ўйлаб, андиша билан сўзлаш, ўйламай айтилган гап пушаймонлик келтиришини ёдда

тутиш;

- кишилар гапираётганда орага гап қўшмаслик, сўзини бўлмаслик;
- кўп гапирмаслик, зеро, бу яхшилик аломати эмас.

Психологияда психологик таъсирнинг асосан 3 хил тури ва воситаси мавжуд:

*Вербал таъсир* – бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатиладиган таъсиримиздир. Бундаги асосий воситалар сўзлардир.

*Паралингвистик таъсир* – бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар бўлиб, бунда нутқнинг ифодаланаётганлиги, товушлар, тўхташлар, йўтал, тил билан амалга ошириладиган ҳаракатлар.

*Новербал таъсир* – маъноси “нутқсиз”дир. Бунда суҳбатдошларнинг фазода бир-бирларига нисбатан тутган масофалари, ҳолатлари, қилиқлари, мимика, қарашлар, бир-бирини бевосита ҳис этишлари, ташқи қиёфа киради.

Психологияда биринчи марта кўришиб турган суҳбатдошлардаги таассуротларнинг ижобий бўлишига:

- гапирган гаплари 7%,
- паралингвистик омиллар 38%,
- новербал ҳаракатлар 58% гача таъсир қиларкан.

Хулоса қилиб айтганда, илмий манбаларда, биз сўз орқали фақат 35% маълумотга эга бўла олсак, 65% маълумот ўз-ўзидан новербал таъсир орқали етказилади.

## **ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА – ФАКТОР ФОРМИРОВАНИЯ КОМПЕТЕНЦИЙ СОЦИАЛЬНО-ГРАЖДАНСКОЙ АКТИВНОСТИ И САМОСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УЧАЩИХСЯ**

*М.М.Юлдашева*

*Сырдарьинский ОИППКРНО,*

*Ш.К.Хакимова*

*школа № 12*

*Сайхунабадского района Сырдарьинской области*

«Национальная программа по подготовке кадров» ориентирована на формирование нового поколения кадров с высокой и профессиональной культурой, творческой и

социальной активностью, умением самостоятельно ориентироваться в общественно-политической жизни, составлять и решать задачу на перспективу.

Для того чтобы занять достойное место в обществе, уметь решать возникающие в повседневной жизни проблемы, а главное - быть конкурентоспособными в своей профессиональной области, учащимся старших классов необходимо овладеть многими компетенциями, особенно, компетенцией социально-гражданской активности (профессиональной).

Современному обществу необходимы самостоятельные, образованные, предприимчивые, толерантные, коммуникабельные люди, которые смогут самостоятельно принимать решения в ситуации выбора, самостоятельно находить и применять нужную информацию, работать в команде, способные к обновлению уровня своих знаний. Следовательно, школа должна не только давать глубокие знания учащимся, но и учить их мыслить, рассуждать, исследовать, проектировать, способствовать развитию самостоятельной познавательной активности.

Один из самых острых вопросов современности – как научить ученика так, чтобы он успешно ориентировался в огромном количестве информации и умел эту информацию использовать? Как научить ученика свободно, без страха и стеснения выражать свои мысли, пробудить в нем активный интерес к изучению русского языка и литературы?

Как мы знаем, сегодня образование на основе компетенций – обучение, направленное на формирование у учащихся практического использования приобретённых знаний, умений и навыков в своей каждодневной профессиональной и общественной деятельности.

Практика показывает, что не все учителя общеобразовательных школ на своих уроках уделяют должного внимания профессиональной ориентации. Причиной этому служат, во-первых, нехватка времени у учителя, во-вторых, усложненность учебных программ и насыщенность содержания учебного материала, в-третьих, недостаточный профессиональный уровень учителя.

Профессиональная ориентация школьников и подготовка их к будущей профессии – одно из центральных направлений деятельности современной школы. Если работу проводить целенаправленно и регулярно, то к IX классу учащиеся будут иметь полное представление о существующих профессиях, о современных профессиях, потребностях в них в данной местности, смогут выбрать ту или иную специальность в соответствии со своими интересами или отказаться от неё, если не обладают нужными для неё качествами. Наконец, можно воспитать в себе такие качества.

Перед учителями сегодня стоят ответственные задачи, одна из которых путём внедрения современных педагогических технологий повысить интерес учащихся к изучению русского языка и воспитать любовь к русскому языку.

Разработка и внедрение современных образовательных педтехнологий в образовании является необходимым и закономерным условием, позволяющим повысить качество подготовки специалистов, эффективность всех форм учебно-воспитательного процесса.

Перед учителями могут возникнуть ряд вопросов, особенно как повысить профессиональную направленность уроков русского языка, как провести профессиональную ориентацию на уроке. Ответ один: творческий подход к каждому уроку, правильное распределение каждого этапа, каждого компонента урока, правильный выбор оптимальных методов и приёмов обучения с учётом выбранного им типа и вида урока и, конечно, содержания учебного материала.

Модернизированные учебники русского языка для 2-9 классов школ с узбекским и другими языками обучения очень богаты материалами, текстами и информацией о разных профессиях. Особенно следует усилить профориентационную направленность уроков при изучении таких тем, как «На кухне», «Кем быть?», «Транспорт», «Книга», «Телевидение» - в 4 классе, «Как сказать о профессии человека? Как сказать об орудии действия?» - в 5-6 классе, «Как сказать о времени действия?» - в 8 классе, работу с лексикой *спортсмен, учёный-*

*математик, учитель, космонавт, лётчик, актёр, каскадёр, врач-учёный*, «Как сказать о специальности, профессии?» - в 7 классе, работу с лексикой *менеджер, актёр, учёный, писатель, композитор, художник, рыбак* и др., в процессе работы с текстом «Деньги» - акцентировать внимание на лексике *банк, банкир, бизнесмен, предприниматель, экономист* и т.п.

Уроки русского языка и внеклассные мероприятия по русскому языку обладают большими воспитательными возможностями, поэтому необходимо шире использовать воспитательные возможности самого предмета изучения. Ученики должны осознавать, что учёба – это тяжёлый, но посильный труд, в процессе которого можно развивать необходимые для любой профессиональной деятельности качества личности: аккуратность, добросовестность, чувство долга, дисциплинированность, способность осуществлять самоконтроль, ответственность, уважение к людям труда, любовь к своей профессии и, конечно, компетентность. Вот эти все качества и требования составляют компетенции социально-гражданской активности и самосовершенствования учащихся, над формированием которых должен работать учитель на определённых этапах урока.

Профессиональная ориентация может осуществляться через содержание дидактического материала, который отбирает учитель для тренировочных упражнений.

Особенно эффективны индивидуальные домашние задания для развития устной и письменной речи, творческие задания типа: составить мини-рассказ о знатном земляке (*фермере, учителе, враче, агрономе, ветеринарном враче, гидротехнике*), подготовить вопросы для беседы с ним, описать его рабочее место, машины и механизмы. Помочь учащимся в организации и проведении встречи с людьми разных профессий и т.п.

Особенно сложным в подготовительной работе по профориентации подростков является отбор текстов и подготовка их для индивидуальной учебной деятельности. Учитель при этом должен учесть соотношение лексики этих текстов и лексического минимума, языковую среду, интересы учащихся.

В старших классах должны быть продолжены самостоятельные виды работ, типа: составление учащимися сообщений, рассказов, написание рефератов и разработка презентаций о людях разных профессий.

Учитель должен познакомить учащихся с целью такой работы, а именно:

1) знать, какие личности необходимы для той или иной производственной деятельности и соотносить свои возможности с её требованиями;

2) иметь представление о выбранной профессии, готовить себя к ней;

3) учитывать местные потребности в тех или иных профессиях.

В процессе обучения русскому языку рекомендуется выполнять следующие виды заданий по формированию профориентационной компетенции учащихся:

– аудирование во всех классах (тексты для аудирования должны соответствовать требованиям государственного образовательного стандарта, идеям национальной независимости);

– сочинения-миниатюры по опорным словам и словосочетаниям;

– составление мини-рассказов (слова, предложения текста каждого ряда давать в разброс). Например: *профессия, на земле, благородная, учителя, самая, профессия*;

– выборочные диктанты, в которых использованы выражения и конструкции, обозначающие род занятий, профессии и должности;

– диалоги по заданным ситуациям, связанные с разными профессиями: «В магазине», «В школьной библиотеке», «На приёме у врача», «Встреча с артистом», «Встреча с журналистом (писателем)», «На ферме» и т.д.

– работа по картине о профессиях в устной или письменной формах;

- пресс-конференции, особенно в 7-11 классах, «Встреча с известными людьми» (*учащиеся выступают в роли каких-либо знатных людей*), можно использовать этот метод не только на разных этапах урока, но и во внеурочное время;
- групповые формы работ с использованием интерактивных методов и приёмов: составление кластера, диаграммы Венна, синквейна, использование метода «Коллаж»;
- мозговой штурм, беседа за «круглым столом» о разных профессиях;
- ролевые игры «На приёме у врача», «В библиотеке», «Встреча с писателем или журналистом» и многое другое.

Таким образом, профессиональная ориентация на уроках русского языка обеспечивает непрерывность в обучении (связь домашней и классной работ, анализ лингвистических понятий в естественной ситуации общения на уроке); предварительная подготовка снижает риск ошибки, общение в классе протекает легко и непринуждённо, учащиеся овладевают необходимыми речевыми моделями второго языка, у них развивается коммуникативная компетенция. В этих условиях учебный предмет становится средством воспитания и формирования компетенций социально-гражданской активности и самосовершенствования: дети убеждаются в том, что надо ответственно относиться к любому порученному делу, выполнять аккуратно, в полном объёме приучают себя обязательной дисциплине труда, без которой не может обойтись ни одна профессия.

## **ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ - ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ СИФАТИГА САМАРАЛИ ТАЪСИР**

*Д. Ўринбаева*  
*Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

Истиклол даврининг ўтган 26 йиллиги мобайнида жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистон давлатини эътироф этиб, унинг “ўзбек модели” деб ном олган ривожланиш йўлини тан олди. Ана шу тарихий жараёнда таълим соҳасидаги ислохотлар, уларнинг амалий натижалари ҳам катта ўрин тутмоқда.

Жуда қисқа фурсатда амалга оширилган ишларга дастуруламал бўлган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг ташаббуси ва раҳбарлигида ишлаб чиқилган “Кадрлар тайёрлаш миллий модели” мамлакатимизда янги жамият куришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципи асосланган иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг, ўз тараққиёт йўлимизнинг ажралмас таркибий қисмига айланди.

Узлуксиз рақобатчиликка таянган бозор иқтисодиёти тезкор, тадбиркор, шароитга кўра иш тута оладиган, мақсадга эришиш воситаларини жадаллик билан янгилай оладиган фаол шахсларга муҳтож. Шунинг учун ҳам “Она тили ўқитиш методикаси” фани олдида замон муаммолари билан боғлаб билим бериш асосий вазифалардан бири сифатида қўйилди. Ушбу фан тилнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш билан муҳим аҳамият касб этади.

Мактабни битириб чиққан ёшлар ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ранг-баранг жабҳаларида, мулоқот ва муносабатнинг барча турларида ўзбек тилидан бемалол – эркин, самарали ва тўғри фойдалана олиш, унинг чексиз имкониятларидан тўлақонли баҳраманд бўлиш, зарурий кўникма ва имкониятларига эга бўлишлари керак. XX асрда ўқиш ёзишни билмайдиган одамни саводсиз дейишса, XXI асрда ўзлаштирган билимларини амалиётда қўллай олмайдиган одамни саводсиз дейиш мумкин. Таълимни модернизациялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарор талабларидан келиб чиқиб, таълим мазмуни самарадорлигини ошириш, дарс жараёнини самарали ташкил этиш, ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш

мақсадида Европанинг ривожланган мамлакатлари ва мамлакатимизда чет тили бўйича узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш тажрибасига асосланган ҳолда, компетенциявий ёндашувга асосланган узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Шунга биноан, ҳар бир замонавий педагогдан компетенциявий ёндашув талаб этилади. Яъни, она тили таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда қуйидаги таянч компетенциялар шакллантирилади: *коммуникатив, ахборотлар билан ишлаш, ўзини ўзи ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий, математик саводхонлик, фан ва техника ангилликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш* компетенцияларга асосланади.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ўқувчи шахсий имкониятларига мослаштирилган педагогик муҳитни ҳамда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишдир. Шундан келиб чиқиб, она тили таълимни модернизациялаш, ўқув-тарбия жараёни сифатига самарали таъсир этишда қуйидагиларни инобатга олиниши мақсадга мувофиқдир:

1. Бола шахсига йўналтирилган таълим усулини ўқитувчилар орасида оммалаштириш энг муҳим вазифаларимиздан бири саналиши лозим. Ўқитувчиларимиз замонавий компьютер ўқув дастурларини, интерактив фаолиятни, кашфиётга асосланган таълим усулидан амалий фойдаланишни ўрганиб олмас эканлар, таълим натижаларида катта самарадорликка эриша олмайдилар.

2. Янги авлод дарсликлари ва янги таълим усули билан ўтказиладиган машғулотларнинг самарадорлигини ошириш учун ўқувчилар кўшимча ахборот манбалари билан таъминланган бўлишлари шарт. Ҳозирча бу манбалар дарсликнинг ўзи, ўқувчининг хотирасидаги, кундалик турмуш, интернет, бошқа ўқув фанларидан, атрофдагилардан сўраб-суриштириб олинадиган маълумотлардан иборат. Ўқитувчилар она тили бойликларини ўқувчиларга етказа оладиган қомусий маълумотнома, турли хилдаги (изохли, уядош сўзлар, маънодош сўзлар, зид маъноли сўзлар, шаклдош сўзлар) луғатлар, электрон дарслик, аудио-визуал воситалар (ҳар бир мавзу юзасидан синфлар кесимида тақдимот, мультимедиа, видеоролик) билан таъминланган бўлишлари шарт. Шунда дарсликларнинг ҳозирги ҳажми ҳамда моддий харажатлар кескин қисқариб, улар асосан, ҳар бир мавзунини ўрганиш алгоритмидан иборат бўлар эди.

3. Дарсликлар, электрон ўқув адабиётларида берилган матнлар, тестлар, мустақил иш учун топшириқлар, дидактик материалларни ҳам ижодийлаштириш, ҳам замон талабларига жавоб берадиган тарзда такомиллаштириш устида ўйлаш ва изланиш лозим. Бунинг учун дарсликларимизда ўз аксини топган шарқона тестлар, топқирлар беллашуви, қувноқлар ва зукколар мусобақаси, мантиқий машқлар учун зарур бўлган савол ва топшириқлар миқдорини ошириш мақсадга мувофиқдир.

4. Она тили ўқитишда ўқув материаллари муайян изчилликда мақсадли йўналтирилиши, мавзувий – муаммоли тизимда, яъни маълум бир мавзу доирасида тилимизнинг барча имкониятларидан, ифода ва тасвирий воситаларидан бир йўла, ўзаро боғланишда ўрганишга ўтиш, чунончи, фонетика, лексикография, синтаксис бўлимларини ўрганишда матн яратишнинг босқичли тизими, ўн босқичли мустақил, ижодий фикрлаш машқларидан фойдаланиш замон талабидир.

5. Болага мулоқот қилиш, нутқни ривожлантириш, тилнинг барча имкониятларини ўрганиш ва ривожлантириши учун жисмоний, ижтимоий, психологик имкониятларни, ижтимоий вазиятларда она тилида ҳамда бирорта хорижий тилда ўзаро мулоқотга кириша олишни, мулоқотда муомала маданиятига амал қилишни, ижтимоий мослашувчанликни, ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш лаёқатларини шакллантириш учун театр, муҳокама, саёхат дарсларини ташкил этиш лозим. Бу эса, шахс камолоти тўлақонли – онг ва туйғу, рух ва тан бирлиги тарзида шакллантиришга асосланиш керак.

6. *Лингвистик компетенцияни* – тил сатҳлари (фонетика, лексика, грамматика) ҳақида билимлар ва тилнинг ифода воситаларини (ўқиш техникаси, ўзгалар фикрини ва матн



мазмунини англаш, фикрни ёзма шаклда баён этиш) эгаллаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган луғатлар, машқ-топшириқлар, матн, шеър, топишмоқлар миқдорини кўпайтириш ва дарсликларда акс эттириш мақсадга мувофиқ.

7. Янги авлод дарсликларида *миллий ва умуммаданий компетенцияни* - ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, бадий ва санъат асарларини тушуниш, ораста кийиниш, маданий қоидаларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатларини шакллантиришга қаратилган турли типдаги диалоглар, ҳаёт билан боғлиқ воқеаларни акс эттирувчи матнлар ўз аксини топмоғи лозим.

8. *Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси* — аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларни туза олиш, кундалик фаолиятда турли диаграмма, чизма ва моделларни ўқий олиш, инсон меҳнатини енгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган, қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан фойдалана олиш лаёқатларини шакллантириш мақсадида ўқув тадқиқоти, лаборатория ва мустақил иш топшириқлари аксини топган ўқув қўлланмалар ва адабиётлар яратилмоғи даркор.

Хуллас, она тили таълимини модернизациялаш ижодкор, комил-у фозил инсон шахсни тарбиялаш соҳасида ҳамкорлик педагогикасига ҳамда бола шахсига йўналтирилган таълим тизимига таянадиган йўлни танлади. Бугунги кун ўқитувчиси ўқувчининг мустақил фикрлаши, ўзгалар фикрини англаши, нутқ ва мулоқот маданияти ривожланиши учун она тили таълими стандарт талабларига жавоб бериши, она тили компетенциялари бўйича етарли даражада билим эгаллашларини назарда тутган ҳолда билим бермоғи лозим. Бугун биз компетенциявий ёндашув асосида яратилган Давлат таълим стандартларини амалиётга жориш эдик. Эндиги вазифамиз – ўқувчиларимизни Ватанни севадиган, ўз билим ва истеъдодига суянадиган ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда мустақил равишда пухта билим оладиган, Ўзбекистон равнақига ўз ҳиссасини қўшадиган, ҳар томонлама баркамол, соғлом қилиб тарбиялашдан иборат. Бу вазифаларнинг бажарилиши эса, замонавий педагог ва таълим тизимидаги барча ходимлар олдига бир қатор масъулиятларни юклайди. Улар биргаликда ҳамжиҳат бўлиб ишга киришишлари кераклигини тақозо этади.

## MUMTOZ ADABIYOT NAMUNALARINI O'QITISHDA BADIY TAHLIL

*U.Qobilov  
SamDU*

O'zbek mumtoz adabiyotida badiiy timsol tasvirlaridan biri Odam va bani Odam obrazlaridir. "Odam va bani Odam timsollari" tushunchasi haqida qisqacha to'xtalib o'tsak. Alisher Navoiy "To'la asarlar to'plami"da: "Odam, Odam Ato – ilk inson va payg'ambar. Qur'oni Karimda Odam Ato ismi 25 oyatda keltirilgan. Mumtoz adabiyotda, jumladan, Navoiy she'riyatida Odam(a.s.)ning aziz va mukarram qilib yaratilgani, amri ilohiy bo'lgani sababli farishtalarning unga sajda qilgani, Shaytonning kibr qilib unga sajda qilmagani va ilohiy dargohdan haydalgani zikr etiladi. Shuningdek, Odam(a.s.) jufti – Momo Havvo bilan Shaytonning makriga uchib, man qilingan daraxt mevasini yegani va jannatdan quvilib yerga tushgani, tavbasi tufayli Alloh taolo tomonidan afv etilgani kabi voqealar g'azallarda turli munosabatlar bilan talmeh sifatida keltiriladi", - deb izoh beriladi.

Manbalarga ko'ra, Odam muayyan tartib bilan yaratilganlar ichida oltinchi kungi (Juma kuni) so'nggi yaratilgan umumiy nomini bildirishi aytilgan. Uning loydan yaratilganligi hisobga olinib, qadimgi yahudiy tilida "qizil tuproqdan yaratilgan mavjudot", ba'zi manbalarda esa "dehqon", "ter to'kib mehnat qiluvchi" tarzida talqin etilgan. Odam Ato sifatida qo'llanganda "Odamzodning otasi" ma'nosini bildiradi. Bani Odamdagi "bani" so'zi arabcha "avlod" – degani bo'lib, odamzod

avlodi ma'nosini anglatadi. Endi "Bani Odam" deyilganda ikki masala nazarda tutilgan. Birinchidan, tor ma'noda Odam Safiyning o'z avlodlari nazarda tutiladi. Ular Qobil, Hobil, Shis, Idris kabilar bo'lib, badiiy adabiyotda ham shu nomlar bilan tasvir etilgan. Ikkinchidan, "bani Odam" keng ma'noda butun insoniyat olamini bildirib keladi. "Odam timsoli" deyilganda Odam Ato Safiyulloh, "bani Odam timsollari" deb atalganda esa Nuhgacha bo'lgan va mumtoz asarlarda tasvirlangan Odam zurriyotlari nazarda tutiladi. Badiiy adabiyotda "Odam qissasi" talqini benihoya jozibali va ibratli qissadir. Hadislarda: "Kimda kim dunyo ajoyibotlarini ko'rmoqchi bo'lsa, Odam alayhissalom qissasiga qarasin", – deb ta'kidlanadi. Bu qissa nafaqat bir madaniyat, balki butun ibrati bilan "ahli kitob" ma'rifatidir. Shuning uchun bu mavzu talqini jahon xalqlari adabiyotida ham qadimdan to hozirga qadar bardavomdir. Albatta, turli xalqlar adabiyotida unga bo'lgan qarashlar va talqinlar nuqtayi nazarlardan turli yo'sinda ifoda etiladi. Bu o'rinda birgina M.Bulgakov qalamiga mansub "Odam va Havo" dramatik asarini aytib o'tishimiz mumkin. O'zbek adabiyotida "Qissasi Rabg'uziy", "Tarixi anbiyo va hukamo", "Muxtasar tarixi anbiyo va tarixi islom" kabi asarlarda Odam qissasining tarixiy-badiiy tasvirlari yoritib berilgan. Ayniqsa, Rabg'uziyning mavzu talqinini alohida e'tirof etish lozimdir. Unda qissa butun tafsiloti bilan bayon etilgan. Asarda boshqa qissalar singari Odam qissasi ham mavzuning she'riy talqini bilan ibtido olgandir. Unda yetti bayt, o'n to'rt misradan iborat g'azal shaklidagi she'rda Odam Safiy qissasi tasvir etilgan. Rabg'uziy turkiy xalqlar adabiyoti tarixida bu masalaga ilk bora maxsus yondashgan qalam ahllaridan sanaladi. Badiiy adabiyotda Odam timsolining talqin etilishi tarixi va an'analari muqaddas manbalar asosida qaror topgandir. Qur'onda Odam alayhissalom: Baqara-31, 33, 37; An'om-2; Hijr-26-30; Sajda-7; Odam alayhissalom va Shayton: Baqara-34-36; A'rof-19-24; Al-Isro-61-62; Kahf-50; Toho-116-124; Odamning yaratilishi: Baqara-30; Oli Imron-59; Niso-1; A'rof-189; Muminun-12; Furqon-54; Sajda-7; Fotir-11; Vas-soffot-11; Sod-71-74; G'ofir-67; Najm-32; Ar-Rahmon-14; Nuh-17; Odam alayhissalomning ilmi: Baqara-31-33; Odam alayhissalomning tavbasi: Baqara-37 kabi sura va oyati karimalarida qayd etiladi. Xuddi shunday badiiy talqinlarda ham Odam timsoli, Odam va Shayton masalasi, Odamning yaratilishi, asmo ilmini o'rganishi kabilarga e'tibor qaratilgan. Odam tavbasi tasviri badiiy adabiyotlarda shu masalaning timsoli darajasiga aylantiradi. Manbalarda taxmin etilganidek, 124000 payg'ambardan 25 tasi Qur'onda zikr etilgan bo'lsa, keyinchalik bu nubuvvat tarixining badiiy talqinlari Sharq adabiyotida o'zida olam va odamning ma'rifiy-ma'naviy, irfoniy-falsafiy, axloqiy-ruhoniylarini qamrab olgan badiiy nasr va she'riyatning durdona namunalarini vujudga keltirib berdi. Ular ichida Odam qissasi ham xuddi Yusuf qissasi singari go'zal qissalardan biri sifatida badiiy ijod olamini o'ziga doimo rom etib kelmoqda. Odam qissasi badiiy adabiyot uchun mushohada, tafakkur, ma'rifat, ma'naviyat xazinasini bo'lib xizmat etib kelmoqda. Ayrim manbalarda Odam (ba'zilarida Shisni) birinchi so'fiy deb ham atalgan va tariqatlarning muhim masalalari shu timsol-obraz asosida qabul etilgan. Sharq adabiyotini tasavvuf ilmisiz tasavvur etib bo'lmagani singari tasavvufni ham nubuvvat ma'rifatisiz tasavvur etish mumkin emas. Bu jihatdan Odamning yaratilishini beixtiyor suluk ixtiyor etgan solikning shakllanishiga mengzash mumkin. Alisher Navoiyning "Lison – ut tayr" dostonidagi "Odam Safiy alayhissalom hikoyati" bu tomondan e'tiborlidir. Unda Odam tavba timsoli sifatida talqin etilib, uning tarixi solik uchun ibrat qilib tasvirlangan.

Mazkur hikoyatda Odam Safiyullohning bir qator xos sifatleri tasvir etilgan bo'lib, doston umumiy ruhiga hamohang ravishda tavba timsoli sifatida talqin etilgan. Odam Safiyulloh – Bulbasha (Abulbasha – insoniyat otasi), nabiy, farishtalarga sajdagoh, jannat ahli, sofiyvas, oliy hasab, safiy, sajda qilinuvchi, rad etiluvchi, yuzqaroliklar bilan jannatdan surilgan, Hindistonga tushgan, hijron alamini chekkan, yuz ming mashaqqat ko'rgan, tavba qilgan va bu tavbasi insoniyatga ibrat bo'lib qolganligi kabilar badiiy talqin etilgan. Tavba badiiy adabiyotlarida alohida maqom darajasiga ega. Tariqatning asosiy ruknlaridan biridir. Demak, bir qaraganda oddiy holdek bo'lib ko'ringan tavba maqomi insoniyatning butun bir mohiyatini belgilab beradi. Nubuvvat tarixida uning timsoli birinchi inson, ya'ni Abulbashedir. Badiiy talqinlarda Odam Safiyulloh tavba tufayli yana odamiylikga qaytganligi bejiz tasvir etilmaydi. Uning zamirida halol yashash imkoni,

o'zlikni anglash, insoniylik sharafi yotadi. Asrning ardoqli adibi Chingiz Aytmatov "Qiyomat" romanida Avdiy Kallistratov tilidan bu haqda shunday deydi: "Tavba – insoniyat ruhiyati tarixining eng ulug' ne'matlaridandir... odam tavba-tazarrusiz odam bo'lishi mumkinmi? Xoh hatti-harakatda, xoh o'y-fikrlarda, xoh o'zini qiynab o'rtanishlarda, xoh iztirob, pushaymonliklarda aybi, xatosini tan olib, larzaga tushmog'i va ko'zi ochilmog'isiz inson – inson bo'larmidi?...Haqiqatning yo'li – kamolotga erishmoqlikning kundalik yo'lidir...". Shunday qilib inson hayotining bir sifatidan ikkinchi sifatga o'tishi, gunohdan savob tomon yuz burishi, insoniylikka qaytishning bardavomiyligi, Haq oldida ma'suliyatni his etish taqdiri Odam Safiy timsolida talqin etiladi.

Odam Safiy badiiy timsoli an'anaviy turkum epik asarlarda, ya'ni "Qissas-ul anbiyo"larda keng tasvir etiladi. Odam qissasi ixcham yoki ko'lamdor tasvir etilsa-da, falsafiy-badiiy talqinlar olami benihoya hayotiy o'rnak va namunaga egadir. Lirik asarlarda talmih sifatida voqelikning u yoki bu jihatlari talqinga tortiladi. U she'riyatda tasvir etilganda ana shu ajoyib qissa mohiyatidan kelib chiqib biror bir ma'rifiy manzara yaratiladi. Odam qissasi o'ziga xos bir tarix bo'lib, undagi voqelik olamini ifodalash usullari mavjud.

Xullas, badiiy adabiyotda Odam va bani Odam obraz-timsollari dunyo adabiyotida turli adabiy janrlardagi asarlarda badiiy obraz-timsol sifatida atroflicha tasvir etiladi. Adabiyotning umuminsoniy mavzu va obrazlar ko'lamini yuzaga chiqaradi.

### **БАРКАМОЛ ШАХС ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВНИНГ ЎРНИ**

*Ш.Мустафоев  
СамДУ*

Таълим мазмуни ва сифатини янада такомиллаштиришда энг асосан, таълимнинг мазмунини белгиловчи давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг такомиллашган вариантлари ишлаб чиқилиб, йиллар давомида босқичма-босқич тажриба-синовдан ўтказилди. Бугун замон шиддатли тарзда ривожланаяпти. Демак, умумтаълим фанларини ўқитишга замон талаблари асосида ёндашиш, таълимда энг илғор технологияларни қўллаш давр талаби. Таълимнинг сифатини белгилаб берувчи давлат таълим стандартининг узвий давомийлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" қарорига мувофиқ узлуксиз таълим, хусусан умумий ўрта таълим мактабларининг таълим мазмуни янгиланди, ўқув дастурлари ва ўқув фанлари бўйича ДТС компетенцияли ёндашув асосида қайта ишланди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида қабул қилинган қарорда умумий ўрта таълимнинг янги давлат таълим стандартлари илова тарзда берилган. Умумтаълим фанларини ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, замонавий методологиясини яратиш, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бўйича давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш мақсадида қабул қилинган мазкур қарор таълим-тарбия жараёнини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади. Ушбу ДТСнинг мақсади – умумий ўрта таълим тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда илм-фан замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ҳолда ташкил этиш, маънавий баркамол ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат. Амалдаги давлат таълим стандартларининг мазмуни:

- билим, кўникма ва малакалар мажмуи;
- таянч ўқув режа;
- ўқув дастурлари;
- баҳолаш мезонидан иборат эди.

Янги, яъни компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандарти таркибидан:

- ўқув фанининг мақсад ва вазифалари;
- умумтаълим фанларини ўрганишнинг мазмуни;
- таянч ва фанга оид компетенциялар;

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига нисбатан қўйиладиган малака талаблари;

- таянч ўқув режа;
- ўқув дастурлари жой олди.

Таъкидлаш жоизки, ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини амалда қўллаш лаёқатини ривожлантиришга қаратилган компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳаси уч йил давомида республикамизнинг 70 та таълим муассасаларида ва вазирлик тасарруфидаги 6 та ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида тажриба-синовдан ўтказилиб, такомиллаштирилди. Хусусан, янги ДТСга фанга оид компетенциялар билан бирга коммуникатив, ахборот билан ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш каби таянч компетенциялар элементлари ҳам киритилди. Коммуникатив компетенция боланинг ижтимоий вазиятларда она тилида ҳамда бирорта хорижий тилда мулоқотга кириша олиши, муомала маданиятига амал қилиши, мослашувчан ва ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш лаёқатига эга бўлишини назарда тутди. Ахборот билан ишлаш компетенциясига эга бола эса медиаманбалардан зарур маълумотларни излаб топа олиши, саралаш, қайта ишлаш ва улардан самарали фойдаланиши, медиа-маданиятга эга бўлиши лозим. Бундай ўзгаришлар ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатларни кучайтиришга муҳим асос бўлади. Бу келгусида юқори малакали ва рақобатбардош, компетентли мутахассис-кадрларни тайёрлаш ишларини янада жадаллаштиради Ўзбекистонда шахс тарбияси, инсон омили, миллий ғоя ва Ўзбекистон тажрибаси, яъни ушбу масаланинг долзарблиги Ўзбекистонда ҳам бу борада амалга оширилаётган ишларни мониторинг қилишга чорлайди. Ўзбекистонда фуқаро тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси бўлиб, асосан уч йўналишда:

- кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида;
- миллий ғояни сингдириш воситасида;

– мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури асосида амалга оширилмоқда.

Кўриниб турибдики, бизда ҳам баркамол шахсни тарбиялашда асосий объект сифатида мактаб танлаб олинган. Чунки мактабда бола билим олишдан ташқари шахс сифатида ҳам шаклланади. Демак, таълим-тарбия соҳасига баркамол шахсни тарбиялашдек масъулиятли вазифа юкланган.

## ЎҚИТУВЧИНING КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИ

*Б.Б. Дониёв*  
*Самарқанд ВХТХҚТМОИ*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида таълим-тарбия тизимининг ислоҳ қилиниши, узлуксиз таълим жараёнида етакчи ижрочи бўлган ўқитувчи фаолиятини ҳам тубдан ўзгартиришга олиб келмоқда. Бу эса ижтимоий жараённинг ажралмас қисми бўлган таълим-тарбия тизимига, унинг мақсади ва мазмунига ҳамда ўқитувчининг педагогик фаолияти ва маҳоратига янгича талаблар қўймоқда. Ўқитувчи тайёргарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида Биринчи Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг (1997й.) IX сессиясида сўзлаган нутқида шундай деган эди: “Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак”.<sup>1</sup> Дарҳақиқат, узлуксиз таълим тизимида юз бераётган янгиланишлар, ўқув-тарбия жараёнининг анъанавий ва ноанъанавий шакллари, мазмуни, воситалари, усуллари ва шарт-шароитларини амалга ошириш ўқитувчидан юксак даражадаги касбий билим ва маҳоратга эга бўлишни талаб этади. Маълумки, ўқитувчилик касби бошқа касблардан фарқли равишда кўп томонлама масъулиятни ўзида мужассамлантиради: биринчидан, у шахсни шакллантириши, яъни инсон руҳиятини чуқур билиши; иккинчидан, таълим-тарбиянинг барча восита, услуб ва йўлларида самарали фойдаланиб, ўқув-тарбия жараёнини тўғри ташкил этиши, яъни ўқитиш самарадорлигига эришмоғи; учинчидан, ўзининг инсоний ва касбий фазилатларини жамият талабларига мос равишда шакллантириб бориши лозим.

Таъбир жоизки, Шарқ алломалари Абу Райхон Беруний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқаларнинг асарларида ҳам меҳнат тарбиясига, касб-хунар ўрганишга оид фикрлар кенг ёритилган. Масалан, буюк аллома Алишер Навоий «Маҳбуб-ул кулуб» асарида муаллим ўз шогирдларини ҳам, ўзи таълим бераётган фанини ҳам севиши зарурлигини уқтиради. Навоий ўқитувчини жамиятнинг энг обрўли ва ҳурматга лойиқ аъзоси сифатида таърифлайди, шогирдлар ўз муаллимини ҳурмат қилиши ва эъзозлашини уқтиради. Унинг асарларида ахлоқ ва меҳнат тарбиясига доир қарашлар асосий ўринни эгаллайди.

Маълумки, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда, унинг самарали бўлишига эришишда ўқитувчи етакчи ўринни эгаллайди. Ёшларни халқ хўжалигининг турли соҳаларида унумли меҳнат қилишга тайёрлашда, уларни турли касб-хунарга йўналтиришда технология фани ўқитувчисининг фаолияти бекиёсдир. Чунки технология фани ўқитувчилари умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат ва касбга йўналтириш таълими машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича масъул шахс ҳисобланади. Шу боис меҳнат таълими бўйича дарсда, синфдан ва мактабдан ташқари машғулот ва тадбирлар жараёнида ўқувчиларга берилган билимларни ўзлаштириш ҳамда амалий ва ишлаб чиқариш машғулотларида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини узлуксиз кенгайтириб, чуқурлаштириб бориш кўлами ва суръатини белгилаш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўз-ўзидан равшанки, технология фан ўқитувчилари олдида турган вазифа улардан ўзларининг касбий билим, кўникма ва малакаларини юксак даражада шакллантиришни, касбий маҳоратини такомиллаштиришни, унинг тез суръатлар билан ўсиб бораётган педагогик жараён талаблари даражасида бўлишига эришиш, ўз навбатида, уларнинг педагогик фаолиятини назорат қилишни, унинг натижалари асосида, зарурият туғилганда, мазкур фаолиятга тегишли тузатишлар киритишни кўзда тутати. Бунда технология фани

<sup>1</sup>Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997. –Б. 7.

Ўқитувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари кўлами ва сифати, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш сифати ва самарадорлиги, касбий маҳорати, ижодий ёндашганлиги ва уларнинг касбий компетенциясининг шакллانганлик даражаси билан белгиланади.

Технология фан ўқитувчиси дарс жараёнининг дидактик шарт-шароитларини яратиш, унинг мақсадига мувофиқ шакл, тур, усул ва воситаларни самарали танлаш асосида уни самарали ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш, мазмунини бойитиш борасида кейинги вақтда умумдавлат миқёсида жиддий ишлар амалга оширишга қаратилган. Булар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги М187-сонли “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиqlаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинишини киритиш мумкин. Технология фанидан ўқувчининг компетенцияси – технология фани бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини кундалик ҳаётида қўллай олиш ва онгли равишда касб танлашга тайёрлаш орқали касбгача тайёргарликларини амалга ошириш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган. Бунда ўқувчиларни таянч компетенцияларини шакллантиришда қуйидагилар тўғрисида маълумотга эга бўлиши лозимлиги белгилаб берилди. Яъни, коммуникатив компетенция, ахборот билан ишлаш, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, умуммаданий компетенциялар, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенциясига эга бўлиш. Ўқувчилардаги ушбу компетенцияни шакллантиришда ўқитувчи-мурабийларнинг роли асосий ўринда туради.

## O'ZBEK TILI TA'LIMIDA LINGVISTIK KOMPETENSIYALARNI SHAKLLANTIRISH

*S.Yuldosheva  
Samarqand VXTXQTUMOI,  
I.Xo`jaqulova  
Past Darg`om tuman 96-maktab*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 6 apreldagi VM 187-sonli “Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida”gi qaroriga asosan umumiy o'rta, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'lim muassasalarida o'qitiladigan o'zbek tili fani bo'yicha o'quvchilarda kompetensiyalarni shakllantirishga yo'naltirilgan Davlat ta'lim standarti va o'quv dastur-rejalari amaliyotga tatbiq etildi.

Dunyoning rivojlangan davlatlari hamda mamlakatimizda yaratilgan chet tillardan uzluksiz ta'lim tizimi standartlari va o'quv dasturlarini ishlab chiqish tajribasidan kelib chiqib, o'zbek tili o'quv predmetlari bo'yicha boshlang'ich ta'limdan boshlab, akademik litsey va kasb-hunar kollejini bitirgunga qadar o'rganiladigan bilimlar (*tushunchalar, qoidalar, qonunlar, ta'riflar*) o'quvchilarning yosh va psixofiziologik xususiyatlaridan kelib chiqqan holda darajalangan tizim ishlab chiqildi. Bunda, A1 daraja 1-4-sinflar, A2 daraja 5-9-sinflar, B1 daraja o'rta maxsus kasb-hunar ta'limining 1-kurslari uchun belgilandi.

Ma'lumki, amaliyotda maktabda yoki akademik litsey, kasb-hunar kollejida bilimni yaxshi o'zlashtirgan o'quvchilar dars paytida hamda hayotida uchraydigan qulay va noqulay vaziyatlarga taalluqli voqea-hodisalarga munosabat bildirishda o'rgangan bilim va ko'nikmalarni qo'llay olmaydilar. Buning sababi o'quvchida yuqorida ta'kidlangan kompetensiyalarning shakllanmaganligidir. Hozirgi kunda ta'lim muassasasida adabiy ta'lim bo'yicha o'quvchilarga bilim, ko'nikma va unga doir malakalarga ega bo'lishlari bilan birgalikda o'z fikrini o'zgalarga tushuntira olish, boshqalarni tinglab, ularni tushuna olish, bahsga kirishish ya'ni boshqacha qilib aytganda adabiy-nutqiy kompetensiyaga ega bo'lishlari kerak. Shuningdek, o'rganilgan bilim, ko'nikma va malakalardan kundalik hayotlarida uchraydigan muammolarni hal etishda foydalana olishlari shakllanishi zarur. SHunga ko'ra bu vazifalarni

ta'lim muassasalarida o'quvchilarni o'quv predmetlarini o'rganish jarayonida zaruriy bilim, ko'nikma va malakalarga ega qilish bilan birgalikda ularni hayotiy ehtiyojlarida qo'llay oladigan holda tayyorlash kerak.

O'zbek tili fani bo'yicha quyidagi kompetensiyalarni shakllantirish maqsad qilib olindi:

- lingvistik kompetensiya;
- nutqiy kompetensiya;

O'zbek tili fanini o'qitish jarayonida o'quvchilarda lingvistik kompetensiyalarni shakllantirishda ayrim qiyinchiliklarga duch kelinadi. Jumladan, quyi sinf 2-4 sinflarda milliy bo'lmagan sinf o'quvchilarida nutq tovushlarini (ayniqsa *o* (lablangan va lablanmagan) *u-o'*, *q*, *g'*, *x-h*, *ng*) va so'zlarni to'g'ri talaffuz qilish ko'nikmasini shakllantirish muhim. Talaffuz ularning yozma nutqiga, savodxonligiga, jiddiy ta'sir etadi. Shu bois ifodali o'qish, to'g'ri talaffuz bilan bog'liq topshiriqlar audiovizual vositalar (lingafondan ham) orqali berilishi maqsadga muvofiqdir.

3-sinfda belgini bildiruvchi sifat va ravishga oid so'zlarni farqlashga (2-3 misol bilan: *sekin yog'di*, *oppoq qor*) undab borilsa, ham lingvistik atamalarni bilib borish, ham belgi so'zlarni o'rinli qo'llash ko'nikmasi shakllantirilib borish mumkin bo'lar edi. Kelishik qo'shimchalarni qo'llashda – *ni* va *-ning*, *-da-* va *-ga* qo'shimchalarini 5-sinf o'quvchilari adashtirish holatlari ham kuzatiladiki, lingvistik kompetensiyani shakllantirish uchun ushbu kelishik qo'shimchalariga doir mashqlarni yuqori sinflarga ham kiritish hamda o'quvchilarning mustaqil mantiqli fikrlashi nutqini to'g'ri shakllantirish uchun qo'shimchalarni noto'g'ri qo'llanilishiga doir topshiriqlar ("Adashtirdim, toping-chi?") yoki jonli videolavhalardan parchalar berilganda maqsadga muvofiq bo'lar edi.

6-sinfda sonning ma'noviy turlarini o'tishda qo'shimchalar qo'shilishida fonetik o'zgarishlar (dona son *bitta*), takroriy dona songa doir misollar kiritilib, ular ifodalagan leksik ma'noga ham urg'u berishga doir topshiriqlardan foydalanishga e'tibor qaratilishi muhim.

7-sinfda o'quvchilarning shaxs-son qo'shimchasi bilan mayl qo'shimchasini chalkashtirish holatini bartaraf etish maqsadida, o'qituvchi sinf xonasida doimiy ravishda qo'shimchalarga doir jadvallar ilib qo'ygan. Bunda o'quvchilar ixtiyoriy va ixtiyorsiz holatlarda ham jadvaldagi ma'lumotni yod olishga va farqlashga harakat qilishga e'tibor qaratiladi. Darslar davomida muammoli vaziyatga urg'u berilgan matnlardan foydalanilib, o'quvchilarda topqirlik, tadqiq qilish ko'nikmalarini shakllantirilishi e'tiborga molikdir.

8-sinf o'quvchilari fe'l nisbatlarining birdan ortiq qo'llanilishida chalkashlikka duch kelishi tabiiy. Xususan: *-(i)sh* qo'shimchasini harakat nomi bilan, *-(i)n* qo'shimchasini sifat yasovchi bilan, *-dir* qo'shimchasini bog'lama va gumon olmoshi qo'shimchasi bilan farqlashda qiyinchilikka duch kelmoqdalar. Fikrimizcha, yuqorida aytilgan qo'shimchalarning omonim shakllari bilan farqiga doir alohida ish olib borilsa va shunga doir didaktik topshiriqlar, matnlar ishlab chiqilsa maqsadga muvofiq bo'lardi.

Umuman olganda, o'zbek tili fanidan tayanch va xususiy kompetensiyani shakllantirishga yo'naltirilgan Davlat ta'lim standartining tatbiq etilishi bugungi ta'lim jarayonida dolzarblikni kasb etmoqda. Bunday ta'lim o'quvchilarning kelajakda mustaqil, tashabbuskor shaxs sifatida shakllanishiga, hayotda shaxsiy, ijtimoiy, iqtisodiy va kasbiy munosabatlarga kirisha oladigan, jamiyatda o'z o'rnini topib, duch keladigan muammolarning echimini hal eta oladigan, eng muhimi o'z sohasi, kasbi bo'yicha raqobatbardosh kadr bo'lib etishishiga zamin yaratadi.

## ТИПОЛОГИЯ ТРУДНОВОСПИТУЕМЫХ ПОДРОСТКОВ КАК ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ ОСНОВА ВОСПИТАНИЯ ИХ ВОЛЕВЫХ КАЧЕСТВ

А. Урунов, Д. Мухитдинова  
СамГУ

С первых дней независимости Республики Узбекистан было обращено особое внимание на организацию деятельности специальных школ-интернатов и школ. В целях эффективного управления деятельности и развития данного направления образования было

пересмотрено ранее существовавшее «Положение о специальных школах и школах-интернатах», созданы для подготовки кадров необходимые учебники, учебные и наглядные пособия. Вместе с тем, анализ научной и методической литературы показывает недостаточность разработки ряда частных вопросов например, проблемы, формирования у трудновоспитуемых подростков положительных волевых качеств.

Сегодня детей, чьё воспитание вызывает особые трудности, различные авторы называют по разному: «педагогически запущенными», «социально запущенными», «социально не защищенными», «трудновоспитуемыми», «социально заброшенными», «с девиантным поведением», «с делинквентным поведением», «с асоциальным поведением», «с антисоциальным поведением» и «с социальной патологией» и.т.п. Есть и различия в подходах к организации коррекционно-воспитательного процесса, в прогнозировании социального развития «трудных» детей. Общим для всех точек зрения на понимание личности подростков с отклоняющимся поведением (А.Кочетов, Л.Зюбин, И.В.Куликова, А.В.Мудрик и др.) заключается в том, что явление трудновоспитуемости должно быть подчинено критерию, переместившемуся из области оценки внешнего поведения в области оценки побуждений личности, её отношений с обществом.

Личность трудного подростка формируется в зависимости от типа нервной системы, от темперамента, всех биологических и психических компонентов. Индивидуальность трудновоспитуемых определяется и образом жизни, который у каждого из них необычайно разнообразен.

Рассматривая личность «трудного подростка» практически все авторы едины во мнении, что одной из его главных характеристик являются трудности в саморегуляции поведения. Как показывает накопленный педагогами-практиками опыт, данная проблема решается в процессе перевоспитания предполагающим освоение подростком механизмов управления своим эмоциональным состоянием и поведением, а так же преодоление дезадаптации воспитанника. Поскольку проблема трудновоспитуемости является по своим проявлениям комплексной, а по происхождению и прогнозу развития многофакторной, особое значение предаётся координации в воспитательной работе деятельности родителей, общественных организаций и махалли.

Необходимо отметить, что работа с «трудными» подростками достаточно сложна в силу их психологических особенностей, именно по этому процесс перевоспитания должен происходить с учётом индивидуальных особенностей подростка, воспитатель должен обладать терпением, тактичностью и опираться на деятельностный подход к воспитательной работе. Незнание личности подростка, его особенности оборачивается часто сопротивлением требованием педагогов, непонимание его позиции нервной системой в отношениях детей и взрослых. Нельзя правильно прогнозировать развитие трудного подростка и планировать работу с ним без точной педагогической диагностики.

Как утверждает А.И.Кочетов, педагогическая диагностика позволяет учителю выбрать оптимальную методику, которая подходит для всех и учитывает особенности данного подростка, и тогда она выступает как фактор действенности педагогических явлений. Учитель не может воспитывать детей, не получая постоянную обратную информацию о результатах педагогических влияний, о том, что и как положительно влияет на всех учащихся, на группы школьников определённого уровня воспитанности, на конкретных учеников. Диагностика-звено обратной связи в воспитании.

По мнению В.М.Галузинского, изучение личности «трудного» подростка должно осуществляться комплексной методикой. И только совокупность методов даёт объективное и всестороннее знание о воспитанниках, позволяет классному руководителю подробно информировать всех учителей класса и родителей о том или ином школьнике. Причём упор в изучении делается на выявление всего ценного, что необходимо для дальнейшего положительного формирования личности школьника.



По мнению ряда, учёных минимальное представление о воспитании должно включать в себя:

- изучение ведущей линии поведения;
- определение направленности;
- характеристика положительных качеств личности, на которые можно опереться или которые нужно восстановить в воспитательном процессе;
- причины трудновоспитуемости, характер сопротивления.

Одновременно изучаются воспитательные влияния в зоне ближайшего социального окружения;

- положительные воздействия и условия, которые надо устранить; авторитетные личности, которые могут участвовать в перевоспитании.

На наш взгляд, еще необходимо учитывать в индивидуальной работе индивидуально-личностные, психологические, социально-психологические, этнопсихологические особенности трудного подростка в полиэтнической школе, национальные традиции в семье.

Выявленные в процессе диагностики эмоционально-волевые нарушения в развитии личности подростка позволяют поставить диагностичные цели и спланировать последовательную, учитывающую индивидуальные особенности воспитанника, систему коррекционно-воспитательной работы.

Корректируя волевую сферу трудного подростка, не следует забывать, что имеется определенная последовательность в выработке волевых качеств личности у подростка. Вначале развиваются в основном динамические физические качества. Это - сила, быстрота и скорость реакции. Затем вырабатываются качества, связанные со способностью выдерживать большие и длительные нагрузки: выносливость, выдержка, терпение и настойчивость. Вслед за этим наступает черед формирования более сложных и тонких волевых качеств, таких, например, как концентрация внимания, сосредоточенность, работоспособность. Отклонения в развитии волевой сферы проявляются эмоционально-волевой незрелости, которая выражается в несамостоятельности, повышенной внушаемости, стремлении к получению удовольствия от игровой деятельности, беспечность, незрелость чувства долга, ответственности, неумение подчинять свое поведение требованиям, неспособность сдерживать проявления чувств, волевого напряжения. Низкое развитие волевых качеств у подростков с девиантным поведением часто сочетается с высокой лживостью и абсолютной безответственностью по отношению к своим поступкам.

Зарубежными учеными (Ч.Венар, Г.Кериг) было установлено, что существует ряд общих черт, свойственных практически всем подросткам с девиантным поведением. В частности, это слабое развитие самоконтроля, самодисциплины, низкая устойчивость к всевозможным неблагоприятным воздействиям, неумение преодолевать трудности, эмоциональная неустойчивость, склонность неадекватно реагировать на фрустрирующие обстоятельства, неумение найти продуктивный выход из психотравмирующей ситуации. В Узбекистане накоплен определенный опыт и традиции социально-профилактической и коррекционной работы с детьми. Для эффективности коррекции отклоняющегося поведения необходимы многомерные воздействия на личность и ее ближайшее социальное окружение, комплексные реабилитационные мероприятия с целью формирования оптимальных способов социально-психологической реадaptации и разрешения внутри и межличностных проблем и конфликтов.

Решая вопрос об отклонениях в эмоционально-волевой сфере и выборе алгоритма коррекционно-педагогической деятельности с ним, необходимо учитывать целый комплекс психолого-педагогических условий и социально-педагогических факторов, сопровождающих данное явление. Коррекционная деятельность в рамках любой педагогической системы может быть представлена как взаимосвязанная последовательность решения бесчисленного множества задач разного уровня сложности, а воспитанники, в свою очередь, должным быть включены в их решение, так как они взаимодействуют с педагогами.

В работе по коррекции и развитию волевой сферы у подростков с отклоняющимся поведением выделяются следующие направления:

- нормализация и обогащение отношений подростков с окружающим миром, прежде всего, с педагогами и детским коллективом;
- компенсация пробелов и недостатков в общем развитии подростка, усиление деятельности в той области, которую он любит, в которой может добиться хороших результатов (компенсация в области интересного дела, увлечения подростка спортом, техникой, музыкой и др.);
- восстановление положительных качеств личности, которые получили у подростка незначительную деформацию (девиацию);
- постоянная стимуляция положительных качеств, не утративших социальной значимости;
- интенсификация положительного развития личности, формирование ведущих положительных качеств;
- усвоение и накопление социальноценного жизненного опыта, обогащение практической деятельности в различных сферах жизни;
- накопление навыков нравственного поведения, здоровых привычек и потребностей на основе организации деятельности учащихся по удовлетворению их интересов;
- исправление как преодоление отрицательного, то есть ликвидация пробелов в формировании положительных и искоренение отрицательных качеств и вредных привычек.

### **O'QUVCHI-YOSHLARDA KITOBXONLIK MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHNING BA'ZI JIHATLARI**

*N.Salayeva  
Xorazm viloyati XTXQTUMOI,  
A.Xudayberganov  
UrDU*

Respublikamizdagi uzluksiz ta'lim tizimini shakllantirishda, ta'lim-tarbiya jarayonlarini takomillashtirishda ma'rifiy tizimda katta imkoniyatlarga ega bo'lgan kitobxonlikning, xususan, kutubxonalarda bolalar o'qish madaniyatini tarbiyalashning pedagogik imkoniyatlarini tahlil qilishning o'rnini va roli beqiyosdir. O'quvchi-yoshlarning kitob o'qishi uning ham yozma ham og'zaki nutqining, tafakkurining shakllanishida, takomilida o'ziga xos ahamiyatga ega. O'qish madaniyatini tarbiyalash ma'lum bir davr bilan chegaralangan hodisa bo'lmasdan inson umri bo'yi o'rganadigan ma'naviy ehtiyojdir. O'quvchilarni kitob va undan ratsional foydalanishga o'rgatish, kutubxonachilik-bibliografik bilimlarni keng targ'ib qilish asosiy vazifalarimizdan biridir. O'quvchi – yoshlar tomonidan mutolaa qilish jarayoni shaxsni tarbiyalashda muhim o'rin egallab, jamiyatda mutolaa jarayonlarini optimallashtirish yo'llarini izlab topish, kitobxon psixologiyasi, o'qish madaniyatini tarbiyalashning pedagogik imkoniyatlarini belgilash muhim masalalardan biridir. Kitobxonlik madaniyatini o'quvchilarda shakllantirish, tarbiyalashning yo'l-yo'riqlari, tarbiyalash vositalarini ishlab chiqish, o'qish madaniyatini tarbiyalash jarayonining samaradorlik darajasini belgilaydi.

Kitobxonlik masalasiga mamlakatimiz hayotida har doim ham muhim ijtimoiy masala sifatida qarab kelingan bo'lsa-da, hozirgi kundagidek dolzarb ahamiyat kasb etmagan. Zamonaviy ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlarda o'z salohiyati, davlatning ravnaqi yo'lida tinmay izlanib, yuksak ma'naviyatli, madaniyatli, ma'rifatli, intellektual yoshlarni tarbiyalash, kamol toptirishda uzluksiz ta'lim jarayoniga yangi ma'lumotlarni taqdim etadigan maskan bu – axborot-resurs markazlari va kutubxonalardir.

Axborot-resurs markazlari faoliyatini zamon talabi darajasida tashkil etish, uzluksiz ta'lim sifati va samaradorligini oshirishda axborot-resurs markazlarining ma'suliyati va vazifalarini oshirish masalasiga davlatimiz va Prezidentimiz tomonidan alohida e'tibor qaratilmoqda. 2011-yil 13-apreldagi "Axborot-kutubxona to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2006-yil 20-iyun "Respublika aholisini axborot-kutubxona bilan ta'minlashni tashkil etish to'g'risida"gi 381-sonli qarori, 2011-yil 23-fevraldagi "2011-2015 yillarda axborot kommunikatsiyasi texnologiyalari asosida axborot-kutubxona va axborot-resurs xizmatlarini yanada sifatli rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-1487-sonli Qarori axborot-kutubxona muassasalarining faoliyatini, unga yangi axborot-kommunikativ texnologiyalarni joriy etgan holda, rivojlantirishga, xususan, o'z fondi va xalqaro axborot maydonidagi axborot resurslaridan foydalanib, kitobxon ehtiyojlari va talablarga mos xizmat ko'rsatishni tashkil qilishga asos bo'lib hisoblanadi. Ushbu qonun va qarorlar asosida tashkil qilingan yangi tipdagi kutubxonalarning birinchi galdagi vazifasi o'z faoliyatiga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini samarali tatbiq etish, axborot-texnologiyalari bo'yicha malaka oshirish, kutubxona faoliyati jarayonlarini, avtomatlashtirish, o'z elektron axborot resurslarini shakllantirish, nafaqat doimiy kitobxonlar, balki axborot iste'molchilarining yangi toifasiga xizmat qiluvchi va axborot yetkazib beruvchi virtual kutubxonalar tashkil qilishdan iboratdir. Aynan ushbu kutubxonalarda kitob mutolaa qilishga o'quvchilarni yo'naltirish va o'rgatish masalasi bir qancha bir-biriga bog'liq bo'lgan jihatlarni o'z ichiga oladi.

Bilamizki, maorif sohasi aynan o'quvchi-yoshlarda kitobxonlik madaniyatini shakllantiruvchi bosh omil sanaladi. Xususan, bugungi kunda "o'qish madaniyati", "kitobxonlik madaniyati", "mutolaa madaniyati" kabi atamalar zamirida "axborot olish madaniyati"ni ham kichik maktab yosh davridan boshlab o'quvchilarda shakllantirish hamda "kitobxon o'quvchi" termini qo'llash maqsadga muvofiqdir.

O'quvchilarda kitobxonlik madaniyatini shakllantirishga katta ta'sir qiluvchi asosiy jihatlardan yana bittasi bu o'quvchi – yoshlar uchun kitoblarni chop qilish masalasi hisoblanadi. Shu sababli ham quyidagi tamoyillarga e'tibor qaratish lozim deb qaraymiz:

- bolalar kitoblarining nashr etilishi, kutubxonalarning fondlarini nashrlar bilan ta'minlanganligini muntazam tahlil qilib borish;
- kitob o'qilishi, kitoblarning o'rtacha aylanishi va kitob bilan ta'minlanganlik darajasini aniqlab borish;
- kutubxonalarning o'quvchilarda o'qish madaniyatini tarbiyalashdagi imkoniyatlarini asoslash;
- ota-onalarning o'z farzandlari kitobxonligiga, bolalar kitobiga, mutolaasiga munosabatlarini aniqlab borish;
- kutubxonachilik darslarining o'qish madaniyatini yuksaltirishdagi ahamiyatini asoslab borish.

Hozirga qadar ilmiy-nazariy adabiyotlarda va amaliyotda bir qator hodisalar o'qish madaniyati tushunchasi ostida yuritiladi. Jumladan, o'qish madaniyati bolalarga badiiy adabiyotni to'g'ri tushunish yo'llarini, undan estetik zavq olishni o'rgatadi. Shuningdek, ilmiy adabiyotlar bilan ishlash, ma'lumot-bibliografiya va barcha turdagi axborot materiallardan o'zini qiziqtirgan narsalarni qidirib topish, umuman, kitob va kutubxonadan to'g'ri foydalanish yo'llarini o'rganish o'qish madaniyati tushunchasi doirasiga kiradi.

Bizning fikrimizcha, bu jarayonni aynan kichik maktab yoshidagi o'quvchilari doirasida tadqiq etganda "o'qish" terminini ishlatish maqsadga muvofiqdir. O'qish madaniyatini tarbiyalash ta'lim jarayonida amalga oshadi va ushbu jarayonni tadqiqotchi A.Umarov quyidagicha izohlaydi... "....maorif tizimi fuqarolarda mutolaa madaniyatini shakllantirishning asosiy ijro institutlaridan biri vazifasini bajaradi. Aynan maorif tizimida yoshlarda kitob va kitobxonlikka qiziqishni shakllantirish, takomillashtirish masalalari professional pedagogik nuqtai nazardan amalga oshirib kelinadi"<sup>1</sup>. Demak, ta'lim tizimi o'qish madaniyatini shakllantirishning asosiy ijro institutlaridan biri vazifasini o'taydi.

Egallagan bilimlar o'quvchilarni izchil shakllantirib borishni ta'minlaydi. Ta'lim jarayonining mazmunini tashkil qiluvchi bilim, ko'nikma va malakalar faqatgina sinfda o'tiladigan darslarda shakllanib qolmasdan, balki sinfdan tashqari o'qishda, aniqrog'i, kutubxonalarda mustaqil tarzda shug'ullanish orqali ham egallanadi. Binobarin, maktabdagi o'quv fanlarining o'rganilishi, darslarining o'zlashtirilishi sinfdan tashqari o'qishga bog'liq.

Sinfdan tashqari o'qishning asosiy qismini kutubxonalar o'z zimmasiga olgan bo'lib, ularsiz ta'lim va tarbiya to'liq bo'lmaydi. Shu bois kutubxonalar ta'lim va tarbiya jarayonida muhim ijtimoiy masalalarni hal etishga ko'maklashadi. Biroq ochiq tan olish kerakki, respublikamizda umumiy o'rta ta'lim tizimida ham, kutubxonalar faoliyatida ham o'quvchilarda o'qish madaniyatini tarbiyalashni shakllantirish va rivojlantirish bo'yicha yetarlicha ishlar amalga oshirilmagan.

Shaxsda o'qish madaniyatini tarbiyalash masalasi ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy, umummilliy muammo hisoblanadi. O'qish madaniyatini tarbiyalash ma'lum bir davr bilan chegaralanadigan hodisa bo'lmasdan, inson umr bo'yi o'rganadigan ma'naviy ehtiyoj bo'lib, u doimiy va faol xarakterli turlar bo'lib ta'sirida shakllanadi.

O'qish madaniyati haqida gap borganda, avvalo, uning shakllanish manbalarini aniqlab olish muhimdir. Negaki, har qanday voqea-hodisaning asl mohiyatini anglash uchun o'sha voqea-hodisani yuzaga keltiradigan omillar aniqlanishi, tabiiydir. Mana shundan kelib chiqqan holda o'quvchilarda o'qish madaniyatini tarbiyalashning manbalari, shakllanish bo'laglari o'rganiladi. Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarda o'qish madaniyatini shakllantirishning muhim ahamiyat kasb etadigan bo'g'inlari oila – maktabgacha tarbiya muassasasi – maktab kutubxonalardir.

“Bola tug'ilgan kundan boshlab, oila muhitida yashaydi. Oilaga xos an'analar, qadriyatlar, bola zuvalasini shakllantiradi. Eng muhimi farzandlar oilaviy hayot maktabi orqali jamiyat talablarini anglab, his qiladilar,” deb ta'kidlagan edi mamlakatimiz birinchi Prezidenti I.A.Karimov. Haqiqatan ham oila a'zolarining savodxonlik darajasi, ularning kitobga munosabati bola qalbida kitobxonlikning asoslari nish urishiga sababchi bo'ladi.

Zero, o'qish ya'ni mutolaa bola hayotiga mustahkam kirib borishi uchun bolalikning ilk pallasidan tayyorgarlik ko'rish zarur: u birinchi so'zni mustaqil ravishda o'qishdan oldin, – onasi, otasi, buvisi, bog'cha murabbiyasining mutolasini tinglashi, ya'ni badiiy obrazlar go'zalligini his qilishi kerak.

O'qish madaniyatini inson umr bo'yi o'rganadi. Lekin uning asosiy qoidalarini inson yoshlikdan, bolalikda kitobni ilk taniy boshlagan davrdan o'rganib borish maqsadga muvofiqdir. O'qish, ya'ni mutolaa bolaning ma'naviy hayotiga mustahkam kirib borishi uchun oldindan tayyorgarlik ko'rib borish zarur: bola birinchi so'zni mustaqil ravishda o'qishdan oldin, u har kuni katta odam – onasi, otasi, buvisi, bog'cha murabbiyasining mutolasini tinglashi, ya'ni badiiy obraz go'zalligini his qilishi kerak. Oilaning bola tarbiyasidagi, uning shaxs sifatida shakllanishidagi ahamiyati xususida bir qator risolalar yaratilgan bo'lib, ularda shaxsning tarbiyaviy jarayonida kitobning, mutolaaning ahamiyati xususida fikrlar bayon etilgan. O'qish madaniyatini tarbiyalashda oilaning asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

1. O'z farzandlarida barcha axborot manbaalariga bo'lgan qiziqishni, jumladan kitob o'qishga, kutubxonalarga bo'lgan ishtiyoqni uyg'otish.

2. Mavzu jihatdan rang-barang, turli-tuman manbalarga boy bo'lgan shaxsiy oilaviy kutubxona tashkil etish.

3. Oila a'zolarining yoshiga, qiziqishlariga, intellektual salohiyatiga mos adabiyotni tanlab o'qishni o'rgatish.

4. O'z farzandlarini kitoblardan foydalanish qoidalarini bilan tanishtirib borish va bu orqali bolalar o'qishini to'g'ri tashkil etish, ularning bo'sh vaqtlarini taqsimlash masalalarida faolliklarini oshirish.

O'qish murakkab ijtimoiy hodisa bo'lib, o'ziga xos tarkibiy qismlariga ega. Ana shunday muhim tarkibiy qismlaridan biri-o'qish psixologiyasidir. Ijtimoiy faoliyat turlari ichida bo'lgan o'qish o'z o'rni va ijtimoiy ahamiyatga egadir. Zero, o'qish faoliyati orqali qolgan barcha ijtimoiy faoliyatlariga yo'l ochiladi. O'qish faoliyati uzoq yillar mobaynida tarkib topadi: u ilk maktabgacha

tarbiya yoshida, so'ngra boshlang'ich sinflarda shakllana boshlaydi. Bolalar o'qishiga rahbarlik qilishda, ma'naviy barkamol insonni shakllantirishning yo'nalishlaridan biri-o'qish psixologiyasini o'rganishdir. Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning psixologik holatlari va ruhiyatini o'rganishga bag'ishlangan bir qator izlanishlarda kichik maktab yoshidagi o'quvchilar faoliyatining psixologik tahlili, ta'limning psixologik asoslarini bayon qilish, o'quvchilarning psixik rivojlanishini yoritish kabi bir qator hodisalar tadqiq etilgan. Jumladan, B.R.Qodirov kichik maktab yoshidagi o'quvchilar o'quv faoliyatining psixologik asoslarini, E.G'oziyev kichik maktab yoshidagi o'quvchilar bilish jarayonlari xususiyatlarini, M.Davletshin boshlang'ich ta'limning psixologik omillarini atroflicha yoritib berganlar.

V.Karimovaning pedagogik-psixologiyaga doir izlanishlarida o'qishning yetakchi faoliyat sifatidagi mohiyatiga ahamiyat qaratilishi o'z ifodasini topgan. Kitobxon bolaga maqsadga muvofiq pedagogik ta'sir o'tkazish shaxsning yosh va o'ziga xos psixologik xususiyatlarini hisobga olishga tayanadi, bolalarning kitob o'qishiga ularning yosh xususiyatlari ta'sir etishini o'rganadi, ya'ni qaysi yoshda qanday kitoblarni o'qish va tushunish mumkinligini aniqlaydi.

## **ФОРМИРОВАНИЕ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА**

*М.К.Якубжанова*  
*Самаркандский ОИППКРНО*

Основная цель современного школьного образования – целостное и многоаспектное развитие личности школьника. Разработанные Государственные образовательные стандарты обращают особое внимание на развитие коммуникативной компетенции школьников – способности человека решать языковыми средствами те или иные коммуникативные задачи в разных сферах и ситуациях общения. Использование языка как средства общения требует от говорящего знания многих правил и норм, которые должен учитывать носитель языка. Где, когда, что, как говорят, какое значение придается отдельным словам и выражениям в зависимости от конкретных обстоятельств – все это регулируется коммуникативной компетенцией.

Коммуникативная компетенция – сложное по структуре образование, что определяется сложной структурой коммуникации. Последняя включает ряд этапов:

*Первый этап* – самоопределение в коммуникативной ситуации, когда определяются необходимость и цель участия в коммуникации.

*Второй этап* – анализ намерений партнеров и способов коммуникации с учетом своих целей и возможностей.

*Третий этап* – выбор соответствующего ситуации речевого жанра, поведения и коммуникативных техник.

*Четвертый этап* – собственно коммуникация.

*Пятый этап* – самооценка ценности, степени значимости, результативности прошедшей коммуникации. Однако отдельным этапам или умениям коммуникации нельзя обучиться изолированно друг от друга, чтобы потом "сложить" их вместе и получить коммуникативную компетенцию. Поэтому все методы формирования и развития коммуникативной компетенции являются комплексными.

### **Формирование коммуникативной компетенции на уроках русского языка**

Компетенции:	Методы, ориентированные на устную коммуникацию:
Коммуникативная компетенция	<ul style="list-style-type: none"> <li>• все формы учебного диалога;</li> <li>• доклады и сообщения;</li> <li>• ролевые и деловые игры, предполагающие, в самом общем виде, роли Говорящего и Слушающего, Задающего вопросы и</li> </ul>

	<p>Отвечающего;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• учебные исследования и учебные проекты, требующие проведения опросов, бесед, интервью у разных категорий людей;</li> <li>• обсуждения, дискуссии, диспуты;</li> <li>• упражнения психологического тренинга общения, в том числе и в конфликтных ситуациях;</li> <li>• выступление на защитах учебных исследовательских работ, подготовленных товарищами, в качестве оппонентов;</li> <li>• выступление в качестве ведущих на мероприятиях, вечеров и т.д.;</li> <li>• вовлечение учащихся в работу театральных студий.</li> </ul>
--	--

Главной задачей я считаю формирование мотивации к овладению русской речью и пользованию разнообразными речевыми средствами в различных ситуациях общения.

Сформировать мотивацию (коммуникативную потребность) возможно, если ребенок ощутит, что, овладев тем или иным речевым умением, он расширяет свои возможности общаться на русском языке и воздействовать на других людей (вызывать у них какие-то эмоциональные переживания и др., поймет, что владение речью необходимо для самовыражения, для утверждения своего бытия в мире, почувствует радость творческого роста, самосовершенствования).

На уроках русского языка эффективно использовать с учащимися форму учебного диалога. Диалог может быть двух видов: информационный (когда в процессе восприятия каждый партнер получает новую информацию) и интерпретационный (когда в ходе диалога происходит обмен мнениями, оценка известных обоим партнерам фактов, их интерпретация).

Информационный диалог обычно организуется в процессе овладения новыми знаниями, а интерпретационный диалог можно включить в любой структурный элемент урока (проверка домашнего задания, закрепление новых знаний, подведение итогов).

Остановлюсь на интерпретационном диалоге, целью которого является развитие диалогической учебно-научной речи, осмысление научной информации, оперирование ею с использованием терминов (подготовительный диалог), увеличение скорости интеллектуально – речевых реакций в непредсказуемых изменениях последовательности беседы (спонтанный диалог).

В организации интерпретационного диалога можно выделить два этапа: первый – подготовка содержательного плана, второй – реализация диалога (продуцирование речи партнерами по общению и оценка их речевой деятельности).

Существует множество способов подготовить предметный план диалогов. Считаю наиболее рациональными организацию диалогов по материалам изученной темы; диалоги по материалам, собранным в процессе рассредоточенной подготовки к сочинению; диалоги на основе материалов для аудирования и чтения.

Необходимо еще важное условие – желание вступить в диалог.

На этапе реализации диалога учитель должен так мотивировать речевую деятельность, чтобы учащиеся захотели общаться

Но с позиций интеллектуально-речевого развития личности более целесообразно после изученной темы проводить спонтанные диалоги, которые способствуют увеличению скорости интеллектуальных реакций, активизируют внимание, память, создают условия для проявления смекалки.

Оценивает диалог учитель или ученики по таким критериям:

- соответствие теме;
- информативность коммуникантов;
- выполнение специального задания;

– культура общения.

В ходе работы над диалогической речью также использовать следующие виды упражнений:

**1. Диалог по прочитанному.** Этот вид работы используется при подготовке домашнего задания. Дети придумывают ряд вопросов к изученному материалу по русскому языку или по прочитанному художественному произведению на литературе и задают их на уроке. Ответы должны быть развернутыми.

**2. Речевые этюды.** Особый вид работы, основанный на ролевой игре. Они используются как элемент урока и как игра во внеурочное время. В качестве речевых этюдов могут моделироваться различные ситуации в зависимости от поставленной цели, этапа работы и индивидуальных особенностей и интересов учащихся. Например, могут быть использованы следующие темы:

*"Читатель-библиотекарь"*. Ученик обратился с просьбой к библиотекарю помочь найти нужную книгу, но данная книга уже взята другим читателем: *"Работник - работодатель"*. Первый участник – молодой специалист – устраивается на работу. Работодатель отказывается принимать его без видимой причины, однако первый участник твердо решил получить это место.

*"Читающий пассажир и кондуктор"*. Пассажир увлеченно читает книгу и не реагирует на неоднократное обращение кондуктора предъявить билет. Как привлечь внимание читающего?

**3. Дополнение диалогов.** Это один из самых сложных видов диалога, поскольку он предполагает не только творческое, но и логическое мышление учащихся. От участников требуется определить смысл диалога, опираясь на реплики только одной стороны. Кроме того, важно установить логическую связь между репликами участников диалога.

В формировании коммуникативной компетенции учащихся принципиально изменяется и позиция учителя. Он перестает быть носителем "объективного знания", которое он пытается передать ученику. Его главной задачей становится мотивировать учащихся на проявление инициативы и самостоятельности. Учитель создает условия, развивающую среду, в которой становится возможным выработка каждым учащимся на уровне развития его интеллектуальных и прочих способностей определенных умений: вступать в контакт с любым типом собеседника, учитывая его особенности; поддерживать контакт в общении, соблюдая нормы и правила общения; слушать собеседника соблюдая уважение и терпимость к чужому мнению; высказывать, аргументировать и в культурной форме отстаивать собственное мнение; стимулировать собеседника к продолжению общения; грамотно разрешать конфликты в общении; изменять при необходимости свое речевое поведение; оценивать успешность ситуации общения; корректно завершать ситуацию общения.

Как видим, коммуникативная культура - важнейшее проявление общей культуры человека, функциональная речевая компетентность гражданина современного общества, состоятельность речемыслительной деятельности будущего первоклассного специалиста, независимо от того, в какой сфере будет находиться его профессиональный интерес. Поэтому формирование коммуникативной компетенции - одна из важных задач изучения русского языка в национальной школе. Таким образом, формируя ключевые компетенции учеников, мы выполняем общественный заказ на подготовку человека, умеющего жить.

## ЗНАЧЕНИЕ КОМПЕТЕНТНОСТНОГО И ДИФФЕРЕНЦИРОВАННОГО ПОДХОДОВ В ОБУЧЕНИИ ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ ДИСЦИПЛИНАМ

Г.Хамидова  
Бухарский ОИППКРНО

В современном образовании становится все более очевидным тот факт, что никакие изменения в образовании невозможны без кардинальных изменений профессионального сознания учителя.

Овладение педагогическим мастерством доступно каждому педагогу при условии целенаправленной работы над собой. “Мастерство - это то, чего можно добиться, и как может быть известный мастер-токарь, прекрасный мастер-врач, так должен и может быть известным мастером педагог... И каждый из молодых педагогов, будет обязательно мастером, если не бросит нашего дела, а насколько он овладеет мастерством, — зависит от собственного напора”. Мастерство формируется на основе практического опыта. Но не любой опыт становится источником профессионального мастерства. Таким источником является только труд. Педагогическое мастерство — это сплав личностно-деловых качеств и профессиональной компетентности педагога.

Огромное число педагогических действий формирует сравнительно небольшой перечень основных умений, которые реализуются в педагогической практике: организаторские, гностические, конструктивные, проектировочные, коммуникативные.

Требование учета индивидуальных особенностей учащихся находит свое отражение в *индивидуализации и дифференциации* обучения, которые являются осуществлением в обучении дидактических принципов индивидуального и дифференцированного подходов.

Дифференциация обучения (от лат. *differentia* — разница), форма организации учебной деятельности, при которой учитываются склонности, интересы и проявившиеся способности учащихся.

*Индивидуализация* понимается как учет в процессе обучения индивидуальных особенностей учащихся во всех его формах и методах, независимо оттого, какие особенности и в каких формах учитываются, а *дифференциация* — как такой учет индивидуальных особенностей учащихся, при котором они группируются на основании каких-либо особенностей для отдельного обучения. Рассмотрим положительные и отрицательные стороны дифференцированного обучения.

*Положительные* стороны дифференцированного обучения

- сильным учащимся можно уделить время;
  - слабым учащимся можно уделить внимание и контроль;
  - повышается уровень Я-концепции (ситуация успеха, повышается самооценка у слабого);
  - повышается уровень мотивации у сильных учеников.
- Отрицательные* стороны дифференцированного обучения:
- слабые не имеют возможности тянуться за сильными;
  - понижается уровень мотивации в слабых группах.

Итак, в основе дифференцированного обучения лежит учёт психологических особенностей учащихся, и прежде всего таких, которые влияют на их учебную деятельность и от которых зависят результаты обучения. Таких особенностей достаточно много. Наиболее значимым для успешной организации обучения является такое качество учащихся, как *уровень умственного развития*, под которым понимают как *обучаемость* (предпосылки к учению), так и *обученность* (приобретенные знания).



Под *обучаемостью* понимают «систему интеллектуальных свойств личности, формирующихся качеств ума, от которых зависит продуктивность учебной деятельности...». *Уровень и специфика обучаемости определяются рядом качеств ума, к которым относятся:*

- скорость усвоения;
- гибкость мышления;
- глубина ума;
- осознанность мыслительной деятельности;
- самостоятельность ума и т.п.

Понятие *обучаемости* в узком смысле, учитывающее лишь *специфику мышления*, рассматривают как *общие умственные способности*, под которыми понимают обычно комплекс способностей, требуемых для успешного осуществления учащимися учебной деятельности. Иными словами, *общие умственные способности – это такие психические свойства личности, которые являются условием успешного выполнения учебной деятельности.*

На успешность учебной деятельности влияет *мотивация*, т.е. направленность личности на определенные стороны учебной деятельности.

Выделяют две большие группы мотивов: *познавательные и социальные.*

Среди познавательных мотивов наиболее действенным является *познавательный интерес*. Под *познавательным* интересом к предмету понимается «избирательная направленность психических процессов человека на объекты и явления окружающего мира, при которой наблюдается стремление личности заниматься именно данной областью» (Маркова А.К. Формирование мотивации учения в школьном возрасте. - М., 1983. -С. 14).

Различие познавательных интересов учащихся дает возможность объединять их в группы по качеству или характеру познавательного интереса. Необходимость такого объединения определяется созданием оптимальных условий для поддержания и развития познавательных интересов, а, следовательно, для успешной учебной деятельности. В этом случае учащиеся дифференцируются по интересу к тому или иному предмету.

Еще одним основанием для дифференциации учащихся является *проектируемая профессия*. В этом случае осуществляется группировка учащихся по интересу к тому или иному виду деятельности.

Таким образом, основаниями для дифференциации могут служить общие и специальные способности учащихся, их интересы и проектируемая профессия и становление и развитие методической компетентности преподавателя, в основе которых лежат личностные качества.

В заключении отметим, что у конкретного преподавателя характеристики методической компетентности складываются неравномерно в течение профессиональной деятельности. Видеть эту динамику - значит оценить компетентность преподавателя, сделать прогноз его профессионального роста. При оценке методической компетентности важно учитывать как степень приближения преподавателя к требованиям профессии (к стандартам), так и уникальность, неповторимость каждого преподавателя как профессионала.

## КАМ КОМПЛЕКТЛИ МАКТАБ САМАРАДОРЛИГИ – ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ

М.Исҳоқова  
Тошкент ШХТХҚТУМОИ

Муҳтарам Президентимиз томонидан “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва қарорларнинг эълон қилиниши кенг жамоатчилигимиз, айниқса, халқ таълими тизими ходимлари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинмоқда. Зеро, мазкур қарорлар юртимизда

баркамол авлодни вояга етказиш йўлида олиб борилаётган аниқ мақсадли, кенг кўламли ислохотларнинг мантикий давомидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2014 йил 2 декабрдаги “Кам комплектли” умумий ўрта таълим мактаби ва синфларини ташкил этиш” тўғрисидаги 335-сонли буйруғи кам комплектли мактабларнинг самарали ташкил этилишида асосий дастур бўлди.

Кам комплектли умумий ўрта таълим мактаби ҳам таълим тизимининг асосий бўғини бўлиб, ўқувчи-ёшларга 1-9-синф ҳажмида давлат таълим стандартлари асосида фан асосларидан умумий ўрта маълумот берувчи кундузги мажбурий таълим муассасаси бўлиб, параллел синфлари бўлмаган, иккита, учта ёки тўртта синф ўқувчилари бирлаштирилиб, битта синф – комплектда ўқитиладиган мактаб ёки синф ҳисобланади.

Кам комплектли умумий ўрта таълим мактаби ёки синфлар аҳоли сони кам бўлган, умумий ўрта (тўлақонли) таълим мактабидан узоқда, тоғли ёки етиб бориши қийин бўлган чекка ҳудудларда жойлашган аҳоли пунктларида ташкил этилади.

Кам комплектли бошланғич синф ўқувчилари билан битта ўқитувчи ишлайди. “Педагогик энциклопедик луғат”да таъкидланишича, 15 нафаргача ўқувчидан иборат бўлган мактаб кам комплектли мактаб ҳисобланади.

Мактабларнинг ташкил этилиши аҳолининг нотекис жойлашиши билан боғлиқ бўлиб, авваллари бундай мактаблар кичик қишлоқларда, катта бўлмаган аҳоли яшовчи ҳудудларда, шаҳарчаларда мавжуд бўлган. Ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг сони етишмаган умумий ўрта мактаблар ҳам кам сонли ҳисобланиб, 5 нафар ўқувчидан иборат синфлар тўлиқ синф сифатида шаклланади. 2-3 синфлар учун алоҳида синф очилмайди, улар бир-бири билан бирлаштирилади. 5 нафар ўқувчига алоҳида ўқитувчи таклиф қилинади, аммо 7 нафар ўқувчига муаммо саналади.

Кам комплектли синфларни ташкил этишда мактабнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш керак. Жумладан:

- ✓ ўқувчилар миқдори кам бўлиши;
- ✓ бошқа параллел синфи мавжуд эмаслиги;
- ✓ бир ўқитувчи бир неча синфлар билан яқка ўзи ишлаши;
- ✓ турли ёшдаги ўқувчиларнинг бир синфда ўқитилиши;
- ✓ бир ўқитувчининг бир неча фанни ўқитиши;
- ✓ синфларнинг нотекис тақсимланиши ёки айрим синфларнинг умуман мавжуд эмаслиги;
- ✓ бир ёки икки ўқитувчининг ишлаши, кутубхоначи, хўжалик ишлари бўйича масъул каби лавозимларнинг мавжуд эмаслиги (уларнинг вазифасини ҳам ўқитувчи бажаради);
- ✓ кам комплектли мактаб ўқитувчиси бир фан йўналиши бўйича мутахассис эмас, балки тадбиркор, ҳар бир ишнинг кўзини биладиган, билимдон, ҳар ишни уддасидан чиқадиган, ҳар томонлама шаклланган ходим бўлиши керак;
- ✓ бундай мактаб ўқувчилари сони турлича бўлиши мумкин: 2-3-ўқувчиси бўлган синфлар, жами 40-50 нафар ўқувчини ташкил этадиган, баъзи мактабларда айрим синфларнинг мавжуд эмаслиги;
- ✓ кўпгина бу шаклдаги мактабларнинг моддий техника базаси етарли эмаслиги.

Кўпгина олимлар кам комплектли мактабларга иккинчи нав таълим муассасаси сифатида қарар эди. Бугунги кунда эса, бу мактабларда таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ташкил этиш мумкинлигига амин бўлмоқдалар. Асосийси, мактабдаги ўқувчилар сонининг, синфларнинг камлиги ўқитувчиларга шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишга имконият яратади. Турли ёшдаги катта бўлмаган жамоа кичикларни катталар ўқитиши ва тарбиялаши учун шароит яратади.

Бундай мактаблар “оила модели” сифатида шаклланади. Чунки турли ёшдаги болалар бир-бири билан ака-укадек муносабатда бўладилар. Кичиклар катталарни ҳурмат қилсалар, катталар кичикларни иззат қиладилар. Тўлиқ мактабларда бундай муносабатни яратиш анча мушкул иш. Бу турдаги мактабларда механизм ўз-ўзидан ишлайди. 20-30-ўқувчини қамраб

олган кичик мактаб катта оилани эслатади. Бу ерда ҳамма бир-бирини билади, ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам илиқ муносабатда бўлади ва бир-бирига ёрдам беради. Шунинг учун, безориликлар, турли ҳуқуқбузарликлар деярли кузатилмайди.

Америкалик педагоглар кам комплектли мактабларни ўргангандан сўнг “элита” мактаблар билан солиштирадilar. “Элита” мактаблардан фарқи унинг бюджети йўқлигидадир, деб таъкидлайдилар.

Қайсидир маънода бундай мактабларнинг ижобий томонлари бўлса, қайсидир маънода унинг салбий томонлари ҳам мавжуд. Ўқувчилар мавзуларни деярли бир-бирларидан ўрганадилар. Мавзуни тез ўзлаштирадilar, тез тушунадилар. Бунинг учун синфда иқтидорли ўқувчи бўлиши керак. Агар синфда иқтидорли ўқувчи бўлмаса, мавзуни ким билан ўзлаштиради? деган савол туғилади. Ўқитувчи қанча маҳоратли бўлса ҳам бу бўшлиқни тўлдиролмайди. Иқтидорли ўқувчиларни синфларга ажратиб махсус синфлар ташкил этишининг ҳам иложи бўлмайди.

Рус педагоги Л.Байбородованинг таъкидлашича, кам комплектли мактабларда ўқув мотивацияси жуда паст. Билим, кўникма ва малака суст бўлганлиги учун ҳам ўзлаштириш даражаси паст. Бу хусусиятлар ўзига хос методика танлашни талаб қилади. Олий таълим муассасаларида тўлиқ синфлар билан ишлашни, ўқитишни ўргатадилар. Аммо бундай мактабларда бу методикаларни ҳаммасини ҳам кўллаб бўлмайди. Ёш ўқитувчилар ўқувчиларнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида янги методикалар ўйлаб топишига тўғри келади.

Бугунги кунда “Мактаб-боғча” шаклидаги таълим муассасалар кўпаймоқда. Аммо уларда фақат мактабгача ва бошланғич синф ўқувчилари ўқитилмоқда. Ана шундай кам комплектли ва мактаб-боғчани бирлаштириш имконияти бўлса, бир қатор қулайликлар юзага келади:

- ✓ бир режа асосида узок муддатга мўлжалланган таълим-тарбия жараёнини ташкил этилиши;
- ✓ кичикларни катталар тарбиялашига асосланган турли ёшдаги болаларни бирлаштирувчи болалар бирлашмалари ташкил этиш;
- ✓ воситаларни иқтисод қилиш;
- ✓ моддий-техника базанинг тўлиқ ишлатилиши;
- ✓ ўқитувчиларнинг юкломаси меъёрлашади;
- ✓ ўқувчиларни тиббий назоратдан ўтказиб туриш осонлашади;
- ✓ болани боғчадан мактабга ўтказиш муаммоси йўқолади.

Шунга кўра бугунги кунда кам комплектли синфга янгича ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда. Кам комплектли мактаб ўқитувчиларидан ижодий фаолият талаб этилмоқда. Ундаги камчиликларни устунлик ҳамда афзалликларга айлантиришни олдига мақсад қилиб олиш юклатилмоқда. Бунда ўқитувчи қуйидаги имкониятларни яратиши лозим бўлади:

- Синфларни бир комплектга рационал бирлаштириш;
- Дарс жадвалининг тўғри тузилиши;
- Дарс тузилишини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш;
- Ўқитувчи бошқаруви остида мустақил ишларни тўғри ташкил қила олиш;
- Техник воситалардан самарали фойдалана олиш;
- Ўқув жараёнини самарали ташкил этишда мувофиқ методларни танлай билиш.

Ҳозирги кун ўқитувчисидан дарс жараёнида турли ёшдаги ўқувчилар ҳамкорлигини, уларнинг мулоқотчанлик, тинглаш, фикрларини аниқ, батафсил баён эта олиш каби ҳаётий кўникмаларини шакллантиришга қаратилган илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш талаб этилмоқда. Бу борада:

- шахсга йўналтирилган компетенциявий таълим;
- таълимда дифференциал ёндашув;
- интеграциялашган таълим;
- ҳамкорлик технологиялари;

- янги ахборот технологиялари;
- таълимда индивидуал ёндашув кабилар усуллар ўз самарасини бермоқда.

## НУТҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФОНОСЕМАНТИК ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*М.Э.Мусаева*  
*Тошкент ВХТХҚТУМОИ,*  
*Ғ. Холмаматов*  
*Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

Мамлакатимизда ўзбек тилини ўрганиш борасида кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу эса ўзбек тилини мукамал ўрганишга замин яратади. Ўзбек тилшунослиги миллий ғояга асосланади ва истиқлол ғояларини амалга ошириш учун хизмат қилади. Тилда фоносемантик воситаларнинг услубий имкон даражаси жуда кенг. Фоносемантик воситаларнинг сўз семантик структурасига ўзига хос таъсири борлигига оид қарашлар ҳам юзага келмоқда. Жаҳон тилшунослигида фоностилистика янги оқимлардан бири саналади. Аммо ҳар қандай янгилик каби унинг ҳам чуқур тарихий илдизлари мавжуд. Антик файласуфларнинг ўз давридаги нотиклик, хаттотлик санъатларига оид фикрлари ана шундай замин вазифасини бажарди. Ўзбек тилшунослиги адабиётларида А.Ғуломов томонидан фоностилистикага оид дастлабки маълумотлар берилган. Фоностилистикани мулоқотнинг турли соҳа ва ҳолатларида фонетик ҳодисаларнинг услубий вазифалари, аҳамияти ҳақидаги қонуниятларни ўрганувчи фан сифатида тушуниш уни ижтимоий лингвистиканинг ташкилий қисмига айлантиради. Ҳозирга қадар фоностилистикага доир тадқиқот ишлари жуда кам. Кейинги даврда ўзбек тилшунослигида фоносемантик воситаларнинг нутқда ва ҳатто ёзувдаги стилистик хусусиятларига доир қатор ишлар юзага келди.

Ҳозирда мактаб ўқитувчилари олдида ўқувчи ёшларнинг риторик ҳамда нутқий маданиятини шакллантириш, она тилини илмий ўрганишга қизиқтириш каби масалалар ётибди. Ўзбек нутқий намуналари: бадий асарлар ва махсус тўпланган оғзаки нутқ материаллари ушбу масалаларни ҳал қилишда муҳим объект вазифасини бажаради.

Фонетик воситалар кўриш, эшитиш ва талаффуз орқали зоҳир бўлади. Ҳозирги кибернетика атамаларидан код атамаси энг урфга кирган атама ҳисобланади. Илмий адабиётлардан бизга маълумки, ушбу атама тилшунослар томонидан ҳам фаол қўлланилмоқда. Табиатнинг комбинацияланиш хусусиятига эга бўлган маълум бир моддий сигнали код деб аталади. Худди шундай сигналлар сифатида овоз, нутқ товушлари, талаффуз оҳанги, тон, урғу, турли товуш ўзгаришларини қабул қиламиз. Табиатнинг худди шундай моддий сигнали унинг бошқа иккинчи моддий сигналига ўтиши мумкин. Масалан: ёзма нутқ, оғзаки нутқ ва ўқиш жараёнлари.

Ёзма нутқ жараёнида товушлардан ҳарфларга, оғзаки нутқда нутқий ҳаракатдан товушларга, ўқиш жараёнида эса ҳарфдан товушга ўтиш кузатилади. Нутқий ҳаракат → товуш → ҳарф. Демак бу ерда нутқий ҳаракат бирламчи код бўлиб, ундан товуший код, товуший коддан эса ҳарфий код келиб чиқади. Ушбу учала кодни ўзлаштириш тўғри нутқни таъминлайди. Демак, тўғри нутққа эга бўлган она тили ва адабиёти ўқитувчилари ўз ўқувчиларининг ҳам тўғри нутқини шакллантира олади. Чунки улар тилимиздаги мавжуд барча сўзлар ва тил қоидалари ҳам ўзига хос ва мос кодларда мужассамланганлиги, нутқий ҳаракат ҳамда товушли кодлар табиий яхлит системани ташкил этишини англаган ҳолда мулоқотга киришади. Бизга тарихдан маълумки, халқимизнинг идеаллари ва мақсадлари, ижтимоий турмуши бир хил ҳаёт тарзида эмас. У мунтазам ижобий ўзгаришлар билан бойиб бормоқда. Демак, ўз навбатида халқимиз ҳаёти билан тилимизнинг ҳам луғат бойлиги чамбарчас боғлиқликда бойиб боради. Тилни, хусусан, она тилини ва унинг тарихини пухта

ўрганиш, илмий асослаб бериш – давр талаби. Негаки таълимий ва тарбиявий муаммолар ечими шу талаблар негизида ўз аксини топади.

Лингвистик ҳодисаларни инсон мулоқоти нуқтаи назаридан туриб тадқиқ қилиш замонавий тилшуносликнинг илғор йўналишларидан бирига айланди. Бундай коммуникатив ёндашиш тилни мулоқот воситаси сифатида ўрганиш учун илмий назарияларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Ҳозирда жаҳон тилшунослигида фоностилистикага, унинг объекти бўлмиш фонетик бирликлар, фонетик ҳодисалар ва фонетик воситаларнинг услубий хусусиятларини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда.

Фоностилистика ўзи нима? Фалсафанинг оддийдан мураккабга қатъиятига амал қилган ҳолда фоностилистикани илмий таҳлил қилиш мумкин, яъни тилдаги сегмент бирликлар – нутқ товушлари, товуш бирикмалари, бўғин, (просодик) – оҳангнинг қаттиқ ёки юмшоқлиги, баланд ёки пастлиги, чўзиқ ёки қисқалиги, нутқ бўлақларининг ажратилиши ва қўшилиши, муסיқийлик, урғу динамикаси, нутқ темпининг ўзгариши, паузалар ва уларнинг турлари, нуткий меъёр, адабий талаффуздаги оҳангдошлик (эвфонология), товуший рамз (звукосимволизм), фонетик синонимия, сўзловчининг ҳиссий ҳолати, шеърнинг ритмик ва муסיқий тузилишини тавсифлаш ва айримларини фонетик-услубий таснифлаш керак.

Фоностилистика тилшуносликнинг янги бўлими. Унинг шаклланишида антик файласуф ва алломаларининг ўз давридаги чиройли сўзлаш, нотиклик, хаттотлик санъатлари ва бошқа бир қатор фоностилистикага оид фикр ва ғоялари асосий замин вазифасини бажарди.

Ўзбек тилшунослигининг забардаст олими, марҳум профессор А.Ғуломов ўз даврида фоностилистикага оид дастлабки маълумотларни, яъни фонетик воситалар, уларнинг услубий вазифалари, фонетик услубларнинг фаркланиши, сўзлардаги оҳанг, улардаги ҳиссий бўёқ ҳақида аниқ кўрсатмалар берган. Профессор Э.Қиличев ўз ўқув қўлланмасида устоз А.Ғуломовнинг ушбу фикрларини кенгроқ ва батафсил ёритиб берган<sup>1</sup>.

Нутқнинг фоностилистик табиатини чуқур ўрганган она тили ва адабиёти ўқитувчиси ўз ўқувчиларига улар томонидан ўрганилаётган оғзаки ва ёзма матнларни янада яхшироқ уқишга ва бир қанча амалий масалаларни ҳал қилишга, яъни лингвистик қарашларнинг шаклланишига ёрдам беради.

Фоностилистик воситаларни кенг кўламда ўрганиш саводхонликни оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Агар тарихга назар солсак, фоностилистикага оид масалалар тарихи тилнинг тўғри меъёрлари, яхши услуб меъёрлари ҳақидаги олимлар таълимотига бориб тақалади.

Ўзбек тили – халқимиз ва унинг маданияти, тарихи ҳақидаги далилий ҳужжат. У миллатимизнинг беқиёс давлати. Она тилимиз орқали билимимиз, илмимиз, тажрибамиз, маданиятимиз, ўқув ва малакамиз белгиланади. Тилга эътибор – элга эътибор, деб бежиз айтилмаган. Чунки ҳар бир инсоннинг ўз ҳаётидаги яхши, эзгу амаллари, халқимиз тарихи ва маданияти, миллий кадриятлари ва турли хурофотлардан холи бўлган урф-одатлари, атрофидагиларга бўлган ҳурмат-эътибори, унинг ҳаётидаги рўшнолик, барака тил туфайли амалга ошади. Бунинг акси ҳам тил туфайли содир бўлади.

Тилимиздаги ҳар бир сўз кундалик турмушимизнинг кўплаб қатламларига сингиб кетган. XXI аср – электрон асрида ижтимоий онгнинг ҳиссий баҳолаш имконияти янада ортиб, кескинлашиб бормоқда. Оқибатда сўзлар янги баҳолаш вазифаларига эга бўлмоқда. Бу барқарорлашган фонетик услубий воситалар тизимини ҳаракатга келтиради, тилнинг экспрессив имкониятлари эса турли-туман услубий инновациялар билан бойиб боради.

## O'QITUVCHINING KASBIY KOMPETENTLIGI

*N.Z.To'rayeva*  
*Namangan VXTXQTMOI*

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov ta'kidlaganidek, "Shuni unutmasligimiz kerakki, kelajagimiz poydevori bilim, boshqacha aytganda, xalqimizning ertangi kuni qanday bo'lishi farzandlarimizning bugun qanday ta'lim va tarbiya olishiga bog'liq". Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan tub islohotlarning muvaffaqiyati ta'lim-tarbiya tizimini o'zgartirish, uni hozirgi zamon talablari darajasiga ko'tarish, har tomonlama barkamol shaxsni shakllantirishga ko'p jihatdan bog'liq. Chunki jamiyat taraqqiyoti, uning iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanganligi shu jamiyatda yashayotgan fuqoralarning intellektual va ma'naviy salohiyati bilan belgilanadi. Kadrlar tayyorlash milliy dasturida: "Yosh avlodni ma'naviy axloqiy tarbiyalashda xalqning boy milliy, madaniy-tarixiy an'analari, urf-odatlar hamda umumbashariy qadriyatlarga asoslangan samarali tashkiliy, pedagogik shakl va vositalar ishlab chiqilib, amaliyotga joriy etiladi. Shaxsni tarbiyalash va uni har tomonlama kamol toptirishning ustuvorligi ta'minlanadi",- deb qayd etilgan. Shuningdek, pedagogik texnologiyalarni joriy qilish va keng ommalashtirish zarurati alohida qayd etilgan. Yangiliklarni ta'lim jarayoniga olib kirish va joriy etish bugungi boshlang'ich sinf o'qituvchisining asosiy vazifasidir. Demak, har bir o'qituvchi izlanishi, bugungi kun talablari asosida o'zini o'zi tarbiyalashi, o'z ustida tinmay ishlashi, zamonaviy pedagogik va axborot – kommunikatsiya texnologiyalarini o'zlashtirish va ta'lim jarayonida qo'llay olishi kerak.

Pedagogik texnologiya – ko'p o'lchamli hodisadir: bugungi kunda ta'lim muassasalarining nazariy va amaliy ishlarida ta'lim-tarbiya jarayoning ko'pgina variantlari namoyon bo'lmoqda. Har bir muallifning o'z aniq texnologiyasi mavjud.

Zamonaviy axborot texnologiyalarini qo'llash o'qituvchining pedagogik faoliyatida quyidagi yutuqlarni namoyon etadi:

1. Dars jarayonini zamonaviy texnik vositalar asosida tashkil etish uchun maxsus ko'nikma va malakalar shakllantiriladi.

2. Masofaviy kurslarning ochiqligi tufayli ularning sifatiga bo'lgan talablar va o'quv materiallarining sifatini nazorat qilishga ehtiyoji paydo bo'ladi.

3. Ta'lim jarayonida o'quvchilarning mustaqil faoliyati takomillashadi hamda dars jarayonining samaradorligi o'qituvchidan o'quvchiga ko'chadi.

4. O'quv jarayonini tashkil etishda, o'quvchining tashkilotchiligi hamda shaxsiy ishtiroki ortadi.

5. Zamonaviy kommunikatsiya texnologiyaridan foydalanish asosida o'qituvchining pedagogik faoliyatida har bir o'quvchi bilan aloqasi vujudga kelishi ta'minlanadi.

Jamiyatning har bir a'zosi, o'zining kundalik faoliyatida uzluksiz ravishda turli axborot resurslaridan foydalanadi. Doimiy ravishda ortib borayotgan axborotlarning hajmi jamiyatdagi intellektual salohiyatning oshishiga xizmat qiladi. Modomiki shunday ekan, jamiyatdagi har bir o'qituvchi ham o'z kasbiy va pedagogik mahoratini zamonaviy axborot texnologiyalari oqimi asosida oshirib borishi mumkin. Har bir o'qituvchi o'zining mehnat faoliyati jarayonida axborot texnologiyalardan unumli foydalanishi uchun, avvalambor, o'z axborot muhitini shakllantirishga zamin yaratishi lozim.

Hozirgi kunda har bir pedagog-o'qituvchi ta'lim-tarbiya berish jarayonida o'quvchilarning individual xususiyatlarini, qiziqishlarini hamda yosh xususiyatlarini inobatga olishi kerak. O'qituvchining hurmatini qanchalik joyiga qo'yish lozim bo'lsa, o'qituvchi ham kerakli talablarga javob berishi lozim. Alisher Navoiy shunday deb keltiradi:

*Haq yo'lida kim senga bir harf o'qitmish ranj ila,*

*Aylamak bo'lmas ado oning haqin yuz ganj ila.*

Alisher Navoiy o'qituvchi haqida gapirar ekan, muallim o'z shogirdlarini ham, o'zi ta'lim berayotgan fanni ham sevgan bo'lishi zarur. O'ziga ham, o'quvchiga ham talabchan bo'lishni

uqtiradi. Navoiy o'qituvchini jamiyatda obro'li va hurmatga loyiq inson deb bilib, shogirdlar muallimni vatandek juda hurmat qilishlarini, e'zozlashlarini uqtiradi.

Sharq mutafakkirlarining asarlari biz uchun qimmatli xazina bo'lib, biz ulardan ta'lim-tarbiya jarayonida foydalanishimiz lozim. Bu esa o'qituvchi faoliyatida yuksak yutuqlarga olib keladi. Shu bilan bir qatorda, hozirgi kunda umumta'lim maktablarining o'qituvchilari va o'quvchilarining fikrlash va qabul qilish darajasini hisobga olgan holda, yangi g'oyalar, yangi zamonaviy axborot texnologiyalariga oid bilimlarni berish va o'zlashtirish ma'lum bir vaqtda izchil va uzluksiz davom etishini talab etadi. Agar o'quvchilar maktab va boshqa o'quv dargohlarida olgan bilim, ko'nikmalarini amaliyotda qo'llay olsalar, maqsadga muvofiq bo'ladi. Jamiyatdagi har bir o'qituvchi axborot texnologiyalarini o'qitishning metodlarini shunday tanlashi kerakki, u o'quvchilarga nafaqat tayyor bilimlarini o'zlashtirishlarida, balki bilimlarini turli manbalardan izlash, mustaqil egallash, o'zlarida shaxsiy ma'lumotlarni shaqlanishi, uni asoslash hamda avvalgi egallagan bilimlardan samarali foydalanish imkoniyatini yaratishi kerak.

### ФИЛОЛОГИК ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*С.М.Курбонова  
ФарДУ,*

*И.Жалилова*

*Қува педагогика ва иқтисодиёт коллежи*

Бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлод ва унинг таълим-тарбияси масаласига жиддий эътибор берилмоқда. Таълим ва тарбия беришда узвийликка эришиш – таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратмаган ҳолда фаолият юритиш ҳамма замонларда ҳам ўқитишнинг асосий мақсадаларидан бири бўлган, аммо унинг амалиётга жорий этилиши даражаси паст бўлиб, кўп ҳолларда ўқувчилар билан бирор тарбиявий мавзуда суҳбатлашиш, содир бўлган бирор воқеа ёки ижтимоий масалага оид ҳолатни таҳлил қилиш орқали тарбиявий мақсадга эришилади, деб тушунилган.

Замонавий таълим, глобаллашув жараёнлар ва шахс камолоти масаласи бугунги кунда ўқитиш жараёнининг кун тартибини тубдан ислоҳ қилиш, унга катта ўзгартишлар киритиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Маълумки, ўқитиш, хусусан, ўқувчиларга она тилини ўқитиш жиддий масалалардан бири бўлиб, шахс ва жамият ҳаётида ҳал қилувчи омиллардан бири саналади. Шу сабабли ҳам мактабда таълим бериш жараёнида она тили ва адабиёт дарсларига катта эътибор берилади. Кейинги йилларда она тилини ўқитишга бўлган талабларга эътибор қаратадиган бўлсак, ДТС талабларини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштиришда таълимга компетенциявий ёндашувни жорий этиш, ўқув дастурлари мазмунини узлуksизлик ва узвийлик асосида қайта кўриб чиқиш борасида катта ишлар амалга оширилганини кўриш мумкин. Шу ўринда савол туғилади – компетенция ўзи нима, уни таълимга жорий этиш деганда нимани тушунмоқ керак?

Аввало, атаманинг луғавий маъносини аниқлашга ҳаракат қиладиган бўлсак, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу лексемага қуйидагича изоҳ берилган:

“**Компетенция**” – (лот. to compete – лаёқатли, муносиб бўлмоқ).

1) муайян ташкилот ёки мансабдор шахснинг расмий ҳужжатларда белгиланган ваколатлари доираси, ваколат;

2) шахснинг бирор-бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражаси.

Русча-ўзбекча таржима луғатларида эса бу сўз қуйидагича шарҳланади:

**Компетенция** – 1. Бирор киши яхши хабардор, омилкор бўлган соҳа; 2. юр.ҳуқуқ (вазифа, иш) доираси.

**Компетенция** – 1. Бирор киши яхши хабардор бўлган соҳа ёки масала; 2.Ваколат, ҳуқуқ ихтиёр.

**Компетентн/ий, -ая, ое, -тен, -тна** – 1) етарли маълумотга эга бўлган, пухта билимли, яхши биладиган, билимдон, хабардор, омилкор; 2) асосли, эътиборли, мўътабар; 3) компетенцияга, яъни ҳуқуққа эга бўлган; ваколатли.

**Компетентлик** – чуқур билимга эгалик; чуқур билимга асосланганлик, асослилик; хабардорлик, омилкорлик.”

**“Компетенция”, “компетентлилик”** тушунчалари тилшуносликда илк бор XX аср ўрталарида Н.Хомский томонидан қўлланган бўлиб, тилдан фойдаланиш жараёнида “фаолиятга йўналтирилган билим, кўникма ва малакалар мажмуи сифатида”, таълим соҳасида эса **“компетенциявий ёндашув”** сифатида талқин этилган бўлиб, таълимда натижавийликни кўрсатувчи омиллар сифатида қайд этилган.

Тил таълимида компетенциявий ёндашув таълим олувчиларнинг ўрганаётган тили материалларидан ва олинган ахборотлардан ўз ҳаётий фаолиятида оқилона фойдалана олиш, шу тилда ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда мустақил ифодалаш ва нутқий вазиятларга мос равишда қўллаш олиш кўникмаси.

Компетенцияларнинг асосан икки тури фарқланади: таянч компетенциялар; хусусий компетенциялар.

Таянч компетенциялар инсоннинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга кириша олиш, жамиятда ўз ўрнини эгаллаш олиш, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал эта олиш, энг муҳими, ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўла олиш кўникма-малакаларини таркиб топтиришга қаратилади.

Хусусий компетенциялар ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида шу фаннинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда шаклланиб боради. Хусусан, ўзбек тили таълимида хусусий компетенциялар қаторига нутқий, лингвистик, социокультурологик, прагматик компетенциялар киради. Булардан нутқий компетенция ва лингвистик компетенция асосан тил бўйича назарий билимларнинг эгалланиши ва кўникмаларнинг шакллантирилиши билан боғлиқ бўлса, социокультурологик ва прагматик компетенциялар шахс ва унинг ижтимоий-маданий қиёфасида комиллик сифатларини шакллантиришни назарда тутди.

Ўқувчиларда нутқий компетентликнинг шаклланганлигини кўрсатувчи 4 даража мавжуд бўлиб, улар: тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш.

Лингвистик компетенция ўқувчиларда луғат бойлигини ошириб бориш, сўз ясашиши воситаларини билиш, лисоний воситаларни фарқлаш билишдан иборат бўлиб, улар тил бўлимларига оид назарий билимларни маълум изчилликда эгаллаш воситасида шакллантирилади.

Социокультурологик (ижтимоий-маданий) компетенция ўқувчиларда эшитилган нутқни шу халқнинг миллий хусусиятларини билган ва ўз тили ва миллий анъаналари билан таққослаган ҳолда муайян нутқий вазиятга мос лингвистик шакл, ифода усулида тақдим эта олиш қобилиятини шакллантириш назарда тутди.

Прагматик компетенция муҳим ҳисобланиб, эгаллаган билим, кўникмалари асосида муайян нутқий вазиятда мустақил мулоқотга кириша олиш қобилиятини, муомала одобини, тушунмовчиликлар ва мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш, тилнинг амалий имкониятларидан ўринли фойдалана олиш қобилиятини шакллантиришни назарда тутди.

Ўқувчиларда тил компетентлигини шакллантиришда ўқитувчининг билим даражаси билан бирга шахсий ва касбий фазилатлари, ўз тили ва маданиятини билиши, ҳурмат қилиши ва тилдан фойдаланишдаги маҳорати, умуман олганда, ўқитувчига хос бўлган барча жиҳатлар биргаликда қамраб олинади, ўқувчиларнинг ҳар томонлама камолотга эришувида бу жиҳатлар компетенцияларнинг барчаси тўлиқ шаклланганлиги муҳимдир.

Компетентлилик тушунчаси бугунги кунда барча педагоглар учун ҳам муҳим бўлгани ҳолда филологик фанларни ўқитишда алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, нутқий



компетентлилик ва лингвистик компетентлилик бевосита прагматик компетентликка асос бўлади.

## ЎҚУВЧИЛАРДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

*Н.Салаева, Р.Беглиев, Р. Давлетов  
Хоразм ВХТХҚТУМОИ*

Ўзбек тили – дунёни ҳайратга солган, дурдона асарлар яратилган ноёб тил, бебаҳо маданий ёдгорлик, ажодлар ва авлодларни бирлаштириб турган муқаддас хазинадир. “Девону луғотит турк”, “Қутадғу-билиг”, “Хамса”, “Бобурнома”, “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Ўғузнома” каби олис ва яқин тарихимизда яратилган ушбу асарларимизни ўқиган борки, улардаги чуқур маъно, сўз оҳангларида оламжаҳон руҳий кувват олади.

Китоб, аввало, ёш авлод онгу шуурида она тилига ҳурмат ва эҳтиром, ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдири учун дахлдорлик, фидойилик туйғуларини мастаҳкам қарор топтиришнинг асосий омилларидан биридир. Китобхонлик масаласига мамлакатимиз ҳаётида ҳар доим ҳам муҳим ижтимоий масала сифатида қараб келинган бўлса-да, ҳозирги кундагидек долзарб аҳамият касб этмаган. Замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўз салоҳияти, давлатнинг равнақи йўлида тинмай изланиб, юксак маънавиятли, маданиятли, маърифатли, интеллектуал ёшларни тарбиялаш, камол топтиришда китобхонликнинг аҳамияти беқиёсдир.

Биз, биламизки маориф соҳаси айнан ўқувчи – ёшларда китобхонлик маданиятини шакллантирувчи бош омил саналади. Хусусан, бугунги кунда “ўқиш маданияти”, “китобхонлик маданияти”, “мутолаа маданияти” каби атамалар замирида “ахборот олиш маданияти”ни ҳам мактаб ўқувчиларида шакллантириш ҳамда “китобхон ўқувчи” термини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, илмий адабиётлар билан ишлаш, маълумот-библиография ва барча турдаги ахборот материаллардан ўзини қизиқтирган нарсаларни кидириб топиш, умуман, китоб ва кутубхонадан тўғри фойдаланиш йўллари ўрганиш ўқиш маданияти тушунчаси доирасига киради. Бинобарин, тилимизнинг тарихи, асл табиати ва хусусиятларини ифодаладиган илмий рисолалар, мукамал академик ва ўқув грамматикалари, товушлар тизими ҳамда уларнинг ёзувда акс этиши, имло қоидалари бўйича луғат ва қомуслар, дарсликлар яратиш бугунги кун талаби бўлиб, улар она тилимизнинг халқаро мавқеини оширишда муҳим омилдир.

Тадқиқотчи А.Умаров ўз илмий изланишларида “...маориф тизими фуқароларда мутолаа маданиятини шакллантиришнинг асосий ижро институтларидан бири вазифасини бажаради. Айнан маориф тизимида ёшларда китоб ва китобхонликка қизиқишни шакллантириш, такомиллаштириш масалалари профессионал педагогик нуктаи назардан амалга ошириб келинади”, – деб таъкидлайди. Демак, таълим тизими ўқиш маданиятини шакллантиришнинг асосий ижро институтларидан бири вазифасини ўтайди.

Эгалланган билимларни ўқувчилар томонидан изчил шакллантириб бориш жараёни таъминланади. Таълим жараёнининг мазмунини ташкил қилувчи билим, кўникма ва малакалар фақатгина синфда ўтиладиган дарсларда шаклланиб қолмасдан, балки синфдан ташқари ўқишда, аниқроғи, кутубхоналарда мустақил тарзда шуғулланиш орқали ҳам эгалланади. Бинобарин, мактабдаги ўқув фанларининг ўрганилиши, дарсларининг ўзлаштирилиши синфдан ташқари ўқишга боғлиқ. Синфдан ташқари ўқишнинг асосий қисмини кутубхоналар ўз зиммасига олган бўлиб, уларсиз таълим ва тарбия тўлиқ бўлмайди. Шу боис кутубхоналар таълим ва тарбия жараёнида муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этишга кўмаклашади. Бироқ очик тан олиш керакки, умумий ўрта таълим тизимида ҳам, кутубхоналар фаолиятида ҳам ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбиялашни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича етарлича ишлар амалга оширилмаган.

Ўқиш маданиятини тарбиялаш масаласи ижтимоий, маънавий-маърифий, умуммиллий муаммо ҳисобланади. Ўқиш маданиятини тарбиялаш маълум бир давр билан чегараланадиган ҳодиса бўлмасдан, инсон умр бўйи ўрганадиган маънавий эҳтиёж бўлиб, у доимий ва фаол харакатлантирувчи манбалар таъсирида шаклланади. Ўқиш маданиятининг шаклланиш манбаларини аниқлаб олиш муҳимдир. Негаки, ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг асл моҳиятини англаш учун ўша воқеа-ҳодисани юзага келтирадиган омиллар аниқланиши, табиийдир. Шундан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбиялашнинг манбалари, шаклланиш босқичлари ўрганилади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқиш маданиятини шакллантиришнинг муҳим аҳамият касб этадиган бўғинлари *оила – мактабгача тарбия муассасаси – мактаб кутубхоналари*дир. Болада китобга бўлган эҳтиёж бола ҳаётининг дастлабки йилларида шакллана бошлайди. Бўлажак китобхон ҳаётида, аввало, оила, сўнг мактабгача тарбия муассасалри ва, ниҳоят, мактаб ҳал қилувчи ўрин тутади. Демак, ўқиш маданиятини шакллантиришнинг илк, дастлабки асоси бу оиладир.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлашича: “Бола туғилган кунидан бошлаб, оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англаб, ҳис қиладилар”. Оила аъзоларининг саводхонлик даражаси, уларнинг китобга муносабати бола калбида китобхонлик асосларини ниш уришига сабабчи бўлади.

Ўқиш маданиятини инсон умр бўйи ўрганади. Лекин унинг асосий қоидаларини инсон ёшлиқдан, болалиқда китобни илк таний бошлаган даврдан ўрганиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ўқиш, яъни мутолаа боланинг маънавий ҳаётига мустаҳкам кириб бориши учун олдиндан тайёргарлик кўриб бориши зарур: бола биринчи сўзни мустақил равишда ўқишдан олдин, у ҳар куни катта одам – онаси, отаси, бувиси, боғча мураббиясининг мутолаасини тинглаши, яъни бадий образ гўзаллигини ҳис қилиши керак. Оиланинг бола тарбиясидаги, унинг шахс сифатида шаклланишидаги аҳамияти хусусида бир қатор рисоалар яратилган бўлиб, уларда шахснинг тарбиявий жараёнида китобнинг, мутолаанинг аҳамияти хусусида фикрлар баён этилган. Ўқиш маданиятини тарбиялашда оиланинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

1. Ўз фарзандларида барча ахборот манбаларига бўлган қизиқишни, жумладан, китоб ўқишга, кутубхоналарга бўлган иштиёкни уйғотиш.

2. Мавзу жиҳатдан ранг-баранг, турли-туман манбаларга бой бўлган шахсий оилавий кутубхона ташкил этиш.

3. Оила аъзоларининг ёшига, қизиқишларига, интеллектуал салоҳиятига мос адабиётни танлаб ўқишни ўргатиш.

4. Ўз фарзандларини китоблардан фойдаланиш қоидалари билан таништириб бориш ва бу орқали болалар ўқишини тўғри ташкил этиш, уларнинг бўш вақтларини тақсимлаш масалаларида фаолликларини ошириш мумкин. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик ҳолатлари ва руҳиятини ўрганишга бағишланган бир қатор изланишларда кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар фаолиятининг психологик таҳлили, таълимнинг психологик асосларини баён қилиш, ўқувчиларнинг психик ривожланишини ёритиш каби бир қатор ходисалар тадқиқ этилган. Жумладан, Э.Ғозиев кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар билиш жараёнлари хусусиятларини, М.Давлетшин бошланғич таълимда китобхонликни шакллантириш масалаларининг психологик омилларини атрофлича ёритиб берганлар.

В.Каримованинг педагогик – психологияга доир изланишларида тарбиянинг педагогик-психологик асослари, шунингдек, ўқишнинг етакчи фаолият сифатидаги моҳиятига аҳамият қаратилган. Китобхон болага мақсадга мувофиқ педагогик таъсир ўтказиш шахснинг ёш ва ўзига хос психологик хусусиятларини ҳисобга олишга таянади, болаларнинг китоб ўқишига уларнинг ёш хусусиятлари таъсир этишини ўрганади, яъни қайси ёшда қандай китобларни ўқиш ва тушуниш мумкинлигини аниқлайди. Ўқувчи шахсининг китобхонлик фаолиятидаги миқдор ва сифат ўзгаришлари кўп жиҳатдан боланинг ўз хатти-ҳаракатлари, интилиш ва қизиқишлари, кунт билан ўқиш-ўрганишга ҳам боғлиқ.

Кутубхоначилар ўз китобхонларининг шахсини, қобилятини, қизиқишини пухта ўрганиши ва шу асосда китобдан фойдаланиш йўллари, кутубхоначилик билимлари тарғиботини йўлга қўйиши, кутубхонанинг барча имкониятларини ўқувчиларнинг ақлий, рухий камолотига йўналтириши лозимлиги таъкидланади. Болада китоб ўқишга муҳаббат уйғотиш ва ўқиган нарсаларига қизиқиш ҳосил қилиш, мутолаанинг усул ва воситалари билан таништириш, адабиётни тушунишга ўргатиш, асарнинг мазмунига ҳиссий муносабатини тарбиялаш каби вазифаларни бажаришга ёрдам бериши зарур. Биз мактаб ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришнинг баъзи психологик жиҳатларини сўровнома орқали аниқлаб олишга эришдик ва қуйидаги фикрларимизни келтирамиз:

- ўқувчини китоб ўқишга жалб қилиш бўйича раҳбарлик масаласи;
- китоб ва китобхон ўртасидаги муносабатни шакллантириш психологияси;
- китобнинг тарбиявий аҳамиятини англаб олиш қобилятини шакллантириш масаласи;
- кутубхоначи ва китобхоннинг мунтазам равишда мулоқотда бўлиши масаласи;
- ўқувчининг ёш хусусиятларига мос равишда китоб танлаши масаласи;
- мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг китоб билан дўстлашиш масалалари бўйича изланишлар олиб бориш ҳамда “китобхонлик маданиятини” шакллантиришнинг ижтимоий-психологик ва педагогик мазмун-моҳиятини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

### **BADIY ASAR TAHLILI JARAYONIDA XUSUSIY VA TAYANCH KOMPETENSIYALARNI SHAKLLANTIRISH**

*B.Muhiddinova  
SamDU,  
L.Mirzohidova  
Samarqand VXTXQTUMOI*

Umumta'lim maktab o'quvchilarida tayanch va fanga oid kompetensiyalarni shakllantirishda ta'lim texnologiyalariga asoslangan darslarni tashkil etish yaxshi natijalar beradi. Shunday samarali ta'lim texnologiyalaridan biri bu rivojlantiruvchi ta'lim texnologiyasi bo'lib, u ma'lum bir vaqtda, o'quvchining ta'limiy, tarbiyaviy, ma'naviy, ruhiy va jismoniy rivojlantirish hamda uni tez o'zgaruvchan dunyoda jamiyatga, hayotga moslashuvini ta'minlovchi ta'lim nazariyasidir.

Adabiyot darslarini o'tkazganimizda o'quvchilarimizda BKMLarni yuqori darajada olishlari, o'zlashtirishlari uchun aynan mavzu-mohiyatidan kelib chiqib, ta'lim maqsadlarini belgilashimiz, maqsaddan kelib chiqib, o'tilayotgan mavzu yuzasidan qanday tayanch va xususiy kompetensiyalar shakllanishini va bu kompetensiyalarni mashg'ulot davomida qanday shakllantirishimiz mumkinligini aniqlab olib, shu asnodan o'quv topshiriqlarini ishlab chiqishimiz lozim.

Shu o'rinda savol tug'ilishi mumkin – “kompetensiya” bu o'zi nima?

“Competence” so'zi “to compete” so'zidan kelib chiqqan bo'lib, “musobaqalashmoq” degan ma'noni bildiradi. So'zma-so'z tarjima qilinsa “musobaqalashishga layoqatlilik” ma'nosida keladi. Demak, biz dars jarayonida nazariy ma'lumotlarni u'rganish bilan birga bu ma'lumotlarni hayot davomida amaliy qo'llay olish ko'nikmalarini shakllantirib, rivojlantirib borishimiz lozim. Buning uchun o'qituvchi har bir darsni yaxlit holatda ko'ra bilish va uni tasavvur etish uchun bo'lajak jarayonni loyihalashtirib olishi kerak. Bunda o'qituvchi uchun bo'lajak darsning texnologik xaritasini tuzib olishi katta ahamiyatga egadir, chunki darsning texnologik xaritasi har bir mavzu, har bir dars uchun o'qitilayotgan fanning xususiyatidan, o'quvchilarning imkoniyati va ehtiyojidan kelib chiqqan holda tuziladi.

Texnologik xaritanı tuzish oson ish emas, chunki buning uchun biz o'qituvchilar pedagogika, psixologiya, xususiy metodika, pedagogik va axborot texnologiyalardan xabardor bo'lishimiz, shuningdek, dars jarayonida qo'llaniladigan rivojlantiruvchi, tayanch va xususiy kompetensiyalarni

shakllantiruvchi usullarni bilishimiz kerak. Har bir darsning rang-barang, qiziqarli bo'lishi avvaldan puxta o'ylab tuzilgan darsning loyihalashtirilgan texnologik xaritasiga bog'liq.



Buguni kunda dars maqsadlari bilan birga har bir maqsad zaminida dars jarayonida qanday kompetensiyalar shakllantirilishini belgilash lozim. Misol tariqasida quyida 8-sinf adabiyot fanidan «A.Muxtorning “Chinor” romani» mavzusi bo'yicha o'tkaziladigan darsning kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan, oldindan loyihalashtirilgan texnologik xaritasini havola qilamiz.

### Darsning texnologik xaritasi

Mavzu	Asqad Muxtorning “Chinor” romani
<b>Darsning maqsad va vazifalari:</b>	<p><i>Darsning ta'limiy maqsadi:</i> Asqad Muxtorning “Chinor” romani g'oyasini o'quvchilar ongiga singdirish .</p> <p><i>Darsning tarbiyaviy maqsadi:</i> o'quvchilarni Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalash, mardlik, haqiqatgo'ylik, mehnatsevarlik xususiyatlarini shakllantirish, adabiyotga havas uyg'otish.</p> <p><i>Darsning rivojlantiruvchi maqsadi:</i> o'quvchilarni erkin va mustaqil fikrlash qobiliyatini o'stirish, ifodali o'qishga o'rgatish, o'quvchilarda faollik, zukkolik, topqirlik, malakalarini rivojlantirish</p> <p><i>Vazifalar:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- o'quvchilarning e'tiborini darsga jalb qilish;</li> <li>- o'quvchilarda mavzuga nisbatan qiziqish uyg'otish, ularda mavzu asosida bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirish, kengaytirishga erishish;</li> <li>- mavzu yuzasidan o'quvchilarni fikrlashga, ijodiy fikr yuritishga, o'z qarashlarini erkin bayon qila olishga o'rgatish;</li> <li>- mavzu yuzasidan o'quvchilarda kompetensiyalarni shakllanganlik holatini tekshirish va ularni baholash.</li> </ul>
<b>Malaka talablari</b>	<p><b>Bilim:</b> «Chinor» romanining kim tomonidan qaysi davrda yozilganligini, asar mazmunini o'zlashtiriladi.</p> <p><b>Ko'nikma:</b> savol va topshiriqlar asosida asar mazmunini, g'oyasini anglash, asarda ro'y bergan voqea-hodisalarga munosabat bildirish kabi ko'nikmaslarini shakllantiriladi.</p> <p><b>Malaka:</b> egallagan ko'nikmalarni notanish vaziyatlarda qo'llay olish malakasi shakllantiriladi.</p> <p><b>Kompetensiya. Xususiy kompetensiya:</b></p> <p><i>Adabiy - nutqiy kompetensiya:</i> video lavhadan yoki asardan parchani eshitirish orqali tinglab tushunish, fikr bildirish orqali fikrni og'zaki bayon qilish, matndan parchani o'qish orqali adabiy o'qish, asardan chiqargan xulosani yozish orqali esa fikrni yozma bayon qilish kompetensiyasi shakllantiriladi.</p> <p><i>Badiiy asarni tahlil qilish kompetensiyasi:</i> turli xil tahlil darajasidagi topshiriqlarni bajarish orqali shakllantiriladi.</p> <p><b>Tayanch kompetensiyalar:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. <i>Kommunikativ kompetensiya:</i> mavzu yuzasidan savol-javoblar o'tkazish orqali shakllantiriladi.</li> <li>2. <i>Ijtimoiy faol fuqarolik kompetensiyasi:</i> muammoli vaziyatlardan topshiriq berish va o'quvchilarning bu vaziyatlarni bartaraf etish choralari ishlab chiqishi orqali shakllantiriladi.</li> <li>3. <i>Milliy va umummadaniy kompetensiya:</i> asardagi voqealar, obrazlar tahlili orqali shakllantiriladi.</li> </ol>
<b>O'quv jarayonining</b>	O'quvchilarda asarni tahlil qilish ko'nilmalarini rivojlantirish.

<b>mazmuni</b>	
<b>O'quv jarayonini tashkil etish texnologiyasi</b>	<b>Dars turi:</b> aralash; <b>Dars shakli:</b> individual, kichik guruhlarda ishlash <b>Dars usul:</b> interfaol <b>Jihozlar:</b> texnika vositalari, didaktik materiallar, darslik, topshiriqli materiallar. <b>Baholash:</b> 5 ballik tizimida baholanadi.
<b>Kutiladigan natijalar:</b>	O'qituvchi: Mavzuning barcha o'quvchilar tomonidan o'zlashtirishiga erishish. O'quvchilar: asarda ifodalangan g'oyaning mazmun-mohiyatini tushunib yetishi
<b>Kelgusi natijalar</b>	O'qituvchi dars jarayonida foydalanilgan texnologiyalarni yanada takomillashtirish rejasini tuzadi. O'quvchi mavzuga oid ma'lumotlarni to'playdi, asar toliq matni bilan tanishadi.

Biz «Chinor» romani yuzasidan dars jarayonida o'quvchilarning xususiy va tayanch kompetensiyalarni shakllantirishda foydalaniladigan interfaol usullardan namunalar keltiramiz. Quyidagi usullarimiz o'quvchilarning asar haqidagi fikrlarini aniqlashga, bilish darajasini tekshirishga qaratilgan. Ushbu usullarimiz o'quvchilarni tahlil qilishga, obrazning xususiyatlarini ochishga, o'quvchini bilishdan to baholash darajasigacha bo'lgan qobiliyatini shakllantirishga qaratilgan



1. \_\_\_\_\_ (ot)  
2. \_\_\_\_\_ (sifat)  
3. \_\_\_\_\_ (fe'l)  
4. \_\_\_\_\_ (jumla)  
5. \_\_\_\_\_ (birinchi so'zni ma'nadoshi)

Chinor so'ziga "Sinkveyn" tuzing.

Ushbu parchada urg'u berilgan so'zlarni izohlang. Ushbu usulda o'quvchilar **hayot, inson** so'zlariga izoh beradilar. Bu orqali o'quvchilarda umummadaniy kompetensiyasi shakllantiriladi.

Unga yigitlik umrida bir marotaba inson bolasi, HAYOT atalmish ne'mat - najot qo'llarini cho'zgan edi. Bir marotaba undan o'zining ham INSON EKANLIGINI ISBOTLASHNI so'ragan edi. Akbarali mana shu HAYOTning qo'llarini tutmadi, yordamga muhtoj insonning yoniga bormadi!..  
Bu yog'i o'zingizga ma'lum – azob, azob, azob...

#### Topshiriq. Ushbu vaziyatni izohlang

«Qo'rqaveramanmi, endi mening qo'rqadigan joyim yo'q!» deb pichirladi-yu, o'zi istamasa ham oyog'i tortib ketdi. Odam sharpasi daraxt soyasida birpas ko'rinmay qoldi, Akbarali dadil bosib borardi. Daraxt orasidan oqarinqirab ufq ko'rindi. Shu payt besh qadamchagina narida haligi sharpa yana paydo bo'ldi. Endi u yoni bilan turardi. Akbarali unga qarab to'xtadi-yu orqaga tisarildi. Birdan... Havogacha titrab ketdi. U baqirib yubordimi, o'zi bilmaydi, lekin og'zi ochilib, bexosdan tamom gung bo'lib qolgan edi. Akbarali qoziqdek qotdi, tebrandi, qo'li bilan ko'zlarini berkitdi, yana ochdi: ro'parasida... o'zi... ha, o'zi, Akbarali turardi!

Bu yerdan qanday qilib qochganini u bilmaydi, bir mahal borib darvoza panjarasiga urilganida sal o'ziga keldi. Xayriyat, yiqilib qolmabdi... Yo yiqilib, yana turib ketdimi? Qancha yotdi? Tildan qolmadimikan?

Gapirib ko'ray desa yonida odam yo'q. O'zicha gapirsa ham bo'ladi-ku. Tili shishinqirab og'ziga sig'may turganga o'xshaydi, lekin yo'q, aylanyapti.

– Yolg'on! Yolg'on! Bas. Qo'rqmayman! – deb qichqirib yubordi u.

Tushuncha	Izoh
Hayot	
Inson	
Halollik	
Qo'rqoqlik	
Tubanlik ...	

Ushbu usul orqali parchani tahlil qilishda o'quvchilarda ijtimoiy faol fuqarolik kompetensiyasi shakllantiriladi.

**Topshiriq. Ushbu parchani "FSMU" usulida izohlang.**

Taqdir deganlari o'z aytganidan qolmadi – Akbaralini bir necha daqiqalik sinovga soldi va... shafqatsizlarcha sindirdi!

O'sha mash'um daqiqada Akbaralining ichida kamida ikki his bir-biri bilan ayovsiz olishdi. Ulardan bin: «Yur, Bektemirga yordam ber, agar ikki kishi bo'lsalaring, ulgurasizlar! Axir Bektemir otang bilan birga bunaqa xavflarning nechtasini yengib kelishgan. Ular cho'chimagan-ku!» deb uni oldinga chorlasa, ikkinchisi: «Borma, xavfli, oldinda o'lim turibdi, yosh joning juvonmarg bo'lib ketadi! Yaxshisi – qoch! Joningni, hayotingni saqla!» der edi.

**Topshiriq. Bektemirga berilgan ushbu izohni tahlil qiling.**

Bektemir bir emas, bir necha yillar davomida dahshatli urushni kechib kelgan. O'nlab, balki yuzlab marotaba ajalga ro'para kelib, uning changalidan qutulishga o'zida kuch topgan. Uni fashist degan yovuz hayot kushandasi ham mahv qila olmagan. Bektemir ne-ne o'limlarni dog'da qoldirib, «Endi yashayman, urushda ko'rgan azoblarimning hammasi evaziga ham endi yashayman!» deb yurtiga qaytgan odam edi! Uning orzulari – oilasi, go'zal qizchasi suyunishi uchun ham ro'yobga chiqarmoqchi bo'lgan orzulari ko'p edi. U tun-u kun charchoqni bilmay ishlashga, ishlab urush ko'rgiliklarini unutishga, endi hayotdan faqat va faqat baxt topishga talpingan va bunga to'la haqqi bor bir jon edi – inson edi!

**"Sinkveyn" usuli asosida "Hayot" so'ziga ta'rif beramiz.**

\_\_\_\_\_ (1ta ot);


\_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ (2ta sifat);

\_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ (3ta fe'l)

\_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ (jumla);

\_\_\_\_\_ (birinchi qatordagi so'zning ma'nodoshi yoki izohi)

Akbarali obrazini "SWOT-universal tahlil" metodi asosida tahlil qilamiz.



### Akbaralining ijobiy va salbiy xislatlari tahlili

<i>Halol</i> <i>Mehnatkash</i> ..... ..... .....?	<i>Qo'rqoq</i> <i>Xudbin</i> ..... ..... .....?
---	---

### Savol va topshiriqlar:

1. Konda Akbaralining o'rnida Siz bo'lganingizda qanday yo'l tutgan bo'lardingiz?
2. Bektemirning orzulari nima edi? Nima uchun u aynan Akbaralini qora tortib keldi?
3. Asardagi Akbaralining onasi – Sharofat xolaning eng katta orzusi nima edi? Nega u butun umr shu orzu bilan o'tdi?
4. Chinakam qahramon emas, tirik yurgan Akbaralining xotirasi abadiylashtirilishida qandaydir ramziy ma'no bor, deb hisoblaysizmi? Fikringizni misollar bilan isbotlashga harakat qiling.
5. O'z qilmishidan qiynalayotgan Akbarali nega onasiga yoki do'stlariga dardini ayta olmaydi? Bu ham qo'rqoqlikmi yoki boshqa tuyg'ular sababmi?
6. Ochil boboning Akbarali o'limidan keyingi so'zlarini qanday izohlagan bo'lardingiz?
7. Nega u Akbaralini «mo'rt barg» deb nomladi?
8. Akbarali o'z joniga qasd qilib to'g'ri yo'l tutdimi? U boshqa nima qilishi mumkin edi?

Xulosa qilib aytganda yuqorida keltirilgan usul va topshiriqlar o'quvchilarni faollashtirishga, dars jarayonida o'quvchilarni mustaqil ishlashga, hayotiy tajriba oshirishga, kelajakda ana shunday vaziyatlarda amaliy jihatdan qanday choralar ko'rish yuzasidan ko'nikma va malakalar shakllantiradi.

## IMKONIYATI CHEKLANGAN BOLALARGA TA'LIM – TARBIYA BERISHDA PEDAGOGIK YONDOSHUV MASALALARI

*V.Ya. Yusupova*  
*Xorazm VXTXQTUMOI*

Yurtimizda inklyuziv ta'limga imkoniyati cheklangan bolalarni sog'lom tengdoshlari bilan birga o'qitish ijtimoiy hayotga moslashuvini va rehabilitatsiyasini ta'minlaydigan maxsus ta'limning alternativ shakli sifatida qaralmoqda. “Ta'lim to'g'risida”gi, “Bola huquqlarining kafolatlari

to'g'risida"gi, "O'zbekistonda nogironlarni ijtimoiy himoya qilish to'g'risida"gi qonunlar va boshqa hujjatlar asosida imkoniyati cheklangan bolalarning ta'lim olishi va o'sib rivojlanishi kafolatlanadi, ularning huquq va manfaatlarini himoyalash, ijtimoiy qo'llab – quvvatlash choralari ko'riladi. Buning uchun hozirgi kunda ta'lim muassasalarida faqat sog'lom bolalarga e'tiborni qaratmasda, alohida ehtiyojli ya'ni imkoniyati cheklangan bolalarni ham o'qitish ularga dunyoviy va diniy bilimlardan saboq berib imkoniyati yetguncha ta'lim tarbiya olishlariga sharoit yaratib berib, ularga befarq emasligimizni har doim nomoyon qilib borishimiz bu bizning yuksak burchimizdir.

Respublikamizda alohida yordamga muhtoj, psixik va jismoniy rivojlanishida muammosi bor bolalar 89 ta maxsus maktab-internat, 23 ta sanatoriy tipidagi maktab-internat, 120 ta maxsus maktabgacha ta'lim muassasalarida o'qib, tarbiya olmoqda. Bundan tashqari, 10 mingdan ziyod bola kasalligi tufayli uyda yakka tartibda o'qitiladi 600 dan ortiq bola umumiy yo'nalishdagi maktablarda sog'lom tengdoshlari qatorida ta'lim olmoqda. "...Maktablar barcha bolalarni, ularning jismoniy, aqliy, ijtimoiy, emotsional, lingvistik va boshqa xususiyatlaridan qat'iy nazar, qabul qilishi kerak. Bunda imkoniyati cheklangan va iqtidorli bolalar, ota-ona qaramog'idan mahrum bolalar va ishlovchi bolalar, olis hududlardan kelgan bolalar yoki ko'chmanchi aholi farzandlari, lingvistik, etnik yoki noqulay shart-sharoitda hayot kechirayotgan, marginal hudud, guruhga mansub bolalar qamrab olinishi zarur".

Inklyuziv ta'lim uchun kadrlarni tayyorlash maqsadida Nizomiy nomidagi TDPU, Jizzax DPI, Navoiy DPI va Samarqand DUDagi defektologiya bo'limlarida dars soatlari o'quv dasturiga kiritilgan. Markaziy hamda hududiy xalq ta'limi xodimlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish institutlarining tinglovchilariga o'quv rejaga muvofiq tanlov fani sifatida "Alohida yordamga muhtoj bolalar inklyuziv ta'limi" kursi o'qitishi yo'lga qo'yilgan. Ta'lim jarayonida pedagoglar inklyuziv ta'limning mazmun-mohiyati va respublikamizdagi bu borada amalga oshirilgan tajribalar bilan tanishmoqda

Inklyuziv maktabda hamma narsa har qanday ta'lim ehtiyojlariga ega har bir bolaning ehtiyojlariga yo'naltiriladi, inklyuziv talim sharoitida bolalar maktab dasturlariga emas, maktab dasturlari bolalarga moslashtirilishi lozim bo'ladi, bunda alohida ehtiyojli bolalar sog'lom bolalar bilan teng huquq va burchlarga ega bo'lib qolmay ular bilan psixologik jihatdan bir-birlariga moslashadilar, shuningdek, do'stona psixologik iqlimni yuzaga keltiradilar. Bunday olib qaraganda, bolaning yaxshi yoki yomoni bo'lmaydi hamma bola borliqni anglash, dunyoni bilishga intiladi, ular o'zlarining bor qiziqishlari va mahoratlarini namoyon qilishga intilishadi, biz ularning erkliklarini ko'tarib qiziqtirgan har bir savoliga erinmasdan oqilona javob berib borib, o'z mehr muhabbatimizni ayammasligimiz, har bir insonning muqaddas burchi hisoblanadi.

Mamlakatimizda inklyuziv ta'limni joriy etish, imkoniyati cheklangan bolalarni ijtimoiy reabilitatsiya qilish borasida boy tajriba shakllandi. Alohida yondashuv talab etiladigan bolalarni o'qitish bo'yicha metodik manbalar, o'quv adabiyotlarini yaratish va bosqichma – bosqich amaliyotga joriy etish ishlari izchil davom ettirilmoqda.

Imkoniyati cheklangan bola o'zini maktabda noqulay his etishi nuqsonlaridan uyalishi mumkin. Bu boladagi mavjud jismoniy va ruhiy ortda qolish jarayonlarini jadallashtiradi. Shuning uchun inklyuziv ta'limga tortiladigan bolalarni maktabdagi eng ilg'or tajribali, fidokor va namunali o'qituvchi sinfiga jalb qilish zarur. Pedagog boladagi ruhiy tutilishlarni asta-sekinlik bilan, uning o'ziga bildirmagan holda tarqatishga erishishi zarur. Ko'p vaqt, iroda va sabr talab qiladigan bu jarayonda o'qituvchi bolani boshqa sinfdoshlaridan ajratmagan holda o'qitishga e'tibor berishi kerak. Agarda hamma o'quvchiga bir xil topshiriq berib, diqqat markazimizda bolaga yengilroq yoki alohida topshiriq berish, vaziyatni yanada murakkablashtiradi. Bola bu holda o'zidagi kamchiliklarni chuqurroq his qila boshlaydi. Shuning uchun ularga ham hamma bolalar qatori munosabat bildirish va vazifalar darajasini bir xil belgilash joiz. Tabiiyki, bunda bola qiynaladi, shunda o'qituvchi u bilan individual shug'ullanib, ota – onasi bilan yordamchi ishlar rejasini tuzishi muhim. Bu jarayonda pedagogning roli shundan iboratki, u bolalarga hamkorlikka kirishishni, shuningdek, birgalikda bilim olishning mazmun-mohiyatini tushuntirib berish imkoniyatiga ega



bo'lishi lozim. Har bir pedagog o'z g'amxo'rliги bilan bolalarning har tomonlama rivojlanishi va ta'lim olishdagi yutuqlarini qo'llab-quvvatlaydi, shuningdek har bir bolaning hayotiga daxldor bo'lgan katta yoshdagilar o'rtasida hurmatga ega bo'lgan odamlarning do'stona munosabatlarini o'z siyomosida aks ettiradi.

O'quvchilar guruhlaridagi muloqot, munosabat va muomala jarayonining muhim bo'lgan jihatlaridan yana biri sinf o'quvchisida shaxslararo munosabatlar va ijtimoiy munosabatlarning farqi, mazmun-mohiyati, me'yorlari, qoidalari va tafovutlarini o'quvchi tomonidan o'zlashtirilib olinishidir. O'quvchilar guruhlarida yuzaga keladigan axborot almashish jarayonida muloqotning perseptiv, interaktiv tomonlari to'g'risida tushunchalarga ega bo'lishlari, muloqot turlaridan samarali foydalanish, rolli o'yinlar va psixologik qonuniyatlar asosida shakllanishi o'z ifodasini topadi. Ushbu jarayon o'quvchida kelajakda muloqotga kirishuvchan bo'lishi, erkin, ijodiy va mustaqil fikr yuritishi uchun katta zamin yaratadi.

O'qituvchining o'z sinfi o'quvchilari bilan faoliyat yuritishida o'quvchi psixologiyasining o'ziga xos jihatlari, ya'ni har bir yosh bosqichidagi individual xususiyatlar yig'indisi – ijobiy takomillashuvini to'g'ri tashkil qilish uning kelajakdagi hayotiy pozitsiyalari, ustanovkalari, qarashlari, maqsad va motivatsiyasini, shaxs yo'nalishi, o'z-o'zini anglashi, o'z-o'zini baholashi, insonga xos bo'lgan barcha ijtimoiy belgilarni o'zida tarkib toptirishga mas'uldir. Shu bilan birga milliy, ma'naviy, axloqiy tushunchalar, davr va zamon xususiyatlarini, guruhning shakllanganlik darajasini, guruh faoliyatiga aloqador bo'lgan me'yorlarni belgilab beruvchi shaxsdir.

Imkoniyati cheklangan bolalar boshqa normal bolalarga qaraganda izzat talab, nozik tabiatli, iqtidorli, biroz asabiy depressiyaga moyil, shuningdek serzarda bo'lishlari ham mumkin, bular bilan ishlaganda ozgina xatoga yo'l qo'yishimiz ham mumkin emas, chunki ularga nisbatan qilingan oddiy ehtiyotsizlik ham bolaga ruhiy zarba bo'lishini taqozo qiladi. Shuning uchun ham alohida ehtiyojli bolalar bilan ishlaydigan har bir pedagog yoki ota-ona, ota-ona o'rnini bosuvchi vasiy ham o'ziga har tamonlama o'ziga ishongan, kuchli bilimga ega, fahm-farosatli va pedagogik-psixologik bilimlardan boxabar shaxs bo'lsa ishida kamchiliklarga yo'l qo'ymaslikka harakat qiladi.

## **ЎҚУВЧИЛАРНИ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

*С. Яхяева  
Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури”ни амалда жорий этиб, таълим мазмунини такомиллаштириш, ўқитишнинг илғор шакллари ва педагогик технологияларни ўқув жараёнида жорий этиш орқали таълим самарадорлигини ошириш каби муҳим вазифаларни кўйди. Шу сабабдан ҳозирги замон ўқитувчисидан тинимсиз изланиш ва ўз ишига ижодий ёндашишни тақозо этади.

Айни пайтда ўқитувчи олдида масъулиятли ва машаққатли вазифа – ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш ҳамда ижодий фикрлашни шакллантириш турибди. Таълим жараёнида амалга оширилаётган ўзгаришлар ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, уларга таълим бериш жараёнини сифат жиҳатидан такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Илмий-техник тараккиёт жадаллик билан ривожланаётган ҳозирги даврда меҳнат бозорида рақобатбардош, мустақил фикрлайдиган кадрлар тайёрлаш учун ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ўстириш муҳим аҳамиятга эга ва ривожланган мамлакатлар тажрибасида исботланган.

Ўзбекистоннинг тўла мустақил бўлишида фуқароларнинг руҳий ва фикрий мустақиллиги муҳим касб этади. Шунинг учун ҳам жамият аъзоларини, айниқса ёшларни мустақил фикрлай олишга ўргатиш бугунги кунда ўта долзарб масалалардан бири. Ёшларни

ташаббускор кишилар сифатида тарбиялаш, уларни ностандарт фикрлашга одатлантиришда таълим тизими алоҳида ўрин тутди.

Ҳозирги пайтда миллий педагогиканинг асосий диққати тарбияланувчи шахс маънавиятини камол топтиришга, унинг ўзига хос тарзда фикрлайдиган, мустақил хулосаларга кела оладиган, ижодкор, ташаббускор, масъулиятни зиммасига олишдан чўчимайдиган фаол инсон қилиб шакллантиришга қаратилган. “Бизга мерос бўлиб қолган таълим-тарбия тизимининг маълум бир маъқул жиҳатлари билан бир қаторда унинг энг номаъқул томони шундан иборат эдики, ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаслик, ҳар қайси ўқув юртини битирувчиларнинг билишига қараб эмас, аввало уларнинг собиқ совет тизими ва сохта ғояларига садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосида ўринни эгаллар эди. Кўп жойларда сифат ўрнига сон кетидан қувиш устунлик қиларди.

Бу тизим ватанига, халқига, миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган, бирон-бир масалани онгли равишда масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчи, янгиликка интилувчи кадрларни эмас, асосан саёз савияли ходимларни, муте кишиларни минг-минглаб етиштирган эди...”

Мустақил фикрлашга ўргатиш зарурати, қолаверса мустақилликни мустаҳкамлаш эҳтиёжини кўзлаб, халқ руҳига сингиб қолган мутеълик, журъатсизлик каби иллатларни тугатиш, шунингдек серандишаллик, катталарга кўр-кўрона итоат қилиш, сабр-тоқатлилиқ каби фазилатларни онгидан чиқариш лозим эди. Мустақиллик шарофати ила эркинлик, Ватан, миллат, давлат олдида масъуллик, маънавиятга интилиш, шахсий фикрга эга бўлиш сингари бобокалонларимиздан ўтиб келаётган фазилатлар қайта жумбушга кела бошлади.

Бу ҳолатни таълим-тарбияда бевосита алоқадор муассасалар, шахслар ҳисобга олиб, тарбияланувчига бўлган муносабатни ўзгартира бошладилар ва таълим жараёнининг пировард мақсади – мустақил фикрлаш ва маънавият эканини тушуниб етдилар. Энг муҳими, мустақил фикрлайдиган ўқувчи шундай сифатга эга бўлмаган синфдошидан фарқли ўлароқ барча нарсани билишга қизиқди, таълим жараёнидан завқланди. Шунини таъкидлаш лозимки, ўқувчи мустақил фикрлашнинг усули ва йўллари эгаллаганда ўқув материални тез идрок этади, пухта ўзлаштиради. Дарс машғулоти билан қаноатланмай қолади. Синфдошининг фикрлашига халал берувчи ножўя хатти-ҳаракатларидан ранжийди. Шундай даврлар бўлдики, у вақтда ўқувчиларни ўқитишида асосий эътибор уларда “билимлар”ни шакллантиришга қаратилди. Ўша вақтларда “асосийси ўқувчиларда чуқур ва пухта билимларни ҳосил қилиш” деган ибора тез-тез эслатиб турилди. Таълимда билимларни таркиб топтиришга ортиқча баҳо беришнинг салбий оқибатлари тез орада ўз таъсирини кўрсатди.

Ўқувчиларга билим бериш билан бир қаторда уларда мустақил фикрлашни тарбиялаш зарурлиги мутлақо равшан бўлиб қолди. Фикрлашни тарбиялаш муайян моддий, педагогик шароитларни талаб қилади. Мустақил фикрловчи: биринчидан, борлиқни кузатиш, ҳис қилиш, идрок этиш имкониятига эга бўлмоғи зарур, яъни жисмоний руҳий соғлом бўлмоғи керак; иккинчидан, воқеа-ҳодисалар моҳияти, мазмунини тушуниш салоҳиятига, тарихий, географик, фикрий ва ҳоказо маълумотларга эга бўлмоқ, бундай маълумотлар нафақат маконда, балким бир зумлик замонда ҳам чексиз эканидан, улардан энг зарурларнигина ажратиб олиб (ўқитувчи ва дарслик воситасида) ўқувчини фикрлатмоқ лозим; учинчидан, борлиқни яхлит ҳолда, унга алоқадор шарт-шароитлардан ажратмай умумлаштириш, яъни таркиб топган муайян уйғунлик доирасида мушоҳада қилиш керак. Фикрлашни конкрет объектларни идрок қилишдан бошланиши лозим. Масалан, болани аввал табиат билан, яъни ўсимлик ва ҳайвонот олами, чақмоқ, момоқалдирик, ёмғирлар, қоронғулик, ёруғлик, зилзила ва бошқалар билан таништириш, уларнинг сир-асрорларидан воқиф этиш зарур; тўртинчидан, фикрлашга чорловчи топшириқ ёки маълумот мустақил фикрловчининг салоҳиятига мутаносиб бўлиши керак. Шуларни назарда тутиб, мустақил фикрлашни шартли равишда 3 даража – оддий, ўрта ва мураккабга ажратиш мумкин.

Интерфаол усуллар синфда гуруҳлар ўртасида рақобат муҳитини вужудга келтириб, ўқувчиларни ҳаракатчанликка бошлаб, руҳлантиради, натижада ўқувчилар ҳамкорликка ўргата бошлайдилар. Баҳсли, муаммоли вазият – инсоннинг фаолияти давридаги фикрлаш натижасига боғлиқ бўлиб, қоладиган мураккаб ҳолатга ёки шароитга тушиб қолишидир. Бундай ҳолатда у ходиса ёки жараёни қандай изоҳлашни билмайди. Баҳсли, муаммоли вазиятлар ўқувчиларнинг ақлий кучини зўриқтиради, у вазиятни ойдинлаштириш учун йўллар кидира бошлайди, қийинчиликлар билан тўқнашади. Ўқувчилар ўзлари бажарган топшириқларни қандай қилиб бажарганликларини айтиб, тушунтириб бера олишлари лозим. Муаммони ҳал қилиш жараёнидаги тушунмай қолган ўринларини ўз сўзлари билан ифодалаб бера олиши ўқитувчи учун муҳимдир.

Немис педагоги Дистервег бежизга “Ноқобил ўқитувчи ҳақиқатни айтади кўяди, яхши ўқитувчи эса уни топишини ўргатади” деб айтмаган. Бу ўринда ўқитувчининг вазифаси фақат мавзунини тушунтириб бериш эмас, масалани тўғри қўя билиши, ўқувчиларни ўз фанига кизиқтира олиши, унинг туйғуларини безовта қила билиши ва муаммони ҳал этишда ҳамкор сифатида қатнашишдан иборат. Бола фаолияти эркин бўлса, ҳурлигига даҳл қилинмаса, унда шахсга ҳурмат туйғуси пайдо бўлади. Баҳс жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамкорлиги болани мутелиқдан, кўр-кўрона итоатдан қутқаради. Дарс бир мақсад сари интилаётган ҳамкорликнинг ягона фаолиятига айланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар бир ўқитувчи қайси фандан дарс бермасин ўқувчиларни мустақил фикрлашларига аҳамият бериши ва унинг вазифаси эканлигини унутмаслиги лозим.

## **O'QISH DARSLARIDA O'QUVCHILARDA SHAKLLANTIRILADIGAN FANGA DOIR KOMPETENSIYALAR**

*D.Jo'rayeva  
Samarqand VXTXQTUMOI*

Istiqloq sharofati tufayli ilm maskanlarimizga bo'lgan e'tibor kuchaytirildi. Ular joriy va mukammal ta'mirdan, chiqarilib, yoshlarning chuqur bilim olishlari uchun barcha shart-sharoitlar yaratib berildi va eski andozalardan butunlay voz kechildi. Ta'lim-tarbiya yangi zamon ruhiga moslandi. 2017-yil 6-aprelda Vazirlar Mahkamasining 187-sonli qarori asosida “Umumiy o'rta ta'lim va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartini tasdiqlash to'g'risida”gi qarori qabul qilindi. Davlat ta'lim standartining maqsadi — umumiy o'rta ta'lim tizimini mamlakatda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar, rivojlangan xorijiy mamlakatlarning ilg'or tajribalari hamda ilm-fan va zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalariga asoslangan holda tashkil etish, ma'naviy barkamol va intellektual rivojlangan shaxsni tarbiyalashdan iborat.

Ta'lim samaradorligini oshirish, davlat ta'lim standartlarining bajarilishini ta'minlash, ta'limning sifat-ko'rsatkichini kafolatlashda zamonaviy pedagogik texnologiyalar hal qiluvchi omillardan biridir. Jumladan, boshlang'ich sinflarning o'qish darslarida o'quvchilarda tayanch va fanga doir kompetensiyalarni shakllantirishda turli zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanish bugungi kunda samarali natijalarni bermoqda. Boshlang'ich sinflarning o'qish darslari o'z mohiyati, maqsad va vazifalariga ko'ra ta'lim tizimida alohida o'rin tutadi. Negaki, uning zaminida savodxonlik va axloqiy-ta'limiy tarbiya asoslari turadi. Shuning uchun ham boshqa predmetlar ta'limini o'qish ta'limisiz tasavvur qilib bo'lmaydi.

O'quvchi matnni to'g'ri, tez, tushunib o'qish, mazmunini o'zlashtirish bilan ilk bor o'qish darslarida yuzlashadi. O'qish darslari orqali o'quvchilarning Davlat ta'lim standarti (DTS) talablari bo'yicha o'zlashtirishlari ko'zda tutilgan o'quv-biluv ko'nikma-malakalari hamda bilimlarni egallashlariga yo'l ochiladi. Aynan, o'qish ta'limida insonning, avvalo, o'zligini, qolaversa, olamni anglashga bo'lgan intilishlariga turtki beriladi.

Qabul qilingan o'quvchilarda kompetensiyalarni shakllantirishga yo'naltirilgan DTSlarida tayanch kompetensiyalar bilan birgalikda fanga doir: adabiy-nutqiy kompetensiya elementlari hamda badiiy asarni tahlil qilish kompetensiya elementlari shakllantirilmog'i lozim.

O'quvchi umumta'lim fanlarini o'rganishning boshlang'ich darajasiga ega bo'lishi uchun unda adabiy-nutqiy kompetensiya elementlari:

– ixcham matn asosida yaratilgan audiomatn, videotasvirlarni tinglab tushunish; ertak, topishmoq, maqol, tezaytish, rivoyat, hikoyat, masal, xalq qo'shiqlari, hikoya, she'rlarni o'qib tushunish va mazmunini qayta so'zlab berish;

– yozma va bosma harflarni, ular ifodalaydigan tovushlarni to'g'ri talaffuz eta olish;

– matnni gap ohangiga rioya qilgan holda aniq, ravon o'qish;

– bir daqiqada 50-55 so'zni o'qish; monologik va dialogik nutqda o'z fikrini aniq ifodalay olish;

– o'rganilgan mavzular doirasida 5-6 gapdan iborat kichik ijodiy matn yoza olish; maktab kutubxonasidan foydalana olish;

– kichik hajmdagi 8 — 10 ta she'rni yoddan aytib bera olishi lozim. Badiiy asarni tahlil qilish kompetensiyasi elementlaridan: matndagi so'z va gaplarning ma'nolarini tushuna olish, asar mazmunidan ta'sirlana olish;

– xalq og'zaki ijodi namunalarini (ertak, topishmoq, maqol, masal, tez aytishni) farqlay olish;

– o'rganilgan asarlarning nomi, muallifi, mazmuni va qahramonlarini ajrata olish, asar qahramonlariga munosabat bildira olish, o'qilgan asar mazmuniga doir savol va topshiriqlarga javob bera olish kompetensiyalari shakllantirilmog'i lozim.

Avvalgi DTS va yangidan qabul qilingan DTS malaka talablarini taqqoslaganda, yangi DTSda o'quvchilarning bilim samaradorligining sifat ko'rsatkichlarini ko'tarish nazarda tutilayotganini ko'rishimiz mumkin. Masalan, avvalgi DTSda 4-sinf bitiruvchisi 1 daqiqada 80-90 so'zni o'qishi kerak edi, yangidan qabul qilingan DTSda esa bir daqiqada 50-55 so'zni o'qish talabi qo'yilgan. Bu o'quvchi o'qiyotgan notanish matnini barcha o'qish talablariga amal qilgan holda o'qishi va qayta hikoya qilib berishi mumkinligini ko'rsatib turibdi. Yana bir malaka talabi avvalgi DTSda o'quv yili yakunida 20 ta she'rni yoddan aytib berish talabi, yangi qabul qilingan DTSda esa kichik hajmdagi 8-10 ta she'rni yoddan aytib bera olishi belgilangan.

Bu farqlardan ko'rinib turibdiki, o'quvchilar o'qish fanidan egallagan bilim, ko'nikma va malakalarini ongli, sifatli, tushungan holda o'lashtirishlari hamda kundalik sharoitlarda ulardan foydalana olish kompetensiyalarining shakllanishi uchun barcha imkoniyatlar yaratilgan.

## YOZMA SAVODXONLIKDA NUTQ VA MATNNING O'RNI

*D.Normurodova, U.Abdurazzoqova  
Surxondaryo viloyati Termiz shahri  
11-maktab*

Inson butun umri davomida o'z nutqini takomillashtirib boradi. U tilimizning boy imkoniyatlaridan unumli foydalanish orqali nutqning go'zal, ravon, ifodali, ta'sirchan bo'lishiga intiladi. Bu jarayon, ayniqsa, bolalik davrida samarali kechadi. Kichik bolalik davridan boshlab u aloqa-aralashuviga ehtiyoj sezadi. O'zgalarning fikrini tinglash va o'z fikrini bayon qilishga tobora ko'proq zaruriyat seza boshlaydi.

Avvalo, shuni qayd qilish lozimki, maktabda o'qitiladigan barcha o'quv fanlari o'quvchi nutqi ustida ishlashga yo'l ochadi. „Ona tili“ o'quv fani sifatida ana shu imkoniyatlarni birlashtirib, o'quvchining fikr ifodalash malakalarini rivojlantiradi. Uni tilimizning go'zal olamiga olib kiradi, nutqni yaxshilash, boyitish, unga badiiy bo'yoq berish, nafosat bag'ishlashda muhim ahamiyat kasb etadi. Bunda o'quvchi nutqiga bir qator muhim talablar qo'yiladi: Ana shu muhim talablardan biri

nutqning nutq vaziyatiga mosligidir. Nutq vaziyati deganda nutq yaratilayotgan paytda so'zlovchi va tinglovchining sharoiti tushuniladi. Bu sharoit behad ko'p tarkibli, serqirra bo'lib, so'zlovchi va tinglovchini nutq paytida qurshab turgan barcha narsa-buyum, holatlardan tortib, ularning bilim saviyasi, kasb-kori, so'zlovchining maqsadi va imkoniyatlarigacha bo'lgan barcha narsalarni o'z ichiga oladi.

Nutq vaziyati nutq shaklini belgilashda juda muhim omildir. Chunonchi, bir-biridan uzoq turgan so'zlovchi va tinglovchi faqat yozma nutq (xat, maktub, axborot, voqeanavislik va hakoza) vositasida fikr almashtira oladi. Tabiiyki, bu nutqning o'ziga xos xususiyatlari bor. Bir-biriga yaqin turgan so'zlovchi va tinglovchi orasida fikr almashishning eng qulay yo'li og'zaki nutqdir. Og'zaki va yozma nutqning o'z nutq vaziyatlariga yarasha xilma-xil xususiyatlari bor. Chunonchi, so'zlovchi bitta, tinglovchi ko'p bo'lsa, so'zlovchining baland ovozda to'xtamlar (pauzalar)ga rioya qilib, imo-ishoralardan kamroq foydalanib, fikrni izchil va bir-biriga bog'liq ravishda bayon qilishi talab etiladi. Bunday nutqning o'ziga xos ko'rinishi o'quvchining nazariy masalalarni yoritish yoki uy topshiriqlarini bajarish jarayonidagi javoblarida, ma'lum bir mavzuni sinfda, biror yig'inda ochib berishdagi nutqida o'z aksini topadi. Shuning uchun bunday nutqda fikr izchilligi, gaplarning o'zaro to'g'ri bog'lanishi, bog'lovchilar, olmoshlar, soha atamaları, ovoz tembri, ohang kabilarni to'g'ri qo'llashga alohida e'tibor berish lozim.

Nutq vaziyatining muhim tarkibiy qismlaridan biri so'zlovchining tinglovchilar saviyasini hisobga olishidir. Xalqimiz qadimdan bunga juda katta e'tibor bergan. Shuning uchun „So'zni aytgin uqqanga“ maqolida nutqni tinglovchilarga tushunarli qilib bayon etish zaruriyati ta'kidlangan.

O'quvchilar nutqiga qo'yiladigan yana bir muhim talab mazmundorlikdir. Shuni unutmaslik lozimki, nutq nutq vaziyatiga mos tushsa, u mazmunli bo'ladi. O'quvchi faqat bilgan narsalarini, o'zi xabardor bo'lgan voqea-hodisalarni og'zaki va yozma shakllarda to'g'ri bayon qilishi mumkin. Aniq dalillar o'quvchining shaxsiy kuzatish yoki taassurotlari, his-tuyg'ulari asosida yuritilgan fikrigina o'zgaralar diqqatini o'ziga tortadi. Mazmunsiz fikr na shaxsning o'ziga, na o'zgalarga yoqadi. O'quvchiga o'zi o'qigan, kuzatgan, bilgan narsalar yoki voqea-hodisalar xususida yozish ancha oson kechadi. Suhbat, hikoya, insho uchun o'qilgan badiiy asarlar, tomosha qilingan sahna asarlari va kinofilmlar, shaxsiy kuzatish va taassurotlar, kundalik hayot voqealari boy material bo'lib xizmat qiladi.

O'quvchi nutqiga qo'yiladigan talablardan yana biri fikrning mantiqan to'g'ri, aniq va izchil bo'lishidir. Nutqda har bir fikr mantiqan asoslangan voqea-hodisaga sinchkovlik bilan qarash, ularning har biriga to'g'ri baho bera olish, shu yo'l bilan nutqni muntazam va izchil qurish, uni isbotlay bilishni talab etadi. O'quvchi fikrni bayon etayotganda, bir fikrni ikkinchisi bilan mantiqan to'g'ri bog'lay olishi, mavzuga aloqador bo'lgan asosiy fikrlarni ikkinchi darajali fikrlardan farqlay bilishi, qaytarib fikrlarga yo'l qo'ymasligi kerak.

Nutqning ikkinchi turi yozma nutqdir. Yozma nutq ustida ishlash og'zaki nutqqa qaraganda ancha murakkab jarayondir. Chunki u o'quvchidan grammatik va mazmun jihatidan to'g'ri jumla qurishni, har bir so'zni o'z o'rnida to'g'ri qo'llashni, fikrni ixcham, izchil, ifodali, uslub jihatidan sodda va ravon ifodalashni, bayon qilingan fikrlar asosida xulosalar chiqarishni talab etadi. Bu nutq turining murakkab tabiati ham shundaki, u imlo, tinish belgilari va uslub bilan bog'liq. So'zni to'g'ri yozish, tinish belgilarini o'rinli qo'llash, fikrni uslub talabiga muvofiq bayon qilish o'quvchidan katta ma'suliyatni talab etadi.

Yozma nutq tekshiriladi, tuzatiladi, takomillashtiriladi, bu jihatdan u og'zaki nutqqa qaraganda ancha qulay imkoniyatlarga ega. O'quvchi yozma ishlarda bu xato va kamchiliklarga yo'l qo'ymaslikka intiladi. Yozma nutqdagi imlo va tinish belgilari ustida ishlash matn mazmuni ustida ishlash bilan qo'shilib, bir yaxlitlik hosil qiladi.

Demak, maktab ona tili ta'limining birinchi va bosh vazifasi – o'quvchi lug'atini boyitish, uni kundalik nutqiy amaliyotga tatbiq qilishni o'rgatish, og'zaki va yozma matn yaratish BKMLarini egallashdir. „O'zida mustaqil matn yaratish ko'nikmalarini shakllantirishga intilgan o'quvchi so'z, so'z birikmasi, gap va uning turlari haqida keng qamrovli ma'lumotlarga ega bo'lishlari, ularni

nutqiy vaziyat taqozosiga ko'ra to'g'ri va o'rinli ishlatish usullarini o'rganib olishlari lozim bo'ladi. Buning uchun esa ona tili o'qituvchisi nihoyatda sezgir va mohir bo'lishi, darslarni zamonaviy pedagogik texnologiyalar, DTS asosida tashkil qilishi, nutq o'stiruvchi, o'quvchini matn yaratishga tayyorlovchi lingvopsixologik o'quv topshiriqlari, muammoli vaziyatlar, interfaol metodlardan doimiy ravishda, unumli foydalanish yo'llarini o'rganib borishi, ularni muntazam ravishda dars amaliyotiga joriy etishini talab qilinadi".

Ona tili mashg'ulotlarida matn ustida ishlash va matn yaratish amaliyoti ustuvorligini ta'minlash – yangi pedagogik texnologiya asosida ish olib borayotgan barcha ijodkor ona tili o'qituvchilarning asosiy vazifasidir.

Monologik matnlar bir necha katta guruhga ajratiladi: 1. O'rganilayotgan til hodisasiga oid matnlar. 2. Tasnifiy matnlar. 3. Ma'rifiy matnlar. 4. Ilmiy matnlar. 5. Ixtisosiy matnlar. 6. Badiiy matnlar. 7. Munshaot matnlari.

Matn, tuzilishiga ko'ra gap, xatboshi (abzas), murakkab sintaktik butunlik (MSB), bo'lim, qism, boblardan tashkil topishi mumkin. Ammo matnni tashkil qiladigan asosiy tarkibiy qismlar 3 ta: kirish, asosiy qism, xulosa. Badiiy asarlar, poemalar, romanlar, yirik trilogiyalar ham matn tushunchasi ostida birlashib, yaxlit, umumiy tasavvurni-ijodiy (ilmiy, publitsistik) matnni hosil qiladi. Umumiy o'rta ta'lim maktablari ona tili amaliyotida matnning maktub, tasvir, rivoya, dialog, muhokama, hujjat kabi bayoniy usullaridan foydalanish ko'proq uchraydi.

Til o'rganish amaliyotida keng qo'llaniladigan bayoniy usulning boshqa bir turi muhokama matnlari hisoblanadi. Muhokama matnlarining asosiy xususiyati shundaki, unda so'zlovchi (o'quvchi) bayon qilinayotgan voqea-hodisaga o'z munosabatini bildiradi. O'z fikrini isbotlash uchun daliliy ashyolarni izlaydi va uni asoslashga intiladi. U izlanish, kuzatish va taqqoslash natijalariga tayanib, ma'lum bir fikrni rad etadi va bu haqda o'z hukmini chiqaradi. Muhokama matnlari ijodiy mehnat, saxiylik, yaxshilik va yomonlik, botirlik va qo'rqqoqlik va x.k. mavzularda bo'lishi mumkin. Ayniqsa, xalq maqollari va xikmatli suzlarini muhokama matni mavzusi qilib tanlash maqsadga muvofiqdir. Masalan: «Nutq-tafakkur maxsuli», «Sog'lom tanda – sog' aql», «Ekkaningni o'rasan», «Kattaga hurmatda, kichikka izzatda bo'l», «Sayoq yurgan tayoq yer», «Qo'l yugurigi oshga, til yugurigi boshga» kabilar. Umuman olganda, yozma savodxonlikni oshirishda ham imloviy, ham uslubiy, ham punktuatsion xatoliklarga e'tibor berish bilan birga, matnning ham mazmuniga kuchli ahamiyat qaratish kerak.

Demak, mavzu bayonidan kelib chiqqan holda yozma savodxonlik og'zaki savodxonlikka nisbatan batafsil ko'rinishga ega bo'lish bilan birga punktuatsiyani ham mukammal bilishni talab qilgan ekan, shuningdek, matn mavzusini qisqa va lo'nda ochib berish muhim ahamiyat kasb etadi.

## **ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ**

*Б. Рахмонова  
Андижон ВХТҲҚТУМОИ,  
У. Турдиалиев  
Андижон тумани 22- мактаб*

Мустақил Ўзбекистонимиз баркамол авлодни тарбиялаш борасида ҳозирги кундаги глобал ўзгаришлар, фан-техника ва ахборот-коммуникация технологияларининг кун сайин ривожланиб бориши ХХІ аср ўқитувчисидан педагогик маҳоратни, ўткир иродани, ўз фанини чуқур билишни ва юксак тафаккурни, сиёсий саводxonликни, фикрлаш доираси кенг ва мулоҳазали бўлишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Устоз ва мураббийлар” кунин байрами муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишида ўқитувчиларга берган юксак баҳоси, қатъий ишончи юртимизда хизмат қилаётган барча ўқитувчиларни

руҳлантирди ва олдига баркамол авлодни тарбиялаш, уларга чуқур билим беришда улкан вазифаларни белгилаб берди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ғояларини амалиётга тадбиқ этиш мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар муваффақиятини таъминлаш таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи ва тарбиячиларнинг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Айниқса, ёш авлодни маънавиятли ва инсонпарвар қилиб тарбияламоқ учун замонавий педагогик технологияларни чуқур эгаллаганлиги, ўз устида мустақил ишлаши, китобхонлик даражасини ўстириши, фанга доир билимларни эгаллаши, ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланишни билиши педагогик технологиянинг муҳим омилidir.

Педагогик техника – педагогик маҳоратнинг таркибий қисми сифатида ўқитувчининг нутқ малакаларини, яъни ўз нутқини чиройли ва тушунарли, таъсирчан қилиб баён этиш ва ўқувчиларни билим олишга жалб этишдан иборатдир.

Буюк Хитой файласуфи Конфуций: “Маънавий камол топмаган инсон ўзгалар камолини таъминлай олмайди”, - деган эди. Шу маънода замонавий ўқитувчининг касбий компетентлигининг маънавий камолоти билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳозирги кундаги ўқитувчида қуйидаги хусусиятларнинг намоён бўлиши лозим:

– таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи;

– жамият ижтимоий ҳаётида бўлаётган ўзгаришларни чуқур англаб етиши;

– илм-фан, техника ва технология янгиликлари, ютуқларидан хабардор бўлиши;

– ўз мутахассислиги бўйича чуқур, пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз ишлаши;

– таълим – тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва воситаларидан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи;

– юксак даражадаги педагогик маҳоратга, коммуникатив лаёқатга эга бўлиши, педагогик техника (нутқ, юз, қўл-оёқ ҳаракатлари) қонуниятларини чуқур ўзлаштириб олишга эришиши керак бўлади.

Дарҳақиқат, инсон нутқ орқалигина ўзининг компетентлигини намоён қила олади ва ўқувчининг қалбига йўл топади.

Ўқитувчи ўзининг порлоқ келажагини барпо этувчи, дунёга машҳур мутафаккир ва олимларнинг давомчиси бўлган ёш авлод таълим-тарбияси учун жавобгар шахсдир. Шундай экан ўқитувчининг мазкур талабларга мос келувчи унинг ўқувчилар, ҳамкасблар ҳамда оналар ўртасидаги обрў-эътибори ҳозирги замон талабига мос бўлиши шарт.

Педагогик маҳоратга эга бўлиш ўқитувчи учун таълим-тарбия самарадорлигини таъминловчи замин бўлибгина қолмасдан, айни вақтда унинг жамиятдаги обрў-эътиборини оширади, ўқувчиларга нисбатан ҳурмат юзага келади.

Касбий маҳоратни ошириш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш ўқитувчи фаолиятида йўл қўйилган ёки йўл қўйилаётган хатолардан ҳоли бўлиш, ўқувчилар ва ҳамкасблар билан муносабатда ютуқларга эришиш имкониятини яратади.

Ўз даврида Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Абу Райхон Беруний ва бошқалар ўқитувчилик касби, унинг машаққатлари, шунингдек, ўқитувчи шахсида акс этиши зарур бўлган сифатлар хусусида қимматли маълумотларни ўз асарларида баён қилишган. Бинобарин, педагогик жараённинг моҳиятини англамаган, болага нисбатан чуқур ҳурматда бўлмаган ўқитувчи таълим-тарбия самарадорлиги ва инсон камолотини таъминловчи фикрга ҳам эга бўлолмайди.

Юксак педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчи болани тушуна олиши унга нисбатан инсонпарвар муносабатда бўлиши, ҳар қандай педагогик вазиятни тўғри баҳолаши, юзага келиши эҳтимоли бўлган зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиши, педагогик фаолиятда

хамиша илфорилиги, жамият тараққиёти ҳамда педагогик жараёнда ўқувчилар онгига сингдирилаётган эзгу ғояларни ҳаёт билан боғлай олиши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти таъкидлаганидек: “Мамлакатимиз бундан кейинги тараққиётига таълим тизимини янгиламасдан, уни ривожлантирмасдан, яъни мустақил жамиятнинг янги талабларига ва янгича ўлчовларига тўла жавоб берадиган янги фуқарони шакллантирмасдан туриб эришиб бўлмайди”.

Келгусида ўқитувчи – педагогик ихтисослигини танлаган ҳар бир мутахассис талабаларни ўқитаётгани ва тарбиялаётгани учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. У ўзининг касбий тайёргарлигига жавоб бериши билан компетенциянинг барча шакллари эгаллаган бўлиши шарт. Ўқитувчи ва тарбиячи даражаси ҳуқуқига эга бўлиш учун жуда кўп изланиши, буюк мутафаккирларнинг қолдирган бебаҳо, маънавий-маърифий, ахлоқий бойлигидан тўла тўқис хабардор бўлиши ҳамда ундаги тамойилларга амал қилиши лозимдир. Муаллимлик касбининг кадр-қиммати, нафақат турли-туман фанлардан билим берувчи ва моҳир тарбиячи бўлгани учун эмас, аввало, умумий ишга қўшаётган ҳиссасининг салмоғи ва сифати билан ҳам белгиланади.

Ўқитувчи ўзининг шахсий компетентлигини ривожлантириб бориши учун ҳар бир дарсда интерфаол методлар билан компетенциянинг турли шакллари ўқувчиларда намоён қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши керак. Масалан, Ўлмас Умарбековнинг “Қиёмат қарз” асарини ФСМУ – интерфаол методидида ўргатилганда, ўқитувчининг ўзида, ўқувчиларда ҳам компетенциянинг барча шакллари намоён бўлади. Чунки бу методда ўқувчиларни ўрганилган мавзу юзасидан ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очик ҳолда баҳслашишга, шу билан бирга таҳлил этишга, баҳолашга ҳамда баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, XXI аср замонавий ўқитувчи олдига илгари дуч келмаган тарбиявий вазифаларни, талабларни олдимишга қўймоқда. Бу талабларни бажариш учун янги замон фарзандларини тарбиялашда янги замон билим ва технологияларини қўллашни доимий равишда ўрганишимиз, унга ижодий ёндашимимиз, ўз устимизда янада кўпроқ ишлашимиз, ривожланиб бораётган мустақил юртимиз равнақи билан баробар кадам ташлаш бурчимиздир.

## **BOBURNING «BOBURNOMA» ASARINI O'RGATISHDA KOMPETENSIYAVIY YONDASHUVNING AHAMIYATI**

*L.K.Mamasoliyeva*

*Andijon viloyati Qo'rg'ontepa tumani XTB*

Kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan ta'lim o'quvchilarda egallagan bilim, ko'nikma va malakalarni o'z shaxsiy, kelgusida kasbiy va ijtimoiy faoliyatlarda amaliy qo'llay olishni shakllantirishga yo'naltirilgan ta'limdir. Darslarda o'quvchilarning qiziqishlarini orttirish, ilmiy dunyoqarashini kengaytirish, axloqiy, g'oyaviy-siyosiy, ekologik muammolarni hal etish, didaktik jihatdan qayta ishlangan o'zida o'quvchilarning avval o'zlashtirgan bilim, ko'nikma va malakalarini yangi kutilmagan vaziyatlarda qo'llash, o'zlarining hayotiy tajribalari, kuzatishlari yuzasidan ilmiy xulosalar chiqarishga imkon beradigan bo'lishiga e'tibor qaratish lozim.

Kompetensiyaviy yondashuvda o'qitish maqsadli o'quvchilar tomonidan o'z-o'zini anglash, ta'lim-tarbiya jarayonida o'quv maqsadlariga erishish yo'llarini tushunish, o'quvchilarning o'quv-bilish faoliyatini faollashtirish, o'quvchilarning shaxs sifatida o'z-o'zini rivojlantirish orqali jamiyat va mustaqil hayotga moslashuvi, ijtimoiylashuvi kabi ustivor yo'nalishlarni mo'ljallash nazarda tutiladi. Xususiyl (biologik) kompetensiyalar biologik ta'lim-tarbiya jarayonida DTS bilan me'yorlangan bilim, ko'nikma va malakalar asosida tarkib toptiriladigan kompetensiyalar hisoblanadi. Biologiya o'qituvchisi o'quvchilarda axborot bilan ishlash kompetensiyasini tarkib toptirish maqsadida mavzuga oid o'quv va videofilmlardan foydalanishi, qo'shimcha adabiyotlar va



internet saytlaridagi ma'lumotlarni saralashi, shu asosda o'quvchilarga referat, doklad va taqdimot materiallarni tayyorlash yuzasidan topshiriqlarni berish orqali ularning ilmiy dunyoqarashini kengaytirishi uchun dars, darsdan tashqari ishlar, ekskursiyalar va sinfdan tashqari mashg'ulotlardan samarali va o'z o'rnida foydalanishi zarur. Jumladan, biologiya darslarini o'tishda qo'shimcha adabiyotlardan foydalanish o'quvchilarda axborotlar bilan ishlash kompetensiyasini shakllantiradi.

Yoshlarni milliy qadriyatlarimizni hurmat qilish, ularga ergashish, amal qilish kabi xususiyatlarini hosil qilish va rivojlanishida, biologiya darslarini samarali tashkil etishda, qo'shimcha adabiyotlardan foydalanish, O'rta osiyolik qomusiy olimlarimizning meroslaridan foydalanish o'quvchilarda axborot bilan ishlash kompetensiyasini rivojlantiradi. Shu o'rinda andijonlik sarkarda, podsho, turli fanlar bilimdoni bo'lgan Zahiriddin Muhammad Bobur bizga qoldirgan buyuk meroslaridan biri "Boburnoma" asaridan foydalanish masalasini ko'rib o'tamiz.

Ma'lumki, Bobur o'zining bu asarida turli tarixiy voqea va hodisalar bilan birgalikda, O'rta Osiyo, shuningdek, Afg'oniston, Hindiston kabi sarhadlarning tabiati, o'simlik va hayvonot dunyosi to'g'risida nihoyatda qimmatli ma'lumotlarni keltiradi. Bu ma'lumotlardan biologiya ta'limida foydalanish, o'quvchilarimizning o'tmish ajdodlarimizga bo'lgan hurmat ehtiromi bilan birgalikda, Boburning o'simlik va hayvonot dunyosi haqidagi qarashlari bilan tanishtirish imkonini beradi. Boburning shoh asari bo'lgan "Boburnoma" kitobi materiallaridan biologiya va zoologiya darslarida foydalanish maqsadga muvofiqdir. Zoologiya fanini o'qitishda badiiy adabiyot va qiziqarli qo'shimcha materiallar o'quvchilarni mazkur fandagi mavzularni o'rganishga bo'lgan faolliklarini oshiradi, dars samaradorligiga ijobiy ta'sir etadi. Xususan, Andijonning buyuk farzandi bo'lgan Zahiriddin Muhammad Boburning turli fanlar qatori tabiatshunoslikka oid qarashlaridan biologiya va zoologiya darslarida foydalanish o'quvchilarni Boburdek insonning shaxsiyati, uning keng ko'lamdagi ishlariga bo'lgan qiziqishlarini orttiradi. O'zimizning o'tmish ajdodlarimizdan faxrlanish tuyg'ularini kuchaytiradi. Undan tashqari, biologiya ta'limida fanlararo bog'lanishlardan foydalanish imkoniyatlarini ham o'zida aks ettiradi. Mazkur materiallardan biologiya o'qituvchilari o'z darslarida foydalanishlari tavsiya qilinadi.

Bobur "Boburnoma" asarida Farg'onadan Hindistonga qadar bo'lgan joylarni geografik o'rni, iqlimi, suvlari, o'simlik va hayvonot dunyosi to'g'risida ham qimmatli ma'lumotlarni yozgan. U Hindistonda tarqalgan hayvonlarning yashash muhitlariga ko'ra sistemaga solib ularni quruqlik, suv va suv yoqalari hamda parrandalar kabi guruhlariga ajratgan.

"Boburnoma"da o'simlik va hayvonlar to'g'risidagi ma'lumotlar, asosan, kitobning 926-yil (1519-1520) voqealari nomli bobida berilgan. "Boburnoma"da hayvonlarning tuzilishi, fe'l-atvorlari to'g'risidagina yozilib qolmasdan, balki hayvonlarning klassifikatsiyasi to'g'risidagi ma'lumotlar ham berilgan. Binobarin, bu asardagi materiallardan zoologiya ta'limida keng foydalanish zarur. Quyidagi jadvalda zoologiyadan o'rganiladigan mavzularda "Boburnoma" materiallaridan foydalanish imkoniyatlari ko'rsatilgan bo'lib, o'quvchilarda tayanch kompetensiyalarni tarkib toptirish barobarida ularda fanlararo kompetensiyalarni shakllantiradi:

7-sinfda

№	"Boburnoma"dagi hayvonlar to'g'risidagi materiallar	Zoologiya mavzularni o'rganishda foydalanish
1.	Hayvon organizmining tuzilishi, hayvonlar klassifikatsiyasi	Hindiston hayvonlarining ekologik guruhlari.
2.	Kakka (baliq)	Baliqlar sinfi
3.	Sher obiy (timsoh), Huki obiy (suv to'ng'iz), Seysor (qora timsoh), Gariyal (timsox turlaridan), Suv cho'chqasi	Toshbaqa va timsohlar turkumlari, ilon
4.	Akka (hakka, zag'izg'on), olaqarg'a, Kurcha (qora jar qaldirg'och), Kurcha (qora jar qaldirg'och), Chalsiy(chil kaklik), Bo'dana (bedana), Shorak (mayna	Qushlarning xilma-xilligi: voha va cho'l qushlari

	turlari), Xarchal(tuvaloq)	
5.	Maniq (oq bo'yin laylak), Ulug' bo'zak (ibis)	Suv havzalari qushlari
6.	Nuvli (xurmo kalamush), Gilaxri sichqon	Qo'lqanotlilar va kemiruvchilar turkumlari
7.	Yo'lbars	Yirtqich sut emizuvchilar turkumi
8.	Yovvoyi xo'kiz, O'y (mayda xo'kiz, gnu), Bug'u, Nilagov (ko'k xo'kiz), Karkidon	Tuyoqli sut emizuvchilar
9.	Maymunlar	Primatlar turkumi

Baliqlarni skeleti bo'yicha Boburning "Boburnoma" asarida quyidagi ma'lumotlarni na'muna sifatida tahlil qilinib, ekran orqali ko'rsatib boriladi. Hindistonda tarqalgan baliqlardan biri kakka baliqdir. Ikki qulog'ining to'g'risida ikkita suyak chiqib turadi, yotganida mana shu ikki suyagini tebratadi. Undan juda yoqimli ovoz chiqadi. Ehtimol, uni shu sababdan kakka deyishar.

Baliqlarning xilma-xilligi, sut emizuvchilar, kemiruvchilar va qo'lqanotlilar, tuyoqli sutemizuvchilar, primatlar bo'yicha Boburning "Boburnoma" asarida berilgan ma'lumotlarni o'quvchilar e'tiboriga havola etib boriladi. "Boburnoma" asarida quyidagi ma'lumotlarni uchratamiz: *"Hindistonda faqat o'sha yerga xos hayvonlar tarqalgan. Yovvoyi hayvonlardan biri fildir. Hindistonliklar uni "haatiy" deb ataydilar, u Kalpiy viloyatining chegaralarida bo'ladi. Undan yuqori – Sharq tomonga qarab borgan sari yovvoyi fillar ko'proq uchraydi. O'sha yerlardan fil tutib keltiradilar. Kurara va Manikpurning o'ttiz-qirq joyidagi aholi fil ovlash bilan shug'ullanadi. U yerliklar hukumat mahkamasi oldida har bir fil uchun javobgardir. Fil ulkan va ziyrak jonivor. Nima desalar, tushinadi va nimani buyurishsa, bajaradi. Bahosi kattaligiga qarab belgilanadi, uni bo'yiga qarab sotadilar. Fil qancha katta bo'lsa, bahosi shuncha baland bo'ladi. Rivoyat qiladilarki, ba'zi orollarda bo'yi o'n qarich keladigan fillar ham bor ekan. Bu yerlarda to'rt-besh qarichdan baland fillarni uchratmadik. Fil faqat xartumi bilan yeb-ichadi. Xartumi bo'lmasa, u yasholmaydi. Xartumining ikki yonida yuqorigi jag'ida ikkita katta tishi bor. Shu tishlari kuchi bilan devor va daraxtlarni yiqitishi mumkin. Urushish va kuch ishlatadigan har qanday ishni shu tishlari bilan bajaradi. Bu tishlarni oj deydilar. Hindistonliklar bu tishlarni juda qadrlaydilar. Filning tuki bo'lmaydi. Hindiston xalqi uchun filning ahamiyati katta. Lashkardagi har bir guruhga (bo'linma, qism, otryadga) albatta bir necha fil hamroh bo'ladi. Filning ba'zi yaxshi xususiyatlari bor: u katta va tezoqar suvlardan og'ir yukni osonlik bilan ko'tarib o'ta oladi. To'rt yuz-besh yuz kishi tortadigan qozon aravasini (to'p orilgan aravani) uch- to'rtta fil bemaol tortadi. Biroq filga juda ko'p yemish kerak. Bitta fil ikki tyaning yemishini yeydi".*

Kemiruvchilar va qo'lqanotlilar bo'yicha: *Hindistonda "gilahriy" deb nomlangan sichqonlar ham bor. Faqat daraxtda yashaydi. Daraxt ustida balanddan pastga hayratlanarli darajada tez va chaqqon yuguradi. Tuyoqli sutemizuvchilar bo'yicha: "Yana Hindistonda kark (karkidon) tarqalgan. U ham juda yirik jonivordir. Kattaligi uchta ho'kizga teng keladi. Bu yerlarda kark filni shohi bilan ko'tararmish, deb tarqalgan gaplar to'g'ri bo'lmasa kerak. Burnining ustida bitta shoxi bor, bir qarichdan uzunroq, ikki qarichga yetadiganini uchratmadik. Bir katta shoxidan kema shaklidagi suvdon va bitta nardning soqqachasi yasaladi. Yana uch-to'rt enlik ortibdi. Terisi juda qalin bo'ladi. Tarang yoy bilan ipini qo'ltiqqacha tortib (qulochkashlab) va yaxshi mo'ljallab otsalar, juda yaxshi kirsa, to'rt enlik kirishi mumkin. Biroq aytishlaricha, terisining ayrim joylaridan o'q juda oson o'tarkan. Ikki qo'li (oldingi oyoqlari) oldida va ikki buti (orqa oyog'i) oldida qat-qat burma tushgan. Uzoqdan yopig' (jul) yopib qo'ygandek ko'rinadi. Boshqa hayvonlardan ko'ra otga o'xshash tomonlari ko'proq. Chunki otning katta qorni bo'lmaydi, bunda ham katta qorin yo'q, chunki otda oshiq o'rnida parcha suyak bo'lgani kabi bunda ham oshiq o'rniga bir bo'lak suyak joylashgan; chunki otning iligida ham ko'mik bor. Bu fildan yirtqichroqdir. Biroq fildek itoatkor va bo'ysunuvchan emas. Parshovar va Hashnag'ar changalzorlarida (o'rmon, to'qaylarida) juda ko'p uchraydi. Yana Sind daryosi bilan Bhira viloyati orasidagi changalzorlarda ham ko'p bo'ladi Yana Hindistondagi Saru daryosi qirg'oqlarida ham bisyor. Hindistondagi yurish chog'ida Parshavar va Hashnag'ar changalzorlarida ko'p kark*

*o'ldirdik. Yaxshi shoxtashlaydi. Ov paytida ko'p kishilarni va otni shoxi bilan suzganmish. Bir safar ovda kark Maqsud nomli tanqo'riqchi otini shoxi bilan bir nayza bo'yi ko'tarib tashladi. Shu boisdan Maqsudga kark laqabi qo'yildi". Primatlar bo'yicha: Hindistonda yana maymunlar ham bor. Hindistonliklar maymunni "bandar" deydi. Ularning turlari juda ko'p. Bir turdagi maymunlarni bizning yerlarga olib borib, lo'lilar o'yin o'rgatadilar. Bu maymunlar Darayi Nur tog'larida, Ko'hi Safidning Xaybar atrofida etaklarida va undan pastroqda butun Hindiston bo'ylab tarqalgan. Bu yerlardan yuqorida bo'lmaydi. Tuki sariq, yuzi oq, dumi unchalik uzun emas. Yana bir nav maymun bo'lib, u Bajavr, Savod va o'sha atroflarda uchramaydi. Ular bizning tomonlarga olib boriladigan maymunlardan ancha kattaroqdir. Dumi ham juda uzun. Tuki – oqroq, yuzi qora. Bu xil maymun Hindistonning tog' va changalzorlarida yashaydi. Bu viloyatlarda uchramaydi. Yana bir maymun turi tarqalgan, uning yuzi, tuki va barcha a'zolari qop-qoradir" kabi ma'lumotlarni uchratamiz.*

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash kerakki, Zahiriddin Muhammad Bobur "Boburnoma" asarida juda ko'p hayvonlar haqida, jumladan, baliqlar, voha va cho'l qushlari, sut emizuvchilar, primatlar, ya'ni yuqorida namuna sifatida keltirilgan hayvonlar haqida ham atroflicha yoritib o'tgan. Bu ma'lumotlarni biologiya, zoologiya darslarida o'quvchilarga ilg'or pedagogik texnologiyalar va axborot-kommunikatsion texnologiyalar asosida yoritib berilsa, darslarning samarasi, o'quvchilarning bilim sifat samaradorligi ya'nada oshiriladi. Olgan bilim, ko'nikma va malakalarini hayotda qo'llay olish layoqatlari yanada shakllanadi. Ilmiy va badiiy adabiyotga, fanga bo'lgan qiziqishlari ortadi.

#### **ЎҚУВЧИЛАРДА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР**

*Х.Т.Назаров  
СамДУ,  
А.Қ.Самъев  
СамВХТХҚТМОИ*

Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди. Шу жумладан таълим тизимида ҳам кучли ўзгаришлар, ислохотлар амалга оширилмоқда. Бир неча йилдирки Республикамиз умумтаълим мактабларида фанлар кесимида тажриба-синов ўтказилиб келинди. Тажриба-синовнинг асосий мақсади ўқувчиларда компетенцияни шакллантиришга қаратилган. Тажриба-синовларнинг натижасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелда 187-сонли "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори умумтаълим фанларини ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, замонавий методологиясини яратиш, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Бугунги кунда ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва axборот технологияларини қўллаш замон талабидир. Фанларни ўқитишда интерфаол методлардан, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, электрон манбалар, монографиялар, хорижий адабиётлар ва интернет маълумотларидан фойдаланилган ҳолда дарс ўтиш бугунги куннинг талабидир. Таълимда узоқ вақт анъанавий дарс ўтиш усулларида фойдаланиб келинди. Бундай дарс ўтиш усули бугунги кунда самара бермай кўйди. Шунинг учун бугунги кунда таълимда анъанавий дарс ўтиш усулларида аста-секинлик билан воз кечилиб, ноанъанавий дарс ўтиш усулларига ўтилмоқда.

География ўқитиш методикаси педагогик фан сифатида таълим-тарбиянинг дидактик тамойилларига асосланган ҳолда география ўқитиш методи ва методларини ишлаб чиқади, фанни ўқитишдаги илғор тажрибалар асосида география ўқитишнинг сифатини ошириш, ўқувчиларда фанни ўзлаштиришга қизиқиш уйғотиш, таълимнинг энг қулай методларидан фойдаланиш орқали етук мутахассис тайёрлаш вазифасини бажаради. Булар педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар ёрдамида амалга оширилади. Таълим жараёнида ўргатувчи ва ўрганувчилар ҳиссасининг нисбати инсоният тараққиётининг турли даврларида турлича бўлган. Бир вақтлар таълим берувчилар етакчи бўлган бўлса, маълум даврларда таълим олувчилар ташаббускор бўлишган ва бундай фаолликларнинг ижобий ва салбий ҳислатлари тадқиқ этилган. Кейинги вақтларда таълим берувчи ва таълим олувчининг ҳамкорликдаги фаолиятига асосланган таълим технологиялари жадаллик билан ривожланмоқда. Бундай таълим технологиялари интерфаол методлар деб аталади. Интерфаол методлар АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилиб, юқори самарадорликка эришилмоқда.

Бугунги кунда мактабларимизда компьютер синфлари очилмоқда. Мактабларимиз проектор, электрон доска ва ўқув жиҳозлари билан таъминланмоқда. Дарслар ўқув фильмлари, мавзуга доир тақдимотлар, турли хил интерфаол методлар ёрдамида ўтилмоқда. Булар албатта география фани ўқитувчиларининг ютуқлари. Ютуқларимиз билан бирга камчиликларимиз ва муаммоларимиз ҳам бор.

Ўқувчиларда география фани бўйича тўлиқ компетенциялар амалий машғулотларсиз шаклланмайди. Мактабларнинг география фани дарсликларида амалий машғулотларга жуда кам соат ажратилган. Натижада фан ўқитувчилари ўқув режадан ташқарига чиқмайди ва ўқувчилар амалий машғулот малакасига эга бўлмайди. Ачинарлиси фан ўқитувчиларининг аксарият қисми амалий машғулотларни ўзлари етарлича билмайди. Табиий фанлар йўналишига кирувчи биология, физика ва кимё йўналишларида лаборатория соатлари ажратилган ва уларга ҳар йили амалий машғулот учун лаборатория жиҳозлари берилди. География йўналишига эса ҳеч қандай амалий машғулотлар учун жиҳозлар берилмайди.

Маълумки, географиянинг асосий ўқув қуроли бу харитадир. Бугунги кунда табиий хариталар (Ўзбекистоннинг, Дунё ва Ўрта Осиёнинг) ни топиш муаммо. Борлари ҳам чекка туманларга етиб келмайди. Ҳозирги вақтда мактабларнинг география йўналишида синфлар кесимида ўқув атласлари, ёзувсиз хариталар бор, лекин улар сотувда бўлиб, нархлари анча баланд. Шу сабабли ўқувчилар ўқув атласлари ва ёзувсиз хариталар билан тўлиқ таъминланмайди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ўқувчиларда география фани йўналишида компетенция шаклланишида география майдончаларининг ўрни ҳам катта. Бу майдончаларда об-ҳаво ва иқлимга тегишли маълумотлар ўрганилиб қолмасдан, балки кичик макетларни ҳам жойлаштира бўлади. Масалан: тоғлар, қор чизиғи, дарёнинг мансаби, манбаи, дарё ирмоқлари, меандра, ўзан, терраса ва ҳ.к... Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бугунги кунда география йўналишида таълим сифат самарадорлигини оширишда, ўқувчиларда география йўналиши бўйича компетенция шаклланишида талайгина муаммолар бор. Муаммоларни ечиш учун қуйидагиларни тавсия қилган бўлар эдик:

- ўқувчиларда география фани йўналишида компетенция шаклланиши учун амалий машғулотлар соатини кўпайтириш;
- география хоналарини керакли ўқув жиҳозлари билан таъминлаш;
- хариталар, айниқса табиий хариталарни кўпайтириш ва барча мактабларни хариталар билан таъминлашга эришиш;
- ўқув атласлари ва ёзувсиз хариталар билан таъминлашда ижара тизимига ўтиш;
- мактабларда география майдончаларини ташкил этиш ва борларини қайта жиҳозлаш.

Таълим сифат-самарадорлигини ошириш, ўқувчиларда фанлар кесимида компетенциялар шаклланишида ўқитувчининг роли жуда катта. Бунинг учун ўқитувчи биринчи навбатда ижодкор бўлиши, фанни чуқур билиши, ахборот коммуникацион

технологиялардан фойдалана олиши, ўз устида ишлаши ва энг муҳими ўз касбининг фидойиси бўлмоғи керак.

## ЎҚУВЧИ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ИШЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*Ҳ.Файбуллаев*  
*Самарқанд ВХТХҚТМОИ*

Истиқлол Республикамиз аҳолисига кўплаб, имкониятлар эшигини очди. Шўро даврида хорижга чиқиш фуқароларимизнинг ушалмас орзуси бўлган бўлса, ҳозирда минглаб спортчиларимиз, санъаткорларимиз қаторида ўқувчиларимиз ҳам хорижда бўлиб қайтмоқда. Шундай экан бугунги хорижга чиқаётган ўқувчи, бораётган жойининг қайси қитъада жойлашганлигини, қайси давлатлар билан чегарадош эканлигини, унинг пойтахти ва бошқа шаҳарлари, пул бирлиги, дини, тили, иқлими, табиати, рельефи, аҳолисининг турмуш тарзи, менталитети ҳақида олдиндан етарли билимга эгами? Бу борада муаммолар йўқ эмас. Бу муаммони ҳал қилиш учун қуйидаги ишларни бажариш керак деган фикрдамиз.

Географик муаммо	Сабаби	Ечими
Ўқувчиларнинг харита ҳақида етарлича билимга эга эмаслиги	Дарсдан бўш пайтларида ёхуд уйда харита устида ишламаслик	Синфдан ташқари ишларни ташкил этиш

География ўқитишнинг илмий даражасини кўтаришда таълим методлари ва воситалари билан биргаликда синфдан ташқари ишларнинг аҳамияти ҳам катта. Илғор ўқитувчилар тажрибалари шу нарсани кўрсатмоқдаки, фанга, турли касбларга бўлган қизиқиш кўпчилик ҳолларда синфдан ташқари ишларни қанчалик самарали ташкил этиши билан боғлиқ. География бўйича дарсдан ташқари ишлар ниҳоятда хилма-хил. Дастур талаб этган кўпгина билимларни синфдан ташқари ишлардан олиш мумкин.

Синфдан ташқари ишларнинг асосий мақсади – ўқувчиларни ҳар томонлама баркамол ривожлантиришдан иборат бўлиб, фан бўйича олган билимларини чуқурлаштириш, уларда билишни фаоллаштиришдан иборат.

Синфдан ташқари ишларнинг таълим-тарбиявий вазифалари, фаннинг умумий мақсади ва вазифаларидан келиб чиқади. Дарсдан ташқари ишлар ўқувчиларда ҳамкорлик, дўстлик, меҳнатга муҳаббат, касбларга қизиқиш хислатларини тарбиялайди. Ўқувчиларни табиат ва жамият ҳаётига оид бўлган қизиқарли фактлар, тушунчалар, кўникмалар билан қуроллантиради. Энг муҳими ўқувчиларни география фанига бўлган қизиқишларини оширади. Айниқса, табиатга, ишлаб чиқаришга экскурсиялар уюштириш ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишларга бўлган хавсларини янада оширади. Ўқувчиларнинг дарсда қондирилмаган эҳтиёжлари синфдан ташқари ишларида амалга оширилиши керак.

Географиянинг серқирра томонлари аксарият ҳолларда дарсдан ташқари пайтларда ўрганилади. Синфдан ташқари ишларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири унинг ўйинлар ва қизиқарли саволлар ҳамда бошқотирмалардан фойдаланиш тарзида уюштирилишидир.

Ўқувчиларнинг ДТС даражасидаги компетенцияларга эга бўлишига биз ўқитувчилар масъулмиз. Шундай экан ўқувчиларнинг етарли даражада географик савияга эга бўлишини таъминлаш керак. Бунинг учун мактабда география фанига оид “Деворий газета” ташкил қилинса. Газетада қизиқарли маълумотлар билан биргаликда “Харита олдида оламга саёҳат” номли географик номлар ва атамалардан иборат бошқотирмалар ўқув йили давомида бериб борилса. Бошқотирмани ечиш истагини билдирган ўқувчилар, ўқитувчи томонидан рўйхатга олиниб, бошқотирмалар (ксеро) нусха қилинади ва уни тўлдириш учун ўқувчининг уйига

хафта давомида бериб юборилади. Шу тарзда бевосита география фанини ўқитишда “Синфдан ташқари ишлар” ташкил қилинади.

Газетанинг икки ҳафтада бир марта чиқиши мақсадга мувофиқ. Биринчи ҳафтада бошқотирмалар тарқатилса, иккинчи ҳафтада ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб фаоллар аниқланади. Жараён ўқитувчи томонидан назорат қилиб борилади. Ҳар чорак ва ўқув йили охирида фаоллар рағбатлантириб борилади.

Бу метод ўзига хос бўлган бир неча ижобий хусусиятларга эга:

- Мактабда “Деворий газета”нинг нуфузи ортади.
- Ўқувчининг дунёни англашида тўлиқ тасаввурга эга бўлади.
- Ўқувчининг соатлаб компьютер олдида ўтиришининг олди олинади.
- Ўқувчиларнинг кўча-куйда камроқ юриши таъминланади.
- Ўқувчи бўш вақтини харита олдида ўтказади.
- Ўқувчининг топширикни бажаришида ота-онанинг ҳам иштироки таъминланади.
- Ўқувчи битта географик номни харитадан топиш жараёнидан ўнлаб географик номлар билан танишади.
- Бошқотирмаларнинг бир-бири билан кесишиши, ўқувчининг кейинги сўзни топишига умид бағишлайди, ўзига нисбатан ишончини орттиради. Шунингдек, фаол ўқувчиларнинг рағбатлантирилиб борилиши, ўқувчининг изланувчанлик, меҳнатсеварлик қобилиятини оширади.

Бир сўз билан айтганда, ўқувчиларнинг *табiiй, ижтимоий-иқтисодий жараён ҳамда ҳодисаларни кузатиш, аниқлаш, тушуниш ва тушунтириш; географик объектлар, жой номларини тўғри қўллай олиш; глобус, географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш ва табиатни муҳофаза қилиш ва экологик маданият* компетенциялари шакллантирилиб борилади ҳамда уларнинг географик савиясининг ошишида юқори самарадорликка эришилади.

## **ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ОШИРИШДА ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

*Ҳ.Алиқулова, Г.Атамұхамедова  
Тошкент вилояти I-Республика тиббиёт коллежи*

Адабиёт дарсларида сўз ва унинг санъат даражасидаги бебаҳолиги тўлиқ англантилиши, сўз орқали инсон қандай ютуқларга, аксинча, ютқазиларга дуч келмоғи мумкинлигини тушунтирилиши муҳим вазифа ҳисобланади. Сўзнинг ўзига хос қудратини таҳлил қилишда халқнинг донолиги билан яратилган, асрдан-асрга ўтиб яшаб келаётган, юксак маънавий бойлик ҳисобланган оғзаки ижод намуналари алоҳида аҳамиятга эгадир. Айниқса, халқ мақолларида акс этган ҳаётий кузатишлар, фалсафий фикрлар, сўз танлашдаги маҳоратлар, қисқа иборалардаги катта ифода-мақсадлар, сўз ўйини ва қочиримлар ҳар қандай китобхон учун маънавий озуқа бўлиши аниқ. “Инсон маънавиятининг намоён бўлиш имкониятлари анча ранг-баранг. У иш – меҳнат жараёнида, ишлаб чиқаришда, бошқалар билан ўзаро алоқа ва муносабатларга киришганида ўзининг маънавиятини бошқалар назаридан ўтказади. Шу билан биргаликда у ўз нутқи билан ҳам ўзининг маънавиятини кўрсатиб боради. Халқимизда “тил одоби” деган ифода тасодифан пайдо бўлмаган...”. Ҳақиқатан ҳам, сўз одоби инсоннинг камолоти учун асосий восита ҳисобланади. Бежизга, “Одам сўз билан синалар, ош – туз билан”, “Одам сўзлашиб танишар, ҳайвон – ҳидлашиб”, “Сўзи нодурустнинг – ўзи нодуруст”, “Сўзнинг бойлиги – одамнинг чиройлиги”, “Тил – дил таржимони” каби халқ мақоллари пайдо бўлмаган. Ана шундай мақолларни таҳлил қилиш ва маъзини англаш орқали ўқувчиларнинг оғзаки нутқи ривожланади, ҳаётий дунёқараши шакллантирилади.

Ўқитувчи халқ мақолларини таҳлилга тортар экан, аввало, кўзланган мақсадга, белгиланган мавзуга, ўқувчиларнинг ёш хусусиятига мос мақолларни танлаши, эгаллаётган касб-хунарлари билан боғлиқ савол-топшириқлар бериши, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга қаратилган усуллардан фойдаланиши керак. Ўқувчи ҳар бир вазифа, ҳар бир эгалланаётган билим-кўникма касбий компетентлиги учун хизмат қилишини билиб бориши муҳим. Ўқувчилар мақолларни олдин ифодали ўқишлари, сўнгра таҳлил қилишлари мақоллардаги мазмунни янада яхшироқ англашларига ёрдам беради. Масалан:

1. *Билим бахт келтирар*. 2. *Анжом – уй зийнати, Сўз – инсон зийнати*. 3. *Ариқни сув безар, Инсонни – сўз*. 4. *Дорининг аччиги яхши, Сўзнинг – ширини*. 5. *Илиқ сўз – шакар, Совуқ сўз – заҳар*. 6. *Олим сўзи – оз, Оз бўлса ҳам соз*. 7. *Тили нопок – ўзи нопок*.

Мақоллар билан танишган ўқувчиларга қуйидагича савол ва топшириқлар бериш мумкин:

1. Мақоллар маъносига эътибор беринг. Уларнинг ҳар биридаги асосий фикрни изоҳланг.

2. Энди уларнинг ўқилишига эътибор беринг. Уларнинг муносиб оҳангини топишга уриниб кўринг.

3. “Билим бахт келтирар” мақолини ўқилиш оҳангига кўра неча қисмга ажаратиш мумкин? “билим”, “бахт” ва “келтирар” сўзларининг орасидаги тўхтамларга эътибор беринг. Уларнинг барчаси бир хил узунликка эгами. Энг катта тўхтам қайси сўзларнинг орасига тўғри келади. Энди уларни талаффуз қилаётганингизда мана шу тўхтамларга алоҳида эътибор беринг.

4. Энди худди шу усул блан “Сўз кўрки – мақол” мақолини таҳлил қилинг. Бу ердаги тўхтамларнинг ўрни ва аҳамиятини изоҳланг.

5. “Анжом – уй зийнати, Сўз – инсон зийнати” мақолида иккита ҳодиса ўзаро қиёсланмоқда. Эътибор беринг-чи, нималар қиёсланыпти?

6. Шу мақолдаги ҳар бир сўзга эътибор беринг. Сал чўзиброқ талаффуз қилинаётган унлиларни белгиланг.

7. Мақоллар рўйхатини бевосита нотиклик ва нутқ маданиятига алоқадорлари билан давом эттиринг.

8. “Мақолларда сўзга муносабат масалаларининг акс этиши” мавзусида ижодий матн тайёрланг.

9. Мақолларда аск этган воқеа-ҳодиса ёки мазмунни ҳаётий қузатишларингиз билан таққосланг.

Ифодали ўқишга ўргатиш жараёнида нутқдаги талаффуз софлиги, нутқнинг тиниқлиги, аниқлиги, шунингдек, имло қоидаларига, талаффуз меъёрларига риоя қилиш сингари кўникма ва малакалар шаклланадики, улар охир-оқибатда коммуникатив компетентликни юзага келтиради. Бугина эмас, тўғри нутқ тўғри нафас олиш ва муносиб овозни ҳам шакллантиради. Ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш орқали муомала маданияти, сўзлаш одоби, кенг дунёқараши шаклланади. Ёзма нутқ учун пойдевор яратилади. Бу эса уларнинг касбий компетенциясини ривожлантиришдаги асосий омиллардан биридир.

## **ЭРКИН ВОҲИДОВНИНГ “РУҲЛАР ИСЁНИ” ДОСТОНИ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАҲЛИЛ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ОШИРИШ**

*М.Омонова  
Тошкент вилояти 1-Республика тиббиёт коллежи*

Адабиёт дарсларида бадий асарлар таҳлил қилинади, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари муҳокама мавзусига айланади, бу жараёнда болалар одам ва олам сирларини ўрганадилар, асар муаллифи ва адабий қаҳрамонлар тимсолида инсонни кашф этадилар, охир-оқибат навқирон фуқаро ўзлигини англай бошлайди. Таҳлил жараёнида ўқувчи

мустақил мулоҳаза юритиш, фикрлаш, саволларга жавоб бериш учун матнга қайта ва қайта муружаат этади. Бу эса, уларнинг китоб ўқиш маданиятини шакллантиришга хизмат қилади. Ўқитувчи асар ҳақидаги ўз ҳақиқатларини ўқувчиларга тайёр ҳолда бергандан кўра, таҳлилни ўқувчилар билан биргаликда олиб боргани маъқул.

Шу маънода, Эркин Воҳидовнинг “Рухлар исёни” достонини ўрганишда ҳамкорликда таҳлил жараёнларини уюштириш, ўқувчиларнинг бадиий таҳлил компетенциясини ривожлантиришга хизмат қилади. Достон таҳлили асносида ўқувчилар асар қаҳрамонлари билан танишиб борадилар. Ўқув-топшириқлари ҳам худди шундай босқичма-босқич шакллантирилиши лозим. Ўқитувчи таҳлилни қисқа-қисқа матнлар билан таништиришдан бошлаши зарур.

*“...Қутлуғ жанг, деб турди ҳинду,*

*Ғазот, деди мукулмон.*

*Бараҳманлар довул қоқди,*

*Фатво берди*

*Имомлар...*

*Кўча тўлиб қонлар оқди,*

*Тўқнашганда имонлар,*

*Фарзандидан она айру,*

*Отасидан –*

*Қиз, ўғлон...”*

Матндаги сўзларнинг ҳар бири таҳлилга тортилиши, ғалаёнда кимлар нима учун бош кўтараётгани изоҳланиши зарур. Оқибат – натижа нима бўлаётганлигини ўқувчига англатиш муҳим.

Ёки “Жаҳолат тўғрисида ривоят” қисмида улуг ҳаким ҳаётдан берилган лавҳалар, аччиқ ҳақиқат чизгилари яққол намоён топган мисраларни таҳлилга тортиш орқали ёзувчининг кўзлаган мақсади аниқланади.

*“Табобатга,*

*Қалбан, руҳан,*

*Фидо қилиб ўзини,*

*Ҳатто бир кун,*

*Наштар билан*

*Очмиш кўрнинг кўзини...”*

Ўз касбига жон фидо бўлмоқлик ҳар бир инсон учун муҳим эканлигини шу мисралар орқали англаш қийин эмас. Айниқса, тиббиёт коллежи ўқувчиларининг касбий лаёқатини шакллантиришда ушбу ривоят жуда муҳим маънавий восита бўла олади. “Жаҳолат”, “қабохат”, “ғиёҳ”, “парихонлар”, “чилёсин”, “ҳаким”, “табобат”, “ғарам”, “гулхан”, “мушфиқ”, “манглай”, “битик” каби сўзларнинг маънолари алоҳида таҳлилга тортилиб, достонда қандай мазмунни етаклаётганлиги изоҳланиши керак. Шунда матн билан тўлиқ танишиш имконияти яратилади. Ҳакимнинг ва кўзи кўр инсоннинг нутқида қандай ҳаётий фалсафалар илгари сурилганлиги, ҳар иккисининг ҳам ҳаётдан ўкинчи борлиги, бунга нима сабаб бўлаётганлигини ўқувчиларга савол-топшириқлар асосида мустақил таҳлил қилдириш мақсадга мувофиқ. Ўқувчилар дунё оқ ва қора рангдан иборат эмаслигини, одамларни яхши ва ёмонларга, дўст ва душманларга ажратиш осон эмаслигини билиб боришади. Достондаги қаҳрамонлар характери ҳақида ҳам тўғри мулоҳазалар чиқаришга ҳаракат қилишади.

“Таҳлил – адабиётни англаш йўли”,- деб таъриф беради олима Қундузой Хусанбоева. Адабиёт эса, сўз санъати. Бадиий сўз ёрдамида гўзал сифатлар, ижобий фазилатлар тарбияланиши керак. Гўзал хулқли кишиларнинг сўзи ҳам, иши ҳам ўзига муносиб эканини бадиий сўз орқали англашилади. Бунинг учун ўқувчиларда сўзни англаш, таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш, бадиий асар таҳлили компетентлигини ривожлантириш талаб этилади. Ўқувчилар:

– бадиий асарни ифодали ва мазмунли ўқиб чиқишлари;



- бадий асарда илгари сурилган ёзувчи ғоясини тўғри англашлари;
- ҳар бир сўзнинг ўрни ва вазифасини тўғри англашлари;
- бадий тасвир воситалари билан танишишлари;
- мустақил фикрлашга эга бўлишлари;
- ижодий матнлар туза олишлари;
- бадий асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларини ўрганишлари;
- асардаги воқеа-ҳодисаларни ҳаётий қарашлари билан таққослашлари зарур.

Шундагина улар ҳар бир асарни тўлиқ ва мазмунли ўзлаштирган ҳисобланадилар.

Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларнинг индивидуал кўрсаткичларини ҳисобга олиб ёндошмоғи, ҳар бир савол-топшириқни ўқувчи дунёқарашига боғлаб шакллантириши зарур. Ўқувчилар бадий асар таҳлилидан зерикиб эмас, балки муҳим ҳаётий қарашлар негизи деб, озуқа олиши керак.

## **O'QUVCHILARNING SAVODXONLIGINI OSHIRISH, BADIY ADABIYOTGA, KITOBXONLIKKA QIZIQTIRISHDA KOMPETENSIYAVIY YONDASHUVNING AHAMIYATI**

*U.A.Yusupova*

*Andijon viloyati Qo'rg'on tepa tumani XTB*

*Antuan Sent Ekzyuperi ta'kidlaganidek, "Bu dunyoda faqat bir muammo bor – odamlarga hayotdan qoniqish hissini qaytarish kerak. Ma'naviy boyliksiz qalb toshga aylanur... Komillikka yo'naltirilgan didni tarbiyalamoq kerak".*

Inson – tabiatning buyuk mo'jizasi. Ana shu xilqatni yanada kamol toptirish, atroflicha yuksaltirishda adabiyotning beqiyos xizmati bor. San'atlar ichida betakror nafasli, beqiyos qudratlisi ham adabiyot hisoblanadi. Yozuvchi yoki shoir so'z qudratidan foydalanib, ajoyib san'at namunalarini yaratadi. Bu yaratilgan asarlar odam qalbini nurlantirib, jonlantirib turishi uchun uni his qilish, to'g'rirog'i, undan zavq olmog'i lozim. Sir emas, barchamiz yoshligimizda qaysidir badiiy asarni sevib o'qib, ich-ichimizdan qaysidir qahramonga o'xshab qolgimiz kelgan. To'g'ri emasmi? Bu bor haqiqat. Shunday ekan, hozirgi yoshlarga ham shu nuqtayi nazardan qarab, haqli bir savol qo'yimoq darkor: Hozirgi o'quvchi yoshlar qaysi asarni sevib mutolaa qilmoqda? Bu savolga javob berishdan avval, badiiy so'z san'ati haqida ikki og'iz so'z aytсам. Adabiyot keng ma'noda ilmiy va badiiy singari 2 turga bo'linadi. Ilmiy adabiyot kishining aqlini o'stirib, uning bilimlarini kengaytiradi. Badiiy adabiyot tushunchasi o'z ichiga olamni obrazli ko'rish va timsollar asosida aks ettirish mahsuli bo'lmish badiiy asarlarni oladi. Kishilar tomonidan o'qilib, hissiyotni boyitish, ruhiyatga singdirish ko'zda tutilib yaratilgan bitiklar badiiy adabiyot bo'ladi. Demak, adabiyot o'qish, undan fikrlarni anglash, badiiy asarlarni o'qib uqish – obrazli fikrlash ekan. Badiiy asarni har kim har xil tushunadi. Diqqat qiling: "Hozirgi kunda, taassufki, badiiy asarga noijodiy yondashish o'quvchi ommaning aksariyatiga xos bo'lib qolayotir. Ko'pchiligimiz badiiy asarni ma'naviy-ruhiy imkoniyatlarimizni kengaytirish ehtiyoji bilan emas, ko'proq hordiq chiqarish niyati bilan o'qiydigan bo'lib qolyapmiz". Ko'rinadiki, badiiy adabiyotga har kim har xil yondashadi. Afsus va achinish bilan ta'kidlamoqchimizki, o'quvchilarda badiiy adabiyotga, kitob mutolaa qilishga qiziqishning yetarli darajada emasligida, biz o'qituvchilarning ham aybimiz bor.

So'z zargarlari tomonidan yaratilgan dur-u javohirlar asrlar o'tsa-da, eskirib qolmaydi. Faqat bularni o'qishga xohish – istakni uyg'ota bilmoq kerak. Aslida adabiyot o'qitishning bosh yo'nalishi, ta'limning turli bosqichlarida o'quvchilar ongiga badiiy asarning mo'jizakor ta'sir kuchini amaliy jihatdan ta'minlashga qaratilgan. Maktabgacha tarbiya muassasalari, boshlang'ich ta'lim, umumiy o'rta ta'lim maktablari, akademik litsey va kasb-hunar ta'limining uzviyligi va uzluksizligining natijasi o'sib kelayotgan yosh qalbdagi go'zallikka bo'lgan ijobiy va ijodiy

munosabatni shakllantirishdan, ularga badiiy asarga – kitobga bo'lgan mehr va muhabbatni o'stirishdan, ularning zamirida esa undagi badiiy-estetik didni takomillashtirishdan iborat.

Buni zamondoshimiz Sirojiddin Sayyid juda go'zal tarzda ifodalagan:

*Har bir kalla,*

*Har bir bosh*

*Jaholatdan qo'rqishi kerak.*

*Har bir bola,*

*Har bir yosh*

*Navoiyni o'qishi kerak...*

*Vatan azal bitta Vatandir,*

*U biz uchun so'lmas chamandir,*

*Shul sababdan bola chog'lardan,*

*Maysa chog'lar, lola chog'lardan*

*O'zni urib yulqishi kerak,*

*Navoiyni o'qishi kerak,*

*Dilga nedur yuqishi kerak!*

Yana bir haqli savol: ona tili va adabiyot fanini o'qitishdan maqsad nima? O'quvchilarning badiiy asarni o'qishga bo'lgan qiziqishini, kitobxonlikni talab darajasida deb bo'lmaydi. Natijada o'qilgan asarni tahlil qilish, asar voqealari va qahramonlarning hayotiy hodisalar, zamonamiz qahramonlari bilan qiyoslash, unga munosabat bildirish, adabiy-nazariy tushunchalarni o'rganish va amalda qo'llash malakalarini egallashda bo'shliqlar mavjudligi ko'rinadi. O'quvchilarning fikrini yozma ravishda bayon qilishda yozma nutq – savodxonligi talab darajasida emasligi; diktant, bayon, insho yozma ish jarayonida imlo qoidalariga e'tibor bermasligi, fikrini izchil bayon qilishda ifoda vositalaridan o'rinli foydalanmasligi, mustaqil, ijodiy fikrini yozma va og'zaki ravishda bayon eta olmasligi, olgan nazariy bilimlarni hayotda qo'llay bilmasligi, so'z boyligining kamligi o'z ustimizda yanada qattiqroq ishlashimizni ko'rsatadi. Yuqoridagi vazifalarni bajarish hozirgi zamon o'qituvchisidan anchagina izlanishni, o'ylanishni, yangiliklarga intilish va uni hayotga tatbiq etishni, kompetent o'qituvchi bo'lishni talab etadi. Chunki kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan darslarni tashkil etish o'quvchilarda egallangan bilim, ko'nikma va malakalarni o'z shaxsiy, kelgusida kasbiy va ijtimoiy faoliyatlarida amaliy qo'llay olish, kelgusida mustaqil hayoti davomida jamiyatda o'z o'rnini egallashi, duch keladigan muammolarni hal etishi, eng muhimi o'z sohasi, kasbi bo'yicha raqobatdosh bo'lishi uchun zarur bo'lgan layoqatlarni shakllantiradi.

Atrofqa qarab, o'z-o'zimga savol beramiz: Hozirgi yoshlar kitob o'qirmikin? To'g'rirog'i: kitob o'qishga vaqt toparmikin? S.Sayyid aytganidek, bola "diliga nedur yuqtirsa", adabiyot muallimi o'z vazifasini ado etgan, adabiyot darslarining samarasi ta'minlangan bo'ladi. Avvalo, oilaviy muhit bolani shu ahvolga solmoqda, deb xulosa chiqaraman. Noto'g'rimi? Sir emas: oilada ota-ona kitobxon bo'lsa, bola ham kitobni sevib mutolaa qiladi. Navoiyning bolalik davrini eslang: ota-ona ta'qiqlasa ham, sevgan asarini qayta-qayta o'qib, yod olgani ayni haqiqatku?!

Oilada farzandlar tarbiyasida ahamiyatli va muhim masalalardan biri bu oila muhitida bolalarni kitob o'qishga o'rgatish, ularni tom ma'noda kitobga oshno qilish masalasidir. Chunki farzandlar tarbiyasida badiiy adabiyotning roli beqiyos ekanligi hech kimga sir emas. Faylasuf Sitseron kitobi yo'q xonadonni jonsiz tanaga o'xshatgan edi. Uning fikricha, kitoblarga mashg'ul bo'lish – yoshlikda ma'naviy ozuqa beradi, keksalikda vaqtingni chog' qiladi, baxtiyorlikni bezaydi, baxtsizlikda boshpana va ovunchoq bo'ladi, bolalarni vayronkor va buzg'unchi g'oyalardan saqlashning muhim vositalaridan biri bu badiiy kitob mutolaasiga o'rgatishdir.

Bolalar tarbiyasi buzilmasligi, ular oiladan bezib, chetdan o'zlariga panoz izlamasligi va shu tariqa buzg'unchi g'oyalar domiga tushib qolmasligi uchun ular bilan chin dildan suhbatlashish, ularni qiziqtirayotgan muammolardan xabardor bo'lib turish, savollarga asosli javob bera olish ham muhim ahamiyatga ega. Bolalarga nisbatan o'ta qattiqqo'llik, oilada ularni ortiqcha terlash, xaqoratlash, jismoniy qiynoqqa solish, yashash va bilim olishlari uchun zarur vositalar bilan o'z vaqtida ta'minlamaslik, bir so'z bilan aytganda, ularning ko'zyoshlarini behudaga oqizish farzandlar

tarbiyasiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Qadimgi allomalardan biri Pifagor ta'kidlaganidek, bolalarimiz vaqti kelib qabrimiz ustida ko'z yosh to'kishini istasak, bugun ularning ko'zyoshlarini asrashimiz lozim. Yoki faylasuf Diogen aytganidek, otalar va farzandlar bir – birlaridan iltimos kutib turmasliklari, aksincha, bir – birlarining ehtiyojlarini jonkuyarlik bilan qondirmoqlari va bunda birinchilik otalarga xos bo'lmog'i lozim. Shu o'rinda insonning hayoti va turmushi, ayniqsa, yosh avlodning kamol topishida oilaning ham o'rni vazifasi bor. O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti aytganlaridek: “Bola tug'ilgan kundan boshlab oila muhitida yashaydi. Oilaga xos an'analar, qadriyatlar, urf-odatlar bola zuvalasini shakllantiradi. Eng muhimi, farzandlar oilaviy hayot maktabi orqali jamiyat talablarini angelaydi, his etadi”. Xalqimiz tarixiga nazar tashlaydigan bo'lsak, eng qimmatli an'analar: halollik, rostgo'ylik, or-nomus, sharm-u hayo, mehr-oqibat, mehnatsevarlik kabi fazilatlar, eng avvalo, oilada shakllangan.

Oilada singdirilgan tarbiya, Vatan, el-yurt, mustaqillik, ozodlik haqida berilgan tushuncha, bolaning murg'ak qalbida bir umr muhrlanib qoladi. Bu esa bolaning ongida siyosiy madaniyatning ilk kurtaklari paydo bo'lishida ham muhim rol o'ynaydi. Masalan, bilimli, kitobxon, dunyodan boxabar, qiziquvchan oilada tarbiya topgan shaxsning siyosiy darajasi ham yuksak bo'ladi. Deylik ishga, zamonga, taraqqiyotga beparvo oilada unib o'sgan shaxsning qiziqishi ham, tasavvuri ham tor bo'ladi, u ijtimoiy-siyosiy jarayonlar mohiyatini tezda ilg'ab ololmaydi. Oilada qanchalik ilmiy salohiyat yuqori bo'lsa, uning a'zolari davlat va jamiyatda qanday jarayonlar bo'layotganiga befarq qarab turmaydi, balki bu jarayonlarga nisbatan o'z fikr-mulohazasini ham bildirib boradi. Oilada farzandlarga ozmi-ko'pmi badiiy adabiyot haqida ma'lumot berish, til, nutq, fikr, tafakkur, axloq kabi masalalarga e'tibor qaratish, og'zaki va yozma nutqni shakllantirish, farzandlarimizga ertaklarni erinmay o'qib berish, ularni, ayniqsa, ifodali o'qish, uning mazmuni va bugungi kundagi tarbiyaviy ahamiyatini o'sib kelayotgan yangi avlodga tushuntirish kabi harakatlar bolalarning nutq madaniyatining shakllanishida ahamiyat kasb etadi. Chiroyli va to'g'ri nutq so'zlashni rivojlantirishda adabiy-badiiy asarlar o'qish, ular ustida ishlash, ovoz, nafas, talaffuz sohasida tayyorgarlik qilish ancha samara beradi. Zero, bizning o'sib kelayotgan yangi avlodimiz, bizdan kuchliroq, oqilroq, donoroq va baxtliroq bo'lishlarida ularga bo'lgan e'tiborimiz eng asosiy turtki bo'ladi.

Hech kim tasodifan yaxshi odam bo'lib qolmaydi. Unga, albatta, qo'shimcha tarbiya kerak. Ota-ona, ustozlar, kattalardan, do'stlardan tashqari insonga eng yaxshi tarbiya vosita – bu kitob. Kitob tanlash, uni qiziqib o'qish, tahlil qilish – har bir insonning o'z burchi. Lekin o'qituvchi markaziy fikrda bo'lib, bolani shakllantirishda rol o'ynamog'i darkor. Sir emas, o'quvchi yoshlar o'rtasida savodxonlik masalasi jiddiy muammoligicha qolmoqda. Xatosiz, imlo xatolarsiz yozish uchun qoidalarni yaxshi bilish, bilishgina emas, amalda qo'llay bilish darkor. Bu ham dolzarb muammolardan. Yangiliklardan bexabarlik, qoidalardan foydalana bilmaslik kechirib bo'lmaz xato hisoblanadi. Bularning bari borib yana kitobxonlikka taqaladi. Xo'sh, hozirgi kitobxonlik qay ahvolda? O'quvchi nima o'qiyapti? Nimani o'qishi kerak? O'qituvchilar-chi? Bilimdon va didli yoshlarni tarbiyalovchi ustozlarimizning salohiyati qay darajada. Shu o'rinda ibratli bir voqeani sizga bildirmoqchiman: bir o'quvchidan durustgina she'rlar yozarkan, undan buni qayerdan, kimdan o'rgandingiz, deb so'ragandik. Javobidan hayratda qoldim: “Boshlang'ich 4-sinfda o'qituvchimiz ona tili va adabiyot darslarida 1 ta so'zni (masalan “bahor”, “ona”, “kitob”) berib, yanagi dasrga barchangiz she'r yozib keling, deb topshiriq berar edi. Shunda she'r yozishni mashq qilib o'rganganman”, - deb javob bergandi. Siz buni qanday baholaysiz? Chunki xuddi o'sha sinf o'quvchilaridan bir nechtasi hozirda anchagina tanilib qolgan ijodkorlardan.

Yana bir voqea: boshlang'ich sinfda o'qiyotgan o'g'lim sinf rahbarining: “Kimning uyida eng ko'p kitob saqlanadi? Kim uyida eng ko'p kitob o'qiydi?” - tanlovini e'lon qilganligini hamda buni o'zi borib nazorat qilishini aytib qoldi va menga ko'p kitob sovg'a qilishimni, uni o'qishini aytib xarxasha qildi. Bu ham o'qituvchining kitob o'qitishga qiziqtirishning usuli. Chunki boshlang'ich sinf o'quvchilari o'qituvchining har bir so'zini qonun deb qabul qiladilar. Men bu qiziqtirish yo'llarini ijobiy baholadim. Insonga to'g'ri yo'lni ko'rsatish – ustozning ham, ota-onaning ham burchi, deb o'ylayman. Mening bu fikrlarim kimgadir malol kelar. Lekin o'qituvchilarimiz ham,

o'quvchilarimiz ham o'z ustilarida jiddiy izlanishlari kerak deb o'ylayman. Axir, sendan harakat – mendan barakat, deyilgan-ku! O'z fikr-mulohazalarimni jamlagan holda, darslarni samarali tashkil etish, o'quvchilarni kitob mutolaasiga qiziqtirishda, ularni yozma va og'zaki nutqini yanada shakllantirishda, quyidagilarni tavsiya etgan bo'lardim:

- *kunlik darslarda izohli, ta'kidiy diktantlarni doimiy olib borish;*
- *darslarda “So'z o'yini”, “Siz xatoyingizni balasizmi?”, “So'zlar zanjiri” kabi o'yin usullaridan foydalanish;*
- *matn tuzish, mustaqil ish, ijodiy ishlarni olib borishda qo'shimcha badiiy adabiyotlarga tayanish;*
- *maktablarda “Yosh kitobxonlar” to'garaklari faoliyatini jonlantirish;*
- *“Eng savodxon o'quvchi”, “Eng ko'p kitob o'qigan o'quvchi” tanlovlarini haqqoniy tarzda o'tkazish;*
- *“Oilaviy kitobxonlik” ni targ'ib qilish, badiiy asar tahlillarini o'quvchi qalbi bilan tinglaydigan darajada singdirish;*
- *“Elektron kutubxonalar” da berilgan badiiy asarlar bilan tanishtirib borish.*
- *har bir darsni kompetensiyaviy yondashuv asosida olib boorish;*
- *o'quvchilarning olgan bilimlarini hayotda qo'llay olish layoqatini yanada shakllantirishda innovatsion texnologiyalardan samarali foydalanish;*
- *mahalla, ota-onalar, homiy tashkilotlar hamkorligida kitob aksiyalarini, badiiy asar taqdimotlarini o'tkazish.*

Bizningcha, yuqoridagi tavsiyalar asosida faoliyat olib borish, o'quvchilarning kitobga bo'lgan qiziqishlarini oshiradi, asar voqea-hodisalarini atroflicha tahlil etish mustaqil hayotdagi turli faoliyat va yo'nalishlardagi muammolarni o'zlashtirgan bilim, ko'nikma va malakalar, o'zlarining hayotiy tajribalari, kuzatishlari, shaxsiy xulosalariga asoslanib hal etish, zaruriy hollarda talab etiladigan faoliyatida bekam-u ko'st bajarish qobiliyatlarini rivojlantiradi. Taniqli adabiyotshunos Sirojiddin Sayyid uqtirib o'tganidek, “Bola diliga nedur yuqtirsa, adabiyot o'z vazifasini ado etgan, adabiyot darslarining samarasi ta'minlangan bo'ladi”.

Hazrat Alisher Navoiy ta'birlari bilan aytilsa, ko'ngil – badan mulkinging podshohidir. Ko'ngilning salomatligi – badanning ham salomatligi, uning notoblighi – buning ham notoblighidir. Donolar demishlarki: “Sen o'zingni ko'rmoq istaysanmi? U holda ko'zgudagi tashqi qiyofangga emas, ichingdagi ko'zguga boq”. Biz esa kunda necha bor ko'zguga qaraymiz. Qalbimizga-chi? Qalb uyimizni go'zal qilmoq uchun, uni ma'naviy boylik bilan to'yintirmog'imiz, insoniy fazilatlar bilan bezamog'imiz, shoir va yozuvchilarimizning asarlarini o'quvchilar qalbiga singdirmog'imiz, ularning qalblarini ham go'zal xulq-atvor bilan bezatmog'imiz darkor.

## **ЁШЛАР ОНГИДА ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

*К.Собиров  
Хоразм ВХТХҚТУМОИ*

Бозор муносабатлари шароитида ёшлар онгида иқтисодий тафаккурни шакллантириш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Оила иқтисоди бюджети, даромадини режали сарфлаш, кундалик ҳаражатга зарур буюмларга пул ажратиш, бир неча йилдан сўнг олинадиган нарсаларга маблағ йиғиш, тежамли рўзғор юритиш эр-хотиннинг катта тажриба малакага эга бўлишини тақозо этади. Шунингдек, оилада ўсаётган фарзанд ҳам мана шу малака кўникмаларга эга бўлиб беришни унутмаган ҳолда ўғил-қизга иқтисодий масалаларни ҳал этишни ўргатиб бориши лозим. Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг келажаги ўқиб келаётган ёш авлоднинг тақдири билан чамбарчас боғлиқдир.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг: “Фарзандлари соғлом юрт кудратли бўлур”, - деган ҳикматли гапида кенг маъно мужассамдир. Фарзандларимиз нафақат

жисмонан етук бўлмасдан маънавий, интеллектуал психологик жиҳатдан соғлом баркамол бўлиб ўсиб улғайиши зарурдир. Кейинги йилларда рўзғорда юзага келаётган иқтисодий муаммолар, оиладаги шахслараро муносабатларга салбий таъсир кўрсатиш билан биргаликда фарзандлар билим савиясининг пасайиб кетишига олиб келмоқда. Бундай нохуш ҳолатларни олдини олиш мақсадида, моддий қийинчиликлар туфайли ҳосил бўладиган муаммоларни бартараф этишда одамларга психологик хизмат кўрсатиш лозим. Бу услубни амалга ошириш учун ўқувчи ёшларнинг ҳар бир оила аъзоси эканлиги ва улар келажакда ёш оилаларнинг бунёдкорлари бўлишини инobatга олиб бозор иқтисодиёти шароитида уларни тайёргарлик даражасини ўрганиб чиқдик. Ўтказилган психологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, кўпчилик талаба ёшларимиз ханузгача оила даромадларини режали сарфлаш, кундалик эҳтиёж буюмларига маблағ ажратиш, келажакда сотиб олиш учун режалаштирилган нарсаларга пул йиғиш малакаларига эга, деб бўлмайди.

Ёшларда бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тафаккурни боғча ёшидан шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бозор муносабати шароитида ёш оилаларни шакллантириш учун йўл қўйиб бўлмайдиган юқоридаги ҳато-камчиликларнинг коррекцион чора-тадбирлари бўйича қуйидаги йўналишларида тушунтириш ишларини олиб бориш айни муддаодир.

Биринчидан, оила ўзининг иқтисодий психологик функцияси туфайли давлатга, бола тарбияси, боланинг иқтисодий таъминлаш борасидаги унинг жамиятга келтирган фойдаси катта миқдорни ташкил этади.

Иккинчидан, тасаввур қилиш осонроқ бўлиши учун айтиш мумкинки, ҳар бир болани оилада вояга етказиш давлатга камида битта енгил автомашина қиймати миқдоридан пул сарфланади. Бу борадаги, яъни ҳар томонлама камол топган маънавий-ахлоқий етук, жисмоний психологик соғлом шахсни шакллантиришнинг маънавий-ахлоқий қийматини эса ҳеч қандай иқтисодий мезон билан ўлчаб бўлмайди.

Учинчидан, бу оила иқтисодий тафаккурини атиги бир шахсни шакллантиришдаги фойдасини кўрсатади. Оилада хўжалик ишларини юритиш, рўзғорининг йўлга қўйилиши оилада моддий неъматлар ишлаб чиқиш, фермер хўжалиги, шахсий ишлаб чиқариш кабилар унинг жамият олдидан иқтисодий тафаккурини шакллантириш каби аҳамияти янада ортаверади.

Оиладагиларнинг яхши яшаш ва турмуш кечириши учун оиланинг ҳар хил даромад манбаи бўлиши лозим. Оила аъзоларининг муайян давр мобайнида (кун, ой, йил) турли манбаларидан топган пул натурал кўринишдаги даромадларига “Оила даромадлари”, сарф харажати эса “Оила харажатлари” деб олиниши таъкидланади. Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, бозор иқтисодий муносабати оилада иқтисодий тафаккурни шаклланганлиги, оила иқтисодий бюджети, даромадини режали сарфлаш кундалик харажатга, зарур бўлган буюмларга пул ажратиш оилада фаровон бекаму-кўст яшашнинг асоси ҳисобланади.

## **ЎҚУВЧИЛАРДА ТАРИХИЙ МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР БИЛАН ИШЛАШ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

*Л.С.Файбуллаева  
СамДУ*

Бугунги кунда ёш авлодни тарихни чуқур ўрганмасдан туриб келажак йўқ шиори остида тарбиялаш, тарихий онгни шакллантириш борасидаги маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришда ҳар бир ўқитувчи тарихий манбалар билан ишлаш кўникмасига эга бўлишини давр талаб этмоқда.

Тарихий манба деганда узоқ ўтмишдан қолган, инсониятнинг табиат ва жамиятнинг маълум тараққиёт босқичидаги кечмишини ўзида акс эттирган моддий (ашёвий) ва маънавий ёдгорликларга айтилади. Маънавий ёдгорликлар туркумига узоқ ўтмишдан қолган қўлёзма

асарлар ҳамда одамларнинг турмуши ва урф-одатларини ўзида акс эттирувчи материаллар, шунингдек, кишилар онгида сақланиб қолган урф-одат ва анъаналар киради.

Тарихий манбаларнинг туркумларига моддий (ашёвий), этнографик, лингвистик ва ёзма манбалар ҳамда халқ оғзаки ижоди киради. Қадимги дунё тарихида берилган барча тарихий материаллар ўқувчиларда *миллий ва умуммаданий компетенциясини шакллантиришда* муҳим ўрин тутади.

Ўқитувчи дарслик ёки манбадан олинган ҳужжатнинг мазмуни ва ўқувчиларнинг тайёргарлигига қараб уни таҳлил қилиши, синф ўқувчиларига ҳужжат юзасидан саволлар бериши ёки умумлаштирувчи суҳбат ёрдамида таҳлил қилиши мумкин.

Тарихий манбалар устида ишлашда ўқувчилар уларни нима учун хизмат қилишини, ўрганилаётган манба қачон ва кимлар томонидан яратилганини, улардан нималарни билиб олиш мумкинлигини тушуниб олишлари лозим. Агар манбаларда тушуниш қийин бўлган терминлар учраб қолса, улар доскага ёзиб тушунтирилади, ўқувчилар тарихий луғат дафтарчасига ёзиб олади.

Тарихий манбалар устида ишлашнинг турли усуллари бор:

- ✓ ўқитувчи тарихий манбани ўзи таҳлил қилиб бериши мумкин;
- ✓ тарихий манбани ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида ўқувчилар дарсда таҳлил қилиши мумкин;
- ✓ ўқитувчи ўқувчиларга маълум манбани уйда мустақил таҳлил қилиб келишни топшириши мумкин;
- ✓ ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлиб, ҳар бир гуруҳда манба билан мустақил ишлашни ташкил этиш.

Ўқитувчи манба билан ишлашнинг яна бир усулини, яъни манбаларни ўқувчилар билан бирга таҳлил қилиш усулини қўллайди. Ҳар бир текстда ҳам осон ва мураккаб жойлар бўлади. Текстдаги мураккаб жойларни ўқитувчининг ўзи ёки суҳбат ёрдамида савол-жавоб йўли билан тушунтиради. Осон жойларини ўқувчиларга мустақил ўқиб ўрганишни вазифа қилиб топшириш мумкин.

Ўқувчиларнинг *тарихий манба ва адабиётлар билан ишлаш компетенциясига* доир тушунарли манбалар танлаб берилган ва ҳужжатлар устида мустақил ишлашни илгари ҳам машқ қилиб кўрган бўлсалар ўқитувчи вазифалар қилиб берган ҳужжатларни мустақил ўқиб, пухта тушуниб олишлари мумкин.

Ўқувчилар “Қадимги дунё тарихи”нинг кириш қисмида ёзма манбалар ҳақида маълум тушунча ҳосил қиладилар. Кейинчалик бу тушунчалар ҳар хил ёзма ёдгорликларни ўрганиб бориш, турли музей ва архивлардаги ёзма ёдгорликлар билан танишиш жараёнида аниқлашиб, бойиб кенгайиб боради. Тарих дарсларида бадиий адабиёт образларидан фойдаланиш ўқитувчи баёнининг кўрсатмалилигини таъминлайди, уни аниқлаштиради, ўқувчилар ўтмиш ҳақида жонли тасаввур ҳосил қилади. Бадиий адабиётнинг роли бу билан тугамайди. Маълум даврнинг ижтимоий ҳодисаларини реал акс эттирувчи ҳақиқий бадиий образ, типик образлар ўша ижтимоий ҳодисанинг моҳиятини ифодалайди.

Ўқитувчи баёнида бадиий адабиётдан олинган намуналар баённинг таъсирчан бўлишини ҳам таъминлайди, ўрганилаётган тарихий воқеаларга нисбатан ўқувчиларда хайрихоҳлик, завқланиш, афсусланиш кайфиятларини, нафрат ёки ҳайрат туйғуларини туғдиради. Адабий ёдгорликларга тарихий ҳодиса ва воқеаларни ўз замондошлари ёзиб қолдирган асарлар киради. Бу гуруҳга кирган асарлар тарих фани учун ўтмишнинг ўзига хос манбаи бўлиб хизмат қилади. Бадиий адабиёт ёдгорликлари ёзиб олинган оғзаки ижодиёт асарларини: афсоналар, дostonлар, қўшиқлар, масаллар ва бошқаларни ўз ичига олади. Бундай асарларнинг жуда кўпида воқелик қайта-қайта ишланган, халқ фантазияси билан бойитилган ва безатилган бўлади.

Ўқитувчи тарих дарсларида фойдаланиш учун бадиий адабиётдан:

- а) тарихий арбоблар ва халқ оммаси вакилларининг образларини, халқ оммасининг ролини кўрсатишга;

в) муҳим тарихий воқеалар бўлиб ўтган жойларни ва у ерларнинг аниқ шароитини тасвирлашга ва шу кабиларга бағишланган асарларни танлайди.

Ўқитувчи ўз баёнида бадий адабиётлардан фойдаланиш билан бирга ўқувчиларнинг синфда ва синфдан ташқари бадий асарларни ўқишлари устидан доимий назорат олиб боради. Шундай қилиб, тарихий манбалар ва адабиётлар ўқитувчи баёнини аниқлаштиради, мазмунини чуқурлаштиради, унга аниқлик киритади, ишонarli ва эмоционал бўлишини таъминлайди, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини, фикрлашини фаоллаштиради, тарихий билимлари пухта ва мустақкам бўлишига ёрдам беради, билим олишнинг янги усуллари, илмий тадқиқотнинг элементар шакллари билан таништиради.

## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ – АХЛОҚИЙ БОЙЛИК СИФАТИДА

*Ш.А.Усанов*  
*Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

Буюк шоир, олим ва давлат арбоби Алишер Навоий ўзидан кейинги авлодларга улкан хазина, маънавий мерос қолдирдики, бу мерос етарлича ўрганилган эмас. Навоий қарашларида комил инсон тарбияси, унинг ҳаёт тарзи қандай бўлиши керак деган масала туради. Навоийнинг бизга қолдирган ўғитлари ҳаётимизнинг барча йўналишларида маънавий мероси ва дастуруламал бўлиб хизмат қилиши лозим. Навоий меросини педагогик жиҳатдан ўрганиш Республикамизда И.Ҳасанхўжаев, А.Зуннунов, Х.Ҳамраева, К.Абдуллаев, А.Ҳасанова, Г.Раҳимова, А.Абдуманнотов ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Академик Воҳид Абдуллаев Алишер Навоийнинг ҳаёти ва Самарқанддаги адабий фаолияти ҳақида илмий-тадқиқот ишларини олиб борган бўлса, академик Б.Валихўжаев ўзининг қатор илмий-тадқиқот ишларини Навоийнинг маънавий меросга бағишлаган. Профессорлар М.Муҳиддинов, Д.Салоҳийларнинг ҳам бу борадаги хизматлари эътиборга молик.

Педагог олимлардан О.Мусурмонова, М.Очилов, Р.Мавлонова, М.Қуронон, М.Иномова, С.Нишонова, У.Маҳкамов, Н.Ортиқов, Ж.Ҳасанбоев, С.Ҳасаний, С.Раҳимов, О.Ҳасанбоева, ва бошқа бир қатор олимлар миллий, маънавий, тарихий кадриятларимизнинг ёшлар таълим ва тарбиясини такомиллаштиришдаги ўрнини белгилаб беришда салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

Алишер Навоий тарбиянинг кўп қирралари ҳақида қимматли фикрларни билдирган. У болани жуда кичик ёшидан тарбияламоқ даркор деб ҳисоблайди. Тарбия инсоннинг ўзида яхши одат ва фазилатлар ҳосил қилишга ёрдам беради, у одам шахси кишилар билан муносабатда, айниқса, кишиларнинг бир-бирига бўлган руҳий, маънавий таъсирлари натижасида таркиб топади, деб таъкидлайди. Алишер Навоий одамни вояга етказишда асосий омиллардан бири тарбия эканлигини уқтиради.

Алишер Навоийнинг таъбирича, тарбиянинг мақсади ёш авлодни халқпарвар, билимли, энг яхши фазилатларга эга киши қилиб вояга етказишдир. Тарбияни беҳуда сарфламаслик ҳақида ҳам тўхталиб: «Қобилиятли одамни тарбия қилмаслик зулмкорлик ва ноқобил одамга тарбия ҳайфдир. Тарбиянгни аяб унисини нобуд қилма, тарбиянгни бунисига зоя кетказма<sup>1</sup>», - деб таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳар бир ота-она ўз фарзандига ёшлигидан таълим-тарбия бериши, мактабда ўқитиши лозим.

Навоий «Тарбиянинг яна бири унга (фарзандга) илму адаб ўргатиш учун муаллим чақиришдир<sup>2</sup>», - деб ҳисоблайди.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Ҳамса. – Т.: 1960. - 104-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. «Ҳайрат ул-аброр», - Т.: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. -55-бет.

Навоий режа билан, ақл билан, ҳалол меҳнат қилишни маслаҳат беради ва ота-оналарни болани шу асосда тарбиялашга даъват этади. Навоий халқ манфаати учун ишлайдиган кишиларни ҳақиқий комил инсон, деб билади.

*«Одами эрсанг демагил одами,  
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами».*

Алишер Навоий «Махбуб-ул кулуб» асарида «Одобли ва гўзал хулқли одамлар кўпаяверса, халқларнинг дўстлиги, уларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати борган сари ривож топади. Агар киши одоб ва тавозеъ каби хулққа эга бўлса, ўзи ҳам халқнинг иззат-хурматига сазовор бўлади<sup>1</sup>», - деб таъкидлаган. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир инсоннинг ўз халқига ва бошқа халқлар иззат-хурматига сазовор бўлиши миллий хулқ-атвори шакллантириш билан бевосита боғлиқ. Навоий лаганбардорликни, хушомадгўйликни энг ёмон сифатлардан деб билади ва бундай сифатларни болага сингдирмаслик лозимлигини уқтиради. Ота-оналарни ўз болаларини чин инсонга хос бўлган энг яхши фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашга даъват этади.

Алишер Навоий: «Ҳиммати йўқнинг хурмати йўқ», - дейди. Унинг таъкидлашича, мард одам мақтанчоқ бўлмаслиги керак. «Қайси киши, агар мардлик нишонасига эга бўлса, у ўзининг минг турли қилган ишларидан бирини ҳам айтмайди». Мард кишилар халқ хурматига сазовор бўладилар. Унинг фикрича, инсоннинг инсонийлиги ақл ва адолат билан, ҳалоллик ва поклик билан фаолиятда бўлишидир. Навоийнинг мазкур фикри бола тарбиясида ўта долзарб ва ота-оналарга катта масъулият юклайди. Болаларни ота-онани хурмат қилишга ва уларга хизмат қилишга чақириб:

*«Бошни фидо айла ота бошига  
Жисми қил садқа она қошига,  
Икки жаҳонингни тиларсан фазо  
Хосил эт ушбу иккисидан ризо.  
Туну-қунингни айлагил нур фош,  
Бирисин ой айла, бирисин қуёш»<sup>2</sup>* - деб уқтиради.

Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек, ота-онани хурмат қилиш фарзандлар учун мажбуриятдир. Бу иккисига хизматни бирдек қил, хизматинг қанча ортиқ бўлса ҳам, кам деб бил. Отанг олдида бошингни фидо қилиб, унинг боши учун бутун жисмингни садқа қилсанг арзийди. Икки дунёнинг обод бўлишини истасанг, шу икки одамнинг розилигини ол! Туну кунга нур бериб турган бирисини ой, бирисини қуёш бил, улар чизган чизиғидан бир қадам ҳам босма. Ҳамма хизматни сен одоб билан бажар, «адаб» сўзидаги «дол» каби қоматингни ҳам қил, - деб болаларни ота-оналарни хурматлаш, эъзозлаш, қадрлашга даъват қилади. Афсуски баъзи оилаларда тарбия топган ёшлар орасида ота-онасини хурмат қилмайдиганлари топилади. Ота-онаси кексайганда ғамхўрлик кўрсатмай улардан хабар олмай ўз ҳолига ташлаб қўйишади. Моддий жиҳатдан қийналишади ва ҳоказо.

Навоий аёллар масаласида ҳам салмоқли фикрларни ўртага ташлади. У ўз замонасидаги аёлларнинг ўта аянчли аҳволига юракдан ачинади, уларнинг хўрланганликларидан шикоят қилади, аёллардаги қобилиятни, маҳоратни, уқувни мадҳ этади:

*Юз туман нопок эрдин яхшироқ,  
Пок хотинлар оёгининг изи.*

Алишер Навоийнинг оилада хотиннинг тутган ўрни ва роли ҳақидаги фикри оила тарбиясининг негизини, асосини ташкил этади ҳамда бола тарбиясида педагогик, ижтимоий, амалий аҳамият касб этади. «Яхши хотин оиланинг давлати ва бахти, уйнинг оройиши ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Ҳуснли бўлса, кўнгил озиғи, хушмуомала

<sup>1</sup> Алишер Навоий. «Махбуб-ул кулуб». - Т.: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 48-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. «Хайратул аброр». -Т.: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 55-бет.



бўлса, жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади. У беандиша, шаллақи бўлса, кўнгил ундан озор чекади, ёмонлик ахтарувчи бўлса, ундан рух азобланади. Агар майхўр бўлса, уй ободлиги йўқолади, ақлсиз бўлса, оила расво бўлади». Навоий оила тарбиясида онанинг шахсий намунаси муҳимлигига асосий эътиборни қаратади ва унинг хушмуомала, оқила бўлишга даъват этади.

Навоий оилада ўғил тарбиясида отанинг она ўрнини боса олмаслигини ва отасиз ўғил ҳақиқий тарбияланмаслигига асосий эътиборни қаратиб, уни қуйидагича ифодалаган:

*Ано ўрнин ато тутмас ўғилга,*

*Ки мумкиндир ўғил бўлмоқ атосиз.*

Навоийнинг тарбия ҳақидаги фикрлари бола тарбиясида ўз кадр-қимматини ошираверади ва барҳаёт бўлиб қолаверади. Шундай қилиб, Навоийнинг тарбия ҳақидаги фикрларини илмий-педагогик ўрганиш ва улардан ижодий фойдаланиш ёш авлодни тўғри тарбиялашнинг асосий талабаларидан биридир. Бу ўз навбатида мутахассислар, ўқитувчиларнинг, айниқса, ота-оналарнинг педагогик маданиятларини, тажрибаларини таркиб топтиришга ҳамда уларни оила, таълим, ижтимоий ҳаётга татбиқ қилишларига замин яратади ҳамда ёш авлод тарбиясида йўл қўядиган нуқсонларни бартараф қилиш ва тажрибасини яхшилаш ҳамда такомиллаштириш юзасидан зарур бўладиган амалий тарбиячилик фаолиятига тайёрлаб, оиланинг ишончли, мустаҳкам бўлишининг, шунингдек, мамлакатимизни ижтимоий ривожлантиришнинг пойдевори, асоси бўлмоғи даркор.

## **БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШДА СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ЎРНИ**

*В.Ю.Ахоров  
СамДУ*

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш бўйича оилада бошланган иш мактабда ўзаро узвий боғланган ва бир-бирини тўлдирувчи икки жараёнда – таълимда ва тарбияда мақсадга қаратилган ва илмий асосланган ҳолда давом эттирилмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Эски таълим тизимининг энг ёмон қусури бошланғич таълимга иккинчи даражали иш сифатида қараб келинганидир... Ваҳоланки, боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар беркитиб қўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади”.

Бошланғич мактабда синфдан ташқари машғулотларнинг мазмуни, шакли, методи ва воситалари, асосан, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва талабларига ҳамда уларнинг умумий тайёргарлиги, шахсий мойилликлари эътиборга олинади. Бундан ташқари, синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларнинг яна бир хусусияти шундаки, буларда ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари асосий ўрин тутаяди. Тўғрақларда ва мактаб майдончаларида хилма-хил мустақил ишлар билан шуғулланиш учун ўқувчиларга катта имкониятлар яратилади. Мустақил ишларни, асосан, ўқувчиларнинг ўзлари ташкил қиладилар, педагог ўқитувчилар эса уларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллигига суяниб умумий раҳбарлик қиладилар. Синфдан ташқари ишлар миллий педагогикамизнинг таркибий қисмидир. У дарсда олиб бориладиган ўқув-тарбия ишларини мустаҳкамлайди ва тўлдиради, ўқувчиларни педагогик таъсирга тўла жалб этишга, дарс жараёнида амалга ошириш қийин бўлган ёки умуман мумкин бўлмаган маънавий тарбиявий вазифаларни ҳал қилишга ёрдам беради. Унда машғулотлар ҳам мазмунан ҳам шаклан ўқувчилар уудалай оладиган бўлиши, «Ёшлар иттифоқи» ҳамда ота-оналар жамоаси ёрдамига суянган ҳолда олиб борилиши лозим.

Синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган тарбиявий ишлар жараёнида меҳнат ва ўқув машғулотлари билан ўйин-кулги, хордиқ чиқариш тадбирлари ўзаро

мувофиқлаштирилиши керак. Синфдан ва мактабдан ташқарида олиб бориладиган ишлардан кўзланган муҳим мақсадлардан бири – бу ўқувчиларда ватанимиз тарихига, унинг бой илмий, маданий, адабий меросига қизиқиш уйғотиш орқали, уларни ҳар томонлама маънавий-ахлоқий ривожланган, баркамол қилиб тарбиялашдир. Тўғри ташкил қилинган синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар қуйидаги функцияларни – таълимий, ривожлантрувчи, тарбияловчи, тўғриловчи, касбий-йўналтирувчи ва бошқаларни рўёбга чиқаришни таъминлаши мумкин.

Бошланғич синф ўқувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялашда синфдан ташқари машғулотларнинг имкониятларини рўёбга чиқариш учун зарур педагогик шарт-шароитларга риоя қилиш керак. Бу ерда уларнинг айримларини кўрсатамиз:

- ҳар бир ўқитувчи синфдан ташқари машғулотлар имкониятини тушуниши;
- уни ташкил этиш зарурлигига эътиқоди;
- уни ўтказиш технологиясини билиши;
- уни ташкил этишда ота-оналар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, бошланғич

синф ўқувчилари таълим-тарбиясига мойиллик билдирган юқори синф ўқувчиларини жалб қилиш кўникмаси.

#### **«Ким бахтли?» ўйини сценарийси.**

##### Бошланғич синф ўқувчиларини ўйинга тайёрлаш тартиби.

Ўйин қоидалари билан таништириш:

- а) ўйинга саралаш туридан муваффақиятли ўтган синф ўқувчилари қўйилади;
- б) ўйинчи ҳар бир тўғри берган жавоби учун 10 балл олади;
- в) ҳар бир нотўғри берган жавоби учун ўйинчи 5 бални йўқотади;

г) ўйинчи зарурият туғилганда икки имкониятдан фойдаланиши мумкин: залнинг ёрдами ва дўстининг ёрдами;

- д) тўғри жавоб бермаган ўйинчи ўйиндан чиқиб кетади;
- е) 3 ўйинчини саралаб олиш учун саралаш тури 3 марта ўтказилади;
- ж) энг кўп балл тўплаган ўйинчилардан бири ғолиб ҳисобланади.

Ўйинни ўтказиш учун ташкил этилган «Ишлар кенгаши» синф(зал)ни тегишли равишда жиҳозлайди, меҳмонларни таклиф қилади, топшириқлар ёзилган плакатларни тайёрлайди.

##### «Ким бахтли?» ўйинини ўтказиш тартиби:

Синф раҳбари ҳозир бўлганларни мамнуният билан табриқлайди, ҳайъат аъзоларини таништиради, ўйинчиларга ўйинда уюшқоқликни, тиришқоқликни, диққатни, ғалаба учун курашда муваффақиятни тилайди. Ҳайъат раиси, ота-оналардан хоҳиш билдирганлардан бири, ўйин қоидалари ва ғолибликни қўлга киритиш шарт-шароитлари билан таништиради, приз-суюнчи сақланиб турган кутичани кўрсатади.

Диққат!!! Биринчи ғолибни аниқлаш учун саралаш турининг 1-босқичи бошланди. Экранда биринчи топшириқнинг матни кўринади:

– Алифбо тартибида улуғ шоирлар фамилияларини жойлаштиринг: Навоий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Зулфия.

Ким биринчи бўлиб тўғри жавоб берган бўлса, шу ғолиб бўлади.

Иккинчи ўйинчини аниқлаш учун саралаш турининг 2-босқичи бошланади.

Экранда иккинчи топшириқнинг матни кўринади:

– Ўзбекистон Республикаси мадҳияси мусиқасини ким басталаган? А.Орипов, Э.Воҳидов, М.Бурхонов, Р.Шарипов.

Учинчи ўйинчини аниқлаш учун саралаш турининг 3-босқичи бошланади.

Экранда учинчи топшириқнинг матни кўринади:

– Келтирилган беш қуш – қирғий, бургут, қорақуш, каптар, хумодан қайси бири Ўзбекистон Республикаси Гербида акс эттирилган?

Хайъат раиси саралаш турларидан муваффақиятли ўтганларни сахнага таклиф қилади, уларни биринчи ғалаба билан табриклайди ва кўкрагига ўйинчи эмблемасини кийдиради. Ўйин кафедрасига биринчи ўйинчи таклиф этилади.

Экранда тест-топшириқлари кўринади (жавоб бериш учун 1 дақиқа берилади) (қум соатлари).

<p><b>1-тест. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган кунни айтинг.</b></p> <p>А. 1997 йил 21 март Б. 1991 йил 31 август В. 1994 йил 5 декабрь Г. 2003 йил 1 январь</p>	<p><b>4-тест. Мовароуннахрда биринчи обсерваторияни ким қурдирган?</b></p> <p>А. Темур. Б. Бобур. В. Улуғбек. Г. Ҳамза.</p>
<p><b>2-тест. Ўзбекистон Республикаси Президентини айтинг.</b></p> <p>А. Рашидов Ш. Б. Салимов А. В. Мирзиёев Ш. Г. Содиқов Т</p>	<p><b>5-тест. Ўзбекистон Республикаси пойтахтининг бош майдони номини айтинг.</b></p> <p>А. Қизил майдон. Б. Регистон майдони. В. Парадлар майдони Г. Мустақиллик.</p>
<p><b>3-тест. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларини айтинг.</b></p> <p>А. Байроқ, ўроқ, болға. Б. Улуғбек юлдузлари. В. Байроқ, герб, мадҳия. Г. Буғдой, пахта, юлдузчалар.</p>	<p><b>6-тест. Янги 2017 йил қандай йил деб эълон қилинди?</b></p> <p>А. Соғлом она ва бола йили. Б. Обод турмуш йили. В. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили Г. Оналар ва болалар йили.</p>

Хайъат раиси биринчи ўйинчига ташаккур билдиради, тўплаган баллари миқдорини эълон қилади. Сахнага иккинчи ўйинчи таклиф қилинади.

<p><b>1-тест. Ўзбекистон Республикасида қайси байрам энг катта ҳисобланади?</b></p> <p>А. 8-март. Б. Наврўз. В. Мустақиллик байрами. Г. Янги йил.</p>	<p><b>4-тест. Регистон майдонида қайси давлат арбобига ҳайкал ўрнатилган?</b></p> <p>А. Ислон Каримовга. Б. Усмон Юсуповга. В. Шароф Рашидовга. Г. Йўлдош Охунбобевга.</p>
<p><b>2-тест. Дунёда ҳамма нарсадан нима қимматлироқ?</b></p> <p>А. Пул. Б. Олтин. В. Билим. Г. Қимматбаҳо буюмлар.</p>	<p><b>5-тест. Ўзбекистонда нимани «оқ олтин» деб атайдилар?</b></p> <p>А. Нефть. Б. Газ. В. Пахта. Г. Сув.</p>
<p><b>3-тест. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти номини айтинг.</b></p> <p>А. Бектош Раҳимов. Б. Шароф Рашидов. В. Ислон Каримов.</p>	<p><b>6-тест. Буюк олим, маърифатпарвар Улуғбек кимнинг набираси бўлган?</b></p> <p>А. Темурнинг. Б. Бобурнинг. В. Форобийнинг.</p>

Г. Усмон Юсупов.

Г. Ибн Синонинг

Ўйин-кулгуга вақт ажратилади. Ҳайъат раиси ўйинчини табриклайди, ўйинда фаол иштирок этгани учун унга ташаккур айтади ва тўплаган балини эълон қилади. Ўйин кафедрасига учинчи талабгор таклиф қилинади. Экранда топшириқ кўринади.

<p><b>1-тест. Тошкент тиббиёт институтига номи қўйилган буюк ўзбек олими, маърифатпарвари, табибининг отини айтинг.</b> А. Навоий. Б. Форобий. В. Ибн Сино. Г. Арипов.</p>	<p><b>4-тест. Ўзбекистонликларнинг меҳмондўстликлари нимада ифодаланган?</b> А. Билимга интилишда. Б. Тарбияланганликда. В. Ўз уйида қабул қилишга, меҳмон қилишга тайёрлигида. Г. Дўстлашишга интилишда.</p>
<p><b>2-тест. Мамлакатимизда қачон оналар куни нишонланади?</b> А. 1-январда. Б. Наврўз байрамида. В. 8-мартда. Г. 1-сентябрда.</p>	<p><b>5-тест. Ўзбекистон Республикаси мадҳияси шеърини ким ёзган?</b> А. М.Бурхонов. Б. Э.Воҳидов. В. Ў.Ҳошимов. Г. А.Орипов</p>
<p><b>3-тест. Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1941-1945йй.) Ўзбекистон халқининг болаларга бошпана берганига, меҳр-мурувватига бағишланган «Сен етим эмассан» шеърини ким ёзган?</b> А. Ойбек. Б. Қуддус Мухаммадий. В. Ғафур Ғулом Г. Абдулла Қаххор.</p>	<p><b>6-тест. Ўзбекистонликлар яшайдиган ва дўстлашадиган, бир-бирига ёрдамлашадиган шаҳар ҳудуди қандай айтилади?</b> А. Кўча. Б. Квартал. В. Маҳалла. Г. Туман.</p>

Ҳайъат раиси учинчи ўйинчига ўйинда фаол иштирок этгани учун унга ташаккур айтади ва тўплаган балларини эълон қилади. Залда ўтирганлар ўйинчиларни қарсақлар билан табриклайдилар. Ҳайъат раиси энг кўп балл тўплаган ўйинчининг исми-шарифини айтади ва ғолибни фахрли жойини эгаллашга таклиф қилади. У ажойиб қутичанинг соҳиби бўлади ва уни ичини очиб мукофотни кўлига олади. Ғолибни барча ўқитувчи, ота-она, синфдошлари табриклайдилар. Ҳамма ўрнидан туради ва «Ўзбекистон – она-Ватаним» ашуласини куйлайди, унинг матни экранда ҳаммага кўриниб туради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бундай ўйинларни ўтказиш бошланғич синф ўқувчиларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда кенг имкониятлар яратади. Бундай ўйинлар орқали ўқувчиларда қизиқиш ортади, ота-боболарига, аجدодларига, Ватанига бўлган меҳр-муҳаббати ошади, маънавият элементлари шаклланиб боради.

## ПЕДАГОГ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ

*К.Оқилова*  
*Самарқанд ВХТХҚТУМОИ,*  
*З.Ҳайдарова*  
*Наманган ВХТХҚТУМОИ*

Таълим-тарбия жараёнининг қай даражада ташкил қилиниши, унинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчи-мураббийнинг касбий маҳорати – компетентлигига боғлиқ бўлади. Чунки таълим-тарбия жараёни, билимларнинг сифатли бўлиши, унинг махсулдорлиги охир оқибат ўқитувчи-мураббийнинг болалар билан ўзаро муносабатлари, алоқалари ва уларнинг таълим жараёнига қандай йўналтирилиши билан белгиланади.

Ўз фаолиятини ижодий жараён сифатида баҳоламайдиган, ўзида шахсининг ижодий хусусиятларини намоён қилмайдиган педагоглар ўз касбининг устаси, маҳоратли ўқитувчи-мураббий, деб ҳисобланиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам педагогик маҳорат тушунчасини маданият тушунчаси билан бир-биридан ажратиб бўлмайди. Айнан маданийлик ҳамда ахлоқийлик педагогни шахс сифатида намоён қилади. Шу ўринда “маданият” тушунчасига алоҳида таъриф бериб ўтсак жоиз бўларди.

“Маданият” атамаси арабчадан таржима қилинганда “шаҳарлашиш” деган маънони англатади. Шу маънода, маданият ёрдамида кишилар ижтимоий фаоллик, касбий етуклик ва мақсадга интилувчанлик хусусиятига эга бўлиб борадилар. Маданият ўз ичига инсоннинг ҳуқ-атвори ва тафаккурини қамраб олиш билан бир қаторда, фақат маълумотлилик даражаси – билимларнинг чуқурлиги ва мустаҳкамлиги, кенглиги эмас, балки унинг тарбияланганлиги, интеллектлиги, яъни ўз фикрларини аниқ ифода қилиши, диққат ва тоқат билан ўзгалар фикрини эшита олиши, ўзини тута билишлик даражаларини ҳам билдиради. Мулоқотни илиқлаштирувчи омиллар

- самимийлик;
- очиқлик;
- ўзаро бир-биридан сир яширмаслик;
- ўзаро ишонч;
- қарашлар яқдиллиги;
- муаммоларни очиқ айта олиш, ўз муаммосини айтганда “бу одам ёмон экан” деган хаёлларга бормаслик;
- уларнинг сиз борангизда ҳеч қачон ёмон фикрга бормаслигига, сизни “муҳокама” этиб турмаслигига ишонч;
- уларнинг сизни ҳар доим очиқ юз билан кутиб олишлари;
- сиз учун ҳеч қачон вақт аямасликлари;
- сиз билан ҳар вақт бир текис муомала ва суҳбат қуришлари;
- сизга ҳамдардлилик билдира олишлари;
- ёрдам керак бўлганда, уларнинг ҳар доим тайёрлиги ва шу каби ўнлаб хусусиятларнинг намоён бўлиши ойдинлашади.

Инсон маданиятининг муҳим асоси, маданиятлилик ифодасининг кўрсаткичи – унинг ҳамкасблари, дўстлари, қариндошлари, танишлари ва нотаниш кишилар билан бўладиган мулоқотидир. Инсон томонидан бажариладиган фаолиятнинг барча турлари мулоқотни тақозо этади. Бевосита фаолиятсиз мулоқот ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам мулоқот фаолиятни амалга оширувчи ва унинг муҳим шарти сифатида намоён бўлади. Мулоқот биргаликдаги фаолиятнинг шартигина эмас, балки инсон шахси шаклланишининг муҳим омили, тарбия воситаси ҳамдир. Мулоқот инсон қарашини кенгайтиришга,

интеллектини ривожлантиришга, муваффақиятли фаолият учун зарур бўлган билим, кўникма ҳамда сифатларни эгаллашга кўмаклашади.

Мулоқот ҳар бир инсон ҳаёт фаолиятининг муҳим тури сифатида, ўзига хос санъат сифатида намоён бўлиб, ўзининг қонун-қоидалари ва сир-саноатларига эгадир. Бу қоида ва сир- саноатларини билиш эса ҳар бир кишига ўз фаолиятини самарали ташкил этиш, олдига қўйган мақсадларига эришиш учун зарур. Буларни эгаллаш орқали ҳар бир ўқитувчи – мураббий мулоқот компетентлигига юқори даражада эришиши мумкин бўлади.

Ижтимоий психологияда психологик таъсирнинг асосан уч воситаси фарқланади.

1. Вербал таъсир – бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатадиган таъсиримиздир. Бундаги асосий воситалар сўзлардир. Маълумки, нутқ – бу сўзлашув, ўзаро муомала жараёни бўлиб, унинг воситаси – сўзлар ҳисобланади. Монологик нутқда ҳам, диологик нутқда ҳам одам ўзидаги барча сўзларни топиб, шеригига таъсир кўрсатишни хоҳлайди.

2. Паралингвистик таъсир – бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар. Бунга нутқнинг баланд ёки паст товушда ифодаланаётганлиги, артикуляция, товушлар, дудукланиш, йўтал, тил билан амалга оширилаётган ҳаракатлар, нидолар киради. Шунга қараб, масалан, тарбияланувчи бизга бирор нарса ваъда бераётган бўлса, биз унинг қай даражада самимийлигини билиб оламиз. Куйиб-пишиб, очик юз ва дадил овоз билан “Албатта бажараман!”, деса сўзсиз ишонамиз.

3. Новербал таъсирнинг маъноси “нутқсиз”дир. Бунга суҳбатдошларнинг фазода бир-бирларига нисбатан тутган ўринлари, ҳолатлари (яқин, узоқ, интим), қилиқлари, мимика, пантомима, қарашлар, бир-бирини бевосита хис қилишлар, ташқи қиёфа, ундан чиқаётган турли сигналлар (шовқин, ҳидлар) киради. Уларнинг барчаси мулоқот жараёнини янада кучайтириб, суҳбатдошларнинг бир-бирларини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради. Масалан, агар учрашувнинг дастлабки дақиқаларида тарбияланувчининг сизга қарамай, атрофга аланглаб, “Кўрганимдан бирам хурсандман”, деса ишонасизми?

Бундан ташқари, ўқитувчи-мураббийнинг касбий мулоқотида бир-бири билан узвий боғланган иккита бўғинни фарқлаш мумкин:

1. Мулоқотнинг умумий асослари. Булар – ижтимоий тузум характери, ўтмиш кадриятлари бўлиб, унда ўқитувчи-мураббийнинг педагогик фаолияти, таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари амалга оширилади.

2. Мулоқотнинг индивидуал асослари. Бу – мулоқот услуги, таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи-мураббий ўз педагогик фаолиятида қўллайдиган конкрет усул ва воситалар тўплами. Бу бўғинлардан бирортасининг мавжуд бўлмаслиги таълим берувчида ўқитувчи-мураббий компетентлиги мавжуд эмаслигидан ва мулоқот касбий маданияти ривожининг паст даражада эканлигидан далолат беради.

### **ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДА УМУММАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

*З.Каримов  
СамДУ*

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан таълим-тарбия тизимини ҳозирги давр талаби даражасига кўтариш ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришга, яъни пировард натижада малакали кадр тайёрлашга боғлиқ. Чунки жамият тараққиётининг асосини унинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланганлиги билан бир қаторда шу жамиятда яшаётган фуқароларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти ҳам белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан қараганда ҳар бир давлатнинг истиқболи, унинг таълим тизими қай даражада эканлиги билан белгиланади. Ҳозирги пайтда таълим жараёнининг шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида ташкил этилишини таъминлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бугунги кунда ўқитувчи фақат билим бериш

ва амалий кўникмани шакллантириш билан чегараланмасдан ўқувчиларни мустақил билим олиш, изланиш ва қарорлар қабул қилишга ҳам ўргатиши керак. Ҳозирги таълим тизимида билимларни эгаллашнинг янги концепцияси-ноанъанавий таълим технологияларининг услубларини қўллашни тақозо этмоқда.

*Ноанъанавий таълим технологияси:* Ҳамкорликда ўрганиш, моделлаштириш, тадқиқот (лойиха) технологияларига бўлинади ва у яхлит узвий тизим асосида олиб борилади. Педагогик фаолият самарадорлиги даражаси эса “компетенция” ва “компетентлик” тушунчалари ёрдамида амалиётда оммалашиб кетди. Олимларнинг фикрига кўра, “компетенция” шахс мукамал билладиган предмет – соҳа бўлиб, унинг фаолият кўрсатиши учун тайёр эканлиги ўлчови ҳисобланади. Яъни, *компетенция – билим, амалий кўникма ва малакалардан кундалик ҳаётда дуч келадиган амалий ва назарий масалаларни ечишда фойдаланиш ва қўллай олиш қобилиятидир.* “Компетентлик” тушунчасини эса ундан фарқли ўларок, шахснинг йўналтирилган таснифи, битирувчининг маълум соҳада фаолият кўрсата олиши кўникмаси эканлигини таъкидлайдилар. Демак, компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ўқувчиларда мустақиллик, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, медиаресурслар ва ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-хунар танлаш, соғлом рақобат кўникмаларини шакллантиради. Инсон ўз ҳаётида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч компетенцияларга эга бўлиши лозим.

**Умумтаълим мактабларида таълим жараёнида** ўқувчилар эгаллашлари керак бўлган таянч компетенциялар муҳим компетенциялардан ҳисобланиб, булар қуйидагилардан иборат:

- ✓ коммуникатив компетенция;
- ✓ ахборот билан ишлаш компетенцияси;
- ✓ шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси;
- ✓ ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси;
- ✓ умуммаданий компетенциялар;
- ✓ математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда

фойдаланиш компетенцияси.

Ўқувчилар эгаллаши лозим муҳим компетенциялардан бири умуммаданий компетенцияга тўхталиб ўтмоқчиман. Умуммаданий компетенцияга:

- ✓ Ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий кадриятларга эътиқодли бўлиш;
- ✓ бадиий ва санъат асарларини тушуниш, таъсирлана олиш;
- ✓ ораста кийиниш, юриш-туришда маданий меъёрларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш;
- ✓ умумбашарий аҳамиятга эга бўлган кадриятларни (*урф-одатлар, маросимлар, миллий-маданий анъаналар ва.ҳ.к.*) билиш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- ✓ ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувват, сахийлик, ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана ва маросимларини ҳурмат қилиш;
- ✓ халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш, жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш.

Умуммаданий компетенцияларни ўқувчиларда шакллантиришнинг асосий омиллари:

– ўқитувчи қуйидаги касбий компетентлик сифатларига эга бўлмоғи лозим: касбий интилиши, таъсирчанлиги, интеллектуал фаоллиги, мақсад сари интилувчанлиги, меҳнатсеварлиги, камтарлиги, кузатувчанлиги, ораторлик сифати, ўқувчи болалар психик ҳолатларини сезувчанлиги, ижтимоий ўзаро ҳаракатчанлиги, педагогик тактга ва педагогик маданиятга эга бўлиши;

– қадимий анъаналаримиз, тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш,

шу билан бирга, ўқувчиларимиз онгида демократик кадриятларни шакллантириш, ватанпарварлик ва умуминсоний фазилатларни сингдириш, халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш ҳамда ўрганиш мақсадида саёхатлар уюштириш;

– мумтоз мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш мақсадида ўқувчи-ёшлар ўртасида кўплаб кўрик-танловлар, нуфузли халқаро мусика анжуманлари мунтазам равишда ўтказиб бориш;

– оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик, аввало ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига куриш.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий кадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан кураша олиши мумкин, ёш авлодни умуммаданий компетенцияларни ва ўқувчилар дунёқарашида ахлоқий кадриятлар ва инсонийлик сифатлари ҳам тушунчаларнинг камол топиши, баркамол шахс бўлиб шаклланишида бугунги замон билан ҳамнафас, мукамал ва билимли ўқитувчиларнинг ўрни беқиёсдир.

### KONSTRUKTIVIST O'QITUVCHI QIYOFASI

*R.Toshniyozova  
Samarqand VXTXQTUMOI  
M.Baxtiyorova  
Samarqand sh. 9-maktab*

***Fidoi insonlar o'z aqli va iste'dodini birlashtirib, olamni yaxshi tomonga o'zgartira oladilar. Ularning vazifasi- bolalarni kelajakka munosib tayyorlash uchun izlanish tomon olg'a qadam tashlashdir.  
(Zamonaviy maktab falsafasi)***

Pedagogik faoliyatda, hayotda yuzaga keladigan har qanday vaziyatda kasbiy-shaxsiy o'sishga olib keladigan holatni yaratish, o'qituvchiga xos kreativlik, ijodkorlik, kashfiyotchilik xususiyatlarini saqlashga intilish ham zamon bilan hamnafaslikni anglatadi. Ta'lim jarayonida o'qituvchiga xos bo'lgan yuqoridagi xususiyatlarni inobatga olish kutilgan natijani beradi. Shu bilan birga, ta'kidlash lozimki, bugun nafaqat o'qituvchining kasbiy mahoratini tashqi omillar ta'sirida takomillashtirish, balki uning o'zini rivojlantirish uchun sharoit va motivatsiya yaratish, ichki intilishlariga asoslanish muhim bo'lmoqda.

Ta'lim berishdan ko'zda tutilgan, olinadigan ma'lum hajmdagi bilimdan maqsad – o'qituvchilarning maktabdagi faoliyati zamonaviy ta'lim talablari asosida tashkil etilishi, shaxsga yo'naltirilgan ta'limning mazmun-mohiyatini tushunishi, bunda o'quvchi shaxsini hurmat qilish, uning tabiiy imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda didaktik-o'quv topshiriqlari yaratish, ularni izlanishga, o'quv tadqiqotlari qila olishga yo'naltirish, o'quvchining dars jarayonidagi o'z faoliyatini baholay olish, hamkorlikda ishlash ko'nikmalarini, qolaversa, bilish ehtiyojini shakllantirish, mustaqil fikrli bo'lishi uchun muammoli vaziyatlar yaratish, qisqasi, munosib o'quv muhiti bilan ta'minlash mamlakatimizning ta'lim sohasidagi islohotlarining tub maqsadidir. Zero, ta'limiy kompetensiyalarni shakllantirish, rivojlantirishning mohiyatini anglatish o'qituvchini aniq va puxta bilimlar bilan qurollantirishimizga bog'liqdir.

So'nggi 30 yil davomida konstruktivizm pedagogikada nazariy hamda amaliy yo'nalish sifatida ommalashdi. Unga ko'ra ta'lim o'quvchining fikrlash faoliyati yordamida bilim yaratiladigan jarayon hisoblanadi.

“Konstruktivizm” kategoriyasi lotincha *constructivus* (qurish, konstruktorlash bilan bog'liq) va *construction* (qo'shilish, qurilish) so'zidan kelib chiqqan. Ta'lim jarayonini konstruktorlash



olingan bilimlarni chuqurlashtirish va kengaytirish va ijodiy qobiliyatlarni, tadqiqotchilik mayllarini, qiziqishlarini rivojlantirish vositasi sifatida izohlanadi. Shaxsga yo'naltirilgan yondashuvda, shaxsning rivojlanishida ushbu nazariy tizim asosiy pedagogik nazariya sifatida qaraladi. Pedagogik jarayondagi konstruktsiya "o'qituvchi" va "o'quvchi" subyektlarining teng huquqli yaxlit tizimidir.

Ta'lim kishilar o'z tajribasiga tayanib bilimlarni yaratadigan faol jarayon. Odamlar g'oyalarni tayyor holda olmaydilar, ularni yaratadilar. Bu g'oya Jan Piajening konstruktivistik nazariyalariga asoslangan. Unga ko'ra "bola o'z intellektining me'mori". Shunday qilib, o'qituvchi o'quvchilarning o'qishiga yordamlashuvchi rahbar bo'lib qoladi.

Dj.Dyui nazariyasiga ko'ra, bolaning bilish faolligi, qiziquvchanligi uning to'liq aqliy rivojlanishi va ta'lim olishi uchun batamom etarli deb hisoblanadi. Ta'lim jarayoni, asosan, bolaning mustaqil ta'lim olish va mustaqil takomillashuv ko'nikmalari rivojlanadigan mehnat va o'yin faoliyati sifatida o'tishi kerak. Bola tajriba va bilimni muammoli ta'lim muhitini tadqiq qilish, turli maketlar, sxemalar tayyorlash, tajribalar o'tkazish, bahsli savollarga javoblar topish va umuman, xususiydan umumiyga qarab chiqish, ya'ni bilishning induktiv metodini qo'llash jarayonida "amalda bajarish" yo'li bilan o'rganishi lozim. Bu pedagogik konsepsiya "instrumental pedagogika" nomini olgan. Bilimlarni ta'lim oluvchiga tayyor holda berib bo'lmaydi, har kim o'z hayoti davomida o'zining atrof-muhitni tushunishini konstruksiyalaydi. Aynan shuning uchun ham har kim o'z dunyoqarashi, e'tiqodlari bilan betakrordir.

Konstruktivist o'qituvchi dars beruvchi o'qituvchi emas, u ta'lim oluvchilarning muammoli yo'naltirilgan tadqiqot faoliyatiga konsultant, tashkilotchi va muvofiqlashtiruvchi hisoblanadi. U o'quvchilarning mustaqil aqliy faoliyat yuritishi uchun sharoitlar yaratadi va ularning tashabbuslarini har tomonlama quvvatlaydi. O'quvchilar esa o'z navbatida ta'lim jarayonining to'la huquqli ishtirokchilari bo'lib qoladilar va ta'lim jarayoni hamda natijalari uchun o'qituvchi bilan birga javobgar bo'ladilar.

Konstruktivizm nazariyasi tamoyillari:

1. Ta'lim olishga tayyorlik (o'quvchida zahira bilimlar mavjud bo'lishi; ta'lim olishga motivatsiya uyg'otish).

2. Spiral bo'yicha ta'lim olishni tashkillashtirish (o'quvchilarning yangi ma'lumotni qadam-baqadam o'rganishi).

3. Berilgan axborot chegarasidan chiqish.

Samarali ta'lim uchun zaruriy muhit:

1. O'quv materialining muammoga yo'nalganligi.

2. Faollik.

3. Ta'limning bola hayoti bilan bog'liqligi.

O'qituvchi dars maqsadlarini belgilashda tasniflang, asoslab bering, tekshirib ko'ring, umumlashtiring, tahlil qiling, bashorat qiling, baholang, modelni yasab ko'ring va shu kabi faoliyat atamalaridan foydalanadi. Ta'lim maqsadlari hamda o'quv muammolari va vazifalarini shunday belgilash o'quvchilarning dars materiali bo'yicha chuqurroq fikrlashi, ularni mazmunli bahs-munozaraga jalb qilish, o'z nuqtayi nazarlarini, mulohazalarini va taxminlarini aytish motivlarini shakllantiradi.

Muammoli vaziyatlar yaratishning metodik yo'llari:

1. Bolani ziddiyatli holatlarga tushirish va muammoni hal qilishni o'zlariga qo'yish.

2. Amaliy faoliyatdagi ziddiyatlarga duch keltirish.

3. Muammoni turli tomondan tahlil qilish.

4. Qiyoslash, umumlashtirish, xulosalar qilishga turtki berish.

5. Aniq savollar qo'yish.

6. Muammoli vazifalar qo'yish.

XXI asr uchun muhim bo'lgan bilim, malaka va ko'nikmalar o'quvchining tanqidiy o'qishi, ishonarli tarzda yoza olishi, mantiqiy fikrlashi va muhokama qilishi, murakkab muammolarni hal qila olishini taqozo etadi. XXI asrning ilg'or o'quvchilari, shuningdek, axborotlar bilan ishlashni

bilishlari kerak. Bu esa izlanish, baho berish va yangi bilimlarni epchillik bilan qo'llay olish kompetensiyalarini nazarda tutadi.

## O'QUVCHILARDA AXBOROT BILAN ISHLASH KOMPETENSIYASINI SHAKLLANTIRISHDA INTERNET RESURSLARIDAN FOYDALANISH

*D.U.Qarshiyeva*  
*Samarqand VXTXQTUMOI,*  
*F.B.Kattayeva*  
*Samarqand sh. 14-maktab*

Zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarni o'quv jarayoniga joriy etishda asosiy boshqaruvchi o'qituvchi hisoblanadi. Agar shu nuqtayi nazardan kelib chiqib qaraydigan bo'lsak, innovatsion pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini ta'lim-tarbiya jarayoniga joriy etishda uning boshqaruvchisi bo'lmish o'qituvchining tayyorgarlik darajasini birinchi o'ringa qo'yish lozim.

Bizga ma'lumki, O'zbekiston Respublika Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi 187-sonli qarori bilan yangi davlat ta'lim standarti tasdiqlandi. Aynan yangi DTSning asosiy maqsadidan biri ilm-fanni zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalariga asoslangan holda tashkil etish, ma'naviy barkamol va intellektual rivojlangan shaxsni tarbiyalashdan iborat. Oltita umumiy tayanch kompetensiyalarning ikkinchi yo'nalishi axborotlar bilan ishlash kompetensiyasi. Demak, har bir fan o'qituvchi o'sib kelayotgan yosh avlod va o'quvchilarga mediamanbalardan zarur ma'lumotlarni izlab topa olishni, saralashni, qayta ishlashni, saqlashni, ulardan samarali foydalana olishni, ularning xavfsizligini ta'minlashni, media madaniyatga ega bo'lish layoqatlarini shakllantirishi lozim.

XXI asr texnika asri shiddat bilan rivojlanib borayotgan bu davrda bizning O'zbekiston yoshlari, o'quvchilari tomonidan axborot, internet tarmoqlaridan foydalanishga bo'lgan talab oshib bormoqda. Bunda o'quvchilarga axborot bilan ishlash va yangiliklardan foydalanish bo'yicha har bir fan o'qituvchilari o'quvchilarga mos saytlar, elektron qo'llanma va resurslardan foydalanish kompetensiyasini darslarda shakllantirib borishlari zarur.

Hozirgi vaqtda Internetning har xil saytlarida dars mavzulari bo'yicha ko'p ma'lumotlar topish mumkin. Axborotlar bilan ishlash va almashishda eng qulay vosita Internet tarmog'i bilan tanishamiz.

*Global tarmoq (Internet)* – bir-biridan ancha uzoqda joylashgan kompyuterlarni o'zaro bog'lab, axborot almashuvini taxminlab beruvchi tarmoq. Bu tarmoq Internet (xalqaro tarmoq) tarmog'i deb atalib, u orqali bugungi kunda dunyoning deyarli barcha davlatlaridagi kompyuterlar o'zaro axborot almashish imkoniyatiga ega.

*Elektron pochta* – oddiy biz biladigan pochta xizmatining elektron ko'rinishi. Biz bu pochta orqali dunyoning istalgan burchagiga ma'lumot (xat) uzatishimiz yoki uni qabul qilishimiz mumkin. Farqi shundaki, bu yerda vaqt tushunchasi deyarli o'z mohiyatini yo'qotadi.

*Sayt* – Internet tarmog'ida ma'lumotni o'zida saqlab turuvchi sahifa yoki sahifalar. Bu sahifalardagi ma'lumotlardan dunyo bo'yicha istagan kishi xohlagan vaqtida foydalanishi, shuningdek, xohlagan kishi o'z ma'lumotlarini kiritishi, ya'ni o'z saytini yaratishi mumkin. Saytlarning bir sahifasidan ikkinchi sahifasiga o'tish giperssilka deb nomlanuvchi maxsus yozuvlar ustiga sichqonchani ko'rsatkichini keltirish va maxsus tugmasini bosish orqali amalga oshiriladi.

*Provayderlar* – Internet tarmog'iga ulanishni taxminlab beruvchi maxsus xizmatchilar (korxonalar desa ham bo'ladi). Chunki u yerda bir necha o'nlab kishilar xizmat qilishadi va ATS ga o'xshab, ko'rsatgan xizmatlari uchun abonentlardan olgan daromadlari hisobidan faoliyat yuritishadi. Juda ko'p (yuzlab, minglab) provayderlar mavjud. Internet tarmog'iga ulanish sifati ana shu provayderlarga ko'p jihatdan bog'liq bo'ladi. Qancha sifati yaxshi bo'lsa, narxi ham shuncha

yuqori bo'ladi. Bu yerda asosiy sifat ko'rsatkichi bo'lib, internetga ulanish va undan axborotlarni olish tezligi hisoblanadi.

*Elektron kutubxona* tuzilishi jihatidan oddiy kutubxonadan deyarli farq qilmaydi. Lekin undagi ma'lumotlar miqdori juda cheksiz bo'lishi mumkin. Internet tarmog'ida minglab elektron kutubxonalar mavjud. Ayni vaqtda bu kutubxonalarning ko'pchiligi tarmoq orqali o'zaro bog'langan. Oddiy kutubxonalardagi singari bu yerda ham ba'zi ma'lumotlar to'liq bepul, ba'zilari uchun esa pul to'lashga to'g'ri keladi. Shuningdek, internet tarmog'idan tashqarida ham, ya'ni masalan, o'quv yurtlari uchun ham elektron kutubxonalar yaratish mumkin. Buning uchun kerakli ma'lumotlarni talab qilingan tartibda kompyuterga kiritish kifoya. Bu ma'lumotlarni lokal tarmoq orqali bosh kompyuterdan o'zaro bog'langan boshqa kompyuterlarga uzatish mumkin. Bu kutubxonani Internet saytiga joylashtirsa, u hamma uchun foydalanish imkoniyatini beradi.

*Internetdan ma'lumotlarni qidirish* – Internet tarmog'ida ma'lumotlar miqdori shu qadar ko'pki, hatto tasavvur ham qilish qiyin. Bu ma'lumotlar orasidan o'zingizga keragini topib olish esa ancha murakkab ish bo'lib hisoblanadi. Ana shu ishni osonlashtirish maqsadida, maxsus ma'lumotlarni qidirish sistemalari yaratilgan. Bular orqali bir zumda o'zingizni qiziqtirgan ma'lumotni topib olishingiz mumkin. Faqat boshlanishida sizga biroz tajriba yetishmasligi mumkin. Keyinchalik bu ish haqiqatdan ham oddiy ekanligiga o'zingiz ishonch hosil qilasiz.

Quyida ayrim foydali ta'limiy saytlarning nomlari sanab o'tilgan. Ushbu saytlardan darslarga tayyorgarlik ko'rishda foydalanish mumkin: <http://www.uzedu.uz> – xalq ta'limi vazirligining rasmiy sayti; <http://www.edunet.uz/metodict>; [http://www.wikuru.wikysia.com/ru/Uzbekskiy\\_yazyk.html](http://www.wikuru.wikysia.com/ru/Uzbekskiy_yazyk.html); <http://pedagog.zn.uz/>; [www.ziyonat.uz](http://www.ziyonat.uz); [eduportal.uz](http://eduportal.uz); [uzlit.edunet.uz](http://uzlit.edunet.uz); [postal.uz](http://postal.uz); <http://ps.1sentember.ru/> – ro'znoma «Pervoe sentyabrya»; <http://www.ug.ru/> – «Uchitelskaya gazeta» kabilar.

## ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА АЛЛОМАЛАРНИНГ ҚАРАШЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Ш.А. Усанов*  
*Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

Иқтисодий тарбия инсон ҳаётини тўлақонли ташкил қилишнинг объектив зарурий эҳтиёжи, талаби бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам иқтисодий тарбияни бола онгига сингдирмасдан комил инсонни шакллантириш мушкул. Тежамкор инсон аввал ўз меҳнатини, ўзгалар меҳнатини, бутун мамлакат меҳнат аҳлининг меҳнатини кадрлайди. Чунки инсон учун зарур бўлган барча нарсалар одамларнинг амалий ишлаб чиқариш меҳнати билан бунёд қилинади.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон Республикасида боланинг иқтисодий тарбияси борасида тўпланган тарбия услублари орқали ёш авлод таълим-тарбиясида маърифий ва амалий аҳамиятга эгаллиги илмий манбаларда қайд этилган. Ўтмишда яшаб ижод этган шарқ мутафаккирлари ижодига қизиқиш кучайди. Қимматли асарлар яратган Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Абу Носир Форобий, Алишер Навоий каби мутафаккирлар ва маърифатпарварлардан, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлониёлар маънавий-маърифий ғояларидан амалиётда фойдаланиш вақти етди. Алломаларимизнинг асарларидаги иқтисодий билимлар нафақат комил инсонни шакллантиришнигина эмас, балки оила аъзоларини тўқ, фаравон ҳаёт кечиришининг, оилани барқарорлаштиришининг, мустаҳкамлашнинг шунингдек, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллашини таъминловчи омил ҳамдир. Шу нуқтаи-назардан ёндашганда узлуксиз таълим тизимида ўқувчи-ёшларни иқтисодий тарбиялаш, оилани, жамиятни, мамлакатни иқтисодий, ижтимоий тараққиётини таъминлайди.

Ўқувчи-ёшларни иқтисодий тарбиялаш ҳақида машҳур аллома Абу Наср Форобийнинг: «Инсон ўз маблағини тўғри сарфлашни билиши керак. Пул сарфлашда қизғанчиқлик қилиш,

хасисликка олиб келади. Пулларни режасиз ишлатиш эса инсонни бебошликка етаклайди», - деб билдирган фикри болани иқтисодий тарбиялашда асосий ўринда турмоғи лозим.

Ал-Бухорий эса: «...Ҳар ишнинг бир сабаби бордир. Аммо қашшоқликнинг сабаби исрофдир. Исроф фақат молни сарф қилишнигина эмас, овқатда, кишининг қизиқишлари, нутқида ҳам исроф бўлади, исроф танни алдайди, нафсни ранжитади, ақлни қочиради ва тирикни ўлдиради» ва яна «Исроф-у қайси кўринишда бўлмасин кишининг бор йўғини совуради яксон қилади», - деган фикрлари билан инсонни тежамкор бўлишга ва нарсаларни исроф қилмасликка даъват қилган. Исроф ҳар бир инсонни, ҳар бир оилани, ҳар бир давлатни аввал заифлаштиради, кейин эса уларнинг таназзулини таъминлайди. Шунинг учун ҳозир оилада болани, таълим муассасаларида ҳар бир ўқувчини ёшлиқдан барча моддий неъматларни, нарсаларни исроф қилмасликка, тежашга ўргатишлари зарур.

Бизнингча, ота-оналар, ўқитувчилар ўқувчи-ёшларни иқтисодий тарбиялашда иқтисодий тасаввур, тушунча, билим, кўникма, малака ва уларни амалда қўллаш билан боғлиқ иқтисодий тажриба ва одатларни таркиб топтиришга эришмоғи даркор. Ота-оналар ва ўқитувчилар бунга эришиш учун болага “иқтисод”, “тежаш”, “кирим-чиқим”, “даромад”, “буромад”, “сарф”, “оила маблағи”, “оила харжи”, “фойда”, “зарар”, “қашшоқ”, “тўқ-фаровон” каби сўзларнинг маъносини тушунтириб, англантишдан бошлаши мақсадга мувофиқ.

“Иқтисод” тушунчасига Абдулла Авлоний: “Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакка айтилур... Ҳозирги замонда мақсудга етмак, ўз миллатига хизмат қилмак, халқга мақбул бўлмак учун илм ва мол лозимдур. Оламдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қудратлари мол ва бойликлари билан ўлчанадур”. Боболаримизнинг “Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» замонлари ўтиб, ўрнига “Билган битар, билмаган йитар” замони келди. Аниқроғи ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф, туганмас саъй, битмас ғайрат лозимдур”, - деб иқтисод тарбиясининг педагогик асосларини кўрсатиб, инсон камолотида ва миллатнинг ривожланишида тутган ўрнига тўғри баҳо берган. Аммо ҳозирги даврда иқтисодий тарбия нафақат пул ёки мол қадринигина билишни эмас, балки оламдаги барча моддий неъматларни ва уларни етиштирадиган инсонларнинг меҳнатини, ҳаттоки воситаларнинг қадрига етиш зарурлигини кундалик ҳаёт исботлаб турибди. Унинг бу фикрлари заминиди ҳамма давр учун амалий аҳамиятли мазмун ётади. Чунки иқтисод тарбияси барчага, ота-онага ҳамиша зарур ва болани тарбиялашда қўл келади.

Тежаб-тергаб сарфлаш хусусида Кайковус “Қобуснома” асарида ўз фарзандига қуйидагича: “Эй фарзанд, ўзингни мол жам этмоқдан ғофил тутмағил ва лекин ҳар нарсани этмак тиласанг жаҳд қилғил, токи ҳалоллик била жам бўлсун ва ҳамиша сенга боқий ҳамда ёқимли бўлсун» ва яна «Жам этгандан сўнг яхши сақлағил ва ҳар ботил (бузуқ) иш учун уни қўлдин бермағил, нединки, сақламоқ йиғишдан мушкулдур. Агар керак вақтда зарур иш учун олиб харж этсанг, ҳаракат қилиб уни ўрнини тўлдурғил. Агар харж этиб, яна жойини тўлдирмасанг, агар Қоруннинг ганжидек бўлса ҳам, у бир кунда йўқ бўлур”.

“Агар молинг кўп бўлса, уни тақдир ва тадбир била ишга яратғил. Нединким, тақдир ва тадбир била яратган озгина мол тақдирсиз ва тадбирсиз кўп молдин яхшироқдур. Агар мол оз бўлса, ҳам яхши сақламоқни вожиб билғилки, ҳар киши оз нарсани сақлай олмаса, кўп нарсани ҳам сақлай олмағувсидир... Ҳаракат қилинг, то обдон бўлғайсизлар ва озга қаноат қилинг, токи молларингиз кўп бўлғай, юмшоқ табиатли ва ширин сўз бўлинг, дўстингиз кўп бўлғай”.

“Ҳар нарса қўлингга тушса, бир тангадин икки ҳиссасини қарилиғ ва ожизлиғ вақтининг зарурий ишларига эҳтиёт қилиб қўйғил, ва ундин кўз юмиб асло унга қўл урмағил”, - деб маслаҳат берган.

Оила шароитида ота-оналар болани иқтисодга ўргатишда озиқ-овқат, сабзавот, мева маҳсулотларини, рўзғор жиҳозларини эҳтиёт қилиш, айниқса, сув, электр энергияси ва газдан тежамли фойдаланишга тўғри одатлантириб боришга эришиши оила тарбиясида ҳал

килувчи роль ўйнайди. Масалан, ота ё она юқоридагилардан бири электр энергиясидан оилада тежамли ва, ўз ўрнида, фойдаланишни куйидаги усулда суҳбат асосида болага англантиш мақадга мувофиқ. Электр энергиясини ишлаб чиқаришга катта миқдорда кўмир, газ ва мазут зарурлигини ҳамда ушбу маҳсулотлар давлатнинг бойлиги ҳамда уни ишлаб чиқаришда муҳандис, ишчи ходимларнинг заҳматли меҳнати эвазига пайдо бўлаётганлигини таъкидлайди. Электр энергиясидан тежаб мақсадли фойдаланиш ҳисобига шу соҳада фаолият кўрсатаётганларнинг меҳнатини кадрлаш билан бирга оила маблағини тежаш ҳар бир оила аъзонинг, хусусан, боланинг бурчи, вазифаси эканлигини уқтиради. Шундан кейин бола оилада фойдаланган электр энергиясини қоплаш учун пул тўланишлигини тушуниб етади. Қанча кўп электр энергиясидан фойдаланса, оила маблағидан кўп пул сарфлаб зарар кўришини ва қанча кам киловат фойдаланса, фойдалигини англаб етади. Бундай суҳбат боланинг электр энергиясига нисбатан иқтисодий муносабатини тарбиялайди. Ота-оналар бу тарздаги суҳбат мавзуларини ўқув жиҳозлар, кийим-кечак ва бошқа керакли рўзгор буюмлари бўйича ҳам ташкил қилиши жуда катта фойда келтиради ва болани иқтисодий тарбиялашга замин яратади.

Ўқувчи-ёшлар ҳаёт даражасини юксалтиришда оғзаки, кўрсатмали, амалий иш шакллардан ҳамда уқтириш, тушунтириш, ҳикоя қилиш, суҳбат, баҳс, намуна, машқ, рағбатлантириш, жазолаш, ўз-ўзини тарбиялаш каби тарбия методларидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари: радио эшиттириш, ойнаи жаҳон кўрсатувлари, компьютер, газета, журнал материалларидан ҳам фойдаланишлари иқтисодий тарбиянинг самарадорлигини таъминлашга ёрдам беради. Бундай иқтисодий билим, кўникмаларни ўзида шакллантирган ўқувчи-ёшлар ҳаётда оила аъзолари меҳнати ва маблағи кадрига етадиган бўлиб тарбияланади.

Демак, иқтисоднинг яхши ва ёмонлиги тежамкорлик билан бевосита иш юритишга боғлиқдир. Бас, шундай экан, болага оилада, таълим муассасаларида иқтисод, кирим-чиқим моҳияти ҳақида таълим-тарбия бериш лозим. Буни амалга ошириш ота-оналар ва ўқитувчиларга алоҳида ижтимоий масъулият юклайди. Юқоридаги педагогик манбаларнинг барчаси ёш авлодни иқтисодий тарбиялашга асос негиз бўла олади ҳамда бола тарбиясининг асосини ташкил қилади. Бу борада алломаларнинг фикрларидан оқилона ва етарлича фойдаланиш давр талабидир.

## ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ТАРБИЯСИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

*Ю.Холиқов*  
*Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

Ахборот асри, электроника асри деб аталган XX асрнинг ниҳоясида - бугунги давримизда бу таъсирлардан ҳоли бўлиш деярли имконсиздир. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Энг қизиғи, шу билан бирга, кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

Мана шундай бир вазиятда ёшлар ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий кадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, турли хил мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амримаҳол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Маълумки, XXI аср глобаллашув даври сифатида фан-техниканинг барча соҳалари: ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва диний-мафкуравий жараёнларда ўз аксини топмоқда. Мазкур ижтимоий ҳодиса инсоният

тараққиётини юксак босқичга кўтариш билан бирга, унинг муқаррар вазиятларга тушиб қолишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: “Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак – бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ кўшнилари, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораётгани, бирор мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас. Шу маънода, глобаллашув – бу аввало, ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир”. Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин.

Миллат асоси ва таянчи бўлган ёшларнинг маънавий қашшоқлашуви эса истиқболда миллатнинг «йўқ» бўлишига замин ҳозирлайди. Бу бутун инсониятнинг маънавий фожиаси ҳисобланади. Ҳар қандай инсон ўзлигини англаши унинг ўз миллати вакили эканлигини билиши, ундан ғурурланиши, унга дахлдорлигини ҳис этиб яшаши билан эътироф этилади. Бундай фазилатлардан маҳрум бўлган инсон том маънодаги инсон даражасига етиша олмайди. У моддий жиҳатдан баркамол бўлиши мумкин, аммо у ўзлигини тушуниб етмаган маънавий қашшоқ инсон даражасида қолиб кетади. Бунинг оқибатида ҳаётдан завқланиш, унинг гўзаллигидан баҳра олиш каби умуминсониятга хос бўлган туйғулардан маҳрум бўлган манкуртга айланади. Айниқса, глобаллашув жараёни салбий оқибатларининг энг хавfli жиҳати – бу унинг мафкуравий таъсир ўтказиш қуроли бўлиб хизмат қилишидир.

Бугунги глобаллашув жараёнида мафкуравий таъсир ўтказиш қуроли сифатида қандай жараёнлар кўпроқ учрамоқда ва бу жараёнлар миллатимизнинг ижтимоий ҳаётига қандай салбий таъсирлар ўтказмоқда? - деган савол остида мулоҳаза юритиш ҳар бир шахсни фикрлашга ундаши зарур. Шу сабаб, ёшларда глобаллашувнинг салбий таъсирини нисбатан иммунитетни шакллантириш бугунги куннинг долзарб масаласига айланмоқда. Бунинг учун кўпроқ улар онгида таҳлилий ёндашувни шакллантириш зарур. Айниқса миллий ғоя туркумига кирувчи фанларида ўқитувчилар томонидан замонавий педагогик ва ахборот-коммуникатив технологиялардан фойдаланган ҳолда дарс машғулоти ташкил қилинса, ўқувчилар маънавий дунёқараши такомиллашади

Глобаллашувнинг ўқувчи ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига салбий таъсирини кўрсатиш мақсадида “Т-чизма” графикли органайзердан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари	Глобаллашувнинг салбий жиҳатлари
-давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши; -замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши; -цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши; -экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши	- экология, соғлиқни сақлаш, демографик, ахлоқ, оила, таълим-тарбия, маънавий дунёқараш ; - наркобизнес, терроризм, бюрократлашув ва порахўрлик каби салбий ҳолатларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда; -Маънавий, мафкуравий тажовузлар кучайиб, “оммавий маданият” никоби остида беҳаёликни, ваҳшийликни тарғиб қилиб, ёвуз кучлар одамларнинг онги ва қалбига ҳукмрон бўлишга интилмоқдалар

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашувнинг салбий оқибатларига қарши, айниқса, унинг миллий урф-одат, анъана, қадрият ва ахлоқнинг ўзгаришига қаратилган таъсирини қарши

курашмоқ, керак бўлса, унга қалқон бўла оладиган омилни шакллантириш бугун ҳар бир миллатнинг миллий тарбияси олдида турган энг долзарб вазифалардан бирига айланмоғи лозим.

## BOSHLANG'ICH SINIF O'QISH DARSLARIDA TAYANCH KOMPETENSIYALARNI SHAKLLANTIRISH

*T.Tolipova*  
*Samarqand VXTXQTMOI*

Umumiy ta'limning poydevori bo'lgan boshlang'ich ta'lim o'quvchilarini ongli, to'g'ri va ifodali o'qishga o'rgatish bilan birga keng dunyoqarash, aqliy kamolotga erishish va mustaqil fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish, o'quvchilarni har tomonlama rivojlantirishga xizmat qilmog'i lozim. Shuning uchun ham boshlang'ich ta'limni har tomonlama takomillashtirish bugungi kun talabidir.

**Umumiy o'rta ta'lim muassasalarining boshlang'ich sinflarida "O'qish" fanini o'qitishning asosiy maqsadi:** - milliy hamda jahon adabiyotining nodir namunalarini o'qitish orqali o'quvchilarning ma'naviy-axloqiy dunyosi, adabiy-estetik didini shakllantirish hamda ularda mustaqil fikrlash, obrazli tafakkurga oid bilim, ko'nikma, malakalarni hosil qilish va rivojlantirish; - o'quvchilarni badiiy adabiyotga qiziqtirish, asarlarni o'rgatish jarayonida olam va inson tabiati, milliy hamda umuminsoniy qadriyatlar, shuningdek, kitobxonlik madaniyatini shakllantirish orqali o'quvchilarning ma'naviyatini, dunyoqarashini kengaytirib, mustahkamlab borishdan iborat.

**Maqsaddan kelib chiqib umumiy o'rta ta'lim muassasalarining boshlang'ich sinflarida "O'qish" fanini o'qitishning asosiy vazifalari quyidagilar bilan belgilanadi:** - o'quvchilarning og'zaki nutqi adabiy til me'yorlari asosida shakllanishi va rivojlanishini ta'minlash, nutqiy kompetensiyani o'stirish; - yozma nutqda yuksak savodxonlik, adabiy til me'yorlariga rioya etish, uslubiy rang-baranglikdan foydalana olish ko'nikma va malakalarini rivojlantirish hamda "O'qish" fanining mazmunidan kelib chiqqan holda o'quvchilarda tayanch kompetensiyalarni shakllantirishdan iborat.

Dastlab tanish, keyin notanish matn ifodali o'qitilib, o'quvchidagi ko'nikma, malaka aniqlanadi. Shuningdek, miqdoriy ko'rsatkich – o'qish tezligi, ongli va ravon o'qish, bir daqiqada nechta so'z o'qiy olishi ham belgilanadi. Bolaning matn mazmunini to'liq o'qib olishi qayta hikoyalashi, shuningdek, o'zgalari nutqini eshitib, tushunib olishi maqsad qilinadi.

Boshlang'ich ta'lim o'quv dasturidan o'rin olgan vatan mavzusidagi asarlar o'quvchilarni mamlakatimizning ijtimoiy-siyosiy madaniy-ma'rifiy hayoti va xalqimizning bunyodkorlik yo'lidagi olib borayotgan ishlari bilan tanishtirishga yordam beradi. Shuningdek istiqloq tufayli erishgan yutuqlarimiz haqidagi asarlar milliy g'urur tuyg'ularini tarbiyalashga xizmat qiladi.

Suhbatlar, hikoya qilishlar, dastlabki o'qishlar o'qilgan matnlar mazmuni bilan uzviy bog'langan bo'lishi, mavzuga qiziqish uyg'otishi, o'quvchilarni his-hayajon bilan o'qishga tayyorlashi va asarni to'g'ri tushunishga yordam berishi zarur.

Darsda o'quvchilarning faolligini oshiradigan, tasavvurlarini boyitadigan usullardan foydalanish, asarlarni janr mazmunidan kelib chiqib, rollarga bo'lib o'qish, qahramonlar nomidan qayta hikoya qilish, qahramonning taqdiri haqidagi hikoyani davom ettirish, qiziqarli mavzularda og'zaki hikoya tuzdirish kabi ijobiy topshiriqlardan foydalanish kabi ishlar amalga oshiriladi.


3-sinf o'qish fanidan "O'tmishni o'rganish – burchimiz" bo'limi, Mirkarim Osimning 1 soatga mo'ljallangan "Jaloliddin Manguberdi" matni bilan tanishtirish jarayonida, o'quvchilar, Jaloliddinning dushman ustidan g'alaba qozonishi, Chingizxon lashkarboshilariga Jaloliddindan o'rnak olishga da'vat etishi, Jaloliddin Vatani uchun o'z jonini fido qilganligi bilan tanishadilar. Mavzu mazmuniga oid maqollar bilan tanishadilar. Ongli va ifodali o'qish mashqlari o'tkaziladi. "Jaloliddin Manguberdi" mavzusi orqali boshlang'ich sinf o'quvchilarida milliy va umummadaniy kompetensiyalar shakllantiriladi. Asarda aks etgan vatanparvarlik, insonparvarlik g'oyalarini,

umuminsoniy va milliy qadriyatlar tasviridagi o'ziga xosliklarni anglay oladi, asardan ta'sirlanib, Jaloliddin Manguberdek mard, jasur, qo'rqmas bo'lishga intiladilar.

Bunda "Aqliy hujum" metodini quyidagicha qollash mumkin:

- Jaloliddin Manguberdi matni sizga yoqdimi?
- Sizga Jaloliddin Manguberding qaysi xislatlari yoqdi?
- Siz Jaloliddin Manguberdiga o'xshashni xohlaysizmi? Nima uchun?
- Chingizxon lashkarboshilarini nimaga da'vat etdi?
- Vatanimiz uchun o'z jonini fido qilgan yana kimlarni bilasiz?
- Sizda Jaloliddinning qaysi xususiyatlari bo'lishini xohlardingiz?

Venn diagrammasi interfaol metodi orqali o'quvchilarni tarixiy shaxslarni taqqoslashga, qiyoslashga o'rgatadi:



"Jaloliddin Manguberdi" matni bilan tanishgach o'quvchilarda ijtimoiy faol fuqarolik kompetensiyalar ya'ni asarda aks etgan Jaloliddin Manguberdi xos bo'lgan halollik, vijdonlilik, jonkuyarligiga qarab xolis va jiddiy mulohaza yurita oladi. Odobli, mehnatkash, kuchli, jasoratli, vatanparvar bo'lishga harakat qiladi.

"Yelpig'ich" texnologiyasining mohiyati shundan iboratki, bunda mavzuning turli tarmoqlari bo'yicha bir yo'la axborot beriladi. Ayni paytda ularning har biri alohida nuqtalarga tanqidiy, tahliliy va aniq mantiqiy fikrlashlarini muvaffaqiyatli rivojlantirishga hamda o'z g'oyalarini, fikrlarini yozma va og'zaki shaklda ixcham bayon etish imkoniyatini yaratadi:

1. Asarning tarbiyaviy tomonlarini aytib bering.
2. Voqealar ketma-ketligini yoriting
3. Qahramonlarning ijobiy va salbiy sifatlarini ochib bering.

Demak, boshlang'ich sinf o'quvchilarida tayanch kompetensiyalarni shakllantirishda, dars samaradorligini oshirishda interfaol usullar muhim ahamiyat kasb etadi.

## МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГЛАРНИНГ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Н. Абдуманнотова  
Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 4.2 банди "Педагог ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш" масалаларига бағишланган бўлиб, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замон талабларига мослашувчан, таълимнинг юқори сифатли ва барқарор ривожланишини



кўзловчи тизим вужудга келтирилади. Педагог кадрларни илдам қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш, рақобатбардош даражада уларнинг касб сифатини таъминланади, - деб кўрсатилган.

Глобаллашув шароитида тезкор ҳаракатланиш, керакли ахборотларни зудлик билан қўлга киритиш ва эгаллаш, уларни қайта ишлаш ҳамда амалиётга татбиқ қилишни талаб қилади. Бу жараёнларни амалга ошириш кўп жиҳатдан ўз соҳасининг билимдони, шахсий ва касбий компетентлиги юқори, бой тажриба ва маҳоратга эга бўлган кадрларга боғлиқ. Шу боис, умумий ўрта таълим мактабларининг педагог кадрларни малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашда ушбу талабларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

Умумий ўрта таълим мактабларининг педагоглари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида турли мутахасисликлар ўқитувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарабини бойитишда дарс жараёнларида инновацион таълим технологияларини ўқитишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари билан таништириш, педагогларда шахсий, касбий, умуммаданий, махсус компетентлик сифатлари ва креатив қобилият мазмун ва моҳияти билан таништириш муҳим аҳамият касб этади.

“Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида “Тегишли маълумоти, касб тайёрлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга”, - деб таъкидланган. Жисмоний соғлом, маънавий етук, мустақил фикрга эга бўлган авлодни етиштириш кўп жиҳатдан ўқитувчининг меҳнати ва маҳоратига боғлиқ. Бунинг учун аввало, ўқитувчини касбга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ўқув режага мувофиқ педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида барча йўналишда таҳсил олаётган тингловчиларга педагогика ва психологиянинг долзарб масалалари курси ўқитилмоқда. Албатта, мазкур умумкасбий фанларда бевосита ўқитувчининг компетентлиги масалаларига етарлича эътибор қаратилган. Бошқача айтганда, ушбу ўқув модули педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчилар томонидан ўзлаштирилаётган шахсий, касбий, умуммаданий, махсус билим, кўникма ва малакаларини, аниқроғи, компетентлик сифатларни ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Шу ўринда мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.Каримовнинг “Тарбиячи – устоз бўлиши учун, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий фуқоро этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи айнан шундай юксак талабларга жавоб бериш, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак”, - деган пурмано фикрларини таъкидлаш ўринлидир.

Аслида ҳам ўқитувчилик касбида билимдонлик, зукколик, касбий маҳорати етарли бўлмаса бундай шахс яхши ўқитувчи бўла олмайди. Аммо очиғини айтганда, машғулотларни ўтиш жараёнида кузатишларимиз, тингловчилар билан олиб борилган суҳбатлар, улар томонидан тингловчилар томонидан бажарилган малакавий битирув ишлари, ёзма ишлар, тест савол-жавоблари таҳлил қилинганда улардаги касбий, умуммаданий, махсус компетентлик даражалари етарли эмаслиги сезилиб қолмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

– тингловчилардан шахсий, касбий, умумий, махсус компетентликка хос бўлган бўшлиқлар аниқланиши ва уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқилиши;

– педагогика-психологиядан дарс берадиган профессор-ўқитувчиларнинг маъсулиятини ошириш;

– таълим муассасаларидаги ахборот-ресурс марказларида педагогларда компетентликни шакллантириш ва такомиллаштиришга оид янги адабиётлар билан таъминлашга эътиборни қаратиш;

– педагогларда шахсий ва касбий компетентликни шакллантиришга оид шарқ мутаффакирларнинг фикр-мулоҳазаларини тизимли равишда ўрганишни йўлга қўйиш;

– олий ўқув юртларининг компетентлиги ва креативлиги юқори бўлган профессор-ўқитувчиларининг имкониятларидан етарли даражада фойдаланиш;

– педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш йўналиши бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда профессор-ўқитувчиларнинг ўқув кўлланма, услубий кўрсатма ва тавсияларини малака ошириш ҳудудий марказларига етказиб бериш;

– оммавий-ахборот воситаларидан, жумладан, “Бошланғич таълим”, “Халқ таълими”, “Маърифат” газета-журналлар саҳифаларида педагогларда компетентликни шакллантириш тўғрисидаги мақолаларни тизимли равишда ёритиб боришни йўлга қўйиш.

Хуллас, мустақиллик йилларида педагогларда компетентликни шакллантириш билан боғлиқ бўлган ва кўлга киритилган ютуқлар ва илғор хорижий тажрибалар умумлаштирилиб, тингловчиларга етказилса, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга қўйилган давлат талаблари бажарилган бўлади.

## **БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ВАТАНПАРВАРЛИККА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

*О.Тухтаев, Ҳ.Қорабоев  
Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ватанпарварлик тарбиясини бошланғич синфларданок шакллантириш кераклигини таъкидлаганидек: “Барчамизга маълумки, инсон ўзини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғайиб боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади. Албатта, жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз Ўзбекистон ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган, мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши ҳаётимиз мазмунига айланишини истардим”. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб мавзуга айланди. Бу муҳим вазифа узлуксиз таълим тизимида амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизимининг асосий ва ажралмас бўғини – бошланғич таълим ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида такидланганидек “Бошланғич таълим (1-4-синфлар) ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий кадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради.”

Бошланғич синф ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда амалга оширилади. Дарс жараёнида бошланғич синф ўқувчиларига ўқитиладиган “Ўқиш”, “Китобим – офтобим”, “Одобнома” каби фанларнинг имкониятлари дарс жараёнида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда етарли даражада имкониятга эга. Биргина бошланғич синфларга мўлжалланган “Ўқиш” дарслиги мисолида кўриб чиқамиз. Бошланғич синфларда ўқитиладиган ўқиш фани дарслиги 1-синфда “Ўзбекистон – Ватаним маним (12 соат)”, “Биз – буюқлар авлоди (11 соат)” каби бўлимларда ўқувчиларга она-масканимиз – Ўзбекистон эканлиги, Ватан олдидаги бурчлари, масъулиятларини англашлари таъминланади, Ватанга муҳаббат ҳисси тарбияланади, ўқувчиларда миллий кадриятларга ҳурмат ҳисси ҳам шакллантирилади.

2-синфда “Она-юртим – олтин бешигим” бўлимига 19 соат ажратилган. Ушбу бўлим орқали ўқувчиларнинг 1-синфдаги олган билимлари мустаҳкамланади ва Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент эканлиги, унда ўн иккита вилоят борлиги, ҳар ким ўз она юртини севиши, унинг гўзаллиги ва тинчлиги учун ҳаракат қилиши кераклиги ўқувчиларга ҳаётий мисоллар

орқали тушунтирилади. Ўзбекистон харитасидан мамлакатимиз худудида ва ундаги қадимий шаҳарлар ота-боболаримиз ўз она юрти озодлиги йўлида курашиб келганликлари, бугунги Ватанимиз гўзаллиги, халқ фаровонлиги йўлида ўқиш ва меҳнат қилиш кераклиги ҳақида уқтирилади.

3-синф “Она битта, Ватан ягона” бўлимига 19 соат ажратилган, бу бўлимда Ўзбекистон Республикасининг мустақил мамлакат эканлиги, юртимиздаги сўнгги йилларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари тўғрисида маълумот берилади, озод ватаннинг чин фарзанди бўлиш, юрт фаровонлиги, халқ ҳаёти ва меҳнати фидоий замондошларимиз ҳақидаги билимлар берилган. “Ўтмишни ўрганиш – бурчимиз (13- соат)” бўлимига Ватанимизнинг буюк ўтмиши, аждодларимизнинг Ватан ва халқ учун жон фидо қилганликлари ҳақидаги билимлар Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий каби аждодларимиз ҳақида ҳикоя ва ривоятлар мисолида берилган. “Ватан ҳимоячилари (6-соат)” бу бўлимда она-юртга бўлган чексиз садоқат, Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир ўғил боланинг юксак йигитлик бурчи эканлиги “Ўзбекистон посбонлари”, “Бугун боламиз, эртага аскар бўламиз”, “Дунёни сақлар болалар”, “Ботир аскарча” каби асарлар мисолида ёритилган.

4-синф Ўқиш дарслигида “Истиқлолим – истиқболим (6 соат)”, “Ўзбекистон – Ватаним маним (8 соат)”, “Ватанимиз ўтмишидан (9 соат)” бўлимлари орқали ўқувчиларда Ватаннинг муқаддаслиги, ватаннинг ягоналиги ва унга бўлган муҳаббат туйғуси шакллантирилади. Бундан ташқари, она юртимизнинг шонли тарихи билан яқиндан таништирилади.

Таълим жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг дидактик имкониятлари етарли. Бошланғич синф (1-4 синфлар) ўқувчиларининг билим даражасига қўйилган ДТСнинг талабларини бажариш ҳам уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни таъминлайдиган асосий омиллардан биридир. Дарс жараёнида интерфаол методлардан ва дидактик ўйинлардан кўпроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Дарсликлардаги мустақил ўқиш учун берилган асарлар ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ва уларнинг мустақил фаолиятини йўлга қўйишда аҳамиятлидир.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ҳам ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим омили ҳисобланади. Мактабда фаолият юритаётган турли тўғаракларнинг фаолиятини жонлантириш, ватанпарварлик ғоялари билан суғорилган давра суҳбатлари, учрашувлар, бадий кечалар ўтказиш орқали ўқувчиларнинг олган назарий билимлари амалий, ҳаётий мисоллар орқали мустаҳкамланади. Экскурсиялар, тарихий обидаларга саёҳатлар уюштириш орқали ўқувчилар ватанпарварлик руҳида тарбияланиб борилади.

## **YOSHLARNING INTELLEKTUAL SALOHİYATINI YUKSALTIRISHDA ILMIY-MADANIY MEROSDAN FOYDALANISHNING AHAMİYATI**

*N. Nasriddinova, F.Yakubova, Z.Boysariyeva  
Samarqand pedagogika kolleji*

Mustabid tuzum davrida o'zbek xalqining asrlar davomida yaratib kelgan milliy-ma'naviy qadriyatlarini toptab kelinishi oqibatida o'zbek xalqi o'tmish ajdodlari uchun muqaddas bo'lgan va ularning mehnati bilan yaratilgan ma'naviy boyliklardan bahramand bo'lish imkoniyatlaridan mahrum bo'lib keldi. O'tmishda yaratilgan ilmiy va badiiy asarlar, san'at namunalari, milliy an'analar, urf-odatlar kamsitilishi bilan birga, ularni asrab-avaylash va kelajak avlodga yetkazish turli yo'llar bilan bo'g'ib kelindi.

Jamiyatda yashaydigan har bir fuqaroning ong-u tafakkuri sog'lom bo'lar ekan, bunday yurtda yashayotgan kishilarning milliy ma'naviy qadriyatlarga, adabiyotga, san'atga, mafkuraga bo'lgan qarashlari ham ijobiy tomonga o'zgaradi. Mustaqillikdan so'ng xalqimizning milliy,

ma'naviy qadriyatlarga e'tibori yanada yuksaldi. Milliy, ma'naviy, umuminsoniy qadriyatlarning yuksalishida, an'analimizning shakllanishida o'rta, maxsus kasb-hunar ta'limi tizimining ham o'ziga xos o'rni bor. Shuning uchun ham, jahon fani va madaniyati taraqqiyotiga mislsiz hissa qo'shgan ajdodlarimizning ma'naviy merosini yurtimiz kelajagi bo'lmish o'quvchi yoshlar ongiga singdirish bugungi kunning dolzarb vazifalaridan biridir.

O'rta asrlar Sharq tarixi shundan dalolat beradiki, madaniyat va ta'lim-tarbiya, tibbiyot, adabiyot, san'at va arxitektura sohalaridagi beqiyos yuksalish, ilmiy-madaniy markazlarning vujudga kelishi, yangi-yangi iste'dodlarning paydo bo'lishi – bularning barchasi, birinchi navbatda, iqtisodiyot, qishloq va shahar xo'jaligining ancha jadal o'sishi, hunarmandchilik va savdo-sotiqning yuksak darajada rivojlanishi, yo'llar qurilishi, yangi karvon yo'llarining ochilishi va, avvalambor, nisbiy barqarorlikning ta'minlanishi bilan bevosita bog'liq bo'lgan. 2014-yil 15-16-may kunlari Samarqand shahrida "O'rta asrlar Sharq allomalari va mutafakkirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojida ro'li va ahamiyati" mavzusida o'tkazilgan xalqaro konferensiyaning ochilish marosimida birinchi Prezidentimiz I.Karimov so'zlagan nutqida ana shu jihatlariga e'tibor berib shunday degan edi: "Bugungi konferensiyaning maqsadi – O'rta asrlarda Sharq olamida yashab ijod etgan buyuk alloma va mutafakkirlarning ilmiy merosini chuqur muhokama qilish va anglash, uning zamonaviy sivilizatsiya tarixida tutgan o'rni va rolga baho berishdan iborat". Bu ulug' allomalarning ilm-fan sohasiga baxshida etgan hayoti, ular erishgan va bugungi kunda butun insoniyatni hayratga solib kelayotgan yutuqlari – bu hech shubhasiz, haqiqiy ma'naviy jasorat namunasidir. O'rta asrlarda yashab ijod etgan buyuk Sharq alloma va mutafakkirlarining tengsiz asarlari, ilmiy merosi faqat bir millat yoki xalqning emas, butun insoniyatning ma'naviy mulkidir. Buyuk allomalarimizning boy ilmiy merosini, uning jahon hamjamiyatidagi ahamiyatini o'quvchilar ongiga singdirish yoshlarda g'urur-iftixor hislarini uyg'otibgina qolmay, ilm-fanga qiziqishlarini ham o'stiradi. Buning uchun quyidagilarga e'tibor berish lozim:

Birinchiidan, uch ming yillik tarixga ega bo'lgan xalqimizning ilmiy-madaniy merosi dunyo tamadduni taraqqiyotiga muhim ta'sir ko'rsatganligini dalillar orqali tushuntirish.

Ikkinchiidan, Birinchi Prezidentimiz I.Karimovning "Qayerda tinchlik bo'lsagina ilm-fan markazlari, akademiyalar, oliy o'quv yurtlari paydo bo'ladi. Eng muhimi, ta'lim-tarbiya ravnaq topib, unga qiziqish, e'tibor kuchayadi", - degan so'zlarining ma'nosini ochib berish.

Uchinchiidan, Buyuk Ipak Yo'li, Ma'mun Akademiyasi, Bag'dod Akademiyasi, Ulug'bekning ilmiy maktabi Sharq xalqlari tarixida muhim o'rin tutganligini ko'rsatib berish.

To'rtinchiidan, zaminimizdan yetishib chiqqan buyuk allomalar: Al-Xorazmiy, Ahmad Farg'oniy, Beruniy, ibn Sino, Forobiy, Mahmud Koshg'ariy, Mahmud Zamaxshariy, Mirzo Ulug'bek, Qozizoda Rumiy, Ali Qushchi, Alisher Navoiy, Zahriddin Muhammad Bobur va boshqa mutafakkirlarning merosi jahon ahamiyatiga molik bebaho boylik ekanini tushuntirib berish.

Beshinchiidan, buyuk ajdodlarimizning bebaho asarlarini jahon mulkiga aylantirishda katta hissa qo'shgan xorijlik va mahalliy sharqshunos olimlarning xizmatlari haqida so'zlab berish.

Oltinchiidan, buyuk ajdodlarimiz yaratgan bebaho tarixiy silsila bundan buyon ham davom etajagi, mamlakatimizda ta'lim sohasidagi islohotlarning berayotgan samarasi haqida o'quvchilarga ma'lumot berish. Ana shu maqsadlarni amalga oshirish uchun kollejlarda o'quvchilar allomalarimiz asarlarini, ularning hayot yo'llarini o'rganishlari lozim. Chunki ularning asarlarida mehr-oqibat, axloq-odob, halollik, poklik, do'stlik, ota-ona va farzandlarning haq-huquqlari kabi barcha insoniy tuyg'ular, burch va vazifalar o'z ifodasini topgan. Kollejlarda ma'naviyat asoslari odobnoma, adabiyot, xorijiy tillar va boshqa darslarni o'qitish jarayonida yuqorida qayd etilgan mana shu insoniy tuyg'ularni o'quvchilar ongiga singdirish o'qituvchi oldidagi amalga oshirilishi lozim bo'lgan eng muhim vazifalardan biridir.

## ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ, ОРИЕНТИРОВАННЫЕ НА ФОРМИРОВАНИЕ КОМПЕТЕНЦИЙ УЧАЩИХСЯ

*Л.Э.Курахмедова  
академический лицей №2 при СамИСИ*

Главным условием для развития активного, самостоятельного, творческого мышления учеников является возможность применять полученные знания в новых, нестандартных ситуациях. Как известно, развитие мыслительной деятельности детей тесно связано как со знаниями, приобретенными в ходе обучения, так и со способами их усвоения, т.е. степенью мыслительной активности учеников в ходе применения полученных знаний. Такую возможность дают непривычные формулировки заданий, применение нового языкового материала, необходимость сделать самостоятельный вывод, обобщение.

Для того чтобы сделать учебный процесс интересным и насыщенным, необходимо применение новых технологий, нового подхода в преподавании. Сегодня актуальны современные педагогические технологии, в основе которых лежат принципы деятельностного подхода и развивающего обучения, формирующие ключевые компетенции у учащихся на уроках русского языка и литературного чтения в школах с узбекским и другими языками обучения.

Так, при применении интерактивных методов у учащихся формируются следующие компетенции:

– коммуникативная, так как учащиеся находятся во взаимодействии с другими учащимися и учителем, умение отстаивать собственную позицию, уважая мнение собеседника, умение убеждать его с помощью языковых средств;

– самосовершенствования, так как ученик получает в процессе обучения новые знания и может их применить на практике; социально-гражданской активности, так как учащиеся могут адекватно оценивать свои действия, быть честным, справедливым, объективным.

Технология «Проектов» способствует формированию компетенции самосовершенствования, социально-гражданской активности. В проектной технологии учащиеся, делясь на несколько творческих групп, выполняют свои, заданные учителем, функции, они несут ответственность за свою работу, которая является важной частью целой.

Новые информационные технологии (информационной компетенции) направлены на совершенствование: - умение пользоваться существующими источниками информации: книги, учебники, словари, справочники, энциклопедии, каталоги, интернет, электронная почта, телевидение, радио, аудио-видео записи, а также навыки использования информационных устройств (мобильный телефон, компьютер, CD-Rom, принтер, модем и др.); - умение находить, отбирать, преобразовывать, сохранять, передавать сведения из медиасредств, соблюдая правила их использования; - умение самостоятельно подготовить сообщение с использованием различных источников информации; - умение создавать базу данных, отбирать основное и анализировать полученные сведения писать рефераты, доклады; - умение работать с различной документацией в учебной и повседневной жизни (конспекты уроков, анкеты, поздравления ...).

Мы называем преподавание и обучение интерактивным, если во время занятия между учащимися, а также между учащимися и учителями наблюдается высокий уровень взаимодействия. Такое взаимодействие обычно происходит в форме обсуждения, каким образом решить ту или иную проблему и насколько приемлемо предложенное решение. Пожалуй, наиболее важно здесь понять, что процесс решения проблемы становится таким же важным или, возможно, даже важнее, чем сам ответ, это связано с тем, что целью интерактивной методики является не просто передача информации, а привитие учащимся навыков самостоятельного нахождения ответов.

Количественный состав группы не определяет качество учебы или взаимодействия. Ключевая особенность метода “взаимодействие” состоит в том, что он представляет собой процесс открытия, сущность которого заключается в овладении учащимися навыками обучения через взаимодействие. Это происходит по следующим причинам:

- учащиеся не только получают информацию, они также вынуждены дать логическое объяснение, почему их путь к решению и само решение является правильным или, по крайней мере, лучшим из имеющихся вариантов;
- учащиеся прорабатывают идеи более глубоко, т.к. они знают, что нелогично построенные заключения будут оспариваться;
- учащиеся во время решения проблемы используют свой и чужой опыт. Такой общий фонд знания больше, чем знания любого отдельного ученика;
- учитель тоже может учиться, узнавая что-то новое от учеников.

Внедрение компьютерных технологий в образовательную среду урока позволяет повышать и стимулировать интерес учащихся, активизировать мыслительную деятельность и эффективность усвоения материала, индивидуализировать обучение, повышать скорость изложения и усвоения информации, а также вести экстренную коррекцию знаний. Применение информационных технологий на уроках необходимо, и мотивировано это тем, что они позволяют эффективно организовать групповую и самостоятельную работу на уроке; способствуют совершенствованию практических умений и навыков учащихся; позволяют индивидуализировать процесс обучения; повышают интерес к урокам русского языка и литературы; активизируют познавательную деятельность учащихся; развивают творческий потенциал учащихся; осовременивают урок.

Использование данных технологий на уроках имеет большие преимущества:

1. Учебный процесс становится для учащихся интересным, что повышает активность учащихся, развивает навыки самостоятельно получать знания в процессе взаимодействия и поиска.
2. Повышается качество и прочность, полученных знаний.
3. Развиваются исследовательские навыки и умения, формируются аналитические способности учащихся.
4. Параллельно с процессом обучения идет формирование коммуникативных качеств и формирование лидерских качеств личности.

## **КОМПЕТЕНТНОСТНЫЙ ПОДХОД В ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ**

*М.С.Мавлонова  
Школа №14 г.Самарканда*

С развитием общества возрастают и требования к процессу обучения русскому языку. В настоящее время ведущим принципом обучения становится компетентностный подход. Внедрение государственных образовательных стандартов образования на основе компетентностного подхода актуализирует значимость применения новых образовательных технологий и интерактивных методов в процессе обучения.

В последние два десятилетия в Узбекистане вопросам обучения иностранным языкам уделяется пристальное внимание. Об этом свидетельствует принятие Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении Государственных образовательных стандартов общего среднего, среднего специального и профессионального образования» № 187 от 6 апреля 2017 года, распоряжение кабинета министров республики Узбекистан от 25 июля года за №803-Ф, совместное постановление Министерства народного образования, Министерства высшего и среднего специального образования, центра среднего специального профессионального образования “Об обеспечении учебниками 10 класса по общеобразовательным предметам предметам общего среднего образования и учебных

заведений среднего специального, профессионального образования на 2017-2018 учебный год”.

На современном этапе развития общества главной задачей методической науки является воспитание личности, стремящейся к максимальной реализации своих возможностей, открытой для восприятия нового опыта, способной на осознанный и ответственный выбор в различных жизненных ситуациях. Чтобы воспитать такую личность, необходимо научить обучаемых коммуникативной компетенции. Воспитанный в таких условиях обучаемый в конечном итоге должен достичь уровня, определяемого как уровень «языковой личности».

В настоящее время перспективными направлениями развития методики обучения иностранным языкам являются внедрение принципа коммуникативной направленности, инновационных технологий, личностно ориентированного подхода, гуманизация учебного процесса и демократизация взаимоотношений субъектов данного процесса.

Инновации в сфере обучения иностранному языку могут быть связаны с внесением изменений не только в цели, содержание, методы и технологии, формы организации и систему управления, но и в стили педагогической деятельности и организацию учебно-познавательного процесса. Следовательно, определение оптимальных путей внедрения в процесс обучения инновационных технологий, целенаправленное внедрение перспективных идей и разработок является одной из актуальных проблем современной методики. Учет вышеперечисленных положений в организации процесса обучения русскому языку является не только потребностью людей, но и социальным заказом общества. Успешность решения этих проблем может привести к оптимизации процесса обучения и увеличению его результативности.

В традиционной организации учебного процесса в качестве способа передачи информации используется односторонняя форма коммуникации. Суть ее заключается в трансляции преподавателем информации и в ее последующем воспроизведении обучающимся. Обучающийся находится в ситуации, когда он только читает, слышит, говорит об определенных областях знания, занимая лишь позицию воспринимающего. Иногда односторонность может нарушаться (например, когда обучающийся что-либо уточняет или задает вопрос), и тогда возникает двусторонняя коммуникация.

Характерно, что односторонняя форма коммуникации присутствует не только на лекционных занятиях, но и на семинарских. Отличие только в том, что не преподаватель, а обучающийся транслирует некоторую информацию. Это могут быть ответы на поставленные преподавателем до начала семинара вопросы, рефераты, воспроизведение лекционного материала. Такая форма коммуникации не отвечает принципам компетентностного подхода.

Принципиально другой является *форма многосторонней коммуникации* в образовательном процессе. Сущность данной модели коммуникации предполагает не просто допуск высказываний обучающихся, что само по себе является важным, а привнесение в образовательный процесс их знаний.

Преподавание, открытое в коммуникативном плане, характеризуют следующие утверждения:

1. Обучающиеся лучше овладевают определенными умениями, если им позволяют приблизиться к предмету через их собственный опыт.

2. Обучающиеся лучше учатся, если преподаватель активно поддерживает их способ усвоения знаний.

3. Обучающиеся лучше воспринимают материал, если преподаватель, с одной стороны, структурирует предмет для более легкого усвоения, с другой стороны, принимает и включает в обсуждение мнения обучающихся, которые не совпадают с его собственной точкой зрения.

Переход на компетентностный подход при организации процесса обучения предусматривает широкое использование в учебном процессе активных и интерактивных форм проведения занятий (компьютерных симуляций, деловых и ролевых игр, разбора

конкретных ситуаций, психологических и иных тренингов) в сочетании с внеаудиторной работой. Удельный вес занятий, проводимых в интерактивных формах учебном процессе, должен быть намного выше, чем на традиционных уроках. Трудности применения интерактивных методов в образовательном процессе преподавателями связаны с:

- незнанием содержания метода;
- неумением применять его на практике;
- не пониманием места метода в структуре занятия;
- неверием в эффективность применения новых методов в процессе обучения.

Предлагаемый подход имеет коммуникативную ориентированность содержит такие компоненты, как речевая компетенция, языковая компетенция и социально-культурная компетенция, раскрывающие содержание понятия коммуникативная компетентность. В программу по русскому языку в настоящее время также вводятся понятия «коммуникативная компетенция», «языковая компетенция», «лингвистическая компетенция», «культуроведческая компетенция». Для того чтобы учащиеся в полном объеме могли овладеть вышеперечисленными компетенциями, необходимо вести целенаправленную систематическую работу по развитию устной и письменной речи. Эту работу с детьми надо начинать с первых дней пребывания в школе.

## ФОРМИРОВАНИЕ КЛЮЧЕВЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ УЧАЩИХСЯ В СООТВЕТСТВИИ С ТРЕБОВАНИЯМИ МОДЕРНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ

*Х.Р.Бердимурадова*  
*Школа №81 Пайарыкского района*

Сегодня главной задачей образования является подготовка выпускника такого уровня, чтобы попадая в проблемную ситуацию, он мог найти несколько способов её решения, выбрать рациональный способ, обосновав своё решение.

Все преобразования, которые происходят в системе образования обоснованы документами. Главной целью образования является формирование разносторонне развитой личности, способной реализовать творческий потенциал в динамичных социально-экономических условиях как в собственных жизненных интересах, так и в интересах общества.

В связи с этим в современном педагогическом процессе существенно возрастает роль профессионально компетентных педагогов к организуемой ими учебной деятельности учащихся. Рассматривать вопрос формирования компетентностей начнём с определений:

**Компетенция** – это определённая область (сфера) окружающей действительности или деятельности. Например: образовательная компетенция учащихся, педагогическая компетенция учителя, медицинская компетенция врача и т.д.

Способность, умение (или потенциал) осуществлять действия в этой области или различных областях окружающей действительности на основе опыта, имеющихся знаний, постоянного самообразования называется **компетентностью**. Другими словами, компетентность – это способность установить и реализовать связь между “знанием – умением” и ситуацией.

Компетентности классифицируются:

1. Ключевые, включают (работа с числом, коммуникативная, информационные технологии, самообучение, работа в команде, решение проблем, быть человеком).
2. По видам деятельности (трудовая, учебная, коммуникативная, профессиональная, предметная, профильная)
3. По сферам общественной жизни (бытовая, гражданско-общественная, в искусстве, культурно-досуговая, в физкультуре, спорте, в образовании, в медицине, в политике и т.д.).
4. В отраслях общественных знаний (в математике, физике, в гуманитарных науках, в обществознании, в биологии).



5. В отраслях общественного производства.

6. По составляющим психологической сферы (когнитивная, технологическая, мотивационная, этническая, социальная, поведенческая).

7. В областях способностей (в физической культуре, умственной сфере, общественные, практические, исполнительные, творческие, художественные, технические, педагогические, психологические, социальные).

8. В областях по ступеням социального развития и статуса (готовность к школе, компетентности выпускника, молодого специалиста, специалиста – стажёра, руководителя).

Как видите, компетентностей достаточно много, но как вы заметили, что среди них выделяют ключевые (основные).

Это наиболее общие (универсальные) культурно-выработанные способы действия (способности и умения), позволяющие человеку понимать ситуацию, достигать результатов в личной и профессиональной жизни в условиях конкретного общества. Они приобретаются в результате опыта успешного применения полученных в образовательном процессе умений.

К ключевым компетентностям относятся:

1. Коммуникативная компетенция – К1

2. Информационная компетенция – К2

3. Компетенция самосовершенствования – К3

4. Компетенция социально-гражданской активности – К4

5. Национально- и общекультурная компетенция – К5

6. Компетенция математической грамотности, осведомлённость о достижениях науки и техники, умение пользоваться ими – К6

Формирование учащихся ключевых компетентностей в учебном процессе называется компетентностным подходом. Его специфика состоит в том, что усваиваются не “готовые знания”, кем то предложенные к усвоению, а “прослеживаются условия происхождения данного знания”. Ученик сам формирует понятия, необходимые для решения задач. При таком подходе учебная деятельность, периодически приобретая исследовательский или практико-преобразовательный характер, сама становится предметом усвоения.

В образовательных стандартах для каждого предмета определён перечень формируемых компетентностей. Теперь сравним стандарт в предметно-ориентированном подходе обучения и стандарт в проекте модернизации, т.е. с компетентно-деятельностным подходом в обучении. Итак, целью предметно-ориентированного подхода является обучение знаниям, умениям, навыкам, которыми должен владеть выпускник. Такой подход оказался недостаточным, кроме ЗУНов выпускники должны быть готовы к включению в дальнейшую жизнедеятельность, способные решать встающие перед ними жизненные и профессиональные проблемы, должен обладать определёнными умениями, способностями, а так же качествами.

Какие личностные качества подлежат развитию?

1. Когнитивные (познавательные) качества – умение чувствовать окружающий мир, задавать вопросы, отыскивать причины явлений, обозначать своё понимание или непонимание вопроса.

2. Креативные (творческие) качества – вдохновлённость, фантазия, гибкость ума, чуткость к противоречиям, раскованность мыслей, чувство движений, прогностичность, критичность, наличие своего мнения.

3. Оргдеятельностные (методологические) качества – способность осознавать цели учебной деятельности и умение их прояснить, умение поставить цель и организовать её достижение, способность к творчеству, рефлексивное мышление, самоанализ, самооценка.

4. Коммуникативные качества, связанные с необходимостью взаимодействовать с другими людьми, с объектами окружающего мира и его информационными потоками; умение отыскивать; преобразовывать и передавать информацию; выполнять различные

социальные роли в группе и коллективе, использовать современные телекоммуникационные технологии (Интернет, электронная почта).

5. Мировоззренческие качества, определяющие эмоционально-ценностные установки ученика, его способность к самопознанию, умение определять своё место и роль в окружающем мире, в семье, в коллективе, в природе, государстве, национальные и общечеловеческие устремления, патриотические качества личности, способность к толерантности, интеллект.

Какие достижения учащихся можно считать показательными в овладении ими ключевыми компетенциями? В каких условиях могут формироваться, быть приобретены эти способности, т.е. ключевые компетенции. Каким требованиям, по вашему мнению должно соответствовать образовательное пространство урока, школы, чтобы ученик мог овладеть ключевыми компетенциями?

Овладение ключевыми компетенциями учащимися школы возможно при соблюдении целого ряда требований:

#### **I. Дидактические требования:**

1. Чёткое формирование образовательных задач
2. Определение оптимального содержания урока
3. Прогнозирование уровня усвоения учащимися научных знаний
4. Выбор наиболее рациональных методов, приёмов, средств обучения, стимулирования и контроля
5. Реализация на уроке всех дидактических принципов.

#### **II. Психологические требования:**

1. Определение содержания и структуры урока в соответствии с принципами развивающего обучения
2. Особенности самоорганизации учителя
3. Организация познавательной деятельности
4. Организация деятельности мышления и воображения учащихся в процессе формирования новых знаний и умений
5. Организованность учащихся
6. Учёт возрастных особенностей

#### **III. Требования к технике проведения урока:**

1. Урок должен быть эмоциональный
2. Темы и ритм урока должен быть оптимальным
3. Полный контакт учителя и учащихся.
4. Атмосфера доброжелательности и активного творческого труда.
5. Смена видов деятельности
6. Обеспечение активного учения каждого ученика.

Невозможно говорить об овладении школьниками ключевых компетенций если не соблюдать гигиену школы и класса

#### **IV. Требования к гигиене урока:**

1. Температурный режим
2. Проветривание
3. Освещение
4. Предупреждение утомления
5. Чередование видов деятельности
6. Физкультминутка
7. Правильная рабочая поза учащихся.
8. Соответствие роста школьной мебели.

#### **V. Формируются компетентности, если:**

1. Обучение носит деятельностный характер.

2. Идёт ориентация учебного процесса на развитие самостоятельности и ответственности ученика за результаты своей деятельности. (для этого необходимо увеличить долю самостоятельных работ творческого, поискового, исследовательского и экспериментального характера).

3. Если создаются условия для приобретения опыта и достижения цели.

4. Применяются такие технологии преподавания, в основе которых лежат самостоятельность и ответственность учителя за результаты своих учеников (проектная методика, реферативный подход, рефлексия, исследовательский, проблемный методы, программированное обучение, интеграция, дифференцированное обучение, развивающее обучение, ИКТ).

5. Усиление практической направленности школьного образования (через деловые, имитационные игры, творческие встречи, дискуссии, круглые столы).

6. Если учитель умело управляет обучением и деятельностью ученика. Ещё Дистерверг говорил, что “Плохой учитель преподносит истину, хороший – учит её находить”, а для этого он (хороший учитель) должен сам обладать педагогической компетентностью: т.е. быть – предприимчивым, ответственным, коммуникабельным, творческим, самостоятельным человеком, способным видеть и решать проблемы автономно и в группах, готовый и способный постоянно учиться новому в жизни и на рабочем месте, работать в команде, владеть методиками диагностики своего предмета и психологического развития детей, быть культурным и привлекательным.

## МАТЕМАТИК ТАФАККУРНИ ШАКЛАНТИРИШДА MASALALARNING O'RNI


*S.Umarov*  
*Samarqand VXTXQTMOI*

Matematika o'qitish metodikasida o'quvchi matematik misol va masalalarni shunchaki yechishi emas, balki tushinishi muhim ahamiyat kasb etadi. Ya'ni, “Nima berilgan? Nima noma'lum? Masala (misol) shartiga ko'ra nimani topish kerak? Noma'lumni topish uchun masala shartlari yetarli? Yoki yo'q? Yoki ko'pmi? Yoki shartlari bir biriga zidmi? Zid bo'lsa nimaga? Chizmasini chizing. Shartini ifodalang. Mos belgilashdar kiriting. Shartlarni qismlarga ajratib, jarayonni tassavur qiling kabi yo'naltiruvchi murojatlar orqali o'qituvchi o'quvchilarda kommunikativ, axborot bilan ishlash, shaxs sifatida o'z-o'zini rivojlantirish, ijtimoiy faol, umumdaniy, matematik savodxonlik, fan va texnika yangiliklaridan xabardor bo'lish hamda foydalanish kompetensiyalarini shakllantiradi. Buning uchun esa o'quvchilar matematik tilni bilishlari lozim. Chizmalarni aniq chizish, nutqimiz orqali ifodalaydigan matematik tushunchalarni matematik simvol (belgi)lar asosida qo'llash. Matematik tilni yaxshi o'zlashtirgan o'quvchi keyingi bosqichda matematik masala (misol)larni yechishi, tafakkurini amaliy yo'nalishga boshqarib, modellashtirish, tadqiqodlar o'tkazish imkoniyatiga ega bo'ladi.

Masalan, 7-sinfda o'tiladigan “Ikki to'g'ri chiziqning uchinchi to'g'ri chiziq bilan kesishishidan hosil bo'lgan burchaklar” mavzusini o'tish jarayonida “Tushunchalar tahlili” metodini qo'llab, bilimlarini mustahkamlashimiz mumkin:


	<b>Tasdiq</b>	<b>Tahlil (izoh)</b>
	MN II AB	
		Bir tomonlama burchaklar
	$\sphericalangle 5 = \sphericalangle 2$	
		Mos burchaklar
	$\sphericalangle 1 + \sphericalangle 2 + \sphericalangle 3 = 180^0$	

Yoyiq burchak  $180^0$  ga teng



1

Vazifa: berilgan chizma asosida jadvalni tahlil qilib to'ldirish. Jadvalning tasdiq qismini matematik tilda, tahlil qismini nutqimiz orqali ifodalaydigan tilda to'ldirish kerak. Muhim shartlaridan biri hamma o'quvchilarni tinglash. Chunki qancha ko'p fikr aytilsa, shuncha tahlil qilish imkoniyati ko'payadi. Masalan birinchi satrni a) Shartga ko'ra AB kesma MN to'g'ri chiziqqa parallel, b) AB va MN lar o'zaro parallel, s) ABC uchburchakning AB tomoniga C uchidan MN parallel tug'ri chiziq o'tkazilgan, d) ABC uchburchakning C uchidan AB tomoniga MN parallel tug'ri chiziq o'tkazilgan. Ikkinchi satrini to'ldirish uchun o'quvchilar vertikal burchaklar, bir tomonlama burchaklar,  $a$  va  $b$  to'g'ri chiziqlarning parallellik shartlarini bilishlari kerak. "Agar  $a$  va  $b$  to'g'ri chiziqlar o'zaro parallel bo'lsa, u holda hosil bo'lgan bir tomonli burchaklar yig'indisi  $180^0$  bo'ladi" Yoki teskarisi.



$$\angle 1 + \angle 2 = 180^{\circ} \Rightarrow a \parallel b$$

va (2) chizmalarni solishtirib, tahlil qilinsa:  $\angle 4 + \angle 2$  va  $\angle 1$ ,  $\angle 6 + \angle 2$  va  $\angle 3$  bir tomonlama burchaklar. Uchinchi satrda beshinchi va ikkinchi burchaklar vertikal burchaklar. O'qituvchi variantida:

Tasdiq	Tahlil (izoh)
MN $\parallel$ AB	ABC uchburchakning C uchidan AB tomoniga MN parallel tug'ri chiziq o'tkazilgan
$\angle 4 + \angle 2$ va $\angle 1$ , $\angle 6 + \angle 2$ va $\angle 3$	Bir tomonlama burchaklar
$\angle 5 = \angle 2$	Beshinchi va ikkinchi burchaklar vertikal burchaklar
$\angle 4$ va $\angle 3$ $\angle 6$ va $\angle 1$	Mos burchaklar
$\angle 1 + \angle 2 + \angle 3 = 180^0$	Uchburchak ichki burchaklarining yig'indisi $180^0$
$\angle 4 + \angle 5 + \angle 6 = 180^0$ $\angle 6 + \angle 2 + \angle 4 = 180^0$	Yoyiq burchak $180^0$ ga teng

O'quvchi Nima qilayapman? Nima uchun qilayapman? Qanday qilayapman? Nimaga ega bo'ldim? savollariga javob berish jarayonida bilganlarini tahlil qiladi, so'raydi, tushuntiradi. Endi u to'g'ri chiziqlar va ko'pburaklarga doir masalalarni shakllantirib yecha oladi.

*Algebraik masalani qaraylik.* Men siz bilan shartnoma tuzmoqchiman. Unga ko'ra men sizga bir oy mobaynida har kuni 100 000 sum beraman. Siz esa menga birinchi kuni 1 tiyin, ikkinchi kun 2 tiyin, uchinchi kun 4 tiyin, beshinchi kun 8 tiyin va h.k. Bu shartnomaga rozimisiz?

Yechish: Tahlil qilaylik, men sizga bir oy mobaynida  $100\ 000 \times 30 = 3\ 000\ 000$  so'm beraman.

Siz esa menga  $1+2+2^2+2^3+2^4+\dots+2^{29} = 2^{30}-1=1073\ 741\ 823$  tiyin = 10 737 418 so'm 23 tiyin

Masalani yechib ko'rib o'quvchilar men bilan shartnoma tuzishdan ularga foyda yuqligini tushunishadi. Xulosa: pul yo'qotmaslik uchun doimo hisob - kitob qilish kerak. Matematik masalalarni yechish hayotiy ko'nikmalarni (refleksiv kompetensiya) shakllantiradi.

Biz qaysi tilda muloqot qilishimizdan qat'iy nazar matematik til hamma uchun bitta.

## МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Э.М.Мардонов, Қ.Остонов*  
*СамДУ,*  
*Ш.С. Хайитмуратов*  
*Самарқанд ВХТХҚТМОИ*

Ўзбекистонда умумтаълим мактаблари олдида турган муҳим вазифалардан бири таълим мазмуни сифатини аниқловчи таянч компетенцияларни шакллантириш вазифаси ҳисобланади. Таянч компетенциялар деганда, ўқувчиларнинг универсал билим, кўникама ва малакалари ягона системаси ҳамда мустақил фаолият тажрибаси ва шахсий маъсулияти тушунилади.

Ўқитувчидан болаларга шундай билимлар бериш, шундай кўникмаларни шакллантириш ва шундай малакаларни ривожлантириш талаб қилинадик, уларни ҳозирги замон ўқувчиси ўзининг келгуси ҳаётида қўллай олсин. Фанда компетентлик тушунчасига умумий ёндашув йўқ, лекин уни ҳар ким ўзича тушунади. Ана шундай кенг маънода дунёда таълим стандартлари мазмуни ва ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш жараёнларига ўзгартиришлар киритилмоқда. Ўзбекистонда ҳам таълимда компетент ёндашувнинг асосий қоидалари ишлаб чиқилган, унинг асосида ўқувчилар компетентлиги асосий масала ҳисобланади.

Компетентликнинг асосий белгиси бу қобилиятларни компетентлик дастлаб пайдо бўлгандагидан фарқ қилувчи шароитларга ўтказиш имконияти ҳисобланади. Рус педагоги А.В.Хуторский асосий таянч компетенциялар мазмунига қуйидагиларни киритишни таклиф этган: қадрият-маъноли, умуммаданий, ўқув-билиш, ахборот, коммуникатив, ижтимоий-меҳнат, шахсий компетенциялар.

Ҳар қандай кишига самарали, рақобатбардош ходим бўлиши, ижодий, мустақил, маъсулиятли, коммуникабел инсон бўлиши, шахсий ва жамоа муаммоларини ҳал қилишга қобилиятли бўлиш талаб этилади. Унга янгиликларни ўрганишга интилиш, зарур маълумотни топиш ва саралай олиш каби кўникмалар шаклланган бўлиши зарур. Бундай барча ҳислатларни мактабда, ихтиёрий предметни, жумладан математикани ўрганишда компетентлик ёндашувини йўлга қўйган ҳолда амалга ошириш мумкин, бу эса таълимнинг шахсий ва ижтимоий маъноларидан бири ҳисобланади.

Ўқувчиларда таянч компетенциялари орқали уларнинг универсал билим, кўникама ва малакалари ягона системаси ҳамда мустақил фаолият тажрибаси ва шахсий маъсулияти шаклланади. Таянч компетенцияларни 5-синфдан бошлаб ривожлантириш мумкин.

**Қадрият маъноли компетенция.** Ўқувчи бугун ҳамда кейинги машғулотда нимани ва қандай ўрганаётганини ва қандай қилиб олинган билимлардан кейин ҳаётида фойдаланишини тасаввур қилиши лозим, бу компетентликнинг бу кўринишини ривожлантириш учун қуйидаги усулларни қўллаш мумкин.

1. Янги мавзунини ўрганиш олдидан ўқитувчи бу ҳақда гапиради, ўқувчилар бу мавзу бўйича нимага, нима учун, қандай, нима билан, нима ҳақда каби саволлар тузадилар ва энг кизиқарлиси баҳоланади ва ҳеч қандай савол жавобсиз қолмайди. Натижада ўқувчилар қачон ва қандай нимани ўрганишларни аниқ билиб оладилар. Бундан ташқари, бу усул уларга

мазуни ўрганиш мақсадини тушунишларига ҳамда дарснинг билимлар системасидаги ўрнини англашларига ва демак бу дарс материалининг бутун мавзудаги ўрнини англашларига имкон беради.

2. Қандайдир конкрет машғулотда ўқувчилар мустақил равишда дарсликнинг алоҳида параграфини ўрганадилар ва бу параграф конспектини тузадилар. Улар олдига масала қўйилади. Ўқилган нарсани қайта сўзлаб бериш ёки тушунтириб бериш, ажратиш, белгилаш, хулоса чиқариш, қайд этиш, санаб ўтиш, талаффуз этиш ва ҳ.клар таклиф этилади. Натижада ўқувчилар нафақат ўрганилаётган материални тушунадилар балки муҳимини ажратиш, унинг бошқалар учун, балки ўзи учун муҳимлигини асослашга ўрганадилар.

3. Олимпиада давомида ўқувчидан ундан предмет мантиқини қўллашни талаб этувчи ностандарт топишириқларни қўллаш ҳам бир усул ҳисобланади. Масалан “Вали 10 синфда, Карим 7 синфда ўқийди. Вали 6 синфда ўқиганида Карим нечанчи синфда ўқиган ?” Бу масалани ечишда ўқувчи иккита амални ажратишлари а) болалар ёшлари орасидаги айирмани топиш, б) якуний жавобни топиш. Кўпгина ўқувчилар тўғри жавобни топадилар, лекин уларнинг бир нечтасигина масала ечимини қисқа ёзувини келтира оладилар. Масалани кўргазмали тасвирини ясай оладилар ва у ана шундай ўқувчиларда математик тафаккур ривожланган бўлади ва улар масала матнини схематик тасвирини туза оладилар.

4. Бу компетенцияда мактабда касбга йўналитириш ҳақида гапириш мумкин ва уларда улар қизиққан соҳани танлашларига ёрдам берилади. Бунда масалалар нафақат математикани билишни, балки амалий зийракликни ривожлантиришга, конкрет вазиятда муаммони еча олишга ўргатишга йўналтирилган бўлади. Улардан баъзиларини келтирамыз.

Амалий масалалар:

• Узунлиги 40 см, эни 25 см ва баландлиги 10 см қопқоқсиз қутини ясаш учун қандан ўлчамдаги картон талаб этилади?

• Узунлиги 17 см, эни 13 см ва баландлиги 5 см қопқоқсиз 19 та қутини ясаш учун неча 120 см х 105 см ўлчамдаги темир тунука керак бўлади?

• Узунлиги 7 м ва эни 5 м бўлган полни қоплаш учун эни 2,5 м бўлган линолеумдан неча погон метр талаб этилади?

• Мактаб 424 ўқувчини Самарқандга Улуғбек расадхонасини кўриш учун ва 477 ўқувчини Регистон майдонига экскурсияга жўнатмоқда Автобусларда ҳар бир ўқувчи жойга эга ва уларнинг барчаси банд бўлиши учун қанча жой бўлиши лозим. Бундай автобуслардан нечтасини буюртма қилиш лозим.

**Умуммаданий компетенция.** Бошқа фанлардан маълумотларни математика дарсларида фойдаланиш ва математика тушунча ва усулларини бошқа дарслар ва ҳаётда қўллаш бу компетенция зиммасига киради. Математика дарсларида ўқитувчи предмет ташкил этувчисини ажратиши, маълум усулларни янги вазиятда қўллашни ўргатишга ёрдам бериши лозим. Масалан, физика ва кимё дарсларида тенгламалар системалари ёрдамида матнли масалаларни ечишга ўргатиш қийинчиликларига дуч келади. Бунга сабаб математик моделни қуриш қийинлиги, номаълум символларнинг борлиги, масала шартини тушунмаслик, математик аппаратни янги белгилашларга қўллай олмаслик. Бунини бартараф этиш учун:

1. Символик матн билан ишлашда баъзи усулларни намоёниш этиш, унинг маъноси, мантиқи, алмаштиришлар хусусиятларини очиб бериш лозим;

2. Символик матн билан ишни ташкил этиш оддий матнни математик тилга ўтказиш, геометрик тилдан векторлар тилига, бир усул билан берилган моделдан бошқасига ўтиш, яъни масалани қайта бошқадан ифодалаш каби усулларга ўргатиш талаб этилади.

3. Саводли мантиқан тўғри нутқни шакллантиришда математик луғатни тузиш, математик диктантлар ўтказиш, тартибли сонларни, математик атамаларни тўғри ёзишга талаффуз қилишга ва қўллашга оид топшириқларни беришга улар жумласига киради.

Юқоридагилардан кўринадикки, ҳар бир компетенцияни математика дарсларида шакллантиришда ўзига хос усуллардан ҳамда компетенцияни предмет мазмунига мос

кирраларини ҳисобга олиш талаб этилади ва ана шуларни дарсларда тўлиқ ҳисобга олгандагина туркум компетенцияларни самарали шаклланиши учун зарур шароитлар яратилган бўлади.

## ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИ MAZMUNINING MUҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

*Ш.Ўринбаева*  
*Самарқанд шаҳар 45-мактаб,*  
*М.Хожиева*  
*УрДУ қошидаги лицей*

“Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, умумтаълим фанларини ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, замонавий методологиясини яратиш, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли қарори қабул қилинди.

Она тили таълими жараёнини янги босқичга кўтариб компетентлилик тушунчасининг киритилиши шу кунга қадар ўқитиш амалиётида учрайдиган назарий билим билан ундан амалиётда фойдаланиш ўртасидаги узилиш, яъни ўқувчи назарий билимга эга бўлган ҳолда, ундан муаммоли вазиятларда фойдаланишга қийналиш ҳолатларини бартараф қилиниши инобатга олинди. Анъанавий таълимда устувор бўлган билиш парадигмаси ўрнига билимлардан муаммоли вазиятларда ўринли фойдаланиш парадигмаси устувор парадигмага айланди. Она тили фанидан ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган Давлат таълим стандарти талаблари ишлаб чиқилди. Бунда ўқувчиларда фанга доир нутқий ва лингвистик компетенцияларни ҳамда таянч компетенцияларнинг элементларини шакллантириш кўзда тутилган.

Она тили таълими мазмунининг биринчи муҳим таркибий қисми ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган билимлар тизимидир. Она тилидан билимлар тизими – бир-бирига узвий боғлиқ бўлган тил фактлари, тушунчалар, коидалар, таърифлар тизими тушунилади. Инсоният томонидан тўпланган барча тил фактларини ўрта мактаб ўқувчисига ўргатишнинг иложи ва зарурияти йўқ. Шундай экан она тилидан энг зарур билимларни танлаш, энг асосий масалаларни айириб олиш зарур. Кундалик ҳаётда ўқувчилар она тилидан зарур бўлган кўникмаларнигина ўргатмоғимиз лозим. Она тилидан билимларни танлашнинг бош мезони унинг фойдалилик ва амалда қўлланила олиш даражасидир. Она тилидан энг зарур билимлар болаларнинг саводли ёзиши, ижодий фикрлаши, фикр маҳсулини нутқ вазиятига мос равишда оғзаки, ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмалари бўлиб, уларни шакллантириш учун хизмат қиладиган, уларнинг юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбияланиши ва ривожланишини таъминлайдиган билимлар ҳисобланади. Бу билимларни дарс жараёнида нутқий, лингвистик ва коммуникатив компетенцияларда шакллантиримиз.

Таълим мазмунининг иккинчи муҳим таркибий қисми амалий кўникма ва малакалар тизимидир. Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган амалий кўникмаларнинг унумдорлик даражасига ҳам алоҳида эътибор беришга тўғри келади. Маълумки, кўп ҳолларда она тили машғулотларида ўқувчилар эгаллаётган кўникмалар, асосан, тилнинг грамматик қурилишини ўрганишга қаратилган бўлиб, ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, сўздан тўғри ва ўринли фойдаланиш, фикрни баён қилишнинг самарали йўллари аниқлаш каби серунум, фойдали амалий кўникмалар бирмунча эътибордан четда қолади. Шунинг учун она тили таълими ўқувчиларни кўпроқ ана шу фойдали амалий кўникмалар билан қуроллантиришга йўналтириши лозим. Бунда ўқитувчилар ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришлари учун турли ахборот ва педагогик технологиялардан ўринли фойдаланишлари зарур бўлади.

Таълим мазмунининг учинчи таркибий қисми ўқувчиларни ижодий фаолият усулларига ўргатишдир. Фаолият қайта хотирлаш, қисман ижодий ва ижодий даражада бўлиши мумкин. Ўқувчиларнинг қайта хотирлаш фаолияти эгалланган билимларни қайта эслаш, уни хотирада тиклаш, ўқитувчи томонидан кўрсатилган ёки дарсликда берилган намунага қараб бажаришга асосланган фаолиятдир. Ўқувчи маълум ёрдамга асосланган ҳолда тил ходисаларининг ўхшаш ва фарқли томонлари устида ўйлаши ва уни аниқлаши, олдин эгалланган билимларни қисман номаълум шароитларда қўллаши лозим. Ўқувчи ҳеч қандай ташқи ёрдамсиз олган билимларини бутунлай янги шароитга, амалда қўллай олиши, фаолияти учун зарур бўлган, лекин унда бўлмаган билимларнинг манбаларини билиши, бу манбалардан фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиш шароит талабига кўра уларни топа олиши ва қўллай олиши талаб этилади.

Таълим мазмунининг тўртинчи муҳим таркибий қисми ўқитувчи-ўқувчи ўртасидаги муносабатлар тизимидир. Бу муносабатлар ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка асосланмоғи лозим. Таълим-мутолаа усули дедуктивдан (қоидадан таҳлилга, умумийликдан хусусийликка) индуктивга, индуктивдан (таҳлилдан қонуниятга, хусусийликдан умумийликка) дедуктивга кўчирилсагина бу ҳамкорликка кенг йўл очилади.

Ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган ДТС юқорида санаб ўтилган таркибий қисмларга амал қилади.

5-9-синфларда она тили фонетикаси, лексикаси, морфология ва синтаксисини тизимли ва амалий самарали ўрганиш натижасида таълим олувчига тилшунослик фани асосларини бериш эмас, балки айтиш бир нарса-ходисани аташ, фикрни ифодалаш учун она тилида ўнлаб имкониятлар борлигини, хилма-хил шакл ва кўринишларга эга бўлган бундай ранг-баранг имкониятларнинг ҳар бирининг ўз ифода ва таъсир хусусиятини ўқувчига етказиш, унда мана шу жиҳатларни илғай олиш, бунда ахборот ресурсларига мурожаат қилиш маданиятини шакллантириш, ҳар бир шакл ва имкониятдан ўз ўрнида фойдалана олиш малакаларини ривожлантиришдир.

Умумий ўрта таълим мактаблари она тили таълимида ўрганилган ўқув материалларнинг академик лицей ва касб-хунар коллежларида айнан такрорланмаслиги, ўқувчиларнинг ёши, психо-физиологик хусусиятлари, умумий ўрта таълим тайёргарлигига мос келиши ҳамда грамматик материалларни аста-секин, оддийдан мураккабга томон бориш тамойилига асосланиши эътиборга олинган.

Шунингдек, она тили чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида таълим жараёнини такомиллаштириш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқувчилардаги қобилият ва истеъдодни янада камол топтириш учун ихтисосликка йўналтирилган ўқув дастури компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган ўқув дастурига мослаштирилган. Бунда йиллик ўқув соатлари А2 босқичда 646 соат бўлса, А2+ босқичда эса 986 соатни ташкил этади. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларда фанга оид компетенциялар билан биргаликда таянч компетенциялар шакллантирилиши белгилаб берилган. Бунга кўра, она тили фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда хусусий ва таянч компетенциялар шакллантирилиб борилади.



**3-SHO'BA**  
**O'QUVCHILARDA SHAKLLANTIRILADIGAN KOMPETENSIYALARNI OB'YEKTIV**  
**BAHOLASHNING MAZMUN-MOHİYATI**

=====

**ОЦЕНКА РЕЗУЛЬТАТОВ НАЧАЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ**  
**УЧАЩИХСЯ**

*Т. В. Османова*  
*СамГУ,*  
*Г.Шадьбаева*  
*Самарканд ОИППКРНО*

Республика Узбекистан осуществляет построение демократического правового государства и открытого гражданского общества, обеспечивающих соблюдение прав и свобод человека, духовное обновление общества, формирование социально-ориентированной рыночной экономики, интеграцию в мировое сообщество. Главной целью и движущей силой реализуемых в республике преобразований является человек, его гармоничное развитие и благосостояние, создание условий и действенных механизмов реализации интересов личности, изменение изживших себя стереотипов мышления и социального поведения<sup>1</sup>.

Важным условием развития Узбекистана является формирование совершенной системы подготовки кадров на основе богатого интеллектуального наследия народа и общечеловеческих ценностей, достижений современной культуры, экономики, науки, техники и технологий.

В педагогике XXI века в центре стоит личность ученика, которая и является целью образования. Поэтому педагогический процесс имеет ориентацию на индивидуальный подход к каждому ученику, который имеет свои способности. И педагогу нужно найти в каждом ученике его лучшие качества, учитывать особенности его личности, формировать у него положительную Я - концепцию, стимулировать «к учению с увлечением», повышать качество образования<sup>2</sup>. Вопрос о том, каким должен быть современный урок (в том числе и урок русского языка), звучал довольно давно и в разные периоды имел разные отклики в педагогических кругах. Несмотря на то, что основные положения школьного урока из года в год повторяются, являясь в определенном смысле базовыми (фундаментальными), каждый последующий значимый этап в развитии системы образования и общества в целом вносит в концепцию урока свои коррективы и такие специфические требования, которые в наибольшей мере отвечают новым целям и задачам обучения, воспитания и развития подрастающего поколения.

В настоящее время особое значение придается тем идеям и направлениям, которые могут быть реализованы в системе технологий личностно-ориентированного и развивающего обучения. На это ориентируют школу и основные требования Государственного образовательного стандарта Республики Узбекистан, которые ведут к обновлению и к разгрузке содержания обучения, с одной стороны, а с другой – впервые нормативно закрепляет вариативность, дифференциацию и индивидуализацию обучения в современной школе.

Стандарт утверждает идею личностно-ориентированного обучения и его развивающую функцию. Он нацелен на большую практическую направленность и жизненную востребованность полученных результатов. Образовательный стандарт ориентирует школу

---

1. Национальная программа по подготовке кадров (утверждена Законом Республики Узбекистан от 29.08.97 г.), стр.1.

2. Павленко В.К. Основные направления в развитии методики русского языка на современном этапе. // Преподавание русского языка и литературы в школах . 2005. Январь-февраль, с.9-11.

на переход от старых к новым принципам образования, от безличностной, «знаниевой» к деятельностной системе обучения, направленной на умственное и общее развитие учащихся современной школы.

Обновление и модернизация – это, прежде всего, новый взгляд на всю систему профессионально-методической работы учителя, предполагающий:

– новый подход к системе традиционных средств и методов обучения, усиление их воспитательной и развивающей функции с учетом запросов современного общества и особенностей сложившихся реалий;

– использование (и дальнейшая разработка и совершенствование) новых технологий и инноваций, в основу которых положены передовой опыт учителей и исследования ученых-методистов и педагогов, представителей смежных наук;

– новая стратегия организации учебно-познавательной деятельности учащихся на уроке как основной форме учебного процесса в школе;

– повышение уровня профессионально-методической подготовки и переподготовки учителя, осуществляемой на уровне научных знаний, накопившихся к началу нового века<sup>1</sup>.

Вопрос о формах, средствах, способах контроля при оценке результатов обучения учащихся остро стоит в современной системе образования и является одним из актуальных направлений в эксперименте по обновлению структуры и содержания образования.

Предметом итоговой оценки освоения обучающимися являются достижения в предметных и ключевых компетентностях при освоении основной образовательной программы начального общего образования, необходимых для продолжения образования, а также внеучебные достижения младших школьников как в рамках ООП, так и за ее пределами.

В итоговой оценке реализации ООП выделяются отдельно (независимо друг от друга) три составляющие:

– результаты **текущего (формативного, промежуточного) оценивания**, отражающие динамику индивидуальных образовательных достижений учащихся, продвижение в достижении планируемых результатов освоения ООП НОО;

– результаты **итоговых работ**, характеризующие уровень освоения обучающимися основных формируемых культурных предметных способов действий/средств, необходимых для продолжения образования на следующем шаге;

– **внеучебные достижения** младших школьников.

Предметом итоговой оценки является способность учащихся решать учебно-познавательные и учебно-практические задачи, построенные на материале системы предметных знаний и на основе метапредметных действий. На начальной ступени обучения особое значение для продолжения образования имеет усвоение учащимися опорной системы знаний по русскому языку и математике и овладение следующими метапредметными действиями:

– речевыми (осознанное чтение и навыки работы с информацией);

– коммуникативными (необходимые для учебного сотрудничества).

Для сохранения результатов учебной и внеучебной деятельности учащихся (в строгом терминологическом смысле этого слова) используются:

1) общеклассные справочники, сборники правил по каждой предметной линии, плакаты — как форма сохранения результатов учебной деятельности класса;

2) презентации — как форма сохранения результатов пробно-поисковой работы группы.

Для сохранения результатов практических работ учащихся используются:

1. Пасечная В.В. Учебно-исследовательская деятельность школьников как модель педагогической технологии. // Русский язык в школах и вузах. 2008. №6. с.6-7.

1) творческие работы (графические, живописные, литературные, научные описания собственных наблюдений и экспериментов) как в форме портфолио (накопительных папок), так и в форме выставок, научных журналов, литературных сборников (возможны как цифровые, так и печатные формы);

2) презентация, фиксация результатов преобразования модели (схема, чертеж и др. знаковые формы, полученные ребенком в ходе индивидуального решения задачи (в виде цифрового объекта или распечатки);

3) выполненные работы в компьютерных средах, таблицы и графики, отражающие состояние навыков ребенка — соревнование с самим собой (в виде цифрового объекта или распечатки).

Итоговое оценивание происходит в конце обучения и может проводиться в форме накопленной оценки (синтеза имеющейся информации), в формах сбора данных (в том числе – с помощью итоговых тестов).

Таким образом, в итоговой оценке выпускника необходимо выделить две составляющие: накопленные оценки, характеризующие динамику индивидуальных образовательных достижений учащихся, их продвижение в освоении планируемых результатов и оценки за стандартизированные итоговые работы, характеризующие уровень присвоения учащимися основных формируемых способов действий в отношении системы знаний на момент окончания начальной школы

Таким образом, **результаты начального образования** можно представить как:

✓ предметные и универсальные способы действий, *обеспечивающие возможность продолжения образования в основной школе;*

✓ умение учиться – *способность к самоорганизации с целью решения учебных задач;*

✓ индивидуальный прогресс *в основных сферах личностного развития – эмоциональной, познавательной, саморегуляции.*

При этом подлежит итоговой оценке в рамках контроля успешности освоения содержания отдельных учебных предметов функциональная грамотность в области отдельных предметов (математики, чтения и русского языка, естествознания и др.), т. е. способность решать учебные задачи на основе сформированных предметных знаний и умений и универсальных способов действий.

Используемая в школе система оценки ориентирована на стимулирование обучающегося стремиться к объективному контролю, а не сокрытию своего незнания и неумения, на формирование потребности в адекватной и конструктивной самооценке.

## ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИ ВА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАСИГА ДОИР

*С.Юлдошева  
Самарқанд ВХТХҚТУМОИ,  
Д.Ҳайитова  
Пайариқ тумани 25-мактаб*

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш мақсадида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилди. Аини замонда ижтимоий соҳани ривожлантириш билан боғлиқ йўналишига дахлдор таълим соҳасини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича ҳам мақсадли дастурлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисидаги” қарорининг қабул қилиниши таълим тизимида ўқитишга нисбатан

тубдан янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Яъни умумтаълим фанларини ўқитишда замонавий методологияни қўллаш, таълим жараёнига компетентлик нуқтаи назаридан ёндашиш орқали таълим оловчиларнинг лаёқатлилиқ даражасини ошириш мақсад қилиб олинган.

Қабул қилинган мазкур ДТСнинг эътиборли тарафи шундаки, ўқувчиларда ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни амалиётда қўллай олиш, таянч ва фанга оид компетенцияларга эга бўлиш жиҳатларини шакллантириш ва ривожлантириш алоҳида инобатга олинган. Кўзда тутилган коммуникатив, ахборотлар билан ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардорлик ва фойдалана олиш каби таянч компетенцияларнинг ўқувчиларда шакллантирилиши битирувчиларнинг ақлан ва рухан баркамол топишига, келажак ҳаётда дадил ва мустақкам қадам ташлашига замин ҳозирлайди.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартининг таркибий қисмида 4-масала - “баҳолаш тизими” қайд этилган. Яқин-яқингача ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини баҳолашга эътибор қаратилган бўлса, эндиликда ўқувчиларнинг нафақат билими, балки шакллантирилаётган компетенциялари ҳам баҳоланиши назарда тутилган. Маълумки, 2010 йил 2 сентябридан ЎзР ВМ хузуридаги ДТМ қарорига биноан тасдиқланган “5-9 синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом” амалиётга татбиқ этилди. Унга кўра ўқувчиларнинг билимини баҳолаш қуйидан юқорига қараб ижобий баҳолаш мезони асосида амалга оширилди. Яъни “5” баллик тизимда ҳар бир балл (“1”, “2”, “3”, “4”, “5”) ўқувчининг ҳар бир имконияти эътиборга олинди. Эътибор берадиган бўлсак, ҳар бир баллни белгилашда имкониятлар санаб ўтилган. Имконият деганда, ўқувчининг ўзлаштириши, дарсга тайёрлиги, дафтар юритиши, тиришқоқлиги, иштироки, қўшимча топшириқларга нисбатан мойиллиги, мавзуга оид маълумотларни таҳлил эта олиши, мустақил иш бажариши ва ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиши, дарс ва дарсдан ташқари тадбирларда намуна кўрсатиши каби ҳаракатлари назарда тутилди. Масалан: “1” балл – 5 та имкониятнинг 1 тасидан фойдаланиш. Ўқувчи мавзу бўйича ўрганилган ҳодисалар, тамойиллар ва уларнинг фарқлари, ўхшашликларини ажратишда топшириқларни нотўғри бажарса-да, жавоб беришга ҳаракат қилса, у берилган имкониятнинг 1 тасидан фойдаланган ҳисобланади ва у “1” балга эга бўлади. Ўқувчининг фойдаланилмай қолган имкониятини эгаллашга бўлган интилиши, ўқув фанини ўзлаштириш учун дафтар юритиши, қўшимча маслаҳат ва топшириқларга нисбатан ижобий мойиллиги, дарс ва дарсдан (мактаб ва мактабдан) ташқари тадбирларда намуна кўрсатиши каби ҳаракатларига қараб ўқувчининг фойдаланиши мумкин бўлган имконияти ўқитувчи томонидан “2” балга ўзгартирилиши мумкин.

“5” балл — 5 та имкониятнинг 5 тасидан фойдаланиш. Ўқувчи 4 балга бўлган талабга қўшимча равишда мавзунинг моҳиятини чуқур англаб қоидалар, таърифлар, теоремалар, қонунлар ва ғоялар асосида топшириқлар, масалалар ҳамда мустақил ишларни ижобий бажариб, амалий фаолиятларида қўллай олишини тасаввур қилиб, уни турмуш тажрибасидаги мисоллар билан ҳисобот қилиб бера олса, у берилган имкониятнинг 5 тасидан фойдаланган ҳисобланади ва у “5” балга эга бўлади. Ўқувчининг ўқув фанига нисбатан шаклланган ижодий муносабати ва алоҳида иқтидорини батафсил таҳлил этиб, ўқитувчи мунтазам “5” балл имкониятидан тўлиқ фойдаланадиган ўқувчини рағбатлантириш юзасидан таълим муассасаси педагогик кенгаши кун тартибига алоҳида масала сифатида тавсия қилиши мумкин”. Ўқувчиларнинг оладиган баллари шу тарика имкониятларига қараб белгиланади.

Қайд қилинган имкониятларда юқорида тилга олинган компетенцияларга доир элементларни ҳам кўриш мумкин. Яъни, фанга оид мавзунинг моҳиятини чуқур англаб, қоида-таърифлар, қонунлар ва ғоялар асосида топшириқлар, масалалар ҳамда мустақил ишларни ижобий бажариб, амалий фаолиятларида қўллай олиши, эгаллаган билим, кўникма ва малакасида асосий маълумотларни ишончли равишда тўғри баён эта олиши, хулосалар

чиқара олиши каби жиҳатлар фанга оид хусусий компетенциянинг шакллантирилишига ишорадир. Ўқувчининг дарс ва дарсдан ташқари турли маънавий тадбирлардаги фаолиятида мулоқотга киришиши, ўз қобилиятларини намойиш эта олиши, тиришқоқлигига оид каби кайдлар ҳам таянч компетенцияларга хос жиҳатларни ўзида акс эттирган.

Фикримизча, “5” баллик баҳолаш тизимини бугунги кун талабига мувофиқ тарзда янада такомиллаштириш мумкин. Ҳар бир баллни қўйиш учун берилган изоҳларда таянч ва фанга оид компетенцияларга оид талаблар ҳам сингдириб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ўқитувчилар учун ўқувчининг билими, кўникма, малакаси ва компетенциясини баҳолашда “5” баллик тизимдан фойдаланиш қулайлик туғдирар эди.

## ZAMONAVIY BAHOLASH TAMOYILLARI

*D.Toshniyozova*  
*SamDU 1-son akademik litseyi*

Baho ta'lim olish samaradorligini oshiruvchi eng samarali vositadir. Baholash – ta'lim oluvchining o'quv materialini tizimli o'zlashtirish darajasini belgilovchi, o'quv faoliyatidagi kompetensiyalarning shakllanishini, yutuqlarini tavsiflovchi jarayon.


Bahoning vazifasi ta'lim oluvchining faqatgina o'zlashtirish darajasini qayd qilish bilan chegaralanmaydi. Baholash o'quvchilarni o'qishga yo'naltiruvchi, ularda ijobiy mayllarni hosil qiluvchi, shaxsiyatiga ta'sir ko'rsatuvchi o'qituvchi ixtiyoridagi yagona vositadir. Zamonaviy ta'lim tizimida baholashning turli usullari qo'llanilmoqda: o'qituvchi tomonidan baholanish, o'quvchining o'zini-o'zi baholashi va o'zaro baholanish. Maktab darslarining so'nggi bosqichlarida o'tilgan dars jarayoniga, o'ziga, sinfdoshlariga nisbatan refleksiya, fidbeklarni muntazam tashkil etib borish ularning vaziyatni xolis baholash ko'nikma va malakalarining rivojlantirishda muhimdir. O'quvchilarni obyektiv baholash orqali ularda mos tarzda o'zlarini baholash, muvaffaqiyatlariga nisbatan tanqidiy munosabat bildirish ko'nikmasi vujudga keltiriladi. O'quvchilarning o'qimishlilik darajalarini nazorat qilish va baholashning muhim tamoyillari sirasiga quyidagilar kiradi:

- baholashning ob'yektivligi;
- baholashning tizimliliigi;
- baholashning ko'rgazmaliligi;
- bahoning asosliligi.

Ushbu tamoyillarga asoslangan baho o'qituvchining xolisligi va o'quvchilar oldiga qo'yilgan talablarning ular tomonidan anglanishiga ko'maklashadi. O'quvchilar o'qimishlilik darajasining miqdoriy ko'rsatkichlari o'zlashtirishning bahosi, o'zlashtirilgan bilimlar, ko'nikmalarning ko'lami, o'zlashtirish uchun taqdim etilgan bilim, ko'nikmalarning to'liq hajmi orasidagi aloqadorlikni ifodalaydi. Mazkur mezonlar asosida o'quvchilarning o'zlashtirish darajalarini baholash uchun taqdim etilgan hamda o'zlashtirilgan axborotlarning ko'laminini o'lchash lozim. Blum taksonomiyasi asosida yaratilgan didaktik materiallar o'quvchi bilimini ball tizimida baholashda bir qancha qulayliklar, imkoniyatlar beradi.

**Baholash** – ta'lim jarayonining ma'lum bosqichida o'quv maqsadlariga erishilganlik darajasini oldindan belgilangan mezonlar asosida o'lchash, natijalarni aniqlash va tahlil qilishdan iborat jarayondir. Ko'pincha o'quvchilar ularga qo'yilgan bahoga norozilik bildirishi, o'z imkoniyatini, o'z bilim darajasini baholay olmasligi, natijada fanga nisbatan qiziqishi susayotgani, o'qituvchiga ishonchi yo'qolayotgani va boshqa shu kabi holatlar kuzatilmoqda. O'quvchining unga berilayotgan topshiriq, vazifalar darajalanganligini, piramidaning eng yuqori pog'onasiga chiqish uchun bir nechta bosqichni bosib o'tishi lozimligini anglashi unga bilim olishga nisbatan munosabatini o'zgartirishga, mustaqil ishlash, izlanishga turtki beradi. O'qituvchilarning taklifiga ko'ra, Blum taksonomiyasi piramidasi tasvirini yozuv taxtasi yoniga ilib qo'yib, har darsda o'quvchilarga savol va topshiriq berganda piramida bosqichlariga (kompyuter o'yinlari pozitsiyalari kabi) murojaat qilsak, ya'ni o'quvchi qaysi darajadagi topshiriqni

bajarayotgani va qanday bahoga erishishini anglashi unda o'z bilish faoliyatini ongli boshqarish, nazorat qilish, mustaqil ishlash ehtiyojining paydo bo'lishiga imkon beradi. Ta'lim olish jarayonida o'qituvchi: "Ofarin, sen 6ta imkoniyatdan 2tasini qo'lga kiritding - 2 ballga (yulduzchaga va b.) ega bo'lding. Endi navbat keyingi bosqich topshiriqlariga",-deya, ularning bosqichma-bosqich bilish darajalarini rag'batlantirib borishi samarali natijalarni beradi. O'quvchi baholarni qayd etish jurnali yoki uning kundaligiga qo'yilgan 1, 2, 3 ballarni jarima, jazo deb emas, balki o'z imkoniy darajasi (rag'bat) ekanligini tushunadi. Endi o'quvchi nima sababdan uning sherigiga, 1ta savolga javob bersa-da, 5 ball qo'yilganligini, u esa 3ta savolga javob bersa-da (bir xil darajadagi savollar edi), 3 ballga ega bo'lganligi sababini, ya'ni, savollar darajasi har xilligini anglay boshlaydi. Natijada o'z maqsadini aniq belgilaydi, biluv faoliyatini rejalashtiradi. Bu bilan esa ta'limiy materiallar, topshiriqlarni bajargan o'quvchini baholash mezonini ham belgilanmoqda. Ya'ni bilish darajasidagi savol 1 ball, tushunish 2 ball, qo'llash 3 ball, tahlil 4 ball, baholash va yaratish darajasi uchun 5 ball bilan baholash mumkin. O'quvchi imkoniy darajasi qadam- baqadam rag'batlantirilishi natijasida uning o'sish, rivojlanish xohishi, motivi oshib boradi.



Ta'limiy o'yin sifatida "Blum kubigi" usulidan ham foydalanish mumkin. Bunda kubikning 6 tomoni raqamlanadi. O'quvchiga (kichik guruh, juftlik) kubikning qaysi tomoni tushsa, shu raqamga tegishli savolga javob beradi va tegishli ballga ega bo'ladi.

Quyidagi zamonaviy va an'anaviy baholash bo'yicha qiyosiy tahlilga e'tibor qarating<sup>1</sup>.

An'anaviy baholash	Zamonaviy baholash
	<b>Ob'yekt</b>
<i>Yakuniy natija baholanadi</i>	<i>Natijaga yo'naltirilgan harakat jarayoni baholanadi</i>
<i>Bir fan doirasida intellektning bir turi baholanadi</i>	<i>Intellektning har xil turlari, uning ko'pligi baholanadi</i>
<i>O'qitishning maqsadi yakuniy natijaga erishish</i>	<i>Mustaqil ishlash ko'nikmalarini rivojlantirish va ta'lim olishga urg'u berish</i>
<i>Baholash alohida fan va mavzuga qaratiladi</i>	<i>Baholash tizimli va fanlararo</i>
<i>Fragmentar bilim va tor ixtisosli ko'nikmalar baholanadi</i>	<i>Umumiy biluv, amaliy ko'nikmalarining darajasi baholanadi</i>
	<b>Jarayon</b>
<i>Diqqat-e'tibor o'quvchi bilmaydigan va qila</i>	<i>Diqqat-e'tibor o'quvchi qila oladigan va</i>

<sup>1</sup>O'quvchi shaxsini rivojlantirishga yo'naltirilgan ta'lim. 3-modul. - Toshkent, 2013, 115-bet.

<i>olmaydigan narsalarga qaratiladi</i>	<i>biladigan narsalarga qaratiladi</i>
<i>Cheklangan vosita yordamida baholanadi</i>	<i>Baholash xilma-xil vositalardan foydalanishni nazarda tutadi</i>
<i>Baholashda ko'proq bitta to'g'ri javobli topshiriqlardan foydalaniladi</i>	<i>Baholashda turli javob variantlariga ega "ochiq" topshiriqlar qo'llanadi.</i>
<i>Oqqa ko'chirilgan variant yakuniy ish sifatida qiymatga ega</i>	<i>Nafaqat oqqa ko'chirilgan, balki qoralama nusxalar ham ahamiyatga ega</i>
<b>O'zaro munosabatlar</b>	
<i>Baholash odatda o'qituvchi tomonidan amalga oshiriladi</i>	<i>Har xil yo'llar bilan o'zini-o'zi nazorat qilish, baholash va o'zaro baholash rag'batlantiriladi</i>
<i>O'qituvchi hakam rolida chiqadi</i>	<i>O'qituvchi advokat va maslahatchi rolida chiqadi</i>
<i>Bahoning mohiyati xatoni namoyish etish</i>	<i>Bahoning mohiyati-xatoning oldini olish va xatolar orqali o'rganish</i>
<i>Baholash ko'pincha sinf miqyosida qiyosiy xarakterga ega</i>	<i>Boshqalarning muvaffaqiyatidan qat'iy nazar, o'quvchining betakror, o'ziga xos xususiyatlari baholanadi</i>
<i>Baholash sun'iy, o'quvchilar uchun ruhiy zo'riqish vaziyatida amalga oshiriladi</i>	<i>Baholash o'quvchilar uchun tabiiy, stress va keskinlikni bartaraf etishga yordam beradigan sharoitda amalga oshiriladi</i>
<i>O'quvchida tayyorga ayyorlik mentaliteti shakllanadi: faqat baholanadigan narsani o'qishi kerak</i>	<i>O'quv dasturi va standartlar chegarasidan chetga chiqish rag'batlantiriladi</i>

Ushbu qarashlar o'quvchi shaxsiga insonparvarlarcha yondashuv bo'lib, zamonaviy baholash uning o'ziga yaqin soha bo'yicha rivojlanishida, ularni ko'p faoliyatlilikka yo'naltirishda keng imkoniyat berishini ko'rsatmoqda. Insonparvarlikka asoslangan ta'lim jarayoni samaradorlikning oshishiga ko'maklashadi. Bunday jarayonda inson ongli tarzda o'z-o'zini rivojlantirishga layoqatli bo'ladi. Bunda u nafaqat o'z manfaatlari, balki millat va millatlararo munosabatlar taraqqiyotiga ham xizmat qilishga intiladi. Zamonaviy ta'lim tizimida, muhimi, "o'quvchi xohlagan suyuqlik bilan to'ldirib qo'yish mumkin bo'lgan bo'sh idish emasli"ligini e'tiborga olish, o'quvchi shaxsiga hurmat nazari bilan qarash: o'quv topshiriqlarini uning tabiiy imkoniyati, qiziqishi, qobiliyatini, psixo-fiziologik xususiyatlarini inobatga olib tayyorlash ta'lim jarayonining yanada qiziqarli va samaraliligini ta'minlaydi. Bundan ko'zlangan maqsad o'quvchilarning biluv faoliyatini qo'llab-quvvatlash, har bir harakatini munosib baholash, fahm-u idrokklarini o'stirish, ularni sog'lom fikrli insonlar qilib tarbiyalashdan iboratdir.

## БАҲОЛАШ – ЎҚУВЧИ ИМКОНИЯТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

*Л.Б.Мирзоҳидова  
Самарқанд ВХТХҚТМОИ,  
Р.Рўзмонова  
СамДУ*

Мутахассисларнинг фикрича, баҳолаш таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш натижаларини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараёндир. Баҳолаш турлича кўринишга эга, яъни ўқувчилар билимини баҳолаш, интеллектини баҳолаш, бирор тадбирни, фаолиятни, жараёни баҳолаш. Бунинг ҳаммаси амалга оширилган ишларнинг натижага эга ёки

натижасизлигини кўрсатиб беришга қаратилган. Шундай экан, баҳолашда олдиндан белгиланган мезонлар баҳолашнинг кўринишларидан келиб чиқиб, турлича кўринишга эга бўлади. Ўқувчининг БКМ даражасини аниқлашда олдиндан белгиланган мезонлар нималардан иборат бўлиши мумкин?

Бизнинг анъанавий таълим жараёнимизда ўқувчиларга турли даражадаги билиш, қўллаш, таҳлил, яратиш даражасидаги савол ва топшириқларни берамиз ва агар тўғри жавоб берса барчасига аъло баҳо кўямиз. Бу тўғри деб ўйлайсизми?

Бизнингча, таълим жараёнида ўқувчиларда аввал билим ҳосил қилинади, кейин билимларини амалиётда синаш орқали кўникма ҳосил қилади, билим ва кўникмага таянган ҳолда малака ҳосил қилинади. Шундай экан, биз машғулот давомида ўқувчиларимизнинг ҳар бирини ўтилаётган мавзу юзасидан БИЛИШ даражасидан БАҲОЛАШ, ЯРАТИШ даражаларини шакллантиришимиз ва шу даражаларнинг қай даражада шаклланганлигини баҳолашимиз зарур ҳисобланади. Демак, ўқувчининг БКМсини баҳолашда олдиндан белгиланган мезонларни қуйидагича белгилаб олишимиз мумкин:

– ўқувчининг назарий маълумотни билиши: қоида, таъриф, мавзуга оид бирор фикрни билдира олиши;

– ўқувчининг назарий маълумотга мос мисол келтириши: намуна кўрсатиши, сўзлар мисол келтириши;

– ўқувчининг назарий маълумотга таянган ҳолда тушунча ва фикрларни амалда қўллаши;

– ўқувчининг олган назарий маълумотига суянган ҳолда вазият, факт ва муаммоларни таҳлил қила олиши;

– ўқувчининг ўрганган назарий маълумотлари асосида тарқоқ ҳолатдаги тушунча, фикр ва ғояларни бир бутун ҳолга келтира олиши;

– ўқувчининг назарий маълумотларга суянган ҳолда вазият, муаммо, жараён, фаолиятга баҳо бера олиши.

Бунда ўқувчи интелектига ҳам алоҳида эътибор беришимиз керак бўлади. Зеро, ҳар бир фан ўқитувчиси ўқувчиларни дарсга уларнинг қизиқишларини эътиборга олган ҳолда жалб қилса, машғулотда барча ўқувчилар фаол иштирок этишди ва самарадорлик янада юқори бўлади.

Биз ўқувчиларнинг БКМсини шакллантирувчи ва баҳоловчи қуйидаги усулни кўриб ўтамиз.

*Эдвард де Боннинг олти шляпа методидан* ҳам дарсни ўзлаштириш ҳам ўқувчи билимини баҳолашда самарали фойдаланишимиз мумкин. Бу усулдан жуфтликларда ва кичик гуруҳларда ишлаш жараёнини таҳлил қилишда, асар қаҳрамонларини таҳлил қилишда қўллаш мумкин. Амалда бу усулдан кўпроқ адабиёт дарсларида муаммоли вазитларни муҳокама қилиш, мантиқни эмоциядан ажратиш, янги бетакрор фикр ва ғоялар яратиш учун фойдаланиш мумкин. Бунда ўқитувчи 6 хил рангдаги кичик қоғозчалардан иштирокчилар сонига мос равишда шляпачалар ясайди. Бу шляпачалар машғулот бошида кичик гуруҳларга бўлиш учун қўлланиши мумкин. Машғулот якунида ҳар бир гуруҳга ўз рангидаги бошга кийиш мумкин бўлган қоғоз шляпалар тақдим этилади ва муҳокама олиб борилади.

**Оқ шляпа:** Ахборот.. Содир бўлган воқеа-ҳодисалар, вазиятни тўлиқ (баён) этиш. Саволлар. Масалан, “*Ўғри*” ҳикоясини олайлик. *Ҳикоя тўлигича баён қилинади.*

**Қизил шляпа:** Ҳис-туйғулар. Ҳисларни асослаш талаб этилмайди. Вазият билан танишиш жараёнида ўқувчиларда қандай ҳислар туғилди? *Қобил бобо ва унинг хотинининг аянчли аҳволи, молнинг топилмаслиги, амалдорларнинг хатти ҳаракатлари ҳақидаги ўқувчиларнинг ҳис-туйғулари баён қилинади.*

**Қора шляпа:** Жараёндаги салбий ҳолатлар. Камчиликлар нималардан иборат? Қандай хатоларга йўл қўйилди? *Ўқувчилар молнинг ўғирланишига нима сабаб бўлди, қобил бобо*



моли йўқолмасдан олдин қандай эҳтиёт чораларини кўриши кераклиги ҳақида фикр юритилади.

**Сариқ шляпа:** Жараёнда қандай ютуқларга эришилди. Нима учун бундай қилиш маъкул? Афзалликлари қандай? Нима учун бу амалга ошади? *Асар воқеалари давомида бирор ютуқ, афзаллик жиҳатлари бор йўқлиги ҳақида фикр юритадилар. Ижобий хулосалар чиқаришга ҳаракат қилишади.*

**Зангори шляпа:** Ижодкорлик. Турли ғоялар. Таклифлар. Ечимнинг турли вариантлари? Қандай муқобиллари мавжуд? Жараёни такомиллаштириш йўллари. *Ўқувчилар Қобил бобонинг йўқолган ҳўккизин топиши учун нималар қилиши мумкинлиги ҳақида фикр юритиб турли ечимлар таклиф қилишади.*

**Кўк шляпа:** таҳлил, қарор қабул қилиш. *Таклиф қилинган ечимлар орасидан энг тўғри деб қабул қилинганлари сараланиб олинади ва “Ўғри” ҳикоясидаги муаммоли вазиятни бартарф этиши юзасидан аниқ бир қарор қабул қилинади.*

Ушбу усулда асарни таҳлил қилиш жараёнида ўқувчиларда билиш даражасидан то баҳолаш, қарор қабул қилиш даражасигача бўлган БКМ яъни бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияси шакллантирилади. Шу жараёнда ўқувчиларнинг ҳар бир рангдаги шляпада белгиланган вазифаларни амалга оширишда берган жавобларига қараб ўқувчиларнинг асар юзасидан олган билими ҳам баҳоланади.

## БАҲОЛАШ – ТАЪЛИМНИНГ СИФАТИ ВА ТИЗИМИНИ ЯХШИЛАШ ВОСИТАСИ

*Ш.Абдуев*  
*Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

Баҳолаш таълимнинг сифати ва тизимини яхшилаш воситаси сифатида қўлланилиши лозим. Ўқувчилар ўзлаштиришларини баҳолашни ўқитишни яхшилаш учун керак бўлган ахборотни ўқитувчиларга такдим этиш учун қўллайдилар.

Ўқувчилар билимлари ва кўникмаларини баҳолаш мақсади - синфда дарс ўтиш ва билим бериш сифатини яхшилаш, болаларга келгуси таълимни белгилаш юзасидан ёрдам бериш, болалар ўзлаштириши тўғрисидаги ҳисоботни ва уларнинг муваффақиятлари тўғрисидаги умумий маълумотларни ота-оналар, олимлар ва қарорларни қабул қилувчи шахсларга такдим этиш, ўқитувчиларга ўз амалиётларини ва иш унумдорлигини баҳолаш учун имкон бериш каби аспектларни ўз ичига олади.

Ўқитувчи ўқувчи билим ва кўникмаларни баҳолашда қуйидаги шакллардан фаол фойдаланади.

**Доимий баҳолаш:** Ўқитувчи ўқувчининг билимлари, тушунчалари, қобилиятлари ва келгуси қадамларини аниқлаш учун ҳар бир боланинг ютуқларини баҳолаши ва ёзиб қўйиши керак. Бундай норасмий баҳолаш ўқитувчига дарсларни ҳар бир боланинг индивидуал эҳтиёжлари асосида режалаштиришга имкон беради.

**Умумий баҳолаш:** умумий баҳолаш режалаштирилган давр ёки курс охирида боланинг ютуқларини аниқлайди. Ҳозирги вақтда ярим йиллик ёки йиллик имтиҳонлар ҳар бир ўқувчининг эришган ютуқларини баҳолаш воситаларидан бирини шакллантиради. Баҳолашнинг бундай техникаси “кўмаклашиш” эмас, “танлаш” воситаси сифатида қўлланилади. Бундан ташқари, имтиҳонлар вақтидаги кўрсаткичлар ўқувчининг билим даражаси ва тайёргарлигини аниқ акс эттирмайди.

Ўқувчилар билимини баҳолаш жараёнида ўқитувчи айрим тамойилларга эътибор қаратмоғи лозим. Авваломбор, ўқувчилар билимлари ва кўникмаларини баҳолаш сабабларини тўғри аниқлаши ва муваффақиятларини (эришган ютуқларини) рағбатлантириш устувор бўлиши лозим. Баҳолаш ўқувчиларга тегишли кўникмалар, билимлар ва муносабатларни намоиш этишга имкон бераётганига ишонч ҳосил қилиш ва сизнинг

баҳолаш услубингиз билимлар йўқлигини эмас, орттирилган билим ва кўникмаларни акс эттиришига кўмаклашиши зарур бўлади. Ўқувчининг фақат назарий билимларини баҳолаш билан чекланмай, балки баҳолаш ўқувчининг ижтимоий ва эмоционал ривожланишини акс эттириши ҳам керак. Бу тамойилларни амалга ошириш жараёнида баҳолашни, имкон қадар, дарс бериш ва ўқитиш жараёнларининг ажралмас қисмига айлантиришга ҳаракат қиламиз.

Умумий ўрта таълими муассасаларида информатика ва ахборот технологиялари ўқув фани бўйича ўқувчиларда *ахборотларни излаш ва электрон воситаларда йиғиш, ахборотларни электрон воситалар орқали узатиш, ахборотларни электрон воситаларда қайта ишлаш ва сақлаш компетенциялари шакллантирилиши лозим*. Бундай пайтда ҳар бир компетенцияни инобатга олган ҳолда ўқувчиларнинг компетенцияларининг ўлчанадиган натижалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

– Математик концепциялардан/тушунчалардан фойдаланган ҳолда реал ҳаётий вазиятда муаммоларни ҳал қилиш салоҳияти.

– Танқидий фикрлаш қобилияти.

– Қарорларни қабул қилиш қобилияти.

– Ахборотлар устида бажариладиган амалларга оид вазифаларни бажара олиш, ахборотга оид ўлчов бирликларини билиш қобилияти.

– Компьютер техникаси ва воситаларининг ривожланиш тарихи, тараққиёт даврлари ва авлодларини билиш, ахборот технологияларининг ички ва ташқи омиллари, мультимедиа технологиялари ҳақида билимга эга бўлиш, электрон манбаларидан турли кўринишдаги ахборотларни излаб топади ва компьютерда йиға олиш қобилияти.

– Интернетда ишлашни таъминловчи дастурлар ва уларнинг имкониятларини билиш, электрон почта ва ахборотларни ҳимоя қилиш имкониятларидан фойдалана олиш қобилияти.

– Компьютерларнинг арифметик ва мантиқий асосларини билади ва уларга оид содда амалий масалаларни еча олиш, турли санок тизимларида содда амалий масалалар еча олиш, электрон жадвалларда турли ахборотларни сақлай олиш қобилияти.

– Дастурлаш тилларидан бирида масалаларни ечишга доир содда дастурлар туза олиш, медиа-саводхонлик билимига эга бўлиш қобилияти.

– Ахборот узатиш ва қабул қилишда одоб-ахлоқ меъёрлари, ахборот хавфсизлиги, медиа-саводхонлик талабларига риоя қилиш қобилияти.

Хуллас, ўқувчилар билимини баҳолашда юқоридаги санаб ўтилган компетенцияларни инобатга олмоғи, улардан амалиётда фойдаланиш қобилиятини йўқлигини эмас, орттирилган компетенцияларни акс эттиришига кўмаклашиши зарур.

## **ОЦЕНИВАНИЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ КАК СПОСОБ ФОРМИРОВАНИЯ КЛЮЧЕВЫХ КОМПЕТЕНТНОСТЕЙ**

*И.А.Раимкулова  
Самарканд ОИППКРНО*

Реформирование системы образования, реализуемое в настоящее время в масштабах всей страны, является шагом по пути модернизации всех сфер жизни современного общества, в которой образование должно стать одним из важнейших критериев успешности и перспективности.

Анализ показал, что на сегодняшний день нет однозначного ответа на вопросы о методах оценки компетенций и результатов обучения учащихся в соответствии с требованиями ГОС, нет единства взглядов относительно разработки педагогических измерительных материалов для оценки компетенций и проблемы оценивания компетенций в рамках требований ГОС, не существует единой технологии оценивания учебных достижений

на основе компетентного подхода, нет модели, описывающей мониторинг формирования и определения уровня сформированности компетенции.

Компетентный подход в образовании предполагает изменение, в первую очередь, системы оценивания учебных достижений учащихся, поэтому от организации процесса оценивания и объективности выставленных отметок в целом зависит отношение обучающихся к учебной деятельности, их познавательная мотивация. Цель компетентного подхода – вооружение подрастающего поколения необходимыми для успешной жизни способами деятельности. Нашим детям придется реализовывать свои жизненные планы в условиях конкуренции, интеграции мирового сообщества и они должны быть к этому готовы. А вот степень их готовности будет зависеть от того, насколько качественное образование они получают.

Опыт преподавания русского языка и литературы (и не только) в старших классах позволяет утверждать, что эффективность и качество обучения напрямую зависят от той среды, которая сформирована в образовательном пространстве. Компетентный подход будет работать только в *развивающей* ребенка *среде*. Выделим ее составляющие:

1. Деятельностный характер обучения
2. Нацеленность на развитие самостоятельности и ответственности
3. Создание условий для осознания учеником собственных ценностей

Только в такой среде, возможно получение качественного образования. Очевидно, что ключевая роль в организации процесса обучения и воспитания ложится на учителя. Результаты работы во многом будут зависеть от его профессиональной компетентности. Деятельностный характер обучения заключается не только в использовании активных методов, но и в четком планировании образовательных результатов и грамотной системе оценивания субъектами образовательного процесса. При *планировании* компетентных результатов исходим из того, что компетентность:

1. является интегрированным результатом;
2. позволяет решать целый ряд задач;
3. существует в форме деятельности;
4. переносится в другую ситуацию;
5. выражается осознанным способом.

Выделим основные аспекты ключевых компетентностей, формируемых в старших классах и способы их оценивания.

*Соотнесение аспектов ключевых компетентностей и способов оценивания*

Ключевые компетентности	Аспекты	Способы оценивания
Компетентность разрешения проблем	Определение проблемы Целеполагание и планирование Применение технологий Планирование ресурсов Оценка деятельности Оценка результата (продукта) деятельности Оценка собственного продвижения	Анализ ситуации Работа в группе Эссе Экзамен Выполнение тестов Исследовательская работа
Коммуникативная	Письменная коммуникация Публичное выступление Диалог Групповая коммуникация	Участие в дискуссии Разработка тестов Составление портфолио Выступление (презентация) Исследовательская работа

Информационная	Планирование информационного поиска Извлечение информации Обработка информации	Анализ документов Подготовка презентации Эссе Исследовательская работа
----------------	--	---

Предлагаемая нами **система оценивания**, основывается на принципе «формируя – оцениваем, оценивая – формируем». Остановимся на основных инструментах данной процедуры. К ним могут относиться:

- 1) разработанные задания;
- 2) листы обратной связи;
- 3) индивидуальные планы-маршруты.

Выделим функции и назначение **листов обратной связи**. Данный вид оценивания - инструмент, используемый для формирования и оценивания результатов деятельности обучающихся. Он позволяет ученику:

- ставить собственные цели и планировать учебную деятельность;
- располагать информацией о своей деятельности;
- получать комментарии учителя, нацеливающие на достижение результатов более высокого уровня.


Нами используются листы обратной связи при оценивании эссе по дисциплине, публичных выступлений, исследовательских работ, тестовых заданий.

*Лист обратной связи при оценивании эссе*

Тема эссе		
Ф.И. автора, группа, дата		
<b>Критерии оценивания</b>	<b>Самооценка</b>	<b>Оценка учителя</b>
Структура (1 балл)		
Интерпретация проблемы (2 балл)		
Понимание (1 балл)		
Четкость позиции автора (1 балл)		
Аргументы с опорой на теоретический материал (1 балл)		
Аргументы с опорой на фактический материал (1 балл)		
Полнота и завершенность (1 балл)		
Общее впечатление от работы (свободный комментарий)		
<b>Общее количество баллов</b>		

Использование данных материалов в учебной и внеучебной работе позволяет учащимся осознанно подходить к оценке собственных результатов, видеть ошибки, намечать свою образовательную стратегию. Учитель отслеживает продвижение каждого ученика, корректирует его путь. Работа по совместному оцениванию формируемых компетентностей субъектами образовательного процесса позволяет учащимся уверенно демонстрировать свои возможности.

Нам есть над чем работать и совершенствоваться на пути к качественному образованию. На наш взгляд, следует создать модель системы оценки уровней сформированности компетенции и результатов обучения, в которой можно выделить 3 уровня сформированности результатов обучения и компетенции.



Для каждого конкретного этапа (уровня) обучения освоения компетенции выделим категории «знать», «уметь», «владеть», в которые вкладывается следующий смысл:

**«знать»** – воспроизводить и объяснять учебный материал с требуемой степенью научной точности и полноты.

**«уметь»** – решать типичные задачи на основе воспроизведения стандартных алгоритмов решения;

**«владеть»** – решать усложненные задачи на основе приобретенных знаний, умений и навыков, с их применением в нетипичных ситуациях, формируется в процессе получения опыта деятельности и уметь передать этот опыт.

Оценивание результатов обучения и компетенций выпускника учебного заведения осуществляется как в ходе мониторинга учебного процесса по формированию компетенций обучающегося, так и по результатам демонстрации выпускником освоенных компетенций в ходе контроля знаний.

Различают два механизма оценивания уровня сформированности компетенций:

- на основе оценивания знаний, умений и навыков по дисциплинам и практикам, формирующим части компетенций;

- на основе результатов оценивания опыта деятельности на этапах формирования компетенции (группы компетенций).

Исходя из этого, компетентностно-ориентированные задания:

- предназначены для организации деятельности обучающихся;
- имеют в основе практическую ситуацию;
- имеют информационную основу для получения ответа (или требуют поиска информации);
- могут оценивать деятельность на нескольких уровнях;
- могут иметь структурированные ответы (т.е. ответы на несколько вопросов в одном задании).

Рассмотрим основные виды оценочных средств:

Традиционные	Инновационные
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Контрольная работа</li> <li>• Коллоквиум</li> <li>• Тест</li> <li>• Доклад, сообщение</li> <li>• Расчетно-графическая работа</li> <li>• Реферат</li> <li>• Отчет по проделанной работе</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кейс-задание</li> <li>• Портфолио</li> <li>• Деловая(ролевая) игра</li> <li>• Исследовательский проект</li> <li>• Тренажер</li> </ul>

В качестве примера предложим критерии оценки доклада:

- 1.Соответствие содержания заявленной теме.
2. Ясная, четкая структуризация материала, логическая последовательность в изложении материала.
3. Свободное владение материалом.

4. Полнота раскрытия темы.
5. Использование иллюстративных наглядных материалов.
6. Культура речи, ораторское мастерство.
7. Выдержанность регламента выступления.
8. Аргументированность ответов на вопросы.

Таким образом, автоматизация процесса определения уровня сформированности компетенции позволит адаптировать, оптимизировать и индивидуализировать процесс обучения, тем самым повысить качество образования. Все вышесказанное обуславливает актуальность разработки универсальной модели определения уровня сформированности компетенции.

### **ҚИСКА МУДДАТЛИ ГУРУҲЛАРДА ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ВА РИВОЖЛАНИШИДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ БАҲОЛАШ**

*З.Қаршиева*  
*Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

Бугунги болалар қаерда яшашидан қатъий назар, доимий равишда ижтимоий, сиёсий, экологик, илмий, техникавий ва индустриал соҳалардаги ўзгаришлар билан тўқнаш келишларига тўғри келади. Боланинг ривожланиши ва ўсиши узлуксиз давом этадиган жараёндир. Бу даврда унинг шахс сифатида шаклланиши, илк бор оламни атрофидаги ашё ва буюмлар орқали англаб, ундан ўзича маъно топишга интилиши, қизиқиш ва ҳиссиётлари ривожланишини кузатамиз.

Ҳаётнинг ҳар бир даври, ривожланиш хусусиятлари ва эҳтиёжларига кўра ўзига хос босқичларга эга. Боланинг ўсиб, улғайишида мактабгача бўлган даврни шулар сирасига киритиш мумкин. Болалар оҳанграболи олам ҳисобланиб, жуда тез ўсиш, ривожланиш ва ўзгаришлар ичида яшайдилар. Бу фарзанд тарбиясида айнан шу палла қанчалик аҳамиятли эканининг яна бир исботидир. Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, шу билан бирга мактабга тайёрлаган ҳолда шакллантириш мақсадини кўзлайди.

Болаларни мактабга тайёрлаш учун мўлжаллаган қиска муддатли гуруҳларда ўқитиш «Билимдон» дастури Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида: «Бу таълим 6-7 ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъий назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади», - деб таъкидланган. Дарҳақиқат, таълим-тарбия қанчалик эрта бошланса, унинг самараси шунчалик эрта намоён бўлади ва инсоннинг бутун ҳаёт тарзига ижобий таъсир қилади.

Мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнини тарбиячилар томонидан тўғри ташкил этилиши, масъул шахслар томонидан уни назорат қилишининг афзаллигини таъминлаш, мактабгача ёшдаги болалар ота-оналарининг оилада бола тарбияси билан шуғулланиши учун қулайлик яратиш мақсадида «Болажон» таянч дастури «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Мактабгача таълим Концепцияси ҳамда Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари асосида ишлаб чиқилган.

Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари асосида: мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиши, ижтимоий-ҳиссий ривожланиши, нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик ҳамда билиш жараёни, атроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш йўналишлари бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш учун мезонлар ўқув йили бўйича 1-ярим йиллик (сентябрь, октябрь, ноябрь,

декабрь), 2-ярим йиллик (январь, февраль, март, апрель, май) бўлиниб берилган. Мезонлар кичик, ўрта, катта, тайёрлов гуруҳлари бўйича ишлаб чиқилган.

Гуруҳ болаларининг дастур асосидаги билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш учун аввал мезонлар тўрт соҳа бўйича ишлаб чиқилади.

- а) жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена;
  - б) ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;
  - в) нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик;
  - г) билиш жараёни, атроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш;
- Бу мезонлар асосида ҳар бир бола алоҳида 3 балл билан белгиланади.

Масалан:

“юқори” - 3 балл, агар бола топшириқларни мустақил бажарса, берилган саволларга аниқ, тўлиқ жавоб берса;

“ўрта” -2 балл, агар бола топшириқларни тарбиячининг ёрдами билан бажарса, берилган саволларга ҳам тарбиячининг кўмагида жавоб берса;

“паст” -1 балл, агар бола топшириқларни тарбиячининг ёрдами билан ҳам бажара олмаса, берилган саволларга ҳам тарбиячининг кўмагида ҳам жавоб бера олмаса.

Болаларнинг ривожланиш кўрсаткичларини баҳолаш учун максимал баллни аниқлаб оламиз. Бунинг учун мезонлар сонини 3 баллга, яъни энг юқори баллга кўпайтирилади. Масалан, жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена йўналиши бўйича 10 та мезон тузилган бўлса, уни энг юқори баллга, яъни 3 га кўпайтирамиз:  $10 \times 3 = 30$  максимал балл

Фоииз даражасини аниқлаш учун масалан: Жамила Каримова жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена йўналиши бўйича 25 балл олди, буни арифметик ҳисоблаймиз:

$$30 — 100\%$$

$$25 — X$$

$$25 \times 100 : 30 = 83,3\%$$

Демак, Каримова жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена йўналиши бўйича дастур вазифаларини 83,3% ўзлаштирди. Ўзлаштириш даражасини аниқлаш:

$$75 — 100\% \text{ гача} - \text{I даража}$$

$$50 — 75\% \text{ гача} - \text{II даража}$$

$$50\% \text{ гача} - \text{III даража}$$

Кўрсаткичлар аниқлангандан сўнг хулоса чиқарилади. Масалан, жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена йўналиши бўйича 1-ярим йиллик бўйича

$$1 \text{ даража} — \dots\dots\dots \text{бола}$$

$$2 \text{ даража} — \dots\dots\dots \text{бола}$$

$$3 \text{ даража} — \dots\dots\dots \text{бола}$$

Рақамлар бу тарбиячининг экрани. Рақамлар орқали гуруҳ кўрсаткичлари яққол кўринади. Бу кўрсаткичлар асосида методист қайси йўналиш бўйича баҳо кўрсаткичи паст бўлса ўша йўналиш бўйича тарбиячига тавсия, таклифлар беради, аниқланган бўшлиқларни тўлдириш учун чора-тадбирлар тузишини айтади. Шу тарика дастурнинг тўрт йўналишдаги ҳамма фаолиятлар бўйича болаларнинг билим, кўникма ва малакаларини эгаллаганлик даражаси аниқланади. Бу кўрсаткичлар бўйича иккита нусха тайёрланиб, бири тарбиячининг ўзида қолади, иккинчиси методистга топширилади.

Тарбиячилар бола қайси индикатор асосидаги топшириқни бажара олмай паст кўрсаткич олган бўлса, шу индикаторни болада ривожлантириш учун нима қилиш кераклиги бўйича чора-тадбир тузадилар, яъни муассасада эрталабки, кечки соатларда бола билан якка ишлашлари, бунда айнан шу индикаторни ривожлантирувчи таълимий ўйинлар, оддий топшириқлар, амалий машқлардан фойдаланиб бола билан ишлашлари керак бўлади. Бунинг учун тарбиячида “Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари” ва “Болажон” таянч дастури асосида якка ишлаш (йиғма жилд) папкалари бўлиши керак. Якка ишлаш папкадаги материаллар (таълимий ўйинлар, оддий топшириқлар, амалий машқлар) ҳар бир фаолият бўйича бўлиши лозим. Масалан нутқ ўстириш, математика, табиат билан таништириш, атроф

мухит билан таништириш. Бола билан қайси фаолият юзасидан якка ишлаш зарур бўлса, айнан шу папкадаги материаллардан фойдаланиб бола билан якка иш олиб борилади. Лозим бўлса, мазкур папкадаги материалларни ота-оналарга уйда бола билан шуғулланишлари учун берилади. Боладаги аниқланган бўшлиқларни тўлдиришда ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориш, боланинг “Мақтабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари” ва “Болажон” дастури асосида бериладиган билимларни тезроқ ўзлаштириб олишларига ижобий таъсир кўрсатади.

## ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЪЁРЛАРИ

*Ф.Эшназарова*  
*Самарқанд ВХТХҚТУМОИ,*  
*Д.Мамадиярова*  
*СамМИ*

Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясининг миллий ғоялар, талаблар асосида ташкил этиш, уни жамият тараққиёти истиқболлари ва жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган даражада бўлишини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмиш қолдиқларидан тозалаш ва ривожланган демократик давлатлар даражасига кўтариш, жамият равнақи учун юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини таркиб топтириш “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг асосий мақсади ҳисобланади. Зеро, белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳар бир педагог зиммасига катта масъулият юклайди.

Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи юқори педагогик маҳорат ва кенг дунёқарашга эга бўлиши керак. Шундагина оз меҳнат сарф қилиб, катта натижага эришади, ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамкори бўлади. Педагогик ишга қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик маҳорат эгаси бўлиши мумкин. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчи ўз фанини чуқур билиши, унга турдош фанлар ҳақида ҳам тушунчага эга бўлиши, ўқув материални ўқувчиларга тушунарли қилиб баён эта олиши, ўқувчиларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқиш уйғотиши, ўқувчиларнинг билим, камолот даражаси ва руҳиятини ҳисобга олиши, уларнинг нимани билишлари ва ҳали нимани билмасликларини тасаввур эта олиши лозим.

Ўқитувчи ўқувчининг, ички дунёсига кира олиши, ўқувчи шахсини ва унинг вақтинчалик руҳий ҳолатларини жуда яхши тушуна билиши билан боғлиқ бўлган психологик кузатувлар олиб бориши керак. Бундай ўқитувчи ўқувчининг руҳиятига кўз илғамас ўзгаришларни ҳам тез фаҳмлаб олади.

Ўқитувчининг нутқи аниқ, жонли, образли, талаффузи жихатдан ёрқин, ифодали, ҳис-ҳаяжонли бўлиб, унда стилистик, грамматик, фонетик нуқсонлар учрамаслиги лозим.

Ўқитувчи касбига хос бўлган ҳислатлар, яъни юксак педагогик маҳорат унда бирданга шаклланмайди. У ўз устида тинмай ишлаш, изланиш ва кўникмалар асосида ривожланади.

Ўқитувчининг юқори касбий маҳоратни эгаллаши бевосита узлуксиз таълим тизими орқали амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизимида асосий ўрин эгаллаган малака ошириш ўқувчи фаолиятини таҳлил қилиш ва унга истиқбол йўналишлар беришга имкон беради.

Ҳозирги давр ўқитувчидан ўқитишнинг илғор педагогик технология талабларини тўғри тушуниш, ташаббускорлик, ўз фани бўйича янгиликлардан хабардор бўлиши ва дарсларига жорий эта олишни талаб этади.

Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ҳамкорликни вужудга келтириш, дўстона муҳитни яратиш муаммосининг муваффақиятли ҳал этилиши, фан ўқитувчилари ва мактаб раҳбариятининг эгаллаган билим, кўникма малакалари ва шахсий инсоний фазилатларини эгаллаганлик даражасига боғлиқ бўлади.



Ўқитувчи аввало:

– юмшоқ кўнгилли, очик чеҳрали, ширинсўзли, болаларни қандай бўлса шундайлигича яхши кўриши;

– меҳр-муҳаббат, қалб ғурини ўқувчиларга баб-баравар бўлиб бериши, синфда дўстона муҳитни яратиш ва ўқувчиларнинг ўқув мотивларини ривожлантирувчи куч-рағбатлантириш методлари эканлигини англаш;

– ўқувчиларнинг тақдири, бахти ва келажаги учун масъул эканлигини чуқур ҳис этиш, уларнинг нафсонияти ва кадр-қимматини эъзозлаш;

– ҳар қандай педагогик вазиятда ўқувчиларга кўполлик қилмаслик, ҳақорат қилиш ва бақириш, тақдид ва кўрқитишдан ўзини тийиши зарур;

– ўқувчиларни тушуна олиши, уларнинг ҳис-туйғуларини қадрлаш, ташвишлари, изтиробларини энгишига ёрдам бериши, ёшлик ва психологик ривожланишда ўзига хос хусусиятлари, қизиқишлари, эҳтиёжларини билиш.

Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим тизимининг одил ва демократиялаштирилиши ўқув жараёнига ўзгача талаб ва ўзгача педагогик муносабатларни кашф этади. Бу жараён мазмун моҳиятдан аввалгидан тубдан фарқланади.

Бу эса таълим соҳасида ўқувчи, ўқитувчи, оила, маҳалла ҳамкорликда бир мақсад сари, яъни, ДТС талабларини ўзлаштириш ва ундаги меъёрлардан юқорироқ натижаларга эришишни тақозо этади.

ДТС талабларини бажаришнинг асосий омилларидан бири таълим жараёнига самарали натижага эга янги педагогик технологияларнинг жорий этишидир.

Таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни қўллаш, таълим самарадорлигини ошириш, илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, мустақил фикр юрита оладиган ижтимоий фаол юксак маънавиятли ёшларни тарбиялаш вазифаси муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи ёшларга замон талабларига жавоб берувчи билимларни бериш учун аввало ўзи ана шундай билимлар билан қуролланган бўлиши керак. Зеро, тизимдаги ютуқларнинг асоси мактабларда ташкил этиладиган дарс жараёнининг сифати билан белгиланади. Ўқув соатларида ўқувчиларга етарли билим бериш ҳаётий кўникмаларини ошириш ва малакаларини шакллантириш ўқитувчининг касбий маҳоратига боғлиқ.

Ўқувчининг мустақил фикрини баён этиш, ўз йўналишини танлаши ва бунинг асоси бўлган қарашларини исботлаши, ўрни келганда ҳимоя қилишни ўргатилса, ёшларни мустақил ҳаётга тайёргарлик кўникмаларини шакллантириб боришга эришиши орқали таълим мазмунининг натижаси яққол кўзга ташланади.

Таълимни ислоҳ қилишда ўқитувчи шахсига қўйилган талаблар кундан-кунга ошиб бормоқда. Педагогика фани олдида турган муаммоларнинг бири ҳам, айнан, ўқитувчи ва педагог меҳнат шароити муаммоси ҳисобланади. Ўқитувчининг кўп киррали ва мураккаб фаолияти замирида ёш авлодни билимли ва ахлоқ-одобли қилиб вояга етказиш вазифаси этади.

Шу муносабат билан бугунги кунда ўқитувчи шахсига қуйидаги талаблар қўйилади:

– ўз фанини чуқур билиши ва унинг методикасини етарли даражада ўзлаштириш;  
– кенг илмий дунёқарашли ва теран эътиқод соҳиби бўлиши;  
– ижтимоий эҳтиёж ва ахлоқий заруриятни чуқур тушуниши;  
– ижтимоий ва фуқаролик бурчини чуқур англаши;  
– ижтимоий-сиёсий фаол бўлиши;  
– ўз касби ва болаларни севиши;  
– руҳий педагогик зийрак бўлиши ва янгиликка интилиши;  
– ўз халқи тарихи, миллий кадриятлари ва урф-одатларини чуқур ўрганиши ва уларни тарғибот қилиши;

– педагогик кузатувчанлик, ташкилотчилик, талабчанлик, қатъийлик, вазминлик, ҳаққонийлик, ўзини тута билиш каби хислатлар соҳиби бўлиши;

– ўз касбига тўла лаёқатли ва педагогик такт (одоб) эгаси бўлмоғи лозим.

Хулоса қилиб айтганда таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ҳар бир педагог-ўқитувчи ўзининг бугун билим ва тажрибасини таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришга йўналтириши бугунги куннинг муҳим долзарб масаласидир.

## ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ШАКЛЛАНТИРИЛАДИГАН КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ОБЪЕКТИВ БАҲОЛАШ МАСАЛАСИ

*Ш.А.Холбаев*  
*Самарқанд ВХТХҚТУМОИ,*  
*Э.Ахматов*  
*СамИСИ*

Иқтисодий таълимда ўқитувчиларимиз интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарашларини бойитишда уларни инновацион таълим технологиялари, ўқитишнинг янги, инновацион шакл, метод ва воситалари билан таништириш, педагогларда касбий компетентлик сифати моҳияти билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, компетенцияга асосланган давлат таълим стандартлари талаблари асосида билим, кўникма, малака ва компетенцияларни қай даражада шаклланганлигини объектив баҳолаш ўқувчиларда ижтимоий ҳаётда муносиб ўрнини топиш, турмуш форовонлиги лаёқатини оширишга олиб келади.

Ўқувчиларни компетенциявий ёндашувга асосланган ўқув дастурларига мувофиқ коммуникатив, ахборот билан ишлаш, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий ва математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш таянч компетенциялари, шунингдек таълимда ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларда, шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиққан ҳолда, соҳага тегишли иқтисодий саводхонлик ва иқтисодий маданиятга эга бўлиш хусусий компетенциялари шакллантирилади. Мазкур компетенцияларни баҳолашда "Ассесмент" методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

"Ассесмент" методи инглизча "assessment" сўзидан олинган бўлиб, "баҳо", "баҳолаш" маъноларини билдиради. Ассесмент методи ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенциялари даражасини ҳар томонлама, холис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами ҳисобланади. Бу метод куйидаги мақсадларга хизмат қилади:

– ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларини ҳар томонлама объектив баҳолаш;

– ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларини ривожлантириш имкониятларини аниқлаш;

– ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қиладиган стратегиясини шакллантириш.

"Ассесмент" методи ўқув машғулотларининг барча турларида ва босқиларида ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларини қай даражада эканлигини аниқлаб олиш учун мўлжалланган. Иқтисодий билим асослари фанидан билим, кўникма, малака ва компетенцияларини қай даражада шаклланганлигини "Солиқлар ва уларнинг турлари" мавзуси мисолида "Ассесмент" методидан фойдаланиш мумкин.

<p><b>Тест</b> 1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қачон қабул қилинган? А. 2007 йил; В. 2008 йил; С. 2009 йил. 2. Солиқ тўловчининг жавобгарликка</p>	<p><b>Қиёсий таҳлил</b> Тўғри ва эгри солиқларининг фарқини қиёсий таҳлил қилинг. Умумдавлат ва маҳаллий солиқларнинг фарқини қиёсий таҳлил қилинг. Хорижий давлатлардаги</p>
---	---

<p>тортилиши:          А. Уни солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилмайди;          В. Уни солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилади;          С. Уни солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан қисман озод қилади.          3. Маҳаллий солиқларга қайси бир солиқ тури киради?          А. Мол-мулк солиғи;          В. Аҳолининг даромад солиғи;          С. Акциз солиғи.</p>	<p>фуқаролардан олинадиган даромад солиғини Ўзбекистон фуқаролари томонидан тўланадиган даромад солиғи билан қиёсий таҳлил қилинг.          Хорижий давлатлардаги юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини Ўзбекистон юридик шахслари томонидан тўланадиган фойда солиғи билан қиёсий таҳлил қилинг.</p>
<p><b>Симптом</b>          А.Навой: ... . (Солиқ тўлашдан бош тортиш ўз шерикларига жафо қилиш билан баробардир.)          А.Темур: ... . (Агар аҳоли солиқ тизими орқали камбағаллашиб кетса, давлат ҳам оқибатда камбағаллашиб боради, аҳолининг бой-бадавлат яшамоғи учун адолатли солиқ тизими зарур.)</p>	<p><b>Кейс.</b> Тайлоқ туманида яшовчи фуқаро А.Ҳайдаровнинг мулк ҳуқуқида тегишли бўлган мол-мулкнинг умумий инвентаризация қиймати 7 800 000 сўм, умумий майдони 158 кв.м бўлган мол-мулкнинг мол-мулк солиғини ҳисобланг.  <b>Ечими:</b> <math>7\,800\,000 \cdot 1.7\% = 132\,600</math>          Демак, маҳаллий бюджетга тўланадиган мол-мулк солиғи суммаси 132600 сўмни ташкил этади.)</p>

Ассисментни ишлаб чиқишда ҳар бир ўқувчи ёш ва психологик хусусиятлардан, ўқитувчиларнинг мутахассислигидан ҳамда ўқув фанидаги таянч ва хусусий компетенцияларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тузиш тавсия этилади. Ўқув машғулотларида "Ассесмент" методидан фойдаланиш ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларини қай даражада шаклланаётганлигини объектив баҳолаш имконини беради.

## O'QUVCHI BILIMINI TEKSHIRISH VA BAHOLASH TEXNOLOGIYASI

*S.Mamadieva  
Samarqand VXTXQTUMOI*

*Biz tarbiyachilar kichkina go'dakning xatti-harakatlarini sinchkovlik bilan kuzatar ekanmiz, undan o'zimiz uchun kerakli saboq topa olamiz. (Suqrot).*

Mamlakatimiz ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni, "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"ning bosh maqsad va vazifalaridan biri bo'lgan "... har tomonlama rivojlangan, ma'nan yetuk, jismonan baquvvat, kuchli intellektual salohiyatga ega bo'lgan, jahon andozalariga mos keladigan raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash" borasida keng ko'lamli, zamonaviy yondashuvlar asosida yurt kelajagi va ravnaqi yo'lida bir qator islohotlar olib borilmoqda.

Birinchi Prezidentimiz *I.A.Karimov* "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" asarida: "Ta'limni tarbiyadan, tarbiyani esa ta'limdan ajratib bo'lmaydi – bu sharqona hayot falsafasi" deya ta'kidlaganidek, bugun ta'lim – tarbiya maktab dargohlarida yaratilmoqda. Ana shu ta'lim-tarbiyani namoyon bo'lishi baho orqali amalga oshadi. "Baho" forscha so'z bo'lib, "narx, qiymat" ma'nolarini bildiradi. Shu bilan birga o'quvchi yoki talabaning egallagan BKMLarini miqdoriy baholashda ball yoki raqamlar vositasida shartli ifodalanadigan hodisadir. Ta'limda o'quvchilarning

bilimlarini o'zlashtirishlari, axloqi yoki ma'lum bir yutug'ini ham bahoda ko'rishimiz mumkin. Baholash uchun bolani doimo kuzatish va kuzatishni, albatta, qayd etib boorish muhimdir.

**Kuzatish** – bu bolani o'ynayotgan yoki ishlayotgan vaqtda, uning faoliyatiga aralashmasdan turib, sinchkovlik bilan kuzatish jarayoni.

**Qayd etish** – kuzatilayotgan faollikni hujjatlashtirish jarayoni sanaladi.

O'quvchilar bilimini baholashga qancha xolis munosabatda bo'linsa, u o'quvchilarni shuncha rag'batlantiradi. Qoidaga ko'ra baho o'quvchiningd arsdagi xulq-atvoriga mukofot yoki jazo sifatida emas, balki bilimi darajasi va xususiyatiga qo'yilishi kerak. Bahoga qo'yilgan talablar optimal oshirib yuborilmagan ham, pasaytirib yuborilmagan ham, bo'lishi lozim. Baholarni "oshirish" o'quvchilar rivojlanish darajasini, bilimini pasaytiradi. Shu bilan birga, juda katta talab qo'yish ham zararli bo'lib, o'quvchining o'qishga bo'lgan qiziqishini so'ndiradi. O'qituvchining o'quvchilarga baho qo'yishda salbiy munosabatiga yo'l qo'yib bo'lmaydi. Zero, o'quv predmetiga muvofiq keladigan dastur baholashning eng xolis mezoni bo'lishi zarur. Maktablarimizda bilimlarni baholash o'zgarishsiz qolmadi. 1935-yilgacha uch ballik baho qo'yilgan bo'lib, u "juda qoniqarli", "qoniqarli" va "qoniqarsiz" baholar edi.

O'sha paytdan bugungi kungacha mavjud bo'lgan besh ballik tizim joriy etildi. Bu tizimga ko'ra "a'lo" (besh) –dastur talablariga to'liq hajmdagi bilimlarni egallagan o'quvchiga qo'yiladi;

"yaxshi" (to'rt) – dastur talablarini to'la hajmda arzimam kamchiliklar bilan (masalan, materialni bayon etish mantiqi buzilgani va boshqalar) o'zlashtirgan o'quvchiga qo'yiladi;

"qoniqarli" (uch) – o'quvchining bilim darajasi juda past bo'lib, unga keying materialini o'rganishida ilgarilashiga yordam beradigan bilim hajmiga qo'yiladi;

"qoniqarsiz" (ikki) – o'quvchi o'zidagi juda past bilimi bilan ilgarilashiga qodir bo'lmasa qo'yiladi;

"yomon" (bir) o'quvchi hech narsani bilmaganda qo'yiladi. Ammo masalaning boshqa tomoni ham mavjud. Ballning o'ziga xosligi s hunda u bahodan farqlangan holda o'quvchining ma'lum bir masalani o'zlashtirganiga qarab ham ballanadi. Ballning bahodan afzalligi ham ana shunda.

Baholashda o'qituvchi har doim o'quvchining nimaning evaziga shunday bahoga loyiqligini tushuntirib o'tishi lozim. Zero, baho faqatgina natijani belgilab bermasdan, o'quvchining natijasini yanada yuqoriga ko'tarishga yo'naltirishi lozim. Baholash jarayonida o'quvchilarning dars jarayonida nimaga erishdi, yana nimalar kerak va nimaning natijasida yaxshi natijalarga erisha olmaganligi haqida fikr yuritib o'z-o'zini, tengdoshlari faoliyatini baholashga ham zamin yaratish lozim. Kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan bugungi ta'lim tizimida o'quvchi bilimini baholashda o'quvchining tayanch va xususiy kompetensiyalarni qay darajada shakllangan va rivojlanganligi e'tiborga olinadi. Bugungi kunda interfaol ta'lim jarayonida o'quvchi bilimini baholash daquyidagi uchullardan samarali foydalansa bo'ladi. Bunda nafaqat o'qituvchi, balki o'quvchilar ham dars jarayoni, jarayonda o'zlarining ishtiroki, yutuq va kamchiliklar yuzasidan o'zlarining hukmlarini bera oladilar. Masalan, "Assisment" usulidan fodalanib baholashni ko'rib chiqamiz. Bu jadval orqali amalga oshiriladi. Jadvaldagi kataklar soni nechta bo'lishi o'qituvchi tomonidan qo'yilgan maqsad, o'tilgan mavzu yoki bo'lim haqidagi ma'lumotlarga bog'liq. Jadvalda, albatta, o'tilgan mavzu, bo'lim bo'yicha ma'lumotlar ham ilmiy-nazariy, ham amaliy ko'nikmani tekshirish, baholashga yo'naltirilgan tegishli vazifa yoki topshiriqlar bo'lishi kerak.

<p><b>Test</b> O'tilgan mavzu (bo'lim, kurs) bo'yicha 1-2ta test beriladi  "5" ball</p>	<p><b>Muommoli vaziyat</b> Dars vaqtida siz o'tayotgan mavzuni mukammal biladigan o'quvchi bor, shu sabab, u boshqalarga ham, sizga ham xalaqit bera boshladi. Sizning harakatingiz... "1-5" ball</p>
<p><b>Simptom</b> O'tilgan mavzu bo'yicha ilmiy-nazariy fikrlar, g'oyalar, ta'riflar tugallanmagan fikr asosida beriladi. Masalan: ...ta'rif bering, ... "1-5" ball</p>	<p><b>Amaliy ko'nikma</b> Mavzuga mos metodlar ro'yxatini tuzish va misol keltirish. "1-5" ball</p>

Buni shaklini o'zgartirib qo'llash mumkin, ammo "Test", "Simptom" bo'limlari saqlanib qolishi shart.

<p><b>Test</b> 1. Nutq tovushlari nima? 2. Unli va undoh tovushlarning o'zaro farqlari haqida gapiring?</p>	<p><b>Aniqlik kiriting</b> Unli tovushlarni sanab bering. A, o, i, u, o', e.</p>
<p><b>Simptom</b> Fonetika – og'zaki nutqning tovush tizimini o'rganadigan tilshunoslik bo'limi.</p>	<p><b>Amaliyko'nikma</b> "Blis-so'rov" usulidan foydalanish.</p>

Ushbu usulning ahamiyati, o'qituvchi qisqa vaqt ichida barcha o'quvchilarning bilimlarini ham amaliy, ham nazariy tomondan tekshira oladi, ularni o'z-o'zlarini baholashlariga ham imkoniyat yaratadi.

**Debrifing usuli.** Ko'pincha dars oxirida o'qituvchi xulosa chiqarish, o'quvchilar bilimini baholash va uyga vazifa berish bilan kifoyalanadi. Ayrim hollarda "Dars sizga yoqdimi?" deb so'rashi mumkin. Lekin debrifing – darsning muhim qismi. Aynan debriefing jarayonida bajarilgan ishlarning mohiyati aniqlashtiriladi, maqsadga erishganlik darajasi tahlil qilinadi, xulosa qilinadi, o'quvchilar bilib olganlari va yana o'rganishlari lozim bo'lgan material orasidagi munosabat o'rnatiladi, keying harakatlar rejasi belgilanadi. Mutaxassislarning fikricha, mashq qancha vaqt egallasa, debrifingga ham shuncha vaqt sarflanishi kerak.

Debrifing bosqichlari:

1-bosqich: faktlarni aniqlash (Nima sodir bo'ldi?)

2-bosqich: sabablar tahlili (Nega shunday bo'ldi?)

3-bosqich: harakatlarni rejalashtirish (Endi nima qilamiz?)

Birinchi bosqichda sodir bo'lgan voqealar qayd etiladi, hosil bo'lgan his-tuyg'ular oshkor etiladi, nima sodir bo'lishi mumkinligi to'g'risida emas, haqiqatan amalga oshgan voqea haqida fikr yuritiladi (o'quvchilar).

Ikkinchi bosqichda voqeani keltirib chiqargan sabablar tahlil qilinadi, muqobil fikrlar muhokama etiladi, misollar keltiriladi (o'quvchilar).

Uchinchi bosqichda keying qadamlar aniqlashtiriladi (o'quvchilar bundan keying darslarda qanday harakatlashishlozim.).

Qayta bog'lanishning samarali usullaridan biri. Dars yakunida o'qituvchi uchun foydali ma'lumot olishga yordam beradi. Ya'ni o'quvchi nima oldi, nimaga erishdi va unga yana nimalar qiziq va qanday ma'lumotlarga ehtiyoji bor.

## ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УЛАРНИ ОБЪЕКТИВ БАҲОЛАШ МАСАЛАСИ

*С.Абдиев*  
*Самарқанд ВХТХҚТМОИ,*  
*Р.Абдиев*  
*Самарқанд ДТИ қошидаги академик лицей*

Ҳозирги кунда жамиятимизнинг турли жабҳаларида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Давр талабларига мос равишда таълим тизимида жадал ислохотлар амалга оширилиб, таълимнинг сифати ва самарадорлиги босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ўқувчиларнинг мустақил қобилиятини ривожлантириш ва уларни объектив баҳолаш таълим-тарбия жараёнида дўстона муносабатдаги ўқув муҳитини яратишга асосий омил бўлади.

Таълим ва тарбиянинг муҳим вазифаларидан бири ўқувчи ёшларни эркин, мустақил фикрлашга ўргатишдир. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлади. Ҳар бир педагог ўзининг асосий эътиборини ўқувчилар билан ҳамкорликни ташкил қила олишга, дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда ўқувчилар фаоллигини оширишга, уларнинг оғзаки нутқини ўстиришга, ўқувчиларни ўз фанига кизиқтира олиши лозим. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг интерфаол усуллари хилма-хилдир. Ўшбу интерфаол усуллардан бири

“ФСМУ” технологияси. Мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки дарс якунида (ўқувчиларнинг дарс ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида) қўлланилиши мумкин, чунки бу технология ўқувчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир каторда ўқувчиларни ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишда, қай даражада эгаллаганликлари баҳолаш ва баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Ўшбу технология ўқувчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларини баён этишга ёрдам беради.

Ўшбу технология бир неча босқичда ўтказилади.

1-босқич: Ўқитувчи ўқувчилар билан бирга дарс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

– Ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир ўқувчи якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида ўқувчиларга маълумот беради;

– дарс давомида ҳар бир ўқувчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

2-босқич: Ҳар бир ўқувчига ФСМУ технологиясининг 4-босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилган:

Ф- фикрингизни баён этинг.

С- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг.

М- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

У- фикрингизни умумлаштиринг.

Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси. Ҳар бир ўқувчи якка тартибда қоғоздаги ФСМУнинг 4-босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлдиради.

3-босқич: Ҳар бир ўқувчи ўз қоғозларини тўлдириб бўлгач, ўқитувчи уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади ёки ўзи турли гуруҳларга бўлиш усуллари билан фойдаланган ҳолда ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлади. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳга ФСМУ технологиясининг 4-босқич ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади, ўқитувчи кичик

гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардаги фикр ва далилларни катта форматда умумлаштирган ҳолда 4-босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

4-босқич: кичик гуруҳларда аввал ҳар бир ўқувчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб ўтади. Гуруҳ аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, гуруҳ аъзолари уларни умумлаштиришга киришади;

– гуруҳ аъзолари ФСМУ нинг 4-босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар;

– фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир ўқувчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботланиши мумкин.

5-босқич: кичик гуруҳлар умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар. Гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди иложи борича изоҳ бермаган ҳолда, баъзи бўлимларни исботлаши, яъни гуруҳларнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

6-босқич: Ўқитувчи тренер машғулотга яқун ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради.

“ФСМУ” технологиясидан тарих фанининг ўқув дастуридаги “Хоразмшоҳлар давлатининг ҳалокати” мавзусини ўқишда фойдаланиш мумкин. Хоразмшоҳлар давлати ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин эгаллаганлиги, уша давр жаҳон тарихида тутган ўрни ҳақида қисқача изоҳ берилади. Хоразмшоҳлар давлатининг ҳалокати сабабларини ўқувчиларнинг ўзлари топишга жалб қилинади. Мўғуллар босқини арафасида Хоразмшоҳлар давлатидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, Урганч қамали, Жалолиддин Мангуберди ва Нажмиддин Кубро жасорати ҳамда мўғуллар истилосининг оқибатлари очиб берилади. Сўнгра ўқувчилардан мавзуда ёритилган ҳолатни тасаввур қилиш ва ўзида қандай бир туйғулар сезганлигини гапириб бериш сўралади, Хоразмшоҳлар давлатининг ҳалокати сабаблари аниқланади. Ўқитувчи ўқувчилар баёнини умумлаштириб, ўқувчилар келтириб ўтган сабабларни тинглаб туриб, уларни объектив баҳолаб боради.

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ва уларни объектив баҳолашда замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланилса, ўқувчилар ҳамкорликда ишлашга мавзу мазмунини билиш ва ўзлаштиришда ўзларининг шахсий хиссасини кўшиш имкониятига эга бўладилар. Шу жараёнда бир-бирларини кўллаб-қувватлаш, ўзаро дўстона муносабатлар вужудга келади.

## ASSESSMENT METHODS AND THEIR IMPACT ON EDUCATION

*F.Normaxmatova*  
*SITRPE*

Assessment is an integral part of instruction, as it determines whether or not the goals of education are being met. Assessment affects decisions about grades, placement, advancement, instructional needs, curriculum, and, in some cases, funding. Assessment inspire us to ask these hard questions: "Are we teaching what we think we are teaching?" "Are students learning what they are supposed to be learning?" "Is there a way to teach the subject better, thereby promoting better learning?"

Today's students need to know not only the basic reading and arithmetic skills, but also skills that will allow them to face a world that is continually changing. They must be able to think critically, to analyze, and to make inferences. Changes in the skills base and knowledge our students need require new learning goals; these new learning goals change the relationship between assessment and instruction. Teachers need to take an active role in making decisions about the purpose of assessment and the content that is being assessed. Several types of assessment practices are given to use during a lesson below:

### **Diagnostic assessment**

- is often undertaken at the beginning of a unit of study to assess the skills, abilities, interests, experiences, levels of achievement or difficulties of an individual student or a whole class;
- can involve formal measurements (e.g. IQ/aptitude tests, fitness tests) that are used to establish a starting point or baseline OR informal measurements (e.g. observation, discussions, questioning);
- informs programming and planning, and learning and teaching methods used, as well as assessment choices.

### **Summative assessment**

- assists you to make judgements about student achievement at certain relevant points in the learning process or unit of study (e.g. end of course, project, semester, unit, year);
- can be used formally to measure the level of achievement of learning outcomes (e.g. tests, labs, assignments, projects, presentations etc.);
- can also be used to judge programme, teaching and/or unit of study effectiveness (that is as a form of evaluation).

### **Formative assessment**

- is the practice of building a cumulative record of student achievement;
- usually takes place during day to day learning experiences and involves ongoing, informal observations throughout the term, course, semester or unit of study;
- is used to monitor students' ongoing progress and to provide immediate and meaningful feedback;
- assists teachers in modifying or extending their programmes or adapting their learning and teaching methods;
- is very applicable and helpful during early group work processes.

### **Informal assessment involves:**

- systematically observing and monitoring students during in class learning and teaching experiences;
- interacting with students to gain a deeper knowledge of what they know, understand and can do;
- circulating the classroom and posing questions, guiding investigations, motivating and quizzing students;
- providing opportunities for students to present or report upon their learning and teaching experiences;
- collecting, analysing, and providing feedback on in and out of class work samples (e.g. how their group work projects are progressing).

### **Formal assessment involves:**

- the use of specific assessment strategies to determine the degree to which students have achieved the learning outcomes;
- assessment strategies including: essays, exams, reports, projects, presentations, performances, laboratories or workshops, resource development, artwork, creative design tasks, quizzes and tests, journal writing, portfolio;
- individual and/or collaborative tasks that usually attract a mark (group work may include both an individual and group component).

Each educational program will select the assessment methods that will provide the most useful and relevant information for the purposes that the program and its faculty have identified. When selecting which assessment methods to use, consider what questions need to be answered, the availability of resources, and the usefulness of the results. Programs may find it valuable to identify what information currently exists in the program that can be utilized as well as what assessment methods have been used for past assessments.



**Assessment Methods**

<b>Method</b>	<b>Description</b>	<b>Direct or Indirect Data</b>
<b>Alumni Survey</b>	Surveying program alumni can provide information about program satisfaction, preparation (transfer or workforce), employment status, skills for success. Surveys can ask alumni to identify what should be changed, altered, maintained, improved, or expanded.	Indirect
<b>Capstone Project or Course</b>	A capstone project or course integrates knowledge, concepts, and skills that students are to have acquired during the course of their study. Capstones provide a means to assess student achievement across a discipline.	Direct
<b>Certification or Licensure Exam</b>	These standardized tests are developed by outside, professional organization to assess general knowledge in a discipline.	Direct
<b>Competitions (Juried)</b>	External reviewers score, judge the performance, work, etc. of students	Direct
<b>Course Evaluation Survey</b>	Course evaluations assess student experience and satisfaction with an individual course and are generally administered at or near the end of the semester. They provide the faculty, department, and institution with student perceptions of the classroom aspect of their educational experience.	Indirect
<b>Embedded Techniques</b>	Embedded assessment techniques utilize existing student course work as both a grading instrument as well as data in the assessment of SLO.	Direct
<b>Employer Survey</b>	Programs can survey employers to determine if their graduates are satisfactorily skilled. Additional information to collect can include on the job skills, field specific information, etc.	Indirect
<b>Entrance/Exit Interviews</b>	Interviews are conducted with students when they enter college and when they leave—either through graduation or early departure. These interviews can be designed to measure SLO, but can also be used to learn about students' perceptions, gather feedback, on various college services, activities, etc.	Direct
<b>Exit Exam/ Comprehensive Test</b>	A comprehensive exam given near the end of the student's academic career (usually during the final semester prior to graduation). The exam is generally given to determine a student's acquisition and application of a particular type or form of knowledge or skill, as well as the ability to integrate knowledge from various disciplines. The exam can be written, oral, or a combination.	Direct
<b>Focus Groups</b>	A series of structured discussions with students who are asked a series of open-ended questions designed to collect data about beliefs, attitudes, and experiences.	Indirect
<b>Graduate Survey</b>	An assessment of a student's overall satisfaction with his or her collegiate experience and learning	Indirect

<b>Institutional Data</b>	Review both program and student data that is collected at the institutional level. Data can include program enrollment, retention, student GPA, etc.	Indirect
<b>Locally Developed Tests</b>	A test that is developed within the institution to be used internally. The test is typically administered to a representative sample in order to develop local norms and standards	Direct
<b>Portfolio</b>	Students' work is collected throughout a program which is assessed by faculty using a common scoring guide/rubric. Portfolios may contain research papers, reports, tests, exams, case studies, video, personal essays, journals, self-evaluations, exercises, etc.	Direct
<b>Reflective Student Essays</b>	Reflective essays can be used as an assessment method to determine student understanding of course content and/or issues as well as students' opinions and perceptions	Direct Indirect
<b>Pre &amp; Post Tests</b>	Typically an exam is administered at the beginning and at the end of a course or program in order to determine the progress of student learning	Direct
<b>Observations</b>	Information can be collected while observing "events" such as classes, social gatherings, activities, group work, study sessions, etc. Observation can provide information on student behaviors and attitudes	Indirect

People often want to know "what works" in education, the simple truth is that everything works somewhere, and nothing works everywhere. That's why any method can never tell teachers what to do—classrooms are far too complex for any prescription to be possible, and variations in context make what is an effective course of action in one situation disastrous in another. Nevertheless, methods of assessment can highlight for teachers what kinds of avenues are worth exploring and which are likely to be dead ends, and this is why classroom assessment appears to be so promising. Across a range of contexts, attending not to what the teacher is putting into the instruction but to what the students are getting out of it has increased both student engagement and achievement.

## O'QUVCHI BILIMINI TEKSHIRISH VA BAHOLASH TEXNOLOGIYASI

*M.Raximova  
SamVXTXQTUMOI*

O'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini nazorat qilish, baholash tashxislashning zaruriy tarkibiy qismlari sanaladi. Ular pedagogik texnologiyaning ancha qadimiy usullaridir. Nazorat va baholash maktab amaliyoti rivojining doimiy hamrohi bo'lib kelgan. Shunga qaramay, bugun ham baholashning mazmuni, texnologiyalari haqida qizg'in munozaralar davom etmoqda: pedagoglar baho nimani qayd etishi lozimligini aniqlashga urinmoqdalar. Ularning fikrlaricha: - ta'lim oluvchining o'zlashtirish darajasini qat'iy belgilovchi – sifat ko'rsatkichi, yoki; - u yoki bu ta'lim tizimining ustunligi, kamchiliklarini ko'rsatuvchi ko'rsatkich ekanligi aniq belgilanishi zarur.

O'quvchilar bilimni baholashda ziddiyatli qarashlarning tug'ilishini buyuk pedagog Ya.A.Kamenskiy ham ta'kidlab o'tgan edi. U pedagoglarni o'zlari ega bo'lgan baholash huquqidan aql bilan foydalanishga chaqirgan. Ta'lim oluvchilarga nisbatan nazoratning obyektiv bo'lishiga erishish didaktik tizimlarning asosida yotadi. Olimlarning ta'kidlashicha, demokratlashgan ta'lim

tizimida yuzaki (formal) nazorat bo'lmash lozim. Didaktik nazorat ta'limning o'ziga xos metodi sifatida aniq ifodalangan ta'lim beruvchi, rivojlantiruvchi xususiyatga ega bo'lishi o'z-o'zini nazorat qilish bilan birlashishi, eng avvalo, ta'lim oluvchining o'zi uchun zarur va foydali bo'lishi lozim.

**Baholash** - ta'lim jarayonining ma'lum bosqichida o'quv maqsadlariga erishilganlik darajasini oldindan belgilangan mezonlar asosida o'lchash, natijalarni aniqlash va tahlil etishdan iborat jarayondir. Baholash natijasida tushuncha va qonun qoidalarning qaysi biri qiyin, qaysi biri esa oson o'zlashtirilishi aniq ravshan bo'ladi. Baholash natijasida, ta'lim oluvchilarning o'rganilayotgan materiallarini, bilish, tushunish, esda saqlash, anglab olish, amalda qo'llay olish tahlil qilish va o'z bilimlariga tanqidiy baho berish darajalari aniqlanadi. Ba'zan baholash jarayonida ta'lim oluvchi qo'shimcha bilim, ko'nikma va malakalarga ham erishadi.

*Yuqorida keltirilgan fikrlardan kelib chiqib, baholashning mohiyati haqida quyidagi xulosalarni aytish mumkin:* - o'quv maqsadlariga erishilganlikni aniqlash; - ta'lim oluvchining qiziqishlarini aniqlash; - ta'lim jarayonining yutuq va kamchiliklarini aniqlash; - ta'lim beruvchi o'z faoliyatiga tuzatishlar kiritishi; - yalpi o'zlashtirilganlik darajasini aniqlash; - tashqi qiziquvchilarga, ota onalarga ma'lumot berish.

*Quyidagi asosiy tamoyillar baholash tizimi samaradorligining poydevori hisoblanadi:* - o'quv maqsadlariga asoslanganlik; - haqiqiylik; - haqqoniylik; - qulaylik.

**O'quv maqsadlariga asoslanganlik** - o'quv maqsadlari baholash mazmunini aniqlab beradi. O'quv maqsadlarini qo'yilish darajasiga qarab baholashning shakli va usullari tanlanadi. Baholash tizimi loyihalashtirilganda, baholash topshirig'i berilganda ta'lim mazmuni doirasidan chetga chiqmaslik talab etiladi.

**Haqiqiylik** - o'quvchining erishgan natijalari to'g'risida ishonchli axborot berish kerak. O'lchanishi kerak bo'lgan narsalargina o'lchanishi kerak. Tekshirishning samarali metodlaridan foydalanish zarur.

**Haqqoniylik** - o'quvchilarga berilgan bir xil topshiriq va testlar bo'yicha bir xil baho bergan holdagina mazkur baholash haqqoniy hisoblanadi. O'quvchi talabalar baholash sharoitlari va maqsadlari bilan oldindan tanishgan bo'lishlari lozim. Ta'lim oluvchilarga bir xil murakkablikdagi va hajmdagi topshiriqlar berilishi kerak.

**Qulaylik** - Baholash tizimi o'quv maqsadlaridan kelib chiqqan holda o'quv va ishlab chiqarish standartlariga mos bo'lishi lozim. Baholashni o'tkazishda imkon qadar kompyuterlardan keng foydalanish maqsadga muvofiq bo'ladi.

**Baholash uning mohiyatidan kelib chiqib ikki xil shaklda o'tkazilishi mumkin:** - mezonga asoslangan baholash; - me'yorga asoslangan baholash.

Baholash o'tkazilish vaqtiga ko'ra uch turga ajratiladi: boshlang'ich baholash; joriy baholash; yakuniy baholash.

**Boshlang'ich baholash** - ta'lim jarayoni boshida ta'lim oluvchilarning dastlabki bilim, ko'nikma va malakalarini aniqlash uchun o'tkaziladi.

**Joriy baholash** - muntazam o'tkaziladi. Ta'lim jarayonidagi yutuq va kamchiliklarni, ta'lim jarayoni samaradorligini tezkor aniqlab beradi. Asosan o'quvchining intilishlari baholanadi.

**Yakuniy baholash** - ta'lim jarayonining yakunida o'tkaziladi. Rejalashtirilgan ta'lim maqsadiga erishilganlik baholanadi. U joriy baholash natijalarini jamlaydi.

O'quvchilar bilimni baholashda xolislik, oshkoralik va haqqoniylikka asoslanilsa, nizolar, o'zaro kelishmovchiliklar kelib chiqmasligi mumkin. Shuning uchun o'qituvchi har doim, har bir o'quvchiga individual munosabatda bo'lib, uning bilim va ko'nikmalarini to'g'ri baholay olishi shart.

## FANLARNI O'QITISHDA O'QUVCHILARNING HAYOTIY KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH VA BAHOLASH

*A.Amirullayeva  
Samarqand VXTXQTUMOI*

Ta'lim jarayoniga kompetentlik tushunchasining kiritilishi shu kunga qadar o'qitish amaliyotida uchraydigan nazariy bilim bilan undan amaliyotda foydalanish o'rtasidagi uzilish, ya'ni o'quvchi nazariy bilimga ega bo'lgan holda, undan muammoli vaziyatlarda foydalanishga qiynalish holatlarini bartaraf qiladi. Demak, an'anaviy ta'limda ustuvor bo'lgan bilish paradigmasi o'rniga bilimlardan muammoli vaziyatlarda o'rinli foydalanish paradigmasi ustuvor paradigмага aylanadi. Kompetensiyaviy yondoshuvga asoslangan ta'limdan ko'zlangan maqsad; kirishuvchan, yuzaga kelgan muammoning yechimini topa oladigan ijodkor o'quvchini tarbiyalash. Bu maqsadga erishish uchun birinchi navbatda o'qituvchilarning o'zi kompetensiya nima ekanligini tushunishi, uni dars jarayonida qanday shakllantirishni bilishlari kerak. Quyida fizika darslarida kompetensiyaviy yondoshuv asosida o'quvchilarda ekologik madaniyatni shakllantirish bo'yicha ma'lumotlar keltirib o'tamiz.

Ma'lumki, insoniyat yashab turgan Yer ochiq tizim hisoblanadi. Uning asosiy energiya manbai Quyoshdir. Yerga Quyoshdan keluvchi energiya oqimi fotosintez jarayoni natijasida boshqa tur energiyaga aylanadi. Yerga tushayotgan energiya oqimi yerning issiqlik nurlanishi bilan muvozanatlashadi. Yerdan hayotning mavjudligi ana shu tushayotgan energiya chastotasining Yerdan kosmik fazoga tarqalayotgan energiya chastotasidan kattaligi bilan farqlanadi.

O'quvchilarga fizika, kimyo va biologiya fanlarini o'qitish jarayonida quyidagilarni e'tiborga olish muhim ilmiy pedagogik ahamiyatga ega:

– jonli va jonsiz tabiatda sodir bo'layotgan jarayonlarni fizikaviy qonunlar orqali tushuntirish bilan ularni atrof-muhitda kuzatilayotgan ekologik muammolarni hal etish imkoniyatlarini o'rganish;

– fizikaviy maydonlarning atrof-muhitga ta'sir doirasi, mexanizmlari, darajasi hamda ulardan himoyalash usul va vositalarini o'rganish;

– atrof-muhit monitoringini ishlab chiqishda fizikaviy uslub va vositalardan foydalanishni o'rganish;

– o'quvchilarda inson-tabiat mahsuli, uning ongli bo'lagi, har bir shaxs o'z faoliyatini tabiat bilan uyg'unlashtirib olib borishi zarurligi haqidagi ekologik ongini shakllantirishi lozim.

Fizika ta'limi jarayonida o'quvchilarning salomatliklariga xavf solayotgan ekofizikaviy ifloslanishlarning oldini olish maqsadida, ana shu qo'shimcha vazifaga o'qituvchilar alohida e'tiborlarini qaratishlari lozim. Bu muammoni bilmagan o'quvchilar hayoti fizikaviy maydonlar xavfi ostida qoladi. Hozirgi kunda insoniyat ana shu maydonlar va radiatsiya oqimlari ichida "cho'milmoqda". Bu cho'milish jarayoni inson salomatligiga qanday ta'sir etadi? Bularning ko'pchiligini sezgi organlari orqali sezib bo'lmaydi. Xuddi shuningdek, ularning ko'pchiligining jonli organizmlarga ta'sir mexanizmlari, me'yorlari o'rganilgan emas. Ammo bularning asosiy kelib chiqish manbai global texnika taraqqiyotidir. Bu muammolarni uzluksiz ta'lim tizimining barcha bosqichlarining fizika, biologiya, kimyo ta'limi jarayonida uzviy ravishda amalga oshirish maqsadga muvofiqdir. Masalan, birgina qo'l telefonidan foydalanish amaliyoti kichik maktab o'quvchisidan tortib, butun uzluksiz ta'lim jarayoni ishtirokchilarida takomillashib bormoqda. Qo'l telefonida chiqadigan to'lqinlar hayot uchun xavfli, uning biologik-gigiyenik ta'siri haqidagi tushunchalar o'quvchilarga biologiya darslarida singdiriladi. Qo'l telefonidan uzoq vaqt davomida foydalanish eslash qobiliyati va fikrlashni yomonlashtirib, rak kasalligini keltirib chiqarishini barcha o'quvchilar bilishi zarur. VI sinfda fizika va texnika taraqqiyoti mavzusini o'tganda qo'l telefonidan chiqadigan elektromagnit to'lqinning inson salomatligiga ta'siri haqidagi tushunchalar shakllantiriladi.

Maktabda Quyosh energiyasidan foydalanish mavzusini o'rganish jarayonida o'quvchilarga nur haqida tushuncha beriladi. Ultrabinafsha nurlarning biologik ta'sirini fizika darslarida quyidagi jadval orqali tushuntirishimiz mumkin.

Sathi (balandlik)	Quyosh nuri tushgan xonada 1 sm <sup>3</sup> dagi mikroblar soni	Quyosh nuri tushmagan xonada 1 sm <sup>3</sup> dagi mikroblar soni
Pol yuzida	14	110
Poldan 0,5 m balandlikda	5	88
Poldan 1,7 m balandlikda	7	78
Poldan 2,3 m balandlikda	4	89

Jadvaldagi sonlar tahlili asosida quyidagicha xulosa qilinadi. Demak, quyosh nuri tushgan uyga tabiiy kirmaydi. Bu bobolar o'giti. Ana shunga amal qilish zarur. O'quvchilar shuni bilishlari zarurki, nur faqat kasallikni davolamaydi, agar me'yorida oshsa halokatga olib keladi. Shu sababdan quyosh nuridan himoyalaniish tavsiya etiladi. "Nurdan foydalanishning zararli va foydali oqibati" mavzusida o'quvchilar anjumanini tashkil etish yaxshi natija beradi. Inson o'zini o'rab turgan tabiatga bo'lgan munosabati va unga bog'liq tuyg'ulari qanchalik ko'p bo'lsa, uning tabiatga nisbatan qayg'urish va javobgarlik hissi ham shunchalik ko'p bo'ladi.

Insonning yetukligi uning atrof-muhitga bo'lgan munosabati bilan belgilanadi. Inson doimo tabiatga qarab intiladi. Ko'pchiligimiz katta shaharlarda yashashimizdan qat'iy nazar tabiat qo'ynida, o'rmonlarda, ko'llarda, shahardan tashqarida dam olishga harakat qilamiz. Biz tabiatning hayotimizdagi ahamiyatini, birligimizni juda yaxshi his qilamiz. Shu munosabatdan kelib chiqib o'quvchilarning tabiatga bo'lgan munosabatini aniqlash maqsadida quyidagi mashg'ulotni o'tkazishimiz mumkin.

### "Mening tabiatga bo'lgan munosabatim"

№	Savollar	Javob va ballar		
		"Ha"	"Yo'q"	Har xil
1	Tabiatga bo'lgan munosabatingiz haqida o'ylab ko'rganmisiz?			
2	Siz tabiiy ob'yektlarni o'ziga jalb qiladigan(chiroyli) yoki jalb qilmaydiganlarga ajratasizmi?			
3	Siz tabiatga doimo ehtiyotkorlik bilan muomala qilasizmi?			
4	Atrof-muhit va unda ro'y berayotgan hodisalar, sizning fikringizcha diqqatga sazovormi?			
5	Atrofingizni o'rab turgan tabiatga har doim ham e'tibor berasizmi?			
6	Tabiatdagi hamma narsa sizni qiziqtiradimi?			
7	Ushbu qiziqish sizning harakatlaringizda ko'zga tashlanadimi?			
8	Tabiatdagi xilma xillikni qadrlaysizmi?			
9	Tabiat sizning his tuyg'ularingizga ta'sir qiladimi?			
10	Tabiatda bo'layotgan hodisalar yoki tabiat ob'yektlari sizni nima bilan o'ziga jalb qiladi, shuni tushuntirib bera olasizmi?			
11	Boshqalarning tabiatga keltirayotgan zararlarini			

	ko'rganingizda.... Siz ushbu sharoitda unga aralashasizmi?			
12	Tabiat to'g'risida yozilgan kitoblarni o'qishni yoqtirasizmi?			
13	Sizning fikringizcha atrof-muhit tabiatga ta'sir ko'rsatadimi?			
14	Tabiat sizning hulq atvoringizga ta'sir ko'rsatadimi?			
15	Siz tabiat qo'ynida tez-tez dam olib turasizmi?			
16	Siz erkin yoki noerkin holda tabiatga qanday salbiy ta'sir ko'rsatgansiz?			
17	Tabiat qo'ynida siz yoqtirib bajaradigan qandaydir mashqlar bormi?			
18	Siz tabiatga nisbatan doimo hayrixohlik bildirasizmi?			
19	I-V sinflarda tabiatni muhofaza qilish ishlarida o'zingizni ishtirokingizni boshladingizmi?			
20	Yoki undan katta yoshdami?			
21	Sur'atlardagi hayvonlar, o'simliklar yoki peyzajlarni ko'rishni yoqtirsaizmi?			
22	Tabiatga bog'liq bo'lgan musiqali asarlar sizga tanishmi?			
23	Tabiiy ashyolar bilan ishlab tabiat to'g'risida rasm chizib yoki tabiat to'g'risida she'r yozib ko'rganmisiz?			
24	Atrof muhitni toza ushlab turishda qilinadigan ishlarga doimo chin dildan munosabatda bo'lasizmi?			
25	Sizning tabiatga bo'lgan munosabatingizga darslar va o'quv mashqlari ta'sir qiladimi?			

**20 balldan kam.** Tabiat bilan san'at orqali tanishish, atrof-muhit to'g'risida olingan bilimlar, tabiat bilan muloqotlardan hosil bo'lgan hissiyotlar sizning ko'nglingizga tegmaydi. Siz tabiatga nisbatan manmanlik munosabatidasiz, unga bog'liqligingizni his etmaysiz. Siz atrofingizni o'rab turgan tabiatga nisbatan uzoqlashib va uzilib qolgan hissiyotlaringizni yengib o'tishingiz lozim. Sizga inson tarixi bilan tabiat tarixi o'rtasidagi uzluksiz aloqalar, uning hayotimizga bo'lgan ahamiyati to'g'risida tanishish foydali bo'ladi.

**21 dan 29 ballgacha.** Sizning tabiatga bo'lgan munosabatingiz unchalik faol emas va kam mulohaza qilasiz. Tabiatga ko'proq e'tibor bering. Undan o'zingizni jalb qiladigan tomonlarini toping. tabiatda sodir bo'layotgan hodisalar haqida fikr yuriting, uning sabablari va kelib chiqadigan natijalar to'g'risida yaratilgan san'at asarlari bilan tanishing. Atrofingizni o'rab turgan insonlarning tabiatga bo'lgan ta'siriga e'tibor bering.

**30 dan 39 ballgacha.** Siz tabiatga bo'lgan munosabatni to'g'ri va chuqur mulohaza qilasiz. Biroq ayri ajratib olingan javoblar bu sohada hammasi ijobiy emasligini o'zingiz anglab turibsiz. Tabiatga va atrofingizdagi odamlarning xulqiga e'tiborliroq bo'ling. Atrof-muhitni himoya qilishda faol qatnashing. San'at asarlari bilan doimo qiziqib turing, ya'ni rassomlarning asarlari bilan tanishing, nusiqlar eshiting va ko'proq o'qing.

**40 balldan yuqori.** Sizning tabiatga bo'lgan munosabatingiz yetarlicha shakllanmagan, sizning dunyoqarashingiz fikrlashingizga, hissiyotlaringizga, qilayotgan ishlaringizga tanqidiy qarashingizga ko'pchilik hollarda xalaqit beradi. O'zingizga va qilayotgan ishlaringizga o'zaro tanqidiy qarang, ularni ko'proq tahlil qiling.

Yuqoridagi natijalardan kelib chiqib shuni ta'kidlash mumkinki, o'tkaziladigan bunday ishlar o'quvchilarni tabiatni anglab yetishlarida, uni tushunishida yordam beradi, unga ongli munosabatda bo'lish ko'nikma va malakalarini shakllantiradi. Bu esa hozirgi kunning eng dolzarb muammosi bo'lgan ekologik muammolarning yechimiga imkoniyat beradi.

## ПРОВЕРКА ЗНАНИЙ, УМЕНИЙ И НАВЫКОВ ШКОЛЬНИКОВ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА ПРИ КОММУНИКАТИВНОМ ОБУЧЕНИИ

*И.Р.Юмагулова*  
*АЛ при СамИЭС*

Основная цель, которая ставится перед общеобразовательной школой с узбекским языком обучения преподавания русского языка, заключается в том, чтобы сформировать у учащихся навыки и умения общаться на русском языке в устной и письменной форме, читать и понимать художественную и научно – популярную литературу на русском языке, т.е. общаться на этом языке в ежедневных (в разных многообразных формах), жизненных ситуациях. Названные цели требуют применения коммуникативной методики, на которой основано преподавание иностранных языков. Применение коммуникативной методики в процессе преподавания русского языка в школе с узбекским языком обучения предполагает использование соответствующих методов оценки учебной деятельности особого вида - речевой деятельности, т.е. оценивания уровня языковой и коммуникативной компетенции, уровня владения чтением, аудированием, говорением и письмом.

Система контроля при коммуникативном обучении охватывает и рецептивные и продуктивные виды речевой деятельности, а также языковую компетенцию учащегося.

Основным способом проверки уровня языковой компетенции являются тестирование и диктант, так как оба вида контрольной работы позволяют объективно оценить уровень знания языкового материала и навыков их использования в письменной речи.

Чтобы объективно оценить уровень восприятия и овладения рецептивными видами речевой деятельности аудированием и чтением, позволяет система вопросов и заданий на проверку содержания прочитанного или прослушанного текста, например, определить основную мысль текста и озаглавить его, разделить текст на смысловые части и составить план, составить вопросы к тексту, пересказать текст, высказать своё отношение к героям, их поступкам и т.д.

Оценка уровня владения продуктивными видами речевой деятельности – диалогом, устной и письменной монологической речью – осуществляется методами, учитывающими специфику каждого из видов речевой деятельности. Для определения уровня коммуникативных умений используются диалоги по описанным ситуациям, дискуссии по обсуждению какой – либо проблемы.

С целью определения уровня владения монологической речью даются темы или описываются ситуации для составления самостоятельных устных и письменных высказываний, используются такие виды письменных работ, как ответы на вопросы, диктанты с творческим заданием, изложения, сочинения по данному началу, на данную тему, по картине; устные задания по составлению текстов – описаний, повествований, рассуждений.

При определении коммуникативных умений, навыков и умений устной и письменной монологической речи за единицу контроля берётся самостоятельное высказывание учащегося.

Проверяются:

объём текста – количество слов;

соответствие теме – полное, частичное, несоответствие;

связность – связь по смыслу и с помощью языковых средств;

языковая правильность – количество ошибок.

При проверке знаний, умений и навыков школьников большое значение имеет их объективная оценка, при этом во всех школах должен быть единый подход к определению качества успеваемости. Проблема эта не простая, особенно если учесть, что оценка знаний выступает в качестве тонкого и весьма острого инструмента воздействия на учащихся.

Высокая оценка знаний может и воодушевлять школьника к учению, но может и расхолаживать его. Еще сильнее воздействует неудовлетворительная оценка: она может и побуждать школьника к усилению своей учебной работы, и отбивать охоту к учению. Вот почему время от времени возникают дискуссии, которые то облекаются в форму борьбы с так называемой процентоманией, т.е. с намеренным завышением оценок знаний учащихся, то принимает форму предложений о переводе учащихся из класса в класс независимо от качества их знаний, как это делается в некоторых зарубежных странах.

Исторический опыт, однако, показывает, что борьба с субъективизмом и процентоманией при оценке знаний учащихся должна идти не в направлении игнорирования успеваемости при переводе их в следующие классы и выпуска из школы, а только путем повышения качества обучения и совершенствования методики проверки и оценки знаний. В этом смысле важно, чтобы учителя придерживались тех общих критериев, которые должны лежать в основе оценки знаний учащихся. В чем же суть этих критериев?

Балл «5» выставляется за такие знания, когда: а) ученик обнаруживает усвоение всего объема программного материала, б) выделяет в нем главные положения, в) осмысленно применяет полученные знания на практике, г) не допускает ошибок при воспроизведении знаний, а также в письменных работах и выполняет последние уверенно и аккуратно, д) легко отвечает на видоизмененные вопросы, на которые нет прямых ответов в учебнике.

Балл «4» выставляется тогда, когда: а) ученик выявляет знание материала, б) отвечает без особых затруднений на вопросы учителя, в) умеет применять полученные знания на практике, г) в устных ответах не допускает серьезных ошибок и легко устраняет отдельные неточности с помощью дополнительных вопросов учителя, д) в письменных работах делает незначительные ошибки. Знания, оцениваемые баллами «5» и «4», как правило, характеризуются высоким понятийным уровнем, глубоким усвоением фактов, примеров и вытекающих из них обобщений.

Балл «3» выставляется за знания, когда: а) ученик обнаруживает усвоение основного материала, но испытывает затруднение при его самостоятельном воспроизведении и требует дополнительных и уточняющих вопросов учителя, б) предпочитает отвечать на вопросы воспроизводящего характера и путается при ответах на видоизмененные вопросы, в) допускает ошибки в письменных работах. Знания, оцениваемые баллом «3», зачастую находятся на уровне представлений, их понятийный аспект является недостаточным.

Балл «2» выставляется тогда, когда у ученика имеются отдельные представления об изученном материале, но все же большая часть его не усвоена, а в письменных работах ученик допускает грубые ошибки.

Балл «1» выставляется за полное незнание учеником пройденного материала.

Эти общедидактические критерии оценки знаний, умений и навыков учащихся конкретизируются в частных методиках. По каждому предмету даются рекомендации, как оценивать устные ответы школьников, их письменные и практические работы. Применение этих критериев и рекомендаций требует от учителя определенного умения, педагогического такта и знания индивидуальных особенностей учащихся. В особенности важно учитывать следующее. Каждый ученик стремится к успеху в овладении знаниями. Однако если баллы «4» и «5» выставляются за слишком облегченные задания и вопросы, тогда хорошие оценки не стимулируют учебную работу школьников. С другой стороны, если учитель выставляет несколько двоек подряд, ученик теряет веру в успех, ослабляет свои усилия в учении, а иногда и совсем перестает учиться. Вот почему получение учеником двойки должно быть сигналом к тому, что он нуждается в срочной помощи учителя. Это положение и должно быть исходным при работе со слабоуспевающими школьниками.

Объективной оценке успеваемости иногда мешают те образцы и шаблоны, к которым привыкает сам учитель и требует их соблюдения учащимися. Сложившаяся в нашей школе 5-балльная система оценки успеваемости учащихся иногда подвергается критике. Вносятся предложения о замене ее 10-балльной или даже 20-балльной, как это практикуется в ряде



зарубежных стран, чтобы якобы более точно определять уровень знаний школьников. Но в некоторых странах, например, в Китае, используется 100-балльная система оценок. В Чехии при 5-балльной системе оценок успеваемости высшим баллом является не «пятерка», а «единица». Нужно ли нам в этом деле копировать зарубежный опыт или же лучше сохранять свои традиции? Вопрос не праздный. Оценку успеваемости нельзя отрывать от качества обучения и стимулирования познавательной активности учащихся. Не отрицая большой важности объективного и более точного оценивания степени усвоения изучаемого материала учащимися, нельзя превращать выставляемые им оценки в средство понуждения их к учебной работе, как это иной раз бывает. Главное состоит в том, чтобы эти оценки выступали как мера педагогического поощрения и эмоционального одухотворения их интеллектуально-познавательной деятельности. Достаточно и 5-балльной системы оценок, если учитель эффективно осуществляет обучение и обеспечивает глубокое и прочное овладение изучаемого материала школьниками. Что же касается предложений о переводе учащихся в последующие классы с «двойками», как это опять-таки делается в некоторых зарубежных странах, то это ничего не улучшит в школе, а лишь породит новые проблемы, например, рост недисциплинированности, отрицательное отношение к учебной работе.

## **O'QUVCHI BILIMIGA QO'YILGAN TALABLAR VA PEDAGOGIK YONDASHUV**

*D. Rustamova*

*Tayloq tumani 5-umumta'lim maktabi*

Ta'lim-tarbiya berish jarayonida ona tilining o'рни beqiyosdir. Bu, albatta, isbot talab qilmaydigan haqiqatdir. O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.A.Karimov "Jamiki ezgu fazilatlar inson qalbiga, avvalo, ona allasi, ona tilining betakror jozibasi bilan singadi. Ona tili-bu millatning ruhidir" deya ta'kidlaganlar.

Bugungi kunda o'quvchilarni har tomonlama mukammal bilim olishlari, uning intilishlari, qobiliyati va qiziqishlari ustuvorligi inobatga olinib, davlat ta'lim standartlarining yangi tahriri ishlab chiqildi. Davlat ta'lim standartining maqsadi-umumiy o'rta ta'lim tizimini mamlakatda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohlolotlar, rivojlangan xorijiy mamlakatlarni ilg'or tajribalari hamda ilm-fan va zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalariga asoslangan holda tashkil etish, ma'naviy barkamol va intellectual rivojlangan shaxsni tarbiyalashdan iborat. Shunisi e'tiborliki, bugungi kunda har bir fanni, jumladan, ona tili fanini o'qitishda ham o'quvchilarda bilim, ko'nikma va malakalar bilan birga hayotiy kompetensiyalarni shakllantirish, ya'ni ularni egallagan bilimlaridan kundalik hayotda duch kelinadigan amaliy hamda nazariy masalalarni yechishda, shuningdek, tanish yoki notanish vaziyatlarda foydalanishga tayyorlash muhim vazifalardandir.

Ona tili fanidan o'quvchilarga mukammal bilim beraman degan o'qituvchi o'z fanini boshqa fanlar bilan bog'liqlikda unga kompetensiyaviy yondashgan holda tashkil etishi va dars jarayonida pedagogic texnologiyalardan o'rinli foydalanishi zarurdir. Fan sifatida ona tili o'qitish metodikasining o'z predmeti, vazifasi, nazariy va ilmiy sohasi bo'lib, bir qator fanlar o'rtasida uning ma'lumo'ri bor. Bu fan o'zining boy tarixiy ildizlariga ega bo'lib, yillar davomida rivojlanib, taraqqiy etib bormoqda. U o'z maqsad va vazifasini mana shu yo'lda falsafa, tilshunoslik siklidagi fanlar, didaktika, ruhshunoslik va boshqa ijtimoiy-iqtisodiy hamda siyosiy fanlar bilan uzviy bog'liqlikda amalga oshiradi. Demak, maktabda ona tili o'quv fanidan dars beradigan yetuk mutaxassis bo'lish uchun, avvalo, o'qituvchini o'zi shu fanlarning bilimdoni o'z fani tarixiy ildizlarini mukammal biladigan bo'lishi kerak.

Ona tili ijtimoiy fanlar guruhiga kirganligi sabab bunday fanlarning asosini tashkil etadigan falsafa bilan chambarchas bog'liq. Bu fanning falsafa bilan aloqadorligi ona tilining maqsad va

vazifalarini tushunishingizga bu fanning ta'lim mazmunini to'g'ri belgilashingizga, o'qitishning eng samarali usul va vositalarini tanlashingizga yordamlashadi. O'quvchiga 7-sinf ona tili darsligida berilgan "Til va nutq" mavzusini tushuntirish, til hodisalarini o'quvchi ongida voqelanishi, til va tafakkurning aloqadorligi, tafakkur bilan chambarchas bog'liq holda amalga oshiriladi.

Ma'lumki, falsafada har bir umumiy tushuncha yakka va juz'iy tushunchalar yig'indisidan tashkil topadigan tushuncha mavjud. Ona tili mashg'ulotlarida o'quvchi faoliyatini tashkil etishda ham mana shu qoidaga asoslanamiz. Muayyan bo'laklarga ajratilgan til hoqisalarini kuzatish ularning birini ikkinchisi bilan taqqoslash orqali o'quvchi muayyan ta'rif, qoida va xulosalarga keladi. O'quvchi tomonidan ijodiy fikrlash orqali egallangan bilim, ko'nikma va malaka o'zining amaliy ahamiyatini beradi. Ona tili fanini o'qitishda bola psixologiyasi ham muhim o'rin tutadi. Demak, bu hol ta'lim tashkil etish, o'qitish bola ruhiyatiga chambarchas bog'liqdir. O'rganilayotgan til hodisalarini qiyoslash, ularni o'xshash va farqli tomonlarga qarab guruhlash, umumlashtirish, xulosalar chiqarish, shaxsning aqliy faoliyati bilan bog'liq bo'lib, xotira, tafakkur, xayol kabi individual-ruhiy xususiyatlarga tayanadi. Shu sababdan o'qituvchi o'quvchilarning shaxsiy psixik xususiyatlarini bilishi va unga tayanib ish ko'rishi lozim.

Hozirgi zamon psixologiyasi bilim olishda ehtiyojni zarurat deb biladi. Bu ta'limni ona tili mashg'ulotlarida ham kasb etadi. O'quvchi bu fanni o'rganish jarayonida so'zdan foydalanishga har xil nutqiy vaziyatlarda uni qutqaruvchi til ekanligini payqab yetmasa, uni o'rganishga qiziqmaydi, zarurat ham sezmaydi. Biz ular ongida mana shunday vaziyatlarni paydo qilib, ularni til o'rganishga da'vat etishimiz lozim. Shu borada L.N.Tolstoyning fikrlarini keltirish o'rnlidi: "Har bir insonning o'z qalb notasi mavjud. Qalbining sadosini eshitish qobiliyatiga ega bo'lgan va uning sozlanishiga yordam bera olgan kishilarning hayotda qadri balanddir". Mana shunday kishilar sirasiga mashaqqatli ammo sharaflil kasb egalari-ustoz murabbiylarning kirishi tabiiy holdir. Har bir o'qituvchi mahorat va fidoyilik bilan talim jarayoniga yondashsa, zamonaviy talab asosida bilim bersa, har bir o'quvchi qalbiga kirib borsa, shak-shubhasiz jamiyatda yanada qadri baland insonga aylanadi. Bunday muhitni yaratishda bizga Govard Garner asos solgan Intellect ko'pligi nazariyasi yordam beradi. Intellect ko'pligi nazariyasi har bir odam turli darajada rivojlangan kamida 8ta tipdagi intellektga ega ekanligini ochib berdi. Ular quyidagilar:

1. Verbal- lingvistik intellekt
2. Mantiqiy-matematik intellekt
3. Vizual-fazoviy intellekt
4. Motor-harakatli intellekt
5. Musiqaviy-ritmik intellekt
6. Shaxslararo intellekt
7. Ichki shaxsiy intellekt
8. Tabiatshunos intellekti

Bundan shuni xulosa qilishimiz kerakki, o'quvchilarda intellekt darajasi turli xil bo'lib, o'quvchilarda ona tili darslarida boshqa fanlar bilan bog'liqlik yo'lga qo'yilsa, undagi kuchli rivojlangan intellektga ta'sir etib, bu fanni o'rganishga bo'lgan qiziqishi ortadi. Mana shunday darajaga erishsak, sinfda qoloq o'zlashtiradigan, fanga e'tiborsiz, qiziqmaydigan o'quvchi qolmaydi. Bu hol Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev ta'kidlaganlaridek, "o'qituvchidan fidoyilikni talab qiladi". Masalan, 6-sinf ona tili darsligidagi "So'z turkumlari" mavzusi o'tilganda mustaqil so'z turkumlari, yordamchi so'z turkumlari, undov, taqlid, modal so'zlarni, ularningbir-biridan farqlari va ular tarkibiga kiruvchi so'z turkumlarini qaysidir o'quvchi o'qib tushunishi, qaysidir o'quvchi tinglab tushunishi, qaysidir o'quvchi o'z tushunchasini chizmalarda aks ettirishi, qaysidir o'quvchi mavzu haqidagi tushunchalarini rasmda aks ettirishi mumkin. Bu holatda o'qituvchi o'quvchilarning intellekt darajalarini inobatga olgan holda to'g'ri tushunishi va to'g'ri baholashi zazor. Baholash borasida o'quvchilar o'zlashtirgan materiallarni bilish, tushunish, qo'llash, tahlil qilish, baholash va yaratish darajalariga asoslanib baholash muhim ahamiyat kasb etadi. Bu borada bizga amerikalik mashhur psixolog va pedagog Benjamin Blum tomonidan asos solingan, zamonaviy ta'lim olamida yetarli darajada keng tarqalgan savol va topshiriqlar tizimi-bilish

faoliyati darajalariga asoslangan o'quv maqsadlar taksonomiyasi yordam beradi. O'quv maqsadlari taksonomiyasi (Blum taksonomiyasi deb ham yuritiladi) –o'quvchilar o'zlashtirishining ma'lum bir darajasidan darak beruvchi konkret harakatdir. Interfaol usullarni qo'llash natijasida o'quvchilarning mustaqil fikrlash, tahlil qilish, xulosalar chiqarish, o'z fikrini bayon qilish, uni asoslangan holda himoya qila bilish, vaziyatlarni baholash ko'nikmalari shakllanib, ular mana shu asosida munosib baholanib, rag'batlantirilsa yanada rivojlanib boradi.

## INGLIZ TILIDAN BILIM DARAJANI ANIQLOVCHI DASTURIY VOSITANING LOYIHASI ISHLAB CHIQUVCHI

M.S.Tursunov,  
U.L. Eshonqulov  
TATU Samarqand filiali

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012 yil 10 dekabrda qabul qilingan "Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-1875-sonli Qaroridan kelib chiqadigan vazifalar, chet tilini egallash darajalarining Yevropa tizimi: CEFR, xalq ta'limi tizimida chet tillarni o'qitishning dolzarb vazifalari, boshlang'ich sinflarda chet tillarni o'rgatishning o'ziga xos xususiyatlari, global Internet tarmog'idan foydalangan holda chet tillarni o'rganish jarayoniga zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy etish, chet tili o'qituvchisining shaxsiy va kasbiy axborot maydonini loyihalash, pedagogik mahoratini oshirish hamda chet tillarni o'qitishda zamonaviy pedagogik va psixologik yondashuvlardan foydalanish asosiy vazifa sifatida belgilangan.

Shaxsga yo'naltirilgan ta'limning asosiy vazifasi o'quvchilarimizni Vatanni sevadigan, o'z bilim va iste'dodiga suyanadigan hamda zamonaviy axborot - kommunikatsiya texnologiyalardan foydalangan holda mustaqil ravishda puxta bilim oladigan, O'zbekiston ravnaqiga o'z hissasini qo'shadigan, har tomonlama barkamol, sog'lom qilib tarbiyalashdan iborat. Shu nuqtai nazardan, bugungi kunda yuqori kasbiy malakaning asosiy talablaridan biri chet tillarini mukammal bilish bo'lib qoldi. Xalqaro muloqot tillar o'rtasida yetakchi o'rinni egallab kelayotgan ingliz tilini o'rganishga alohida e'tibor berilayotgani ham bejiz emas. O'zbekiston Respublikasi ta'lim tizimida ingliz tili o'qitish, o'rgatish ilmiy yondashuv asosida, davr talablariga to'la javob bera oladigan yangi axborot-kommunikatsiya va pedagogik texnologiyalar joriy etilishi asosida yangi sifat darajasiga ko'tarilib bormoqda.

Biz ham ingliz tilini rivojlantirish maqsadida o'zimizni hissamizni qo'shish uchun kichik bir dastur yaratdik.

Yaratilgan dasturning maqsadi o'quvchi ingliz tilidan bilim darajasini bilishda yordam beradi. Dasturdan foydalanilganda "ustoz-shogird" an'anasiga amal qilinadi.

Dastur asosiy 5 qismga ajratiladi: *Vocabulary and grammatika, writing, reading, listening, va speaking.*

- ✓ *Asosiy modul:*
- *Vocabulary and grammatika:*
  - *So'zlar;*
  - *Grammatika;*
- *Writing:*
  - *Savollarga javob berish;*
  - *Rasmni tasvirlab yozish;*
  - *Savolga javob yozish;*
- *Reading:*
  - *Matnni o'qish;*
  - *Kengroq matnni o'qish;*
- *Listening*
  - *Audio ovozni eshitish va savollarga javob berish;*

- *Audio ovozni eshitish va matnini yozish;*

- *Speaking*

*Vocabulary and grammatika* bo'limi ikki qismdan iborat. Birinchi qismda so'zlar ustida ishlash talab etiladi va ikkinchi qism gaplardan tashkil topgan bo'lib grammatika oid savollar beriladi.

*Writing* bo'limi uch qismdan iborat. Birinchi qismda savollar beriladi va savollarga javob berish talab qilinadi. Ikkinchi qismda rasmni tasvirlab yozish kerak va uchinchi qismda savol kengroq javob yozish kerak.

*Reading* bo'limi ham ikki qismga bo'linadi. Birinchi qismda berilgan matnni tallaffuz qilish kerak. Ikkinchi qismda esa o'qilish darajasi qiyin bo'lgan matnni talaffuz qilish lozim bo'ladi.

*Listening* bo'limi ham ikkiga bo'linadi. Birinchi qismda audio ovozni eshitiladi va shu audiodan berilgan savollarga javob berish kerak. Ikkinchi qismda ham audio ovoz beriladi va shu audioni eshitgan holda matnini kompyuter xotirasiga kiritish kerak.

*Speaking* bo'limi ham ikki qismga bo'linadi. Birinchi qismga matn beriladi va shu matnni belgilangan vaqt ichida o'qib berishi lozim bo'ladi. Ikkinchi qismda esa rasm beriladi va rasmni ma'lum vaqt ichida talaffuz etib tasvirlash talab etiladi.

## ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ РЕШЕНИЯ ОЦЕНИВАНИЯ УЧАЩИХСЯ

*М.А. Гапоненко*  
*Самаркандский колледж туризма*

Важной целью сегодняшнего образования признано разностороннее развитие детей, формирование у них навыков самообразования и самореализации.

Государство признало на уровне нормативного акта непрерывность образования человека в течение всей его жизни. Действительно, способность к профессиональному росту и профессиональной мобильности в условиях информатизации общества и развития новых наукоемких технологий становится очень значимой.

Каждая личность ребёнка – это целый мир удивительных затаенных возможностей, способностей, а потому не менее важной при изучении этого курса является задача научить самостоятельно мыслить, аргументировано доказывать свою позицию, дискутировать, выдвигать неординарные точки зрения на проблему.

Для процесса обучения не менее важным является возможность увидеть определенный результат сформировавшихся знаний, умений, навыков учащихся в процессе знакомства с основами наук. При профессиональной диагностике учитель имеет возможность скорректировать дальнейшее обучение конкретного ребенка, помочь более способному, раскрыть свои таланты, не упустив шансов их совершенствования.

Перед учителем встает закономерный вопрос: как же проверить качество обученности ученика? На какие критерии следует особо обратить внимание?

Каждое действие учителя на уроке направлено на результат. Приступая к изучению нового курса, педагог пытается представить себе ученика, который сформируется после того, как закончится обучение. Для учителя он является идеалом, некоей абстрактной моделью ученика-выпускника школы. Каков же он? Это ученик, способный перенести полученный комплекс знаний, умений в рамки нестандартной ситуации, способный принимать самостоятельные решения, имеющий высокий уровень социализации, творческий потенциал, которые играют важную роль в становлении профессионально-грамотной личности. Контроль за качеством усвоения учебного материала – важный элемент любого образовательного процесса.

Стремление не поступать формально, создать добрую атмосферу общения с ребенком должно стать главным правилом педагога. Практика показывает, что любые формы

интерактивного обучения и проведение традиционных уроков будут успешными только при выработке у учащихся положительной установки на обучение. Учитывая важность оценки результатов работы, следует помнить, что существуют и другие элементы, которые позволяют оценивать процесс изменений, осуществить индивидуальный подход и включить мотивационную часть в систему оценивания. Среди этих элементов выделяют: активность в работе (мотивация, готовность работать), работоспособность и трудолюбие (способность работать в течение длительного времени, упорство в достижении цели), творческий подход (нестандартность мышления, стремление использовать новые пути и методы), умение анализировать свои действия.

В современном процессе оценивания в учебных заведениях существует несколько проблем и сложных вопросов, которые нужно учитывать всем участникам образовательного процесса. Среди этих проблем первое место занимает субъективность и несправедливость оценки. Не секрет, что учитель часто использует оценки в качестве карающей меры за нарушение дисциплины, оценка может зависеть от настроения учителя, внешнего вида ученика (неопрятная или вызывающая одежда), личных отношений учителя и ученика.

Учитывая все сказанное выше, учитель должен руководствоваться двумя принципами оценивания:

- оценивание должно основываться на поставленных целях и показывать степень успешности их выполнения;

- следует стремиться к получению максимально объективной оценки.

- Для того чтобы оценка соответствовала поставленным принципам, используется несколько вариантов оценивания:

- рейтинговая оценка (учащиеся набирают рейтинговые баллы за ответы, ведение тетради, активность на уроке, которые суммируются и дают определенное место, среди всех учащихся);

- словесные оценки, которые особо выделяют тех учащихся, которые отвечающих на нестандартные вопросы, требующие сообразительности или эрудиции;

- зачетная система (текущее оценивание не проводится, а окончание темы, раздела заканчивается всесторонним опросом);

- При оценивании учащихся, следует обращать внимание на следующие моменты:

- умение находить нужную информацию, различать виды информации, связывать информацию с целью поиска, суммировать информацию;

- умение подбирать факты, полученные в процессе изучения (поставить цель, задать вопрос);

- умение оценивать информацию (различать факты и вымысел, факты и мнения, сравнивать информацию, поступившую из нескольких источников);

- умение делать выводы (обобщение фактов, оценивание последовательности), умение сделать приблизительное заключение на основе фактов.

- умение передать информацию (точная творческая передача информации, с помощью устной и письменной речи);

- умение интерпретировать источники информации (ориентироваться по карте, находить нужное место, сравнивать карты и делать выводы);

- умение выстраивать хронологический порядок вещей, связывать прошлое и будущее, находить различия в периодах времени;

- умение решать проблемы (распознавать, определять проблемы, собирать факты, относящиеся к проблеме).

Таким образом, в процессе оценивания учитель комплексно развивает разнообразные способности учащихся: вербальные и лингвистические, способность к рефлексии и анализу высказываний. Особо обращается внимание на то, что эти способности нужно не только и не

столько оценивать, а именно развивать в процессе оценивания, способствуя дальнейшему развитию индивидуальности.

Сегодня всё больше говорят о компетентном подходе в образовании, который не отменяет задачи развития знаний, умений и навыков, но делает ее комплексной и системной. Компетентный подход признан ведущим в построении гражданского образования, но несмотря на имеющийся опыт, специальные комплексные исследования, остается открытым вопрос о системе оценивания компетенций. В определенных ситуациях можно организовать наблюдение, но их оценка пока что является вопросом недостаточно изученным и дискуссионным.

Проблема оценки учащихся актуальна и сейчас. Одним из новаторов, увязывавших решение оценочной проблемы с перестройкой обучения в целом, был С.Т.Шацкий. Он так определяет основные требования к оценке. Главное – нужно оценивать не личность ребенка, а его работу с учетом тех условий, в которых она выполняется.

### **ЎҚУВЧИЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИГАН КОМПЕТЕНЦИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИ**

*З.Ш.Пардаев  
Самарқанд ВХТХҚТМОИ*

Мустақиллик шарофати билан қатор анъаналаримизни тиклаш имкониятига эга бўлди, жумладан, Ўзбекистон Республикаси учун чин маънода, фидоийлик билан хизмат қилувчи “миллий кадрлар” тайёрлаш тизимини яратишга эришдик. Бу борада, мамлакатимизда иккита энг муҳим ҳужжат қабул қилинган ва улардан бири “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳисобланади. Айнан ушбу ҳужжатда, юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун шарт-шароит муҳим аҳамият касб этиши ёритиб берилди.

Фан-техниканинг жадал ривожини, бу соҳада эришилаётган ютуқларнинг бениҳоят кўплиги, ахборот кўламининг кенгайиб бораётганлиги педагог кадрларнинг малакавий даражасига нисбатан юқори талабларни қўймоқда. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда ўқитувчилар мутахассислик асосларини пухта ўзлаштирган, янгиликларни ўз вақтида англай оладиган, айна вақтда ахборотларнинг қайси биридан кўпроқ фойдаланиш зарур эканлигини ҳис қиладиган бўлишлари зарур. Бу масала ўқувчиларда ривожлантирилиши лозим бўлган баъзи компетенцияларни шакллантиришда уларга ёрдам беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир. Ушбу ишларнинг амалий фаолиятда акс этиши ўқувчиларда ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларини ривожлантириб бориш лозимлиги ҳақида хабардор бўлиш шартлигини англайди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган, мамлакатимиз фуқароларининг фаровон яшашларини таъминлаб бера оладиган юқори малакали рақобатбардош, энг аҳамиятлиси “миллий кадр”лар тайёрлаш ҳақида кўплаб ижобий фикрлар айтилган. Бу соҳада муваффақиятга эришиш учун биздан талаб қилинадиган вазифа мақсад сари белгилаб берилган йўлдан оғишмай, шахдам қадамлар билан боришдан иборат.

Мамлакатимиз биринчи Президенти Ислам Каримов таъкидлаганларидек, бугунги кунда давлат ва жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқ, кенг қамровли мақсадларни амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин эгаллайдиган, ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликни енгишга қодир, “янги ва замонавий шароитларда вояга етаётган, эски

тузумнинг барча асоратларидан холи бўлган, ўз келажагига қатъий ишонадиган, юксак билимли, мустақил фикрлайдиган, баркамол ўғил-қизлар ҳақли равишда бизнинг ғуруримиз” ва келажагимиздир. Зеро, баркамол ўғил-қизлар тарбияси юқори малакали педагоглар зиммасига катта масъулият юклайди.

Янгиланаётган ижтимоий муносабатлар таълим мазмунига илғор ғояларни сингдиришни тақозо этмоқда. Зеро, педагогик тизим барча даврларда ҳам жамият тараққиётини таъминловчи омиллардан бири бўлиб келган. Бу вазиятни англаш ҳозирги замон ўқитувчисининг касбий маҳоратини узлуксиз такомиллаштириб бориш ва ўқувчиларда ҳам лозим бўлган тушунча, билим, кўникма ва малакаларни, бугунги куннинг шартлари билан айтадиган бўлсак хусусий ва таянч компетенцияларни шакллантириб бориш ва уни амалий фаолиятда қўллаш олишни талаб этади. Ўқувчи замон билан ҳамнафас билим олиши, машғулотлар давомида фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларини ўрганиб бориши, шунинг билан бир қаторда мавжуд фундаментал билимлардан ҳам ўз вақтида хабардор бўлиб бориши талаб этилиб, бунинг учун ўз устида узлуксиз мустақил ишлаши, билими ва маҳорати ошириб бориши керак бўлади. Мақсад - жаҳон таълими стандартларига тўла жавоб бера оладиган, мустақил фикрлаш ҳамда ижодкорлик лаёқатига эга баркамол шахс ва малакали мутахассис бўлиб етишишдан иборат бўлган масалани ижобий ҳал этишдан иборатдир, бунда ўқитувчиларнинг ҳам ўрни беқиёс эканлигини ҳис этиб туриш лозим.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ошириб боришда барча турдаги таълимнинг алоҳида ўрни беқиёс бўлиб, бунда, мустақил таълим олиш, ўқувчининг ўз устида доимий ишлаши, билимларни ўзлаштириши, тасаввурини ривожлантириш, кўникма ва малакаларни шакллантириб боришида қуйидаги компетенцияларнинг ўрнини таъкидлаб ўтиш лозим: Ахборот билан ишлаш компетенцияси: китоб, газета, журнал ва турли нашрдаги адабиётлар билан ишлаш. Ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси: мустақил ўқиб ўрганиш, билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириб боришда ўзининг шахсий имконият, қизиқиш ва эҳтиёжларидан фойдаланиш. Миллий ва умуммаданий компетенциялар: миллатимиз, минталетимиз, қадриятларимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимизга мос маълумотларни ўзлаштириб боришга ҳаракат қилиш. Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси: кундалик фаолиятда бугунги кунда мавжуд жамият ва табиатда бўлаётган ўзгаришлар, кашт этилаётган қонун-қоидалар, ўрнатилаётган тартиблардан хабардор бўлиш ва уларга итоат этган ҳолда билим даражаларини юксалтириб бориш.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўқувчиларнинг давлат талабларида белгиланган хусусий ва таянч компетенцияларини шакллантириб боришларида ўзларининг шахсий қизиқишлари, интилишлари, эҳтиёжлари, мотивлари, қатъий қўйилган мақсадлари бўлиб, уларга эришиш учун лозим бўлган ҳаракатларни ўз вақти ва ўрнида амалга ошириш керак. Ана шунда таълимдан самарали натижа кутиш мумкин.

## **ЭЛЕКТРОН ҚЎЛЛАНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ОРҚАЛИ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИГАН КОМПЕТЕНЦИЯЛАР**

*Эшмуродова Д., Самадова З.  
Сиёб тиббиёт коллежи*

Республикамиз мустақиллик йилларида ҳар бир соҳада бир қатор ютуқларга эришди. Таълим соҳасида олиб борилган ислохотлар натижасида ўқитишнинг янгича услублари яратилди. Шунинг билан бир қаторда, янги-янги, замон талабига жавоб берадиган, фаннинг фундаментал билимлари ва энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассамлаштирган ўқув адабиётларини яратиш ҳам ўзининг ижобий ечимларини топиб бормоқда. Бу соҳада олиб борилаётган ишлар кўлами қанчалик кенг бўлмасин, ўқув адабиётларининг замон талабига жавоб берадиган турини яратиш ҳар доим долзарб масала бўлиб қолаверади. Бу масалани

ижодий ҳал этиш билан эса ўқувчиларнинг қатор компетенцияларини шакллантириш имкониятлари пайдо бўлади.

Фан – техника ва технологияларнинг жадал ривожланиши янги билим ва маълумотлар базасининг кенгайишига олиб келади, бу эса ўз навбатида таълим муассасаларида ахборот ва маълумот хизматлари кўрсатишда қийинчиликларни туғдиради. Таълим муассасасида таҳсил олувчиларга енгиллик яратиш, уларнинг оз фурсат ичида ахборотларни тезкор тўплашлари учун электрон кутубхоналар яратиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ушбу масаланинг ижобий ҳал этилиши эса ўқувчиларда ахборотлар билан ишлаш, компьютер саводхонлиги компетенцияларини шакллантиришга ёрдам беради.

Таълим олувчиларнинг дидактик восита сифатида ахборот ва компьютер технологияларидан самарали фойдаланишлари, улар олаётган таълим сифатини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу борада амалга оширилаётган самарали натижалардан бири электрон дарслик ва қўлланмаларнинг яратилаётганлигидир. Электрон дарслик ва электрон ўқув қўлланмалар овозли, анимацияли ва гиперматли бўлиб, улардан фойдаланиш қулай, маълумотларни топиш осон.

Электрон ўқув адабиётлари билим олувчиларнинг тасаввурини кенгайтиради, билимларини ривожлантиради ва чуқурлаштиради, қўшимча маълумотлар билан таъминлайди. Фан-техника ва технологияларининг жадал ривожланаётганлигини эътиборга олсак, мазмуни тез ўзгарувчан, чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича электрон ўқув адабиётларини тайёрлаш давр талабидир. Бу ўқув адабиётларнинг мазмуни билим олувчиларда мустақил ва эркин фикрлаш, олган билимларини босқичма – босқич бойитиш, мукамаллаштириб бориш, мустақил таълим олиш, янги билимларни ўқув адабиётларидан излаб топиш кўникмаларини ҳосил қилишни таъминлашга йўналтирилади.

Электрон дарсликдан фойдаланишдан асосий мақсад янги ахборот – таълим методини шакллантириш, замонавий ахборот-педагогик, ахборот ва компьютер технологияларини қўллаш орқали таълим жараёнининг самарадорлиги, сифати ва унумдорлигини ошириш, узлуксиз таълим тизимида замонавий ўқув манбалари электрон – ўқув дарсликларини кенг қўллаш, уларнинг маълум маънода кутубхоналарини ташкил этиш, таълимнинг масофадан ўқитиш усулларини жорий этиш ва умумжаҳон электрон ўқув тизимига киритишдан иборат.

Ахборот технологияларни таълим жараёнига сингдириш афзалликлари қуйидагича этироф этилади: энг аввало, таълим тизимида компьютер ва телекоммуникасия воситаларининг қўлланилиши, ўқувчиларнинг улар билан бемалол ишлай олишлари кўникма ва малакаларини шакллантиради.

Иккинчидан, компьютер орқали болага етказилаётган маълумотни зарурат бўлса, қайта-қайта чиқариш ва такрорлаш имконияти бор.

Учинчидан, ҳар бир профессор-ўқитувчининг ўзига хос дарсни тушунтириш дидактик услуги мавжуд. Компютер орқали ёки масофали алоқа воситаларидан фойдаланиш улар ичидаги самарасиз услубиятларга барҳам беради.

Тўртинчидан, янги ахборотларни узатиш технологияларни тизим билан ўзида ифода этиб, унда схемалар, расмлар, жадваллар, графиклар ва диаграммаларга кенг ўрин берилади. Бу нарса ёшларда образли хотирани анча жонлантириб, еслаб қолиш қобилиятини кучайтириш мумкин.

Бешинчидан, ушбу ахборот воситаларидаги маълумотларни кичик ҳажмли дискетларга ёзиб олиш, керакли жойда улардан фойдаланиш мумкин. Бу ҳам вақтни, ҳам маблағни тежайди, иқтисодий жиҳатдан юзлаб тиражларда чоп этилаётган китоблардан арзон тушади. Энг муҳими, манфаатдор аудитория хоҳлаган маълумотни бир хил сифат ва тизимда олиши мумкин бўлади.

Олтинчидан, электрон қўлланмалар орқали маълумотлар олиш фойдаланувчилардан компьютер саводхонлигини талаб этади. Шу боисдан таълим олувчилар ўзларига тегишли маълумотларни олиш билан бир қаторда компьютердан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиб борадилар.



Нихоят, улар ахборот асри деб эътироф этилаётган янги асрда яшаб ижод қилувчи ёшларнинг онгини ўстирадиган, улардаги техник воситалардан чўчиш ҳиссини йўқотади.

Хулоса сифатида айтиш мумкин-ки, электрон қўлланмалар яратиш, улардан оқилона фойдаланиш ўқувчиларда куйидаги хусусий компетенцияларни шакллантиришга ёрдам беради: компьютер орқали топилган маълумотлар билан ишлаш орқали ахборот билан ишлаш компетенцияси; интернет маълумотларини олиш ва ундан фойдаланиш орқали математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси, компьютерни ўрганиш, унда турли даражадаги дидактик материаллар тайёрлаш орқали ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси, шунингдек, барча турдаги компетенцияларга миллийлик киритиш орқали миллий ва умуммаданий компетенциялари.

**4-SHO'BA**  
**FANLARNI O'QITISH SIFAT-SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION**  
**TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH**

=====

**INNOVATIVE TEACHING METHODS AND TEORIES (ARTICLE)**

*Carlos M. Martinez*  
*The IBM, Business Law and HR Tutor*  
*Management Development Institute of Singapore*

The changing face of the university lecture is a hot topic that has been discussed by students and lecturers alike for many years. With the rapid rise of the digital age and of innovation in teaching, where students are using smartphones, tablets and laptops as learning tools and there is a phenomenal wealth of information available online, is there still a place for the traditional lecture?

The traditional lecture may have ruled auditoriums for decades, but there are new styles of teaching coming through. These newer and more innovative teaching methods are moving away from the traditional model of lecturing and passive learning towards a greater focus on active learning, where students openly interact with one another and participate in the lecture. Many studies suggest that the collaborative way of learning in primary schools, where children sit around a table to work out a problem together, holds significant benefits for active learners but can become lost as the student progresses through their education. Ironically, as the student develops greater thinking skills and problem solving abilities, the teaching methods available to them can become more and more passive as time goes on, which leads to disengagement and frustration. Traditional didactic lectures limit the opportunities for student interaction, but recent attempts to provide greater student interactions in lectures have resulted in much higher satisfaction, higher thinking skills and enhanced motivation.

Another innovation is the use of educational video during lectures, which has transformed the engagement levels of students and has created a greatly enhanced learning experience. Through the use of video during lectures, students are more alert, motivated and focused on the topic in hand. There are recognised connections between visual content, memory knowledge and students' ability to retain new information. Watching video coverage transports the student into the world of the topic under discussion, with expert interviews or demonstrations to bring the topic to life. Students also gain insights relating to skills needed for interviews and benefit from enhanced team working and communication skills. The growing use of videos during lectures is a key aspect of successful active learning.

While there are clearly significant benefits to innovative teaching methods, there is a need for caution too. In our fast-paced digital world where students have an extensive amount of visual information to hand throughout the day and night, in-depth knowledge of a topic and higher thinking skills could be at risk. The net generation is often prone to media multitasking, and as a result their attentional skills can be affected. For some students who are overwhelmed by the age of media multitasking, it seems that the traditional lecturing model of keeping it simple could be a welcome relief from the fast-paced, distracted digital age.

The traditional lecture represents the stereotypical image of an auditorium full of students all focused on one professor. Often the professor is the only active presence in the room whereas the students adopt a more passive stance, taking notes on the topic at hand. This traditional model has been heavily criticised over the years for failing to engage students and offering a one-size-fits-all approach, regardless of the learning styles or abilities in the room. Even the architecture of the lecture theatre promotes a passive way of learning as students peer down at one central figure on the stage without the potential for collaboration or interaction. But it's important to consider the benefits of the traditional lecture, particularly as we move towards more innovative methods.

The traditional lecture can be extremely effective, if delivered by a lecturer that presents the subject with enthusiasm. Lecturers can cover their subject in a great deal of depth, which arguably could be lost when relying on faster-paced, innovative visual or digital techniques. Lectures certainly appeal to those who learn by listening, and a well-structured lecture can be organized to meet the needs of the particular audience. Lectures also offer clarification of complex problems or information and access to the lecturer's personal overview of the material based on their extensive knowledge.

There's no doubt that the face of modern lecturing is undergoing significant change, and with the net generation as the main audience it is vital that lecturing moves with the times and adopts more innovative techniques to keep students engaged and motivated. Many studies show that the use of video during lectures greatly assists with attendance, participation and retention of knowledge and information. It's also clear that active learning, support from peers and collaboration are critical components of successful lecturing. But it's also important to remember that the traditional method of lecturing offers students the opportunity to hear in-depth, quality information from an expert on the topic at hand with personal overviews that may well not be available online.

Combining the quality of information from traditional methods with active learning and the use of videos during lectures holds promise as a progressive model that will suit a wide range of learning abilities and will hold the attention of students from a fast-paced, digital generation.

#### *Behaviorism*

Behaviorism assumes a learner is essentially passive, and will be shaped through positive or negative reinforcement. Learning is therefore defined as a change in behavior. Skinner (1974) believed that behavior is a function of its consequences, i.e. learners will repeat the desired behavior if positive reinforcement is given. The behavior should not be repeated if negative feedback is given. Giving immediate feedback, whether positive or negative, should enable your learners to behave in a certain way. Positive reinforcement or rewards can include verbal feedback such as *That's great, you've produced that document without any errors* or *You're certainly getting on well with that task*, through to more tangible rewards such as a certificate at the end of the programme, or a promotion or pay rise at work.

#### *Cognitivism*

Cognitivism focuses on what happens in the mind such as thinking and problem-solving. New knowledge is built upon prior knowledge and learners need active participation in order to learn. Changes in behavior are observed, but only as an indication of what is taking place in the learner's mind. Cognitivism uses the metaphor of the mind as a computer: information comes in, is processed, and learning takes place.

#### *Constructivism*

Constructivism is about learning being an active, contextualized process of constructing knowledge rather than acquiring it. The learner brings past experiences and cultural factors to a current situation and each person has a different interpretation and construction of the knowledge process.

1. Social interaction plays a fundamental role in the process of cognitive development. Vygotsky felt social learning precedes development and stated: *Every function in the child's cultural development appears twice: first, on the social level, and later, on the individual level; first, between people (interpsychological) and then inside the child (intrapsychological)*<sup>2</sup>. The More Knowledgeable Other (MKO). The MKO refers to anyone who has a better understanding or a higher ability level than the learner, with respect to a particular task, process, or concept. The MKO is normally the teacher, or an older adult, but the MKO could also be a peer, a younger person, or even information from the internet.

3. The Zone of Proximal Development (ZPD). The ZPD is the distance between a learner's ability to perform a task under adult guidance and/or with peer collaboration and their ability to solve the problem independently. According to Vygotsky, learning occurs in this zone.

Think of these themes as:

1. what the learner can do
2. what the learner can do with help from others
3. what the learner can't do yet but will attempt to do

#### *Experiential learning*

Experiential learning is about the learner experiencing things for themselves and learning from them. Kolb (1984) proposed a four stage model known as the experiential learning cycle. It is a way by which people can understand their experiences and, as a result, modify their behavior. It is based on the idea that the more often a learner reflects on a task, the more often they have the opportunity to modify and refine their efforts. The process of learning can begin at any stage and is continuous, i.e. there is no limit to the number of cycles which can be made in a learning situation. This theory suggests that without reflection, people would continue to repeat their mistakes.

\* Concrete experience is about experiencing or immersing yourself in the task and is the first stage in which a person simply carries out the task assigned. This is the *doing* stage.

\* Observation and reflection involve stepping back from the task and reviewing what has been done and experienced. Your values, attitudes and beliefs can influence your thinking at this stage. This is the stage of *thinking* about what you have done.

\* Abstract conceptualization involves interpreting the events that have been carried out and making sense of them. This is the stage of *planning* how you will do it differently.

\* Active experimentation enables you to take the new learning and predict what is likely to happen next or what actions should be taken to refine the way the task is done again. This is the *redoing* stage based upon experience and reflection.

#### *Humanism*

Humanism is an approach that believes learning is seen as a personal act to fulfill potential. Humanists believe that it is necessary to study a person as a whole, particularly as they grow and develop over their lifetime. Rogers (1983) and others developed the theory of facilitative learning based on a belief that people have a natural human eagerness to learn and that learning involves changing your own concept of yourself. This theory suggests that learning will take place if the person delivering it acts as a facilitator. The facilitator should establish an atmosphere in which her learners feel comfortable, are able to discuss new ideas and learn from their mistakes, as long as they are not threatened by external factors.

#### *Pedagogy and andragogy*

Formal teaching is known as *pedagogy*, where the teacher directs all the learning. Informal teaching is known as *andragogy*, where the learner is the focus, for example, via group work and discussions. Pedagogy does not always allow for individual knowledge to be taken into account and often focuses on teaching the same topic at the same time to all learners. Knowles et al. (2005) initially defined andragogy as the art and science of helping adults learn. An andragogical approach places more emphasis on what the learner is doing. You can include your learners' experiences and knowledge by involving them whenever possible, and building upon what they already know and what interests them. Learners can also learn from their peers' knowledge and experiences, as well as from you.

#### *Pragmatism*

John Dewey (1859-1952) believed that formal schooling was falling short of its potential. He emphasized facilitating learning through promoting various activities rather than by using a traditional teacher-focused method. He believed that learners learnt more from guided experiences than from authoritarian instruction. He subscribed to a *pragmatist* theory which placed the learner as the focus rather than the teacher. Dewey argued that *learning is life*, not just *preparation for life*. Using different delivery approaches, combined with practical activities, will help reach the different learning preferences of the individuals you are teaching.

## ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАНИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МАХСУС АТАМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ БАЪЗИ МУАММОЛАРИ

*Х.Т. Рафиев*  
*Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

Замонавий жисмоний маданиятнинг жамиятда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ўз исботини топган. Шунинг учун ҳам бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам бу соҳани ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб, бу соҳа бўйича бир неча Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган. Фақат 2017 йилнинг ўзида, жисмоний тарбия ва спорт масаласи давлат миқёсида қабул қилинган еттига ҳужжатларда ўз аксини топган. Булар орасида 2017 йил 3 июнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган: **“Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори соҳани янада ривожланишига муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасини ривожлантиришда, аввало, халқимизнинг жисмоний маданиятини шакллантиришга эришиш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бунинг учун, одамларимизнинг жисмоний маданият соҳасидаги назарий билимларини чуқурлаштириш, жисмоний ҳаракатларга оид кўникма ва малакаларни шакллантириш асосий мақсадлардан бири ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасидан аёнки, ҳар қандай соҳанинг назарий билимларини ўқитишда, амалий кўникма ва малакаларини шакллантиришда шу соҳанинг тушунча ва атамаларини қай даражада илмий ишлаб чиқилганлиги ва улардан ўринли, тушунарли фойдаланишга, аҳолининг бу соҳадаги билими, саводхонлиги даражасига бевосита боғлиқ. Жисмоний маданият соҳаси ҳам бундан истисно эмас, чунки жисмоний маданият ҳам ўзига хос тушунча ва атамаларга жуда бой. Л.Б.Банкевичнинг такидлашича, спорт ўзига хос атамалари ҳамда уларнинг кўплиги жиҳатидан мураккаб сўзлашув мавзулардан биридир. Л.П.Копецкийнинг фикрича, ўқитувчининг жисмоний маданият атамаларини мукамал билиши ва уларни ўқувчи томонидан яхши тушуниши орқали таълим жараёнига ижобий таъсир этади. Фаннинг махсус атамаларини қўллаш таълим жараёнини соддалаштириб, жисмоний ҳаракат амалларини шакллантиришни тезлаштиради.

Бугун ҳар биримиз жисмоний маданият атамаларидан кундалик ҳаётимизда кенг фойдаланамиз. Таълим муассасаларида ўқитиладиган барча фанларда уларни учратамиз ва у билан тўқнаш келамиз. Шунинг ҳам эътироф этиш керакки, бугун дунё миқёсида мавжуд 800 га яқин спорт турларига хос 15 мингдан ортиқ тушунча ва атамалари мавжуд. Буни таълимнинг барча босқичларида, ойнаи жаҳоннинг “Sport” ва бошқа каналларидаги кўрсатувлар, спорт мусобақалари, миллий халқ ўйинлари ва спорт турлари бўйича ўтказилаётган мамлакат ҳамда халқаро спорт мусобақаларда, турли жанрдаги адабиётларда, умуман инсоннинг барча турдаги фаолиятида кузатиш мумкин. Масалан, “югуриш”, “юриш”, “сақраш”, “кураш”, “ўйин”, “миллий ўйинлар”, “улоқтириш”, “жисмоний тарбия” ва ҳ.к.лар. Бу тушунча ва атамалар ҳар қандай давлатнинг миллий тилларини бойитиб ривожлантирмоқда. Замонавий ўзбек тилини ҳам ривожланиши ва бойишининг манбаларидан бири бўлиб келмоқда. Шу билан бир қаторда, спорт атамаларининг дунёнинг барча тилларига кириб бориши, миллий тилларни бир-бирига яқинлаштириш орқали, миллатни, унинг тилини дунёга танитишдек фаолиятни бажармоқда. Масалан, ўзбек миллий спорт тури ҳисобланган “Кураш” минг йиллардан бери ўзининг “таъзим”, “ёнбош”, “чала”, “дакки”, “танбех”, “ғирром”, “тўхта”, “ҳалол” атамалари халқимизнинг тилида яшаб келган эди. Бугун мустақилликка эришганимиз сабабли “кураш” ўзбек миллий спорт туридан жаҳон спорти даражасига кўтарилди, унинг ўзбекча атамалари, дунёнинг нуфузли мамлакатларининг спорт майдонларида: Англияда, Канада, Япония, Ҳиндистонда ва бошқа мамлакатларда ўзбек тилида янграб келмоқда. Бундай жараёнларни японларнинг “Дзюдо”,

инглизларнинг “футбол”, корейларнинг “Тейквандо” каби миллий спорт турларида ҳам кузатиш мумкин.

Шуни ҳам айтиш мумкинки, жисмоний маданият тушунча ва атамалари нафақат таълим олувчи ўқувчиларни, балки бутун бир мамлакат аҳолисини, миллатни жисмоний маданият соҳасида назарий билимларни чуқурлаштиришнинг амалий-жисмоний кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг асосий омилларидан бири бўлиб келмоқда.

Илмий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугун замонавий ўзбек тилида қуйидаги жисмоний маданият тушунча ва атамаларини кўриш мумкин:

1. Ўзбек тилида тарихан шаклланиб келган тушунча ва атамалар. “Жисмоний тарбия”, “жисмоний ривож”, “жисмоний тайёргарлик”, “найза”, “улоқтириш”, “сакраш”, “ўйин” ва ҳ.к.

2. Янги ўзбек миллий спорт турларининг кашф этилиши орқали вужудга келаётган янги спорт атамалари: “ўзбек жанг санъати”, “Қўл жанги”.

3. Хорижий, миллий ва жаҳон спорт турлари орқали кириб келаётган тушунча ва атамалари. Масалан, Японча “дзю-до”, инглизча “футбол”, малайзияча “тайбокс”, индонезияча “пинчаксилат”, хитойча “ушу”, корейча “Таэквандо” ва ҳ.к. Бундай тушунча ва атамалар ўзбек тилига чуқур сингиб бормоқда.

Бизнинг назаримизда, ҳозирги замон жисмоний маданият илмий-услубий тадқиқотларининг асосий йўналишларидан бирини, бу замонавий жисмоний маданиятга ҳос тилимизда мавжудтушунча ва атамаларини таълим-тарбия, ўқитиш ва кундалик амалий ҳаётда самарали фойдаланишни илмий, услубий, амалий томондан асослаб беришга қаратмоқ зарур. Аммо жисмоний маданият атамалари атрофида илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаяпти.

Жисмоний маданият атамаларининг амалда қўлланилиши масаласида анча илмий-услубий-амалий тадқиқотлар ўтказишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Айниқса, таълим муассасаларининг жисмоний маданият дарсларида, бадиий фильмларда, турли хил адабиётларда, ОАВ ларида, масалан, “Чемпионлар орзуси” кинофильмининг 21 қисмида жисмоний маданият ўқитувчиси ўқувчига “силкинувчи оёқнинг ҳаракатини”, “мана бундай қил, мана бундай қил!” дейишдан нарига ўтмайди. Ўқувчи эса ўз билишича бажаришдан нарига ўтмайди. Хуллас, таълим жараёнида бу борада муаммоларни кўплаб учратиш мумкин. Жумладан, “Sport” газеталарида “найза” ҳам “улоқтириш”, “ядро”нинг ҳам “улоқтириш” деб қўлланиши. Тўғрироғи, “Найза” улоқтирилади, “Ядро” иткитилади. Ёки “лангарчўп билан сакраш” ҳақиқатда эса “лангарчўп билан сакралмайди”, “лангарчўпга таяниб сакралади”. Бундай мисолларни кўплаб кўрсатиш мумкин. Юқоридаги илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар қилиш мумкин:

1. Жисмоний маданият инсон таълим-тарбиясининг бутун ҳаётий жараёнларида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг тушунча ва атамалари кун сайин ривожланиб шаклланиб бормоқда.

2. Жисмоний маданиятнинг тушунча ва атамалари ҳар бир миллатнинг тили таркибида тарихан шаклланиб, ривожланиб келмоқда.

3. Жисмоний маданиятнинг тушунча ва атамалари унинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган спорт орқали ва бошқа йўللар билан жаҳоннинг барча тилларига сингиб бориб, шу тилларни бойитиб, ривожлантириб келмоқда.

4. Жисмоний маданият соҳасидаги тушунча ва атамаларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар етарли эмас.

5. Жисмоний маданият соҳасининг тушунча ва атамаларини, аҳолининг кундалик ҳаётига чуқур сингдиришда, уларнинг билимларини чуқурлаштириш орқали жисмоний ҳаракат амаллари билан астойдил машғул бўлишларида асосий омиллардан биридир. Бу борада таълим муассасаларидаги жисмоний маданият фанини ўқитишдаги таълим жараёнлари етакчи омиллардан биридир.

6. Ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатиб келаётган жисмоний маданият ўқитувчиларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тингловчилари учун “Жисмоний маданият атамалари: ҳолат, муаммолар, ечимлар” мавзусини махсус курс режасига киритиш мақсадга мувофиқ.

## СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБРАЗОВАНИЯ

*Ф.Б. Нарзикулова  
СамОИППКРНО,  
Р.Р. Ашрапов  
Навоий ГПИ*

Важным условием эффективности учебно-воспитательного процесса является активное использование современных информационных технологий, которые повышают его привлекательность в глазах учащихся. Здесь открываются новые возможности:

- сокращение времени на поиск и доступ к необходимой учебной и научной информации преподавателями и учащимися;
- ускорение обновления содержания образования за счет сокращения времени преподавателей на разработку новой учебной и методической литературы;
- высвобождения дополнительного времени у учащихся для индивидуальной самостоятельной работы;
- ускорение в достижении обучаемыми установленных требований к качеству образования.

В свете закона Республики Узбекистан “Об образовании” и “Национальной программы по подготовке кадров” все большее значение придается качеству преподавания на всех уровнях. Традиционное образование, как известно, не развивает у учащихся творческого, креативного отношения к учебе. Это объясняется, в частности, тем, что традиционная педагогика требует, в основном, запоминания всевозможных фактов, понятий, дат, законов и т.д., абсолютно не развивая эмоционального, творческого отношения к предмету знаний. Столь же значимой моделью обучения является интерактивный подход, как альтернатива традиционной системе обучения. Интерактив предоставляет обучаемым возможность для самовыражения и самореализации, самостоятельного поиска знаний по конкретной дисциплине. Сущность интерактивного обучения заключается в максимально разностороннем характере деятельности учащихся, а именно:

- физической (ученики меняют рабочее место, говорят, слушают, записывают, выполняют какую-либо творческую работу);
- социальной (обсуждают, задают вопросы и отвечают на них, делятся впечатлениями, опытом собственной социализации);
- информационно-познавательной деятельностью (узнают, изучают, самостоятельно находят необходимые сведения, выступают с докладами и др.).

В условиях динамично развивающихся информационно-коммуникационных технологий (ИКТ), когда компьютерная техника используется практически во всех отраслях человеческой деятельности, актуализируется проблема интеграции информатики как учебной дисциплины с другими школьными предметами и их использования для усиления межпредметных связей, способствующих восприятию целостной картины мира.

Современное общество нуждается в педагоге, способном к восприятию новых идей, к активному участию в инновационных процессах. Одна из ведущих тенденций мировых образовательных систем – гармоничное соединение, а точнее «сплав» профессиональной деятельности в любой отрасли знаний с научно-исследовательской. Вывод напрашивается сам, собой: каков учитель – таков и ученик. Это две открытые, взаимодополняющие системы

воздействия друг на друга. Взаимопонимание учителя и ученика – путь к взаимодействию в учебно-воспитательном процессе. Именно синтез личностно-деловых качеств, профессиональной компетентности педагога и общей гуманитарной культуры позволяет учителю изучать личность ученика, диагностировать уровень развития обучаемых, понимать их, вводить в мир духовных ценностей, формировать социально-ценностные ориентации. Истинный смысл интерактивного обучения – взаимодействия друг с другом всех участников образовательного процесса, работа вместе, параллельно и сообща, что позволяет повысить качество выполняемых заданий и объективно оценивать действия своих партнеров и свое собственное поведение.

Проблема особой значимости на сегодняшний день, это создание интегративных методик обучения по всем направлениям, базирующейся на:

- целостности личности учащегося, его особенностей, обусловленных индивидуальными (психологическими, биологическими), социальными и педагогическими факторами;

- взаимосвязи и взаимообусловленности знаний, умений и навыков тех же учащихся в межпредметных связях;

- соответствие содержания возрастным особенностям учащихся, расширяющего их филологический опыт, кругозор, формирующего мировоззрения современных школьников. В связи со сказанным так же необходимо иметь в виду, что наш век обозначил жесткие требования к обучению и воспитанию подрастающего поколения. Оно должно быть более развитым, талантливым, динамичным, обладать последовательным и логическим мышлением, высоким уровнем саморегуляции и самоорганизации, уметь рационально и продуктивно распределять свое время, самостоятельно расширять свой общий и профессиональный кругозор, уметь вырабатывать собственные продуктивные индивидуальные приемы решения разнообразных задач, владеть общим методом действия. Общий метод умственной деятельности понимается, как обобщение на высоком уровне наиболее рациональных умений выполнять самые различные виды действий с самым разнообразным содержанием.

Современный мир стремителен, и в этих условиях учитель должен не только успевать за прогрессом, но и опережать его, используя все доступные технические, информационно-коммуникационные, психологические средства для решения образовательных и воспитательных задач. Сегодня уже мало просто владеть материалом и пересказывать его ученикам, от учителя требуется особая энергетика, основанная на собственной убежденности в верности излагаемых идей. Сегодня нет необходимости говорить много о том, что самый решающий фактор нашего продвижения вперед, обеспечения реализации наших самых заветных целей – это человеческий капитал, это растущее и вступающее в жизнь поколение молодых людей, обладающих современными знаниями и востребованными профессиями, способных взять на себя ответственность за будущее страны.

И в заключении хотелось бы отметить, что инновационные процессы не могут и не должны быть конечны. Каждый новый день выдвигает новые требования к модели специалиста и личности. Поэтому наша задача, опираясь на весь предыдущий опыт развития педагогической мысли, постоянно двигаться вперед, научно обосновывая и внедряя новые технологии обучения и воспитания учащихся и студентов и обеспечивая всем субъектам образовательного процесса возможность роста их творческого инновационного потенциала.



## TA'LIM JARAYONINI YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH

*T.Eshquvvatov, P.Rustamova*  
*SamDU*

Jamiyatimizning har bir fuqarosi ortda qolgan yillar qadrini baholashga va kelajak hayotining turli jabhalarini belgilab olishga urinishi tabiiydir. Jumladan, xalq ta'limi sohasida faoliyat ko'rsatayotganlar ham bundan mustasno emas.

Pedagogika fanida o'qitish jarayonining ikki tomonlama – o'quvchi tomonidan bajariladigan o'quv faoliyati va o'qituvchining o'rgatuvchilik faoliyati yig'indisidan iborat ekanligi e'tirof etiladi. Bu qoidani inkor etib bo'lmagani kabi zamonaviy ta'lim mazmunini umuminsoniy va milliy tajribalardan tashkil topishidan ham ko'z yumish mushkul.

Respublikamiz birinchi Prezidenti Islom Karimov ta'lim tushunchasiga milliy didaktik nuqtayi nazardan yondashib quyidagicha ta'riflaydi: “Ta'lim O'zbekiston xalqi ma'naviyatiga yaratuvchilik faolligini baxsh etadi. O'sib kelayotgan avlodning barcha eng yaxshi imkoniyatlari unda namoyon bo'ladi, kasb-kori, mahorati uzluksiz takomillashadi, katta avlodlarning dono tajribasi anglab olinadi va yosh avlodga o'tadi”. Yangi pedagogik texnologiya ta'limining ma'lum maqsadga yo'naltirilgan shakli, usuli va vositalarining maxsulidir. Kuzatuvlar shuni ko'rsatadiki, aksariyat maktablarda o'qituvchi dars jarayonida faqat o'zi ishlaydi, o'quvchilar esa kuzatuvchi bo'lib qolaveradilar. Ta'limning bunday ko'rinishi o'quvchilarni aqliy tafakkurini o'stirmaydi, faolligini oshirmaydi, ta'lim jarayonidagi ijodiy faoliyatini so'ndiradi.

Yangi pedagogik texnologiyalarning asosiy maqsadi o'qitish tizimida o'qituvchi o'rniga o'quvchini dars jarayonining markaziga olib chiqishdir. Biz o'quvchilarni o'quv materiallarni shunchaki yod olishlaridan, avtomatik tarzda takrorlashlaridan uzoqlashtirib, ularni mustaqil fikrlab, ijodiy faoliyatini rivojlantirishimiz hamda o'quvchilarni darsning faol ishtirokchisiga aylantirishimiz kerak. Yangi pedagogik texnologiyalar asosida berilgan darslar o'quvchilarni muhim hayotiy yutuq va muammolarga o'z munosabatlarini bildira oladigan, o'z fikriga ega bo'lishga va o'z nuqtai-nazarini asoslab berishga o'rgatadi.

Pedagogik texnologiya ta'lim shakllarini qulaylashtirish, natijalarini kafolatlash va xolisona baholash, ta'lim maqsadlarini oydinlashtirish, o'qitish va bilimni o'zlashtirish usul va metodlarni to'g'ri tanlashga imkon beradi. Zamonaviy pedagogik texnologiyaning fan sifatidagi vazifasi ta'lim-tarbiya amaliyotida eng samarali va tejimli o'quv jarayonlarini tanlashdan iboratdir. Quyida dars jarayonida qo'llash mumkin bo'lgan ba'zi metodlar texnologiyalari va o'quvchilar bilimni charxlovchi qiziqarli o'yin turlaridan namunalar tavsiya etamiz. Ushbu o'yin tavsiyalardan har bir fan o'qituvchisi o'z faniga moslab foydalanishi mumkin.

### **“Ishchan bolarilar” metodi:**

1. Qatnashchilar guruhlariga bo'linadilar.
2. Har bir guruhdan bittadan “ishchan bolari” tanlanadi.
3. Guruhlarga topshiriq beriladi.
4. Guruhlar ishlayotganda “ishchan bolarilar” boshqa guruhlariga borib “bol” yig'ib keladilar.

Ya'ni boshqa guruh topshiriqlari javobini eshitib, o'rganib keladilar va o'z guruhiga ma'lumot “bol”larini etkazadilar.

5. O'qituvchi barcha guruh mavzulari bo'yicha savol tashlaydi.

6. Guruh javobiga qarab (ishchan bolari) baholanadi va guruh rag'bat kartochkasi bilan rag'batlantiriladi.

### **“Kamalak” metodi:**

1. Har bir qatnashchiga “Mavzu mazmuni”, deb nomlangan jadval tarqatiladi.

Mavzudagi notanish so'zlar	Bu so'zlarning gapdagi vazifasi	Mavzuga savol qo'yish	Savolga javob berish
----------------------------	---------------------------------	-----------------------	----------------------

2. Har bir ishtirokchi mustaqil ravishda jadvalning 1,2,3 qatori topshirig'ini bajarishadi.

3. Har bir qatnashchiga 3 xil rangdagi shaklli kartochka tanlatiladi va 3 guruhga ranglar bo'yicha ajralish taklif etiladi va har bir guruhga 4 tadan flip va marker beriladi.

4. Har bir guruh 3 daqiqa ichida o'z filipiga barcha guruh a'zolari ishlarini takrorlamay umumlashtirib yozadi va 4 qatorga o'zlarining birinchi savoliga bitta javob yozishadi. O'qituvchi chapak chalishi bilan jadvalni qoldirib soat strelkasi bo'ylab boshqa guruh stoliga o'tadilar, stoldagi boshqa flipning 2-savoliga javob yozadilar.

5. Shu tariqa mashq so'nggi savol tugaguncha davom etadi.

6. Mashq yakunida guruhlar navbat bilan bir-birlarining flipda qoldirgan javoblarini savol javob tariqasida muhokama qiladilar.

7. Javob yozuvchilar javobi va faolligiga qarab guruh to'g'ri javob yakuniga ko'ra baholanadi.

Bugungi kunda O'zbekistonning ravnaqi, gullab-yashnashi va qudratining oshishida ta'lim-tarbiya jarayonida har jihatdan barkamol insonlarning shakillantirilib tarbiyalanishi muhimdir. Hozirgi iqtisodiy va ijtimoiy hayotdagi yangilanishlar ta'limning sifat jihatdan yangi pog'onaga ko'tarilishini talab etmoqda. Bu o'rinda ta'lim-tarbiya jarayoniga yangi pedagogik texnologiyalarning kirib kelishi va qo'llanilishi davr talabi bilan bevosita bog'liqdir.

## ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

*О.Ж.Худайбердиева  
Наманган вилояти ХТХҚТУМОИ*

Замонавий ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари ва босқичларида юкори иктисодий самара ва тараққиётга инновацион ғояларсиз эришиб бўлмайди.

Бугунги кунда таълим тизими жараёнларининг асосий вазифалардан бири инновацион педагогик технология усулларини ўрганиш ва таълим жараёнига татбиқ этишдан иборатдир.

Педагогик технологияларнинг моҳияти – таълим самарадорлигини яхшилаш, ўқувчиларнинг билим олишдаги фаоллигини ошириш асосида уларнинг мустақил фикрлашларини ривожлантириш, изланишга, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, дарсга қўйилган мақсадга эришишни кафолатлайдиган педагогик жараённи англатади.

Инновацион педагогик технологиянинг асосий талаблари таълимни юкори даражада ташкил этиш учун мақсад, вазифаларни аниқ белгилаш, таълим натижасини олдиндан белгилаб олиш, дарсни тўлиқ ўзлаштирилишига эришиш учун дарс усулларини тўғри танлаш ҳамда зарурий таълим воситалари – ўқув куроллари, кўрсатмали материаллар, техника воситалари ва бошқа керакли шарт-шароитларни тайёрлаш ва дарс мақсадига тўлиқ эришишдан иборатдир.

Ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш таълим-тарбия жараёнида замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни тақозо этади. Инновацион фаолиятни илмий асосда ташкил этиш муносабати билан таълим жараёнига инновацияларни киритишда барқарорлик вужудга келади. Бунда энг муҳими, педагогик жамоанинг инновацион фаолиятга тайёргарлиги ва эҳтиёжларини инobatга олиб янгиликларни танлаш ҳисобланади. Шунингдек, таълим муассасаси ривожланишини бошқаришнинг амалиётга татбиқ этиш жараёни қуйидагиларни назарда тутати:

– ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини таҳлил қилиш асосида уларни инновацион фаолиятга ва унинг натижавийлигига ишбилармон ўйинлари орқали ишонтириш;

– илғор тажрибаларга эга бўлган малакали ўқитувчилар фаолиятини кузатишга йўналтириш;

– ўқитувчиларнинг ўзаро бир-бирини кузатиш ва назорат қилиши учун турли чора-тадбирлар белгилаш;

– инновацион фаолиятни лойиҳалаштириш ва моделлаштириш йўналишидаги семинарлар;

– инновацион фаолият амалиёти бўйича ахборотлар билан таъминлаш мисол бўлади.

Бу, ўз навбатида, ўқитувчиларнинг касбий қизиқишлари кўламини кенгайтиришга, яъни уларнинг адабиётлар ўқиб ўрганишдан то назарий психологик-педагогик ва фундаментал тадқиқотлар олиб боришига ҳам имкониятлар яратади. Яхши илмий-педагогик тайёргарлик инновацион фаолиятнинг самарадорлигини таъминлайди. Инновацион жараёнларда фаол иштирок этувчи ўқитувчилар мунтазам равишда ўзини-ўзи ривожлантириши ва таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришга, илғор педагогик технологиялар ва ўқитишнинг замонавий методларини тадқиқ этиш, таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илмий-педагогик асосларини яратиш ва такомиллаштириш ҳамда инновацион фаолиятнинг структуравий компонентларига асосланишига боғлиқ.

Таълим муассасаси ўқитувчиларининг инновацион фаолиятини ташкил этишнинг педагогик шартлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусуиятларини ақс эттирувчи назарий-педагогик қоидалар мажмуини ишлаб чиқиш;

– назарий-педагогик қоидалар мажмуи инновацион фаолиятнинг асослари билан белгиланиши;

– инновацион фаолиятнинг мақсади, вазифаси, мазмуни ҳамда уни ташкил этиш тамойилларини ўз ичига олиши.

Таълим муассасаси ўқитувчиларини инновацион фаолиятга жалб этувчи омиллар инновацион фаолиятга уларни йўналтирилган бўлади ва шу муносабат билан таълим муассасасида мотивлаштириш воситалари сифатида хизмат қилади. Ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш ишлари асосий мақсадга эришишга асосий ўзгаришлар вужудга келади. Бу мақсадларга эришиш учун қатор вазифаларни бажариш зарур:

– узлуксиз таълим ғояларини амалга оширишнинг долзарб эҳтиёжларини ифодаловчи янгиланган технологик ва дастурий-методик маҳсулотларни яратиш;

– кўпроқ самарали ҳисобланган ўқитиш воситаларини танлаш;

– таълим муассасасининг илмий-тадқиқот салоҳиятини ривожлантириш;

– ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорлигига асосланган ҳамкорликдаги инновацион фаолиятни ташкил этиш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда амалга оширилаётган замонавий ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бевосита таълим тизимига ўз таъсирини кўрсатади. Бу жараёнлар эса таълим муассасаси фаолиятининг ҳамда педагогик инновациялар самарадорлигининг ошишини белгилайди.

## ONA TILI VA ADABIYOT FANLARINI O'QITISHDA TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH USULLARI

*N.Sabirova*  
*XorazmVXTXQTUMOI*

Bizga ma'lumki, bugungi kunda ta'lim sohasida olib borilayotgan islohotlarning o'z oldiga qo'ygan eng muhim masalalaridan biri - bu yosh avlodni ma'naviy barkamol insonlar qilib tarbiyalashdir. Buning uchun har bir o'qituvchi, avvalo, o'z fanining yetuk mutaxassisi, salohiyatli, zamonaviy ilm-fan sirlarini puxta o'zlashtirgan bo'lmog'i lozim. O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.A.Karimov: "Biz xalqimizning dunyoda hech kimdan kam bo'lmasligi,

farzandlarimizning bizdan ko'ra kuchli, bilimli, dono va, albatta, baxtli bo'lib yashashi uchun bor kuch va imkoniyatlarimizni safarbar etamiz", - deya alohida ta'kidlaganlar.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida ona tili va adabiyot darslarida darslarida ham ta'limiy, ham tarbiyaviy dars maqsadiga erishishda o'quvchilarning kundalik hayotdagi vaziyatlarda og'zaki nutqdan foydalanib, o'z fikrini ravon bayon etishini rivojlantirishga qaratilgan usullardan qo'llash va darslarni tashkil qilish o'ziga xos ahamiyat kasb etadi. Umumiy o'rta ta'limda ona tili va adabiyot fanini o'qitishdan maqsad ona tilining ulkan imkoniyatlaridan erkin foydalana olish va nutqiy vaziyatga mos holda qo'llay olishga o'rganishdan, ya'ni kompetentli shaxsni kamolga yetkazishdan iborat.

Har bir mashg'ulot o'quvchining bilim olishga bo'lgan qiziqishini oshirishga xizmat qilishi zarur. Audio va video resurslardan foydalanish ham dars samarali bo'lishiga yordam beradi. Har bir darsda ma'lum bir bilim, ko'nikma va kompetensiyalarni shakllantirish ko'zda tutiladi. Xususan, fanga oid kompetensiyalardan biri – bu sotsiologiyaviy kompetensiyadir. U o'zaro muloqot hamda kundalik hayotdagi vaziyatlarda tildan foydalanib, o'z fikrini ravon bayon etish, ijtimoiy hayotda ro'y bergan voqea-hodisalarga o'z munosabatini bildirishni nazarda tutadi. Davrimiz hozirgi yosh avloddan fikrlash va fikr mahsulotini to'g'ri ifodalashni talab qilar ekan, o'quvchilarda bu ko'nikmalarni rivojlantirish uchun yangi usul va metodlardan foydalanishimiz kerak.

Dars samaradorligining muhim shartlaridan biri barcha o'quvchilarning dars jarayonida faol ishlashlaridir. Alabttta, bu o'rinda o'qituvchiga axborot kommunikatsiya texnologiyalarini chuqur bilishining qo'l kelishini amaliyot ko'rsatib turibdi. Internet tarmog'ida o'qitish uchun mo'ljallangan portallar, saytlar keyingi vaqtlarda keskin ko'paydi. Ona tili va adabiyot darslarida "ZiyoNET", "Kitob.uz", "Ziyouz.uz", shuningdek, *multimedia.uz*, *adabiyot.uz* saytlaridan olingan audio va videoresurslardan foydalanish mumkin. "ZiyoNET" ta'lim portalining "Foydali video" bo'limidan olingan videolavha (videorolik)lardan foydalanish tajribasidan tavsiya etmoqchimiz. "Aqlli va nodon", "Ota-ona haqida", "Do'stlik haqida", "Botirlik va aql-u tadbir haqida", "Vaqt haqida rivoyat" kabi videolavhalardan ta'limiy maqsadlarda foydalanish mumkin. Videolavhalardan darsning turli qismlarida: uyga vazifani so'rash, yangi mavzuni mustahkamlash, yangi mavzuni tushuntirish, shu bilan birga, matn yaratish hamda ijodiy bayon yozish uchun foydalanish mumkin. Videolavha namoyish qilinishidan oldin grammatik topshiriq e'lon qilinadi. Matndan o'tilgan mavzuga oid grammatik topshiriq beriladi, ma'lum bir lisoniy hodisaga misollarni aniqlash topshiriladi. Masalan, "Aqlli va nodon" videolavhasi namoyishidan oldin o'qituvchi tomonidan yozib olinadi va o'quvchilarga tarqatma tarzida beriladi.

9-sinfda "Ko'chirma gap", "Ko'chirma gapda tinish belgilarining ishlatilishi", "Ko'chirma gapni o'zlashtirma gapga aylantirish", "Bog'langan qo'shma gaplar" kabi mavzularga oid misollarni aniqlashda foydalanish mumkin. Shuningdek, adabiyot darslarida mumtoz adabiyot namoyondalarining ijodi bilan bog'liq bo'lgan video materiallar o'qituvchilarga katta manba vazifasini o'taydi. Masalan, Navoiy xazinasi, Bobur xazinasi turkumidan. Bugungi kunda adabiyot ta'limida eng asosiy muammolardan biri bu o'quvchilarimizning kitob mutolaa qilishlarining pasayib ketganligidir. Shu o'rinda adabiyot darslarida o'qituvchilarimizga tavsiyamiz shundan iboratki, darslikda berilgan asarlarning barchasi *ziyouz.uz*, *kitob.uz* saytlarida elektron variantda berilgan va ba'zi asarlarning videofilmlari ishlangan. O'quvchilarimizga ta'til kunlarida uyga vazifa tarzida asarning video filmi va aynan asarning o'rtasidagi farqlarni yozib kelishlarini topshirish adabiyot darsining yanada samaradorligini oshiradi. Chunki o'quvchilar bevosita videofilm va asar o'rtasidagi farqlarni aniq va dadillr asosida yoritib berishlari uchun asarni o'qib chiqishlari kerak bo'ladi. Bugungi kunda biz ko'p bora takrorlaydigan interfaol metodlar, zamonaviy pedagogik texnologiyalar o'quvchilarimizni prinsipiiallikka, o'z mustaqil fikrini erkin bayon qilishga va har bir keltirilgan fikrni aniq dalillar asosida tahlil qilishga o'rgatadi. Shu bilan birga, badiiy asarlarning ma'naviy-ma'rifiy ahamiyatiga alohida ahamiyat berish, mavzuga oid savollar asosida o'quvchining hayotiy voqelikka to'g'ri munosabat bildirishga undash mumkin. Berilgan savollar javob berish jarayonida o'rganilgan grammatik ma'lumotlarni samarali qo'llash talab etiladi,

“Musiqiy sayohat” va “Betakror yurtim” sarlavhalari ostida joylashtirilgan turkum videolavhalardan matn yaratish va ijodiy bayon yozish jarayonida foydalanish mumkin. Xususan, faqat musiqa jo`rligidagi lavhalardan 5-6 sinflarda matn yaratish jarayonida ovozli videolavhalardan esa 7-, 8-, 9-sinflarda ijodiy bayon uchun foydalanish mumkin. Lekin bu jarayonda bitta muammo - sifatli videolavhalarning kamligi. Ishonamizki, vaqt o`tishi bilan u o`z yechimini asta-sekin topadi. Videolavhalardan ona tili va adabiyot darslarida foydalanishning ahamiyatli jihatlari:

- darsning asosiy motivatsion nuqtasi bo`lishi;
- noan`anaviy usulda mavzuni mustahkamlash yoki uyga vazifani so`rab olish;
- o`quvchining diqqatini mavzuni o`zlashtirishga alohida qaratish;
- mavzuga oid grammatik topshiriqqa oid misollarni hikoyadan topish bilan hikoya ustida ishlash jarayonida savollarga javob tarzida ana shu materiallardan foydalanish;
- darsning ma`lum qismlarida o`quvchida kuzatilgan toliqishni bartaraf etish;
- bir vaqtning o`zida ham ta`limiy, ham tarbiyaviy, ham rivojlantiruvchi, ham ma`lum tayanch kompetensiya (o`z-o`zini shaxs sifatida shakllantirish, axborot bilan ishlash, ijtimoiy faol fuqarolik, umummadaniy kompetensiya)ni shakllantirishga qaratilgan dars maqsadlarini amalga oshirish;
- ko`rganini, eshitganini saralashga o`rgatish va badiiy didni shakllantirish;
- mavzuni zamon bilan bog`lagan holda o`quvchini munosabat bildirishga undashga katta yordam beradi. Bir paytning o`zida ham lisoniy ma`lumotlarni mustahkamlash, ham o`zaro muloqot hamda kundalik hayotdagi vaziyatlarda tildan foydalanib, o`z fikrini ravon bayon etish, ijtimoiy hayotda ro`y bergan voqea-hodisalarga o`z munosabatini bildirish kabi kompetensiyalarni shakllantirishga yordam beradi.

Umuman olganda, bugungi kunda zamon talablariga javob beradigan, ingliz tili, AKT va internet bilan ishlay oladigan va uni ta`lim jarayonida samarali qo`llay oladigan oqituvchi o`quvchilarni o`z faniga qiziqтира olishi, shubhasiz. Shiddatli axborot oqimi qurshovida yashayotgan o`quvchini uncha-muncha narsa bilan hayron qoldirib bo`lmaydi. O`qituvchilar oldida turgan eng muhim va dolzarb vazifa o`quvchilarning ilm olishga bo`lgan qiziqishlarini kengaytirishdan iborat. O`quvchini qiziqтира olgan o`qituvchigina o`z oldiga qo`ygan vazifani to`laqonli ado eta oladi.

## **ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МУЛЬТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ МАСАЛАСИГА ДОИР**

*Д. Абдумаликова, Н. Рахмонова  
Андижон ВХТХКТУМОИ*

Цивилизация тарихига назар солсак, инсон ва давлат эҳтиёжларида ахборот муҳим аҳамият касб этиб, ушбу эҳтиёжларни қондириш борасидаги ҳаракатлар туфайли замонамизга келиб юксак даражада ривожланган ахборот технологиялари ва интернет тармоқлари пайдо бўлди. Эндиликда ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати ва салоҳияти унинг нечоғли ахборот ресурсларига эгаллиги, хусусан, ахборот коммуникация технологиялари қай даражада ривожланиб жамиятнинг барча жабҳаларига татбиқ этилганлиги демократик давлатнинг устувор параметрларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бугунги кунда ахборот оламида Интернет даври келгани, интернет-телевидение, интернет-радио, электрон почта, онлайн-видео каби кўплаб янги ахборот тарқатиш технологиялари қандай тез суръатлар билан ривожланиб, уларнинг аудиторияси ва таъсир доираси тобора кенгайиб бораётгани ҳақида ортиқча гапиришга зарурат йўқ, деб уйлайман. Бундай ахборот воситаларига асосан ёшларнинг жуда катта қизиқиши билан қараши ва улардан кенг фойдаланишини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, бу масаланинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини англаш қийин эмас”.

Ўзбекистон Конституциясида мустақкамланган фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқи Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонунда янада ривожлантирилиб, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаши, олиши, текшириши, тарқатиши, фойдаланиши ва сақлаши белгиланиб, фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб ахборот олиш ҳуқуқи чекланишига йўл қўйилмаслиги, шунингдек, ахборотни муҳофаза қилиш ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашга оид нормалар мустақкамланди. Эътирофга сазовор қонунларимиздан яна бири “Ахборотлаштириш ва Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонун бўлиб, ушбу қонун **электрон ҳукумат** - давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими ҳисобланади. XXI аср ахборот технологиялар асри сифатида йилдан-йилга бу асрга бежиз шундай ном берилмаганлигини намоён этмоқда. Бундай ўзгаришлар таълим жараёнларини ташкиллаштириш ва олиб боришда ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шундай ўзгаришлардан бири мультимедиали дарсларнинг таълим тизимига шиддат билан кириб бораётганлигидир. Мультимедианинг ўзи нима?

**Мультимедиа** - ахборотни (матн, расм, анимация, аудио, видео) тасвирлашнинг кўп каналлик усули. Яъни, дарс давомида берилаётган маълумотларни техник воситалар асосида ўқувчига сифатли тақдим этишдир. Мультимедиаларни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

**Мультимедиа лавҳалари** – компакт дисклар ёки маълумотларни бошқа компютер ташувчиларида, шунингдек, фойдаланувчиларга ихтиёрий вақтда кириш имкониятини берадиган қурилмаларга жойлаштирилган нашрлар, намоёйишли, кўргазмали, анимацияланган ва овозли лавҳаларнинг йиғиндиси.

**Мультимедиа муҳити** – тасвир (шу жумладан, анимация-ҳаракат), нутқ, овоз ва ҳужжатларни биргаликда қайта ишлашни таъминлайдиган ихтиёрий турдаги маълумотларни ҳар томонлама (комплекс) тасвирлайдиган технология.

**Мультимедиали дарсликлар** – мультимедиа муҳит ёрдамида тасвирий материалларнинг юқори тартибли динамикаси билан СД дисклардаги дарсликлар.

**Мультимедиа технологияси** – интерфаол дастурий таъминотнинг ягона бошқарувида визуал ва аудиосамара, турли вазиятларни мультитадустурлашларни қамраб олган электрон ҳужжатларни тайёрлаш усули.

Мультимедиа дарсларини тушуниш ва ўтишнинг асосий шарти техник воситалардан фойдалана олиш, айниқса, компютер билан ишлашни яхши билиши керак. Power Point дастури билан ишлашни, слайдлар яратишни, уларни анимациялашни билишлари зарур бўлади. Мультимедиа слайдларини яратишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

– Слайдда бериладиган фикр олти қатордан ошмаслиги лозим. Кўпинча бутун бир варақ текстни экранга кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Ваҳоланки, бундай слайдларни кўпчилик ўқимайди. Иложи борича метамаълумотлардан кенгроқ фойдаланиш керак.

**Метамаълумотлар** – ахборот маълумотларини (матн, расм, жадвал ва бошқалар) маъносини тавсифлаш учун мўлжалланган қисқа ахборот идентификаторлари (индекслар, калит сўзлар).

– Маълумотларни жойлаштираётганда ҳаддан зиёд кўзни чарчатадиган ранглар ва анимациялардан фойдаланиш тавсия этилмайди.

– Мотивацияни инобатга олган ҳолда слайдларда мавзуга оид видео, мусиқалар, расмлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, бугун биз юксак технологиялар замонида яшаётганимиз билан фахрлансак-да, ушбу технологиялар айрим ёвуз кучлар томонидан мақсад равишда ишлатилиши оқибатида ахборот хуружлари кучаётганини эътироф этишимиз лозим. Жамиятимизни вайронкорлик ва бузғунчилик мазмунидаги ахборот оқимидан ҳимоялашимиз, айниқса ёшларимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асрашимиз йўлида интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш давлат органлари,

жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг барча институтлари, ота-оналар, педагогларни ва мутахассисларни узок муддатли узлуксиз ва тизимли ҳамкорликка чақиради, албатта.

## UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING ROLI

*Ya.E.Djumaboyeva  
Sirdaryo VXTXQTUMOI*

*Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz.  
Sh.M.Mirziyoyev*

Insonga har tomonlama ta'lim va tarbiya berish insoniyatning azaliy orzusi bo'lib, ajdodlarimiz ma'rifat va madaniyatini qanday qilib yosh avlodlarga o'rgatish, ularni komillikka yetaklash yo'llari, qonun-qoidalarini izlaganlar.

Noan'anaviy ta'lim – o'quvchilarni kasbga qiziqtiruvchi, bilim doiralarini kengaytiruvchi, ularda hozirjavoblik xususiyatlarini tarbiyalovchi, faollashtiruvchi va ularning mustaqil fikrlash qobiliyatini rivojlantiruvchi kabi didaktik funksiyalarni bajaradi. Tajribalarda ta'kidlaganidek, agar mashg'ulot odatdagi tinglab o'tirishga asoslangan usulda o'tkazilganda, talabalar axborotning ko'pi bilan 20% ni o'zlashtirgan bo'lsa, ilg'or pedagogik usullardan foydalanilganda esa, bu ko'rsatkich 80-90% gacha oshganligi tasdiqlangan.

Noan'anaviy ta'limning samaradorligi yana shundan iboratki, uning qatnashchilari yaxlit tizimli bilimga ega bo'ladi va mustaqil ijodiy fikrlash qobiliyatlari rivojlanishi negizida bo'lajak kasbiy faoliyatga oid boshlang'ich ko'nikmalar shakllantirilib, o'quv-tarbiyaviy jarayonini amaliyot bilan bevosita bog'lab olib borishni ta'minlaydi. Shuning uchun ham u rivojlantiruvchi o'qitishning yuqori samarali usullaridan biri bo'lib hisoblanadi.

Ta'lim tizimiga yangi pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalarini olib kirish bugungi kunning muhim masalalari sirasiga kiradi. Ta'lim-tarbiya jarayoniga axborot kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish orqali bir qancha qulayliklar yaratiladi. Shu narsani e'tibordan chetda qoldirmaslik kerakki, ayni paytda, axborot olish ko'lami har qachongidan ham kengroq bo'lib, yetarli darajada ko'payib bormoqda. Demak, yurtimizda fan-texnika rivojlangani sayin, axborot olish imkoniyati ham oshib boradi. O'quvchilarga talab doirasida ma'lumotlarni yetkazib berishda, fan-texnika yutuqlaridan unumli foydalanish zarur. O'sib, ulg'ayib kelayotgan yosh avlodni barkamol qilib tayyorlash, yangi axborot texnologiyalaridan o'z vaqtida va unumli foydalanishning istiqbolli tomonlari ko'zga tashlanmoqda. Sir emaski, ta'lim tizimida olib borilayotgan islohotlar yoshlarni har tomonlama yetuk shaxs qilib tarbiyalashga qaratilgan. Ammo ta'lim jarayonida ba'zi holatlar ham ko'zga tashlanadiki, masalan, an'anaviy dars tizimidan voz kechmaslik, pedagogik texnologiyalardan foydalanmaslik, darslarni ijodkorlik bilan uyushtirmaslik kabi. Oqibatda, o'quvchilar darsning sub'yektiga emas, balki, sust ob'yektiga aylanib qolmoqda. Tajribalar shuni tasdiqlamoqdaki, an'anaviy dars tizimidan voz kechmaslik oqibatida o'quvchilarda mustaqil fikrlash, dunyoqarashning boyib borishi, mavzularni to'liq idrok etish imkoniyati cheklanib qolmoqda. Ta'limning barcha bo'g'inlarida olib borilayotgan tub islohotlar, asosan, yuqori malakali, zamon talablariga javob bera oladigan raqobatbardosh pedagog kadrlarni tayyorlashga bo'lgan talabni, ehtiyojni qondirishga qaratilgan.

Bugungi kunda umumta'lim maktab o'qituvchilari o'z faoliyatida zamonaviy axborot texnologiyalaridan bemalol, o'zgalar yordamisiz foydalana olishlari lozim. Jumladan, umumta'lim maktab o'qituvchilari ham pedagogik texnologiyalardan o'z faoliyatlarida malakali mutaxassis sifatida foydalana olishlari uchun ma'lum bir ma'noda, shu yo'nalish bo'yicha bilim, ko'nikma va

malakalarga ega bo'lishi zarur. Shuningdek, umumta'lim maktab o'qituvchilarida zamon, pedagogik texnologiya yordamida milliy-ma'naviy qadriyatlarni shakllantirish ahamiyat kasb etadi. Chunki, zamonaviy pedagogik texnologiyadan yangi axborot texnologiyalari bir qancha afzalliklarga ega ekanligi bilan ajralib turadi.

Bular xususan:

- o'quvchilarni faollashtiradi;
- ijodiy yondashtiradi;
- vaqtni tejaydi;
- sezishni orttiradi;
- mustaqil fikrlashga undaydi;
- idrok qilish ko'lamini oshirib, kengaytirib boradi.

Aynan shunday zamonaviy axborot texnologiyalardan unumli foydalanish orqali o'quvchilarda ma'naviy qadriyatlarga bo'lgan qiziqish hamda ularni e'zozlash xususiyatlari rivoj topadi. AKT bilan ishlash jarayonida ma'naviyatimizga yot "ommaviy madaniyat"ga xos bo'lgan axborotlarga qarshi kurashish uchun yoshlarda ma'naviy immunitetni shakllantirishga alohida e'tibor qaratish lozim. Buning uchun umumta'lim maktab o'qituvchilari:

- o'quvchilarda AKT imkoniyatlaridan foydalangan holda milliy qadriyatlarga sodiqlik fazilatlarini shakllantirishi;
- milliy-ma'naviy qadriyatlarni targ'ib etuvchi sayt materiallaridan ta'lim jarayonida unumli foydalana olishlari;
- AKT dan foydalangan holda dars ishlanmalarini va dars taqdimotlarini tayyorlashlarini bilishlari;
- milliy-ma'naviy qadriyatlarni targ'ib etishda yangi AKT loyihalarini tayyorlashlari kerak bo'ladi.

Bu, o'z navbatida, ta'lim samaradorligining oshishiga olib keladi. Ta'lim-tarbiya jarayoniga axborot texnologiyalari imkoniyatlarini tatbiq etish ijobiy natija beradi. Zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanib, milliy-ma'naviy qadriyatlarni o'rgatish o'quvchilarning har tomonlama erkin fikrlashiga, ijodiy yondashuviga, dars jarayonining faol ishtirokchisiga aylanishiga sharoit yaratadi.

## **PEDAGOG KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHDA ILG'OR PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH**

*Ch.Abdurahmonova  
Samarqand VXTXQTUMOI*

Bizga ma'lumki, zamonaviy pedagogik texnologiyalar o'quvchining mavzuni yaxshi o'zlashtirishiga, mustaqil o'qishiga, darsda ularning faolligini oshirishga xizmat qiluvchi jarayondir. Ta'limda interfaol usullardan hamda didaktik o'yinlardan foydalanish yaxshi samara bermoqda. Mavzularni turli xil metodlardan foydalangan holda tashkil qilish o'quvchilarda tirishqoqlik, izlanuvchanlik kabi xislatlarni rivojlantirmoqda.

Bugungi kunda butun dunyoda pedagogik texnologiyalar (PT) keng ko'lamda rivojlanmoqda. Shubhasiz, ta'lim jarayoniga yangi axborot texnologiyalarini (AT) kiritish zarurdir. Zamonaviy jamiyat axborot uzatish hajmi va tezligi jihatidan chegaralanmagan butunjahon axborot tarmog'idan faol foydalanishi bilan xarakterlanadi. Multimedia va Internet texnologiyalarining paydo bo'lishi hamda keng tarqalishi PTni muloqot, tarbiya, jahon hamjamiyatiga kirib borish vositasida ishlatish imkonini beradi.

Maktabdagi ta'lim jarayonida o'quvchilar PT yordamida matn bilan ishlashni, tasviriy obyektlarni va ma'lumotlar bazasini yaratishni, elektron jadvallardan foydalanishni o'rganadi. O'quvchilar axborot yig'ishning yangi usullarini, ulardan foydalanishni o'rganishadi, ularning dunyoqarashi kengayadi. Darslarda ATning ishlatilishi o'qishga bo'lgan motivatsiyasini,



o'quvchilarning qiziquvchanligini, mustaqil ishlarning samaradorligini oshiradi. Kompyuter AT bilan birgalikda ta'lim sohasida, o'quvchilarning o'qish va ijodkorligida yangi imkoniyatlarni taqdim etadi. Ilk bor ta'lim AT shaxsning bo'lajak kasbining asosiy vositasi bo'ladigan vaziyat vujudga keladi. Ta'lim haqiqatdan ham hayotimizga butun hayot faoliyati davomida kirib kelaveradi.

PTni qo'llashda shaxsning barcha qobiliyatlarini – qiziquvchanlik, odob-axloq, ijodkorlik, muloqot va estetik qobiliyatlarni ro'yobga chiqarishga harakat qilish kerak. Bu qobiliyatlar keraklicha yuqori darajada ro'yobga chiqishi uchun pedagogning AT sohasidagi bilimdonligi zarur. Pedagoglarda bu bilimdonlikni rivojlantirishni oliy o'quv yurtlaridagi o'qish davomida boshlash kerak. AT sohasidagi bilimdonlikni quyidagilar bilan ifodalasa bo'ladi: zamonaviy axborot muhitida tajribani baholash va faoliyatda qo'llash qobiliyati: shaxsiy ijodkorlik qobiliyatlarini rivojlantirishga harakat qilish: umumiy kommunikativ madaniyatning, axborot almashishni tashkillashtirishda tajriba va nazariy bilimlarning mavjudligi: axborotni olish, tanlash, saqlash, qayta ishlash, o'zgartirish, taqdim etish, uzatish va qo'llash madaniyatini o'zlashtirish.

Bugungi kunda bola har qadamda – uyda, internet klublarida kompyuter bilan to'qnash kelayotgani barchaga ayon. Tabiiy savol tug'iladi: barcha bola ham ushbu zamonaviy texnologiyadan o'z o'rnida maqsadli foydalanyaptimi? Buning uchun qanday chora-tadbirlarni amalga oshirish talab etiladi?

Ma'lumki, yurtimiz umumta'lim maktablarida o'quvchilar, asosan, 5-7-sinfda, ya'ni 12-16 yoshida axborot texnologiyalarini o'rganishlari uchun maxsus o'quv fani joriy etilgan. Bu borada 2002-yil 30-maydagi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish to'g'risida»gi Farmoni ta'lim-tarbiya sohasi oldiga yangi vazifalarni qo'ygandi. Xususan, ta'limni kompyuterlashtirish faqat maktabni zarur texnika va kompyuter bilan ta'minlashdangina iborat emas, birinchi navbatda, o'qituvchi va o'quvchilarning ish mahsuldorligi, ta'lim samaradorligini oshirishni ko'zda tutadi.

Hozirgi kunda aynan aqliy tarbiyaga psixologik-pedagogik jihatdan yangicha yondashuvlarni izlab topishning ahamiyati ortib bormoqda. Ta'lim jarayonida bolalar aqliy faolligini rivojlantirish ta'limning turli shakl va metodlaridan foydalanish bilan bevosita bog'liq.

Maktabda o'qitishni kompyuterlashtirish ikki yo'nalishda amalga oshirilmoqda. Informatika predmetini o'rganish (kompyuter – o'rganish ob'yekti) va boshqa o'quv predmetlarini o'rganishda kompyuterdan foydalanish (kompyuter – ta'lim vositasi). Shubhasiz, kompyuter o'quvchining o'qishga rag'batini oshiradi. Shuningdek, o'quv topshiriqlarini murakkablik darajasiga ko'ra taqdim etishni izga solib turuvchi imkoniyatlar ortadi, to'g'ri bajarilgan topshiriq uchun rag'batlantirish orqali ham motivatsiyaning o'sishiga erishish mumkin.

Endilikda hayotimizdan tobora chuqurroq o'rin olib borayotgan kompyuter texnologiyalaridan boshlang'ich ta'lim jarayonida foydalanishning aniq imkoniyatlarini belgilash, ushbu jarayonning pedagogik, fiziologik, gigienik va tibbiy asoslarini chuqur o'rganish, bu sohada rivojlangan davlatlar ta'lim tizimidagi ilg'or tajribalarni O'zbekiston ta'limi amaliyotiga joriy etish kechiktirib bo'lmaydigan vazifalardan hisoblanmoqda. Ushbu fikr va qarashlar xorijiy olimlarning tadqiqotlarida ham o'z tasdig'ini topgan. Axborot texnologiyalarining yosh avlod ta'lim-tarbiyasidagi ahamiyatini o'rgangan qator xorijiy tadqiqotchilar fikricha, jamiyat rivojlanishining yangi axborot bosqichiga o'tish jarayonida yosh avlodda texnik vositalardan oqilona foydalanish, axborotni qabul qilish, qayta ishlash va foydalanish, olamni o'z axborotlari asosida idrok etish, tez o'zgarib borayotgan axborot muhitida mavjud narsa va hodisalarga nisbatan mustaqil munosabatga ega bo'lish hamda turli axborot xurujlariga qarshi immunitet hosil qilish kabi ko'nikma va malakalarni shakllantirish zarur. Shuningdek, tadqiqotchilar bolalarning axborot muhitiga psixologik tayyorgarligini ilk maktab davridan shakllantirish lozimligini ta'kidlaydilar. Bu esa maktab ta'limining ilk bosqichi hisoblangan boshlang'ich ta'limga sifat jihatidan yangicha talablarni yuklab, unda bolalarning kompyuter savodxonligini oshirishni taqozo etadi. Zero, axborot texnologiyalari an'anaviy ta'lim vositalari bilan uyg'unlikda bolani ijodkor shaxs sifatida tarbiyalash imkonini beradi. Shu nuqtayi nazardan, ta'limni axborotlashtirishning umum qabul

qilgan konsepsiyasiga ko'ra, qator Yevropa mamlakatlari va AQShda boshlang'ich maktab o'quv rejasiga informatikaga kirish kursi joriy etilgan. Bu yoshda bolalar informatikaning asosiy tushunchalarini oson o'zlashtiradi va kompyuterda ishlashning amaliy malakalarini egallaydi. Psixologik-pedagogik va tibbiyotga oid tadqiqotlar ham ta'lim jarayonida kompyuterlarni oqilona qo'llash o'quvchilarning salomatligiga salbiy ta'sir ko'rsatmay, balki bola shaxsining evolyutsion rivojlanishiga olib kelishini isbotlamoqda.

Aksariyat olimlar kichik maktab yoshida kompyuterdan foydalanish malakalarining sifatli o'zlashtirilishi borasida yakdil ijobiy fikrni ilgari surishmoqda, faqatgina muammo o'qitishning mos metodikalarini izlash va kompyuterdan foydalanishda bolalar salomatligini ehtiyotlashga borib taqaladi.

Boshlang'ich ta'limning asosiy muammolaridan biri bolaning o'yin faoliyatidan keskin tarzda o'quv faoliyatiga o'tishidir. O'quv faoliyatining tarkib topishi hamisha ham bolaning o'yinga ehtiyoji bilan mos kelavermaydi. Uning o'yin faoliyatidan o'quv faoliyatiga erkin o'tishini kompyuter texnologiyalari yordamida ta'minlash mumkin. Shu sababli boshlang'ich maktab didaktikasida axborot texnologiyalaridan foydalanish ta'limni axborotlashtirishning istiqbolli yo'nalishlaridan biri hisoblanadi.

## **ERKIN VOHIDOVNING "JAHOLAT TO'G'IRISIDA RIVOYAT" DOSTONI ASOSIDA RIVOYA INSHO YOZISHNI TASHKIL ETISH METODLARI**

*M.Hazratqulov  
SamDU*

O'zbek tilining izohli lug'atida "insho" atamasiga shunday ta'rif berilgan: "Insho – (tashkil etish; yaratish, qurish, barpo qilish; ijod, bayon, tahrir). O'quv yurtlarida ona tili va adabiyotdan yozma ish".

Insho - bu umumiy nom bo'lsa, maktab insholari asar mavzusi bo'yicha o'quvchilarning o'z fikr-mulohazalari, mushohadalarini aks ettiradigan yozma ish turlaridan biri sanaladi.

Insho yozish jarayonini tashkil etish bo'yicha metodist olim Q.Husanboyeva shunday fikr bildiradi: "Adabiyot darslarida insho yozishdan maqsad sinfdagi o'quvchilarni ijodkor qilish emas. Muhimi, tarbiyalanuvchida shunday tuyg'ularning ayrim jihatlari, belgilari paydo bo'lsa, juda bo'lmaganda, darsda o'rganganlariga munosabat bildirishga odatlansa, unda insoniylik, shaxslik kurtaklari paydo bo'ladi. O'zida shaxslik sifatlarini shakllantirishga erishgan bola rivojlanish sari intilishi tabiiy". Demak, adabiy ta'limda o'quvchilarni badiiy asar bilan tanishtirishdan asosiy maqsad ularda tanqidiy tafakkur va mulohazalarni rivojlantirish, mustaqil nuqtayi nazarni shakllantirishdan iborat ekan, bu borada adabiy mavzudagi insholar katta o'rin egallaydi. Qoidaga ko'ra, o'rta maktabda hikoya tuzish usulidan kompozitsiya, sujet tushunchalarini o'rganishda keng foydalaniladi.

Rivoya ketma-ket sodir bo'ladigan harakatlarni tasvirlaydi, birin-ketin sodir bo'ladigan hodisalar haqida hikoya qiladi. Rivoya-insho *tugun* (harakatning boshlanishi), *voqea rivoji*, *avj nuqta* (voqealar rivoidagi eng muhim lahza) va *yechim* (harakat nihoyasi) kabi tarkibiy qismlardan iborat bo'ladi.

Rivoya-insho matni:

- "nima qilyapti?" so'rog'iga javob beradi.
- matnda voqea (harakat) rivoji haqida so'z boradi:
- "dastlab nima bo'ldi?", "keyin nima bo'ldi?", "oxirida nima bo'ldi?" so'roqlariga javob asosida voqea rivojlanib boradi.
- Uch qismdan iborat bo'ladi:
- kirish-tugun – bo'lib o'tayotgan voqeaning sodir bo'lish vaqti, unda ishtirok etadigan shaxslar haqida xabar beradi;

- asosiy qism – voqea rivoji va avj nuqta – rivoyadagi eng yorqin paytni tasvirlaydi;
- xulosa-yechim – voqea rivojining natijalari haqida hikoya qiladi.

Rivoya-insho qandaydir hayotiy voqea-hodisalarni hikoya qilib berish mahoratiga asoslanadi. Bu turdagi inshoning asosiy xususiyati – ularda rivojlanib boradigan voqealar va ularning yakuni haqida xabar beradi. Shuning uchun bunday insholarda harakat va holat fe'llari ko'p ishlatiladi.

Rivoya-insho matni *kim?, nima?, qaerda?, qachon?, qanday qilib?* so'roqlariga javob shaklida tashkillashtiriladi.

Rivoya-inshoda harakat birinchi o'ringa chiqadi, shu sababli ko'proq vaqtinchalik ketma-ketlikni yoki hodisalar almashinuvini ifodalovchi leksik vositalar qo'llaniladi, fe'llarning, asosan, o'tgan zamon shakli qo'llanadi.

Erkin Vohidovning "Ruhlar isyoni" dostonida bir necha qoliplovchi hikoyatlar keltirilgan bo'lib, "Jaholat to'g'risida rivoyat" she'rida adolat va nohaqlik, johillik va donishmandlik kabi tuyg'ular qarama-qarshligi poetik misralarda mahorat bilan tasvirlanadi.

Mavzu: "Jaholat to'g'risida rivoyat" she'ri asosida yozilgan rivoya insho.

O'qituvchi darsni boshlashdan oldin turli badiiy tasvir vositalaridan foydalanib, rivoya insho yozish; o'quvchilarni rivoya insho ustida mustaqil ishlashga tayyorlash darsning ta'limiy maqsad ekanligini, darsning tarbiyaviy maqsadi o'quvchilarning mustaqil ishlashini, ijodiy faolligini, badiiy asarni estetik qabul qilish, hayotga bo'lgan muhabbatni tarbiyalash ekanligini, rivojlantiruvchi maqsadi so'z ma'nolariga diqqat qilish va ularni og'zaki va yozma nutqda qo'llash xususiyatini o'stirish ekanligini inobatga olishi kerak.

Dars jihozi uchun kitoblar ko'rgazmasi, jaholat va adolatni aks ettiruvchi fotosuratlar va rasmlar mavjud bo'lishi shart.

Darsning borishi uch bo'limdan iborat bo'ladi.

1. Tashkiliy qismda adabiyot olami, so'z qudrati haqida, adabiyot hayotni o'zida aks ettiruvchi oinai-jahon ekanligini misollar asosida ta'kidlab o'tiladi. Buyuk adiblarimizning so'zga bo'lgan munosabati aks ettirilgan lavhalardan o'qib berish maqsadga muvofiq bo'ladi. Shu o'rinda tarix sahifalaridan misollar keltirib, qayerda g'alaba, shuhrat bo'lsa o'sha yerda hasad va ig'vo avj olishini, Bunga buyuk olim va shoh Mirzo Ulug'bekka xoinlik qilganlar shunday jaholat kishilari ekanliklarini, O'zbekiston qahramoni Abdulla Oripov ta'kidlaganidek:

Do'stlar, ko'kda yulduzlar emas,  
U Ulug'bek ko'zidagi yosh.

Singari misralarni eslatib o'tish ham o'quvchilarning doston g'oyasini yanada chuqurroq anglashlariga yordam beradi.

2. Yangi mavzuni tushunishga tayyorlash bosqichida O'zbekfilm kinoijodkorlari tomonidan ishlangan "Qalb ko'zi" filmidan lavha namoyish etiladi. Unda O'zbekiston xalq artisti Erkin Komilov roli ijrosida monolog tarzida aytilgan she'r matnini o'quvchilar ynada badiiyoq va teranroq tinglaydilar.

3. Yangi material ustida ishlash bosqichida o'qituvchi tekshiruv savollari yordamida doston g'oyasini ochib berishga harakat qiladi:

1. Doston nega "Jaholat to'g'risidagi rivoyat" deb nomlangan?
2. Dostondagi donishmand tabibning hayot tarzi, muruvvatligining boisi nima deb o'ylaysiz?
3. So'qir ko'zi ochilgan-u, biroq johilligi sabab buni tushunmagan chol obraziga qanday baho berasiz?
4. Johil olomon nima sababdan tabibni o'limga mahkum qilishadi?
5. Donishmand tabibning o'limidan so'ng qanday voqealar sodir bo'ldi?
6. Johil olomonning o'z aybini tushunib yetishi lavhalariga munosabat bildira olasizmi?

Demak, biz yuqoridagi savollarga imkon qadar javob topishga harakat qildik. Bu savollarning javobi hozir sizning muallifligingizda yoziladigan inshoingiz uchun reja vazifasini bajarishi mumkin.

4. Imlo bo'yicha ishlash (*xattaxtada yozilgan so'zlar asosida*).

O'qituvchi: Bugungi darsimizdagi vazifamiz – insho yozish. O'ylaymanki, siz Erkin Vohidovning “Jaholat to'g'risida rivoyat” dostoni asosida mukammal insho yozish bilan birga uni savodxonlik bilan ham yoza olasiz:

- Dostondagi qaysi so'zlar sizga notanish uchradi? Marhamat, so'rashingiz mumkn.
- Asar sujetidagi tushunarsiz jumlar uchragan bo'lsa, so'rang.
- Doston g'oaysiga mos epigraf tanlash maqsadga muvofiq ekanligini eslatib o'tmoqchiman.
- Endi esa daftarlarimizni ochib, sanani va mavzuni yozamiz:

5. Mustaqil ishlash bosqichi: O'quvchilar mustaqil holda inshoni yozadilar.

6. Ishni tekshirish bosqichi: - Mana, inshoni ham yozib bo'ldik. Darsdagi ishingizdan mamnun bo'ldingizmi? Endi bir-ikki inshoni o'qiymiz. O'z ishingiz va darsdagi faoliyatingizni o'zingiz baholang.

O'quvchilarning xohishiga ko'ra o'zlari o'qib berishlari yoki o'qituvchi yordamida o'qish ham maqsadga muvofiq bo'ladi.

7. Dars yakuni va uy vazifasi: Abdulla Oripovning “Olomonga” she'ri, Chingiz Aytmatovning “Asrga tatigulik kun” romani va insho g'oyasi o'rtasidagi umumlashmalarni bilib kelish.

## CHIZMACHILIK FANINING DOLZARB MUAMMOLARI

*Z.Gulyamova*  
*Samarqand VXTXQTUMOI*

Ma'lumki, O'zbekiston mustaqillikka erishgach, ko'pgina davlatlar qatorida ishlab chiqarishda, fan va texnika sohalarida ulkan yutuqlarga erishdi. Jumladan, ulkan inshootlar, masalan, poytaxtimiz va barcha viloyatlardagi ulkan mehmonxonalar, madaniy-ma'rifiy ob'yektlar, zamonaviy turar joylar qurilib ishga tushirildi. Yuqoridagi zavod va fabrikalar, binolar chizmalar yordamida quriladi. Bi ishlarni to'laqonlik bilan amalga oshirishda zamon talabiga javob beradigan mutaxassislar talab yanada ortib bormoqda. Zamonaviy kadrlardan esa qator fanlarni bilish bilan bir qatorda, chizmachilik fanidan ham yetarli darajada bilimlari bo'lishi talab etiladi. Chunki, zamonaviy sanoat va texnikaning dunyo bo'yicha rivojlanishi chizmachilik va injenerlik grafikasi bilan bog'liq.

Har qanday hunarmandchilikni, texnika va texnologiyaning eskisini yangilash - yasash uchun, yangisini esa yaratish uchun, uning loyihasi yaratiladi. Ma'lumki, o'lchamlari bir-biridan kam farq qiladigan masalalarni yechishda, chizmalarni chizishda ortogonal proyeksiyalash, to'g'ri burchakli proyeksiyalash usuli eng qulay usul hisoblanadi. Har bir jismni, detalni aksonometrik proyeksiyasi, ya'ni yaqqol tasviri bo'lg'usi mutaxassisning fazoviy tushunchasini rivojlantiradi, ko'z oldiga keltirish va tasavvur qilish qobiliyatini o'stiradi. Aksonometrik proyeksiyalar, ya'ni chizmalar texnikaviy rasmchilik bilan chambarchas bog'liq ravishda olib borilsa, o'rganilsa, o'quvchining tafakkuri yanada teranlashadi.

Umumta'lim maktablarida tasviriy san'at va chizmachilik fanlari bilan birgalikda chizmalarni chizish va taxt qilishda to'g'ri burchakli proyeksiyalash usullaridan foydalanish, buyum yoki detallarning aksonometrik ko'rinishlarini, texnika va mashinasozlik yo'nalishidagi detallarni, buyumlarning nomlarini o'rganish maqsadga muvofiqdir. Chunki texnika va dvigatellarni ta'mirlashda ham, qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash, avtomobillar va qishloq xo'jalik texnikalarining ichki yonuv dvigatellarini ta'mirlashda ham, qurilish sohasida ham, xalq amaliy bezak san'ati sohasida ham chizmalarni tushunadigan va uni hayotda qo'llay oladigan mutaxassislar shu kunning talabidir. Barcha ishlab chiqarishda, ya'ni zamonaviy texnologiyaning qo'llanishi munosabati bilan va chet ellardan keltirilayotgan asbob-uskunalar, mexanizmlar, mashinalar, moslamalarning amalda tatbiq etilayotganligi sababli mutaxassislarni yanada malakali qilib tayyorlash muhim vazifamizdir.

O'quvchilarning fazoviy tasavvurlash qobiliyatini, ya'ni chizmani o'qish malakasini oshirishda, berilgan ko'rinishlarga mos keluvchi bir-biridan ozgina bo'lsa-da farq qiluvchi predmetlarni tahlil qilishda "loyihalash – o'ylab topish" maqbul usuldir. "Loyihalash - o'ylab topish"dan foydalanib, o'quvchilarning fazoviy tasavvurini va mantiqiy fikrlashini faollashtirish mumkin.

Qisqa vaqt ichida o'quvchilarning fazoni to'liqroq idrok etishlari uchun proyeksion chizmachilikdan vazifalarni bajarish jarayonida quyidagi muammoli savollarni uzluksiz olib boriladi: avval bitta bosh ko'rinishi nuqta va to'g'ri chiziq bo'lgan geometrik figuralarni va predmetlarni loyihalash - o'ylab topish masalasi qo'yiladi. O'qituvchi bu muammolarni qo'yish bilan birga, asosiy e'tiborini, masalalarni yechish jarayonida har bir o'quvchini chetda qoldirmay o'z fikr va mulohazalari bilan ishtirok etishiga, ya'ni ularning har birini ijodiy izlanishga jalb etishga qaratishi kerak bo'ladi.

Yangi texnologiyalarning qo'llanishi munosabati bilan chizma geometriya va chizmachilik fanlarida o'rganiladigan barcha bilimlarni va yer sirtiga bog'liq chizmalarni kompyuterdagi programmalardan foydalanib ishlash, ya'ni yangi texnologiya tizimini qo'llash o'quvchi va talabaning bilimini yanada boyitadi. Shuning uchun hozirgi zamon chizmachilik o'qituvchisidan chizma geometriya, geometrik va proyeksion chizmachilik fanlari bilan bir qatorda texnika sohasidagi mutaxassislarda "Mashinasozlik chizmachiligi", qurilish sohasidagi mutaxassislarda "Arxitektura va qurilish chizmachiligi", dizayn va xalq amaliy bezak san'ati sohasidagi mutaxassisliklarda geometrik chizmachilik va kompyuter grafika fanlarini chuqur va atroflicha o'zlashtirish talab etiladi. Mutaxassis bu fanlarni mukammal o'rganib qolmay, balki yoshlarga bu bilimlarni yetkazib bera olishlari uchun muhandislik grafikasini o'qitish metodikasidan ham xabardor bo'lishi shart. Ular ilg'or pedagogik texnologiyalarni o'zlashtirgan bo'lishi va uni o'quv jarayoniga qo'llay olishi zarur. Shu yo'l bilan ham "chizma geometriya va chizmachilik" fanining yana bir asosiy vazifasi bo'lgan insonning fazoviy tasavvur qilish qobiliyatini oshirish kabi muhim fazilatini shakllantirish lozim. Chunki fazoviy tasavvur qila olish qobiliyati yaxshi rivojlangan har qanday shaxsning ijodkorlik qobiliyatini rivojlanadi. Shundan kelib chiqib, u o'z oldiga qo'ygan har qanday vazifani hal etishda o'zining barcha ijobiy xislatlarni namoyon qila oladi.

Mustaqil Vatanimizda fan va texnikaning muntazam o'sib borishi kelajakdagi yosh mutaxassislarning barcha sohalarida ishlashlari, fan cho'qqilarini egallashlari uchun asosiy fanlar qatorida chizmachilik fanini yana ham chuqurroq o'rgatishimiz shart va lozimdir.

## ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИДА АФФИКСЛАРНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИ

*А. Уралов  
Сурдарё ВХТХҚТУМОИ*

Филология фанларини ўқитишда тилшунослик фани ўта муҳим ҳисобланади. Таълим самарадорлигини оширишда, меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда тилшуносликдаги аффиксларнинг ўрни ҳақида тўхталамиз. Тилшуносликдаги парадигмалар таркибида шакллар нисбатининг ўзгара бориши янги маъно-вазифага хосланиши тил тараққиётининг муҳим белгилари сирасига киради. Бу жараён тилшуносликда "парадигматизация жараёни" деб ҳам юритилади. Биз тадқиқотимизда икки аффикс ҳақида тўхталиб ўтамиз.

**-сизлар** кўшимчаси. Бу кўшимча ҳам тил тараққиётининг кейинги даврларида юзага келган бўлиб,<sup>1</sup> шахс-сон категорияси II шахс шаклини ҳосил қилади: борасизлар, ўқийсизлар каби.

Унинг биринчи қисми (компоненти) **-сиз** кўшимчаси тарихан **-си** олмош ва **-з** – жамлик-кўплик кўрсаткичидан ташкил топган бўлса-да, кейинги даврларда яхлит холда сиз

<sup>1</sup> Дмитриев Н. К. *История аффиксов сказуемости. - "Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков". II том. Морфология. М. 1956. стр. 14*

олмошининг агглютинация усули билан шахс-сон категорияси парадигмаси доирасига тўлақонли бирлик сифатида тортилиши ҳақида фикр юритиш ўринли бўлади. **-сиз** аффикси маъно таркибида кўплик маъносининг сусайиши ва ҳурмат, сизлаш маъносининг устун чиқа бориши туфайли тегишли парадигмага кўплик маъносини тиклаш учун **-лар** аффикси орттирила бошлайди ва “кенгайган” шакл (сиз + лар) дан янги қўшимча **-сизлар** қўшимчаси пайдо бўлади.

Акад. А. П. Хожиев бу ҳақда шундай фикр билдиради: “Контекстдан ташқари ҳолатда **-сиз** аффиксли форманинг кўплик ёки бирлик маъносида қўллангани аниқ бўлмай қолади. Шунинг учун ҳам кўпликни аниқ ифодалашда бу форманинг ўзи ҳам **-лар** аффиксини олади: боргансизлар каби. Бу формада ҳамма вақт ҳурмат, аниқроғи, “сизлаш” ҳам бўлади: Рўзғор, тирикчиликларинг қалай, қийналмаяпсизларми?”

Кўпликнинг **-сизлар** форманти ёрдамида ясалувчи формаси бўлганидан, бунга қарама-қарши ҳолда, иккинчи шахс кўплигининг “сенлаш” формаси ҳам келиб чиқади. Бу форма иккинчи шахснинг бирлигига **-лар** аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлади: боргансанлар. Бу форма ҳурматсизлик ифодалаш учун ҳам, оддий муносабат учун ҳам қўлланади: Бирпас бир-бирларингни кўрмасаларинг турулмайсанлар... Ёппасига чўлга кўчасанлар”<sup>1</sup>

Шахс-сон категорияси доирасида парадигмани номутаносиблик ҳолатидан чиқариш, парадигмани ўхшашлик (аналогия) қонуниятига биноан мутаносиб ҳолатга келтириш мақсадида шаклларнинг маъно-вазифа жиҳатидан қайта гуруҳланиши, уйғун (симметрик) ҳолатга келтириш жараёни юзага келади.

Оғзаки сўзлашувда **-сизлар** шакли қулайликни таъминлаш мақсадида **-з** формативининг маъноси сусайиши оқибатида **-силар** шаклида айтилади: силар (сизлар) борасилар (борасизлар) ва бу шакл (**-силар**) сўзлашув морфологияси кўрсаткичларидан бирига айланади.

**-ағон** қўшимчаси. “Ўзбек тилининг чаппа луғати” китобида бу қўшимча иштирок этган билағон, қулағон, тепағон, чопағон, қопағон, ётағон, учағон сўзлари келтирилган.<sup>2</sup> Бошқа бир манбада эса бу аффикс **-а + ғон** шаклида берилиб, феъл ўзакларидан (чоп + а + ғон > чопағон...) ҳаракатда ортикликни билдирувчи сўз ҳосил қилиши айтилади ва **-о + гич** (**-о + н + гич: сузогич ~ сузонгич...**) қўшимчаси билан маънодошлиги қайд этилади.<sup>3</sup>

Кейинги йилларда яратилган бошқа муҳим бир манбада эса бу аффиксининг бир қанча белгилари кўрсатилади: **-(а)ғон** аффикси кўпроқ жонли тилга хос бўлиб (тошкент шевасига), феълларга қўшилиб, ўзакдан англашилган маъноларнинг ортикчилигини, мукамаллигини ифодаловчи, характер – хусусият, ҳолат билдирувчи сифатлар ҳосил қилади... чопағон (бола); сузағон (спортчи); учағон (кўнғиз); топағон (ўқувчи); кулағон (қиз); ўзағон (сузувчи)... Бу аффикс **-ан + гич** (**-он + гич**) ясовчи билан функциядош бўлиб, худди шу маънолар бериш учун **-ан + гич** ясовчисини ҳам қўллаш мумкин: чопағон – чопанғич; тепағон – тепанғич...”<sup>4</sup>

**-ағон** қўшимчаси кумиқ, қарачой-балқар, қорақалпоқ тилларида ҳозирги замон сифатдош шакли сифатида ўрнашиб қолган бўлса, қозок, ёқут, чуваш, озарбайжон ҳамда нисбатан кўп миқдорда ўзбек тилида феълдан ҳосил бўлган ясалмалик (хусусан, хослик, берилганлик) маъноларини ифодалайди.

Демак, кўринадикки, **-ағон** шаклида **-а** қисми қадимги даврлар ва ўрта асрларда кўп марталик, такрор маъносини билдириб келган, кейинчалик бур – “бир марта”, бура – “кўп марта”; сўр – “бир марта”, сўра – “кўп марта” зидлиги (оппозицияси) баргараф бўлиб(нейтрал, бетараф ҳолга келиб), **-а** элементи **-ғон** аффикси таркибига сингишиб кетган(шакл яшаш вазифаси сусайган) ва **-ағон** қўшимчали сўзлар сифат сўз туркумида

<sup>1</sup> Хожиев А. Феъл.-“Ҳозирги ўзбек адабий тили”, I қисм. Тошкент, 1980, 369-370-бетлар

<sup>2</sup> Қаранг: Р. Қўнғиров, А. Тихонов. Ўзбек тилининг чаппа луғати. Самарқанд. 1968. 131-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Ҳозирги замон ўзбек тили(Ф. Камол тахририда). Тошкент. 1957. 352-бет

<sup>4</sup> Қаранг: Ўзбек тили грамматикаси, II жилдлик, I жилд, Тошкент. 1995. 283-бет

ўринлашиб қолган. -афон шаклида -а- элементини тамомила маъносини йўқотиб, асос ва -фон ўртасида туташтирувчи товуш асемантик бирлик ҳолатига ўтган деб ҳисоблаш қийин, чунки -афон (сузафон, кулафон, чопафон...) шаклидаги маълум даражада сақланган такрор, кўп марталик маънолари айни -а шаклига хос бўлиб, шу маъноси билан кўшма аффикс(-афон)нинг маъносига ўз хиссасини қўшади. Ҳар икки шакл қадимги даврда шакл ясовчи бўлиб, муайян микдордаги сўзлар таркибида ҳаракат бажарувчисининг хусусият-хислатини билдирувчи сўз вазифасида сифат-от туркумига ўтган(сифатлашув-отлашув жараёни маҳсулига айланган), сўз ясалиши ва шакл ясалишидаги номутаносиблик сўз яшаш(диахрон жараён) эҳтиёжлари, манфаатлари фойдасига ҳал бўлган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тилшуносликдаги бу аффиксларни яхши билиш, уларни амалиётда қўллаш таълим тизими учун яхши натижаларга олиб келади.

## **BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINI TARBIYALASHDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH**

*V.Yu. Ahrorov, M.I.Kushanova  
SamDU*

O'zbekiston Respublikasining taraqqiy etgan davlatlar qatoridan o'rin olishi uchun ta'lim-tarbiya jarayonini jadallashtirish va uning samaradorligini oshirish maqsadida ilg'or pedagogik texnologiyalardan foydalanish talab etilmoqda.

Kadrlar tayyorlash milliy dasturining strategik maqsadlariga erishishda, jumladan, yoshlarni yuksak ma'naviyat ruhida tarbiyalashda yangi pedagogik va axborot texnologiyalari, o'quv reja va dasturlari, o'quv-metodik majmualar, yosh avlodni o'qitish, tarbiyalashning zamonaviy shakl va usullarini rivojlantirib borishning o'rni hamda ahamiyati kattadir. Negaki, «Ma'naviyat – insonni ruhan poklanishga chorlaydigan, odamning ichki dunyosi, irodasini baquvvat, iymon-e'tiqodini butun qiladigan, vijdonini uyg'otadigan beqiyos kuch, uning barcha qarashlarining mezonidir».<sup>1</sup>

Inson ma'naviy ruhiyatiga ta'sir etishda va ma'naviyatini mustahkamlashda ta'limning roli benihoya kattaligi shubhasizdir. Ta'limning qay darajada berilishi esa boshlang'ich sinf o'qituvchilarining ilmiy salohiyati, iqtidori, kasbiy uslubining rang-barangligiga bevosita bog'liqdir. Shu boisdan ham boshlang'ich sinf o'quvchilariga ma'naviyat elementlarini singdirish vazifasi o'qituvchilardan tinmay o'z bilim saviyasini oshirib borishni talab etadi. Ular dars va sinfdan tashqari mashg'ulotlarning ma'naviy tarbiya bo'yicha maqsad va vazifalarini aniq belgilashlari, bunda kafolatlangan natijalarga erishish uchun ta'lim jarayonini loyihalash bo'yicha yetarli bilim, ko'nikma va malakalarga ega bo'lishlari lozim.

Pedagogik texnologiyalar asosida interfaol usullardan foydalanish ta'lim-tarbiya sohasida bugungi dolzarb muammolarni hal qilishga yordam beradi. Shu boisdan ham pedagogik innovatsiyalarni izlab topish, tahlil qilish asosida eng ko'p samara beradiganlarini tanlash, ularni amaliyotda qo'llash tartibini belgilash maqsadga muvofiqdir. Shuning uchun o'qituvchi o'quvchini faollashtiradigan, o'zi va o'rganuvchi uchun qulay va samarali bo'lgan metodlarni, o'qitish shakli va vositalarini izlashi, takomillashtirishi zarur.

Boshlang'ich ta'limda sinf va sinfdan tashqari mashg'ulotlar jarayonida o'quvchilarni ma'naviy tarbiyalashga, ularni milliy qadriyatlarimizga nisbatan qiziqishlarini orttirishga, milliy ma'naviy merosimizga sodiqlik, ajdodlar ruhini hurmat qilishga, mehnatsevarlik, vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga qaratilgan innovatsion pedagogik texnologiyalardan keng foydalanish maqsadga muvofiqdir. Bunday ilg'or texnologiyalarga «Aqliy hujum», «Rolli o'yinlar», «O'yinli sudlar», «Munozara», «Yechimlar daraxti», «Ikki qismli kundalik», «Sinkveyn», «Klaster», «Sayohat», «B-B-B jadvali», «Birgalikda o'qitish», «Zigzag», «Pinbord», «Debat», «Baxtli voqea», «Kim baxtli bo'ladi?» va boshqalarni kiritish mumkin.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 19.

Biz IV-sinf "Ona tili" darsligida o'quvchilarni ma'naviy tarbiyalash uchun keng imkoniyatlar mavjudligini aniqladik. Quyida ona tili darsida «Sayohat usuli»ni qo'llashga doir mashg'ulotning mazmunini keltiramiz:

### Sayohat usuli

1. **Dars mavzusi:** gap va gap bo'laklari shahriga sayohat.

2. **Dars turi:** mustahkamlash darsi.

3. **Darsning maqsadlari:**

a) ta'limiy maqsadi: gap va gap bo'laklari haqida olingan bilimlarini mustahkamlash;

b) tarbiyaviy maqsad: o'quvchilarning nutqiy go'zalligini shakllantirish, chiroyli gapirishga o'rgatish, gap bo'laklarini ajratish va hayotda qo'llash bilim, ko'nikma va malakalarini shakllantirish;

c) rivojlantiruvchi maqsad: o'quvchilarning gap va gap bo'laklariga doir bilim, ko'nikma va malakalarni, mustaqil fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish;

4. **Darsning jihozlanishi:** mavzuviy plakat, jadval, suratlar, tarqatma materiallar va h.k.


5. **Darsning texnologik xaritasi:**

Dars bosqichlari	Faoliyat	
	O'qituvchi	O'quvchi
I bosqich. Tayyorlov	Mavzu aniqlanadi. Darsning mohiyat va mazmuni o'quvchilarga tushuntiriladi.	Tinglaydilar, savollarga aniqlik kiritishlari mumkin.
II bosqich. Mavzu ustida ishlash	Mavzuni ochishga qaratilgan ramziy «bekat»lar haqida umumiy tushunchalar beriladi, ular bo'yicha olib boriladigan ishlar tushuntiriladi, mavzular ustida ishlashga ruxsat beriladi. a) «Gap» bekati – tarqatma materiallar tarqatiladi, berilgan so'zlardan gaplar tuzish taklif etiladi. b) «Gap bo'laklari» bekati – shartli belgilarga mos keladigan gaplarni o'rniga qo'yib yozish talab etiladi.	Dars jarayonida barcha o'quvchilar o'qituvchi rahbarligida faol ishtirok etadilar.
III bosqich. Yakuniy qism	Mavzuga doir uyga vazifa beriladi hamda dars jarayonida faol ishtirok etgan o'quvchilar baholanadi.	

6. **Darsning borishi.** Dars mashg'ulotining tashkiliy qismi odatdagiday tashkil etiladi. Darsning mavzusi va maqsadi o'quvchilarga e'lon qilinadi.


O'qituvchi «Gap va gap bo'laklari shahriga sayohat» oldidan yo'lning naqadar mashaqqatli, shu bilan birga qiziqarli uchrashuv va suhbatlarga boy ekanligi haqida o'quvchilarga ilk ma'lumotlar beradi. «Sayohat avtobusi» yo'lda davom etadi. U «**Gap**» **bekatiga** yetganida o'quvchilar mavzuga taalluqli tarqatma materiallar asosida faollashtiriladi:

Berilgan so'zlardan uchta gap tuzib yozing. Gapni ajratib ko'rsatilgan so'z bilan boshlang.



«Gap bo'laklari» **bekatida** o'quvchilardan quyida keltirilgan shartli belgilarga mos keladigan gaplarni o'rniga qo'yib yozish so'raladi.





### Shartli belgilar o'rniga qo'yish uchun gaplar:

1. Ilhom ko'p kitob o'qiydimi?
2. Men elimning yuragida yashayman.
3. Konstitutsiyamiz necha bobdan iborat?
4. Kelajakda Feruz o'qituvchi bo'lmoqchi.

**7. Xulosa.** O'yin asosida tashkil etiladigan bu kabi darslarda o'quvchilar ixtiyoriy ravishda ishtirok etadilar, o'yin jarayonida o'zlarining o'quv-biluv faolligini ko'rsatishga harakat qiladilar, topshiriqlarga ijodiy yondashadilar, mavzu-bekatlarning mazmun-mohiyati ularda mehnatsevarlik, vatanparvarlik, insonparvarlik, rahmdillik, mehribonlik, notiqlik, zukkolik kabi yuksak ma'naviy fazilatlarni shakllantirish imkonini beradi.

Shunday qilib, o'quv-tarbiya jarayoniga o'qituvchi tomonidan ilmiy asosda tanlangan innovatsion texnologiyaning joriy qilinishi o'quvchilarni bilimlarni o'zlashtirishga bo'lgan qiziqishini o'stirish barobarida ularni ma'naviy tarbiyalashga ham keng imkoniyatlar yaratadi.

## O'QUVCHI SHAXSINI SHAKLLANTIRISHDA INNOVATSIYALAR

*Ch.Abdurahmonova  
Samarqand VXTXQTUMOI*

Har bir davlat va jamiyat taraqqiyoti hamda uning istiqboli shu davlat, shu mamlakatda yashovchi fuqarolarning aqliy saviyasi bilan belgilanadi. Bu borada jamiyatimiz psixologiya fani zimmasiga murakkab nazariy va amaliy vazifalarni yuklamoqda. Shuning uchun psixologik nazariyani jadal rivojlantirish, pedagoglarning psixologik ishlarga e'tiborli bo'lish va yoshlarni barcha hayot faoliyatidagi psixik jarayonlarni o'rganish, hamda ularni boshqarish hozirgi zamon talabidir.

Bizga ma'lumki, zamonaviy pedagogik texnologiyalar o'quvchini mavzuni yaxshi o'zlashtirishga, mustaqil o'qishga, darsda ularning faolligini oshirishga xizmat qiluvchi jarayondir. Ta'limda interfaol usullardan hamda didaktik o'yinlardan foydalanish yaxshi samara bermoqda. Mavzularni turli xil metodlardan foydalangan holda tashkil qilish o'quvchilarda tirishqoqlik, izlanuvchanlik kabi xislatlarni rivojlantirmoqda.

Ma'lumki, ta'lim jarayoniga innovatsion texnologiyalar va interfaol metodlarni tatbiq etishga qiziqish keng tus olib bormoqda. Boisi shundaki, bunday metodlarni qo'llash ta'lim samaradorligini va ta'sirchanligini oshiradi, o'quvchilarning yaratuvchanlik qobiliyatini shakllantiradi.

Innovatsiya tushunchasi tadqiqotlarda "yangilik yaratish" tushunchasi sifatida ko'rib chiqiladi, innovatsion jarayon tushunchasi esa yangilik yaratish va ularni o'zlashtirish hamda ta'lim muassasasi amaliyotida samarali qo'llash jarayoni sifatida ifodalanadi. Ta'limda pedagogik texnologiyalarga asoslanish va innovatsiyaga intilish, o'quvchilarni faollashtirishga qaratilgan turli interfaol metodlardan foydalanish ta'lim maqsadini samarali amalga oshirishga yordam beradi.

Interfaol mashg'ulot turlari ko'p bo'lib, ularni dars mavzusining xususiyatlari hamda ko'zda tutilgan maqsadlarga muvofiq tanlash va tayyorgarlik ko'rish zarur. Interfaol mashg'ulotda ishtirok etish uchun o'quvchilarning tayyorgarliklariga o'ziga xos talablar qo'yiladi, bular mashg'ulotda faol ishtirok etish uchun zarur bilimlarni o'zlashtirganlik, muloqatga tayyorlik, o'zaro hamkorlikda ishlash, mustaqil fikrlash, o'z fikrini erkin bayon qilish va himoya qila olish ko'nikmalari va boshqalardan iborat.

Mashg'ulotlarda vaqtdan unumli foydalanish zarur hisoblanadi. Buning uchun kerakli vositalarni to'g'ri tanlash, tayyorlash hamda mashg'ulot o'tkazuvchilar va ularning vazifalari aniq belgilangan bo'lishi lozim.

Interfaol metodlar bilan an'anaviy ta'lim usullari orasida o'ziga xos farqlar mavjud bo'lib, har bir o'qituvchi bu farqlarni qiyoslashi, ularning bir-biriga nisbatan afzalliklari va kamchiliklarini darsni rejalashtirish va uni o'tkazish usullarini hisobga olish zarur. Bunda yangi bilimlarni berish, ko'nikmalarni shakllantirish, rivojlantirish, mustahkamlash, bilimlarni takrorlash, amalda qo'llash mashg'ulotlarida hamda o'quv fanining xususiyatlarini hisobga olgan holda muvofiq bo'lgan interfaol yoki boshqa metodlarni to'g'ri tanlash nazarda tutiladi. Ta'lim-tarbiyada maqsadning amalga oshishi va kafolatlangan natijaga erishish, ham o'qituvchi, ham o'quvchining hamkorlikdagi faoliyati hamda ular qo'ygan maqsad, tanlangan mazmun, metod, shakl, vositaga, ya'ni texnologiyaga bog'liq.

O'qituvchi va o'quvchining maqsaddan natijaga erishishida qanday texnologiyani tanlashlari ular ixtiyorida, chunki har ikkala tomonning asosiy maqsadi aniq natijaga erishishga qaratilgan, bunda o'qituvchi o'quvchilarning bilim saviyasi, guruh xarakteri, sharoitiga qarab ishlatiladigan texnologiya tanlanadi, masalan, natijaga erishish uchun kompyuter bilan ishlash lozimdir, balki film, tarqatma material, chizma va plakatlarni, turli adabiyotlar, axborot texnologiyasi kerak bo'lar, bular o'qituvchi va o'quvchilarga bog'liq. Shu bilan bir qatorda, o'qitish jarayonini oldindan loyihalashtirish zarur, bu jarayonda o'qituvchi o'quv predmetining o'ziga xos tomonini, joy va sharoitni, eng asosiysi, o'quvchi-talabani imkoniyati va ehtiyojini hamda hamkorlikdagi faoliyatini tashkil eta olishini hisobga olishi kerak, shundagina, kerakli kafolatlangan natijaga erishish mumkin. Qisqa qilib aytganda, o'quvchi-talabani ta'limning markaziga olib chiqish kerak. To'g'ri tanlangan metodlarni qo'llash mashg'ulotning qiziqarli va samarali o'tishini, shaxs shakllanishini ta'minlaydi.

Interfaol mashg'ulotlarning usullari ko'p bo'lib, bular hammasi ham shaxs shakllanishiga bir xilda ta'sir ko'rsatmaydi, demak, o'qituvchi o'quvchi shaxsida har bir psixik jarayonlarni va xususiyatlarni shakllantirish uchun interfaol metodlarni to'g'ri tanlay olish lozim. Interfaol usullarda muammoli, hayotiy vaziyatlardan foydalanish juda yaxshi natijalar beradi. Bahsli, muammoli vaziyat - insonning faoliyati davridagi fikrlash natijasiga bog'liq bo'lib qoladigan murakkab holatga yoki sharoitga tushib qolishidir. Bunday holatda u hodisa yoki jarayonni qanday izohlashni bilmaydi. Baxsli, muammoli vaziyatlar o'quvchilarning aqliy kuchini zo'riqtiradi, vaziyatni oydinlashtirish uchun yo'llar qidira boshlaydi. Qiyinchiliklar bilan to'qnashadi. Odam muammo bilan yuzma-yuz (to'qnash) kelgandagina fikrlay boshlaydi. O'zida mavjud bilimlar bilan fikrlab amallar bajara boshlaydi, saviyasiga mos darajadagi xulosalarga kela boshlaydi.

Xulosa qilib aytganda, yoshlarning asosiy shakllanish va rivojlanish davri ta'lim sohasiga bog'liq holda kechar ekan. Demak, ta'lim-tarbiya sohasida ularni psixologik jihatdan shakllantiruvchi omillarga alohida e'tibor berish maqsadga muvofiq bo'ladi.

## **TALABALARDA BILIM OLISHGA INTILISH MOTIVATSIYASINI SHAKLLANTIRISH**

*D. Jo'raqulova, M.Tovbayeva  
SamDU*

Inson o'zining butun hayoti va faoliyati davomida obyektiv dunyoni bilib boradi. Bilish dunyoni inson ongida aks etishining murakkab jarayoni bo'lib, u bilmaslikdan bilishga, noaniq va to'la bo'lmagan bilimlardan ancha aniq va to'la bilimlarga tomon harakat qilish sifatida sodir bo'ladi. Bilish tevarak-atrofdagi odamning narsa va hodisalarni hissiy idrok qilishdan boshlanadi. Tashqi olamning, sezgi, idrok va tasavvurning hosil bo'lishiga olib keladi, bular real borliqdagi narsalarni inson ongida aks ettiradi. Tevarak-atrofdagi olamga muvaffaqiyatli ta'sir etish uchun bu

olam rivojlanishining obyektiv qonuniyatlarini bilish kerak. Faqat hissiy bilish yordamidagina bu qonunlarning mohiyatini tushunish mumkin emas.

Talabalar o'qib, o'quv fanlarining mazmunini o'zlashtira borib, ob'yektiv olamni bilib boradilar. Ular ilmiy bilimlarning hammasini emas, balki ularning «fan asoslari» deb ataladigan bir qisminigina o'zlashtirib oladilar. Fan-texnika taraqqiyoti hamda uzluksiz ta'lim olish g'oyasi amalga oshirilayotgan bir sharoitda ta'lim inson sotsial faolligining predmeti, faoliyatning subyekti hamda ijtimoiy taraqqiyotning faol ishtirokchisi sifatida o'zini doimiy ravishda kamolga yetkazishga qaratilgan faol sotsial faoliyatning mustaqil shakli sifatida ko'proq ahamiyat kasb eta boradi.

O'quvchilar ta'lim jarayonida bilim, ko'nikma va malakalarni egallab oladilar. Bilimlarda obyektiv olam umumlashtirilgan holda aks ettiriladi. Bilimlarni o'zlashtirish faktlar, tushunchalar va qonuniyatlarni o'rganishni nazarda tutadi.

Bilim, ko'nikma va malakalarni muvaffaqiyatli egallab olish vositalaridan biri—avval o'zlashtirib olingan bilimlarning amalda qo'llanishidir. Amaliyot materialni yanada yaxshiroq bilib olishga, mustahkamlashga yordam beradi. Olimlarning fikricha, har qanday motivastiyaning asosida ehtiyoj yotadi. Ehtiyoj – bu individning rivojlanishi va faol darajada o'zini namoyon qilishining sharoitlarga bog'liq bo'lgan omilidir.

V.M.Karimova, B.T.Abdug'afforov, F.A.Akramovalarning fikricha, motivastiyalashgan tizim birligi – bu turtkidir. Tuzilish jihatidan turtkilar ikki xil farqlanadi: “xohish-istakli” va “haqiqiy”. Har bir inson hayoti davomida turli vaziyatlarga tushadi. Ularning xulqida turli xil motivlar namoyon bo'ladi. Ko'pgina motivlar ta'lim olish, mehnat qilishi mobaynida shakllanadi. Odatda, kishilarda ta'lim olish, oliy ma'lumotli bo'lish istagi kelajakda o'z hayotini to'g'ri yo'lga qo'yish, yaxshi moddiy ta'minotga ega bo'lish uchun xizmat qilsa, mehnat qilish istagi foyda olish yoki foyda tushishi uchun xizmat qiladi, ya'ni shu orqali boshqalarga yordam beradi.

Motivlar anglangan yoki anglanmagan (qisman anglangan) bo'lishi mumkin. Birinchisida, ijtimoiy xulqning sabablari aniq, egasi uchun ravshan bo'lsa, ikkinchi holatda, amalga oshirilgan xulqning ichki psixologik sababi, ya'ni uning ortida turgan ehtiyoj, faollik mexanizmlari jarayonining o'zi anglanmaydi. Anglangan motivlar ijtimoiy xulqni o'rganishda katta ahamiyatga ega, chunki biz ko'pincha odamlar orasida, jamoat yerlarida, mehnat jamoasida o'zimizning nima sababdan aynan shu mavqeni tanlaganimizni, aynan shunday qarorlarga kelganimizni, aynan shu odamlarni yoqtirayotgan yoki yoqtirmayotganimizni aniq bila olmaymiz. Bu holat ko'pincha ijtimoiy ustanovkalar orqali tushuntiriladi. Ijtimoiy ustanovka – u yoki bu guruhlariga nisbatan shaxsning baholari, harakat qilishga hozirligi va idrok usullaridir.

O'quv yurtlaridagi ta'lim-tarbiya jarayonida ko'p hollarda o'qituvchilar tomonidan doimiy ravishda an'anaviy darslar tashkil qilinsa talabalarda zerikish, dangasalik holatlarini keltirib chiqarishi va buning natijasida ulardagi bilim olishga intilish motivastiyasining pasayib ketishiga sabab bo'lishi mumkin. Buning oldini olish maqsadida esa bugungi kunda ta'lim sohasida ko'plab innovatsion, yangi pedagogik texnologiyalar joriy qilinmoqdaki, ular talabalarni yanada faollikka undab, har bir dars jarayonida faol qatnashib, o'z bilim va malakalarini oshirishlariga sabab bo'lmoqda va bu orqali ularning bilim olishga bo'lgan motivastiyalari ham oshib bormoqda.

Zero, pedagogik texnologiya - shunday bilimlar sohasiki, ular yordamida 3-ming yillikda davlatimiz ta'lim sohasida tub burilishlar yuz beradi, oliy maktab o'qituvchisi faoliyati tamoman yangilanadi, talaba yoshlarda hurfikrlilik, bilimga chanqoqlik, Vatanga mehr-muhabbat, insonparvarlik tuyg'ulari tizimli ravishda shakllantiriladi.

Bugungi kunda mamlakatimizda mutaxassislarining ilmiy salohiyatini, talabalarda bilim olish motivastiyasini oshishida innavatsion texnologiyalar ko'plab imkoniyatlar yaratmoqda. Nazariya va amaliyot birligining ta'minlanishi pedagogik texnologiyaning asl mohiyatini aniqlashga yo'l ochadi. Fikrimizcha, yangi pedagogik texnologiya pedagogika fanining alohida tarmog'i sifatida yoki faqat ta'lim amaliyotini maqbullashtirishga yo'naltirilgan tizim deb qarash mumkin emas. Pedagogik texnologiya bu sohadagi nazariy va amaliy izlanishlarni birlashtirish doirasidagi faoliyatni aks ettiradi. Pedagogik texnologiyaga “yangi” so'zini qo'shib ishlatilishi nazariyachi

olimlar va o'qituvchilarni bir qadar o'ylantirib qo'ydi, endilikda ta'lim-tarbiya jarayonini loyihalashga eskicha yondashish mumkin emasligini anglashga harakat qilmoqdalar.

Pedagogik texnologiya ta'lim (tarbiya) jarayoni uchun loyihalalanadi va belgilangan maqsadni yechishga qaratiladi. Binobarin, har bir jamiyat shaxsni shakllantirish maqsadini aniq belgilab beradi va shunga mos holda ma'lum pedagogik tizim (maktab, kollej, oliy o'quv yurti) mavjud bo'ladi. Bu tizimga uzluksiz ravishda ijtimoiy buyurtma o'z ta'sirini o'tkazadi va ta'lim-tarbiya maqsadini umumiy holda belgilab beradi. "Maqsad" esa pedagogik tizimning qolgan elementlarini o'z navbatida yangilash zaruratini keltirib chiqaradi.

## АБДУЛЛА ҚАҲҲОР НОВЕЛЛАЛАРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

*А.Тошпулатов  
СамДУ*

Абдулла Қаҳҳор адабиётимизда ўзининг муносиб ўрнига эга сўз санъаткорлардан биридир. Ёзувчининг бир қатор ҳикоялари нафақат ўзбек адабиётида балки, хорижий давлатларда ҳам машҳур. Адибнинг "Ўғри", "Даҳшат" каби тарихий ҳикоялари 7-синф адабиёт дарслигига киритилган. Ҳикоялар ўтмишда бўлиб ўтган фожиали тақдирлардан ҳикоя қилади. Бугунги куннинг шукронасини китобхонга бот-бот эслатиб туради. Адабиётшунос И.Ҳаққул А.Қаҳҳор ҳикоялари хусусида муҳим бир фикрни айтади: "А.Қаҳҳорнинг ўндан ортиқ ҳикоясини битта ном – "Бошсиз одам" номи остида бирлаштириш мумкин... Тўлиқ маънода Фахриддинга монанд, унингдек лақма, иродасиз, мустақил фикрдан маҳрум гўл кимсани, эҳтимол, ҳаётда учратиш қийиндир. Аммо атрофга синчковлик билан кўз ташлаб, мушоҳада этилса-чи? Ҳайронлар қоласиз... Беихтиёр, "бошсиз одам" бунча кўп-а, дейсиз". Мунаққид тўғри англаган кўринади. Буюк ёзувчилар ўз асарларида тадбиркор, мустаҳкам иродали, замона қаҳрамонларини бош образ – характер даражасига кўтаришади. Китобхон улардан ўрганadi, эргашadi. А.Қаҳҳор яратган характерлар эса одамийлигини унутиб қўйган, жирканч, лоқайд, бефарқ, гўл кимсалардан бўлиб қолмасликка чақиради. Агар мабода ўзимизда шундай "фазилатлар" мавжудлигини кўриб, сезиб қолсак, ўзимиздан ўзимиз нафратланиб кетамиз. Кўра билмасак эса жамиятга биздан хавфли кимса йўқ. Эътиборли томони ҳам шундаки, А.Қаҳҳор бизга огоҳлик кўнғироғи каби шу тоифа одамлардан узоқроқ юришга чақиради.

Мактаб ўқитувчилари, ота-оналар А.Қаҳҳорнинг шундай йўналишдаги ("Адабиёт муаллими", "Қизлар", "Айб кимда", "Санъаткор") новеллаларини мутолаа қилишса, ўқитувчиларнинг иш фаолиятида ҳам, ота-оналар билан ишлаш жараёнида ҳам асқотиши мумкин. Масалан, А. Қаҳҳорнинг "Айб кимда" новелласи тили бошқа, қиладиган иши бошқа бир бебурд одам ҳақида ҳикоя қилади. Эру хотиннинг тутган йўли, бола тарбиясидаги қарашлари бир хил. Масалан, Ҳамроев хотинига "Турондот" деб лақаб қўяди. Болалари лақаби билан ойисини чақирса, уларга бу ҳақда бирор нарса дейишга ожиз қолади. Хотини эса ўғлининг "шўх"ликлари ҳақида отасига шикоят қилади. Аммо ота уришаётганда, Ҳамдамнинг тарафини олиб, эрини жаҳлдан туширади.

"Ҳамроев Собирахоннинг шикоятларини, газеталарда ўқиган, одамлардан эшитган тарбияга оид гапларни ёзиб қўйин дафтарини тўлдирди, кейин буларнинг ҳаммасидан хулоса чиқарди".

Ҳамроев саводсиз, тўртта гапни бир-бирига қўшиб, ота-оналар мажлисида гапира олмайди. Биз Ҳамроевнинг бебурдлигини кўра борамиз. Унинг характери шу зайлда очила боради. Мана унинг ўғлини тергаши, танбеҳ бериши:

Мен сўраётиман, менга қара! Нима қилганингни билмайсанми? Нима учун ойинг урганда... хай, бу ҳам майли. Нима учун ойингни ая демай... Йўқ, нима учун томда туриб, аянгга... умуман томларда юрар эмишсан, ер кўтармайдими? Мактабда сенга шуни таълим берадими? Қани дафтарларинг?

Қаҳрамон ўзини ўзи фош қиляпти. Ким кўпроқ тарбияга муҳтож эканлиги очилиб бормоқда. Ҳамроев ўғлини ёлғон гапиришини ҳазм қилолмайдди, тутоқиб кетади. Ҳатто қулоғидан чўзиб ўзига қаратади.

– Тағин ёлғон гапирасанми? Бундан кейин ёлғон гапирадиган бўлсанг, билиб қўй, мен ойингга ўхшаб оғримайдиغان қилиб урмайман-а!.. Шу ёлғон гапингдан кейин русчадан “яхши” олганингга ҳам ишонмайман. Бир фикр охирига етмай, бошқаси бошланади. Гаплар алмойи-жалмойи. Кишида кулги уйғотади.

Ўғлига шундай жиддий гапларни гапирган Ҳамроевни асар хотимасида тамоман бошқача қиёфада кўрамиз.

“ - Йўк. – деди дафтарини чўнтагига солиб, - бу ишга жиддий қараш керак. Шундай бўлгандан кейин мажлисга жиддий тайёргарлик кўриб, борилмаса бўлмайди. Тарбияга доир китоб кўп”. Қайси бир характери билан Ҳамроев Боқижон Бақоевга ўхшаб кетади. “Дангасага иш буюрсанг, сенга ақл ўргатади” қабилида иш юритади у.

– Ойинг бормайди, боришдан фойда ҳам йўк, мен янаки сафар бораман.

– Мудир сўраса шунақа дейманми?

– Нега? Қап-катта бўлиб шунга ҳам ваз тополмайсанми? Дадам ишдан кеч келди, ойим бетоб ётибди дегин!

Ҳажвий новеллистиклик қутилмаган ечим орқали шундай ўзининг барқарор фикрларига эга бўлмаган, бири тоғдан, бири боғдан бошлангандиган гап-сўзлари билан характерланаётган Ҳамроев ўзининг ким, қанақа инсон эканлигини ўғли билан бўлиб ўтган кичиккина диологда бўй-басти билан намоён қилади. “Жанр тарихи шуни кўрсатадики, ҳикояда қаҳрамон ички дунёсини автор эмас, қаҳрамоннинг ўзи очади. Хафа бўлди дема – дейди Чехов, - хафа бўлганлиги кўриниб турсин”. А.Қаҳҳорнинг барча новеллаларида қаҳрамон ўзини ўзи фош этади. Чехов таъкидлаганидек, ёзувчи бирор ўринда қаҳрамонларини ёмон демайди, ёмонлигини кўрсатади. Новеллада гапининг боши билан охири тўғри келмайдиган, фикр-ўйларига собит тура олмаган аянчли одам характери яратилган. Адиб сарлавҳага “Айб кимда” деган мавҳум маънодаги саволни қўйишида учта мақсад ётади. Айбдор ким? Ўқитувчиси, Ота-оналарми, боланинг ўзими...? Жавоб аниқ!..

Шундай новеллалар синфдан ташқари ўқиш учун ўқувчиларга бериб юборилса, улар ота-оналарига ўқиб ёки айтиб беришади. Шу зайдда улар муҳим икки вазифани бажарган бўлишади.

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА АУДИО ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*М.Исоева*  
*СамВХТХҚТУМОИ*

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мустақиллик даврида тожик ва рус мактабларида “Ўзбек тили” фани ўқитилишига катта эътибор қаратди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳам ўзбек тилини ўқитишга салмоқли ўрин ажратилганлиги бежиз эмас. Давлат тилини ўрганиш ва ўргатишнинг йўллари, усуллари такомиллашиб, ривожланиб, ҳар бир тарихий даврнинг талаб ва эҳтиёжларига уйғунлашиб борганлиги ҳам табиий бир ҳолдир.

Бугунги кунда ҳам она тили, давлат тили ва хорижий тилларни ўқитишга ниҳоятда катта аҳамият берилмоқда, бунда ўқитувчиларнинг масъулияти ошмоқда. Замонавий ўқитувчи - келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчисидир. Сўнги йилларда педагогик фаолиятда турли ахборот воситалари (компьютер, телевидение, радио, слайд, видео ва аудио магнитофон, DVDлар) ёрдамида

таълим жараёнини ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқитувчилар олдида таълим жараёнида турли ахборот воситаларидан ўринли ва мақсадли фойдаланиш вазифаси турибди. Жумладан, видеотопишмоқ методидан фойдаланишда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади: - ўқувчилар эътиборига ўрганилаётган мавзу моҳиятини тасвирий ёритишга ёрдам берувчи изоҳларсиз бир неча видеолавҳа намойиш этилади; ўқувчилар ҳар бир лавҳада қандай жараён акс эттирилганлигини изоҳлайдилар; жараёнлар моҳиятини дафтарларига қайд этадилар; -ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб қайтардилар.

Тожик мактаблари 6-синф ўқув дастурига “Мен севган телекўрсатув” мавзуси киритилган. Ушбу мавзу доирасида ўқувчига баъзи санъат турлари ҳақида гаплашиш, ўзбек мусиқаси, адабиёти, замонавий кино, мультфильм, эртақ ва пьессаларни мазмунини муҳокама қилиш, музейларни тасвирлаш, ҳайкалтарошлик, рассомчилик ҳақида фикр алмашиш, машҳур кишилар ва тарихий кишилар тўғрисида маълумотлар ва билим берилди. Шу мавзунини ўқувчиларга ўргатиш ёки ўргатилган материални янада мустаҳкамлаш мақсадида “Видеотопишмоқ” методидан кенг фойдаланиш мумкин ва у жуда яхши самара беради. Масалан: 5-синф дарслигида ўтилган ”**Эртақлар оламида**“ мавзуси бўйича “**Ўр тўқмоқ**” эртаги ўтилган. 6-синф ўқувчиларига эртақ ҳақида такрорлаш сифатида маълумот берилди. Сўнгра ўқувчилар диққатига юқорида кўрсатилган мавзулар юзасидан: расмлар, ҳайкаллар туширилган 5-8 дақиқалик видеолавҳа **овозсиз** тарзда намойиш этилади.

**1-топширик.** Ўқувчилар гуруҳларга бўлинади ва гуруҳда видеолавҳа юзасидан жадвал берилди. Видеолавҳада кўрган асарлар номи, ким томонидан, қачон яратилганини жадвалда кўрсатинг.

Фильм	Қаҳрамонлар	Ижобий	Салбий
«Ўр тўқмоқ» Мультфильми	Чол Лайлак Бой Болалар	Чол Лайлак	Бой

**2-топширик.** Гуруҳларда ишланг ва қуйидаги саволларга жавоб ёзинг!

1. Кўрганингиз қайси эртақдан лавҳа эди?
2. Қандай салбий ва ижобий қаҳрамонларни биласиз?
3. Ушбу эртақда қандай ғоя олға сурилган?

Топшириқлар бир неча хил бўлиши мумкин (ёзма, оғзаки, чизма ва х.) ва уларни ташкил этиш ҳам турли тарзда (якка, жуфтлик, кичик гуруҳда...) бўлиши мумкин.

**1-топширик.** Эртақнинг номи нима сабабдан «Ўр тўқмоқ» деб номланган? Видеолавҳага таяниб хулосангизни ёзинг.

**2- топширик.** Далада яраланган қушнинг пайдо бўлиши сабаби ва унинг чолга ёрдам беришининг сабаби нимада? «Одамнинг одамга ичи ачимасди» жумласининг маъносини қандай тушунасиз?

**3- топширик.** Содда дил чолни болалар алдаши ва унинг руҳий аҳволи ҳақида фикр билдиринг.

**4- топширик.** Содда дил чол қайси йўл билан унга тегишли бўлган буюмларни олди?

**Фикрлар химояси.** Ўқувчиларнинг фикрлари умумлаштирилади ва тўлдирилади. Ўқитувчи юқоридаги саволлар ёрдамида ўқувчиларни мустақил фикрларга ўргатиш билан бирга уларни эртақ матнига мурожаат қилишга ундайди. Бундан кутилган мақсад ўқувчилар онгида инсон томонидан қилинган яхшилиқларга ҳурмат, ёмонликларга нафрат руҳини тарбиялашдир. Инсон қай даражада яратувчи, олийжаноб, ватанпарвар, инсонпарвар бўлишидан қатъий назар унда ёмон хислатларни кузатиш ҳам мумкин. Шунинг учун ўқувчиларга яхши хислатларни сингдириш учун бизга бадиий асарлар, эртақлар асосида яратилган кинолавҳалар, мультфильмлар катта ёрдам беради. Ўқувчи кўрган лавҳаларни

тўғри идрок этиши учун, уни тўғри йўналтириш учун эса ўқитувчилар кўмагини аямаслиги лозим.

Дарс сўнгида ўқувчилар топшириқларни қанчалик тўғри бажарганлигини билиш учун, видеолавхани яна бир бор **овозли** тинглаб кўриб, муҳокама қиладилар.

Давлат тили ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш комил, баркамол авлодни ҳар томонлама етук инсон сифатида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда фан дарсларини тўғри ташкил этиш, педагогик технологияларни тўғри танлай олишимиз лозим.

Ёш авлодга замонавий таълим бериш билан бирга уларни умуминсоний ва миллий кадриятлар, юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш, онги ва қалбини мафкуравий, маънавий ва ахборот таҳдидларидан ишончли ҳимоя қилиш, уларда ғоявий иммунитет ва фаол гражданлик позициясини шакллантириш масалалари давлатимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

## **BOSHLANG'ICH SINIF O'QISH DARSLARIDA O'QUVCHILARGA MAQOLLARNI O'RGATISHDA TA'LIMY O'YINLARDAN FOYDALANISH**

*M.M.Qayumova*  
*Andijon viloyati Qo'rg'ontepa tumani*  
*XTMFMT va TE bo'limi*

Maqollar xalqning turmush tajribalari zaminida tug'ilgan va xalq donoligini ifodalagan qisqa, ko'pincha she'riy shakldagi hikmatli so'zlar, chuqur mazmunga ega bo'lgan iboralardir. Maqollar turli mavzularda bo'lib, hayotning barcha sohalarini qamrab oladi. Masalan, vatan va vatanparvarlik, mehnatsevarlik va ishyoqmaslik, halolik va tekinox'rlik, donolik va nodonlik, mardlik va nomardlik, saxiylik va baxillik, to'g'riso'z va yolg'onchilik, mehr-oqibat va oqibatsizlik, umid va umidsizlik, odob va odobsizlik, foyda va zarar haqidagi maqollar shular jumlasidan. Maqol xalq og'zaki ijodining juda qadimiy janri hisoblanib, ularda xilma-xil badiiy ifoda vositalari - ohangdosh tovushlar takrori uchraydi.

Badiiy asar matni ustida ishlash bosqichma-bosqich amalga oshiriladi. Maqollarni o'rganishda ham bu bosqichlarga e'tibor qaratilishi zarur. 1-sinfning savod o'rgatish davri maqollarni o'rganishning tayyorlov bosqichi hisoblanadi. 1-sinf o'quvchilari savod o'rgatish davridayoq maqollarni o'rganib boradilar. Alifbe davrida berilgan maqollar matn mazmuniga mos bo'lib, ular matn g'oyasini o'quvchilarga aniq va to'la etkazib berishga xizmat qiladi. Masalan, "Alifbe" darsligidagi "Kapalak bilan asalari" matni ostida berilgan "Oldin o'yla, keyin so'yla", "Chumchuq" matni ostida berilgan "Mehnat qilib topganing-qand-u asal totganing", "Jasurning ahdi" matni ostida berilgan "Olim bo'lsang, olam seniki" maqollari matn mazmuni va g'oyasini o'quvchilarga aniq singdirishga yordam beradi. 2-sinf o'qish darsligida ham maqollar matn ostida beriladi. Bu maqollarni o'qish va o'rganish, tahlil qilish asar o'qilib, tahlil qilinib bo'lingandan so'ng amalga oshiriladi. Berilgan bu maqollar yuqorida berilgan mavzuni yanada ochib berishga xizmat qiladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilariga maqollarni o'rgatishda maqolni o'qish, uning mazmuni ustida ishlash, maqoldagi so'zlar ma'nosini izohlash, maqolni yod olish, matn mazmuniga mos maqol topish, maqollarni mavzular bo'yicha guruhlash kabi ishlar amalga oshiriladi. Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarga maqollarni o'rgatish boshlang'ich sinf o'qituvchisidan katta tayyorgarlikni talab etadi. O'qituvchi har bir darsga tayyorlanayotganda asar mazmuniga va unda ilgari surilgan g'oyaga mos maqol ustida qanday mashq uyushtirishni rejalashtirib olishi lozim.

Boshlang'ich sinf o'quvchilari o'yinlarni juda yaxshi ko'radilar. Bundan foydalangan o'qituvchi o'quvchilarga maqollarni o'rgatishda turli ta'limiy o'yinlardan foydalansa, maqsadga muvofiq bo'ladi. "**Davom ettir**", "**Maqolni tikala**", "**Kim ko'p maqol biladi?**", "**Maqollar**

zanjiri”, “Marraga kim oldin keladi?”, ”Maqollar bozori”, “Maqollarning mavzuli estafetasi”, “ Koptokni qaytar” kabi ta’limiy o‘yinlardan foydalanish o‘quvchilarga maqollarni o‘rgatishda samarali natija beradi. Yuqorida ko‘rsatilgan ta’limiy o‘yinlardan boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga maqollarni o‘rgatishda foydalanish usullariga to‘xtalib o‘tsak.

“Davom ettir” ta’limiy o‘yinida o‘quvchilar ikki guruhga bo‘linadi. Birinchi guruh o‘quvchisi maqolning ma’lum qismini aytadi, ikkinchi guruh o‘quvchisi uni davom ettirishi zarur. Masalan, Olim bo‘lsang, ... (olam seniki). Eldan ayrilguncha, ... (jondan ayril). Ko‘ngil ko‘ngildan ... (suv ichar).


Qaysi guruh a’zosi maqolni davom ettira olmasa, shu guruhga jarima beriladi. Keyin vazifalar almashtiriladi. G‘olib guruh rag‘batlantiriladi.

“Koptokni qaytar” ta’limiy o‘yini ham “Davom ettir” o‘yiniga o‘xshash bo‘lib, ushbu o‘yindan o‘qituvchi boshqarishi va koptok ishtirok etishi bilan farq qiladi. O‘qituvchi maqolning bir qismini aytib, qo‘lidagi koptokni o‘quvchilardan biriga otadi, bu o‘quvchi shu maqolning davomini aytishi kerak. O‘quvchi maqolni davom ettira olmasa, o‘yindan chetlatib turiladi. O‘yinni oxirigacha olib borgan o‘quvchi g‘olib bo‘ladi. Bu o‘yin o‘quvchilarni sergak, ziyrak va chaqqon bo‘lishga ham o‘rgatadi.

“Maqollar zanjiri” ta’limiy o‘yini ham guruhlar o‘rtasida olib boriladi. O‘yinning asosiy qoidasi bir guruh aytgan maqol qaysi harf bilan tugasa, ikkinchi guruh ayni shu harf bilan boshlanadigan maqolni aytishi kerak. Masalan, Yaxshi dam – mehnatga hamdam - Maqtangan pand eydi, Kamtarin qand eydi - Izlaganga tole yor - Rahmat olgan omondir, La’nat olgan yomondir- Rost so‘zni aytdi, Yolg‘on so‘zdan qayt - To‘g‘ri so‘zning zahri yo‘q - Qush qanoti bilan, yigit himmati bilan...


“Maqolni tikla” ta’limiy o‘yinida o‘quvchilar guruhlarga bo‘linadi, o‘yin guruhlari o‘rtasida musobaqa shaklida olib boriladi. Bu o‘yinni ikki xil usulda tashkil qilish mumkin.

**1-usul:** Maqoldagi so‘zlar alohida-alohida kartochkalarga yozilgan bo‘ladi. Ammo kartochkalar umumiy kartondan qirqib olinadi. Ularning qirqilgan joylari bir-biriga mos bo‘lgan holda maqol to‘la holda tiklanadi. Qaysi guruh o‘z maqolini oldin tiklasa, shu guruh g‘olib hisoblanadi.



**(Bilmaganni so‘rab o‘rgangan olim, Orlanib so‘ramagan o‘ziga zolim.)**

**2-usul:** Maqollarning so‘zlari alohida-alohida kartonlarga yoziladi. 1-guruhning bir o‘quvchisi maqolning birinchi so‘zini kartondan o‘qiydi va uni o‘quvchilarga ko‘rsatib ushlab turadi. Maqolning navbatdagi so‘zini navbatdagi o‘quvchi o‘qiydi, shu tariqa maqol tiklanadi. Tiklangan maqolni guruh a’zolari xor bo‘lib o‘qiydilar. Agar guruh a’zolari tomonidan so‘zlar o‘rni almashtirilsa, shu guruhga jarima belgilanadi.



**(Yaxshi so‘zga uchar qushlar el bo‘lar, Yomon so‘zga pashsha kuchi fil bo‘lar.)**

Bunday mashg‘ulotlar o‘quvchilarning maqollarning mazmun va mohiyatini teran anglashlari, ularning mavzuviy guruhlarga ajratish va tahlil etish, umumlashtirish va xulosalar chiqarishga oid malakalarini rivojlantirish uchun zamin tayyorlaydi. Shu jarayonlarda ularning nutqlari boyib



boradi, estetik didlari ham tarbiyalanib, kamol topadi. Eng muhimi, ularda mana shunday go'zal va bebaho tafakkur durdonalarini yaratgan ona xalqlariga nisbatan mehr-muhabbati yanada kuchayadi. Shu bilan birga o'quvchilarga o'z xalqining buyuk merosidan faxrlanish tuyg'ulari yanada singib boradi.

## ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

*У.А.Юсупова  
Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани  
ХТМФМТ ва ТЭ бўлими*

Инсон – табиатнинг буюк мўъжизаси. Ана шу хилқатни янада камол топтириш, атрофлича юксалтиришда адабиётнинг беқиёс хизмати бор. Санъатлар ичида бетакрор нафасли, беқиёс қудратлиси ҳам адабиёт ҳисобланади. Ёзувчи ёки шоир сўз қудратидан фойдаланиб, ажойиб санъат намуналарини яратади. Бу яратилган асарлар инсон қалбини нурлантириб, жонлантириб туриши учун уни ҳис қилиши, тўғрироғи ундан завқ олмоғи лозим.

Адабиёт кенг маънода илмий ва бадиий сингари 2 турга бўлинади. Илмий адабиёт кишининг ақлини ўстириб, унинг билимларини кенгайтиради. Бадиий адабиёт тушунчаси ўз ичига оламни образли кўриш ва тимсоллар асосида акс эттириш маҳсули бўлмиш бадиий асарларни олади. Кишилар томонидан ўқилиб, ҳиссиётни бойитиш, руҳиятга сингдириш кўзда тутилиб яратилган битиклар бадиий адабиёт бўлади. Демак, адабиёт ўқиш, ундан фикрларни англаш, бадиий асарларни ўқиб ўқиш – образли фикрлаш экан *Бадиий асарлар адабиёт дарсликларидан, асарлардан парчалар эса она тили дарсликларидан машиқлар таркибида берилади.*


Умумтаълим мактабларида она тили ва адабиёт фанини ўқитишдан мақсад: ёшларимизни ижодий фикрлашга, ўз фикрини эркин ва таъсирли қилиб ёзма ва оғзаки шаклда ифодалашга, ўзбек тили қонун-қоидаларини онгли ўзлаштиришга ўргатиш, сўзнинг муқаддаслиги, илоҳий ҳодиса эканлигини тушинтириш, ҳозирга қадар инсоният йиққан жамики маънавий бойликлар, тафаккурнинг нодир дурдонлари айнан сўз орқали бизгача завоқ кўрмай етиб келгани, демак, авлодни аждод билан боғловчи восита экани ҳақида, муқаддас китобимиз Қуръони Каримнинг ўлмас оятлари ҳам, ҳадиси шарифлар ҳам сўзда ифодалангани, ёзувда нақшлангани, илоҳий даъватлар қудрати оддий туюлган мана шу сўз бағрига яширинган эканлигини англашдан иборат. Шундай экан, фанни ўқитишда инновацион педагогик, ахборот - коммуникацион технологиялардан фойдаланиш унумли самара беради.

Она тили ва адабиёт дарсларида инновацион технологиялар асосида ўқитиш ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини янада оширади. Бундан ташқари «Заковат», «Интеллектуал ринг», «Зинама-зина», «Зиг-заг», «Кубик», «Кимсасиз оролда» телеўйинларидан андоза олиб мунтазам ўтказиб турилса, ўқувчилар фикрлаш доирасининг ошишига ёрдам беради. Компьютер орқали ҳар битта кўрсатмани, бошқотирмани ёки топшириқни тайёрлаш, матнни ёзиш ва хатоларини текшириш, сўз ўйинлари, грамматик жадвалларни тузиш осон кечади. Ушбу усуллар орқали таълим – тарбия бериш ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини оширишга, уларни келажакка тўғри кўз билан қарашга, ҳар қандай муаммоли вазиятдан чиқиб кетишга ёрдам беради. Таълимни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш жараёнида фанни ўзлаштирамоқчи бўлган ўқувчиларнинг кайфияти, қобилияти каби хусусиятлар майдонга чиқади. Бугунги кунда ўқувчиларнинг ўзларини ҳаракат қилишга ундаш жуда яхши натижа бериб келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги тезкор давр ёшларида мустақил фикрлаш қобилиятини ошириш,

уларни ўз устида кўпроқ ишлашга жалб этиш, таълим бериш жараёнига ноанъавий усулларда ёндашиш кераклигини талаб этмоқда.

Сўз заргарлари томонидан яратилган дуру жавоҳирлар асрлар ўтса-да, эскириб қолмайди. Фақат буларни ўқиш, ўқувчилар ёзиш ва ўқишдан толиққанда, «Чигал ёзди» машқи сифатида мусикадан самарали фойдаланиш яхши натижа беради. Масалан, 8 – синфда «Адабий тил услублари» мавзусида электрон дарслиқдан А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асаридан берилган парчани намойиш этиш, Машрабнинг «Ўртар» ғазалини эшиттириш, қахрамонлар нутқи, ўзини тутишини намойиш этириш орқали мавзуни жонли тарзда ўтишда қўл келади. Адабиёт фанидан эса Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини ўрганишда, Венн диаграммаси орқали ўқувчиларни ўтмиш ва ҳозирги ҳаётимиз ҳақида мустақил фикрлашга чорлашимиз мумкин.

**“Венн диаграммаси”**



Ушбу диаграмма орқали бугун ва ўтмишдаги инсонларнинг рухияти, турмуш-тарзидаги ўхшаш ва боғлиқлик томонлари ҳақида фикр алмашинади. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил мулоҳаза юритишга ўргатиш педагогик ва ахборот коммуникацион технологияларни моҳирона қўллаш алоҳида ўзига хослик касб этади.

5-синф дарслигида берилган Жонатан Свифтнинг “Гулливернинг саёҳатлари” мавзусини ўқувчилар тўла ва мукамал ўзлаштиришлари учун ўқитувчи қуйидаги усуллар орқали дарсни ташкил этиш мумкин. Биринчи соатни ўтишда, бу усуллардан фойдаланиш кейинги саотлар учун самарали натижа беради. Ўқувчилар эслаб қолишлари учун, адабиёт дарсига кизиқиши ортиши ва асарни тўлиқ ўрганишлари учун қуйидаги технология самаралидир.


**ФСМУ технологияси**

<b>Фикр</b>	Жонатан Свифт-жаҳон болалар адабиётида саргузашт асарлар устаси.
<b>Сабаб</b>	«Гулливернинг саёҳатлари» романи тўрт қисмдан ташкил топган. Муаллиф бу асари орқали Англия давлатининг тартиб-қоидалари, урф-одатлари, устидан кулади. Биринчи қисмда Гулливернинг лилипутлари-митти одамлар мамлакатадаги саргузаштларини ҳикоя қилиш билан асар бошланади.
<b>Мисоллар</b>	Лилипутияда ҳам Англиядаги каби партиялар бор. Бу партиялар <i>баланд поиналилар</i> ва <i>паст поиналилар</i> деб аталади. Иккинчи бобдаги “Алломанинг” кулгили ихтиролари Асал ари ва ўргимчакнинг фаолияти мисол бўла олади. Инсон қиёфасидаги икки оёқли маҳлуқлар ехулар ва ақлли, доно, ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи отлар яшайдилар.
<b>Умумлаш тириш</b>	Свифт ўзи яшаган Англия қироллигидаги барча камчиликлар устидан ҳаёлий мамлакатлар одамлари хатти-ҳаракатларини фош қилиш орқали кулади. Роман услуби жуда ҳам равон, саргузаштлар ниҳоятда қизиқарли тарзда баён қилинади.. Ушбу роман барча халқлар каби ўзбек китобхонларининг ҳам сеvimли асарига айланган. «Гулливернинг саёҳатлари»нинг ўзбек тилида олти марта нашр этилганлиги ҳам буни исботлайди.


5-синф дарслигида берилган Ханс Кристиан Андерсен ҳаёти ва ижоди мавзусини ўрганишда, аввало, мавзу тўлиқ ўзлаштирилади. Шундан сўнг қуйидаги тасвирни кўрсатиш орқали иккинчи соат дарсда ўқувчиларнинг олган билимлари мустаҳкамланади ва

текширилади. Бунда ўқувчиларни мавзунини тўлиқ ва мукамал ўзлаштиришига, масъулиятли бўлишга эришиш мумкин.

**“Ҳаёт чизиги” тасвири**  
(қоғозга туширилиб доскага илиб қўйилади)



Х.К.Андерсеннинг “Булбул” эртагини мустаҳкамлаш қисмида қўйидаги усул орқали баҳс-мунозара ташкил этиш мумкин.



Ўзига хос дарс шакллари билан уйғунлиги ўқувчилар билим самарадорлигини таъминлайди. Ўқувчи қонидани кўр-кўрона ёдламасдан билимларни онгли равишда ўзлаштиради, мантикий хулоса чиқаради, олган билимларини амалда қўллай билиш кўникмасини ҳосил қилади. Таникли адабиётшунос Сирожиддин Саййид уқтириб ўтганидек, “Бола дилига недур юқтирса, адабиёт ўз вазифасини адо этган, адабиёт дарсларининг самараси таъминланган бўлади”.

Ҳазрат Алишер Навоий таъбирлари билан айтилса, кўнгилик – бадан мулкининг подшоҳидир. Кўнгиликнинг саломатлиги–баданнинг ҳам саломатлиги, унинг нотоблиги – бунинг ҳам нотоблигидир. Қалб уйимизни гўзал қилмоқ учун, уни маънавий бойлик билан тўйинтирмоғимиз, инсоний фазилатлар билан безамоғимиз, шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларини ўқувчилар қалбига сингдирмоғимиз, уларнинг қалбларини ҳам гўзал ҳулқ-атвор билан безатмоғимиз даркор. Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, она тили ва адабиёти таълимини такомиллаштиришда, ўқитишнинг инновацион–педагогик технологияларидан

фойдаланиш самарали ҳисобланиб, ўқувчиларнинг билим самарадорлиги оддий дарсларга нисбатан ошади. Ўқувчиларнинг она тили ва адабиёти фанига қизиқиши янада ортади.

## BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'QUV MASHG'ULOTLARINING SIFAT-SAMARADORLIGINI OSHIRISH

*M.T.Umirova*

*Sirdaryo viloyati Xovos tumani 22-maktab*

O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" hamda ularni hayotga tatbiq etishni ta'minlovchi me'yoriy hujjatlar asosida respublikamizda usluksiz ta'lim tizimining poydevori yaratildi. Uzluksiz ta'limning barcha bo'g'inlarini boshqarish, jahon andozalari va zamon talablari darajasida yo'lga qo'yish, ularning har biri uchun xos bo'lgan xususiyatlar va imkoniyatlarni hisobga olgan holda, ta'lim-tarbiyaning yangicha tizimini shakllantirish mustaqil O'zbekiston taraqqiyotining negizi sifatida kun tartibiga qo'yildi. Davrimiz hozirgi yosh avloddan fikrlash va fikr mahsulotini to'g'ri ifodalashni talab qilar ekan, o'quvchilarda bu ko'nikmalarni rivojlantirish uchun yangidan-yangi usul va metodlardan foydalanishimiz kerak.

Boshlang'ich talim tizimida o'qitish samaradorligini oshirish, o'quv mashg'ulotlarini samarali tashkil etish maqsadida yangi pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy qilish, jumladan, multimedia, Internet texnologiyalaridan foydalanish, multimediali elektron qo'llanma va slaydlarni yaratish, ularni dars jarayonida qo'llash o'z samarasini beradi.

Hozirgi kunda darslarni interaktiv metodlar, pedagogik va axborot texnologiyalarni o'quv jarayonida qo'llashga bo'lgan qiziqish, e'tibor kuchaymoqda, bunday bo'lishi tabiiy. An'anaviy ta'limda o'quvchi tayyor bilimlarni egallashga o'rgatilgan bo'lsa, ilg'or texnologiyalar asosida o'tilgan darslarda egallanadigan bilimni o'quvchilar mustaqil o'rganib kichik guruhlarda ishlab muhokama qilish, o'zlarini erkin tutush imkoniga ega bo'ladilar. Shuning uchun boshlang'ich sinf o'qituvchilarining zamonaviy o'qitish metodlari-interaktiv metodlar asosida dars o'tishning o'rni va roli benihoya kattadir.

Zamonaviy o'qituvchi ta'lim-tarbiya jarayonida innovatsion usullardan foydalana bilishi va amalga oshira olishi lozim. Bu jarayonda o'qituvchiga qo'yiladigan talablar:

- innovatsion texnologiya tushunchasini, uning mazmun mohiyatini bilishi;
- innovatsion texnologiyalarning ta'lim maqsadini amalga oshirishdagi o'rni va rolini bilishi;
- innovatsion texnologiyalarni fanlar bo'yicha qo'llash printsiplarini bilishi;
- ta'limiy va ishchanlik o'yinlarini bilishi;
- muammoli rivojlantiruvchi ta'lim metodlarini bilishi;
- o'quvchilarning mustaqil faoliyatlarini tashkil qilish va ta'minlash yo'llarini bilishi;
- o'quvchilarning o'z ustida mustaqil ishlash mahoratini oshirish usullarini egallashi;
- ko'rgazmali o'qitish usullarini bilishi va egallashi;
- ilg'or pedagogi texnologiyalarni qo'llab, na'munaviy imitatsiya o'quv mashg'ulotlarini o'tishi;
- ta'lim-tarbiyaning faollashtiruvchi usullarini bilishi va egallashi;
- uni amalga oshirishda asosan interaktiv metodlardan to'liq foydalana olishi lozim.


**Innovatsion texnologiyalar** pedagogik jarayon hamda o'qituvchi va o'quvchi faoliyatiga yangilik, o'zgarishlar kiritishdir. Boshlang'ich ta'limda quyidagi kabi innovatsion metodlardan foydalanish mumkin: «Aqliy hujum», «Debatlar», «Improvizatsiya», «Klaster», «Bumerang», «Sinkveyn», «Yelpig'ich», «Skarabey», «Tarozi», «Muammoli vaziyat».

Ba'zi zamonaviy ta'lim usullarini o'tkazish metodlariga to'xtalamiz:

**Improvizatsiya.** Tayyorgarliksiz bayon etish usuli bo'lib, savol, topshiriqlarni o'quvchilar muddatsiz, tayyorgarlik ko'rmay tahlil etadilar. Bu o'quvchilarning tez va mustaqil fikrlash

qobiliyatlarini rivojlantirishga yordam beradi. Har qanday muammoli vazifani tez hal etishga o'rgatadi.

**Klaster.** Tarmoqlanish usuli bo'lib, u o'quvchilarning biron bir mavzuni tarmoqlarga bo'lib chuqur o'rganishlariga yordam beradi. Masalan, 2-sinf ona tili darsida shunday klaster tuzish mumkin:



O'quvchilar bilim, ko'nikma va malakalarini baholashning turli usullaridan foydalanish dars samaradorligini oshirishning muhim omilidir.

Boshlang'ich ta'limda innovatsion texnologiyalardan foydalanish o'quvchilarda fikriy bog'liqlik, mantiq, xotiraning rivojlanishiga va chuqur ilmiy salohiyatli bo'lishlariga imkoniyat yaratadi; qandaydir muammoni hal qilishda o'z fikri va uni erkin ifodalash mahoratini shakllantiradi, murakkab mazmunli mavzularni oson o'zlashtirishida qo'l keladi. Ularning dunyoqarashlari o'sadi, og'zaki nutqi rivojlanadi. Buning natijasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasidagi bilim, ko'nikma va malakalari yanada rivojlantirish orqali ular oldida turgan navbatdagi dolzarb vazifa, o'qitishi lozim bo'lgan faniga oid intellektual va ijodiy masalalarni hal eta oladigan dasturlardan foydalanish asoslarni o'rgatishdan iboratdir.

## ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМИНИ ОШИРИШДА ТАЪЛИМИЙ ЎЙИНЛАРНИНГ РОЛИ

*М.С.Қурбонова, Л.Қ. Айсароҳунова  
Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани 1-мактаб*

Бошланғич синф ўқувчилари учун дарсларда ўйинлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Чунки ўйин кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг севимли фаолияти ҳисобланади. Ўйинлар ёрдамида ўзлаштириши қийин бўлган мавзуларни тушунтиришда ҳам кенг фойдаланиш самарали натижа беради. Таълимий ўйинлар ўқувчиларнинг шахсини, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, уларда ўқув ва меҳнат фаолиятини ташкил этиш ва атрофидагилар билан тез муносабатга киришиб кета олиш хусусиятларини ривожлантиради. Бошланғич синф дарсларида фойдаланиладиган ўйинларда ўқувчиларнинг ўзлаштиришини ҳисобга олган таълимий вазибаларнинг бўлиши муҳимдир. Ўқитувчи дарсларда ўйинлардан фойдаланар экан, унинг ўқувчилар учун қизиқарли ва улар диққатини тўплайдиган турларига эътибор қаратишлари лозим.

Таълимий ўйинларнинг мантиқ, ҳаракат ва қоида каби таркибий компонентлари бор. Ўйин мантиғи асосан унинг сарлавҳасида акс этади. Ўйин ҳаракатида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини оширишга, ўқувчиларнинг ўз қобилиятини намоён қилишига, ўйин мақсадига эришиш учун ўз билими, қўникма ва малакасини қўллашига имконият яратилади. Ўйин қоидаси ўйин жараёнини тўғри ташкил этишга ёрдам беради. Ўйинга, албатта, таълимий

мақсад кўйилади. Таълимий ўйин компонентлари мантиғи, ҳаракати ва қоидаси ўзаро боғлиқ, уларнинг бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Ўйин ўқувчи фаолиятининг асосий шаклидир. Ўйин – муҳим ақлий фаолият турларидан бири бўлиб, унда ўқувчи қобилиятининг ҳамма турлари ривожланади, унинг атроф-олам ҳақидаги тасаввурлари ва нутқ бойлиги ошади. Таълимий ўйинлар ўқувчининг турли қобилиятларини, идроки ва диққатининг ривожланишига самарали таъсир кўрсатади. Таълимий ўйинлар бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг энг тўғри ва самарали методи ҳисобланади. У маълум бир материаллар ёки шарт – шароитларни талаб этмайди, балки ўқитувчидан ўйинни ташкил этиш соҳасидаги билим ва малакаларни талаб этади. Ўқитувчи таълимий ўйинларни маҳорат билан қўллаш олиши керак. Шундагина ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишлари янада кучаяди. Ҳамма ўқув материаллари ҳам ўқувчилар учун қизиқарли бўлмаслиги мумкин. Таълимий ўйинлардан фойдаланган ўқитувчи шундай мавзуга ҳам ўқувчини қизиқтира олиши мумкин.

Таълимий ўйинлар дарснинг кўرғазмалчилигини, ўқитувчининг нутқини ўз ичига олади. Таълимий ўйинлар ўқувчилар идрокини ривожлантиради. Бу эса ўқитувчининг айтганларини ўқувчиларнинг ўйлаб олишига ва ўша айтганларни ифодалаб беришларига, яъни таълимий ўйин қоидаларини тўғри бажаришларига имкон беради. Таълимий ўйинлар ўқитувчига ўқувчиларнинг дарс давомидаги фаолиятини таҳлил қилиш имкониятини беради. Таълимий ўйинлар ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларига ижобий таъсир этиб, уларда ўқишга ижобий муносабат ва қизиқиш ҳислатларини таркиб топтиради. Таълимий ўйинлар ўқувчиларнинг қизиқишларига таяниб ташкил этилса, самарали бўлади. Бундай ҳолларда ўқувчиларда доим янгиликларни билишга иштиёқ уйғонади. Билимга қизиқишни мунтазам ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бошланғич синф ўқувчиларининг ўқишга ижобий муносабатларини тарбиялайди, ўзлаштириш даражасини оширади. Билишга қизиқиш ўқувчиларни изланишга ўргатади, улар саволларга жавоб қидиришга ўрганади. Билишга қизиқиш фақат таълим жараёни натижасига ижобий таъсир қилиб қолмай балки ўқувчининг тафаккур, идрок, хотира, диққат каби руҳий жараёнларининг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади.

Бошланғич синфларда барча фанлардан таълимий ўйинларни қўллаш ўқувчиларнинг билим самарадорчилигини оширишда катта натижа беради. Она тили фанидан мавзуларни ўтишда “Ўзим текшираман”, “Нотўғри жумла”, “Ҳарфларни топ”, “Ўқиб кўр -чи”, “Сирли сўз”, “Нима йўқолиб қолди”, “Қун ва тун”, “Сўзни топ”, “Изтопар”, “Занжир” каби ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Ўқиш фанидан “Қармоқ”, “Почтачи”, “Бинокор”, “Давом эттир”, “Жонли ҳикоя”, “Ребус”, “Тезкор саволлар”, “Ўйин-топишмоқ” каби таълимий ўйинлар мавзуларни ўқувчиларга етказишда самарали усул ҳисобланади. Математика фанидан “Доиравий мисоллар”, “Дўконча”, “Санайвер”, “Қизиқарли квадратлар”, “Биз камайиб қолдик”, “Зинапоя”, “Тез жавоб” каби таълимий ўйинлар ўқувчиларнинг ҳисоблаш малакаларини ривожлантиради.

Юқорида кўрсатилган айрим ўйинлардан дарсларда қандай фойдаланилишига тўхталиб ўтсак.

“Занжир” ўйини синфдаги ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб ташкил этилса янада қизиқарли бўлади. “Занжир” ўйинини савод ўргатиш даврида сўзлар топиш бўйича ўтказиш мумкин. Ўйин қоидаига кўра ўқитувчи бир сўз айтади. Ўқувчилар шу сўз охиридаги ҳарфдан бошланувчи сўзни навбат билан айтади. Қайси бир ўқувчи сўз топа олмай қолса, шу ерда занжир узилади. Шу ўқувчининг гуруҳига жарима белгиланади. Масалан, ноқ- қоптоқ-қарам-машина-анжир-рост-тарвуз-зина-аччиқ-қовун-новот.

Бу ўйиндан 3-4-синфларнинг она тили дарсларида сўз туркумлари бўлимида фойдаланилса, ўқувчиларнинг сўз туркумларини фарқлаш малакалари янада ривожланади. Синф ўқувчилари 3 гуруҳга бўлинади, ҳар бир гуруҳга алоҳида-алоҳида топшириқ берилади. Бунинг учун 1-гуруҳга от сўз туркумига оид сўзлар, 2-гуруҳга сифат сўз туркумига оид сўзлар, 3- гуруҳга феълга оид сўзлар топиш вазифаси топширилади. Ўқувчилар қуйидаги сўзларни айтиши мумкин.

**1-гуруҳ - От:** гул, хат, совга, ўқитувчи, телевизор, қуёш, самолёт.

**2-гуруҳ - Сифат:** катта, юмшоқ, мулойим, тиниқ, қингир, мазали, думалоқ.

**3-гуруҳ - Феъл:** чопди, ухлади, ишлади, мўралапти, бормоқда, қарайди, ингради.

Гуруҳ аъзолари навбат билан сўзларни айтадилар, қайси бир ўқувчи гуруҳи учун белгиланган сўз туркумига оид сўз топа олмаса, шу ерда занжир узилади ва гуруҳга жарима берилади. Бу ўйин давомида ўқувчиларнинг сўз туркумига доир билимларини мустақамлаш билан бирга уларда бир-бирига ишонч, хурмат, дўстлик каби фазилатлар ҳам тарбияланади. Бу ўйинни ўқиш дарсларида мақоллар, тез айтишлар, топишмоқлар ва кичик шеърлар асосида ҳам ташкил қилиш мумкин.

“Сўзни топ” ўйинидан 1-4-синфларнинг она тили дарсларида фойдаланиш мумкин. Ўйиннинг мантиғи сарлавҳасида ифодаланган бўлиб, ўйин қоидасига кўра ўқувчилар ўқитувчи томонидан берилган топшириққа асосан сўз топиши керак. Ўйин умумий ҳолда ўтказилгани маъқул. Ўқитувчи: Шундай ўқилса, бола, “б” ўрнида “л” келса, бўлади... Ўқувчилар: лола. Бир ҳарф билан маъноси ва шакли ўзгарадиган сўзлар тилимизда жуда кўп учрайди. *Бола-тола-лола-нола; лой-чой-мой- той-сой-жой; совун-қовун; совуқ-товуқ-қовуқ, бош-тош-қош-дош-мош* каби сўзлардан ўйинда фойдаланиш мумкин. Ўйин давомида ўқувчиларнинг сўз бойлиги ошади, мустақил фикрлаш қобилияти ривожланади.

Ўқиш дарсларида “Давом эттир” номли ўйин бошланғич синф ўқувчилари учун жуда қизиқарли ҳамда катта таълимий аҳамиятга эга. Ўйин мантиғи сарлавҳасидан маълум. Ўйин қоидаси ҳам ўқувчилар учун тушунарли. Ўйин ўқувчилар билан умумий ҳолда ўйналади. Ўқитувчи мақолнинг бир қисмини айтади, ўқувчилар эса давом эттиради.

Таълимий ўйинлар ўқувчиларга таълим беришга хизмат қилиши, қизиқарли, мароқли ва тушунарли олиб борилиши зарур. Мусобақа тарзида ўтказилган таълимий ўйинларда ўқувчилар ғолиб чиқиш мақсадида жону дили билан ҳаракат қиладилар, берилган ҳар бир топшириқни бажаришга одатланиб қоладилар, натижада уларда берилган топшириқларни бажаришга бўлган қизиқиш орта боради. Ҳаммамизга маълумки, бошланғич синф ўқувчиларининг диққати тарқоқ бўлади, берилган топшириқларни бажаришга иштиёқи паст бўлади, чунки улар дарсга нисбатан ўйинни афзал кўради. Таълимий ўйинлардан тўғри фойдалана олган ўқитувчи ўқувчилардаги бу салбий ҳолатларни бартараф қила олади.

## ЎҚИТИШДА АУДИО-ВИЗУАЛ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*И.Мўминова*

*Тошкент шаҳридаги Миробод туманидаги 110-ИДУМ*

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш, ҳар томонлама етук, баркамол инсоннинг тарбияси бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. XXI информацион аср ғоявий курашлар даври бўлиб, биз ўқитувчилар олдига яна муҳим вазифаларни кўймоқда. Келажагимиз бўлмиш ёш мутахассислар – янги авлодни вояга етказиш халқ таълими ходимлари, ўқитувчиларнинг зиммаларига юклатилган. Ёш мутахассисни тарбиялашда таълим муассасалари асосий “пойдевор” бўлар экан, бунда фан ўқитувчиларининг билим савияси, изланувчанлиги ва янги технологиялардан унумли ва ўринли фойдаланиши катта аҳамиятга эга.

Дарсни самарали ташкил этишда аудио-визуал воситалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Аудио-визуал воситаларни мазмун ва характери бўйича таснифи 3 гуруҳга бўлинади:

*1. Тасвирли кўргазмалиликка:*

- расмлар репродукцияси; - архитектура ва ҳайкалтарошлик фоторепродукцияси; - ўқув матнлар учун яратилган расмлар; - расм ва аппликациялар; - видеопарчалар; - аудиопарчалар; - видеофилмлар.

*2. Шартли-чизмали кўргазмалиликка:*

- жадваллар; - схемалар; - блок-схемалар; - диаграммалар; - графиклар; - хариталар; - планшетлар киради.

### 3. Предметли кўрсатмалиликка:

- музей экспонатлари; - макетлар; - моделлар.

Куйида келтирилган аудио-визуал воситаларни дарсда тўғри қўллаш ўқувчини ахборотни кўз олдига келтиришига сабаб бўлади. Ахборотни кўз олдига келтириш деб, англаш жараёнига ёки кўз, ёки кулок, ёки бараварига иккаласи ёки ҳиссиётларни улашдир. Ўқув дастурини англаш уни кўз олдига келтиришдан бошланади. Шунинг учун барча сезги органлари ишга тушади, шу туфайли тез ва осон ўқув матни ўзлаштирилади. Тасвирий материал тушунарли ва ўзаро боғланган, актуал бўлиши керак. Бунда тасвир воситаларидан фойдаланади. Яхши жиҳозланган ўқув матни умумий ҳолатга ижобий таъсир этади. Рангга кизиқиш ошади. Дикқат ва фаолият уйғунлашади, кузатувчанлик ва сезгирлик ошади, хотира тайёрланади, фикрлаш жараёни енгиллашади, ўқув материали ўзлаштирилади.

Ана шундай аудио-визуал воситаларни қўллаш дарсни қизиқарли, жонли ўтишни ҳамда ўқувчиларнинг дарс жараёнида ўқитувчи билан бирга фаол иштирок этишини таъминлайди, чунки ўқитувчи маърузачи эмас, балки шарҳловчи бўлиб, ўқувчилар эса дарснинг фаол иштирокчиларига айланадилар, аудио-визуал воситалардаги қўшимча эффектлар эса ўқувчиларнинг мустақил равишда хулоса чиқаришига ёрдам беради. Аудио-визуал воситаларнинг қулайлиги шундаки, қоида ва истилоҳлар таъриф келтириш билан эмас, балки гапларни қиёслаш орқали берилиб, бу эса ўқувчини мустақил фикрлашга ва тегишли хулоса чиқаришга ўргатади. Бундай воситаларни қўллаш бир томондан, қисқа муддат ичида янги мавзунини ўрганишга, иккинчи томондан, эса электрон дарсликлар, масофали ўқитиш каби таълимнинг ноанъанавий усуллари яратишга асос бўла олади. Шу билан бирга, аудио-визуал воситалар ўқувчиларнинг дарсдан ташқари мустақил шуғулланиши учун ҳам ёрдам беради. Бу воситалар овозли ва ўқитувчи шарҳи билан ҳам берилиши мумкин. Демак, асосий мақсадимиз ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини шакллантириш ва мавзунини ўрганишнинг дастлабки босқичларидаёқ энг содда усуллардан фойдаланган ҳолда ўз фикрини ифодалашга ўргатишдир.

Аудио-визуал воситаларда дарс ўтиш ўқувчи фикрини яширмай ифодалаш, ижодий фикрлаш, мавзунини чуқурроқ ўзлаштиришга ундайди.

## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ ИЖОДИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

3.Эшмуродова  
СамДУ

“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли ва бахтли бўлишлари шарт” (И.А.Каримов) эканлиги кўп жиҳатдан уларнинг маънан, ахлоқан, илмий салоҳияти юксаклиги билан ҳам боғлиқдир. Ўқувчиларга замон талаблари даражасида билим олишлари учун зарурий шарт-шароитларнинг яратиб берилиши мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг янги босқичда оддийдан мураккабга, эскиликдан-янгиликка қараб ҳаракат қилувчи, янги фикрлайдиган, ижодий тафаккур ва қобилиятга эга бўлган мутахассисларни тарбиялашга қаратилгандир. Бу эса, барча педагоглар зиммасига масъулиятли вазифаларни юклайди. Мутахассислар илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интиломқдалар.

Янги ДТС асосида таълимни ташкил этишда жаҳон педагогикаси амалиётида қўлланиладиган илғор метод ва усуллар, техник воситалар, ўқитишнинг шакллари тарбия жараёнига ҳар бир ўқувчи шахси, рухий ўзига хослиги, интеллектуал имкониятлари, миллий ва ижтимоий хусусиятларини инобатга олган ҳолда олиб кириш демакдир.



Тилларни ўқитишда мустақил фикрлаш, ижодий тафаккурни ривожлантириш, кироат санъатини шакллантириш, сўз бойлигини оширишни инобатга олинмоғи лозим. Мазкур ишни бажаришнинг қулай усули чет тили дарсларида компьютер технологияларидан самарали фойдаланишдир.

Куйида компьютерда ижодий тафаккурни ривожлантиришга қаратилган ўқув топшириқлардан намуна келтирамиз.

**1-топшириқ.** Берилган мақолларни давомини аниқланг.

1. **Ne remets pas au lendemain ce qu'on peut faire le même – jour.**

Bugungi ishni ertaga qoldirma.

2. **On récolte ce qu'o a semé –**

Nima eksang shuni o'rasan

3. **La fin couronne l'oeuvre –**

Jo'jani kuzda sanaydilar

4. **Dis-moi ce que tu lis, et je te dirai ce que tu es.**

Do'sting kimligini aysang men senga kimligingni aytaman.

5. **Notre meilleur ami, c'est encore le travail.**

Mehnat qilgan xor bo'lmas.

6. **Les richesses, bien qu'elles procurent des commodités, ne font font pas le bonheur.**

Boylik – baxt keltirmaydi

**2-топшириқ.** Берилган мақолларнинг маъносини шарҳланг ва таржима қилинг.

**Comme l'eau qui remplit le fleuve goutte à goutte**

**Jour par jour quelque miètte à ton savoir s'ajoute.**

(Oz-oz o'rganib dono bo'lur,

Qatra-qatra yig'ilib daryo bo'lur).

**Le nom d'homme, ceux-là ne le meritent point**

**Qui sont durs pour le peuple et sourds à ses besoins.**

(Odami ersang, demagil odami,

Oniki, yo'q xalq g'amidin g'ami).

**Sois heureux de mourir pour que vive ton père,**

**Donne ton âme pour un regard de ta mère:**

**Ils sont la lune et ton soleil, car leur amour**

**Répand son doux éclat sur tes nuits et tes jours.**

(Boshni fido qilg'il ato boshiga,

Jismni qil sadqa ano qoshiga.

Tun-kuningga aylagali nur fosh

Birisini oy angla, birisini quyosh).

**L'amour, je n'en fais pas mon univers,**

**Etre un homme, voilà mon désir le plus cher.**

(Menga ne yoru ne oshiq havasdur,

Agar men odam ersam, ushbu basdur).

**Si tu voles rien qu'une corde à ton prochain,**

**A cette corde tu seras pendu demain.**

(Birovki tama' rishtae qilg'usi

Uning birla bo'g'zidan osilg'usi).

**Au jardin d'ici-bas, la rose n'a qu'une heure;**

**Heureux ceux dont le nom dans les siècles demeure.**

(Bu gulshan ichra yo'qdir baqo guliga sabot

Ajab saodat erur qolsa yaxshilik bila ot).

**Dis moins de mots pour être respecté**

**Et mange moins pour garder la santé**

(Izzat tilasang kam de

Sihat tilasang kam ye).

**3-топширик.** «Дарё сувини баҳор тоширар, одам кадрина меҳнат оширар» мавзуида ижодий иншо ёзинг.

**4-топширик.** Назарий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида қуйидагича топширик бериш мумкин (грамматик мавзуга оид турли матн берилди):

а) берилган гапларни диққат билан ўқинг. Матндаги сўзларни морфемаларга ажратинг. Шакл ҳосил қилувчи ва сўз ясовчи морфемаларни топиб, маъноси ва фарқларини тушунтиринг. Ўзбекча ва французча сўз ясовчи морфемаларни қиёсланг.

в) Қуйидаги гапларда нукталар ўрнига зарур қўшимчаларни қўйинг ва уларни зарур синонимик қўшимчалар билан алмаштиринг.

г) Сўз ясовчи ва шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар доирасидаги омоним (антоним, синоним) қўшимчаларни топинг.

Компьютерларнинг асосий вазифаси катта ҳажмдаги ахборотлар оқими билан ишлашдан иборат. Ўқувчи компьютер хотирасида мавжуд ахборотлар базаси билан танишади, керакли ахборотлар киритади, қайта ишлайди. Бунинг учун дoston матнида айрим тушунилмаган сўзларнинг изоҳини билиш мақсадида компьютерда мавжуд изоҳли луғатга мурожаат қилинса айни муддао бўлади.

Уй вазифаси сифатида адабиёт дарслигида берилган мақолларни ёзиб олиб, француз тилига таржима қилиш, сўзларни морфемаларга ажратиб, уларнинг фарқларини, турларини тушунтириб, услубий хусусиятларини изоҳлаб келишни топшириш мумкин.

Дунё миқёсида фан техникада бўладиган ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотларга, бошқа мамлакат ўқувчилари билан ўзаро алоқалар ўрнатишга ва бошқа шаҳар ёки давлат ҳудудида жойлашган маълумотлар мажмуасидан зарурий ахборотларга эга бўлиш мақсадида Internet тизимларидан фойдаланиш мумкин.

Маълумки, дарс жараёни назарий билимлар бериш билан чекланмаслиги, тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши ҳам керак. Дарс жараёнида компьютер технологиялари ва мақоллардан фойдаланишда унинг тарбиявий томонига алоҳида эътибор бериш лозим.

– авваломбор, ҳар бир ўқувчи жамиятни компьютерлаштириш шароитида керакли билим ва малакага эга бўлиши лозим. Мақоллар дарс жараёнига мос, назарий билимларни мустаҳкамлаш учун хизмат қилиши, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган парча олиниши керак;

– компьютерлардан дарс жараёнида доимий фойдаланиш ҳамда талабалар ва ўқувчиларни изчил ишлашга ўргатади, ўқитувчи мақоллардан қандай усулда фойдаланишни аниқлаб олиш лозим;

– ўқувчилар билимини назорат қилиш шакли сифатида мақоллар асосида тест саволлари тузиш, кўриш лавҳалари танлаш ва шу орқали ижодий ишлар ёздириш мумкин.

Хуллас, мақоллар тилнинг сўз уммонидаги дур сифатида ўз даврида ҳам, ҳозирда ва келажакда ҳам халқларнинг миллий қадрияти манбаи бўлиб қолаверади. Уларнинг давр билан ҳамнафаслиги, миллий колорит, миллий мафкурага эгаллиги тил ўқитишда муҳим кўргазмалар восита ва манба сифатида фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

## UZLUKSIZ TA'LIM VA SPORT TERMIKNOLOGIYASI

*Д.Ҳайдаров, Ф.Камолова  
СамДУ*

Мустақилликдан сўнг спорт соҳасида ўзбек тили базасида дарслик, қўлланма ва луғатлар ярата оладиган, соҳа терминларини тартибга солиш билан шуғуллана оладиган маҳаллий кадрларни етиштириш муҳим вазифа бўлиб қолди. Бир қатор чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистонда жисмоний маданият фани ва спорт терминологиясини тартибга солиш, фанни ўқитиш сифатини ошириш имконияти яратилди. Натижада жисмоний маданият йўналишидаги олий ўқув юртлари учун дарсликлар билан бир қаторда ўзбек

муаллифлари мустақил равишда яратган дарсликлари, қўлланмалари ҳамда бир қатор терминологик луғатлар юзага келди.

Бу дарслик ва луғатлар ўзбек жисмоний маданият терминологиясини тартибга солиш ҳамда унинг янада ривожланиши учун асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги давр бозор иқтисодиёти ўзбек тили жисмоний маданият терминологиясининг муайян тараққиёти ва такомиллашувига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Спорт терминологиясидаги ўзгаришлар, табиийки, узлуксиз таълим тизимида қўлланиладиган дарслик ва қўлланмаларда ҳам ўз аксини топмоқда. Аммо уларнинг айримларини қўлланишида ҳар хилликлар, нотўғри изоҳлашлар кузатилмоқда. Ана шу камчиликларни бартараф этишда спорт соҳасига оид луғатлар, қўлланмаларда спорт терминологиясининг изоҳи, маъно жилолари берилиши лозим. Шу нуқтаи назардан, спорт терминларнинг маъно силжишини “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га таянган ҳолда айримларига тўхталиб ўтамиз.

**Баҳс** (ЎТИЛ. 1, 91). Луғатда 4 маъноси мавжуд. Спорт термини мазмунини кейинчалик касб этган: Финал *баҳслари* бўлиб ўтди.

**Белбоғ** (ЎТИЛ. 1, 99). Уч маъносидан бири спортга тааллуқли. Спортнинг каратэ турида *оқ белбоғ, қора белбоғ соҳиби* деб қўлланилади.

**Босқич** (ЎТИЛ. 1, 135). Тўрт маъноси берилган. Учинчи маъноси кўчма спорт терминини ифодалайди: *разряд, даража*. Айрим манбаларда *тур* терминидан ҳам қўлланилади.

**Гилам** (ЎТИЛ. 1, 190). Икки маъноси берилган. Спорт термини сифатида кейинги йилларда қўлланила бошлади: *курашчилар гилами*.

**Давра** (ЎТИЛ. 1, 205). Олтита маъноси мавжуд. Учинчи маъноси ўйин, мусобақа, турнир ва шу кабиларнинг бир тури: *бир ўйин, бир тур* маъносида термин сифатида қўлланилади. Гандибол бўйича Марказий Осиё чемпионатининг иккинчи *давраси* яқунланди.

**Дарвоза** (1, 209). Учта маъноси берилган. Учинчиси спорт термини сифатида қўлланилган. Футбол, хоккей ва шу каби ўйинларда майдоннинг рақиб юборган тўпини киритмаслик учун ҳимоя қилинадиган чекли қисми.

**Майдон** (ЎТИЛ.1, 442). Бешта маъноси берилган. Учинчи маъноси термин сифатида қўлланилган: *спорт майдони, теннис майдони*.

Хуллас, терминларнинг бир қисми тегишли русча-байналмилал муқобилларининг ўзбек тилидаги калькаси сифатида юзага келган. Ўзбек жисмоний маданият терминологияси мустақилликдан сўнг янги босқичга кўтарилди ва ҳар лаҳзада янги-янги терминлар юзага келмоқда.

## ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Г.Холбоева  
СамВХТХҚТУМОИ,

Р.Бутаева  
Самарқанд шаҳар 54-мактаб

“2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” ва Президентимизнинг “Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида ҳам халқ таълими ходимлари олдида таълим-тарбия жараёнини узвийлаштириш ва самарадорлигини ошириш, услубий раҳбарлик қилишни кучайтириш, замонавий таълим шакллари, педагогик - ахборот технологиялари, маънавий ахлоқий тарбиянинг самарали шакл ҳамда усулларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш, илғор педагоглар ва педагогик жамоалар иш тажрибаларини ўрганиш, оммалаштиришга йўналтирилган ҳамда молиявий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда

таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш, масъулиятини ошириш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишдек долзарб вазифалар қўйилган. Бу вазифаларни ҳал этиш амалга ошириб келинаётган умумий ўрта таълим ислоҳоти билан ҳамоҳангдир.

Ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқариш, юқори сифат кўрсаткичига эришиш ўз-ўзидан бўлмади. Бунинг учун, аввало, таълимнинг мазмунини, унинг илмий назарий ва методик савиясини ошириш, ўқитувчиларнинг методик таъминоти ва уларга кўрсатилаётган методик ёрдамни яхшилаш, тобора такомиллаштириб бориш, ўқитувчининг касбий маҳоратини ва нуфузини ошириш зарур.

Ёш авлодни замон талаблари даражасида ўқитиш келажакда баркамол инсон, мустақил фикрловчи шахс сифатида тарбиялашдек мураккаб масалаларни муваффақиятли ҳал этиш кўп жиҳатдан ўқитувчининг ғоявий эътиқоди, касбий маҳорати, билимдонлиги, педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиши ва бошқаришига боғлиқдир.

Педагогик технология ўз тизимида эга бўлиб, унда компонентлар кетма-кетлиги, ўзаро боғлиқлиги, бир бутунлиги сақланади. Ўқув-тарбия жараёнида педагогик технологиянинг бошқарувчанлиги шундан иборатки, бунда ўқув жараёнини режалаштириш, ташхис қилиш, натижалаш, тузатиш киритиш имкониятлари мавжуд. Бунда таълимда қутилган натижаларга эришилади, вақт тежаланилади. Педагогик технологиянинг тасдиқланувчанлиги ишланган модел бошқа педагоглар қўллаганда ҳам худди ушандай самара, натижа бериши кераклигини билдиради. Бир сўз билан айтганда, таълим жараёнига янгиликча ёндашиб, ижодкорлик, бунёдкорлик татбиқ этилсагина, таълим самарали янги босқичга кўтарилади; яъни

– ўқувчининг талаби, мойиллиги, истак-хоҳиши унинг имкониятлари даражасида қондирилади;

– ўқувчининг ўқув меҳнатига масъулияти, жавобгарлиги бурчи ошади;

– билимларни мустақил эгаллаш малакалари шаклланади;

– унда умр бўйи ўз билимини ўзига бойитишига ишонч пайдо бўлади;

– эркин фикрлаш малакаси шаклланади;

– шахс сифатида жамиятда ўзининг ўрнини тезроқ топиб олишга муҳит яратилади.

Ўқув-тарбия жараёнини технологиялаштириш объектив жараён эканлигини, замонавийлиги эса илмий-техник тараққиёт йўналиши билан белгиланишини тан олган ҳолда педагогик технологиянинг ўзига хос томонлари ва яқин келажакда у билан боғлиқ вазифаларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

– истиқболли ўқитиш ва тарбиялаш воситаларини яратиш ва уларга таянган ҳолда илғор педагогик технологияларни лойиҳалаш, амалиётга жорий этиш, оммалаштириш ва самарали аниқлаш;

– педагог–ўқитувчиларни илғор педагогик ва ахборот технологиялар бўйича янги билимлар тизими билан курулантиришни узлуксиз ташкил этиш;

– илғор ўқитувчилар ва педагоглар иш тажрибалари ва усулларини ўрганиб бориш, улар яратган янги методикаларни янги педагогик технологиялар даражасига кўтариш борасидаги ишларни амалга ошириш.

Замонавий таълимни ташкил этишда қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Бундай натижаларга эришиш учун ўқитувчилардан юксак педагогик маҳорат ҳамда ўқув-тарбия жараёнини самарали бошқаришга нисбатан янгиликча ёндошувни талаб этади.

Демак, педагогик технология ўз моҳиятига кўра субъектив хусусиятга эга, яъни ҳар бир педагог ўқув-тарбия жараёнини ўз имконияти, касбий маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ижодий ва самарали ташкил этиши лозим. Қандай шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилишидан қатъий назар педагогик технологиялар:

– педагогик фаолият ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириши;

- ўқитувчи ва ўқитувчилар орасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириши;
  - ўқувчилар томонидан ўқув фанлари бўйича пухта билимларнинг эгалланишини таъминлаши;
  - ўқувчиларда мустақил, эркин, ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантирилиши;
  - ўқувчиларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқара олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратилишидан иборатдир.
  - бугунги кунда ўқув-тарбия жараёнини илмий методик асосда ташкил этиш ва бошқаришда қуйидагиларга эътиборни қаратиш зарурдир:
    - узлуксиз таълим тизими босқичлари орасида узвийликни тўла таъминлаш;
    - педагог кадрларнинг касбий, илмий методик тайёргарлиги таълим мазмуни ва унинг методик таъминотидан орқада қолмаслиги;
    - педагог–ўқитувчиларда ижодий ва ижтимоий фаоллик, ғоявий-сиёсий етуклик даражасининг етарли бўлиши;
    - умумий ўрта таълимда кадрларни тайёрлаш тизимининг илмий назарий ҳамда методик жиҳадан етарлича асосланганлиги, бу жараёнда замонавий педагогик, ахборот ва инновацион технологиялардан фойдаланиш учун зарур бўлган методик билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга эътиборни кучайтиришдан иборатдир.
- Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда таълим жараёнида ўқув дастурлари мазмунини тўлиқ ўзлаштирилишини таъминловчи таълим технологияларини қўллаш, дастур материалларини ўқув элементлари даражасида ўрганиш, ўқувчиларни дарсликдан ташқари ўқув методик қўлланмалар, дидактик манбалар, тавсияномалар, технологик ишланмалар, алгоритмлар, аудио-видео визуал воситалар ва тест тўпламлари билан таъминлаш, мактаб кутубхоналари фондларини бойитиш, уларни янги технолгиялар билан таъминлашга эътибор қаратиш лозим. Таълим сифатини яхшилаш ва уни бошқаришни давр талаблари асосида ташкил этиш механизмларини яратиш ҳамда илмий жиҳаддан асослаш, педагогика фанининг муҳим масалаларидан биридир. Ушбу масалани ҳар томонлама ўрганиш ва таълимни илмий-методик бошқариш моделини ташкил этиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш зарур.

## THE DEVELOPMENT OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN EDUCATION

*S.Vokhidova*  
*Bukhara region in-service and*  
*retraining institute of public educators*

In modern society, the role of development of innovative technologies in the educational system of the Republic of Uzbekistan is increasing year by year, according as innovation technologies expand to almost every field of human activity, including such wide field as education. Due to integrating innovation technologies into the educational process practice, this phenomenon gained special significance within improvement and modernization of the established educational system. The educational system of the Republic of Uzbekistan is learning innovative technologies of foreign countries and making its own educational strategy according to mentality, culture and traditions of Uzbek nation. Innovation theory in education is a new field of scientific pedagogic knowledge in our country. It is a paradigm of inseparable unity and interconnection of the three main pedagogic processes in the field of education: creation of novelties, their mastering and application. In other words, the subject of innovation theory is the studies of integration of development, mastering and integration of novelties. Innovation theory in education is an innovative process in the educational system, innovative activity, novelty and innovative environment, in which the innovative processes take place. Innovative processes are considered in three main aspects – social-economical, psychological and organizational-regulatory.

Analysis of the study problem showed that, in the modern period, innovative changes follow such directions, as: developing new content of education; developing and applying new learning technologies; applying the methods, techniques and tools of learning new programs; creating the conditions for personality self-definition during the learning process; changing the type of activity and style of thinking in both teachers and students, changing their relationships, creating and developing creative innovation teams (in the departments, faculties and in student groups). Innovative learning is a creative process; it is related to developing and applying exploratory, research, educational-playing, modelling and other types of activity in the educational process. Obviously, solution of the education problems starts from the professional training of the teachers. Modern teacher has to be able not only to teach his "own" subject, but also be proficient in using innovation technologies and creatively apply them in a specific educational field. In these conditions there is a goal of training not just a teacher, who is able to use new technologies, but a researcher, innovator and experimenter, a personality capable of creative search, critical evaluation of historical pedagogic heritage and adaptation to the modern society and constant changes in the information technologies. It is necessary to prepare a teacher for innovative activity, which includes advanced training in the field of modern technologies, and to develop his readiness for innovative activity in the field of using innovation technologies and for learning in correspondence with the requirements of a modern society.

Innovative learning is learning that stimulates innovative changes in a corresponding culture and social environment and acts as an active reaction to the problem situations, which appear in front of each single person and the society in general. Innovative learning can be defined as:

- 1) a specific type of mastering the knowledge, alternative to the traditional normative learning;
- 2) a process that provides personality development in teacher and students through democratization of the teacher's position and inclusion of everybody in the cooperative creative and productive activity;
- 3) a change in the nature of educational cooperation, which creates high level of readiness for a certain future and increases the level of intellectual-communicative activity development and creativity;
- 4) a specific type of mastering the knowledge, which implies the development of students' skills for cooperative actions in new situations.

In the pedagogic technology the process of goal-setting is the central problem, which is addressed in two aspects: 1) diagnostic goal-setting and objective control of the quality of study material acquisition by the students; 2) personality development in general. In any system, the element of "goal" is system-integrating. Generalized model of the gradual approach to education with the use of a certain pedagogic technology includes the following stages:

1st stage: definition of the learning content, its further detailed distribution by the models and gradual planning; a teacher has to consider the logical model and study elements, which correspond with goals and tasks of each lesson;

2nd stage: calculation of study time necessary for acquiring the planned content, consideration of the load on a student and choice of optimal proportion of the load and study time;

3rd stage: choice of the organizational model of learning, its efficiency and intensity; creation of the list of technical and other learning tools, which has to be described and reflected in the general education process project;

4th stage: preparation of study materials has to be conducted such way that they correspond with the planned results of learning and were constructed in the motivational mode; study texts for various situations are different from each other;

6th stage: preparation of homework with consideration of mandatory (minimal) and basic (algorithmic, heuristic, creative) levels of academic progress;

7th stage: preparation of specific-correctional questions on the new topics of the learning content. The presented stages demonstrate gradual transition to learning with the use of a certain

pedagogic technology. So, my conclusion is that innovative technologies has lots of advantages and application of these technologies in educational system of the Republic of Uzbekistan will give effective results to our young learners.

## THE EFFECTIVENESS OF ROLE PLAY STRATEGY IN TEACHING ENGLISH LESSONS

*N.O.Kushakova  
SVXTXQTMOI*

One of the main purposes of learning foreign languages, particularly English, which has become international language in many parts of the world, is the ability to communicate effectively with other users of the target language. Teaching to communicate in real, everyday situations is very often neglected and pupils have little chance to practice ordinary language in class. Therefore, teachers ought to provide pupils with opportunities to improve their speaking skills. Furthermore, speaking seems to be one of the most difficult skills for pupils possess since it requires first and foremost a great deal of practice and also exposure. One of the best method of improving speaking skills is role- play.

### **What is the role-play?**

Role play can be a very successful tool in the teacher's hands. As its prime goal is to boost students' interaction in the classroom, pupil should not forget about incorporating such a speaking activity to reflect to their general knowledge.

The aim of this activity is not to make pupils argue; on the contrary, apart from using the target language actively, they need to adopt techniques of expressing their view with confidence and yet without getting into quarrel and accepting other peoples' opinions. What is more, by standing for a different opinion than is their own, they learn to understand others rather than judge and deprecate them. Why use role-play?

It is widely agreed that learning takes place when activities are engaging and memorable. Jeremy Harmer claims the use of role-play for the following reasons:

- It's fun and motivating
- Quieter students get the chance to express themselves in a more forthright way
- The world of the classroom is broadened to include the outside world - thus offering a much wider range of language opportunities

"Telephone Conversation", "Going to the Shop", "Booking a Hotel", "Job Interview", "Travel agency" and ect good examples for role- play.

### **Implementing role playing in the lessons.**

#### **Organization**

One group of sixteen participants aged fourteen, who were at secondary school at a pre – intermediate level. The project took place on the days when teacher had two lessons in a row with the same group of students. The participants took part in the lessons actively, they were engaged in the topics and were disciplined.

Lesson one: At travel agency (part one)

#### **Aims:**

Pupils will be involved in the topic of travelling

Pupils will be able to read four text on summer destinations

Pupils will be able to design their own travel brochures

Teaching aids: a handout – travel brochure, blackboard, dictionaries, travel catalogues.

#### **Procedure. Engage:**

The teacher tells pupils what they are going to do during the two lessons. Then, she writes some questions on the blackboard. Pupils work in pairs and each other questions on travelling, written on the blackboard: *Do you like travelling? Have you ever been at a travel agency? Would*

*you like to work at travel agency? Where would you like go on your summer holidays?* The teacher asks pupils to open their books and asks them to describe the pictures in pairs.

**Study :**

Pupils read the texts and answer to questions below the texts. The teacher translates the unknown words into Uzbek , and pupils write the words in their notebooks. The teacher tells them about the activity they are going to do during the second lesson. *Now listen everyone. Imagine you work at travel agency; each travel has two agents, so you will work in pairs. Each travel agent will design his or her own travel brochure about one city in Uzbekistan. Then you will work in fours; first, students from one pair are travel agent and the others are customers who want to buy a trip. Then you change your roles. Finally, you have to choose only one option from the two trips and book trip .If we have time, you will have a chance to go other travel agencies.* The teacher explains the whole activity one more time in Uzbekistan to make sure pupils understood the procedure. The teacher distributes the blank travel brochures to pupils and they are to fill it in.the teacher translate the unknown word into Uzbek.

**Lesson two: at travel agency (part two)**

**Aims:**

Pupils will be able to read example dialogue

Pupils will be able have known new expressions

Pupils will be able to role – play; at a travel agency

Pupils will be able to justify their choice of one summer destination.

**Teaching aid:** a handout- an example dialogue, a handout – useful expressions

**Procedure:**

T-travel agency C- customer

T: Good morning. How can I help you?

C: Hello! I would like to go on trip to a Samarkand city.

T: Excellent! Where would you like to go?

C: I don't know...what can you recommend (me)?

T: I recommended Registan square.

C: What is Registan square famous for?

.... (questions)

**Study:** pupils read in pairs the example dialogue. The teacher translates the expressions in Uzbek. The educator also drills the expressions several times to make sure students remember them better: *ok, now please repeat after me:I would like to go on trip, ect.* Then the teacher distributes useful expressions to students and asks them to read the expressions and then she translates the unknown words into Uzbek.

**Useful expressions :**

>What is the weather like in...?

>What can I do there?

> What is it famous for?

>Can you tell me more about?

>Are there any special customs?

>high price/low price

In conclusion, role play seems be an efficient speaking exercise and teachers should not to forget to implement such an exercise from time to time. Role plays are an excellent way of getting pupils to practice their English. They simulate real life situations and allow them to act out what they would do in a real situation.



## ИЖТИМОЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МУАММОЛАРИ

*Қ.Зулунов*  
*Андижон ВХТХҚТУМОИ*

Таълим ислохотларининг замонавий босқичи жамиятда юз бераётган янгиланишларнинг тезкорлиги, таълим муассаларига қўйилаётган янги, янада юкори талабларга тезроқ мослашиш билан боғлиқ долзарб вазифаларни илгари сурмоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол усуллар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол усуллардан тўлиқ фойдаланилади. Интерфаол усуллар – бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим-тарбия самарадорлигини оширишда мазмунини таркибий қисми ҳисобланади. Бу усулларнинг ўзига хослиги ўқувчи фақат (ўқитувчи ва ўқувчиларни) биргаликда фаолият кўрсатиш орқали амалга оширилади. Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар қиради:

- ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмастикка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиш;
- ўқувчиларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;
- ўқувчининг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириш;
- педагог ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши;
- олган билимларини амалиётга тадбиқ эта олишлари;
- кундалик ҳаётда қўлловчи технологиялардан хабардор бўлишлари;
- муаммоларни ҳал этиш ва янги фикрлар яратишда технологиялардан фойдалана олишлари талаб этилади.

Таянч компетенциялар (коммуникатив компетенция, ахборот билан ишлаш компетенцияси, шахс сифатида уз-узини ривожлантириш компетенцияси, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси, умуммаданий компетенция ва математик саводхонлик, фан ва техника янгилик-ларидан хабардор булиш ҳамда фойдаланиш компетенциялари) тажриба-синовдан утказилди.

**Коммуникатив компетенция** - жамиятда узаро мулоқотга киришиш учун она тили ва бирорта хорижий тилни мукамал узлаштириш ҳамда мулоқотда самарали фойдалана олиш; уз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда аниқ ва тушунарли баён қила олиш;

**Ахборот билан ишлаш компетенцияси** - мавжуд ахборот манбаларидан (интернет, телевизор, радио (аудио-видео ёзув), телефон, компьютер, электрон почта ва бошқ.) фойдалана олиш; ...

**Шахс сифатида уз-узини ривожлантириш компетенцияси** - ҳаёт давомида уқиб - урганиш, билим, тажрибани мустақил равишда мунтазам ошириб бориш; ...

**Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси** - узининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиши, унга риоя қилиш; ...

**Умуммаданий компетенция** - Ватанга садоқатли, инсонларга меҳр - оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий кадриятларга эътиқодли булиш; ..

**Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор булиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси** - аниқ ҳисоб - китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларини туза олиш; ...

Бу усуллардан фойдаланиш натижасида қуйидагича ютуқларга эришиш мумкин:

- ўқувчиларнинг мавзу мазмунини яхши ўзлаштиришига олиб келади
- ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида қайта алоқанинг ўз вақтида таъминланиши;
- ўтилган янги мавзу материалнинг яхши эслаб қолиниши;
- ўқувчининг ўз-ўзини баҳолашининг ўсиб бориши;
- ўқувчиларда фақат мавзу мазмунини ўзлаштириши эмас, балки танқидий ва мантиқий фикрлаши ҳам ривожлантирилади.

Ижтимоий фанларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтирувчи усуллардан бири – тадқиқот усули – ўқув жараёнида ўқитувчи томонидан нисбатан қийин даражадаги муаммоли назарий ва амалий танқидий масалалар кўтарилишини назарда тутати.

Умумий ўрта таълим мактабларидаги ижтимоий фанларни ташкил этишда демократик таъмойилларни таркиб топтириш мақсадида, нималарни ўргатиш зарурлиги давлат таълим стандартларида белгилаб қўйилган талаблар бўйича, масалан, 7-8-синфларда Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари дарсларини ўтишда “Ғоя ва мафкура: тушунчалари” мавзусини ўтишда қуйидаги усуллардан фойдаланишни тавсия этамиз.

**“Муаммоли вазият усули”.** Машғулот лойиҳасига кўра ғоя, мафкура, миллий ғоя, миллий мафкурамизнинг бош ва асосий ғояларига изоҳ беришни ўқувчиларнинг ўзларидан сўраб кўрамиз. Улар жавоб беришда қийналиб қолган ҳолларида ёрдамлашилади. Бундай усул ўқувчиларни сергакликка, фаолликка чорлайди. Ўқувчиларни мустақил фикрлай олиш кўникма ва малакаларини шакллантиради, компетентлигини ривожлантиришга эришилади.

**“Мусобақа усули”.** Белгиланган муддатда бунёдкор ғояларни санаб, ёзишларини топширилади. Бунда барча ўқувчи қатнашганлиги бу усулнинг афзаллигидир. Энг кўп ёзган ўқувчини аниқлаб, 3-4 нафаридан ёзганларни ўқиб беришларини сўралади. Дўстлик, тинчлик, биродарлик, бунёдкорлик, ҳамдўстлик ва бошқа бунёдкор ғоялар ўқилганида бошқа ўқувчилар керакли атамаларни ёзиб оладилар.

**“Изланиш усули”.** “Қайси давлатни буюк давлатчилик гегемонизмини (ёки шовинизми)да айблаш мумкин?” деган саволга барча ўқувчи жавоб излайди. Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиш сиёсати, собиқ Совет давлатининг “Парчалаб ташлаб, ҳукумронлик қил” шиори остида Ўрта Осиё Республикаларига ҳукмронлик қилиши тўғрисидаги жавобларни тайёрлайдилар. Ўқувчилар билан ўтказиладиган дарс жараёнларида педагогиканинг ўзига хос хусусиятларига риоя қилиш, мулоқотда 50x50 схемасини қўллаш, яъни ўқитувчи билан биргаликда ўқувчиларнинг ўзларини сўзлатиш, кўргазмалиликнинг турли усул ва воситаларидан фойдаланиш талаб этилади. Зеро, халқимизнинг буюк давлатни барпо этиш йўлида кўз ўнгимизда амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари таъсирли усуллар орқали намоён бўлади.

**“SWOT усули”.** SWOT усули таҳлил қилиш методи бўлиб, ушбу метод энг қулай ва турли мақсадларда қўлланиладиган самарали педагогик методлардан бири ҳисобланади.

Интерфаол дарс шакларини амалда қўллаш машқларида ўқувчи ўзаро ҳамкор, ҳамдўст, ҳамижодкор, ҳамиштирокчи, ҳамбошқарувчи буладилар. Усулларни бажариш ўзлаштиришни мустаҳкамлайдиган ўқув жараёни ҳисобланиб, ҳар бир йўналиш бўйича ўзига хос мазмунда бўлади.

Хулоса қилиб, биз таълим тизимида педагогик технологияларни жорий этадиган бўлсак, педагогик технологиянинг асосида шахс туради, шунинг учун уни фақат таълимга эмас, бевосита таълим-тарбия самарадорлигини оширишда қўллаш ҳам муҳимдир. Педагогик технология деганда биз – ўқувчини мустақил ўқишга, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараённи шакллантиришимиз зарур. Педагогик инновацион технология ўқув жараёнини шундай лойиҳасини у бир киши ёки бирор ижодий гуруҳ томонидан ишлаб чиқилади, ундан барча ўқитувчилар фойдалана оладилар. Ўқувчи ўқитилмайди уни мустақил

мутоала қилишга ўргатилади. Ўқувчига билимлар тайёр ҳолда берилмайди, унга билимларни манбаалардан мустақил фойдалана олишга, мустақил фикрлай олишга ўргатилади.

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

*Ш.Б.Абдуев*  
*СамВХТХҚТУМОИ*

Замонавий таълимда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш уларнинг имкониятларини тўлиқ татбиқ этишга асосланади. Ҳозирда маълум педагогик мақсадларга эришиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш юқори самара беради. Узлуксиз таълимнинг мақсад ва вазифалари ҳам ўзгариб бораётган, анъанавий таълим ёндашувидан замонавий таълим ёндашувига, яъни шахсга йўналтирилган таълимга ўтилаётган даврда таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда, таълим-тарбия жараёнида янги ахборот технологияларини жорий этиш, шу жумладан малака ошириш тизимида таълим жараёнини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш масалалари оммалашмоқда.

Бугунги кунда малака ошириш тизимида таълим жараёнини такомил-лаштириш ва унинг сифат самарадорлиги даражасини таъминлаш бевосита таълим муассасаларининг моддий-техника ва замонавий ахборот технологиялари базасини мустаҳкамлаш, юқори сифатли ўқув адабиётлари, дарсликлар, электрон ўқув қўлланмалар ва маъруза матнларини яратиш, электрон кутубхоналар ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам малака ошириш тизимида машғулотларни ташкил этишда замонавий билимлар манбаидан кенг фойдаланиш, назарий ва амалий билимларнинг узвийлигини таъминлаш ҳамда малака ошириш тизимини такомиллаштиришда янги ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса малака ошириш жараёнида тингловчиларни компьютер ва ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш ва уларни ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш юзасидан билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш лозим бўлади. Ўз навбатида малака ошириш жараёнида ўқитувчи-педагогларнинг ахборот технология-ларидан фойдаланиш ва компьютер саводхонлиги бўйича юқори билим, кўникма ва малакага эга бўлишларини таъминлаш зарур.

Бугунги кунда барча малака ошириш муассасаларини керакли замонавий компьютер ва ахборот технологиялари воситалари билан жиҳозланилиши профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг ўз педагогик фаолиятига янгича ёнда-шувини, машғулотларни ташкил этиш жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ҳамда амалиётга жалб этиш зарурлигини талаб этади. Бунинг учун эса профессор-ўқитувчи ва ходимлар педагогик иш фаолияти, қобилияти ва қизиқиши доиралари қандай бўлишидан қатъий назар, компьютер технологиялари бўйича кенг қўламдаги билимларга, замонавий ҳисоблаш техникаси, телекоммуникация тизимлари, оргтехника воситалари ва улардан фойдаланиш борасида етарли малакаларга эга бўлишлари ҳамда назарий ва амалий билимларни уйғунлигини таъминлаш тўғрисидаги билимларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак.

Ҳозирги кунда бундай вазифаларни бажаришда малака ошириш тизимида бошқариш жараёнларини такомиллаштириш, ахборот ва компьютер технологиялари тизими ва муҳитини жорий этиш, ўқитувчиларни компьютер технологиялари воситаларида ишлашга ўргатиш муҳим аҳамиятга эгадир, чунки машғулотларни ташкил этиш жараёнида жуда катта миқдордаги ахборотларни тўплаш, ўзлаштириш, қайта ишлаш, ўз ўрнида қўллай олиш ва узатиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун унда анъанавий усуллар билан бирга замонавий ахборот ва компьютер технологияларидан фойдаланиш зарурияти пайдо бўлади. Шу

жумладан, компьютердан фойдаланиб машғулотларни ташкил этиш жараёнини қизиқарли олиб бориш, фанлараро алоқадорлик, узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш ҳар бир тингловчига индивидуал ёндашиш ҳамда жуда кўп миқдордаги маълумотларни олиш ва ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар.

Малака ошириш тизимида таълим жараёнини такомиллаштириш ва сама-радорлик сифат даражасини ошириш мақсадида таълим муассасаларида янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш, ўқув машғулотларини янги интерфаол усул ва ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш, жумладан, мультимедиа, масофадан ўқитиш, Интернет технологияларидан фойдаланиш, компьютерлаштирилган анжуманлар ўтказиш, мультимедиали электрон қўлланма ва дарсликларни яратиш ва уларни назарий

ҳамда амалий машғулотларда қўллаш шак шубҳасиз ўз самарасини беради.

Малака ошириш тизимини такомиллаштириш ва самарадорлик сифат даражасини оширишни таъминлашда мультимедиали тақдимот дастурларидан кенг қўламда фойдаланиш ўз самарасини беради. Машғулотларни ахборот коммуникацион ва мультимедиа технологиялари асосида ташкил этишнинг асосий ўқув-услубий ва дастурий таъминоти - гиперматн, видео ва аудио-иловалар, анимациялар, катта сондаги намойиш материалларидан иборат бўлган мультимедиали ўқув қўлланмалари ҳисобланади. Фанларни мульти-медиа технологиялари асосида ўқитиш учун маъруза, амалий, семинар машғу-лотларининг ҳар бир мавзу бўйича дарс ишланмаси яратилиши лозим. Ана шу ишланма асосида барча мавзуларга оид ахборот технологиялари воситалари ёрдамида баён этилиши лозим бўлган назарий, амалий-семинар машғулот-ларига тегишли материалларнинг электрон тақдими шакли тайёрланади. Дарс ишланмаларига тақдимот слайдлар тайёрланиб, видеопроекторлар орқали тингловчиларга тушунтирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Интернет тармоғи малака ошириш тизимида фанларни ўқитиш жараёнларини ташкил этиш ва амалга ошириш, ўқув-услубий таъминотни ривожлантириш, айниқса, ўқув машғулотларини ўтиш ва ўзлаштириш самарадорлигини ошириш, фанлараро алоқадорлик ва узвийликни таъминлаш борасида янгича мазмун ва моҳият шаклланишига асос яратмоқда. Интернет воситаларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш ўз ахборот-таълим муҳитини кенгайтириш, касбий маҳоратни ривожланиши ва мустақил таълим олиши учун шароитлар яратиш, жамият ахборот ресурсларидан ўз педагогик фаолиятида фойдаланиш ва ҳоказо имкониятларни беради. Малака ошириш тизимида таълим жараёнини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишда компьютер технологиялари асосида тингловчиларни мустақил равишда билим олиш кўникмаларини, ижодий фикрлашини ривожлантириш, ахборот муҳитида ахборотларни илмий ва амалий нуктаи назаридан тўғри излаш, танлаб олиш, олдидан турган мауаммоларни нафақат кўра билиш, балки уларни ифодалаш ва ҳал эга олиш малакаларини шакллантириш лозим бўлади.

## **ИЖТИМОЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

*М.Х.Усманова  
Наманган ВХТХҚТУМОИ*

*Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва  
албатта бахтли бўлишлари шарт!  
Ислом Каримов.*

Мустақил Ўзбекистон Республикаси шароитида халқ таълими ўзига хос ривожланиш даврини бошидан кечирмоқда. Бу ўзига хослик, энг аввало, таълим-тарбия мазмунини миллийлаштириш, яъни ўзимизнинг жуда бой ўтмиш тарихимиз, маданиятимиз, фанимиз, тилимиз ўз моҳияти билан жуда чиройли, юксак инсоний, ахлоқий мазмунга эга бўлган

миллий урф-одатларимиз асосида жамиятимиз келажаги бўлган ёш авлодни ўқитиш бахтига муяссар бўлди. Бу нарса халқимизнинг қалбида юксак ғурур ҳисларини тўлқинлантиради. Мана шу шароитда ҳаммамиздан жуда катта кўтаринкилик билан жамиятимизнинг ёш авлодини юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, миллий ғурур руҳида тарбиялашимизни, шу билан бирга, таълим-тарбияга янгича ёндашиш, янгича услуб ва мазмун, шакл ва воситалардан фойдаланишни тақазо қилади. Шу билан бирга “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлаш тайёрлаш миллий дастури асосида миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият куриш йўлидан мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Республикамызда амалга оширилаётган ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, мамлакатимиз қудратининг ошиб боришига сабаб бўлди. Биз таълимда бутунлай янги жараёнга ўтиш ва унга мослашиш даврини бошдан кечирмоқдамиз.

Бугунги жараён ўқитувчилардан таълим-тарбия ишига янгича муносабатда бўлишни, касбий жиҳатдан етук, инновацион замонавий технологияларни таълим жараёнига жорий этиш усулларини билиши ва амалда қўллаш олишни тақозо этмоқда.

Педагогик технологиялар, янги инновацияларни яратиш, қўллаш олиш ва уларни бошқариш орқали таълим-тарбиянинг бугунги долзарб вазифаларини ҳал қилиб беради. Шу боисдан ҳам педагогик инновацияларни излаб топиш, ўрганиш, таҳлил қилиш орқали улардан энг кўп самара берадиганларини танлаб олиш ва амалиётда қўллаш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, янги сифат боқичига кўтариш, унга илғор ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Таълимнинг бугунги вазифаси ўқувчиларни кун сайин такомиллашиб бораётган ахборот таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитни яратиб бериш зарур. Шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчилар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўрганиб келинганлиги барчага маълум. Бундай усул ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ишлаш, ижодий изланиш, ташаббус кўрсатиш қобилиятларини ривожлантиришга катта имкон бермаслиги аниқ.

Эндиликда фан, техника ва инновацион технологияларнинг ривожланиши натижасида ўқув тарбия жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Таълим тизимида замонавий технологиялар эгалланаётган билимларни ўқувчилар ўзлари қидириб топишлари, мустақил ўрганиб, уларни таҳлил қилишлари, ўз билимларини баҳолашлари, тўғри хулосалар чиқаришга қаратилган.

Инновацион технологиянинг афзаллиги таълим жараёнини бир бутунликда кўриб, таълим мақсади унинг мазмуни, билим бериш усули, натижалари, таълим босқичларини лойиҳалаб, уни назарат қилиш, натижаларини баҳолаш каби узвий боғлашдан иборат. Инновацион технология таълим тизим сифатида ўқувчиларни билиш фаолиятини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва амалга оширишни назарда тутди.

Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига, шунингдек, эркин фикрлаб синфдошлари билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув-тарбия жараёнида ўқувчи ҳаракат иштирокчисига айланади.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва таълим олувчилар фаолиятига янгилик, ўзгартиришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол методлардан фойдаланилади. Интерфаол методлар-бу жамоа бўлиб фикрлаш ва

ишлашдир, янги педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунинин таркибий қисмлари ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқитувчиларнинг биргаликдаги фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Бундай педагогик ҳамкорлик жараёнига қуйидагилар киради:

– таълим олувчининг дарс давомида бефарқ бўлмаслиги, мустақил фикрлашга, ижод этиш ва изланишга мотивация уйғотиш;

– таълим олувчини ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишлари барқарор бўлишини таъминлаш;

– таълим олувчининг билимга эга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириш;

– педагог ва таълим олувчининг ҳаммиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш.

Интерфаол методлардан “Ақлий ҳужум” методининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз.

“Ақлий ҳужум” методи. Ўқувчиларни мия фаолиятини фаоллаштириш, таялим усулларига ижтимоий психологик тренинг, синектика, аутоген машқ, морфологик тағлили, ролли ўйин, “ақлий ҳужум” ва бошқалар киради. Бу метод ақлий фаолликни кўзғатади, ижодий ва инновацион жараёнларни жадаллаштиради.

“Ақлий ҳужум” методини ўтказувчи ўқитувчи маълум муаммони илгари суради ва иштирокчилардан бу муаммони ҳал қилиш бўйича қандай мулоҳазалари борлигини ҳам улардан кутилмаган фикрларни ҳам илгари суришларини сўрайди. Методни ўтказувчи барча фикрларни ёзиб боради, айтилаётган фикрларга нисбатан танқидий муносабат билдирилмайди.

“Ақлий ҳужум” методини ўқитишдан мақсад:

– муаммони ҳал қилиш учун ғояларни илгари суриш;

– ғояларни уларнинг аҳамиятига қараб тартиблаш;

– фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;

– кутилмаган ғояларнинг пайдо бўлиш жараёнларини намойиш этиш;

– топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Бунда ўқитувчининг асосий вазифаси тайёр билимларни беришга, ўқувчиларнинг асосий вазифаси эса бу билимларни эслаб қолишга асосланади.

Ҳозирги замон таълим тизимидаги амалий тажриба шуни кўрсатадики, олдиндан пухта тайёрланган инновацион технологиялардан фойдаланиб ўтилган дарс, албатта ўқитувчи ва ўқувчига дарсни қизиқарли бўлиши, шунингдек, ижобий натижага эришишларига имконият яратади ҳамда дарснинг самарадорлигини оширади. Шундай экан, у ёки бу технологияни ўқув жараёнига қўллашдан аввал унинг барча хусусиятлари ва имкониятларини, нимага йўналтирилганлиги, қандай мақсадларда фойдаланиш, муайян бир шароитда қандай вазифаларни ечишга ёрдам беришини ўрганиб чиқиш, кейин уни қўллаш керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, давлат ва жамият талабларини чуқур англаб етган ҳар қайси педагог, янгиликларга ва ислохотларга доимо тайёр туриши, унда фаол иштирок этиши, таълим тизимида юқори самарадорликка эришиш учун аввало, ўз устида тинимсиз ишлаши, касбий маҳоратини ошириб бориши, замонавий ахборот ва компьютер технологиялардан хабардор бўлиши лозим.

## SINFDAN TASHQARI O'QISH DARSLARIDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING O'RNI

*G. Ergasheva  
SamVXTXQTUMOI,  
X. Achilova  
Samarqand shahar 54-maktab*

“Ta’lim-tarbiya islohoti haqida gapirar ekanmiz, uning mazmunini qisqa qilib ifoda etish mumkin: bizga bitiruvchilar emas, maktab ta’lim va tarbiyasini ko’rgan shaxslar kerak”, - degan edi Respublikamiz Birinchi Prezidenti Islom Karimov. Ta’lim-tarbiya tizimini o’zgartirish uchun har bir pedagog zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalansa, o’quvchilar zamon bilan hamnafas tarzda ongli, yuksak ma’naviyatli, yetuk kadr va komil shaxs bo’lib tarbiyalanadi. Shuning uchun o’qituvchi har bir darsda, jumladan, sinfdan tashqari o’qish darslarida ham zamonaviy pedagogik texnologiyalardan oqilona foydalansa, maqsadga muvofiq bo’ladi.

Sinfdan tashqari o’qish darslari 1-2-sinfda haftasiga 1 marotaba, 3-4-sinflarda 2 haftada 1 marotaba olib boriladi. Ushbu darslarni o’qituvchi yangi pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda turli xil usullar bilan olib borsa bo’ladi. Masalan, 1-sinf o’quvchilari kitob o’qishni hali yaxshi bilishmaydi. Shuning uchun ham 1-sinf o’quvchilarida kitob o’qishga bo’lgan ishtiyoqni uyg’otish uchun ularga birinchi navbatda biror bir asarni hikoya qilib berish kerak. Lekin, oddiy hikoya qilib berish bilan bolani biror narsaga qiziqitirish qiyin, shuning uchun hikoyani ko’rgazmali qurollar bilan aytib berish kerak. Masalan, 1-2-sinflarda ertak qahramonlarini qog’ozga chizib yoki qog’ozdan yasab, ularni turli xil ranglarga bo’yab, rasmlarni orqasiga o’sha ertakdagi voqealarni savol qilib yozish mumkin. O’qituvchi ushbu rasmlar orqali “Kim tezkor?” o’yinini olib borishi mumkin. Ushbu o’yinda bolalarga rasmlar ortidagi savollar birma-bir o’qituvchi tomonidan o’qib chiqiladi va birinchi bo’lib javob bergan o’quvchilar taqdirlanadi. Ushbu o’yin orqali o’quvchilarni erkin fikrlashga o’rgatadi, qolaversa, ertakni qay darajada idrok etganliklarini bilib olsa bo’ladi.

3-4-sinflarda esa sinfdan tashqari o’qish darslarini “Debat” usulida tashkil qilish mumkin. Debat usuli - bahs usuli hisoblanib, bunda birinchi o’rinda sinf xonasidagi partalar ikki qator parallel holatda joylashtirib chiqiladi. O’quvchilar ham ikki guruhga bo’lib chiqiladi. So’ng o’qilgan asardan o’qituvchi tomonidan muammoli savol o’rtaga tashlanadi va o’quvchilar savolning ijobiy va salbiy tomonlarini o’zaro muhokama qilishadi. “Debat” usuli o’quvchilarni o’z fikrini aniq, to’g’ri bayon etishga, nutqini o’stirishga, shuningdek, erkin fikrlashga o’rgatadi.

3-4 sinflarda sinfdan tashqari o’qish darslarini o’tkazishda “Bumerang” texnologiyasidan ham keng foydalanish mumkin. Ushbu texnologiya o’quvchilarni dars jarayonida, darsdan tashqarida turli adabiyotlar, matnlar bilan ishlash, o’rganilgan materialni yodda saqlab qolish, so’zlab berish, fikrni erkin holda bayon eta olish, qisqa vaqt ichida ko’p ma’lumotga ega bo’lish hamda dars mobaynida o’qituvchi tomonidan barcha o’quvchilarni baholay olishga qaratilgan. Ushbu texnologiya bir necha bosqichda o’tkaziladi:

- o’quvchilar kichik guruhlariga ajratiladi;
- darsning maqsadi va tartibi bilan tanishtiriladi;
- o’quvchilarga mustaqil o’rganish uchun mavzu bo’yicha matnlar tarqatiladi;
- berilgan matnlar o’quvchilar tomonidan yakka tartibda mustaqil o’rganiladi;
- har bir guruh a’zolaridan yangi guruh tashkil etiladi;
- yangi guruh a’zolarining har biri guruh ichida navbati bilan mustaqil o’rgangan matnlari yuzasidan axborot almashadilar, ya’ni bir-birlariga so’zlab beradilar, matnni o’zlashtirib olishga erishadilar;
- berilgan ma’lumotlarning o’zlashtirilganlik darajasini aniqlash uchun guruh ichida ichki nazorat o’tkaziladi, ya’ni guruh a’zolari bir-birlari bilan savol-javob qiladilar;
- yangi guruh a’zolari dastlabki holatdagi guruhlariga qaytadilar;

- darsning qolgan jarayonida o'quvchilar bilimlarini baholash yoki to'plagan ballarini hisoblab borish uchun har bir guruhda “guruh hisobchisi” tayinlanadi;
- o'quvchilar tomonidan barcha matnlar qay darajada o'zlashtirilganligini aniqlash maqsadida o'qituvchi yoki opponent guruh o'quvchilariga savollar bilan murojaat etadilar, og'zaki so'rov o'tkazadilar;
- savollarga berilgan javoblar asosida guruhlarining to'plagan umumiy ballari aniqlanadi;
- har bir guruh a'zosi tomonidan guruhdagi matnning mazmunini hayotga bog'lagan holda bittadan savol tuziladi;
- guruhlar tomonidan tayyorlangan savollar orqali savol-javob tashkil etiladi (“guruh hisobchilari” berilgan javoblar bo'yicha ballarni hisoblab boradilar);
- guruh a'zolari tomonidan to'plagan umumiy ballar yig'indisi aniqlanadi;
- guruhlar to'plagan umumiy ballar guruh a'zolari o'rtasida teng taqsimlanadi;
- dars yakunlanadi.

Yuqoridagi usullarni biz ta'limning yangi modeli deb atasak ham bo'ladi. Ta'limning yangi modeli jamiyatda mustaqil fikrlovchi erkin shaxsning shakllanishiga olib keladi. O'zining qadr-qimmatini anglaydigan, irodali, iymoni but, hayotda aniq maqsadga ega bo'lgan insonlarni tarbiyalash imkoniyatiga ega bo'lamiz.

Shunday qilib, boshlang'ich sinflarda o'quvchilarning mustaqil o'qishini uyushtirish tizimi, ularni faol, adabiyotni sevuvchi kitobxon sifatida tarbiyalash tizimiga asos qo'yiladi. Bu tizim kitob, gazeta, jurnal o'qishga ehtiyoj uyg'otish vazifasiga bo'ysunadi, chunki hozirgi zamonaviy texnikalar asrida har bir kishi o'z ustida ishlashga, bilimlarni mustaqil egallashga tayyor turishi zarur. Shundagina biz o'quvchidan yuksak ma'naviyatli, erkin fikrlovchi, komil insonni tarbiyalay olamiz.

### **DARSLIKLARDA BERILGAN «RUSTAMXON» DOSTONINI O'QUVCHILARGA INTERFAOL USULLARDA TUSHUNTIRISH**

*D.P.Toshniyozova, D.A.Ergasheva  
SamDU qoshidagi AL*

Ma'lumki, mustaqillikka erishganimizdan so'ng ta'lim tizimini mustahkamlash, malakali kadrlarni tayyorlash, ta'lim sifati hamda samaradorligini oshirish bo'yicha qator qaror va farmonlar ishlab chiqildi va ta'lim tizimi tubdan isloh etildi. Bugungi kunda o'quv jarayonini sifatli tashkil etishda chuqur bilim va pedagogik mahoratdan tashqari pedagogik texnika va pedagogik texnologiyadan o'rinli foydalanish, to'g'ri metodni tanlash muhim omillardan hisoblanmoqda. Yaqin yillargacha ta'lim tizimida an'anaviy ta'lim metodi qo'llanilgan bo'lsa, bugungi kunga kelib noan'anaviy ta'lim metodi ko'proq qo'llanilmoqda. Maqsad ta'lim jarayonining sifatini oshirish, o'quvchilarning diqqatini jalb etish, o'quvchini esa subyektdan obyektga aylantirishdir. Bu jarayonni esa bugungi zamonning o'zi talab etmoqda.

2017-2018 o'quv yilidan boshlab ta'lim tizimida yana bir katta o'zgarish ro'y berdi. Bu maktablarda 10-11-sinflarning joriy etilishi va shu bilan birga, akademik litseylarning ham o'qish davri uch yildan ikki yilga tushirilgani maktab va litsey o'rtasida sog'lom raqobatni shakllantirmoqda. Joriy yilda nashr ettirilgan 10-sinf va akademik litsey I kurs o'quvchilari uchun mo'ljallangan adabiyot darsligida xalq og'zaki ijodidan “Rustamxon” dostoni keltirilgan.

Xalq og'zaki ijodidagi dostonlar og'izdan-og'izga o'tib kelishi, uning muallifi ham xalqning o'zi ekanligi bilan yozma dostonlardan farq qiladi. Qadimgi milliy adabiyotning boyligini xalq dostonlarining ko'pligi va rang-barangligi bilan ham o'lchash mumkin.

Doston – xalq og'zaki ijodining eng yirik janri bo'lib, bu so'z “maqto'v”, “shuhrat” degan ma'nolarni anglatadi. Dostonlar qahramonlik, ishqiy-sarguzasht, fantastik, mazmunlarda bo'ladi. Darslikda berilgan “Rustamxon” dostoni ishqiy-sarguzasht doston hisoblanadi. Ushbu asarda ishq-



muhabbat sarguzashtlari, o'g'ilning ona oldidagi burchi, jasurlik, qo'rqmaslik, lafzdan qaytmaslik, toj-u taxtga qul bo'lmaslik, yomon fazilatli kishilar esa kun kelib o'z jazosini olishi, adolat qaror topishi o'quvchini qiziqtirib qo'yadi. Asar tili xalqona, voqealar tizimi esa saroyda ro'y bergan mo'jizalarga boy ertakni eslatadi. Matnda qo'llanilgan maqollar, xalqona ifodalar asar bilan o'quvchini bir-biriga yaqinlashtiradi.

Dostonning yoshlar tarbiyasidagi o'rni nimalardan iborat? Shularga qisqacha to'xtalamiz. Ikki kundosh Rustamning onasi Huroyimga hasad qilib, fitna bilan arznomani Oqtosh eliga tasdiqlatib, Sultonxonga olib borganida, Sultonxon g'azabga minib Huroyimni shahardan haydab, dorga osishga buyuradi. Buni eshitgan Rustamxon esa jallodlarning dodini berib, onasini qutqaradi. Rustamxon keyinchalik onasi bilan yolg'iz Hukumu tog'ida yashab, ovchilik bilan kun ko'rar chog'ida Charxinko'l manzili bo'lgan o'lkan ajdahoning changalidan nafaqat bitta Oftoboyimni, balki undan keyin navbatda turgan qizlarni ham qutqarib, Bujul shahrini katta falokatdan asrab qoladi. Bu voqealar Rustamxon obrazidagi qahramonlik xarakterini belgilaydi.

Rustamxonning toj-u taxt masalasidagi qarashlari ham tahsinga sazovor. Oftoboyim va Bujul shahrining butun qizlarini ajdaho balosidan qutqargan pahlavonni shaharning shohi o'z o'rniga sulton etib tayinlaydi. Rustamxon bu iltifotga javoban uch kungina shoh bo'lib, o'zi qutqargan qiz – Oftoboyimni olib, enasining oldiga qaytadi. Shunga o'xshash voqeani doston so'nggida yana kuzatamiz. Rustamxonning otasi Sultonxon xato farmon berib oqila ayoli va suyukli farzandidan judo bo'lganiga ko'p kuyunib, afsuslanib ona-bolani izlaydi. Izlab topib oilasini o'z yurtiga olib keladi. Fitnachilarning esa jazosini beradi. Sultonxon o'z baxtidan quvonib, toj-u taxtni o'g'liga topshirmoqchiligini aytganida Rustamxon shunday javob beradi:

Mening ko'nglim: bahodirlik qilaman,

Yomon topsam, jazosini beraman.


Bu mo'jaza doston xulosalarga boy asardir. Mana shu dostonni biz o'quvchilarga interfaol usullarda tushuntirib, bilimlarini mustahkamlasak, yoshlikda olingan bilimni toshdagi naqshday muhrlagan bo'lamiz. Darsning boshida B/BX/B jadvaliga tayanch tushunchalar adabiyot daftariga tushirilishi o'rindir. Doston mazmuni tayyor Insert jadvali asosida tushuntiriladi na Venn diagrammasi asosida boshqa dostonlar bilan taqqoslanadi.

#### Insert jadvali

№	Nomlar, ta'rif va maqollar	Izoh
1.	Shahar nomlari	Oqtosh, Bujul
2.	Tog' nomlari	Hukumu, Bahra
3.	Dev nomi	Qizil dev
4.	Ajdaho makoni	Charxinko'l
5.	Ayol obrazlari nomi	Huroyim, Ximcha, Oftoboyim, Momogul
6.	Erkak obrazlari nomi	Sultonxon, Rustamxon
7.	Ayollar ta'rifi	Ximcha – tillari bulbulcha, kimki yaxshi desa, shuncha, ikki yuzi ochilgan gulcha, bellari xipcha, o'zi suluv oyimcha. Momogul maston – g'orda yotar edi, xurra-kni baland tortar edi, botmon nosvoyni to'rt bo'lib otar edi, yurish-turishi odamlarga xatar edi, ne er yigitlarni ikki pulga sotar edi, yaxshilikni uch pulga olmay, qayerda yomonlik bo'lsa, izlab yetar edi, qanday odam ko'rsa, bu kampiridan hazar qilib, uzoqqa ketar edi, yomonlik izlab borgan odamning ishi mastondan bitar edi. Oftoboyim – ajab suratli bir qiz, jamoli kunni xira qilguday, har kim husnini ko'rsa, aqli ketib, otdan yiqilib qolguday.
8.	Asardagi maqollar	“Bir qo'rqan yomon, bir quvongan yomon”, “Arslon

		izidan qaytmas, yigit – so`zidan”.
9.	Dostonning kim tomonidan yozib olinganligi	1937-yil baxshi Fozil Yo`ldosh o`g`li tilidan Hodi Zaripov yozib olgan.

### Venn diagrammasi



Dars yakunida BBB jadvalining “Bilib oldim” ustuni to`ldirilib, uyga vazifa Insert jadvali va Venn diagrammalari asosida dostonni tahlil qilish topshiriladi. O`shanda o`quvchi mustaqil izlanib, dostonning har bir detalini chuqur o`rganadi, asarning yangi qirralari kashf etiladi.

### ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА

*Н.А.Аминова*  
 Академический лицей при СамГУ

Приступая к изучению русского языка с учащимися нерусских групп, преподаватели сталкиваются с рядом трудностей, преодоление которых зависит от методики работы по развитию речи. В связи с этим возникает необходимость введения курса русского языка, преследующего практические цели. Учащиеся первых курсов, окончившие школу с родным языком обучения, владеют русским языком, но в их речи наблюдаются значительные нарушения как норм произношения, так и правил словоупотребления. Поэтому, при изучении русского языка в национальных группах среднеспециальных учебных заведений

необходимо базироваться на всей сумме знаний, полученных учащимися в средней школе. Это позволяет строить такую методику преподавания русского языка, которая основана на сопоставлении языковых фактов, выявлении существенных признаков, обобщении и систематизации, создает возможность работы над произношением твердую лингвистическую базу, которая будет способствовать преодолению неверно усвоенного произношения и словоупотребления.

Приступая к работе по русскому произношению в национальных группах, необходимо довести до сознания учащихся общие причины неправильного произношения звуков и звукосочетаний русского языка, показать наиболее типичные ошибки и дать им лингвистическое объяснение. А для этого надо уточнить общезвонические понятия, вкладываемые в термины *звук* и *буква*, *звук* и *фонема*, *фонемы* и *варианты фонем*.

Начинать следует с разграничения указанных понятий (*буква* и *звук*, а затем *звук* и *фонема*), без правильного понимания которых будет затруднено детальное и успешное изучение фонетической системы русского языка. Учащиеся, окончившие школу с родным языком обучения, обычно путают *звук* и *букву*, не говоря уже о термине *фонема*.

Звуки речи, как известно, - акт четырехсторонний: физический, физиологический, психологический (произвольный) и социальный. Социальный момент в характеристике звука речи является определяющим, поскольку язык в целом, так и во всех частях, служит средством общения между людьми. Но не каждый звук речи используется для этой цели. Из большого многообразия звуков речи выделяется определенное количество звуков, которые и являются речевыми. Здесь следует включить в словарь активных терминов новое для учащихся лингвистическое понятие – *фонема*. На примерах ученику необходимо показать, что фонема – это не просто обычный звук, а такой звук, который служит средством дифференциации слов по значению. Так, например, если в слове *стол* звук *о* заменить *у*, то получим новое слово *стул*; еще *стол* – *стал*, *пел* – *пил* – значение слова изменяется в зависимости от замены в нем гласных *о* - *а*, *е* - *и*. Такие звуки и являются фонемами.

Учащиеся должны сознательно преодолеть все артикуляционно-орфоэпические искажения, «усвоенные» ими в средней школе. Исправление произношения приходится начинать с повторного обучения произносительным навыкам, с овладения артикуляционным комплексом фонем и фонемосочетаний в речевом потоке, что связано с усвоением артикуляционной базы русского языка. Артикуляционная база русского и узбекского языков отличается рядом особенностей.

Но наиболее сложный раздел работы – изучение изменений качества согласных и гласных в речевом потоке. Учащиеся прочнее усвоят особенности произношения звуков в связной речи, если предварительно будут ознакомлены с фонетическим членением речи, чему в средней школе не уделяется должного внимания. В национальной аудитории отработку русского литературного произношения целесообразно начинать с изучения слова, рассматривая его как лексическую, морфологическую и фонетическую единицу. Слово должно быть отправной точкой. Работу следует вести в двух направлениях: 1) от слова к звуку и 2) от слова к связной речи. Рассматривая фонетические изменения в слове, влияние соседних звуков друг на друга в связной русской речи, необходимо выделить комбинаторные и позиционные изменения звуков, определить методику работы над преодолением трудностей по их усвоению. В речевом потоке происходят различные комбинаторные изменения звуков. Наиболее часто встречаются ассимиляция, диссимиляция, выпадение, появление и вставка звуков.

Усвоение русского литературного произношения в связи с работой над артикуляционной базой русского языка должно завершаться итоговыми занятиями, преследующими систематизацию основных норм орфоэпии.

## AKADEMIK LITSEYDA ABDURAUFI FITRAT IJODINI O'RGANISH

*D.B. Yo'ldosheva*  
*SamDU qoshidagi 1-son AL*

Akademik litseyning 3-bosqichida Abdurauf Fitrat hayoti va ijodini o'rganish jami 4 soatga mo'ljallangan bo'lib, shundan 2 soati Fitratning hayoti va ijodi, 2 soati "Abulfayzxon" dramasi o'rganishga taqsimlangan. Dars jarayonida o'qituvchi Fitrat haqidagi barcha ma'lumotlarni ma'ruza matnididan foydalangan holda tushuntirishi mumkin. O'qituvchi o'quvchilarning diqqatini jalb etgan holda Fitrat hayoti va ijodining muhim joylarini so'zlab beradi. Kerakli o'rinlarda ko'rgazmali qurollardan foydalanish ijobiy natija beradi: Fitratning hayotiga bog'liq bo'lgan muhim sanalar jadval asosida tushuntiriladi.

1886 yilda	Buxoroda ziyoli oilada tug'ilgan.
1904-1907 yillarda	Turkiya, Eron, Hindiston, Arabiston, Rossiya mamlakatlarida bo'ladi
1917-1918 yillarda	Samarqanddagi "Hurriyat" gazetasida bosh muharrir
1919-1920 yillarda	Afg'oniston hukumatining Toshkentdagi vakolatxonasida tarjimon
1923-1924 yillarda	Moskvada yashaydi
1927 yilda	Samarqand pedagogika akademiyasida faoliyat ko'rsatadi
1938 yilda	Otib tashlangan
1991 yilda	Alisher Navoiy nomidagi Respublika Davlat mukofotiga munosib deb topilgan

Fitrat zamondosh va davradosh adiblardan farqli o'laroq, asarlarida arab, fors so'zlarini imkon qadar kamroq qo'llashga urindi. Fikr, hissiyot, tushunchalarni, asosan, turkiy so'zlar bilan ifodalashga harakat qildi. Zamonaviy til sandig'idagi javohirlar yetishmay qolganda qadimgi, tarixiy turkiy so'zlarga murojaat etdi.

Fitratga qadar o'zbek adabiyotida qator dramatik asarlar yozilgan. Dramaturgiyamiz tarixida ular o'ziga yarasha o'rin tutadi. Biroq, jahon adabiyotidagi mezonlar talabiga javob bera oladigan milliy ruh va milliy g'oya bilan sug'orilgan, teran qahramonlar aks etgan bu turdagi yetuk asarlarning muallifi sifatida Fitrat o'zbek dramaturgiyasining asoschisi hisoblanadi. Fitrat XX asr o'zbek adabiyoti taraqqiyotida alohida o'rin tutadi. U Milliy Uyg'onish adabiyotining jarchisi va asoschilaridan biri, jadidchilik harakatining ulkan arbobidir. U yangi zamon she'riyatida barmoq vaznini mustahkamladi, erk va istiqbol g'oyalarini kuyladi. Vatan ozodligi, yurt istiqboliga bag'ishlangan maqolalari bilan o'zbek publitsistikasining tamal toshini qo'ydi. Hali hikoyachilik janr sifatida yetarlicha to'liq shakllanib ulgurmagan bir davrda «Qiyomat» singari asari bilan bu janrning qaror topishiga katta hissa qo'shdi.

«Abulfayzxon» XVII asr Buxoro hayotidan olib yozilgan, tarixiy haqiqat asosiga qurilgan birinchi tarixiy tragediyadir. Unda ilk bor o'zbek dramaturgiyasida shekspirona teran tragik obrazlar yaratildi. U shu janrda jahon miqyosida tan olingan shoh asarlar qatoridan munosib o'rin ola biladi.

Uning ahamiyati o'zbek xalqi tarixidagi muhim hodisa va tarixiy shaxslar qismati haqqoniy aks ettirilishidagina emas. Zo'ravonlik va shafqatsizlik mohiyati, zulm va istibdod asosiga qurilgan hokimiyatning barbod bo'lishi, ezgulikning zavoli, uvoli va kamolidagi mangu muammolarning go'zal badiiy talqinida namoyon bo'luvchi fazilatlar bu asarni zamon va makonga bo'ysunmas ravishda e'tiborli va qimmatli qiladi. Yuksak mahorat bilan yozilgan drama muallifning san'atkor, millatparvar, vatanparvar sifatidagi siymosini uyg'unlashtiradi.

«Abulfayzxon» dramasi Fitrat ezgulik, insof, adolat va shaxs erkini ulug'ladi. Bu qadriyatlarni hokimiyat uchun turli-tuman, yolg'on-yashiq va chirkin vositalarga keskin qarama-qarshi qo'ydi.

Dars davomida “Abulfayzxon” dramasi rollarga bo‘lib o‘qiladi. Ulfat, Qozi kalon, Nizom, Davlat to‘qsabo, Rahimbiy, Hakimbiy otaliq, Abulfayzxon, Mirvafo, Davlat kabi obrazlarga ta’rif beriladi. Har bir o‘quvchining mustaqil fikri tinglanadi

Fitrat tadqiqotlari keyingi avlod mutaxassislari shakllanishida muhim rol o‘ynadi. Oliy maktab ehtiyoji, akademik yo‘nalishdagi salmoqli adabiyot nazariyalari, o‘zbek tili grammatikasi, san’atimiz tarixi, siyosatshunoslik taraqqiyoti tamoyillari o‘rganilgan tadqiqot va darsliklarning yuzaga kelishida, shubhasiz, Fitrat ilmiy merosining, adabiy asarlari va asar qahramonlarining ahamiyati kattadir.

## АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

*Т.Кадиров  
Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

Ҳозирги кунда республикаимизда таълим тизимида барча фанлардаги каби, информатика ва ахборот технологиялари фанидан ҳам янги авлод дарсликлари яратилиб, унда мазмунан ўзгартиришларга янги ёндашилмоқда. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: “Мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг нечоғли фаол муносабатларга бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак”. Шунинг учун ҳам дарсликларда таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хусусан, бу мазмунга нафақат билим, кўникма ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи – ижодий фаолият тажрибаси, теварак–атрофга муносабатларни ҳам киритишга эришилмоқда.

Ўқувчиларимизни мустақил фикр юритишга, мушоҳада қилишга, мутолаа қилишга ўргатишда ўқитувчилар олдида катта масъулиятлар қўйилмоқда. Ўқитувчи ўқитишдан ўқишни ўргатишга, билим беришдан ўқувчиларнинг билимларни мустақил эгаллашларига ёрдам бериши лозим. Яъни ўқитувчи ўқувчини эҳтиёж туғдиришдан, муҳит яратишга ва ундан масъулиятни ҳис қилишни ўргатиш керак. Демак, ўқитувчидан ташаббускорликни, мустақил фикрлай олишни, ўз фанига оид билимни пухта билишини, кузатувчанликни, ижодий тасаввурни тарбиялашга лаёқатини фаоллаштириш зарур. Шундай лаёқатга эга бўлган ўқитувчи ўз иш фаолиятида илғор технологияни қўллаши ўқувчиларда юқори билим, кўникма ва малакага эга бўлишига олиб келади.

Ўқитувчи фанида юз бераётган янгиликни, ўзгаришларни ислоҳ қила олиши зарур. Кенг маънода қаралганда таълим тизимидаги ҳар қандай ўзгаришни педагогик **инновация** деб қарашимиз мумкин.

Таълим муассасаларидаги педагогик жараёнларга татбиқан инновация - *таълимнинг мақсади, мазмуни, шакл ва методларига, педагоглар ҳамда ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил этишига янгилик киритиш тушинилади.*

Педагогик инновация – *педагогик фаолиятга, таълим мазмуни ва технологияларига уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида киритилган янгилик ва ўзгаришлар.*

Изоҳли луғатларда янгилик қуйидагича таърифланади: *янги – илк бор яратилган ёки ишлаб чиқилган, олдингининг ўрнига яқинда пайдо бўлган ёки яратилган, яқинда кашф этилган, яқин ўтмишига ёки ҳозирги даврга мансуб, унчалик таниш эмас.* Атамани изоҳлашда янгиликнинг прогрессивлиги ёки самарадорлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаганини қайд этиш лозим.<sup>1</sup>

1. Ожегов, С.И. Словарь русского языка/ С. И. Ожегов. – М.: 1978. – с.381.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи замонавий педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда. Шу жумладан, мамлакатимизда ҳам таълим сифатини юқори босқичларга кўтариш мақсадида интерфаол методлардан фойдаланишга жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Интерфаол методлар деганда – таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади.

Таълим муассасаларида олиб борилаётган ҳар бир дарс, машғулотнинг сифати, самараси устоз мураббий фаолияти билан бевосита боғлиқдир.

Бугунги кунда таълимдаги янгиланишлар жараёни педагогларга малакавий талаблар кўймоқда. Бу талаблар куйидагилардан иборат:

1. Касбий тайёргарлик (ўз фанини чуқур билиш, касбий эрудиция).
2. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан хабардор бўлиш.
3. Педагогик ва инновацион технологияларни амалиётга татбиқ эта олиш.

XXI асрда малакали педагог бўлиш учун, албатта, ахборот технологияларини яхши эгаллаш зарур. Инсон фаолияти кўпроқ унинг ахборотга эга бўлганлик даражаси, ушбу ахборотлардан самарали фойдалана олиш қобилиятига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ихтиёрий соҳа бўйича замонавий мутахассис вақт сайин ошиб бораётган ахборот оқимида бемалол йўл топа олиши учун, у компьютерлар, телекоммуникация ва бошқа алоқа воситалари ёрдамида тегишли ахборотни ола билиши, қайта ишлай олиши ва ундан фойдалана олиши керак бўлади.

Таълим тараққиёти жараёнида педагоглар ўқитишнинг жуда кўп усулларини излаб топганлар. Бу усулларнинг айримлари кўпчиликни ўқитишга мўлжалланган бўлса, айримлари индивидуал таълимга мослаштирилгандир. Таълим тизимида бир йўла катта гуруҳга таълим берилганлигидан шу йўналишдаги айрим усулларни кўриб чиқамиз.

«Ақлий хужум» - инглизча «**brain storming**» сўзларидан олинган бўлиб, бирор муаммо бўйича иштирокчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. Бу метод ақлий фаолликни кўзғатади, ижодий ва инновацион жараёнларни жадаллаштиради. Бу методнинг пайдо бўлиши иккинчи жаҳон урушида Япон денгизида хизмат қилган америкалик мутахассис А.Осборн билан боғлиқ. Ҳарбий кемани қандай қилиб торпедолардан ҳимоя қилиш мумкинлиги масаласида кема кенгаши ўтказилади. Кенгаш қондасига ҳамма – юнгадан тортиб капитангача ҳар қандай, ҳатто хаёлий ва амалга ошириб бўлмайдиган ғояларни ҳам айтаверса бўларди, ҳар қандай таклифлар ёзиб борилди.

«Ақлий хужум» методи дастлаб АҚШ, Англия, Франция сўнгра Японияда ишлатилди. 70-йиллардан бошлаб Россияда, 90-йиллардан бошлаб эса, Ўзбекистонда ишлатила бошланди. «Ақлий хужум» методини ўтказишдан кўзланган мақсадлар куйидагилар:

- муаммони ҳал қилиш учун ғояларни чиқариш;
- ғояларни уларнинг аҳамиятлигига қараб, тартиблаш;
- фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;
- кутилмаган ғояларнинг пайдо бўлиш жараёнини намойиш қилиш;
- топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.
- Интерфаол методларни қўллаш жараёнида куйидаги ҳолатлар юзага келади:
  - ўқувчилар томонидан муайян назарий билимларнинг пухта ўзлаштирилишига эришиш;
  - вақтни иқтисод қилиш;
  - ҳар бир ўқувчини фаолликка ундаш;
  - уларда эркин фикрлаш лаёқатини шакллантириш.

Кўриниб турибдики, ушбу метод таълим олувчилар томонидан муайян назарий билимларнинг пухта ўзлаштирилишига эришиш, вақтни иқтисод қилиш, ҳар бир таълим олувчини фаолликка ундаш, уларда эркин фикрлаш лаёқатини шакллантиришга ёрдам беради.

## ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

*Ш.Холбаев, Ф.Эгамбердиев  
Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

Иқтисодий билим асослари фани ўқитувчилари дарснинг сифатини ошириш мақсадида ўқувчиларга чуқур билим бериш борасида ўз маҳоратини ошириб, келгусида мустақил давлатимизнинг муносиб кадрлари етиштирмақлари зарурдир. Ҳар бир дарс машғулоти ўтилаётганда олимларнинг кашфиётлари ва фанга қўшган ҳиссалари билан боғлаб, шунингдек, инновацион технологиялардан фойдаланиш орқали ўқитиш сифат-самарадорлигини оширишга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: «Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз»,<sup>1</sup> - дея таъкидладилар.

Иқтисодий билим асослари фанида "Кейс-стади" технологиясидан фойдаланиш ушбу дарсларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ўқув кейсни ишлаб чиқишда компетенциявий ёндашувга асосланган Давлат таълим стандартларидан келиб чиқиб ўқитувчи касбий маҳорати ва ижкорлигини оширган ҳолда қуйидаги омилларга эътибор қаратиши лозим:

- мақсаднинг белгиланиши;
- муаммонинг шаклланиши;
- кейс дастурий картасининг ишлаб чиқилиши;
- - институционал тизимнинг изланиши;
- - ахборотни йиғиш усуллари ва воситаларининг танланиши;
- - ахборот йиғилиши, кейс мавзулари бўйича танлаш;
- - вазият моделининг қурилиши;
- - кейс матнининг ёзилиши;
- - кейснинг тўғрилиги ва самарадорлигининг текширилиши;
- - кейснинг натижавий вариантнинг тайёрланиши;
- - кейснинг таълим амалиётига жорий этилиши.

Кейсда вазият тавсифи ва ахборот таъминоти ҳар хил ҳажмда бўлиши, таҳлил этиш учун таклиф этилаётган вазиятлар тавсифида деталлаштириш даражаси ҳам турлича бўлиши, ахборот кўплиги даражаси ҳам ўзгариши мумкин бўлган – таҳлилга алоқаси бўлмаган маълумотлар ҳам бўлиши мумкин. Амалий вазиятни таҳлил қилиш вақтида:

- таклиф этилаётган ахборотларни кўриб чиқишда адашманг, улар орасида энг зарурини белгиланг;
- вазиятни тор истикболда кўриб чиқманг: муаммо бирданга кичиклашиб ёки умуман ғойиб бўлиши мумкин;
- ҳаракатлар режасини вазиятнинг таҳлили тугалланган ва муаммо аниқлангандан сўнг шакллантириш мумкин.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни мазмун моҳиятини ўқувчи ва ўқитувчилар онгига етказиш мақсадида 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси учинчи устувор йўналишларини қуйидаги жадвал асосида дарс машғулотларини ташкил қилиш мумкин.

Кейс вазият тури	Кейс вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари
Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш.		
Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш.		
Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадвал ривожлантириш.		
Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш.		
Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш		

1-жадвал. Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларининг кейс таҳлили ва ечими жадвали.

Жадвални тўлдиришда ҳар бир ўқувчи ёш ва психологик хусусиятлардан ҳамда ўқитувчиларнинг мутахассислигидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш тавсия этилади. Ҳар бир ўқувчи ёш ва ўқитувчи жадвални тўлдираётганда ўзининг мустақил позицион нуқтаи назардан ёндашишни ўрганади ҳамда ўзларининг кейинги беш йилдаги истиқбол режасини тузади ва тақдимот қилади. Натижада компетентликни оширишга эришади.

### **ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ВА ЁШЛАР ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИ МУАММОЛАРИ**

*Қ.Ҳ.Алиқулов  
СамДУ*

Жамият иқтисодиёт ҳаётида институционал, функционал ўзгаришлар инсонни янада бунёдкорликка, инновациялар яратишга йўналтирмоқда ва иқтисодий фаолликни инновацион эстетик шакли, фаолликни назарий турлари шаклланишига сабаб бўлмоқда. Ёшларнинг фаолияти интенсивлашиб, биргина иқтисодий фаоллигида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, туризм соҳасидаги янгиликлар сифатида намоён бўлмоқда. Қадимдан кишиларнинг маданий-эстетик қадриятлар яратишга интилиши хўжалик юритиш, иқтисодий ишлаб чиқариш ёки ижтимоий муносабатлар, реал ҳаётининг эҳтиёжлардан келиб чиққан. Ушбу эҳтиёжлар инсон иқтисодий фаоллигининг характери, моҳиятини белгилаб берган, шунинг



учун ҳам ғарбда яшаган халқлар шарқда яшаган халқларникидан кескин фарқ қилувчи инновацион иқтисодиёт, иқтисодий-эстетик бойликлар яратганлар. Бироқ, иқтисодий-эстетик кадриятлар негизда инсоннинг бадиий-эстетик, маънавий, рухий эҳтиёжлари ҳам ётишини унутмаслик керак.

Халқимиз фаровонлигини яхшилашга хизмат қилувчи инновацион технология ва ишланмаларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши, уларнинг муаллифлари ва буюртмачиларига оид муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш, меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, инновация ва инновацион инфратузилмаларнинг ягона ваколатли органини таъсис этиш, давлат бюджети, корхона ва ташкилотларнинг молиявий қўйилмалари, ҳомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларидандир. Қайд этилганидек, жаҳон иқтисодиётининг тобора глобаллашуви шароитида Ўзбекистонда миллий инновацион илмий-техника фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни кенг жорий қилиш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида инновацион стратегияни шакллантириш масалалари илм-фан эгалари ҳамда қонун ижодкорларининг диққат марказида бўлмоғи лозим.

Жамият соҳаларини тубдан модернизациялаш ва тизимли қайта таҳлил этиш шуни кўрсатдики, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга йўналтириш, яъни инновацион иқтисодиётни яратиш давр талаби бўлиб қолди. Бу ўринда Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг: "...иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгиланиш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларни амалга ошириши лозим"<sup>1</sup>, - деб айтган фикрларини эслаш ўринли деб ҳисоблаймиз. Инновацион фаолият ва унинг муҳитини ривожлантириш, ҳозирги кунда мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ҳамда сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаб беришда муҳим аҳамият касб этади.

“Инновация” атамаси негизда, “новация” сўзи ётади. Ўзбек тили луғатига бу сўзлар хорижий тиллардан кириб келган. Чунончи, инглизча “innovation”, русчасига “инновация” сўзи луғатларда “нововедение”, “новаторство” сифатида талқин этилган. Бу сўз рус тилидан ўзбек тилига “янгилик киритиш”, “янги усул”, “киритилган янгилик” каби маъноларда таржима қилинган ва изоҳланган. Ўзбек тили изоҳли луғатида “Инновация” атамасига – техника ва технологиянинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида иқтисодиётдан сарфланган маблағлар тушунчаси сифатида келтирилган. “Инновация” атамаси махсус луғат ва адабиётларда ҳам турлича таърифланган ҳамда изоҳланган. Хусусан, рус тилида чоп этилган “Большой бухгалтерский словарь”да инновация атамасига 1) техника ва технология авлодини алмаштиришни таъминлаш мақсадида иқтисодиётга маблағ киритиш; 2) илмий-техник ютуқлари натижаси ҳисобланган янги техника ва технология мазмунларида таъриф берилган.

Инновация бу - иқтисодий борлиқни, технологик борлиқни, ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларини эстетиклашувидир. Жамиятдаги ёшларнинг эндиги иқтисодий фаоллигининг инновациониялар давридаги намоён бўлиши меҳнат қилишдан тортиб товар белгисигача бўлган бир бутун эстетик комплексни ўз ичига олади. Ёшларнинг яратувчанлиги, ички импульси, меъёрий-ҳуқуқий ҳимоя ва молиявий таянч юксак марраларга етказди. Ёшларнинг инновациялар бозори шароитида меҳнат ярамаркалари ва ёшлар ижод саройларидаги фаоллигини натижалари техника эстетикаси, атроф-муҳит

<sup>1</sup> Каримов И.А. Модернизация қилиш ва янгиланиш давом эттириш – давр талаби. 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

эстетикаси, меҳнат эстетикаси, ишлаб чиқариш эстетикаси сингари эстетик фаолиятларда намоён бўлмоқда.

Иқтисодий-структураларий, функционал қайта қурилиш шароитларида меҳнат ва бандлик соҳасидаги бозор муносабатларига ўтиш ижтимоий - меҳнат муносабатларида янги таъминоти юзага келтирди. Бу ҳолат, айниқса, ёшлар ҳаётида намоён бўлади, чунки ёшлар ижтимоий-психологик тавсифига кўра замонавий меҳнат бозори шароитларига тайёр эмас. Меҳнат бозорига бирламчи чиқишда ёшлар бўлажак касблари ҳақида нореалистик тасаввурга эга бўлишиб, меҳнат ва профессионал карьера тушунчалари ишга жойлашиш имконсизлиги шароитларида ижтимоий-психик ҳолатига кўра меҳнат бозоридан илк қадамлари давомида мураккаб вазиятларга дучор бўлиши (хавотир; депрессия ҳолати, буларнинг барчаси айбдорлик комплекси юзага келишига олиб келади).

Инновацион иқтисодийда реал шаклландиранган бозор бу инновациялар бозори ҳисобланади. Ёшлар мутахассис сифатида, ёлланма ишчи сифатида меҳнат бозорини доимий тўлдириб турувчи субъектлардир. Ҳозирги кунда меҳнат бозорини ва ярмаркаларни ўз инновацион ишланмаси билан тўлдирувчи ёшлар сафи кенгаймоқда. Ушбу ярмаркаларда ишлаб чиқариш технологиялари ва илм-фаннинг охириги ютуқларини кўргазмаси бўлиб ўтади. Яқинда ўтказилган “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IV Республика ярмаркаси”да мамлакатимиз олимлари ва мутахассислари томонидан яратилган истиқболли ишланмаларни жорий қилиш тўғрисида умумий қиймати қарийб 10 миллиард сўмлик 400 га яқин шартнома ва англашув протоколлари имзоланди<sup>1</sup>. Олий ўқув юртларининг ёш олимларининг кўплаб ғоя ва ишланмалари намоёни қилинди. Хусусан, фаол ёш ихтирочиларидан бири – фарғоналик Шерзод Каримов ўз ишланмаларини намоёни қилди. Бу технология мутлақо янги бўлиб, мамлакатимизда фотоэлектр станциялари учун қуёш элементлари материалларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини беради. Ҳолбуки, айни пайтгача ушбу қимматбаҳо материал четдан олиб келинмоқда. Ёш олимнинг ишланмаси ярмарка каталогига киритилди, махсус сайтларга жойлаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда фан, таълим, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда турли ташаббуслари билан чиқаётган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда. Ёшларнинг иқтисодий фаоллиги айни пайтда реал иқтисодий рентабеллик, қиймат ва ҳоказо бозор тушунчалари билан биргаликда эстетик билимлар билан уйғунлашиб бораётганлигидан далолат беради. Бунга мисол сифатида Бухоро Давлат Тиббиёт институти талабаси Лазиз Қаюмовнинг инновацион ғояларини кўрсатиш мумкин. VIII инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида кўпчиликда қизиқиш уйғотган ижодкор Лазизнинг плёнка шаклидаги дори воситаси янги жароҳат юзасига қўйилганда ташқи муҳитдан тушувчи микроорганизмларнинг жароҳат соҳасига ўтишига тўсқинлик қилади, йирингли жароҳатга қўйилса, намлик ва тери ҳарорати билан эрий бошлайди, эриган плёнка таркибидаги антибиотик жароҳат ичига ўтиб бактерияларни нобуд қилади. Бу самарадорлик ва тез натижа берувчи дори воситасидан ҳеч қандай яллиғланишлар кузатилмайди. Шунингдек, бошқа дори воситаларига нисбатан тез муддатда таъсир қилиш кучига эга. IX инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида ҳам “Алое гелининг терининг қайта тикланишига таъсири” мавзусида илмий лойиҳалари билан ҳам иштирок этиб, муносиб ўринни эгаллаган<sup>2</sup>. Бу инновацион ғоялар инсон юзи ва терисининг косметикаси, пластикасидаги гўзаллик имкониятларини ривожлантиради, гўзалликка эришиш учун камроқ қурбонлик талаб қилади.

<sup>1</sup> <http://poytaxt.uz/uz/article/4454.html>. Инновацион иқтисодий ривожига қўшилган улкан ҳисса.

<sup>2</sup> <http://adolat.uz/2017/01/innovatsion-rivojlanishda-yoshlarning-orni/> Инновацион ривожланишда ёшларнинг фаоллиги was last modified: январь 25th, 2017 by anvar egamqulov.

## TA'LIM TIZIMIDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASH

*H.Xudoyberdiyeva  
SamVXTXQTUMOI*

*H.Ibragimova  
Samarqand shahar 14-maktab*

O'zbekistonda ijtimoiy hayotning barcha sohalarida amalga oshirilayotgan islohotlarning maqsadi inson va uning manfaatlari, xavfsizligi va farovonligini ta'minlash hamda barkamol avlodni voyaga yetkazishga qaratilgandir. O'quv jarayonida o'quvchilarga shaxs sifatida qaralishi, turli pedagogik texnologiyalar hamda zamonaviy uslublarning qo'llanilishi o'quvchilarni mustaqil, erkin fikrlashga, izlanishga, har bir masalaga ijodiy yondashish, mas'uliyatni his qilish, ilmiy tadqiqot ishlarini olib borish, tahlil qilish, eng asosiysi, o'qishga, fanga va o'zi tanlagan kasbiga bo'lgan qiziqishlarini, shuningdek, pedagogga nisbatan hurmatini kuchaytiradi. Respublikamiz birinchi Prezidenti Islom Karimov ta'lim tushunchasiga milliy didaktik nuqtayi nazardan yondashib quyidagicha ta'riflaydi: "Ta'lim O'zbekiston xalqi ma'naviyatiga yaratuvchilik faolligini baxsh etadi. O'sib kelayotgan avlodning barcha eng yaxshi imkoniyatlari unda namoyon bo'ladi, kasb-kori, mahorati uzluksiz takomillashadi, katta avlodlarning dono tajribasi anglab olinadi va yosh avlodga o'tadi".

Yangi pedagogik texnologiya - ta'limning ma'lum maqsadga yo'naltirilgan shakli, usuli va vositalarining mahsulidir. Kuzatuvlar shuni ko'rsatadiki, aksariyat maktablarda o'qituvchi dars jarayonida faqat o'zi ishlaydi, o'quvchilar esa kuzatuvchi bo'lib qolaveradilar. Ta'limning bunday ko'rinishi o'quvchilarni aqliy tafakkurini o'stirmaydi, faolligini oshirmaydi, ta'lim jarayonidagi ijodiy faoliyatini so'ndiradi.

Yangi pedagogik texnologiyalarning asosiy maqsadi o'qitish tizimida o'qituvchi o'rniga o'quvchini dars jarayonining markaziga olib chiqishdir. Biz o'quvchilarni o'quv materiallarni shunchaki yod olishlaridan, avtomatik tarzda takrorlashlaridan uzoqlashtirib, ularni mustaqil fikrlab, ijodiy faoliyatini rivojlantirishimiz hamda o'quvchilarni darsning faol ishtirokchisiga aylantirishimiz kerak. Yangi pedagogik texnologiyalar asosida berilgan darslar o'quvchilarni muhim hayotiy yutuq va muammolarga o'z munosabatlarini bildira oladigan, o'z fikriga ega bo'lishga va o'z nuqtayi-nazarini asoslab berishga o'rgatadi.

Interfaol metodlar bilan an'anaviy ta'lim usullari orasida o'ziga xos farqlar mavjud bo'lib, har bir o'qituvchi bu farqlarni qiyoslashi, ularning bir-biriga nisbatan afzalliklari va kamchiliklarini darsni rejalashtirish va uni o'tkazish usullarini hisobga olish zarur. Bunda yangi bilimlarni berish, ko'nikmalarni shakllantirish, rivojlantirish, mustahkamlash, bilimlarni takrorlash, amalda qo'llash mashg'ulotlarida hamda o'quv fanining xususiyatlarini hisobga olgan holga muvofiq bo'lgan interfaol yoki boshqa metodlarni to'g'ri tanlash nazarda tutiladi. Ta'lim-tarbiyada maqsadning amalga oshishi va kafolatlangan natijaga erishish, ham o'qituvchi, ham o'quvchining hamkorlikdagi faoliyati hamda ular qo'ygan maqsad, tanlangan mazmun, metod, shakl, vositaga, ya'ni texnologiyaga bog'liq.

O'qituvchi va o'quvchining maqsaddan natijaga erishishida qanday texnologiyani tanlashlari ular ixtiyorida, chunki har ikkala tomonning asosiy maqsadi aniq natijaga erishishga qaratilgan, bunda o'qituvchi o'quvchilarning bilim saviyasi, guruh xarakteri, sharoitiga qarab ishlatiladigan texnologiya tanlanadi, masalan, natijaga erishish uchun kompyuter bilan ishlash lozimdir, balki film, tarqatma material, chizma va plakatlar, turli adabiyotlar, axborot texnologiyasi kerak bo'lar, bular o'qituvchi va o'quvchilarga bog'liq. Shu bilan bir qatorda, o'qitish jarayonini oldindan loyihalashtirish zarur, bu jarayonda o'qituvchi o'quv predmetining o'ziga xos tomonini, joy va sharoitni, eng asosiysi, o'quvchi-talabani imkoniyati va ehtiyojini hamda hamkorlikdagi faoliyatini tashkil eta olishini hisobga olishi kerak, shundagina, kerakli kafolatlangan natijaga erishish mumkin. Qisqa qilib aytganda, o'quvchi-talabani ta'limning markaziga olib chiqish kerak.

To'g'ri tanlangan metodlarni qo'llash mashg'ulotning qiziqarli va samarali o'tishini, shaxs shakllanishini ta'minlaydi.

Interfaol mashg'ulotlarning usullari ko'p bo'lib, bular hammasi ham shaxs shakllanishiga bir xilda ta'sir ko'rsatmaydi, demak, o'qituvchi o'quvchi shaxsida har bir psixik jarayonlarni va xususiyatlarni shakllantirish uchun interfaol metodlarni to'g'ri tanlay olish lozim.

Interfaol usullarda muammoli, hayotiy vaziyatlardan foydalanish juda yaxshi natijalar beradi. Bahsli, muammoli vaziyat - insonning faoliyati davridagi fikrlash natijasiga bog'liq bo'lib qoladigan murakkab holatga yoki sharoitga tushib qolishidir. Bunday holatda u hodisa yoki jarayonni qanday izohlashni bilmaydi. Bahsli, muammoli vaziyatlar o'quvchilarning aqliy kuchini zo'riqtiradi, vaziyatni oydinlashtirish uchun yo'llar qidira boshlaydi. Qiyinchiliklar bilan to'qnashadi. Odam muammo bilan yuzma-yuz (to'qnash) kelgandagina fikrlay boshlaydi. O'zida mavjud bilimlar bilan fikrlab amallar bajara boshlaydi, saviyasiga mos darajadagi xulosalarga kela boshlaydi.

Xulosa qilib aytganda, yoshlarning asosiy shakllanish va rivojlanish davri ta'lim sohasiga bog'liq holda kechar ekan. Demak, ta'lim-tarbiya sohasida ularni pedagogik, psixologik jihatdan shakllantiruvchi omillarga alohida e'tibor berish maqsadga muvofiq bo'ladi.

## НОАНЬАНАВИЙ ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*М.Нигматова*  
*Самарқанд ВХТХҚТУМОИ*

Инсоният цивилизациясининг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмоқда. Мазкур вазибаларнинг муваффақиятли ҳал этилишида яна бир омилнинг мавжудлиги, яъни узлуксиз таълим тизими ҳодимлари, мураббий-ўқитувчилар томонидан замонавий таълим технологияларининг моҳиятидан хабардорликлари ҳамда таълим жараёнида самарали қўллаш олишлари, шунингдек, таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашувнинг қарор топиши муҳим аҳамият касб этади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолияти бу ўйиндир. Ўйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қониқтирилади. Ҳаётий фаоллик яратилади. Бирдамлик, тетиклик, қувноқлик тарбияланади. Ўйин таълим ва машғулотлар билан кундалик ҳаётдаги кузатишлар билан узвий боғлиқ бўлиб, жуда катта таълимий тарбиявий аҳамиятга эга. Ўйинда акс этирилган нарсани билиб олишга қизиқиш уйғонади, кўпинча ўйин болаларга янги билим бериш ва уларнинг фикрларини, билим доирасини кенгайтириш учун хизмат қилади.

Ўйин бола учун эрмак, қувонч манбаи бўлибгина қолмай, бола диққати, хотираси, ижодий тафаккури ва тасаввурини ўстиришга ҳам хизмат қиладиган воситадир. Бу жиҳатлар боланинг бундан кейинги ҳаётида муҳим ўрин тутди. Ўйин жараёнида болалар янги билим, малакаларни эгаллайдилар, қобилиятларини ўстирадилар.

Ноанъанавий ўйинларни қиёсан бир неча мустақил гуруҳларга ажратиш мумкин:

**Идрокни ўстиришга қаратилган ўйинлар** болада нарсаларнинг ранги, шакли, катталигига кўра таҳлил қилиш малакасини шакллантиради.

Мактабгача ёш охирига келиб, болалар ранг қаторидаги 7 хил рангни бемалол фарқлай олишлари, улар асосий геометрик шакллар (доира, овал, туртбурчак тўғри туртбурчак, учбурчак)ни билишлари лозим. Болалар нарсаларнинг катталигини фарқлашда уларнинг ўлчами бўйича териб чиқишни биладилар, 8-10 та таёқча, доирача ёки бошқа бир хил турдаги катталиги ҳар хил предметларни катталашиб ва кичиклашиб боровчи тартибда қўйиб чиқадилар. Нрсалар катталигини 3 хил ўлчамда номини айта оладилар (узунлик, кенглик, баландлик).

**Диққатни** ривожлантиришга қаратилган ўйинлар туркуми орқали мактабгача ёшда бола диққатининг турғунлиги, кўчувчанлиги, бўлинувчанлиги каби хусусиятлари шакллантирилади.

Диққатнинг бўлинувчанлиги бир вақтнинг ўзида кишининг икки ёки ундан кўпроқ нарса билан шуғуллана олишида намоён бўлади. Катта мактабгача ёшдаги болалар 6-7 та нарса ўртасида диққатни тақсимлай оладилар.

Мактабгача ёшда ихтиёрсиз диққатдан аста-секин ихтиёрий диққатга ўтилади. Ихтиёрсиз диққат жараёни айна пайтда бола учун қизиқарли нарсага диққатни қаратишда юзага келади. Ихтиёрий диққат боланинг ўзи учун қизиқ бўлмаган фаолият билан шуғуллана олишини назарда тутди.

**Хотирани** ўстиришга қаратилган ўйинларда катта мактабгача ёшдаги бола ўз олдига мақсад қўя олади, бирор нарсани эслаб қолиш, ана шу мақсадни амалга ошириш воситаларини излаб топиш шулар жумласидандир.

**Тафаккурни** ўстиришга қаратилган ўйинлардан мақсад болаларда образли, ҳаракатли, кўргазмали-образли, мантиқий тафаккур турларини ривожлантиришдан иборат. Мактабгача ёшнинг охирига келиб, болаларда мантиқий тафаккур элементлари шакллана бошлайди, яъни улар хулосалар қила оладилар, мантиқ қонунларига кўра фикрлайдилар. Бола ижодий қобилиятининг ўсиши деганда тасаввур-хаёлнинг тараққиёти ва ноанъанавий тафаккур қила олиш тушунилади.

**Мактабга тайёрлашга** ёрдам берадиган ўйинлар орқали кичкинтойларда элементар математик тасаввурларни ривожлантириш, нутқнинг таҳлили билан таништириш, боланинг кўлда ёзиш малакасини эгаллашга тайёрлаш ишлари олиб борилади.

Ноанъанавий ўйинларни мактабгача таълим муассасасида ташкил этишда, болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларга мос ўйинларни таклиф этиш керак. Шу мақсадда ноанъанавий ўйинларни уч ёшли болалар учун ўйинлар; тўрт-беш ёшли болалар учун ўйинлар; олти ёшли болалар учун мўлжалланган ўйинларни ажратиш мумкин. Болаларни диққатини ривожлантиришга қаратилган ноанъанавий ўйинлардан бирини кетириб ўтамиз: (3 ёшли болалар учун)

**Нарсаларни таққосланг.** Боланинг олдига иккита ўйинчоқ қўйилади. Бола аввал улар нимаси билан бир - бирига ўхшашлигини, кейин ўзаро фарқини айтиб бериши керак. Масалан, айиқ ва қуёнча бир-бирига юмшоқлиги билан ўхшайди, уларнинг қўл-оёқлари, кўз, қулоқлари бор. Фарқи шундаки, айиқ-катта, қуён-кичкина. Айиқ-жигарранг, қуён-оқ ва ҳаказо. Белгиларни болалар билан галма-галдан айтиш мумкин. Шу тарзда ҳар қандай жуфт ўйинчоқни таққослаш мумкин. Агар ўйинни мураккаблаштир лозим бўлса, бир-бирига анча ўхшайдиган ўйинчоқларни таклиф қилиш мумкин (2 та машина, 2 та тўп).

Деярли ҳар бир ўйин учун уни ўтказишнинг соддароқ ёки мураккаброқ кўринишларидан фойдаланиш мумкин. Шу сабабли бола билан ўйин ташкил этишда унинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Агар бола топшириқларни бажаришга қийналмаса, унга бирмунча мураккаброқ топшириқ берилади, агар қийналса, соддароқ топшириқ бериш лозим.

## ЎҚУВЧИЛАРГА ТАЪЛИМ БЕРИШДА ЭСТЕТИК ТАРБИЯНИНГ ТАБИАТГА ТАЪСИРИ

*А.Қ.Айматов*  
*СамДУ*

Ўқувчини эстетик жиҳатдан тарбиялашда педагогликни эгаллаган ўрта мактаб ўқитувчиси ғоят катта роль ўйнайди. Мактаб ўқувчи олдига табиат, теварак-атрофдаги воқелик ва айниқса, буюк ўзгартувчи куч бўлган меҳнатнинг гўзаллигини очиқ беришга даъват этилган. Мактаб болаларда эстетик ҳис-туйғуларни, бадий дид ва эҳтиёжларни,

дунёни ижодий ўзлаштиришда билим ва кўникмаларни изчиллик билан ва аниқ мақсадни кўзлаб ривожлантириши ва тарбиялаши лозим.

Мактабдаги эстетик тарбия узоқ давом этадиган мураккаб жараёндир. У воқелик билан таништириш ишидан бошланиб, уни чуқур ва эмоционал англаш билан тугалланади. Мактабнинг эстетик тарбия ишлари бўйича олиб борадиган кундалик ишларида ранг-баранг, аниқ ҳисобга олиш мумкин бўлмаган фаолиятнинг мазмунини ва шаклини тўлиқ белгилаб берадиган турли тизимлар, кўрсатмалар ва тасвирлар мавжуд.

Эстетик тарбиянинг асл мақсади – ҳар томонлама уйғун шахсни, ҳар томонлама билим олган, тараққийпарвар, юксак ахлоқли, меҳнатга, ижодга берилган, ҳаёт гўзаллиги ва санъатни тушунган ўқувчини тарбиялашдир. Бу ҳамма хусусиятлар ва сифатлар унда унинг характери, дунёқарашининг, жисмоний ва маънавий хислатлари уйғунлигининг бутунлигида намоён бўлиши лозим.

Тил, адабиёт, тарих, ашула дарси, расм чизиш, жамиятшунослик, табиат ва математика каби фанлар бўйича ўқув режалари ва дастурлар ўқитиш жараёнидаги эстетик тарбия учун ҳам қўлланмадир. Аммо ана шу режа ва дастурлар қанчалик мукамал бўлмасин, улар ўқитувчининг ўрнини боса олмайди.

Яқин ўтмишда мактабдаги эстетик тарбияга фақат адабиёт, мусиқа, расм ўқитувчиларининг иши, деб қарардилар. Мактабда профессионал таълим дарсларининг жорий қилиниши муносабати билан гуманитар таълимнинг чекланганлиги эса эстетик тарбияни баъзан йўққа чиқарар эди. Ҳозир эстетик тарбияга муносабат тубдан ўзгарди. У бутун мактаб ғамхўрлиги остига олиниб, беистисно барча дарсларда ва дарсдан ташқаридаги барча тадбирлар тизимида олиб борилиши лозим. Турли фанлар бўйича дарсларда олиб бориладиган эстетик тарбия ҳақида гап борганда, улардан биронтасини камситмаслик керак. Дарсларда ҳамма нарса: табиатни ҳам, меҳнатни ҳам, санъат ҳам, инсоннинг ижтимоий фаолияти ҳам муҳимдир. Аммо ўз спецификаси бўйича эстетик тарбиянинг энг кенг тарқалган ва таъсирчан воситаси бадиий адабиётдир.

Адабиёт дарсларида аниқ ғоявий-бадиий анализни оддий ҳикоя қилиб бериш билан ёки унинг ғоявий мазмунини соддалашган социологик талқин билан алмаштирмаслик муҳим. Асар бир вақтда ижтимоий нуқтаи назардан ҳам, эстетик нуқтаи назардан ҳам анализ қилиниши лозим. Фақат шундай шароитдагина ўқувчилар классик асарларнинг ҳам, ҳозирги замон санъатининг ҳам эстетик ва ахлоқий идеалларининг моҳиятини ҳамда бадиий қийматини тушуна оладилар.

Табиатшунослик фани табиатдаги турли ходисаларни тушунтирганда, уларнинг инсонга эстетик таъсири ҳақида, табиатда ранг, нур, уйғунлик ва бирликнинг аҳамияти тўғрисида гапирмай илож йўқ. “Ҳаво” ёки сув ҳақида гапирганда табиатда бўёқ ва ранг турларининг пайдо бўлишида ҳамда уларнинг бадиий адабиётда акс этишида ҳавонинг аҳамиятини кўрсатиш мумкин. “Сув” эса табиатдаги физикавий ва химиявий хоссалар, қор учкунлари, дераза ойналаридаги қиш ясаган расмлар, булутлар, камалак, туман ва бошқа табиат гўзалликларининг пайдо бўлиши учун шароит яратиб берганлиги ҳақида ҳикоя қилиш мумкин. “Тоғ жинслари”ни (минераллар, металллар, кристаллар, қимматбаҳо тошларни) ўрганаётганда, уларнинг фақат табиий эстетик шакллари билан кўрсатиш билан чекламай, санъатда эстетик мақсадларда фойдаланиладиган турли табиий материаллар (лой, мрамор, гранит ва ҳоказолар)нинг хусусиятини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. “Ўсимликлар, ҳайвонлар ва ташқи муҳит”ни ўрганаётганда ҳам гўзаллик тушунчасининг ўзини ва моҳиятини ўқувчиларга тушунарли шаклда очиб бериш мумкин, чунки гўзаллик организм бирлигида, унинг формасидаги мақсадга мувофиқлик ва уйғунлигида намоён бўлади.

Географияда дарсларида ўқувчилар турли эстетик завқ уйғотувчи объективлар ва ходисалар – вулқонлар, тоғлар, океанлар, шаршаралар ҳақида тасаввур оладилар. География ўқитувчисининг вазифаси жонажон мамлакатимиз ва бошқа мамлакатлар табиати, денгизлар, тоғлар, ўрмонлар гўзаллигини кўрсатишдан иборат. Ўқувчиларни турли ландшафтлар билан таништирганда ҳам эстетик тарбия учун кўп имкониятлар бор.

Табиат, меҳнат гўзаллиги тўғрисидаги суҳбатларда музей, ҳайвонот боғига борганда, ўрмон, далаларга сайр қилганда, тарихий ва замонавий иншоатларга борганда олган таассуротларни мисол келтириш ўқувчиларда воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг эстетик аҳамияти ва ифода кучини кўриш эҳтиёжини тарбиялашга ёрдам беради. Ўқувчилар ҳаёт билан жонли алоқада бўлсалар, тасвирий санъат бўйича машғулотларда (хайкалчалар яшаш, аппликациялар қилиш, ўйинчоқ, қўғирчоқлар яшаш, натуранан расм чизиш) кўпгина кизиқарли шаклларни топа оладилар, санъат юзасидан фикр юритишга, рассом ғоясини анализ қилиш ва умумлаштиришга, чуқур ҳис этишга ўрганадилар.

Мактабда ўқувчининг онги ўсиб бориши, билим доирасининг кенгайиши билан, гўзалликнинг мақсадга мувофиқлигини кўпроқ тасаввур қила олиши билан унинг ўзи ўз меҳнати ва турмушига гўзаллик элементларини кирита бошлайди. Бунда педагогнинг ўқувчида ижодга, меҳнатга бўлган иштиёқини тўғри йўлга соли билиши, боланинг ҳавасини қўллаб-қувватлаш, меҳнат қилиш ва меҳнат жараёнининг ўзидан эстетик завқ олиш эҳтиёжини тарбия қили билиши жуда муҳимдир.

Ҳар бир ўқувчи ўз мактабининг чиройли бўлишини ва унинг ташқи ва ички безакларинигина эмас, балки ҳовлиси ҳамда мактаб тажриба майдони ва ҳоказоларнинг тартибли бўлишини, уларнинг эстетик дидни қондира олишини истайди. Меҳнат шароитининг гўзаллиги ҳам ўқувчиларда эстетик ҳисни тарбиялайди. У буюмларнинг уйғунлигини, уларнинг ранги, шакли, ҳажмининг, айрим қисмларнинг нисбатини кўриш қобилиятини ривожлантиради, чиройли буюмлар яратиш маҳоратидан завқланишга ўргатади. Ўқувчиларни меҳнат жараёнида эстетик тарбиялаш уларнинг ахлоқига, юриш-туриш маданиятига, ўзларининг ижтимоий бурчларига нисбатан муносабатларига ўзига хос таъсир кўрсатади.

Биз мактабда, дарсларда ва дарсдан ташқари вақтларда ўтиладиган эстетик тарбиянинг баъзи бир хиллари ва шаклларинигина кўрсатиб ўтдик. Аслида булар йил сайин ривожланиб, янги мазмун ва кўринишлар билан бойиб, сифат жиҳатидан ўзгарадилар. Ўқитувчи ўзининг амалий ишида қатъий бир қоидага, яъни мактабдаги эстетик тарбия у ёки бу айрим соҳада, санъатда, меҳнатда, ўқувчининг турмуш ва юриш-туришида кўрсатиладиган таъсиридангина иборат эмаслиги тўғрисидаги қоидага амал қилиши муҳим. Бунда шу барча соҳаларнинг мужассамлиги, ўқувчининг ҳаёт тарзи, фуқаролик бурчи билан ранг-баранг ва ҳар томонлама алоқалари чинакам гўзал, уйғун тараққий этган инсонни тарбиялашга ёрдам беради.

## TA'LIM-TARBIYA JARAYONINI SAMARALI TASHKIL ETISH

*G.A.Xolboyeva  
SamVXTXQTUMOI,  
T.Eshquvvatov  
SamDU*

Yosh avlodni zamon talablari darajasida o'qitish kelajakda barkamol inson, mustaqil fikrlovchi shaxs sifatida tarbiyalashdek murakkab masalalarni muvaffaqiyatli hal etish ko'p jihatdan o'qituvchining g'oyaviy e'tiqodi, kasbiy mahorati, bilimdonligi, pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanib o'quv-tarbiya jarayonini tashkil etishi va boshqarishiga bog'liqdir.

Pedagogik texnologiya o'z tizimiga ega bo'lib, unda komponentlar ketma-ketligi, o'zaro bog'liqligi, bir butunligi saqlanadi. O'quv-tarbiya jarayonida pedagogik texnologiyaning boshqaruvchanligi shundan iboratki, bunda o'quv jarayonini rejalashtirish, tashxis qilish, natijalash, tuzatish kiritish imkoniyatlari mavjud. Bunda ta'limda kutilgan natijalarga erishiladi, vaqt tejaladi. Pedagogik texnologiyaning tasdiqlanuvchanligi ishlangan model boshqa pedagoglar qo'llaganda ham xuddi ushunday samara, natija berishi kerakligini bildiradi. Bir so'z bilan aytganda, ta'lim

jarayoniga yangicha yondashib, ijodkorlik, bunyodkorlik tatbiq etilsagina, ta'lim samarali yangi bosqichga ko'tariladi, ya'ni:

- o'quvchining talabi, moyilligi, istak-xohishi uning imkoniyatlari darajasida qondiriladi;
- o'quvchining o'quv mehnatiga mas'uliyati, javobgarligi burchi oshadi;
- bilimlarni mustaqil egallash malakalari shakllanadi;
- unda umr bo'yi o'z bilimini o'ziga boyitishiga ishonch paydo bo'ladi;
- erkin fikrlash malakasi shakllanadi;
- shaxs sifatida jamiyatda o'zining o'rnini tezroq topib olishga muhit yaratiladi.

O'quv-tarbiya jarayonini texnologiyalashtirish ob'ektiv jarayon ekanligini, zamonaviyligi esa ilmiy-texnik taraqqiyot yo'nalishi bilan belgilanishi tan olgan holda pedagogik texnologiyaning o'ziga xos tomonlari va yaqin kelajakda u bilan bog'liq vazifalarga quyidagilarni kiritish mumkin:

- istiqbolli o'qitish va tarbiyalash vositalarini yaratish va ularga tayangan holda ilg'or pedagogik texnologiyalarni loyihalash, amaliyotga joriy etish, ommalashtirish va samarali aniqlash;
- pedagog–o'qituvchilarni ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalar bo'yicha yangi bilimlar tizimi bilan qurollantirishni uzluksiz tashkil etish;
- ilg'or o'qituvchilar va pedagoglar ish tajribalari va usullarini o'rganib borish, ular yaratgan yangi metodikalarni yangi pedagogik texnologiyalar darajasiga ko'tarish borasidagi ishlarni amalga oshirish.

Zamonaviy ta'limni tashkil etishda qo'yiladigan muhim talablardan biri ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishishdir. Bunday natijalarga erishish uchun o'qituvchilardan yuksak pedagogik mahorat hamda o'quv-tarbiya jarayonini samarali boshqarishga nisbatan yangicha yondoshuvni talab etadi.

Demak, pedagogik texnologiya o'z mohiyatiga ko'ra sub'ektiv xususiyatga ega, ya'ni har bir pedagog o'quv-tarbiya jarayonini o'z imkoniyati, kasbiy mahoratidan kelib chiqqan holda ijodiy va samarali tashkil etishi lozim. Qanday shakl, metod va vositalar yordamida tashkil etilishidan qat'i nazar pedagogik texnologiyalar:

- pedagogik faoliyat o'quv-tarbiya jarayonining samaradorligini oshirishi;
- o'qituvchi va o'qituvchilar orasida o'zaro hamkorlikni qaror toptirishi;
- o'quvchilar tomonidan o'quv fanlari bo'yicha puxta bilimlarning egallanishini ta'minlashi;
- o'quvchilarda mustaqil, erkin, ijodiy fikrlash ko'nikmalarini shakllantirishi;
- o'quvchilarning o'z imkoniyatlarini ro'yobga chiqara olishlari uchun zarur shart-sharoitlarni yaratilishidan iboratdir.

Ta'lim-tarbiya jarayonida yangicha pedagogik munosabatlarning vujudga kelishi o'quvchi shaxsiga tabaqalashgan yondashuv, ya'ni o'quv-jarayonini individuallashtirish tamoyilini ro'yobga chiqirish asosida o'quv-tarbiya jarayonini tashkil etishda:

- har bir o'quvchi shaxsining eng yaxshi sifatlarini aniqlash va uni rivojlantirish, ularning qiziqishlari, ehtiyojlari, tanlagan yo'nalishlari, shaxsiy sifatleri, aqliy intellektual xususiyatlarini aniqlash;
- har bir o'quvchining ehtiyoji, qiziqishi, iqtidori va imkoniyatiga yarasha o'quv topshiriqlarini tayyorlash;
- o'quv-tarbiya jarayonida o'quvchi shaxsini o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olish lozim.

Xulosa qilib aytganda, o'quv-tarbiya jarayonini samarali tashkil etish va boshqarishning muhim jihati sifatida fan o'qituvchilarning bilim, malaka, kasb-mahorati doirasida zamon talablariga muvofiq faoliyat ko'rsatishlarini ta'minlovchi uzluksiz metodik xizmatni vujudga keltirish zarur.



## ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

*З.Назарова  
Самарқанд ВХТҚТУМОИ*

Бугунги кунда таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар таълим мазмунини такомиллаштиришга оид қабул қилинган ҳукумат қарорлари, таълимни ҳаёт билан боғлашни, ўқитиш самарадорлигини оширишни, тез тараққий этиб бораётган жамият учун ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашни талаб қилмоқда.

Таълим соҳасидаги ислохотлар таълим муассасалари олдида бир қатор янги талабларни юзага келтирди. Уларнинг энг муҳимларидан бири сифатида таълим–тарбия жараёни учун энг самарали ҳисобланган янгиликларни амалиётга татбиқ этиш. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам кўп маротаба замонавий педагогик технологияларни ўрганиб, уларни албатта ўқув жараёнига олиб кириш зарурлиги ўқтирилган. Ҳозирги кунда таълим тарбиянинг ривожланиши ва кўламларининг кенгайиб бориши бугунги кун ўқитувчиларидан амалий билимларни чуқурроқ сингдирилишини тақозо этади ва шу муносабатдан ўқув жараёнига педагогик технологияларни олиб кириш энг долзарб вазифалардан биридир.

Бугунги кунга келиб, таълимда ноанъавий илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Авваллари ўқиб, ёддан айтиб бериш, фақат ўқитувчи айтган нарсаларни эслаб қолиш ва қайта такрорлаб айтиб бериш кўникмалари бугун ўзининг салмоғини оқламапти. Ҳозирги кунда ўқувчиларнинг изланувчанлиги, қизиқувчанлиги кун сайин ортиб бормоқдаки, бу ўқитувчининг зиммасига катта масъулиятни юклайди. Билишимиз керакки, ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш фанларни мукамал ўрганишга замин яратади. Ўқитувчи ўқувчиларга аниқ маълумот, яъни билим бериш учун педагогик хусусиятларини мукамал ўрганиши зарур. Берилаётган маълумотлар аниқ илмий асосланган бўлиши билан бирга, тизимлаштирилган, самараси кафолатли бўлиши керак. Таълим–тарбия жараёнининг самарадорлиги, унинг мазмуни кўп жиҳатдан методик хизмат тизимининг изчил йўлга қўйилишига боғлиқ. Таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган илғор педагогик технологияларни танлаш ва жорий этиш, методик қўлланмалар, дарс ишланмалари, машғулотлар тўплами, ҳар хил назорат ишлари топшириқ тўпламлари каби методик ишларни тайёрлаш, жойларга етказиш, синфда ва синфдан ташқари дарсларни олиб бориш учун методик тавсиялар ва адабиётлар яратиш илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш ҳар бир педагогнинг олий вазифасидир.

Таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб дарслар ўтиш ўқувчиларнинг жуфтликларда, гуруҳларда ва жамоа бўлиб ишлаш кўникмаларини ривожлантириб борадилар. Таълим жараёнида таълим оловчиларни фаоллаштириш дидактиканинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Фаоллаштириш жараёни эса таълим оловчиларга мақсадли таъсир кўрсатиш орқали ўқитиш жараёнининг самарали ташкил этилишидир. Қуйида биз сизга бир нечта таълим жараёнини фаоллаштирувчи методларни тавсия қилмоқчимиз. Масалан,

### **“Барча омилларни ҳисобга ол!” (БОҲО) методи.**

БОҲО - бу шахс эътиборини муайян омилларга қаратишга хизмат қилувчи метод саналиб, уни қўллашдан кўзланган мақсад шахс онгини ривожлантириш, тасаввурини кенгайтириш, тафаккурини бойитишдир. Метод қанчалик аниқ мақсад асосида қўлланилса, унинг самарадорлиги шунча юқори бўлади. Агар ўқувчи у ёки бу фикрни очик айтишга тортинса, у холда методни қўллаш ҳеч қандай самара бермайди. Машғулотлар жараёнида методдан фойдаланишда қуйидаги саволларга жавоб топган ҳолда мавзунини самарали ўзлаштириш имконини берадиган омилларнинг рўйхатини тузиб олиш мақсадга мувофиқдир:

1.Мавзуни ўзлаштиришда қайси омиллар ҳисобга олинди ?
2.Мавзуни ўзлаштиришда қандай омиллар ҳисобга олинмади ?
3.Рўйхатга яна қандай омилларни киритиш мумкин ?
4.Масаланинг яна қайси жиҳатларига эътибор бериш зарур ?

**“Видеотопишмоқ” методи.** Сўнгги йилларда педагогик фаолиятда турли ахборот воситалар (компьютер, телевидение, радио, нусха кўчирувчи қурилма, слайд, видео ва аудио магнитофонлар) ёрдамида таълим жараёни ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқитувчилар олдида ўқитишда турли ахборот воситаларидан ўринли, мақсадли, самарали фойдаланиш вазифаси турибди. Методдан фойдаланишда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади: Ўқувчиларга ўрганилаётган мавзу моҳиятини тасвирий ёритишга ёрдам берувчи изоҳларсиз бир нечта видеоларча намойиш қилинади. Ўқувчилар ҳар бир лавҳада қандай жараён акс эттирилганлигини изоҳлайди. Ўқувчи видео лавҳаларда акс этган жараён, ҳодиса ёки воқеликларнинг моҳиятини дафтарларига қайд этади. Ўқувчилар ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб қайтаради. Видеоларчалар намойиш қилинган, ўқувчилардан лавҳада қандай жараён, ҳодиса ёки воқелик акс этганлиги, қайси бадиий асар қаҳрамони ёки тарихий шахс ифодаланганлиги юзасидан мушоҳада юритиш талаб қилинади. Видеотопишмоқнинг жавобини топиш орқали ўқувчилар ўрганиладиган янги мавзу ҳақида тасаввурга эга бўлади.

**“Галерея” методи.** Ушбу метод ўқувчиларда кичик гуруҳ асосида бир йўла бир нечта масалани муҳокама қилиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси таклиф этилган барча масалалар ечимини топишга ўз ҳиссасини қўшиш имкониятига эга бўлади. Машғулотлар даврида “Галерея” методидан фойдаланиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

**1-босқич** - масалани қўйиш (ўқитувчи кичик гуруҳларга муайян муаммо (у ёки масала)ни ҳал қилиш топшириғини беради

**2-босқич** - ҳар бир гуруҳ ўзига топширилган масаланинг ечимини топиш устида ишлайди (бу жараён 5-10 дақиқа ичида кечади).

**3-босқич** - ҳар бир гуруҳ навбати билан 2- 3- ва 4-гуруҳга топширилган муаммонинг ечимини топишга киришади (гуруҳлар ҳаракати доира тарзида соат стрелкаси бўйича амалга оширилади; бир гуруҳ бошқа гуруҳларнинг ечимларини ўрганади, уларга нисбатан ўз муносабатини билдиради; қўшимчалар киритади).

**4-босқич** - гуруҳ ўз ўрнига қайтади.

**5-босқич** - ҳар бир гуруҳдан бир нафар ўқувчи гуруҳ иши билан жамоани таништиради ва улар асосида муҳокама ташкил этилади.

**6-босқич** - муайян гуруҳ бошқа гуруҳларнинг ечимларига нисбатан ўзлари томонидан билдирилган мулоҳазаларни шарҳлайди.

**7-босқич** - гуруҳларнинг фикрларига кўра якуний хулосага келинади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таълим жараёнида илғор технологияларни қўллаш дарс жараёнини амалга ошириш ишини енгиллаштиради, шахсий маълумотлар банкини яратиш имкониятини беради.

## TA'LIM - TARBIYA JARAYONIDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARNING O'RNI

*Z.Jurayeva  
Samarqand VXTXQTMOI*

Muhtaram Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev ta'kidlaganidek: “Biz ta'lim va tarbiya tizimining barcha bo'g'inlari faoliyatini bugungi zamon talablari asosida takomillashtirishni o'zimizning birinchi darajali vazifamiz deb bilishimiz zarur”.

Bugungi kunda ilm-fan, texnika va ishlab chiqarish sohalarining tez sur'atlarda jadallik bilan rivojlanishi ta'lim tizimi xodimlaridan ta'lim-tarbiya sifatini mazmun jihatdan yangi bosqichga ko'tarishni talab etib, har bir tizim xodimi, ayniqsa, o'qituvchilar zimmasiga yanada yuksak ma'suliyat va vazifalarni yuklaydi.

Ta'lim-tarbiya tizimining bugungi kundagi asosiy vazifasi o'quvchilarni Vatanimizni sevadigan, o'z bilimi va iste'dodiga suyanadigan hamda zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalardan foydalangan holda mustaqil ravishda puxta bilim oladigan, O'zbekistonning qudratli davlat bo'lishiga o'z hissasini qo'shadigan, har tomonlama barkamol, sog'lom qilib tarbiyalashdan iborat. Mazkur vazifalar, eng avvalo, samarali darslar orqali amalga oshiriladi.

Taraqqiyot o'z shiddati bilan hayot tizimga kirib kelayotgan bir paytda murakkab texnika va texnologiyalar farzandlarimiz ong-u shuuridan ham mustahkam o'rin egallamoqda. Bunday vaziyatda o'quvchiga biror yangi bilim berish, uni o'qish va izlanishga o'rgatish uchun o'qituvchidan juda katta mahorat talab qilinmoqda. Tabiiyki, bu jarayon kasbini sevgan ardoqlagan, o'zini hurmat qilgan har bir pedagogni izlanishga, yangidan yangi pedagogik usul va uslublar, texnologiyalarni o'rganishga, kashf qilishga undamoqda.

O'qituvchi har doim yangilikka intilishi, o'zi tashkil etgan va boshqarayotgan jarayon orqali ko'zlangan maqsadga erishishi va barkamol shaxsning shakllanishiga imkoniyat yaratganiga ishonch hosil qilishi kerak.

Katta hajmdagi axborotlarni har bir o'quvchi qisqa vaqt mobaynida o'zlashtirishi va amaliy faoliyatida foydalana olishga o'rgatish zarur bo'ladi. Shuning uchun auditoriyalarda darsni shunday tashkil etish kerakki, unda har bir o'quvchi o'zini erkin his etib, faol ishtirok etsin, darsga qiziqish bilan yondashib, ijodiy fikrlasin, o'z mehnati samarasini ko'rib uni baholay olsin.

Zamonaviy texnologiyalar o'qituvchida ham yangicha usulda dars o'tish orqali, kompyuter taqdim etayotgan imkoniyatlar yorqin, rang-barang olamda o'z ishidan qoniqish, qiziqarli idrok etish jarayonlarida huzurlanish baxsh etadi.

Darsni innovatsion texnologiyalardan foydalanib o'tishda o'qituvchi o'z mehnatining ko'p qismini kompyuterga yuklashi mumkin. Bu bilan darsni yanada qiziqarli, rang-barang qilib, mazmunan boyitadi. O'qituvchi o'quvchining mehnatini o'z vaqtida xolisona baholab oladi. O'quvchilarga noan'anaviy saboq berish usullarini topishga ijodiy yondoshadi. Bu esa o'qituvchining kasbiy jahatdan rivojlanishiga asos bo'ladi.

Jahon andozalariga mos ravishda barpo etilgan umumta'lim maktablari, akademik litseylar, kasb-hunar kollejlari hamda oily ta'lim muassasalarining zamonaviy usullarda jihozlanishi, moddiy-texnik bazasining mustahkamlanishi, ilmga chanqoq yoshlarimizning chuqur bilim olishlariga, o'z iste'dodi va salohiyatini namoyon etishga, tanlangan mutaxassislik, kasb-hunar sirlarini puxta egallashiga yo'l ochmoqda. Bu o'z-o'zidan uzluksiz ta'lim tizimida erishilayotgan yutuqlarni ommalashtirish, amalga oshirilishi lozim bo'lgan ishlar ko'lamini belgilab olishni taqozo etadi.

Innovatsion texnologiyalar zamonaviy sharoitda nafaqat ta'lim jarayonini tashkil etishda, balki jamiyatimizning barcha qirralarida keng foydalanilmoqda. Ta'lim tizimini texnologiyalashtirish g'oyasi o'tgan asrning boshlarida G'arbiy Yevropa va AQSH da ta'lim tizimini isloh qilish, ta'lim samaradorligini oshirish, shaxsning ijtimoiylashuvini ta'minlash uchun shart-sharoitni yaratish borasidagi ijtimoiy harakat yuzaga kelgan davrda ilk bor o'rtaga tashlandi. Mazkur g'oya 1930-yillarda ta'lim jarayoniga "pedagogik texnika" ("ta'lim texnikasi") tushunchasining olib kirilishi bilan asoslandi. Ushbu davrlarda yaratilgan maxsus adabiyotlarda pedagogik ta'lim texnikasi tushunchasi "o'quv mashg'ulotlarini aniq va samarali tashkil etishga ko'maklashuvchi usul va vositalar yig'indisi" tarzida talqin etildi hamda o'quv jarayoniga o'quv va laboratoriya jihozlari kirib keldi, ulardan samarali, unumli foydalanish, material mazmunini ko'rsatmali qurollar yordamida tushuntirish kabi holatlar ta'lim samaradorligini oshirishga yordam beruvchi yetakchi omillardir deya baholash mumkin.

XX asrning 50-yillarida ta'lim jarayonida texnik vositalarni qo'llash "ta'lim texnologiyasi" yo'nalishini belgilab beruvchi omil deya e'tirof etildi, asosiy e'tibor tinglovchilar auditoriyasini kengaytirish texnik vositalarning imkoniyatlarini yanada takomillashtirish, ularning axborot

sig'imini kengaytirish, axborotlarni uzatish xizmatini sifatli tashkil etish, ta'lim olishni individuallashtirish kabi masalalarga qaratildi. Bu borada olib borilgan tadqiqotlarning obyekti, tayanch nuqtasi sifatida texnik vositalar imkoniyatlari, ularni takomillashtirish jarayoni qabul qilindi, shuningdek, o'quv jarayonini "texnologiyalashtirish"ning tashkiliy jihatlarini o'rganishga alohida urg'u berila boshlandi.

Xulosa qilib aytishimiz mumkinki, bir so'z bilan aytganda, ta'lim-tarbiya tizimida zamonaviy texnologiyalardan foydalanish o'z samarasini berib kelmoqda. Hozirgi kunga kelib respublikamizda jahon adoalariga mos qilib barcha ta'lim (oliy, o'rta maxsus, umuta'lim maktab va maktabgacha ta'lim) tizimlarida zamonaviy texnologiyalardan keng ma'noda foydalanish yo'lga qo'yilgan. Ayniqsa, ta'lim tizimida har bir pedogog xodim auditoriyalarda fanga oid har bir mavzusini taqdimot va proyektor bilan darsni tashkillashtirish ana'naviy tusga kirgan. Bundan tashqari, o'qituvchilar elektron dars ishlanma, elektron darslik va multimediali darsliklar orqali ko'radi ham eshitish imkoniyatiga ega bo'ladi.

### АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “МУҲОКАМАТУЛ-ЛУҒАТАЙИН” АСАРИНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Р.А.Сувонова  
СамДУ*

Навоийшунос олимларимиз шоир асарларини ўрганиб, унинг замондошлари ёзиб қолдирган адабий, тарихий, меъмуар асарларга суяниб, бу асарлардан танқидий фойдаланган ҳолда, Навоий ҳаёт йўлини ёритувчи кўплаб асарлар яратдилар. Кўзга кўринган шарқшунос ва адабиётшунос олимлар В. Бартольд, Э.Бертельс, А.Боровков, С.Айний, О.Шарафитдинов, Ойбек, М. Шайхзода, В. Зоҳидов, В. Абдуллаев, И.Султонов, Ҳ.Сулаймонов, А.Ҳайитметов, Н.Маллаев, А.Қаюмов ва бошқаларнинг Навоий ҳаёти ва ижодини ёритувчи илмий ишлари шулар жумласидандир. Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш давом этмоқда. Навоийшунослигимиз бугунги кунда тобора ривожланиб, улкан ютуқларни қўлга киритмоқда.

Алишер Навоий: "Умидим улдурки ва ҳаёлимга андоқ келурки, сўзим мартабаси авждан қуйи энмагай ва бу ёзган асарларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ерни ёқтирмагай" деб элга манзур бўлган, мазмунан бой, шаклан мумтоз асарлари билан ҳақли равишда фахрланган эди. Шоир янглишмади. Ўлмас асарлари билан ўз халқи адабиётини жаҳон адабиёти миқёсига кўтариб, жаҳон адабиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган, асарлар эъзози ва таъзимига сазовор бўлиб келган Алишер Навоий орзулари айниқса бизнинг замонамизда рўёбга чиқди, шоир асарлари қадрланиб, юксак баҳоланмоқда.

Буюк мутаффақир Алишер Навоий ўзининг луғатчилик ва грамматика соҳасида ҳам, ярим асрлик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўзининг "Муҳокама тул-луғатайин" асарини яратди. Бу асарда А.Навоий эски ўзбек тили билан форс-тожик тилини бир-бирига чоғиштиради ва ноқардош тилларни қиёсий ўрганиш методини бошлаб берди. Ўзбек тилини форс-тожик тили билан чоғиштирар экан, ўзбек тилининг ҳам бой имкониятлари мавжудлигини кўрсатиб беради.

А.Навоийнинг "Муҳокама тул-луғатайин" асарининг муқаддимасида шундай дейдилар: "Тақаллум аҳли хирманининг ҳаёша чини ва сўз, дурри самини маҳзанининг амини ва назм гулистонинг андалиби нағма саройи, яъни Алишер алмутахаллас бин-Навоий....мумдоқ арз қилурким, сўз дурредурким, анинг дарёси кўнгилдур ва кўнгул мазҳаредурким, жамии маонийи жузв ва кулдур.

Андоқки, дарёдин гавҳар ғаввос воситаси била жилва намойиш қилур ва анинг қиймати жавҳариға кўра зоҳир бўлур".

А.Навоий бу асарида тилларни қиёсий ўрганиш билан бирга, китобда умумий тилшуносликка доир фикрларни ҳам келтиради. Асарда тил ва таффакурни боғлиқлиги тилларнинг келиб чиқишини афсоналарга боғлайди.

А.Навоий “Муҳокаматул-луғатайн” асарида келтирган ва туркология тарихи учун қимматли бўлган фикрлари куйидагилардан иборат:

1.Ўзбек тилини форс-тожик тили билан чоғиштириб, унинг форс тилидан қолишмаслиги кўрсатиб, ўзбек тилида асарлар яратган ёзувчиларни рағбатлантиради.

2.А.Навоий икки тилни чоғиштирганда ўзбек тили луғат бойлигини устунлигини кўрсатди.

3. Асарда ўзбек тилининг тарихий фонетикасига доир оригинал фикрлар беради.

4.А.Навоий асарда ўзбек ва форс тилларнинг қиёслар экан, ўзбек тили услубиятига хос хусусиятларни ҳам баён этади.

А.Навоий даврда ва ундан кейин унинг асарлари тил ҳақида бир қанча луғатлар тузилди. Шу аснода А.Навоий тилидаги лексик ва грамматик материаллар йиғилди. Бундай асарлар қаторига “Абушқа” луғатини, М.Меҳдихонинг “Санглоҳ” луғатини, Фазлуллохоннинг “Луғати туркий”, Ёқиб Чингийнинг “Келурнома” асарларини кўрсатиш мумкин. Бу асарларда умумтуркий тилларга хос бўлган баъзи хусусиятлар баён этилган, фактик материаллар эса А.Навоий асарлардан олинган.

А. Навоийнинг “Муҳокаматул-луғатайн” асарида мисоллар келтирамиз ва изоҳлаймиз: **Абкор** - қизлар, тоза. **Абр** - булут; абри баҳор-баҳор булут. **Азим** - улў, катта,азим. **Амик** - чуқур. **Баёз** - оқ. **Базл** - ҳиммат,қўли очиклик,ғайрат. **Баҳойим** - тўрт оёқли ҳайвонлар. **Улус** - халқ. **Уммон** - дарё номи, умуман дарё. **Уқубат** - азоб. **Фузалo** - фозиллар, илм ахиллари. **Фавоид** - катта фойдалар. **Волид** - ота. **Волида** - она. **Даъб** - одат. **Дақиқ** -нозик, ингичка (кўплиги-дақойиқ). **Донниш** - билим. **Кавкаба** - юлдуз. **Калом** - сўз. **Коҳин** - мажусийларда дин бошлиғи. **Кушта** – ўлган. **Кухулат** – қарилик. **Лавн** - ранг, тус. **Лажож** – ўжарлик. **Лайл** - кеча, тун. **Лаъл** - қийматли қизил тош. **Латойиф** - латифалар, кизиқ сўзлар. **Лафс** - сўз, (оғиздан чиққан сўз). **Лисон** – тил. **Лойиҳ** - очик, равшан. **Наввоб** - ноиблар, подшоҳ номидан. **Нависанда** – ёзувчи. **Наво** - куй, сайраш. **Назр** – тенг. **Наҳор** – кундуз. **Нафаҳот** - яхши ҳидлар. **Низом** - тартиб, қоида. **Нифоқ** - икки юзлилик. **Обдор** - сувли, ўткир маъноли. **Ораз** - юз, чехра. **Ораста** - безанган, ясалган. **Пайрав** - эргашувчи, изидан борувчи. **Равза** – боғ. **Рисолат** – элчилик. **Сабоқ** – дарс. **Салоҳ** - яхши, тузук. **Сухан** - сўз, сўзлашиш.

“Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топмасам“ каби минглаб мисрлари қатида биз тўла англаб етолмаган, сув остиндаги дур мисоли, ҳар бири бир китоб бўлгулик ҳикматлари борлиги рост. Ўшал ҳикматлар йўлчиноқ янглиғ умр йўлларини ёритиши аниқ.

Хуллас, Алишер Навоий ўзбек тилининг имкониятларидан фойдаланиб ўзининг мазкур “Муҳокаматул-луғатайн” асарни яратади ва шоир таъкидлаганидек, унинг сўзларини мартабаси юқоридан пастга тушмайди. Ҳозирги кунга қадар сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг ушбу асари ўз қийматини сақлаган ҳолда тилшунослар учун ҳам дастуруламал вазифасини бажариб келмоқда.

## TA'LIM TIZIMIDA RANGSHUNOSLIK FANINI O'QITISHNING AHAMIYATI

*A.Raimov  
Samarqand viloyati Pastdarg`om tumani  
45-maktab*

Rangshunoslik fani insonni qadimdan qiziqtirib kelgan. Inson har doim o`z hayoti davrida tevarak-atrofi, muhiti rangli buyumlardan, manzaralardan, shakllardan, kiyim-kechaklardan va shu kabilardan tashkil topganini ko`radi, ulardan ma`naviy, ruhiy ozuqa oladi.

Alisher Navoiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Kamoliddin Behzod, Firdavsiy, Zahiriddin Muhammad Bobur kabi buyuk allomalimiz rang, uning turlari, nomlari, ramziy ma'nolari, inson sog'ligiga ta'siri va boshqalar haqida ko'plab yozishgan. Chunonchi, Abu Rayhon Beruniy "Kitob al-Javohir-ma'rifat al- Javohir" ("Mineralogiya") asarida ranglarning 200 dan ortiq nomlarini sanab o'tgan va bu ranglarning kelib chiqishi to'g'risida yozib qoldirgan.

Rang haqidagi tadqiqotlar buyuk olimlar va rassomlar diqqat-e'tiborida bo'lgan. Leon Batista Alberti, Piero della Franchesko, Leonardo da Vinchi, Albrect Dyurer kabi rassomlar, Isaak Nyuton, Mixail Lomonosov kabi olimlar ranglarning mohiyatini tushuntirishga bag'ishlangan asarlar yozib qoldirganlar.

"Rang" atamasi to'rtta harfdan iborat bo'lsa-da, uning ma'nosi, mohiyati beqiyosdir. Shuning uchun "Rangshunoslik fani yuzaga keldi. Rang inson hayotida cheksiz ahamiyatga ega. Hozirgi paytda bir qancha davlatlarda maxsus rang institutlari va ilmiy laboratoriyalar ishlab kelmoqda. Ayniqsa, Yaponiyaning Tokio shahridagi Rang instituti dunyoga mashhur. Dunyoning taniqli olimlari tomonidan rang orqali ramziy ma'noda gapirish; ranglar yositasida insonlarni davolash; tarbiyalash; ranglar jilvasi orqali falsafiy fikr berish; rang orqali insonning ichki dunyosini bilish; qishloq xo'jalik mahsulotlari unumdorligini oshirish; insonlarning ma'naviyatini shakllantirish va boshqa masalalar o'rganilmoqda.

Respublikamizda ham bu sohada yuqori va ma'rifatli kadrlarni yetishtirish, ilm sohiblari safini kengaytirish maqsadida bir qator vazifalar amalga oshirilmoqda. Inson umrining har lahzasida uchraydigan rang ularning ma'naviyatini shakllantirishda muhim rol o'ynaydi. Chunki rang ruhiyatga har daqiqada ijobiy yoki salbiy ta'sir etishi mumkin. Yorug'lik bor joyda rang bo'ladi. Chunonchi kechqurun uyingizda chiroq o'chib qoldi deylik, hamma joy qop-qora zulmat bo'lib ko'rinadi. Siz siqilasiz, tushkunlikka tushasiz, natijada insonda mavhumlik hissi paydo bo'ladi. Ko'z qorachig'i kattalashadi, yurak urishi o'zgaradi, bu holat kishilarning sog'lig'iga salbiy ta'sir etadi. Buning aksini olaylik, har bahorda lola sayliga chiqqaningizda, toza havodan tashqari, qir-adirlardagi turli rangdagi gullarni, maysalarni, musaffo osmonni, tog' cho'qqisidagi oppoq qorlarni ko'rib, ruhingiz ko'tariladi, hayotga va tabiatga bo'lgan muhabbatigiz oshadi. Shuning uchun ham qadimiy qo'lyozmalarimizda yozilganidek, tabiblarimiz erta bahorda qir-adirlarga sayohat qilishni tavsiya berganlar.

Ajdodlarimiz bizga rang va uning inson hayotidagi o'rni, shifoviy, tarbiyaviy, falsafiy, ruhiy tomonlari haqida juda ko'p ma'naviy xazinalarini qoldirganlar. Afsuski, bu ma'naviy merosdan to'liq foydalana olmayapmiz. Chunonchi, ta'lim tizimi, tibbiyot, texnika, qishloq xo'jaligi, iqtisod va boshqa sohalarda bu masalaga juda kam e'tibor berilmoqda. Holbuki, jahonning rivojlangan mamlakatlarida rang masalasiga juda ratta ahamiyat beriladi. Hattoki, rangshunoslikka oid ilmiy muassasalar faoliyat yuritadi, hamma sohalarda: maorif, tabiiyot, iqtisod, texnikada ham ranglarni o'rganish masalasida yetuk olimlar juda katta fundamental ilmiy tadqiqot ishlarini olib bormoqdalar. Markaziy Osiyoda ota-bobolarimiz qoldirgan ma'naviy merosdan to'liq foydalanmasligimiz, rangshunoslik bo'yicha birorta olim yetishib chiqmaganligi achinarli holdir.

Qadimgi ajdodlarimiz quyosh tushgan uyda yashagan odamning tani sog', umri esa uzun bo'ladi, deganlar. Chunki, quyosh tushgan xonada mikroblar kam bo'ladi. Biologiya fanidan ma'lumki, o'simliklarda xlorofil moddasi kamaysa, ular rangsiz, nimjon bo'lib o'sadilar va hattoki meva bermaydi. Odam ham yorug'lik tushmagan joyda ishlasa yoki yashasa, nimjon, rangsiz, kuchsiz bo'ladi.

Har bir binoning ichki va tashqi qismi o'z mazmunidan kelib chiqib turlicha bo'yaladi. Bolalar rangni kattalarga nisbatan boshqacharoq sezadi. Bu haqda Belarus olimlari 7 yoshdan 15 yoshgacha bo'lgan uch mingdan ortiq boladan so'rab, so'ng xulosa chiqarganlar. Binobarin, bolalar iliq xonalarda o'zlarini yaxshi his etganlar. O'smirlarning 7 foizi esa moviy ranglarni afzal ko'rar ekan. Shu sababli quyi sinflarni sariq, pushti rangga, o'smirlar o'qiydigan xonalarni esa sovuqroq – moviy rangga bo'yash tavsiya etiladi.

Nyu-York universitetining professori, Amerika psixologlar assotsiatsiyasining ayol va ruhiy siqilish muammolari bo'yicha faoliyat ko'rsatadigan milliy ishchi guruhining raisi Ellen Makgram:

“O`z his-tuyg`ularingni namoyon qilishning eng yaxshi shakli – bu yozish va rasm chizishdir. Agar siz nimadandir siqilsangiz, darrov o`ting va rasm chizishga kirishing. Shunda sizning ruhiy siqilishingiz qog`ozda qanday aks etishini va undan osongina qutilishingizni ko`rasiz. Bunda ko`proq turli ranglardagi qalamlardan foydalaning. Qizil rangni ko`p ishlatsangiz, g`azabingizdan, qora rang - g`amgingizdan, kul rang - toqatsizlikdan darak beradi”, – deydi.

Rossiya maktablaridan birida boshlang`ich sinflarda dars olib borgan o`qituvchi ayol mashg`ulotlarida bolalar xushchaqchaq bo`lmay, doim o`qituvchisiga e`tiborsiz bo`lganlar. O`qituvchi bu haqda ruhshunosga borib maslahat so`raydi. Savol-javoblardan so`ng shu narsa aniqlanadiki, o`qituvchi ayol doim bir xil-qora, qo`ng`ir, ko`rimsiz ko`ylak kiyib maktabga boradi. Muallima yorqin rangda kiyingan kuniyoq o`quvchilar uni birdaniga yoqtirib qoladilar, deyarli hamma o`quvchilar unga yopishib oladilar, doim hurmat qilib, darsda jim o`tirib, vazifalarni yaxshi va a`lo bajaradilar.

O`quvchi yoshlarga zaruriy ta`lim-tarbiya berish, ularni har tomonlama badiiy va estetik ruhda tarbiyalab voyaga etkazish, milliy madaniyatimiz va san`atimiz, xususan, tasviriy san`atimizni o`rgatish muhim vazifalardan sanaladi. Shu o`rinda, maktablarda, o`rta maxsus va oliy o`quv yurtlarida yoshlarga rang va uning xususiyatlarini, ya`ni rangshunoslik fanini sifatli qilib o`rgatish maqsadga muvofiqdir.

## БАДИЙ ВАҚТ: ХАРАКТЕР ВА РУҲИЯТ ТАСВИРИ

*А.Насиров  
СамДУ*

Асрлар давомида маълум бир макон ва замонда ҳаракат этган инсонга ўз даврининг хусусиятлари таъсир этади. Шахс характери, рухий оламининг шаклланишида атроф муҳит, ижтимоий борлиқ ўзининг сезиларли таъсирини ўтказди. Бадий асар сюжетидан ўрин олган воқеалар эса қайсидир замон ва маконда аксини топади. Бу хусусият ижтимоий муҳит билан диалектик бирликда бўлган инсон характери унинг замирида шаклланиб боришидан далолат беради, чунки асар қахрамони замон ва маконда ҳаракат қилади ва асар сюжетидан ўрин олади. Бадий асарда қахрамон характери, рухий қиёфаси фақат ўзаро алоқадорлик орқали очилмайди, балки персонажнинг образга муносабати ҳам талқинда муҳим роль ўйнайди. Бу жиҳат жонли мулоқот кескинлиги ёхуд ички олам қарама-қаршиликлари тарзида бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан истеъдодли ижодкор Одил Ёқубовнинг ромарларига назар ташласак, бадий вақт концепциясининг талқинида инсоннинг турли характер хусусиятларини ёритиб берган. Адибнинг “Диёнат” романида ҳам мураккаб даврининг турфа хил жиҳатлари билан биргаликда, ҳаётининг зиддиятларнинг талқинини кузатамиз. Бу тасвир хусусияти асардаги бир қатор образлардаб уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрниб маънавий оламидаги эврилишарда кузарилади. Романдаги Воҳид Миробидов нуфузи орта сайин сохталашиб, ўзилигини йўқотиб инсоний хислатлардан аста-секин узоклашади. Иззатгалаб, манфаатпараст ва худбин қайнотасига баҳо бераётган Шукуров даҳшатга тушади. «Эски белбоғ, эски тўн!» ибораси давр ва шахс психологиясини ёритишга хизмат қилган.

Афсус надоматга йўғирилган ҳиссиёт қахрамоннинг «қани энди бу одам ҳам домла Шомуродовдай мард, танти, диёнатли бир инсон, пок бир олим бўлса» эътирофи туғёнга айланади. Яъни, образ бутун умри давомида нафақат турмуш, ҳатто илм-фанда ҳам кинғир йўллардан бориб, иззат-икромга эришиш мумкин, деб ўйлаши манфаатпарастлик ақидаси инсон онг-шуурини тўлиқ қамраб олганлигини кўрсатади. Албатта, мазкур ҳолат одамзот табиати ва муҳит моҳиятидан келиб чиқадиган тўлақонли ҳодиса, биринчидан, бутун ҳаёти давомида адашган, ўз ақидаларига таяниб яшаган инсон бирдан тузалиб қолиши, ҳаётида кескин ўзгариш ясаши мумкин эмаслигини ҳис этамиз, иккинчидан, қахрамон рухий дунёси зиддиятлари фақат кучли ирода соҳибларидагина кузатилади, учинчидан, узун-юлук

хотиралар ботиний мантикийлиги ғоявий-бадий тамойиллар уйғунлигидан озикланади. Аслида шахсни жамиятдан, жамиятни шахсдан ажратилган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Инсоннинг ўз-ўзини шахс сифатида шакллантира бориши мураккаб жараён, чунки ҳар қандай шахс мураккаб ижтимоий муҳит таъсирида бўлса, характер хусусиятига ўз таъсирини ўтказди. Шу маънода, тасвирда биқик, мураккаб ҳаётнинг типик вакилини шахс даражасида кўрмаймиз. Вазиятга қараб ўзгарувчан, ҳаётни манфаат ва худбинлик нуқтаи назаридан баҳолашга мойил Воҳид Миробидов ёши бир жойга етганда ҳақиқатнинг кудратини ҳис қилади. Ижтимоий муҳитда руҳий тозариш фасли бошланади: йўл кўйилган хато-камчиликлар қайта кўтарилаётган, ҳам жамият, ҳам шахс психологияси тафтишга тортилаётган руҳий изтироблар қахрамон учун таҳликали вазиятни юзага чиқаради. Муаллиф турфа тасаввур чизиклари воситасида одамзот феъл-атворини онг бошқаришини қайд қилади.

Адабиётшунос А.Расулов қайд қилганидек: «Характер моҳиятини тўғри белгилаган ёзувчигина қахрамондаги ички зиддиятни ишонарли тасвирлай олади... Характер моҳиятининг аниқ белгилаганлигини қахрамондаги ҳаракат, феъл-атвор, гап-сўз, ташқи аро бирликнинг вужудга келишида сезиш мумкин. Яъни психологик белгиларнинг беҳато тасвирида характер моҳияти очилади»(1,186-бет).

Асар сюжетида манфаат ва ғараз заҳарлаган дунёқараш хусусияти ёвузлик, розолат ҳамда лоқайдлик сингари салбий иллатларни қахрамон руҳий кечинмаларидаги изтироблар асосида талқин этади.

«Ё тавба! Яна ўша гап! Эски белбоғ, эски тўп! Ажабо, бу ўй, унинг кўлидан ҳамма нарса келади, истаса ҳар қанақа қонунни оёқ ости қилиб, ҳар қанақа жиноятни ҳам босди-босди қилиб юбора олади, деган бу чиркин фикр бу одамларнинг онгида қачон туғилиб, қачон қон-қонига сингиб кетдийкин? Давлат милицияси эмас, унинг Аброр Шукуровичнинг милицияси эмиш! Ёши олтмишдан ошган кап-катта бир олимнинг гапи шу бўлса!.. Олим эмиш! Олим бўлса, ҳозир шу гапни гапирармиди? – Шукуровнинг эсига яна лоп этиб Тошкентда, домла Шомуродовнинг уйида бўлиб ўтган гаплар тушди, тушди-ю, кўнглида жўш урган туғён афсус-надоматга ўхшаш бир туйғу билан алмашинди. –Қани энди бу одам ҳам домла Шомуродовдай мард, танти, диёнатли бир инсон, пок бир олим бўлса! Аброр Шукурович ундан фахрланиб, бошига кўтариб юрмасмиди? Бу одам эса... олтмишдан ошганда орттирган имону эътиқоди бу бўлса? Нафақат турмуш, илм-фанда ҳам кинғир йўллардан бориб, иззат-икромга эришиш мумкин деб ўйласа? Палапартиш ёзилган юзаки бир асарини ўзи кўтар-кўтар қилиб, ўзига-ўзи мукофот уюштириб юрса? Ўз ёшига, олим деган шарафли номга номуносиб ишлар қилиб юрса? Қачон ақл киради, қачон инсофга келади бу одам? »(2,325-бет). Қалбида кечаётган туғёнлар Аброр Шукуровнинг ўтган замонга жиддийроқ назар ташлашга мажбур қилади. Асар қахрамонинг хаёлан замонга ва шахс характериға мунасобати орқали ёзувчи ўша давр муҳитини ҳам ёрита олган. Бу тасвирнинг психологик негизларини матн характеридадан ўсиб чиқадиган қахрамон кайфияти, руҳий ҳолати ташкил этади.

Адабиётшунос Илҳом Ғаниев таъкидлаганидек: «Ғам, алам, ҳасрат, таҳқир, сўнгсиз хўрликлар одамни ўзига келтириб туради. Одам ҳақиқатдан ҳам сирли хилқат бўлгани боис у шодлик кунларида ўз асидан узоқлашади. Кетма-кет келадиган шодлик, шухрат инсонни ўзига алдатиб, ҳаволатиб, маънавий гўзалликлардан кўринмас парда билан тўса бошлайди. Устма-уст келадиган шодликлар инсон қалб кўзини занглашиб қўйиш хавфиға эга» (3, 14-бет). Қайд қилинганидек, Воҳид Миробидов ўз даврининг муҳитида тарбияланган, ҳаётдаги зиддиятларға эмас, аксинча, манфатини ўйлаб ҳеч қандай разилликдан қайтмайдиган шахс эди, аммо муҳит ўзгарди, инсонинг олам ва одам ҳақидаги қарашлари теранлаша бошлаган бир вақтда ҳали ҳам ҳақиқатни тан олгиси келмасди. Бу ҳолатни куёви Аброр Шукуров билан бўлган мулоқатда теранроқ англаш мумкин: «...Сиз тушунган, катта одам бўлгансиз-у, ҳар қандай қонунни оёқ ости қилиш мумкин, деб ўйласангиз?.. Лоқал энди, ёшингиз бир жойга борганда бу гапларни гапирманг! Тўғрилиқни, инсофу адолатни ўйлайдиган пайтингиз



келди-ку, ахир!»(2,325-326-бетлар). Табиатан камгап туман раҳбари ички мулоҳазаларида турмушда рўй бераётган ҳодисаларга зийрак нигоҳ, онгли муносабат билан кўз ташланади. Бир-бирини мантиқан тўлдирадиган ботиний кечинмаларда драматизм, ҳатто трагик оҳанг хусусияти устуворлик қилади. Мантиқий бирлик, энг аввало, қаҳрамон кузатишлари ижодий мустақиллигига таянади. Ривоя худуди табиатини характер ички зиддиятлари бошқаради. Сокин ва алғов-далғов воқеаларга кескин муносабат тафсилотларни бир-бирига боғлашда муҳим ўрин тутди. Шу маънода, образ ботиний олами, руҳий жараён ва унинг мазмунини ифодалайди. Аспирант пайтидаёқ, Нормурод Шомуродов унинг характерини англаган эди. Шунинг учун ҳам, Воҳид Миробидовнинг олимлик салоҳиятига қарши чиққан, илмий иқтидорини манфаатга хизмат қилдиришни маслак сифатида танлаши, ўша муҳитнинг характерига мавжуд хислатлар билан етакчи шахсига айланишини сезарди.. Мазкур жиҳат йиллар ўтиши мобайнида тараққий топа боради. Нуктаи назар ва ички нутқ омухталигидан ташкил топган тасвирда қаҳрамон сохта олимнинг сифат кўрсаткичини очиб ташлайди. Ёзувчи одамлар қон-қонига сингиб кетган иллат, инсон ботинида устувор нуксонларни туб моҳиятига қадар муҳокама этади, уларни турфа нукталар: қаҳрамон нутқи, ижодкор фитрати ва фалсафий ақида, тушунчалар нисбатида имкон қадар баҳолайди.

Адабиётшунос Аҳмад Отабоев «Халқ романи» номли мақоласида шахс характерига урғу бериб ёзади: «Инсон табиати мураккаб. Кишида маълум бир ёшгача шаклланиб-етилган интеллектуал хусусиятлар у яшаган давр шароитининг маҳсули. Ҳаётда ситам кўриш, риёзат чекиш Шахс мақомига эришган инсон табиатида ғайриодатий хислатларнигина юзага чиқарганда эди, юксак инсоний фазилатлар тўғрисида сўзлаш ўринсиз бўларди». Ўтиборли жиҳати шундаки, санъаткор концепциясидан ўсиб чиқадиган эстетик воқелик муайян чорраҳаларда қаҳрамон нутқи билан кесишади.

Дарҳақиқат, романда бадий вақт бирлигини ифодалаш тизими сюжет ҳалқасини бошқаради. Унда даврий интизом бадий талқин хуснихатини ҳам шакллантиради, ҳам ривожлантиради. Шу маънода, адабий тақвим аниқ ижтимоий-тарихий шароитда маромига этади. Тасвир хронотопи жанрий-композицион бутунликни намоён этадиган муҳим поэтологик тушунча ҳисобланади. А. Тўйчиев макон ва замон хусусияти ҳақида шундй ёзади: «Бадий макон ва замон концепцияси ўзига хос ва буюк, чегарасиз ва тугалланмаган, айни пайтда сюжет воқеа-ҳодисалар ҳаракати ва кундалик реал маконий-замоний манзаралар билан боғлиқ бўлади. Шунингдек, географик худудий ҳаққоний реал макон ва замон концепцияси ҳам бадий асар учун муҳимдир. Макон ва замон романда ёзувчининг ёзувчининг ғоявий-бадий концепциясидан келиб чиқиб танланади»(4,67-бет).

Бадий адабиётда вақтни акс эттиришнинг турли шакллари мавжуд. М.Бахтин хронотоп тарихий қамров ифодаси эканлигини эътироф этса, Н.Гей эса соат, дарё, соя ва асарнинг композицион қурилишини асардаги вақтнинг тасвири билан чамбарчас алоқадорлигини алоҳида қайд этади. Б.Н.Путилов эпик дostonлардаги бадий вақтни бир неча аспектда ўрганиш мумкинлигини таъкидлаб ёзади: «*Биринчи баёний вақт. Икинчи сюжет вақти. Учинчи эпик вақт*»(5, 33-34-бетлар). Бу фикрларни инкор қилмаган ҳолда, биз макон ва замон муносабати мажозий белгиларидан ташқари санъаткор тўғридан-тўғри вақт ҳамда жўғрофий яхлитликка эришишини таъкидлаб кўрсатишимиз мумкин.

Ҳар бир адиб замонда хосланганлик даражаси ва ижодий мантиққа турлича муносабатда бўлади. Масалан: Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун»ида бир вақтда бўлиб ўтган воқеалар акс этган, Лев Толстой «Уруш ва тинчлик» романида эпик асарга хос жуда катта давр воқеалари, образлараро тизим қаламга олинган. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Одил Ёқубовнинг «Кўҳна дунё» романларида ҳам давр руҳияти ва макон кенглиги бир-бирига чамбарчас боғланиб кетган ҳолда талқин этилган.

Тарихий замон, маконий ифода вақт адабий бирлиги, тоифа ва турларини ўз ичига олиб, улар орқали кўриниш беради. Йирик эпик шаклларда адабий замон поэтикасидаги тарихий замон тарихий маконни юзага чиқаради.

Тарих узоқ ва яқин ўтмиши ҳар бир инсон тақдирига кириб ахлоқий ҳаётнинг маънавий асосига айланди. Бундай қарашлар санъатда ҳам ўз аксини топди. Тарихий замоннинг сўз санъатида тасвирланиши, ўз замонасининг ўзига хос белгиларига эга адабий қаҳрамонлар ҳаётидаги ролини кучайтиради.

## KASB-HUNARGA OID SO'ZLAR VA ULARNI O'RGATISH

*B. Bobobekova, D. Kamolxonov*

*Samarqand qurilish va milliy hunarmandchilik kolleji*

Ma'lumki, umumiy o'rta ta'limda o'quvchilarga beriladigan bilimlar bu davrda o'tiladigan fanlarning o'zaro bog'liqligi asosida mustahkamlab boriladi. Masalan, ona tili darslarida o'tilgan mavzular o'qish darslarida, o'qish darslarida o'rgatilgan bilimlar ona tili darslarida yanada chuqurlashtiriladi.

Ona tili darslarida tilning leksikologiya bo'limiga oid muayyan bilimlar berish ko'zda tutilgan. Biroq ona tili darslarida ko'proq so'zning leksik ma'nosi bilan bog'liq (o'z ma'no, ko'chma ma'no, ma'nodosh so'zlar, o'zaro zid ma'noli so'zlar kabi) hodisalarni o'rgatishga e'tibor qaratiladi. Tilning lug'at tarkibi, xususan, eskirgan so'zlar, yangi paydo bo'lgan so'zlar, o'zlashma so'zlar, shevaga xos so'zlar, kasb hunarga oid so'zlar kabi leksik qatlamlar haqida ko'proq o'qish darslarida o'rgatib boriladi. Bunda o'rganilayotgan asar matnini tahlil qilish asosida, ya'ni amaliy ishlar orqali nazariy bilimlar berib boriladi.

Darslik matnlarida kasb-hunar nomini bildiruvchi bastakor, bo'zchi, hakim, kitobdor, farmonbardor, lashkarboshi, munshiy, salloh, hattot, sarkarda, oshpaz, sharobkash, bog'bon, cho'pon, zargar, uzuk, bilakuzuk kabi bir qator so'zlar ham qo'llanilgan.

O'qituvchi kasb-hunarga oid so'zlar qo'llanilgan matn o'rganilganda bolalar e'tiborini shu so'zlarga qaratadi. Bizning ota-bobolarimiz juda ko'p hunarlar bilan shug'ullanganlar, masalan, chevarchilik, do'ppichilik, kosibchilik, zardo'zchilik, temirchilik, zargarlik, naqqoshlik, o'ymakorlik va boshqalar. Bu hunarlarning har birini o'ziga xos asbob-anjomlari bor. Hozirda bu hunarlar bilan shug'ullanuvchi kishilar kamayib ketganligi uchun ularning nomini ifodalovchi ko'pchilik so'zlarni hamma ham bilavermaydi. Jumladan, darsliklarda zargarlik atamallari ham ishlatilgan. Zargarlik buyumi yoki qismi nomini ifodalaydigan so'z to'g'ridan to'g'ri, o'zgarishsiz yangi ma'nosida qo'llanaveradi. Masalan,

<b>So'zning asl ma'nosi</b>	<b>Zargarlik ma'nosi</b>
Atirgul – tanasi tikanli, guli xushbo'y o'simlik va uning guli	Atirgul – bilaguzukning yuziga o'yilgan nafis naqsh elementi.
Qosh – qovoq tepasidagi tuklardan tashkil topgan oysimon tukli chiziq.	Qosh – ayollar qosh ustiga taqadigan ziynat buyumdan biri.
G'o'za – chigitdan o'sib chiqib paxta hosili beradigan, gulxayrilar oilasiga mansub, bir yillik madaniy o'simlik.	G'o'za – sochpopukdagi gul nomli qismning atrofiga osilgan, kattaligi moshday, to'garak, ichi hovol bo'lakchalar.
Qo'tir – badanda pufakchalar hosil qilib, qattiq qichishtiradigan yuqumli teri kasalligi.	Qo'tir – rejaga eritib quyilgan metalning yuzida paydo bo'lgan g'udur-budurlar.

So'zlarning ma'nolarini o'quvchiga to'g'ri o'rgatish ularning lug'at boyligini oshiradi. Kasb-hunarga oid so'zlarni o'rgatishda darslikda berilgan matnlar bilan chegaralanib qolmaslik

kerak. O'quvchilarga "Men sevgan kasb" mavzusida insho yozdirish orqali ham ularning kasb-hunarga oid bilimlarini va leksikasini boyitish mumkin. Demak, ona tili darslarida kasb-hunarga oid so'zlarni o'rgatishda quyidagi usullarni tavsiya etish mumkin:

1. Darslikdagi matnda qo'llanilgan kasb-hunarga oid so'zlar ustida ishlash.
2. O'quvchilarga "Men sevgan kasb" mavzusida insho yozdirish.
3. Mavzuga doir o'yin va topshiriqlarni bajarish.

O'quvchilarga kasb-hunar so'zlarini o'rgatish quyidagi amaliy ahamiyatga ega:

- Tilning leksik tarkibi haqida ma'lumot beriladi.
- O'quvchilarning so'z boyligi oshiriladi.
- O'quvchilarning borliq haqidagi bilimlari kengaytiriladi.
- Muayyan kasb egasi bo'lishga yo'naltiriladi.
- O'zbek milliy hunarmandchiligi haqida tasavvur hosil qilinadi.

Ana shunday dastlabki berilgan ma'lumot asosida ularning bilimlari kengaytirib boriladi, ya'ni yuqorida aytib o'tilgan navbatdagi matnlar o'rganilganida, albatta, kasb-hunar so'zlari haqidagi nazariy tushuncha esga olinadi.

### АБДУЛЛА ҚАҲҲОРНИНГ “ДАҲШАТ” ҲИКОЯСИ ТАҲЛИЛИГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

*М. Деҳқонова  
Фарғона ВХТХҚТУМОИ*

Ҳикоячилик жанрининг асл устаси бўлган Абдулла Қаҳҳор қисқа ва ихчам услуби орқали китобхонлар қалбидан чуқур ўрин эгаллаган. “Бадий асар сарлавҳасининг ихчам, лўнда, бетакрорлиги матннинг пишиқлигидан, системанинг мустаҳкамлигидан нишона”.<sup>1</sup> А.Қаҳҳорнинг ўзига хос бўлган йўналиши адабиёт бўстонида ёзувчига юлдузлик даражасини тақдим этди. Унинг ҳар бир ўткир сўзи замирида иккинчи бир маъно, иккинчи бир фикрлар дарёси тошиб туради. 30-йилларнинг ғам-ғуссага тўла манзараларини “Бемор”, “Анор”, “Ўғри” ҳикояларида батафсил очиб берган бўлса, 1960-йилларда ўзбек аёлининг ўтмишига оид “Даҳшат” ҳикоясини яратди.

Ҳикоя бир қарашда ўзбек аёлларининг туткинликда, қарамликда яшаган кундошлик азоби тўла ҳаётини акс эттиради. Ҳикоя эпиграфи қуйидагича: “Хотин-қизларнинг бурун замонда кўрган кунини билмайсизлар, қизларим, айтсам ишонмайсизлар”. (Тўраҳон ая) Эпиграфнинг мазмуниданоқ асарда жамиятнинг қора кунлари томонидан эзилган оддий, ночор халқ вакиллариининг бошига тушган, ишониш қийин бўлган оғир синовлар тасвирланганини сезиш қийин эмас. Ҳикояга китобхонлар томонидан турлича қарашлар билдирилган. Ёзувчи бу ҳақда шундай дейди: “1960-йилда ўзбек аёлининг ўтмишига оид “Даҳшат” деган бир ҳикоя ёзган эдим. Бу ҳикояда саккизта аёлни Олимбек Додҳонинг ҳарамига қамаб қўйганим бир аёлга ҳақорат бўлиб тушибди. Имзосиз, адрессиз юборилган хатда шундай сатрлар бор: “...ўтмишда шундоқ бўлса, эхтимол, бўлгандир, лекин ўзбек хотин-қизлари тарихининг шундоқ маломатли саҳифаларини ҳозир, бугунги кунда тирилтириш шартмиди? Сиз ўтмишни қаламга олганингизда баъзан уйдирмачиликка берилиб кетасиз...”

Ҳикояни ўқиган китобхоннинг хулосаси шундай бўлиши табиий. Лекин уни таҳлил қилган китобхон ҳикояни ўтмиш ўзбек аёли тақдири тасвири орқали ўтмишда халқимиз бошига қора кунларни солган қора тузум қурбонлари ҳаёти тасвири эканини англайди.

Ҳикоя икки ҳафтадан бери кўз очирмаётган кузак шамоли таърифи билан бошланади. Ҳикоянинг кузак шамоли билан бошланишида ҳам бир рамз бор. Ёзувчи кузак шамолини қаҳрамонлар ҳаётига тўсиқ ўрнида қўллайди. Шу ўринда кузак шамоли билан баҳор

1. Расулов А. Бадийлик безавол янгилик. Тошкент: Шарқ нашриёти, 2007.

шамолини қиёслаб кетамиз. Бу қиёслаш асарнинг мағзини топишимиз учун бевосита усул ҳисобланади.


<b>Баҳор шамоли</b>	<b>Кузак шамоли</b>
Табиатни уйғотади.	Табиатни тирикликдан тўхтатади.
Ҳаётга қизиқишни орттиради.	Инсонни умидсизлантиради.
Эсади, елади, ҳилпиради.	Чийиллайди, ғувиллайди, вишшилайди, уф тортади.

Асарда ўша давр халқимизни ўраб олган, кўз очирмаётган кузак шамоли (мустабид тузум) гавдалантирилади. Бундай кечаларда (мустабид тузум сиёсати) одамзод (оддий халқ) кўймижоз, ғуж бўлиб, ниманидир кутиб (эркинликни), жимгина ўтиради. Барча кундошлар Олимбек Додҳонинг катта хотини Нодирмоҳбегимнинг уйида йиғилишиб ўтиради. Додхо (тузум вакили) кириб келганда ҳамма кўзғалади. Асарнинг бош қаҳрамони Унсин шу уйнинг беш ойлик келинчаги. Хотинлардан бири салласини олади, бири чакмонига қўл узатади, Унсин – чилим солиб тутатади. Бу қаҳрамоннинг биринчи ҳужуми. Кундошлар салласини, чакмонини олиб, ўз манфаати йўлида хизмат қилади. Демак, улар учун қандай бўлса ҳам, яшаш муҳим. Унсин эса Додхога зарар келтирадиган унсурни қўлига тутди, уни заифлаштирди. Додхо чилимни тортиб, дарчани очади. Ёзувчи Додҳонинг бир кўзи билан қараб кўрган шамолни шундай даҳшатли тасвирлайдики, китобхонни қалби кескин чўқади. Яъни мустабид тузум халқимиз бошига солган қора кунлар тасвири яққол кўзга ташланади.

“Шамол гоҳ бўридай увиллар, гоҳ ўлим чангалига тушган мушукдай пихиллар, вағиллар, ҳеч нарса-ҳеч нарса кўринмас эди”. Ёзувчи тавсирни тобора ваҳшийлаштиради. “Увиллар” – “пихиллар” – “вағиллар”.

Додҳонинг қўллари тасбеҳни ўгираётган бўлса-да, хаёли гўристонда эди. Ўзбек гўристони ҳақида гап очилиб, бир қўйдан гаров ўйнаб, мозорга пичоқ санчган, ҳеч нарсдан қайтмаган ўзбек йигити ҳақидаги воқеа келтирилади. Унсиннинг бу воқеага беписанд қарashi қаҳрамоннинг журъатли, қайтмас эканини англатади. Ҳикоянинг шу қисми Унсиннинг кимлигини очиб беради. Оддий меҳнаткаш оиласида тарбия кўрган қизларда шунча жасорат. Ёзувчи ўша даврдаги барча аёлларда ҳам эркесварлик туйғулари яширин тарзда яшаб келганига ишора қилади.

Унсиннинг қабристонга бориши, уйдан кетишга рухсат сўраши қаҳрамоннинг эркесвар эканидан далолат беради. Айниқса, унинг “битта гўр эмас, ўнта гўрга пичоқ санчиб келаман” дейиши озодлик учун ўлимга ҳам тик боқишга тайёр бўлган ўзбек халқининг бир вакили сифатида намоён бўлади. Унсиннинг гўристонга йўл олиши, яъни эрки учун курашга отланиши ҳам, моҳирона тасвирланган. Ёзувчи томонидан табиат тасвирлари қаҳрамонга қарши қўйилади. Бу орқали қаҳрамоннинг ҳар қандай тўсиқни енгишга тайёр эканлигини кўрсатади.



Ёзувчи юқоридаги деталларни ҳикоя ғоясини очиб бериш учун, Унсиннинг ҳолатини янада равшанроқ акс эттириш мақсадида келтиради. Шамол уни тентиратади, суриб ташлайди, лекин у йўлида давом этади. Ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтади. Ҳатто унга доимий

тўсиқ бўлиб келган паранжисини олиб ташлайди. У кўриниб турган сағаналарни, қоп-қора чинорларни ҳам писанд қилмайди. Ўзига-ўзи рухан далда беради. “Ўликнинг жони йўқ, ўликнинг жони йўқ” деб олға интилади. Қабристондан ўтин териб, олов ёқади. Олов тафтида чой қайнатади, қўллари қонаганини сезмайди. Кетаётиб ёққан ўтини тепкилаб ўчиради. У қанчалик чиркин жамиятда яшамасин, инсонларга зарар етказиш номард инсонларга хос эканини ҳис қилади. Ниҳоят чой дамлаб, йўлга тушади. Унсин учун янада даҳшатлироқ тўсиқлар учрайди. Чап оёғи чуқурликка тушиб, юмшоқ нарсага теккандай бўлади, аммо у буни ҳам куч билан енгади. У фақат озодлик сари олға боради. Ковуши чуқурда қолиб кетади. Махсичан кетаётган Унсиннинг паранжиси сағана олдида қолгани ёдига тушади, ҳаммасидан воз кечиб, олға югуради. Шу вақт Унсинни жонивор миниб олади, у ҳушидан кетади, лекин енгилмайди, ўзига келгач, Додхога нафрати янада ошиб йўлга тушади. Йўлда у қумғонини унутганини англайди, ортга қайтмайди.

Нодирмоҳбегимнинг уйига кириб, чойнакни сандал четига қўяди, шу пайтда ундан бахтли инсон йўқ эди. Додхо Унсинни кўриб кўрқиб кетади. Додхо қанчалик каттикқўл бўлмасин, Унсинни кўрганда кўрқиб, ўлим хавфидан қочгандай, эшикка ўзини уради.

Унсин ўзига келганда уйнинг катта аёли унинг тепасида йиғлаб ўтирарди. Кундоши Унсинга турлича даво бўлувчи ирим-сиримларни қўллаб кўради, Унсин пешингача узилади. Унсинни қизил кўрпачага ўраб, Нодирмоҳбегим йўлга тушади. Унинг қизил рангли кўрпачага ўралишида ҳам бир рамз бор. Қизиллик бу тириклик, жўшқинлик, ёшлик, жасорат тимсолидир. Йўлга отланар экан, шамол ҳамон ғувиллар, чийиллар, озодлик курашчисининг ўлганига байрам қилаётгандай эди.

Дарвозадан чиққан Нодирмоҳбегим “бу даргоҳни елкаминг чуқури кўрсин” дея аравага чиқади. Ёшлигининг гўзал дамлари ўтган, оиланинг каттаси бўлган Нодирмоҳбегим қалбидаги йиллик орзулари амалга ошганини сўнгги ҳаракатларида намоён этади. Яъни у ҳам эркинлик тарафдори бўлса-да, қалбида яширин эди. Ёзувчи ўша давр аёлларининг барчасида ҳам эркин яшаш орзуси бўлганлиги, уларда қатъият етишмаганлигини айтмоқчи бўлади. Яъни Унсиннинг кураши қурбонлик талаб этди, аммо у туфайли бошқалар озод бўлди. Унсиннинг эрк учун курашини, қаршилиқлар зиддиятини жадвал асосида кўрсак янада равшанроқ бўлади.

Қадамлар	Қаршилиқлар
Кузак шамоли эсди -	Унсин кетишга рухсат сўради +
Шамол Унсинни тентиратди -	У паранжисини ечди +
Даҳшат юрагига раҳна солди -	Ўликнинг жони йўқ дея бақирди +
Ўтин эсидан чиқди -	Олов ёқди +
Ковуши тушиб қолди -	Махсичан кетаверди +
Паранжиси эсдан чиқди -	Орқага қайтмади +
Қумғони қолиб кетди -	Чойнакни бағрига босганча югурди +
Чойнак тобора оғирлашди -	Нодирмоҳбегимнинг эшигини очди +
Аҳволи оғирлашди -	Ганжиравонга одам юборишини сўради+

Унсиннинг жони узилди, аммо унинг кураши бесамар кетмади. У кундошига эркин ҳаёт бахш этиб кетди. Ўлмас асарлар қанча кўп таҳлил қилинса, шунча янги фикрлар, янги ғоялар бераверади. Асарни бир хил йўналишда эмас, ҳар хил усуллар орқали таҳлил этиш ўзига хос талқинларни яратади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у оддий сўзларни рамзий маънода ифодалаб, китобхоннинг онг-у шуурига кириб борган. А.Қаҳҳор асарлари доимо қалбимизда бетакрор асарлар бўлиб қолаверади.

## ҲИКОЯ ЖАНРИНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛИ

З.Қ.Ачилова

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри  
99-умутаълим мактаб

“Наср” арабча сўз сочиб, тўкиб ташлаш маъносини беради, яъни маълум вазн, қофияга эга бўлмаган ёзма нутқ маҳсули тушунилади. Ҳикоя ҳам ана шу наср йўлининг тушунчаси. Ҳикоя жанри назарий маълумот ва манбалар асосида ўрганиш, яъни ҳикоянависликнинг асрлар давомида шаклланган анъанавий ҳамда замонавий эврилиш жараёнларидан назарий маълумот манбалари билан ишлаш тафаккурни улғайтиради, руҳиятни тарбиялайди.

Ҳикоя жанри тўғрисидаги илк хусусиятлар айнан халқ оғзаки ижоди намуналарида намоён бўлади. Ҳикояни назарий мазмун жиҳатини фольклордаги миф, асотир, ривоят, афсона, эртак, нақл, масал, латифа каби насрий йўналишдаги жанрлар билан боғлаб ўрганиш мумкин. Аввало, бу оғзаки ижодий жанрларнинг услуби билан танишиш ва қиёслаш лозим бўлади.

Миф	Асотир	Ривоят	Афсона
“Миф” грекча сўз бўлиб, ривоят, ҳикоя, масал маъносида келади. Халқ оғзаки ижодининг энг қадим даврларида пайдо бўлган, воқелик (олам) ҳақидаги тасаввурларни конкрет образлар воситасида акс эттирувчи ривоявий асарла. Миф ривоявий асарлар бўлса-да том маънода сўз санъати ҳодисаси деб бўлмайди. Чунки, даврлар ўтиб мифологиядан ижтимоий онгнинг дин, фан, санъат, адабиёт, сиёсат каби соҳаларнинг ажралиб чиққанидан сўнг, мифлар уларнинг таркибига сингиб кетади.	“Асотир” арабча сўз бўлиб, ривоят, уйдирма маъносини билдиради. Асотирлар ибтидоий инсонларнинг коинот, табиат ҳодисаларининг моҳияти, пайдо бўлиш сабабларини ўзларича изоҳлаш мақсадида яратган оғзаки ҳикояларидан иборат. Асотирларда барча мавжудот жонли образлар воситасида ҳаракат қилади. Шарқда миф асотир деб юритилган.	“Ривоят” арабча сўз бўлиб, ҳикоя, қисса, афсона мазмунини беради. Бунда воқеаларни изчиллик билан сўзлаб бериш, баён этиш демакдир. Ривоят авлоддан авлодга ўтиб келаётган, воситасида, баъзан реал тасвирловчи оғзаки ҳикоя, нақл, афсона англанади.	“Афсона” форсча фусун-сеҳр, авраш,макр сўзидан олинган бўлиб, бирор тарихий ҳодиса ёки кечмиш воқеани фантастик тарзда тасвирловчи асар. Афсона қадимги эпик адабиётини, даставвал оғзаки ижодининг жанрларидан биридир.

Нақл	Эртак	Масал	Латифа
“Нақл” арабча сўз бўлиб узатиш, ўтказиш, таржима, кўчириб ёзиш, қайта ҳикоя қилиш	“Эртак” атамаси манбаларда “этуқ”, “варсоқ”, “чўпчак”, “ушук”, “масала” каби мазмунларда келгани ҳақида маълумотлар билдирилган. Эртак атамаси ҳозир илмий-	“Масал” арабча сўз бўлиб, ўхшамоқ маъносини билдиради. У сўз санъатидаги энг ва қадимдан кенг тарқалган жанр,	Латифа – халқ оғзаки ижодининг энг оммавий жанрларидан бири ҳисобланади. Мазкур атама арабча “латиф” сўзидан олинган бўлиб, нозик, майин,

<p>маъноларини ифодалайди. Бирор кимса, нарса ёки унинг ҳақидаги воқеа-ходисани гап қилиш, ҳикоялаш нақл дейилган. Нақл ибратли сўз, мақол мазмунида ҳам қўлланган.</p>	<p>адабий меъёр асосида қабул қилинган атама сифатида кенг қўлланади. Эртақ халқ оғзаки ижонинг кенг тарқалган жанрлардан бири бўлиб, тўқима воқеаларни тасвирлайди ва баъзан фантастик характерга эга бўлади. Ҳар бир халқнинг эртақларида умуминсоний олижаноб мавзулар ва ғоялар ўзига хос миллий руҳда ифодаланади. Эртақлар ўзига хос бадиий қолиплар доирасида ижро этилади. бундай шаклий-бадиий қолиплар эртақларнинг “бир бор экан, бир йўқ экан...” каби махсус бошламалар билан бошланиб, “шундай қилиб улар мурод-мақсадларига етибдилар...” каби махсус тугалламалар билан яқунлашидан иборат.</p>	<p>насрий ёки шеърий йўлда ёзиладиган мўъжаз ҳикоя; тарбиявий устиворлиги ва ошкор дидактилик хусусиятига эгаллиги жиҳатидан дидактик адабиёт сифатида қаралади. Масалнинг қурилиши унинг дидактик характерига мос: аввал мўъжаз ҳикояча берилади, сўнг “қиссадан ҳисса” шаклидаги хулоса билан унинг мажозий маъноси таъкидлаб кўрсатилади.</p>	<p>киноя, қочириқлар иштирок этувчи кулгили, кичик ҳажмли ҳикоя маъносида қўлланади. Халқ ўртасида – “афанди” деб ҳам юритилади. Латифалар мазмуни ва воқеликка муносабати жиҳатидан шартли рвишда икки турга: ҳажвий ҳамда ҳазил латифаларга бўлинади. Латифа- ҳамиша барҳаёт жанр. Унда ҳар бир давр барча иллатлари, фожиали ва кулгили муаммолари билан ўзининг ифодасини топган.</p>
---	---	--	---

Қайд этилган ушбу фольклор жанрлари ёзма адабиёт насрини ва унинг жанрларини вужудга келишига туртки бўлган. Жумладан, ҳикоя жанрининг юзага келиш илдизи шуларга тақалиши, шубҳасиз, кўриб чиқилган оғзаки ижоднинг ҳикояга хос унсурлари борлигини пайқаш мумкин.

“Ҳикоя” арабча сўз бўлиб, гапириб, сўзлаб бериш, қисса, тарих маънолари билдиради. Ҳикоя – эпик турнинг кичик шакли. Ҳикоя, одатда, қаҳрамон ҳаётидан битта (баъзан бир-бирига боғлиқ, қисқа муддат давомида кечган бир неча) воқеани қаламга олади. Тасвирланаётган воқеаларнинг қисқа давомида кечиши ҳикоянинг ҳажман кичик, сюжети содда, иштирок этувчи персонажлар сони кам бўлишини тақоза этади. Ҳар қандай воқеа ҳам ҳикоябоп эмас. Ҳикоя асосида ётган воқеанинг яхлит, тугал бўлиши (масал, латифадаги каби) лозим. Яхлит воқеани тасвирлаш асосида ҳикоянавис ё шу воқеанинг, ё унинг воситасида характернинг моҳиятини очиқ беради. Ҳикоянависнинг асарга муносиб сарлавҳа топиб қуйишда ҳам кўринади.

“Новелла” италянча сўз бўлиб, янгилик маъносини билдиради. Новелла ҳам кичик эпик жанр. Новелла ҳикоядан ўзининг сюжет-композицион хусусиятлари билан фарқлиниши англашилади. Новелланинг композицион қурилиши: 1) ровийнинг холис “кузатувчи” мавқеида туриши; 2) ҳикоя қилинаётган воқеанинг юзиш бериш вақти билан ҳикоя қилиниш вақтининг бир-бирига мослиги; 3) “сахнавийлик” – ўқувчи наздида ҳаёт сахнасида кечаётган воқеани томоша қилаётганлик иллюзиясининг юзага келтирилиши; 4) сюжетлиги билан ажралиб туради. Мазкур хусусиятлар мавжуд бўлиши учун эса новеллада биргина воқеа – “ҳаётнинг бир парчаси”ни поэтик жонлаштириш тақоза этади. Шу жиҳатлари билан ҳикоя ва новеллани фарқласа бўлади.

Энди ҳикояни хусусиятини ўрганишда дискуссия услуги ёндашувларга таянилади. Булар:

Ҳикоя номини асар мазмунига мослиги	Ҳикоя мазмунини курилиши қандай адабий йўналиш (оқим)га йўналганлиги	Ҳикояда кечаётган воқеа-ходисалар ривож	Ҳикояда ўзига хос шаклий, рамзий тасвирларда н фойдаланганлиги	Ҳикояда тимсоллар ҳаракат-ҳолати ва монологик, диалогик нутқнинг мувофиқ-лиги	Ҳикоядаги ҳар қандай замонда маънавий моҳиятини ўқотмас-лиги
-------------------------------------	--	---	--	---	--

Шу тартибда муस्ताқил ижодий имкониятлар кўрилади. Дискуссиявий услубнинг яна бир жиҳатига таяниш мумкин. Булар:

Ҳикоя ғоясини очувчи энг муҳим бадиий фикрни танлаш ва матни билан ишлаш	Ҳикояда содир бўлган воқеа ва ҳолатлар нималарни тушунишга ўргатишини ифодалаш	Ҳикояни ибратли жиҳатлари қандай ёритилганини аниқлаш	Ҳикояни ёзишда адибнинг маҳорати нимадалигини билиш	Ҳикоя ҳақидаги хулосаларни изоҳлаш
--	--	---	---	------------------------------------

Ўрганиладиган ҳикоя юқорида кўрсатилган услуб асосида тадқиқ этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

## ТАРИХ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

*Н.Мирзаев*

*Андижон вилояти Избоскан тумани  
12-умумтаълим мактаби*

Ўтган йиллар давомида ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий юксалиши, ахборотга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ахборот эркинлигини таъминлаш мақсадида зарур технологик шароитлар ва ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Ҳар кимнинг фикрлаш ва сўз эркинлиги, ўзи истаган ахборотни излаши, олиши, уни тарқатиш борасидаги конституциявий нормалар миллий қонунларимизда ривожлантирилди. Шунингдек, халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратилишини эътироф этувчи нормалар қонунларимизда ўз аксини топди. Хусусан, бугунги кунда ахборот соҳасида оммавий ахборот воситалари, шундан телевидения, Интернет провайдер, давлат ахборот ресурслари, ёшлар ахборот портали ва ахборот-кутубхона муассасалари фаолият юритмоқда.

Эътирофга сазовор қонунларимиздан яна бири Ахборотлаштириш ва Электрон ҳуқумат тўғрисидаги қонун бўлиб, ушбу қонун **электрон ҳуқумат** - давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими ҳисоблананди. XXI аср ахборот технологиялар асри сифатида йилдан йилга бу асрга бежиз шундай ном берилмаганлигини намоён этмоқда. Бундай ўзгаришлар таълим жараёнларини ташкиллаштириш ва олиб боришда ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шундай ўзгаришлардан бири мультимедиа дорсларни таълим тизимида шиддат билан кириб бораётганлигидир.

Электрон дарслик – бу бир ёки бир неча муаллифлар жамоаси томонидан ишлаб чиқилган ва электрон ташувчига машина формати (WORD, HTML ва ҳоказолар)да ўрнатилган дарслик.



Мазмунан электрон дарслик, одатда, табиий маърузалар, тасвирланган айтиб беришлар, малакали диктор томонидан касбий овоз берилган ва киноматографик йиғиш қонуниятларини сақлаган ҳолда бирлаштирилган бўлади. Электрон дарслик асосида ўқув машғулоти ўтаётганда қуйидаги техник воситалар талаб этилади:

- Компьютерлаштирилган ўқув хонаси.
- Проектор ва унинг доскаси.
- Ҳар бир компьютерда ўрнатилган эшитишга мўлжалланган мосламалар.

Электрон дарслик асосида ўқув машғулоти ўтаётганда ўқитувчи қуйидагиларга эътибор бериши керак:

✓ Ҳар бир машғулотни бошлашдан аввал ўқувчиларни техник воситалардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш.

✓ Кичик маъруза асосида бугунги машғулот юзасидан умумий фикрларни таъкидлаб ўтиш.

✓ Электрон дарслик асосида ўқув машғулоти ўтаётганда доимий аудитория бўйлаб назоратни йўлга қўйиш.

✓ Пассив ўқувчиларга индивидуал ёрдам бериш (кўпинча дарсдан сўнг)

✓ Машғулот якунида ўқувчиларнинг кўрган ва эшитганлари асосида ижодий иш ёзиб беришларини сўраб бориш. Бу ўтилган дарсни мустақкамлашда аҳамияти каттадир.

✓ Ўқув хонасига жавобгар ходимлар хизматидан кенгроқ фойдаланиш.

Машғулотларда бир вақтнинг ўзида барча ўқувчиларни диққатини ўзига тортиш ва машғулотлар мазмунини тушунтиришда АКТдан фойдаланишнинг ҳам аҳамияти катта. Чунки АКТ ёрдамида ўқувчига ҳам аудиал, ҳам визуал, таъсир этиш билан бир қаторда уларни эркин, ижодий фикрлаш ва яқка ёки ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини шакллантириш имкониятлари жуда кенг. Масалан, машғулотларда АКТдан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, турли матнларни тинглаш, ўзаро суҳбат ўрнатиш, томошалар уюштириш мумкин.

Инновацион таълим жараёнида мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси интерфаол усуллар билан бир қаторда АКТ дан ҳам ўз ўрнида фойдаланса, ўқувчиларнинг атрофни англаш имкониятлари янада кенгайди. Машғулотларда қўлланиладиган ҳар бир усул, ҳар бир восита (кўрғазмали қурол, тарқатма материал, видео-аудио ва мультимедиа воситалари, турли слайдлар ва ш.к.) болани атрофни англашга, тилни пухта ўрганиш, эшитиш, кўриш каналлари орқали ахборот қабулини кучайтириш, оғзаки нутқини ўстириш, фикрлаш доираси ва дунёқарашини кенгайтириш, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш билан бир қаторда бошқаларни хурмат қилиш, билим олишга кизиқиш уйғотиш, уларнинг иштиёқини кучайтириш, мулоқотмандлик қобилиятини ривожлантириш, тинглаш малакаларини шакллантиришга хизмат қилса, мақсадимизга кўра, нафақат, таълим-тарбия сифати ва самарадорлигига, балки фарзандларимизни шахс сифатида ҳар томонлама камол топишида ҳам юксак натижаларга эришиш мумкин.

Маълумки, айти кунда Интернетнинг UZ доменидаги сайтлар сони 5000 дан ошди. Улар орасида таълимга оид портал ва сайтлар ҳам бир нечтани ташкил этади. Лекин улар таълимнинг маълум бир жабхасинигина қамраб олади. Фаолият доираси ҳам чекланган. Юқоридаги ҳолатлар сабаб, ёшлар ўртасида хорижий ахборот интернет-сайтлари оммалашшига имконият яратмоқда. Интернет тармоғида агрессив (тажавузкор) контент мавжудлиги ахлоқсиз, экстремистик, тажовузкор, ноҳолис сайтлар эса ёшлар маънавиятига жиддий хавф ҳисобланади. 2017 йил 8 сентябрь “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун болаларни турли зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш учун ишлаб чиқарилган. “Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот-болалар ўртасида тарқатилиши ушбу Қонунга мувофиқ тақиқланган ёки чекланган ахборот маҳсулотини” (Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни. 2017 йил 8 сентябрь. 4-моддаси). “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги

фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси "вируси" тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади” (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 20 сентябрь.) Бу таклиф бугунги кунда бутун дунё ёшларини бирлаштириб, ёшлар ўртасида илмий, маънавий-маърифий конференция, семинар ва давра суҳбатларини ташкил этиш орқали мустахкамланиб борилади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкин бўладики, бугун биз юксак технологиялар замонида яшаётганимиз билан фахрлансакда, ушбу технологиялар айрим ёвуз кучлар томонидан номақсад ишлатилиши оқибатида ахборот хуружлари кучаётганини эътироф этишимиз лозим. Ёшлар жамият аъзоси сифатида, у доимо турли гуруҳ ва жамоаларнинг вакили сифатида уларнинг таъсири остида бўлади. Яъни, ҳар бир ёшларнинг феъл-атворида қизиқувчанлиги туфайли мафкуравий таъсирлар ўз аксини топади. Бугунги кунда ёшларга катта эътибор берилмоқда. Ватан, энг аввало, остонадан бошланади. Ёшларимизни шу азиз диёрда униб, ўсиб баркамол вояга етишига ота-боболаримизнинг ҳиссалари бекиёсдир.

### **ИЖТИМОЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ**

*М.М.Муталлибжонов  
Андижон ВХТҲҚТУМОИ*

Таълим тизимида янги педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини олиб кириш бугунги куннинг муҳим масалалари сирасига киради. Таълим-тарбия жараёнига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш орқали бир қанча қулайликлар яратилади. Демакки, юртимизда фан-техника ривожлангани сайин ахборот олиш имконияти ошиб бормоқда. Тарбияланувчиларга талаб доирасида маълумотларни етказиб беришда, фан-техника ютуқларидан унумли фойдаланиш зарур. Ўсиб, улғайиб келаётган ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда янги педагогик технологиялардан ўз вақтида ва унумли фойдаланишнинг истиқболли тамонлари намоён бўлмоқда.

Маълумки, бугунги кунда таълим муассасаларини компьютер технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар бир электрон дарслик маълум бир меъёрларга, ички структура ва форматга эга бўлиши уни бошқа дарсликлар билан боғлаш ва ягона бир йиллик масофавий ўқитиш тизимини яратиш имконини беради.

Ўқув йилида эса таянч компетенциялар (коммуникатив компетенция, ахборот билан ишлаш компетенцияси, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси, умуммаданий компетенция ва математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенциялари) тажриба-синовдан ўтказилди.

**Коммуникатив компетенция** - жамиятда ўзаро мулоқотга киришиш учун она тили ва бирорта хорижий тилни мукамал ўзлаштириш ҳамда мулоқотда самарали фойдалана олиш; ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда аниқ ва тушунарли баён қила олиш;

**Ахборот билан ишлаш компетенцияси** - мавжуд ахборот манбаларидан (интернет, телевизор, радио (аудио-видео ёзув), телефон, компьютер, электрон почта ва бошқ.) фойдалана олиш;

Таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда ахборот ресурсларини йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда электрон ва виртуал кутубхоналардан, мультимедиали электрон ўқув адабиётлари, маърузалар ва ҳар хил анимацион ишларни яратишда махсус дастурий воситалардан фойдаланиш имконияти мавжуд.

Компьютер тармоқлари ҳамда ахборот технологиялари таълим тизими учун тезкор равишда зарур маълумотни олиш билан боғлиқ бўлган имкониятлар яратди. Интернет глобал компьютер тармоғи орқали дунё ахборот ресурсларига кириш лахзаларда амалга оширилиши бунинг яққол далилидир.

Интернет тармоғининг электрон почта, янгиликлар гуруҳлари, чат-мулоқот тармоғи каби кенг оммалашган воситаларидан таълим тизимида самарали фойдаланиш мумкин. Реал вақтда мулоқот имконини туғдирувчи ҳамда алоқа ўрнатилгач, клавиатура орқали киритилувчи матнни, тасвир, овоз ёхуд ихтиёрий файлни узатиш имконини берувчи махсус дастурлар мавжуд бўлиб, бу дастурлар турли масофада жойлашган фойдаланувчиларга локал компьютер тармоғи орқали ҳамкорликдаги фаолиятни таъминлаб беради.

Дарсликнинг ташқи структурасини яъни фойдаланувчи кўриб турадиган элементларини кўриб чиқамиз. Дарсликнинг қиймати унинг мазмунидадир. Агар ўқувчи бу дарсликдан фойдаланиб кейинчалик имтихон топширадиган бўлса, у ҳолда материал мазмунини 3 та кўринишда беришни таклиф қиламиз:

1. Мант, расм, жадвал, график шаклида ( яъни китобдаги шаклда, лекин бу ерда китоб шаклига хос бўлмаган анимация, видео ва овоз элементлари, маълумотни излаш имкониятлари ҳам бўлиши мумкин).

2.Схема курс кўринишида, яъни дарслик структураси тушунарли бўлиши учун дарслик мазмуни қисқартирилган график-матн шаклда берилади.

3.Тест тизими (ўз билимини текшириш) шаклида - тингловчига махсус интерактив тизим воситасида, ўқув материални саволлар ва жавоблар шаклида берилиши. Тест компьютер билан беллашув, ўйин жиҳатлари билан ўқувчилар учун дарсликнинг энг кизиқарли қисми бўлиши мумкин.

Битта материалнинг бундай учта шаклда берилиши уни такрорлаш ва эслаб қолиш имконини яратади.

Электрон дарсликка қуйиладиган яна бир талабга эътибор бериш лозим: ўқув материали ва унинг дастурий таъминоти ўз ишини автоматик тарзда бошлайдиган битта лазер дискда жойланиши лозим. Қаттиқ дискда эса фойдаланувчи ўзи яратган маълумотлар жойланиши мумкин.

Мамлакатимизда барча таълим муассасаларининг талабалари ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек Интернет тармоғининг миллий сегментида таълим ва билим берадиган ахборот ресурсларини ривожлантириш мақсадида Президентимизнинг бир қатор қарор, фармон ва фармойишлари чиқарилган. Бугун ёшларимиз фойдаланиши зарур бўлган фойдали сайтларга мисол қилиб қуйидагиларни тавсия қиламиз: Uzedu.uz, uza.uz, Ziyonet.uz, Kitob.uz, Lex.uz, Norma.uz.

Хулоса қилиб айтганда, машғулотларда бир вақтнинг ўзида барча ўқувчиларнинг диққатини ўзига тортиш ва машғулотлар мазмунини тушунтиришда АКТдан фойдаланишнинг аҳамияти катта. Чунки АКТ ёрдамида ўқувчига ҳам аудиал, ҳам визуал, таъсир этиш билан бир қаторда уларни эркин, ижодий фикрлаш ва яқка ёки ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини шакллантириш имкониятлари жуда кенг. Масалан, машғулотларда АКТдан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, турли матнларни тинглаш, ўзаро суҳбат ўрнатиш, томошалар уюштириш мумкин.

## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИШ ДАРСЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ

*О.Тухтаев*  
*Самарқанд ВХТХҚТМОИ,*  
*Н.Турдибекова*  
*Самарқанд шаҳар 20- мактаб ўқитувчиси*

Ҳозирги кунда ёш авлодга таълим-тарбия бериш, касбга ўргатиш, уларнинг ақлий ва маънавий камол топтиришдан иборатдир. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда таълимнинг мазмуни ва воситаларини янгидан ишлаб чиқишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Бу омил таълим жараёнини таркибий қисмларини янгича тартибда намоён бўлишини талаб этади. Ана шу ташкилий-педагогик жараёнда таълим қонуниятлари ва тамойилларига мос ҳолда янги тамойилларга амал қилиш, таълим методларининг пайдо бўлиши, таълим воситаларининг такомиллашуви, айниқса, таълимни ташкил этишда ўқитувчи маҳоратининг ноанъанавий шакллари кенг кўламда жорий этилиши кузатилмоқда.

Инновацион педагогик технологияга асосланган дарсларнинг анъанавий дарслардан фарқи шуки, бу дарсда ўқувчига эркинлик муҳитини яратиб бериб, унга ўз фикрини эркин баён этишга имкон яратиб беришдир. Бу имконият қандай яратилади? Ўқувчига ҳеч қандай тазйиқ ўтказмасдан, уни шахсиятига тегмасдан саволлар бериш орқали дўстона муносабатдаги ўқув муҳити яратилади. Педагогик технологияга асосланган таълим жараёнининг энг муҳим «ядриси» деб ҳисобланган қисми – дарснинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир дарсни қоидалар ишлаб чиқишдан бошлаш таълим жараёнининг сермахсул, тартибли ўтишига кўмак беради. Дарснинг мазкур босқичида ўқувчиларни ғоялар ва таклифлар билан чиқишга чорлаш ва шу вақтнинг ўзида барча ғоя ҳамда таклифларни ёзиб бориш лозим. Иложи борича қисқа ва тушунарли тарзда ёзиб қўйилган қоидалар ўқувчилар томонидан (ўқитувчи ёрдамида) изоҳланади. Доскага, шу босқич учун қуйидаги қоидаларни ёзиб қўйиш мумкин:

- **Танқид қилманг ва баҳоламанг** (ҳеч бир иштирокчи бошқалар фикрини муҳокама қилмаслиги, баҳо бериши ёки танқид қилиши мумкин эмас);
- **Нотўғри жавоблар бўлмайди** (хато қилишдан қўрқманг);
- **Ўзгартиринг, яхшиланг, асосланг** (бошқалар фикрига ўзгартиришлар киритинг, кўшимча қилинг. Фикрингизни асосланг);
- **Ўзингизни хотиржам тутинг, иштирок этинг ва роҳатланинг** (Ўзаро ёрдам ва дўстона мусобақа муҳити яратилади).

Таълим жараёнида агар зурурат туғилса, йўналтириш ва рағбатлантириш учун, фасилитатор сифатида, қоидалар ва фикрлар тўғрисида ўқувчиларга эслатиб туриш лозим.

Инновацион технология таълим тизимининг рационал йўллари ишлаб чиқарувчи жараён бўлиб, унда ўқитувчи асосий масъул шахс ҳисобланади. Чунки унинг асосий вазифаси ахборотни ўқувчиларга тез, аниқ ва тушунарли тарзда етказиб беришидан иборатдир. Ўқувчиларни янгиликларни қабул қилишлари ва бунга мойилликлари ҳамда феъл-атвори ҳар хил бўлишига қарамай ўқитувчи ўқувчиларни мустақил фикрлаш, мушоҳада қилиш, хулоса чиқаришга ўргатиши лозим. Таълим тизимида содир бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар ўқувчиларга янги билим, кўникма ва малакаларини бериш билан бир қаторда, ёшларимизни ўзига ва бошқа инсонларга, жамиятга, давлатга, табиатга нисбатан ўзгаришини, ватанпарварлик ғояларини онгига ва қалбига сингдиришини ҳам кўзда тутати. Ушбу жараён халқимизнинг бой маънавий меъроси, анъана ва удумларини ўқувчи қалбига сингдириш орқали амалга оширилади.

Бошланғич синф ўқиш дарсларининг самарадорлигини оширишда инновацион педагогик технологиялардан бири ҳамкорликда ўқитиш – бу, турли кичик гуруҳлардаги инструктаж ва интерфаол жараёнларни аниқловчи оммалашган иборадир. Ўқувчилар ҳамкорликда академик топшириқлар устида, кичик гуруҳларда ишлашади ва ўзларига ҳамда ўз гуруҳларидаги ўртоқларига биргаликда ёрдам беришади. Умуман, ҳамкорликда ўқитиш методлари қуйидаги беш хусусиятга эга:

1. Ўқувчилар биргаликда, умумий топшириқ ёки ўқитилаётган фаолият устида ишлашади, бу, гуруҳий иш орқали яхши ўзлаштирилади.

2. Гуруҳларда 2-5 аъзо таркибидан иборат, ўқувчилар кичик гуруҳларда биргаликда ишлашади.

3. Ўқувчилар умумий вазифаларни ечимини топишга эришиш ёки ўрганиш фаолиятини ўтказиш учун, кооператив ва ижтимоий қабул қилинган хулқ-атворни ишлатишади.

4. Ўқувчилар ижобий ва мустақил бўлишади. Умумий вазифаларни ечимини топишга эришиш ёки ўрганиш фаолиятини ўтказишда, ўқувчиларнинг бир-бирларига, кўмак талаб этилиши ҳисобга олиниб, иш тузилган бўлади.

5. Ўқувчилар ўз ишлари натижасига ёки бошқача айтганда, ўқишга, таълим олишга, шахсан масъулиятли ва жавобгардирлар.

Бошланғич синф ўқиш дарсларининг самарадорлигини оширишда ҳамкорликда ўқитиш технологияларидан “Оина” технологияси, “Ҳалоскор кема”, “Домино”, “Аукцион” технологияси, “Суворийлар жанги” каби технологиялардан фойдаланиш бошланғич синф ўқиш дарсларининг самарадорлигини оширишда хизмат қилади.

## ТЕХНОЛОГИЯ ДАРСЛАРИНИ ЎТИШДА “БУМЕРАНГ” ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Л.Махматгазиева  
Сам ВХТХҚТМОИ*

Мустақил Ўзбекистон жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган бир даврда аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросимиз, миллий кадриятларимизни тиклаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Натижада халқимиз ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий кадриятлар ва маданият соҳибига айланди.

Юртимизнинг истиқлолга эришиши миллий кадриятларимизнинг қайта тикланиши билан бир қаторда, халқ хунармандчилиги ва амалий санъатнинг наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, бадий кулолчилик, зардўзлик, миниатюра санъатида ҳам янги амалий ижодий ишлар яратилишига ҳамда тараккий этишига кенг йўл очилди.

Мамлакатмизда қиз болалар фаолият олиб бориши мумкин бўлган турли хил касб-хунарлар мавжуд бўлиб, қизларнинг бу касб-хунарларни ўрганишлари, шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида қиз болалар хунармандчилигини янада ривожлантириш, уларга бўлган эътиборни яхшилашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди.

Ҳозирги кунда эса бу борада қилинаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида ўқитувчиларнинг замон талабига мос ҳолда дарс ўтиб, ўқувчиларнинг хунармандчилик соҳасидаги билим савияларини ошириб боришга эришишлари лозим. Бунинг учун дарсларда бир қанча педагогик технологияларни қўллаш билан ўқувчиларда ўша мавзунинг моҳиятини англаб, ўз устида ишлаши ва ўша фанга бўлган қизиқишини орттириш лозим.

Халқ хунармандчилиги мавзулари 5-9 синфларда ўтилиб, машғулотлар самарадорлигини ошириш мақсадида умумлаштирувчи ва очиқ дарсларда бумеранг технолгисини қўллаш мумкин. Бумеранг технологияси ўқувчиларни дарс жараёнида, дарсдан ташқари турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиш, сўзлаб бериш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда дарс мобайнида барча ўқувчиларни баҳолай олишга қаратилган. Бумеранг технологияси бир нечта шартлардан иборат бўлиб, шартлар вақт меъёрига қараб тақсимланади.

**1-шарт.** Ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб олиш учун махсус карточка (халқ хунармандчилигига оид расмлар) ёки рақамлар белгиланган шакллардан фойдаланишлари мумкин. Гуруҳ бола сонига қараб бўлинади. Ҳар бир гуруҳга 4-5 тадан иштирокчи бўлиши керак.

**2-шарт.** Ҳар бир гуруҳ тингловчиларига кичик мавзулар (халқ хунармандчилигига оид мавзу зардўзлик, каштачилик, пичоқчилик, наққошлик каби мавзулар) тарқатиб берилади ва иштирокчилар мавзуларни батафсил ўрганиб чиқишлари лозим

**3-шарт.** Ҳар бир гуруҳ аъзоларидан янги гуруҳ ташкил этилади.

**4-шарт.** Ҳар бир гуруҳ ичида навбат билан матнлар таништирилади

**5-шарт.** Берилган маълумотларни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида савол-жавоб қилинади. Ҳар бир мавзу юзасидан биттадан савол тузилади.

**6-шарт.** Видео лавҳага қараб ҳар бир гуруҳ ўз таасуротларини гапириб бериши лозим, хусусан, халқ хунармандчилиги бўйича ҳар бир гуруҳдан иштирокчи чиқиб 4 та берилган мавзулардан бирига маълумот айтади.

**7-шарт.** Ҳамма ўқувчилар ўз жойларига қайтиб ўтиб жойлашадилар.

Хулосам шуки, бумеранг технологияси орқали ўқувчилар ўзларининг қай даражада билишларини англашади ва ўзларига бўлган ишончи ортади. Бундан ташқари, ўқитувчилар машғулотларни педагогик технологиялардан фойдаланиб ўтишса, келажакда фарзандларимизни биздан билимли, биздан кучли қилиб тарбиялаган бўламиз.

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ИЖТИМОЙЛАШТИРИШДА ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*С.Зоҳидова  
СамДУ*

Педагогик инновациялар деганда, педагогик янгиликларни ўрганиш, ўзлаштириш, уларни баҳолаш, фойдаланиш ва амалиётга татбиқ этиш тушунилади. Ўз навбатида, педагогик инновацияларнинг бир нечта турлари мавжуд: модифициялашган, тузатиш киритувчи, ўзгартириш киритувчи, локал, модулли, тизимли ва бошқалар. Бироқ педагогик инновацияларнинг кўпроқ умумлашган таснифи ўзида қуйидаги кўринишни акс эттиради:

- 1) таълим ва тарбия мақсади ва вазифалари ҳамда мазмунига доир инновациялар;
- 2) ўқув-тарбия жараёни методлари, методикаси ва технологиясига доир инновациялар;
- 3) ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишга доир инновациялар.

Таълимга технологик ёндашув ўқитувчидан ўқув машғулотига тайёрланиш жараёнида жуда кўп меҳнат қилишни талаб қилади. Мазкур жараёнда профессор-ўқитувчи ҳар бир мавзу бўйича ўқув мақсадини ойдинлаштириш, педагогик вазифаларни тўғри қўйиш, ўқув фаолияти натижаларини аниқлаштириш, таълимни ташкил этиш шакл, метод ва воситаларини тўғри танлаб олиш, ўқув вақтини оқилона тақсимлаш орқали ўқитувчи ва талабанинг фаолиятини аниқ тартибланган алгоритмининг ҳосил қилиши лозим. Ана шу тартибда ўқув жараёнини лойиҳалай олган профессор-ўқитувчигина талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини эркин бошқара олади.

Педагогик инновациялар кенг қамровли кўринишга эга бўлиб, уларнинг умумтомонидан қабул қилинган аниқ типологияси ёки таснифи мавжуд эмас. Инновацияларни гуруҳлаштиришга доир йигирмадан ортиқ тасниф мавжуд, масалан: узоқ муддатли инновациялар ва қисқа муддатли инновациялар, радикал ва реформаторли, авторитар ва либерал, инициатив ва административ ва бошқалар.

Янгиликнинг ўзгариш тезлиги ва янгилик даражасига кўра инновацияларнинг кўпроқ деталлаштирилган таснифини Н.Ю.Посталюк қуйидагича таклиф этади:

1. Нол рақамли инновациялар – тизимнинг дастлабки хусусиятларини регенерация қилиш (анъанавий таълим тизими ёки унинг элементларини қайта ишлаб чиқиш).

2. Биринчи рақамли инновациялар тизимда миқдор ўзгаришлар киритиш билан тавсифланади. Бунда инновациянинг дастлабки сифати ўзгармайди.

3. Иккинчи рақамли инновациялар эса, тизим ичидаги элементларни қайта гуруҳлаштириш ёки ташкилий жиҳатларини ўзгартириш билан тавсифланади (масалан, мавжуд педагогик воситаларнинг янги кўриниши, кетма-кетлигини ўзгартириш, улардан фойдаланиш қоидалари ва бошқалар).

4. Учинчи рақамли инновациялар таълим тизимининг янги шарт-шароитларга мослашувчан ўзгаришини ўзида ифода этади.

5. Тўртинчи рақамли инновациялар янги ечимга эга бўлади (булар кўпинча таълим тизимининг баъзи таркибий қисмлари функциясини кенгайтиришни таъминлашга қаратилган сифатли содда, ўзгаришлардир).

6. Бешинчи рақамли инновациялар таълим тизимининг янги авлодини яратишни назарда тутди (тизимнинг барча ёки кўпчилик дастлабки хусусиятларини ўзгартириш).



7. Олтинчи рақамли инновацияларни амалга ошириш орқали “янги турдаги” таълим тизими яратилади. Бунда тизим ҳосил қилувчи тамойил сақланган ҳолда, тизимнинг функционал хусусиятлари ўзгаради.

Еттинчи рақамли инновациялар таълим тизимини тубдан ўзгартиришга қаратилган. Бунда таълим тизимининг асосий функционал тамойили ўзгаради ва шу тарзда янги педагогик тизим ҳосил бўлади

Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда биз таълимдаги инновацияларнинг икки хил хусусияти(ташки ва дидактик)га кўра таснифлашни лозим деб топдик (1-расм)

1-расм. Педагогик инновацияларнинг таснифий параметрлари

### Таълим жараёнини ташкил этиш




Педагогик инновацияларнинг жадаллик билан амалиётга кириб бориши натижасида замонавий таълимнинг инновацион йўналганлиги анъанавийликдан фарқли равишда қуйидаги муҳим аҳамиятга эга жиҳатларда ўз аксини топиб бормоқда (2-расм).

2-расм. Анъанавий ва инновацион таълимнинг қиёсий таҳлили

Таълимнинг анъанавий йўналганлиги	Таълимнинг инновацион йўналганлиги
<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Техноген цивилизация</li> <li>➤ Таълим олувчи – объект</li> <li>➤ “Билимли инсон”</li> <li>➤ Педагогик идрок этиш</li> <li>➤ Педагогик чора-тадбирлар</li> <li>➤ Педагог-васийлик</li> <li>➤ Биргаликдаги фаолиятнинг авторитар услуги</li> <li>➤ Фаолиятли ёндашувга асосланганлик</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>❖ Антропоген цивилизация</li> <li>❖ Таълим олувчи – субъект</li> <li>❖ “Ҳаракатланувчи инсон”</li> <li>❖ Педагогик ижодкорлик</li> <li>❖ Педагогик муносабатлар</li> <li>❖ Педагог-менежер</li> <li>❖ Биргаликдаги фаолиятнинг демократик услуги</li> <li>❖ Фаолият, мулоқот ва шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш орқали ижтимоийлашуви</li> </ul>

Мазкур жиҳатларни таълим парадигмаси билан боғлиқликда қуйидаги тарзда расм кўринишида акс эттириш мумкин (3-расм):

3-расм. Инновацион таълим муҳити шароитида таълим парадигмаларининг намоён бўлиши.



Хулоса шуки, педагогик инновациялар ўз навбатида таълим жараёнини ташкил этиш параметрларининг ўзгаришига олиб келмоқда. Биринчидан, замонавий таълим доимий равишда фан ва технология ривожини билан боғлиқликда таълим мақсади, мазмуни, шакл, метод ва воситаларининг янгиланиб боришини талаб қилаётган бўлса, иккинчидан, таълим муассасалари вариативлигининг қиёсий моделларининг кўрсаткичлари ҳам мураккаблашиб бормоқда.



## O'QUV JARAYONI SIFAT-SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING AYRIM MASALALARI

Z.Pardayev  
Samarqand VXTXQTUMOI

Har bir mamlakatning kelajagi porloq, iqtisodiy-siyosiy salohiyati, ilmiy-texnik taraqqiyoti barqaror, jahon hamjamiyatida o'zining mustahkam o'rniga ega bo'lishi uchun, unga hozirdanoq tamal toshi (poydevor) qurilishi lozim. Ana shunday buyuk maqsadnini ijobiy hal qilish va amalga oshirishda o'qituvchilar, ya'ni ziyolilar qatlami zimmasiga ulkan vazifalar, qator mas'uliyatlar yuklatiladi. Zero, o'qituvchilar, tarbiyachilar jamoasi kelajakda el-yurt, mamlakat ravnaqi uchun faoliyat olib boruvchi mutaxassislarni yetishtirib beruvchi ustoz-murabbiylar sanaladi.

O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.Karimov: «Bugungi kunda oldimizga qo'ygan buyuk maqsadlarimizga, ezgu niyatlarimizga erishishimiz, jamiyatimizning yangilanishi, hayotimizning taraqqiyoti va istiqboli amalga oshirilayotgan islohotlarimiz, rejalarimizning samarasi taqdiri – bularning barchasi, avvalombor, zamon talablariga javob beradigan yuqori malakali, ongli mutaxassis kadrlar tayyorlash muammosi bilan chambarchas bog'liqligini barchamiz anglab yetmoqdamiz»,<sup>1</sup> – deb ta'kidlaganlarida naqadar haq ekanliklarining guvohi bo'lib turibmiz.

Mamlakatimiz rivojlanishining muhim sharti zamonaviy iqtisodiyot, fan, madaniyat, texnika, texnologiya rivoji asosida kadrlar tayyorlash tizimining takomillashgan mexanizmini amal qilishiga erishish, o'quv mashg'ulotlarini tashkil etish va olib borishda innovasion ta'lim texnologiyalardan samarali foydalanishdan iboratdir. Bu esa pedagogik texnologiyaning ta'limiy samaradorlikni oshirish yo'llarini tahlil qilish, qo'llanilayotgan usullarni baholash orqali ta'lim jarayoni tamoyillarini aniqlash va eng maqbul yo'llarini ishlab chiqishni, ya'ni innovatsiya qilishni talab etadi.

O'tmishda ota-bobolarimiz tarbiyada nasihat, tushuntirish, maqtash, rag'batlantirish, na'muna ko'rsatish, tanbeh berish, taqiqlash, majbur qilish, po'pisa qilish, qo'rqitish kabi usullardan foydalanganlar. Jamoa a'zolari bu usullarni qo'llashda, ahloq qoidalariga suyangan holda, qilgan ishi, xatti-harakatining to'g'ri yoki noto'g'riligi haqida bolada ishonch hosil qilishga harakat qilganlar, unga ahloqlilik va ahloqsizlik, odillik va adolatsizlik, yaxshilik va yomonlikning ma'nosini tushuntirganlar. Bu tartib tarbiyada asosiy qoida hisoblangan hamda **tushuntirishda bolalarning yoshi hisobga olingan**. Ushbu tadbirning maqsadi, mohiyatida innovatsiya yotganligini ko'rish qiyin emas.

Innovatsion texnologiyalar pedagogik jarayon hamda o'qituvchi va o'quvchi faoliyatiga yangilik kiritish bo'lib, uni amalgam oshirishda interaktiv metodlardan to'liq foydalaniladi. Interaktiv metodlar - bu jamoa bo'lib fikrlash deb yuritiladi. Bu metodlarning o'ziga xosligi shundaki, ular faqat pedagog va o'quvchi o'quvchilarning birgalikda faoliyat ko'rsatishi bilan amalga oshiriladi.

Kuzatishlarimizdan shu narsa ma'lum bo'ldiki, o'qituvchining dars, mashg'ulot olib borish usullaridagi bir xillik o'quvchilarning ta'lim olishga bo'lgan qiziqishlarini susaytiradi. Buning oldini olish uchun darslarni zamon talablariga javob beradigan mashg'ulot tarzida tashkil etish, o'qitishning noan'anaviy usullaridan keng foydalanishga e'tibor berish lozim.

Ta'limning samaradorligini oshirish, shaxsning ta'lim markazida bo'lishini va yoshlarning mustaqil bilim olishlarini ta'minlash uchun ta'lim muassasalariga yaxshi tayyorgarlik ko'rgan va o'z sohasidagi bilimlarni mustahkam egallashdan tashqari zamonaviy bilimlarga ega bo'lgan, pedagogik va axborot texnologiyalar usullarni biladigan, ulardan o'quv va tarbiyaviy mashg'ulotlarni tashkil etishda foydalanish qoidalarini biladigan o'qituvchilar kerak.

Mashg'ulot samaradorligini oshirishning yana boshqa jihati, o'qituvchining notiqligiga diqqatlaringizni jalb etmoqchiman, birinchi navbatda, o'quvchilarga yetkazilayotgan har bir

<sup>1</sup> Karimov. I.A. Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch. T.: "Ma'naviyat", 2008.

ma'lumot so'z orqali ifoda etilishini, so'zning naqadar kuchli qurol, vosita ekanligini ta'kidlab o'tish lozim. Har qanday so'z ishonch bilan yangrasa, u kishilarni o'ziga rom eta oladi va uning qabul bo'lish darajasi yuqori bo'ladi. Ikkinchidan, notiq kishi shunday mahoratga ega bo'ladiki, u o'z so'zamolligi bilan kishilar qalbiga kirib boradi, ularni boshqaradi, o'z izmiga sola oladi, shunday ekan, o'qituvchilar ham pedagogik faoliyatlari doirasida, o'quvchilarda bilimga chanqoqlikni oshirish, mashg'ulotlari samaradorligini ta'minlash, o'quvchilarning o'z ustida tinimsiz ishlashlarga so'zning qudratli ta'siri orqali erishishlari mumkin.

O'qituvchi mashg'ulotlarda mavzuni bayon etayotgan vaqtda ma'lumotlarni shunday aniq, o'quvchilarni psixofiziologik va yosh xususiyatlarini inobatga olgan holda to'la ishonch bilan ayta olsinki, bunga ich-ichidan o'zi ham ishonsin. Ana shunda o'quvchilar ham unga, uning fikrlariga qo'shiladi. O'qituvchining ularni porloq kelajak sari yetaklayotganligiga ishonch hosil qiladi, unga ergashadi.

So'zlar o'ziga yuklatilgan ma'no va maqsadga ko'ra: 1. Shirin so'z. 2. Zahar so'z. 3. Sharob so'zga bo'linar ekan<sup>1</sup>. O'qituvchining notiqlik mahorati ila ishonch bilan aytilgan har qanday "Shirin so'z" o'quvchilar qalbiga yo'l topa oladi, ularning kelajakda yirik davlat va fan arbobi, raqobatbardosh mutaxassis kadr bo'lib yetishishini kafolatlaydi.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, o'qituvchi o'quvchilarga ta'lim berishda innovatsion texnologiyalar bilan birga notiqlik san'atidan ham unumli foydalanib, barcha davrlarda pedagoglar uchun muhim hisoblangan *"nimani gapirish"*ni, *"kimga gapirish"*ni, *"qachon gapirish"*ni bilishi, bugungi kun ta'limi mazmuniga xos bo'lgan *"hamkorlik"* qila olishi muhim bo'lib, bu faoliyat kadrlar tayyorlash, yetishtirib berish va mamlakatimiz kelajagi uchun katta ahamiyatga ega.

## ЁШЛАРНИ ТУРЛИ ТАХДИДЛАРДАН САҚЛАШДА АХБОРОТЛАР БИЛАН ИШЛАШ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ж. Орипов  
Самарқанд ВХТХҚТУМОИ

Бугунги фан-техника тараққиёти, ахборот технологияларининг такомиллашган замонавий турларининг яратилишига, инсоният учун зарур бўлган ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги кенг имкониятлар ва қулайликларни вужудга келтиришда муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, глобаллашув жараёнининг характерли томони шундаки, бугун ахборотни қайта ишлаш, узатиш ва сақлаш жараёни шу қадар тиғизлашдики, натижада дунё ахборотлар майдонида айланди.

Ижтимоий фанларда, оммавий ахборот воситаларида, мулоқотда "ахборот уруши", "ахборот таҳдиди" ёки "ахборот хуружлари" деган тушунчаларга тез-тез дуч келмоқдамиз. Хўш, бу тушунчаларнинг жамиятда инсониятга ёки давлатлар ижтимоий тарраққиётига таъсири қандай? Нима учун бундан хавотирга тушмоқдамиз?

Шуни унутмаслигимиз керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюлган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.<sup>2</sup>

Интернетда салбий жиҳатларни ўзида мужассам этган жангари, зўровонликни, миллий ахлоқ меъёрларимизга зид бўлган хулқий бузуқликни, диний бағрикенглик тамойилларига ёт диний экстремистик ғояларни тарғиб этувчи, ўз жонига қасд қилишга ундовчи "Кўк кит" каби сайтларнинг сони кундан-кун ошиб бормоқда. Ана шундай, хатарлардан ёшларимизни асраб қолиш, уларнинг онгу тафаккури соғлом ғоялар билан суғорилган маънавий етуқ,

<sup>1</sup> Таълим ва таҳсил. (Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, таълим ва илм-фаннинг долзарб масалалари). "Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тингловчиларининг нотиклик маҳоратини ўрганиш йўллари". ЎзМУ Н.Бекмирзаев. – Т.: "Янги аср авлоди", 2011. – 24-25 бетлар.

<sup>2</sup> Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch. T.: Ma'naviyat, 2008. 115-bet.

эркин фикрлаш қобилиятини ва кенг дунёқарашга эга қилиб тарбиялашни даврнинг ўзи долзарб вазифа сифатида қўймоқда.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган маросимда: “Болаларимизни бировларни қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим”<sup>1</sup>, - деб таъкидлаганлари бежиз эмас. Бундай ғоят муҳим вазифани амалга ошириш учун, ёшларда ахборотлар билан ишлаш компетенциясини шакллантириш - баркамол авлод тарбиясидаги муҳим, устувор омил ҳисобланади.

Луғатларда компетенция тушунчасига қўйдагича изоҳ берилган. “Компетенция (лотинча *competere* — лойиқ, мос, мувофиқ, яроқли деган маънони англатади) – билим, амалий кўникма ва малакалардан кундалик ҳаётда дуч келадиган амалий ва назарий масалаларни ечишда фойдаланиш ва қўллай олиш қобилиятидир”. Бундан кўриниб турибдики, компетенцияга эга бўлган ёш авлод ёки шахслар бир ҳолат хусусида тўғри мулоҳаза юритиш имкон берувчи билимларга эга бўлади, фикрларини конкрет далил-исботли тарзда асослай олиш ва муайян соҳадаги мавжуд билим, кўникма, малакаларни кундалик фаолиятда қанчалик қўллай олиш савиясини ифода этади. Тобора тиғизлашиб бораётган ахборот майдонида ахборот хуружларининг кучайиши, ахборотлашган жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўқувчида, ахборотлар билан ишлаш компетенциясини шакллантириш муҳим саналади. Хўш, ахборотлар билан ишлаш компетенцияси нима?

Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси — медиаманбалардан зарур маълумотларни излаб топа олишни, саралашни, қайта ишлашни, сақлашни, улардан самарали фойдалана олишни, уларнинг хавфсизлигини таъминлашни, медиа маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати.<sup>2</sup>

Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси шаклланган ўқувчи ахборот соҳасига оид билим, кўникма, малака ва тажрибаларни мукамал эгаллаган ва уларни мужассамлаштирган, улардан ўзининг амалий фаолиятида юқори ва самарали қўллай олиш даражасига эга бўлади. Энг аввало, ахборот узатиш ва қабул қилишда одоб-ахлоқ меъёрлари, ахборот хавфсизлиги, медиасаводхонлик талабларига риоя қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёшларда ахборотлар билан ишлаш компетенциясини шакллантириш турли таҳдидлар ва ахборот хуружларининг зарарли таъсиридан ёшларни сақлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ушбу вазифани амалга оширишда қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

– ёшларда ахборотлар билан ишлаш компетенциясини шакллантириш учун таълим муассасаларида ахборотлар тўплаш, уларни саралаш, идрок қилиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган назарий ва амалий фаолиятимиз қамровини янада кенгайтириш;

– ёшларни интернет, медиа ресурслар ва ахборот технологиялардан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва китобга бўлган қизиқишларини кучайтириш, уларда турли таҳдидларга қарши иммунитетни ҳосил қилишда миллий маънавий меросимиз дурдоналари билан мунтазам таништириб бориш;

– энг муҳими, бузғунчи ахборотларни тарқатишга уринаётганларга қарши курашда миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқий меъёрларда жавобгарлик масалаларини кучайтириш

<sup>1</sup> Mirziyoyev SH. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 24 yillik bayramidagi “Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash-yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi” mavzusidagi ma'ruzasidan.

<sup>2</sup> O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risidagi” 187-sonli qaroriga ilova. 2017-yil 6-aprel. 2-bet.

ва уларнинг механизмларини замон талаблари асосида такомиллаштириб боришни тақозо этади.

## THE RELEVANCE OF SPEAKING IN DEVELOPING OTHER LANGUAGE SKILLS

*N. Baltabaeva*

*Institute of retraining and qualification upgrading  
of public education staffs of the Republic of Karakalpakstan*

Nowadays the English language has status of a global language due to globalization and general computerization. Modern English language teaching aims to lingual and social adaptation of learners to contemporary life. Language learning, in turn, requires motivation. Getting motivation is possible only through transformation of each learner from the passive contemplator into the active and creative participant of learning process should be involved into communication.

This aspect is reflected in the State Program of Educational Development and personally by the first president I.A. Karimov's decree on 10<sup>th</sup> December 2012: "Measures on further improvement of foreign language learning" there is a task of formation of intellectual, physically and spiritually mature citizen who would be able to integrate in competitive environment.

The pedagogical science is developing and leading to increase new teaching methods and technologies. One of them is teaching through communication, collaborative teaching, or teaching in intercourse, or communicative teaching. It helps to engage students to social communication in condition of multilingual environment.

Practical teaching of a foreign language possesses a number of communication techniques which provide self-determination and self-realization of the learner as the language person in the course of learning and developing language skills. Providing students with opportunities and situations in which they are encouraged and even required to express themselves results in the expansion of their oral language. Students need to be free to discuss their knowledge, thoughts, and feelings with each other, for they have much to share.

Pupils, when they enter school, come with knowledge gained from their own firsthand experiences and from experience as they are read to by others. As speakers, kindergarten have engaged in both numerous and varied conversations with peers, siblings, parents, and other adults. The school curriculum, however, emphasizes the printed rather than the spoken word despite the fact that 90 percent of our language use is oral in nature

At this time, children are expected to be competent oral language users because they have been talking fluently for years prior in entering school. Although their speaking vocabularies are large and their formed grammatical structures are quite sophisticated, attention needs to be given to the development of the expressive, oral language skills from kindergarten through the elementary grades and beyond. Research indicates that children benefit from engagements in both informal and formal talk throughout the school day.

Speaking is important for the development of the other language skills like reading, writing, listening, also improve their logically thinking and their creativeness. Speaking facilitates reading, especially in the area of vocabulary acquisition, as students add new words to their speaking repertoires and simultaneously to their learning new words. Another type of effective speaking activity is storytelling. Storytelling is an excellent means of developing speaking skills.

Storytelling, a form of language sharing in which learners can participate and which they enjoy, provides young children with a basic grasp of the important elements of a story: plot, characters, setting – both time and place, theme. These elements are not only present in the simple texts, students complete as "beginning readers" but also in many of the materials they will encounter as "mature readers."

Oral language often supports writing, especially as students are exposed to writing's initial

stages. When undertaking a writing task, students often talk to themselves; such talk serving various functions. Some students engage in self-dialogue as they write, later using punctuation: exclamation points and underlining, for example, as graphic representations of intonation. Other students talk to themselves as they generate their writing ideas in a type of oral evaluation of the soundness of their own creative efforts. Thus, self-dialogue is used as a means of analysis of a written product. Even as adults, people tend to read a written product aloud when the writing task is an important one. Clearly, children need to engage in oral language activities in order to gather information, to share information as well as to react to new experience. Students need opportunity to engage in meaningful dialogue as part of the learning process, something that they will be required to do on a daily basis as adult members of the nation's work force.

Speaking is typically classified according to four types of settings: formal speaking, informal speaking, ceremonial speaking, intimate speaking. Knowing what the conversation process involves is not enough for students; rather, they must be interactive participants in meaningful conversation on a daily basis so that they can develop the oral language skills deemed necessary to the good conversation. To this end, a teacher must plan motivating activities whereby students will discuss their thoughts, feelings, beliefs and are allowed to do so in an environment of trust and acceptance. As it stated, everyone has something to contribute; what he failed to say, however, was that criticism must be honest and nonthreatening. By having respect for each individual's contributions to a conversation, all learners feel secure with the knowledge that their own opinions and statements will not be ridiculed in any way.

## **INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN TEACHING EFFECTIVELY**

*S.Mirzakamalova*  
*Samarqand VXTXQTUMOI*

Technology has radically altered human civilisation. Few nations have not been affected in some way by the technological advances of the 20th and 21st centuries. Evidence from the 21st century indicates that technological change and adoption is not slowing, rather it is increasing at an almost exponential pace. . Education, both in the schools and institutions of higher education, has similarly been affected by increasing accessibility to technology. Thomas Edison once said, "Books will soon be obsolete in the public schools...our school system will be completely changed inside of ten years." Amazingly enough, however, one of our nation's most important inventors was proven quite wrong. The American education system has a remarkable resistance to innovation and the classroom experience has changed very little in the 100 years since Edison's prediction. Advances in information technology have revolutionized how people communicate and learn in nearly every aspect of modern life except for education. The education system operates under the antiquated needs of an agrarian and industrial America. The short school day and the break in the summer were meant to allow children to work on family farms. Schools have an enduring industrial mentality placing students in arbitrary groups based on their age regardless of their competencies. Technology has failed to transform our schools because the education governance system insulates them from the disruptions that technology creates in other organizations. The government regulates schools perhaps more than any other organization. Rules govern where students study, how they will learn, and who will teach them. Education regulation governs the relationships of actors in the system and stymies the impact of innovative technologies. Furthermore the diffuse system of governance creates numerous veto points to limit innovation. To overcome these obstacles, we must persuade teachers that technology will empower them and help their students learn. We argue that there are five strategies for successful teacher adoption of education technology and that these principles will help fulfill the potential that Edison saw a century ago. Teaching with technology can deepen student learning by supporting instructional objectives. However, it can be challenging to select the "best" tech tools while not losing sight of your goals for student learning. Once

identified, integrating those tools can itself be a challenge albeit an eye-opening experience. The CTL is here to help you (novice, expert and everyone in between) find creative and constructive ways to integrate technology into your class. If you are looking to flip your class, make use of Canvas or simply want to experiment with some new instructional technologies, we can help.

What do we mean by “technology”?

The term “technology” refers to advancements in the methods and tools we use to solve problems or achieve a goal. In the classroom, technology can encompass all kinds of tools from low-tech pencil, paper, and chalkboard, to the use of presentation software, or high-tech tablets, online collaboration and conferencing tools, and more. The newest technologies allow us to try things in physical and virtual classrooms that were not possible before. What you use depends fundamentally on what you are trying to accomplish.

Schools must use technology that empowers teachers. Teachers rightly reject education technologies that divert their attention from instruction. The best education technologies enable teachers to do more with fewer resources. Communication platforms like Twitter, Facebook enable dynamic communication with students. Teacher-empowering technologies include mobile apps that grade written student work and provide lesson plan databases. School systems need to aggressively track what works for their teachers and put all other unworkable technologies aside. One of the major drivers of bad policy is policy churn. New district leaders want to make their mark adopting new policies and jettisoning the old. This constant changing of priorities makes beneficial reforms difficult to implement. Teachers can incorporate technology directly into their practice and insulate their students from the deleterious effects of policy churn.

Many mistakenly believe that education technologies are expensive and complicated to use. Open-source technologies are stable, secure, and compatible with other platforms. Organizations both small and large use open source devices every day. Many businesses use open-source servers for their efficiency and costs savings. They often have large communities that provide high quality customer support. Best of all, open-source technologies often cost less than proprietary products.

Educators have known about the benefits of paper based portfolios for generations. Portfolios allow students to express creativity for difficult to assess subjects. Teachers can choose from a variety of online portfolio providers tailored to the needs of their classroom. They also serve as a platform for students to demonstrate growth. Online portfolios have many advantages over paper based options because they cost less and allow for more robust outreach. Online portfolios are also amenable to a wider variety of formats including video, music or other interactive features.

Teachers have to write lessons that comply with district, state, and national standards . Having a single set of standards eliminates redundancy and conflicting guidelines. Furthermore universal adoption of common standards will support future technological innovations that aid teachers. From a technical perspective, standards facilitate the development of new technologies. Innovators can focus on developing tools that better serve students rather than solving technical challenges of interoperability created by multiple sets of standards.

Undoubtedly weak financial support inhibits the adoption of education technology. Despite this obstacle, teachers working together have tremendous potential to reform education. Every day teachers face choices about how to implement the curriculum and instruct students. Those moments are opportunities for teachers to engage in education reform that has a real impact on students. Teachers should use education technologies that are inexpensive, easy to use, and improve student learning.

#### **How can technology help you?**

- Online collaboration tools, such as those in *Google Apps*, allows students and instructors to share documents online, edit them in real time and project them on a screen. This gives students a collaborative platform in which to brainstorm ideas and document their work using text and images.
- Presentation software (such as *PowerPoint*) enable instructors to embed high-resolution photographs, diagrams, videos and sound files to augment text and verbal lecture content.

- Tablets can be linked to computers, projectors and the cloud so that students and instructors can communicate through text, drawings and diagrams.
- Course management tools allow instructors to organize all the resources students need for a class (e.g. syllabi, assignments, readings, online quizzes), provide valuable grading tools, and create spaces for discussion, document sharing, and video and audio commentary. Clickers and smartphones are a quick and easy way to survey students during class. This is great for instant polling, which can quickly assess students' understanding and help instructors adjust pace and content.
- Lecture-capture tools, allow instructors to record lectures directly from their computer, without elaborate or additional classroom equipment. Consider recording your lectures as you give them and then uploading them for students to re-watch. Studies show that posting recorded lectures *does not* diminish attendance and students really appreciate the opportunity to review lectures at their own pace.

In conclusion I restate that, education is no longer a national issue. Ideas and people are moving. There are similar expectations of an educated person across the world, and this has led to the dominant role of international assessments. . As Levine and Sun indicate new technologies, in particular the Internet, have greatly influenced the opportunities to access education, interact with others, and to “disseminate knowledge to an exponentially large number of people than ever before”. This also applies to opportunities for accessing ongoing teacher professional development. New technologies offer increased opportunities to facilitate personal reflection on practice, collegial collaboration, problem-solving, and the production and sharing of teaching resources through the creation of online professional development communities. Teachers need professional development to become comfortable and innovative in their use of these technologies in order to relate to technologically-adept students in schools and to integrate information communication technology (ICT) into their classroom activities.

## ADABIY TA'LIMDA BADIY TALQIN

*F.Bo'riyeva*  
*SamISI qoshidagi 1-son akademik litsey*

Zahiriddin Muhammad Bobur temuriylar naslidan bo'lgan eng iste'dodli, hayoti haqidagi ma'lumotlar bizga o'zining avtobiografik asari bo'lmish “Boburnoma” hamda qizi Gulbadanbegimning “Xumoyunnoma” kabi nodir manbalar orqali anchayin to'liq yetib kelgan siyomdir. Mana necha asrlarki, adiblarimiz shoir shaxsiga qiziqish bilan qarab u haqda turli ilmiy badiiy asarlar yaratib kelmoqdalar. Jumladan, Flora Anna Stilning “Boburxon” (Parij, 1940), Fernard Grenardning “Bobur” (Parij, 1930), Harold Lembning “Bobur - yo'lbars” (Nyu-York, 1961) romanlari, Vambek Gaskonining “Bobur va uning avlodlari yoki Buyuk mo'g'ullar” (Nyu-York, 1980) esse-romanlari shular jumlasidandir. Hindistonlik Muni La'l boburiylar haqida 6 ta roman yozgan. O'zbek adabiyotida Oybek, P.Qodirov, B.Boyqobilov, X.Sultonov, X.Davron Boburga bag'ishlab roman, qissa va dostonlar yaratdilar. Va ularning ichida Boburning bolaligidan to umrining oxiriga qadar boshidan kechirgan quvonch-u shodliklari, g'am-u qayg'ulari, orzu-armonlari batafsil bayon etilganligi bilan, shuningdek, qiziqarli sujet asosida yoritilib keng kitobxon ommasiga yetib borganligi bilan o'ziga xos ahamiyatga ega bo'lgan asar bu - Pirimqul Qodirovning “Yulduzli tunlar” romani ekanligi hech shubhasizdir. Boburning hayoti tahlika-yu talotumlarga, jang-u jadallar, armon-u o'kinchlarga to'la ekanligi hamda ijodkorlarimiz bu ulug' siymo hayotidagi na dramatik lahzalarning mavzu qilib olishlari u haqdagi badiiy asarlarning nihoyatda qiziqarli bo'lishiga sabab bo'lgan. Lekin kitobxon tarixiy mavzudagi badiiy asarni o'qir ekan, faqatgina vaqtini chog' o'tkazishni, badiiy didini shakllantirishni nazarda tutmaydi, shuningdek, o'zining tarixga oid bilimlarini oshirishni ham maqsad qiladi. Shu nuqtayi nazardan qarajak, Pirimqul Qodirovning “Yulduzli tunlar” romani o'quvchiga tarixni kitobxon ko'z o'ngida

jonlantirishda benazir manba. Lekin ikkinchi tomondan qaralganda, undagi Bobur, Qutlug' Nigorxonim, Eson davlat begim, Xonzodabegim, Shayboniyxon, Ahmad tanbal, Umarshayxmirzo, Xadicha begim kabi tarixiy shaxslar bilan bir qatorda Mulla Fazliddin, Robea kabi to'qima obrazlarning yaratilishi hamda ularga oid voqelarning tarixiy haqiqiat bilan yonma-yonlikda yaratilishi uning ilmiy asoslanganligidan ko'ra badiiy qiymatini oshirib turadi. Zero, asar o'z shakliga ko'ra badiiy nasr.

Biz quyida fikr yuritmoqchi bo'lgan asarimiz Xurshid Davronning "Samarqand xayoli" tarixiy-badiiy esse si janr nuqtayi nazaridan ham, tarixiy voqealar bayoni jihatidan ham kitobxonga tarixdan saboq beruvchi betakror manbadir. Shu o'rinda esse janri haqida ma'lumot berib o'tishni lozim deb bilamiz.

Badiiy-publitsistik janrlar sirasiga kiruvchi esse o'ziga xos xususiyatlarga ega. "Esse" atamasi turli adabiyotlarda turlicha talqin qilinadi. Xususan, "O'zbek tilining izohli lug'ati" da: "Esse (fransuzcha *essai* – tajriba, mashq, xomaki narsa) adabiy, falsafiy, ijtimoiy, publitsistik va boshqa mavzularda yozilgan, muammolar sistematik ilmiy tarzda emas, balki erkin shaklda talqin qilinadigan nasriy asar"<sup>1</sup> - deya ta'rif berilgan bo'lsa, "Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-o'zbekcha izohli lug'ati" da: "Esse – *lot.exigo* – chamalayman, o'lchab ko'raman so'zlaridan olingan, erkin kompozitsiyaga ega bo'lgan, juz'iy mavzularda, shaxsiy mulohaza va qarashlarni ifodalovchi unchalik katta hajmga ega bo'lmagan asar..."<sup>2</sup> – deb ta'riflanadi.

"Esse – (fransuzcha *essai* – urinish, sinash, ocherk) – erkin kompozitsiyali, uncha katta bo'lmagan nasriy asar. Esse orqali narsa va hodisalarga yoki shaxsga oid subyektiv fikr bayon qilinadi"<sup>3</sup>.

Keltirilgan ta'riflardan so'ngisi esse haqida berilgan batafsil, tushunarli ta'rif deb o'ylaymiz va quyida tahlili berilayotgan "Samarqand xayoli" tarixiy essesini o'sha ta'rifga asoslangan holda talqin etamiz. Aytish mumkinki, janr talabidan kelib chiqqan holda adib Bobur hayotidagi eng tahlilali, boshqa tarixiy asarlarda birinchi darajali o'ringa olib chiqilmagan hayotining qismi temuriy shahzodalar orzusi bo'lgan Samarqand shahrini olish uchun kurashlarini aks ettiradi. Yozuvchi tarixiy voqelikni bayon etar ekan, kitobxonga to'liq va haqqoniy voqelarni bayon etishni maqsad qiladi. Buning uchun u ko'plab tarixiy manbalarga murojaat qiladi. Ayrim manbalardagi xato talqinlarni to'g'rilab ketgan o'rinlar ham bor. Dastlab, esse "Boburnoma" da berilgan Samarqand tasvirining batafsil bayoni bilan boshlanadi. Buning bilan muallif buyuk bobokalonimizning bu shaharga qanchalik darajada mehr qo'yganligini aytgandek bo'ladi. Keyinchalik ham "Boburnoma" dan olingan har qanday iqtibos kitobxonga esse qahramoni bo'lgan Boburning qandaydir his-tuyg'ularini ifodalash uchun xizmat qiladi.

Masalan, esseda "Sulton Mas'ud mirzoning ko'zlariga nishtar solib ko'r qilganini eshitgan Bobur mirzo g'azab bilan yozadi: "Har kimkim, mundog' sha'n harakatga iqdom qilg'ay va ul kishigakim bu nav ehtimol qilgay va ul kishigakim bu nav ishga ehtimol qilg'ay, yuz ming la'natdur, qiyomatqacha kim har kim Xusravshohning bu af'olini eshitib la'nat qilmog'on ham sazovori la'nat bo'lsun". Ushbu iqtibosga muallif shunday munosabat bildiradi va Bobur shaxsiyatini haqida kitobxonda yanada yorqinroq tasavvur paydo bo'lishiga erishadi: "Ha, bir vujudda ham tengsiz mehr tuyg'usi, ham cheksiz qahr qudrati jo edi. U mag'lub bo'lgan shahr aholisini qatli om qiladi. U o'g'li bemor bo'lganini eshitib, oz jonini sadaqa qilishga tayyor turadi." ("Samarqand xayoli" 221-bet)

Yoki asardagi Do'st Ali To'g'oyi va uning o'g'lining taqdiri va ularga Bobur munosabati haqida quyidagi fikrlar bayon etilgan: "Ota-bolaning keyingi taqdiri haqida yozar ekan, Bobur Mirzo nafratini yashirmaydi. Ali Do'st Tog'oyi qoraqurt chaqib o'ldi. Og'li esa Tanbalidan keyin o'zbeklarga qo'shib talonchilik qilib yurdi. Oxiri Andijon Shayboniyxon qo'liga o'tgach, qo'lga

<sup>1</sup> O'zbek tilining izohli lug'ati. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2008-yil, 5-jild, 57-bet.

<sup>2</sup> N.Hotamov, B.Sarimsoqov. Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-o'zbekcha izohli lug'ati. –T: "O'qituvchi" 1983-yil, 370-371-betlar.

<sup>3</sup> O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2005-yil, 10-jild, 268-bet.



tushib, ko'ziga mil tortildi. Xuddi mana shuni nazarda tutib Bobur mirzo: "Ko'zlarini tuz tutdi"ni ma'nosi bor emish", - deb yozadi. ("Samarqand xayoli" 227-bet)

Shuningdek, Bobur mirzonig opasi Xonzodabegimning Shayboniyxonga turmushga chiqishi voqeasi Muhammad Solihning "Shayboniyнома" asarida berilgan quyidagicha tasvir bilan:

- Yor chun xon qoshiga yovushdi,
- Qo'ydi Boburni, ango yopushdi...

Yoki Boburning qizi Gulbadanbegimning "Xumoyunnoma" asaridagi ushbu qaydlar bilan, ya'ni "Otam hazratlari olti oy davomida Samarqandni olmoqqa urindilar, lekin maqsadlariga yeta olmadilar, Xurosondagi amakilari Sulton Husayn mirzo Boyqaro kabi, Qo'zqardagi tog'alari Sulton Mahmudxon ham yordam yubormadilar, hech joydan madad va yordam kelmagach, ma'yus bo'ldilar.

Ana shunday vaqtda Shahibekxon (Shayboniyxon) "Agar o'z singlingiz Xonzodabegimni menga bersangiz oramizda sulh tuziladi va ittifoqlik aloqalari o'rnatiladi", - deb aytirib yubordi. Oxir Xonzodabegimni o'sha xonga berib o'zlari qaytishlari zarur bo'ldi".

"Boburnoma"da bu voqea shunday beriladi: "Zarurat bo'ldi, sulhguna qilib, kechadin ikki pakr bo'la yovushib edikim, Shayxzoda darvozasidan chiqildi. Volidayi xonimni olib chiqdim. Yana ikki xotun chiqdi, biri Bechka halifa edi, yana biri minglik Ko'kaldosh edi. Mening egachim Xozodabegim ushbu chiqqanda Shayboqxonning ilgiga tushdi". ("Samarqand xayoli" 256-bet)

Ushbu voqeaga muallif o'z shaxsiy munosabatini quyidagicha keltirib o'tadi: "Bobur mirzo Samarqanddan qochish tafsilotini bayon qilar ekan, asl voqeani ochiq yozmaydi, yozishga yuzi chidamaydi. Kimdir buni yolg'on, haqiqatni yashirish deb aytar, lekin yolg'on bilan nomusni farqlay oladigan Bobur mirzoning yuqoridagi satrlarni bitayotgandagi holatini dil-dildan anglasalar kerak, deb o'ylayman." ("Samarqand xayoli" 257-bet)

Esseda tarixiy voqelikka hech bir qo'shib-chatilmagan holda fikrlar manbalar orqali asoslanib, shuningdek, muallifning xayrixoh shaxsiy munosabati bayon etilgan o'rinlar bilan kitobxon ko'z o'ngida tarixiy-badiiy voqelik namoyon bo'ladi. Esse janrining eng xarakterli xususiyatlardan biri unda qalamga olingan voqea asar qahramoni hayotidagi eng tarang vaziyatlar, dramatik holatlar bo'lishi kerak. Aslida Zahiriddin Bobur hayoti boshdan oxir shunday vaziyatlar bilan to'lib-toshgan bo'lsa-da, uning Samarqandni olishdagi besamar urinishlari hatto nomus toptalgan vaziyatlar (Xonzodabegimning Shayboniyxonga turmushga berish voqeasini eslang.) Ismoil Safaviydan yordami bilan bu jannatmakon shaharni egallaganda endi ularning shartiga ko'nishga majbur bo'lib qizilboshlar kiyimini kiyib yurishlari ifodalangan o'rinlarda Samarqandni olish orzusi Bobur uchun uncha-muncha kichik havas bo'lmaganligini bilishimiz mumkin.

Asardagi har bir parcha Bobur xarakterining uning his-tuyg'ulari, istaklari, dunyoqarashi haqida bizga tasavvur beradi. Keyinchalik Ismoil Safaviy yordami bilan Shayboniyning yengib Samarqandni egallagan bobokalonimiz o'z sunniy mazhabidan kechib shialar yo'rig'iga yurar darajada e'tiqodi sustmidi? Bunday emasligi tarixiy haqiqat. Lekin murakkab vaziyat taqazosini, Samarqandni qo'lida ushlab qolish orzusi ekanligi ayon. Shuningdek, buyuk bobokalonimiz mazhablar orasidagi kurashlarga u darajada e'tibor bilan qaramasligi bilan o'z zamondoshlaridan qay darajada oldinlab ketganligini anglashimiz mumkin. Ushbu voqelarga muallif o'z shaxsiy munosabatini quyidagicha bayon etadi: "Bobur Mirzoning Samarqand jome' masjidida o'n ikki shia imominomini xutbaga qo'shdirib o'qitgani, qizilboshlar ra'yiga qarab ish tutishi samarqandliklar orasida norozilik uyg'otdi. Ikki o't-vatan mehri va taxt havasi o'rtasida qolgan Bobur mirzo Samarqand bilan Buxoro oralig'ida ot choptirib yurib, o'zbek sultonlari hujumlarini qaytarish, o'z mavqeyini mustahkamlash uchun qanchalik urinmasin, qilgan xatti-harakatlari mahalliy xalq tomonidan qo'llab-quvvatlanmaganligini ko'rib naqadar xato ishga qo'l urganinini sezib ich-ichidan qayg'urardi". ("Samarqand xayoli" 281-282-betlar)

Ushbu asarda adib tarixiy shaxslar siyosini faqat ularning batafsil portretlarida bermaydi, balki biror bir voqea bayoni asnosida bayon etilgan fikrlar esseda nomi keltirilgan shaxslarni real insonlar sifatida ko'z o'ngimizda jonlantirishga xizmat qilgan. Suningdek, ushbu asarda tahlila-yu talotumlar, foje lavhalar, sarson-u sargardonliklar bilan to'la hayotini o'zining ijodkorligi bilan

jozibali qila olgan, avlodlar yuragiga yetkaza olgan Boburning hayotining dastlabki pallalaridagi orzu-umidlari bor bo'yi bilan o'zini namoyon etadi.

## INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN FOREIGN LANGUAGES TEACHING

*Ya.Ermatova*

*FarDU qoshidagi 1-sonli akademik litsey*

Technology continues to be used for all sorts of specific language learning activities, such as oral practice and reading and writing skills development. However, ICT seem to be particularly successful when integrated into project-based language learning, where English can be acquired naturally through themed activities and different subject disciplines. A typical scenario within the primary sector might consist of a sequence of content-driven, language-based activities that culminate in a significant event such as an oral presentation, or a specific task like writing a letter or essay. Pupils might engage in a teacher-led question and answer session, watch a video, research using books and the internet, take part in a role play or debate and experience any number of other activities in preparation for the final task. Throughout, learners will inevitably dip in and out of using ICT.

Over the last 20 years, there has been a tremendous shift in the way that users integrate technology into their personal lives. These changes have taken time to filter down into the educational sector, but slowly teachers have realised the need to adapt their practice in order to reflect the changing nature of technological use in the wider world. In the past, technology has predominately been used to source and consume information, whereas today's learners have become particularly adept at creating and collaboratively developing content for a wide variety of purposes, such as blogs, forums and wikis. Moreover, children and young people are now becoming increasingly interested in the concept of 'content curation' – selecting, sifting, showcasing and sharing content with friends, family and peers.

What we have said so far in our discussion of the needs of young language learners suggests that they need to be offered opportunities to practise target language in as many ways as possible. What is missing for them in many EFL contexts is access to other language users with whom they can practise. Technology has the potential to overcome this limitation and provide learners with the opportunity to communicate with others, often native speakers of the language they are learning, or other learners studying the same language, but who don't share the same home language, so they are forced to make use of English to communicate. Synchronous solutions like video-conferencing and face-to-face interaction through online virtual worlds are becoming increasingly popular as vehicles to promote language learning. Video conferencing is being used to bring learners together over distance so that they can communicate in a common language and share cultural experiences.

Another significant sight, digital literacy is particularly significant, as pupils are bombarded daily by an array of digital texts, and it is particularly important that they learn to understand the nuance of media-types that surround them in the physical world as well as on the internet. Many professionally produced reading schemes offer audio CDs or online oral versions of the texts. Some companies produce pointing devices that can play audio by scanning texts or interfacing with microdots printed onto paper. Digital texts can also be imported into e-book readers that can render text orally through text-to-speech synthesis. Using software screen-readers and standalone text-to-speech applications can also be an option.

Moreover, most trainees in many parts of the world who have grown up with computers and gaming consoles and increasingly 'smart' mobile phones are highly conversant with the notion of using them for 'digital play'. Some educators are capitalising on their pupils' involvement with this type of technology by integrating video games into their lessons. Digital games, in particular, are proving popular because they can be successfully used to facilitate teachable moments: curriculum

content, core skills and language acquisition. Such games can be highly engaging to the user, featuring strong narratives via a range of rich-media types such as text, audio, video and animation.

They also tend to incorporate elements of problem solving that promote pupil collaboration. When children work together to solve problems there are opportunities for teachers to develop well-structured language learning activities.

Finally, encouraging the use of educational technology in secondary language education has wider implications. If we are truly interested in preparing our students to be responsible citizens in an increasingly technologically advanced society, then our way of teaching our students must reflect this.'

## ONA TILI DARSLARIDA O'QUVCHILARNING OG'ZAKI NUTQINI RIVOJLANTIRISH

*B.E. Nurmatova*

*Andijon viloyati Qo'rg'ontepa tumani 41-IDUM*

Hozirgi kunda davlatimiz ziyolilari oldida turgan dolzarb vazifalardan biri "Ta'lim to'g'risida"gi qonun va "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi" talablaridan kelib chiqqan holda yangicha fikrlaydigan, zamonaviy bilimlarga ega bo'lgan, yuksak malakali mutaxassislar tayyorlash masalasidir. Chunki Respublikamizda amalga oshirilayotgan islohotlarning kelgusidagi taqdiri, jamiyat istiqboli bugungi kunda tayyorlanayotgan yosh mutaxassislarga, ularning ilmiy salohiyatiga bevosita bog'liq. Prezidentimiz: «Zamonaviy ta'lim- tarbiya tizimini isloh qilish, zamon talablariga mos kadrlar tayyorlash ishini yo'lga qo'yish faoliyatimizning bosh yo'nalishi bo'lmog'i darkor», - deb ta'kidlagan. Darhaqiqat, ta'lim samaradorligi myezoni uni qay tarzda yo'lga qo'yish va xalqaro standartlar talablariga javob byerishi bilan belgilanadi. Shunday ekan, ta'lim-tarbiya sohasida samarali islohotlarni amalga oshirishda, yosh avlodda bilishga nisbatan ongli yondashuvni qaror toptirish bilim olishga intiluvchanlik hamda tirishqoqlikni yuksaltirish, jamiyatda muvaffaqiyatli faoliyat ko'rsata oladigan yosh avlodni yetishtirib berish va ularni tashabbuskorlikka va ijodkorlikka undash bugungi kun ta'lim - taraqqiyotining muhim vazifalaridan biri deb hisoblanadi.

Har bir xalqning, millatning ertangi kuni o'sib kelayotgan yosh avlodning bugun qanday ta'lim-tarbiya olayotgani bilan belgilanadi. Yoshlarning har tomonlama yetuk bo'lib kamol topishi ko'p jihatdan o'qituvchi-murabbiylarning bilimi ijodkorligi va albatta, mahoratga bog'liq. Zamonaviy o'qituvchi o'z davrining ilg'or metodlarini puxta egallagan o'qitayotgan fanini yanada chuqur o'rganishga yordam beradigan modullarni, metodlarni yaxshi o'zlashtirgan bo'lishi lozim.

Men ham uz ish tajribamdan kelib chiqib 7- sinflar uchun adabiyot fanidan tayyorlagan «Cho'lpon she'rlarini o'rganish» mavzusidagi taqdimot, 5-sinfda "Sinfdan tashqari o'qish" mavzusida tayyorlagan uslubiy tavsiyalarim Respublika Ta'lim markazi tomonidan ommalashtirildi.

Taqdimotda Cho'lpon she'rlaridagi haqqoniylik, samimiylik, dard, falsafiylik ifodalarini to'laroq anglash va undagi lirik tuyg'ularni o'quvchilarga yetkaza olish usullari ko'rsatib berildi. O'quvchilar o'rtasida badiiy adabiyotga qiziqishni yanada oshirish maqsadida 5-sinfda adabiyot fanidan "Sinfdan tashqari o'qish" mavzusida tayyorlagan uslubiy tavsiya orqali ham ona tili va adabiyot fani o'qituvchilariga o'quvchilarning badiiy adabiyotga bo'lgan qiziqishini oshirish va og'zaki nutqini rivojlantirishda foydalanish uchun qulay qo'llanma deb hisoblayman. Taqdimot va uslubiy tavsiyalarim Respublika Ta'lim markazi tomonidan ilg'or ommalashtirilishi, yurtimizda faoliyat ko'rsatayotgan har bir ijodkor, izlanuvchan, tashabbuskor o'qituvchilarning mehnatiga bo'lgan katta e'tibordir.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori umumiy o'rta ta'lim tizimini ilg'or tajribalari hamda ilm- fan va zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalariga

*asoslangan holda tashkil etish, ma'naviy barkamol va intellektual rivojlangan shaxsni tarbiyalashdan iborat vazifalarni belgilab berdi.*

**Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarida Ona tili fanini o'qitishning asosiy vazifasi:**

- o'quvchi shaxsini fikrlashga, o'zgaralar fikrini anglashga, o'z fikrini og'zaki hamda yozma shaklda savodli bayon qila olishga qaratilgan nutqiy kompetensiyani rivojlantirish;
- o'quvchilarda grammatikaga oid o'zlashtiriladigan bilimlarni (fonetika, leksikologiya, so'zning tarkibi, so'z yasalishi, morfologiya, sintaksis, yozuv va imlo, tinish belgilari, nutq uslublari, stilistikaga oid tushunchalarni) rivojlantirish;
- ona tilining keng imkoniyatlaridan unumli foydalangan holda to'g'ri va ravon bayon eta olishni rivojlantirishga qaratilgan lingvistik kompetensiyalarni shakllantirishdan iborat.

**Tinglab tushunish:** sohaviy ilmiy-ommabop nutqni tushunadi, tinglangan matndagi asosiy axborotni ajratib oladi, ommaviy axborot vositalaridagi dolzarb axborotlar mazmunini, maqsadini idrok etadi, tinglab tushunadi. Nutqning to'g'riligi, mantiqiy izchilligi, sofligi va ta'sirchanligini anglaydi, barqaror atamalar, kasb-hunar so'zlarining ma'no xususiyatlarini farqlaydi.

**Gapirish:** nutqini ifodali va ravon, mazmunli va ta'sirchan ifoda eta oladi, leksik, grammatik va stilistik me'yorlarga amal qiladi, nutqda mantiqiy urg'uni o'rinli va to'g'ri qo'yadi.

**O'qish:** turli janrdagi matnlarni ifodali va ta'sirchan o'qiy oladi, gapning ifoda maqsadi, his-hayajon, sodda va qo'shma gaplar ohangiga rioya qilib o'qiydi.

**Yozish:** fikr ifodasi mantiqan izchil, tinish belgilari, nutqda kirish va kiritmalar, ko'chirma gaplar, tilning ifoda vositalari, fikr ifodasida qo'shma gapning oddiy va murakkab turlaridan foydalanadi. 30 — 35 gapdan iborat ijodiy matn (bayon) yoza oladi. O'quvchilarni o'rgangan bilim va ko'nikmalarini dars jarayonida va hayotda qo'llay olish kompetensiyalarini rivojlantirish zarur. Buning uchun rivojlantiruvchi ta'lim texnologiyasidan darsning takrorlash va mustahkamlash qismida foydalanish maqsadga muvofiq bo'ladi.

**Rivojlantiruvchi ta'lim bu:** - ma'lum bir vaqtda, o'quvchining ta'limiy, tarbiyaviy, ma'naviy, ruhiy va jismoniy rivojlantirish hamda uni tez o'zgaruvchan dunyoda jamiyatga, hayotga moslashuvini ta'minlovchi ta'lim nazariyasidir; - o'quvchilarda topshiriqlarni yechishga oid nazariy tushuncha va amaliy ko'nikma, malakalarni shakllantiradi.

**Rivojlantiruvchi ta'limning o'ziga xos xususiyat:** - o'quvchilarning ijodiy qobiliyatlarini ro'yobga chiqarishga xizmat qiladi.

**Rivojlantiruvchi ta'limning ayrim texnologiya va usullari:**

Texnologiyalar	Usullar
“Bumerang”	“Aqliy hujum”
“FSMU”	“Guruhlarda ishlash”
“Venn” diagrammasi	“Rolli o'yin”
“Zanjir”	“Taqdimot”
“Zinama-zina”	“Galereya”
“Didaktik o'yin”	“SWOT” tahlil

6-sinf ona tili darsligida (24-dars) So'z turkumlari mavzusini o'tishda o'quvchilarning og'zaki nutqini rivojlantirish uchun rangli rasmlar, fe'l so'z turkumiga oid so'zlar yozilgan tarqatmalardan foydalanish, “So'zi mendan, gapi sizdan”, “Zanjir” o'yini orqali bilim ko'nikmalarni rivojlantirish mumkin. Masalan: “So'zi mendan, gapi sizdan” o'yini.

1-o'quvchi: oltin, o'nta, bormoq, o'ylamoq so'zlarini aytadi.

2-o'quvchi: so'zlarga savol berib, qaysi so'z turkumidan ekanligini topadi.

Oltin – nima? s.j.b, o'nta – nechta?, bormoq – nima qilmoq?



mashqlardan “O‘yin topishmoq”, “Rolli o‘yin”, “Davom ettir”, “Topag‘on”, “Noto‘g‘ri jumla”, “Aql charxi” kabi mashqlardan foydalanishimiz mumkin. Bunda o‘quvchilar ta‘lim olish jarayonini guruhlarda hamjihatlikda ishlaydilar, mustaqil bajaradilar va eslab qoladilar. Birinchi navbatda, o‘quvchilarda “Do‘stona kelishuv” va hayotiy ko‘nikmalar shakllantiriladi. Bu usullarni darsdan tashqari o‘tkaziladigan mashg‘ulotlarda, ya‘ni to‘garak mashg‘ulotlarida qo‘llash maqsadga muvofiqdur. Mashg‘ulotning qiziqarli o‘tishi va o‘quvchilarning kayfiyati yuqori bo‘lishini ko‘zda tutib, to‘garak o‘tish jarayonida avval o‘quvchilarni mustaqil ijodiy fikrlashini oshirish so‘ngra ko‘zda tutilgandan ko‘ra murakkabroq vazifalar berilishi samaraliroq bo‘ladi. Mashg‘ulot davomida o‘yinlardan foydalanish mumkin. Masalan, “O‘yin topishmoq”.

Bu o‘yinda darsning ma‘lum bir qismida kichik hajmda yoki, darsdan tashqari mashg‘ulotlarda katta hajmda foydalanish mumkin. U quyidagi tartibda o‘tkaziladi. O‘qituvchi biror bir so‘zni topishmoqlar yoki so‘zlar vositasida uch marta ta‘riflaydi. Birinchi ta‘rif murakkab, ikkinchi ta‘rif yengilroq, uchinchi ta‘rif esa juda yengil bo‘ladi. Birinchi ta‘rifdanoq javobni to‘g‘ri topgan o‘quvchiga 3 ball, ikkinchi tarifda to‘g‘ri javobni topgan o‘quvchiga 2 ball, uchinchi ta‘rifda to‘g‘ri javobni topgan o‘quvchiga esa 1 ball beriladi. Bu o‘yinni bir o‘quvchi bilan og‘zaki yoki ko‘pchilik o‘quvchilar bilan yozma ravishda o‘tkazish mumkin. Bunday o‘yinlar o‘quvchilar uchun juda qiziqarli bo‘lib, ularning mustaqil fikrlash darajasini aniqlashga yordam beradi va rivojlantiradi.

“O‘yin topishmoq”dan darsda yoki darsdan tashqari mashg‘ulotlarda musobaqa tarzida foydalanish mumkin.

1-variant:

1-ta‘rif: Kichkina dono,

Ichi to‘la ma‘no

2-ta‘rif: U har birimizda bor.

Usiz biz maktabga kelmaymiz.

3-ta‘rif: Qat-qat qatlama,

Aqling bo‘lsa tashlama. (“Kitob”)

2-variant:

1-ta‘rif: Tabiat hodisasi. Yog‘maydi-yu, ammo tongda hamma joyni qoplab oladi.

2-ta‘rif: Sovug‘i bor, emas qor

Oppoq, hech kim demas qor.

3-ta‘rif: Sovuq vaqtida hamma joyni qoplaydi-yu, havo sal isishi bilan darrov erib

ketadi. Javob: Qirov.

“Davom ettir” o‘yinida o‘qituvchi hikoya boshlaydi, o‘quvchilar uni davom ettiradilar. Bunda o‘quvchilarda ijodkorlik qobiliyati rivojlanib, bayon yoki insho kabi ijodiy ishlar yozish ko‘nikmasi rivojlanadi va so‘z boyligi ortadi. Bundan tashqari, ularda mustaqillik, o‘z kuchiga ishonch hissi rivojlanadi. Bu o‘yindan ona tili, o‘qish darslarida foydalanish mumkin.

1- variant: “Umida barvaqt maktabga ketayotganda yo‘lda .....

2- variant: “Havo ilib, qorlar eriy boshladi.....”

Darslarda bunday metodlarni qo‘llash bola shaxsiga munosabatni yanada yaxshilaydi, turli xarakterdagi bolalar bilan ham til topa olishni uddalaymiz. Ular guruhlarda ishlash orqali bir-birlarini fikrlarini tinglaydilar, maqullaydilar va hamjihatlikka o‘rganadilar. Bunda qo‘lda ijodkorlik bilan tayyorlangan ko‘rgazmalar muhim ahamiyat kasb etadi. Darslarning samaradorligini oshirish, o‘quvchilarning bilim darajalarini boyitishda darslarda turli interfaol metodlardan foydalanish yaxshi samara beradi. O‘quvchilarda bilimga ishtiyoq uyg‘otadi. O‘quvchilar darsga puxta hozirlik ko‘rishga intiladilar.

## ЧЕТ ТИЛИ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ТЕСТ МАШҚЛАРИДАН Фойдаланиш

Х.Т.Пўлатов  
Фарғона вилояти Қўштепа тумани  
7-мактаб

Таълим соҳасини демократлаштириш, унинг инсонпарварлик тамойилларини ривожлантириш мақсадида ўқув-тарбия ишлари мазмунини, унинг шакл ва услубини комплекс янгилаш ва янада такомиллаштириш ҳозирги давр ўқитувчисининг вазифасига айланиб қолди. Бу мақсадларга муваффақиятли эришишнинг яна бир йўли чет эл мактаби ва педагогикаси тажрибасига таянишдан иборатдир. Ривожланган мамлакатлар таълим соҳасидаги тажрибаларини синчковлик ва қунт билан ўрганиш орқали биз таълимда хато ва янглишлардан, шубҳали хулосалардан ўзимизни сақлашимиздан ташқари таълим-тарбияда котиб қолган, эскирган, ўз долзарблигини йўқотиб бораётган иш шакллари ва услублардан тезроқ халос бўлиш билан бирга, уни муносиб тарзда янгилашда қўшимча бой манбаларга эга бўламиз. Шундай экан, биз ўқитувчилар ўқувчиларга таълим-тарбия беришда янгича услуб билан илғор педагогик тажрибаларни қўллаган ҳолда дарсларни олиб борсак айни муддао бўлишини сезиб турибмиз. Жумладан, ҳар бир дарсда турли услублардан фойдаланганимизда ўқувчиларда мазкур фанга бўлган қизиқиш кескин ортганлигини кўрмоқдамиз.

Фанларни ўқитиш сифат-самарадорлигини оширишда фойдаланиладиган инновацион технологиялардан бири ўқувчилар билимини **тест машқлари** орқали аниқлаш ҳисобланади.

Табиий савол туғилиши мумкин: *ТЕСТ ўзи қандай сўз ва бундай синов услубини моҳияти ва мақсади нималардан иборат?*

ТЕСТ - инглизча сўз бўлиб, психология ва педагогикада стандарт машқлар ҳисобланади. Бу машқнинг бажарилиши натижаларига кўра синалаётган шахснинг психофизиологик ва шахсий хусусиятлари, шунингдек, билими, малака ва кўникмаси тўғрисида хулоса чиқарилади.

Демак, тест машқларида ўқувчи ўз билимларини синаши мумкин. Ўқитувчи эса, ўз навбатида, синалаётган ўқувчининг қай даражада билимдон эканлигини аниқлайди ва шунга мос равишда кейинги топшириқларни белгилайди. Лекин, тестдан кўзланган мақсад фақат бугина эмас. Асосийси, ўргатилаётган фанга нисбатан ўқувчиларда қизиқишни орттириш ҳамдир. Бунинг учун тузилаётган тестнинг мазмуни ўтилаётган мавзуга ёки ўтилган мавзуларга мос тушиши ва айниқса ўқувчининг диққат марказида бўлиши лозим бўлган сўзлардан фойдаланилади. Шундагина ўқувчи тест машқларини ёки синов топшириқларини бажаришга ўзида мойиллик сезади. Сабаби, у хоҳласа-ю хоҳламаса саволга тўғри жавобни топишга ҳаракат қилади. Шундай қилиб, у ўз билимини синаб кўради.

Тест машқларининг турлари ва улардан фойдаланиш услуби жуда ҳам хилма-хил кўринишга эга бўлиб, улар бир-биридан ҳам шаклан ҳам мазмунан фарқ қилади.

Германиялик мутахассислар билан ҳамкорлик доирасида ва айни пайтгача эгаллаган педагогик тажрибамдан тест машқларининг қуйидаги турларини кўрсатиб ўтмоқчиман.

ОДДИЙ ТЕСТ - бу турдаги тестлар жуда содда тузилишга эга бўлиб, аввал савол ёзилиб, кейин бирданига бир нечта жавоблар кўрсатилади. Аслида эса, шулардан биттасигина тўғри жавоб ҳисобланади. Ўқувчидан ана шу тўғри жавобни аниқлаш талаб этилади. Масалан: 1. *Wie spät ist es?* **7:15**

- A. Es ist 15 Minuten nach 7.
- B. Es ist 15 Minuten vor 7.
- C. Es ist 7 Minuten nach 15.
- D. Es ist halb 7 Minuten vor 15.

**MATNGA MUHOSSABA TISTI** - бунда ўқиб эшиттирилган ёки китобда берилган матн юзасидан синов ўтказилади. Қоида бўйича ўқувчи тест машқида кўрсатилган гап ёки сўз ибораларини матн мазмунига мос тушуши ёки тушмаслиги ҳамда мос тушиши мумкинлигини аниқлайди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, матнни тўғри тушунган ўқувчигина тестни дарров ечади. Масалан: Heute ist Sonnabend (Бугун шанба). Die Kinder bekommen keine Aufgaben (Болалар топшириқ олмадилар). Sie fahren in den Zoo. (Улар зоопаркка кетмоқдлар). Samad hat eine Rucksache. (Самаднинг рукзаки бор). Er hat viele Zuckertüten. (Унда кўп ширинликлар бор).

N	Die Satze (Гаплар)	Richtig (Тўғри)	Falsch (Нотўғри)	Möglich (Бўлиши мумкин)
	Heute ist Samstag. (Бугун шанба)	√		
	Die Kinder bekommen viele Aufgaben (Болалар кўп топшириқлар олдилар)			
	Sie fahren in den Park. (Улар паркка кетяптилар)			
	Samad hat eine Schultasche. (Самадда мактаб сумкаси бор)			
	Samad hat eine Tafel Schokolade. (Самадда бир ўрам шоколад бор)			

**"Ҳа" ёки "Йўқ" жавобли тест** - бу синов машқида ўқувчининг нафақат тушуниш қобилияти, балки унинг мустақил фикрлаши ҳам синаб кўрилади. Бу паст ўзлаштирувчи ўқувчиларга ҳам манзур бўлиши табиий.

Die Fragen (Саволлар):	Ja (Ҳа)	Nein (Йўқ)
Bist du Anwar? (Сен Анвармисан?)		
Lernst du Deutsch? (Сен немис тилини ўрганяпсанми?)	√	
Wohnst du in Usbekistan? (Сен Ўзбекистонда яшайсанми?)		
Hast du einen Bruder? (Аканг борми?)		

**Мантиқий фикрлаш тестида** - маълум бир мавзуда қуйидаги жадвал бўйича тест машқини яратиш даркор. Жадвалнинг чап вериткал қисмига устун шаклида сўз ёки сўз иборалари ёзилади, юқори горизонтал қисмига эса, уларга мос сўзлар қайд этилади. Ўқувчидан ана шу сўзларни бир-бирига боғлиқлигини аниқлаши лозим бўлади. Масалан:

Sportarten (Спорт турлари)	Der Turm (Тўра)	Der Ball (Тўп)	Das Rad (Вело сипед)	Das Pferd (От)	Das Surfbrett (Серфинг тахтаси)
Fussball (Футбол)					
Ulak (Улақ)					
Surfen (Серфинг)					
Radsport					



	(Велоспорт)					
	Schachspiel (Шахмат)					

**Мураккаб тестда** - ўқувчиларнинг мулоқотга кириша олиш даражасини синаб кўрилади. Бу каби тестларнинг тузилиши қондаси шундан иборатки, чап томондаги саволларга ўнг томондаги жавобларнинг бири тўғри келади. Синалаётган ўқувчи эса рақамланган саволларга тўғри жавобни топиб, мос харфларни қўйиши шарт. Масалан:

	Guten Morgen! (Хайрли тонг!)	A.	Ich lerne in der 7. Schule (Мен 7-мактабда ўқийман)
	Wie geht es dir? (Ахволларинг қалай?)	B.	Guten Morgen! Хайрли тонг!
	Tschüss! (Хайр!)	C.	Danke, gut! (Яхши, раҳмат!)
	Wo lernst du? (Қаерда ўқийсан?)	D.	Tschüs! (Хайр!)
	Woher kommst du? (Қаердан келяпсан?)	E.	Ich komme aus Berlin (Мен Берлиндан келяпман)

1	2	3	4	5
B				

**Расмли тестда** ўқувчининг эшитиб тушуниш қобилияти синалади. Бунда ўқитувчи айтган сўз ёки сўз ибораларини қандай маъно англатишини ўқувчи ўйлаб топиб қўлидаги расмлардан истариб топади. Масалан, ўқитувчи “Heute bereiten wir Salat zu. Zuerst brauchen wir eine Schüssel” (Бугун биз салат тайёрлаймиз. Аввал бизга лycop керак бўлади) деб мурожаат қилади. Кимда лycopнинг расми бўлса, “Ich habe eine Schüssel” (Менда лycop бор) дейди ва тўғри бўлса махсус жойга ёпиштиради. Тест машқи шу тариқа давом этади.

**АУДИОТЕСТ** шундан иборатки, бунда ўқувчилар чет тилида тинглаган кўшиқни эшитиб, ана шу кўшиқ матни қаторини кўрсатиши лозим бўлади. Кўшиқ матни бўлакланган ҳолда қатнашувчиларга олдиндан тарқатиб берилиши мумкин. Ким кўрсата олса, шу ўқувчи кўшиқни тушунган ҳисобланади ва рағбат олади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тест машқларини қўллашда дарсликда берилган машқлардан ёки ўқувчиларга таниш мавзулардан фойдаланилса айни муддао бўлар эди. Шунингдек, тест машқлари бажарилгандан сўнг олдиндан тайёрланган жавоб вариантини ўқувчиларга тақдим этиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, ҳар бир хорижий тил ўқитувчиси ўз фанига ўқувчиларни қизиқтириши ва уларда нутқий ва лингвистик компетенцияларни ривожлантириши учун юқорида кўрсатиб ўтилган тест машқлари каби топшириқларни тузиб олиши ва амалиётга татбиқ этиши мумкин.

## БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА СИНФДАН ТАШҚАРИ ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

*О.Тухтаев, Х.Қорабоев*  
Самарқанд ВХТХҚТУМОИ

Инновацион педагогик технологиялар таълим жараёнини ҳар томонлама мукамал лойиҳалаштириш, аниқ мақсадлар қўйиш ва уларга қафолатланган ҳолда эришиш, режалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи узвий боғланган компонентлар йиғиндиси ҳисобланди. Ушбу қондандан келиб чиққан ҳолда ҳар бир йўналишга доир ўтиладиган синфдан ташқари ўқиш мавзуларига кенг қамровли лойиҳа

ишлаб чиқилади. Ушбу иш таркибига лойиҳага кўшимча мавзуга дахлдор бўлган барча ахборотлар, компьютер сайти, тарқатма материаллар, маълумотномалар, манбалар, улардан фойдаланиш методикаси киритилади. Синфдан ташқари ўқишда инновацион педагогик технологиялар ўз тузилишига кўра куйидаги таркибий қисмлардан иборат: машғулотнинг таълим технологияси ва технологик харитаси, асосий кўриладиган саволлар, таянч тушунча ва иборалар, машғулотнинг мақсадлари, асосий саволлар матни, назорат топшириқлари, мустақил ишлар, мавзу учун тайёрланган тақдимотлар, АКТ воситалари, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, натижаларни баҳолаш. Ҳар бир ўқитувчи дарс режа ишланмаси тузаётганда инновацион педагогик технологиянинг барча элементларини оқилона қўллаши юқори самара беради.

Синфдан ташқари ўқиш дастурининг мазмунига кўра таълимнинг ҳар бир босқичида икки асосий бўлимга ажратилади.

1-босқичда ўқиш доираси, яъни ўқитиладиган китоблар ва уларни қайси тартибда ўқиш билан таништириш юзасидан ўқувчиларга кўрсатма берилади.

2-босқичда шу ўқув материаллари асосида билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади.

Синфдан ташқари ўқиш болаларда эзгуликка муҳаббат, ёвузликка нафрат уйғотиш, боғланишли нутқни ўстириш, адабий-эстетик тафаккурларни юксалтиришга хизмат қилади. Болалар адабиёти аввало ўзининг қизиқарли мазмуни, бадиий образларнинг гўзаллиги, тилнинг ифодалилиги, шеърини сўзларнинг мусикавийлиги билан болаларга қувонч бахш этади. Айни вақтда у болаларга тарбиявий таъсир ҳам кўрсатади. Болалар адабиёти ўқувчиларга жонажон ўлка, табиятини, кишиларнинг меҳнати, ҳаёти, уларнинг қилаётган ишлари ва кўрсатаётган қаҳрамонликлари, болалар ҳаётдан олинган воқеликни, болаларнинг ўйинларини тушунишга ўргатади.

Халқимизнинг тарихи, унинг урф одатлари, моддий ва маънавий бойликлари, барча орзу истаклари йиллар давомида яратилган эртақларда сақланиб келмоқда. Эртақ ўқиган болалар қийинчиликни енгишга, ботир, жасур бўлишга интиладилар. Эртақлар ёш авлодни ана шу руҳда тарбиялайдиган байналминал бадиий қуроқдир. “Уч оғайни ботирлар”, “Зумрад ва Қиммат”, “Эгри ва Тўғри” каби бир қатор эртақлар ўқувчиларнинг сеvimли эртақларидир. Ўқувчилар бу эртақлардан киши ўз меҳнатига ишониб яшашни кераклигини, бировнинг бойлигига ҳасад билан қарамаслик керак деган ҳаётий хулосаларни ўқитувчи ёрдамида тушиниб етадилар.

Синфдан ташқари ўқиш машғулотлари ўқиш дарслари билан боғлаб олиб борилади ва ўқиш машғулотларини инновацион технологиялардан фойдаланиш таълим сифат ва самарадорлигини оширади. Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлиги остида аввал мавзуга оид бир неча китоб билан танишсалар, сўнгра болаларнинг қизиқишларига яқин ҳар хил муаллифларнинг бир мавзуга доир китобларини мустақил танлаб олишга ўтадилар.

Синфдан ташқари ўқиш дарслари, ўқиш самарадорлигини ижобий томонга таъсир қилишнинг энг қулай усулидир. Синфда ва синфдан ташқари ўқиш дарслари бошланғич синфларда ўтиладиган барча предмет дастурларининг бўлимлари билан бевосита боғлиқ. Ўқиш дарсларида ўтилган мавзулар асосида бадиий китоблар ахтариш, асар қаҳрамонларининг номларини ёзиш, уларни тасвирлаб бериш, ижодий расм ишлаш, фикрни яқунлаш учун мос мақоллар ёд олиш ўқувчини ижод қилишга ундайди.

Ҳар бир синфда синфдан ташқари ўқилган барча асарларни ўқувчиларга мос равишда бирор воқеани саҳналаштириш мумкин. Бу боладаги нутқни ривожлантиришга, луғат бойлигини оширишга ёрдам беради. Синфдан ташқари ўқиш дарсларида ўқитувчи ўқувчиларни болалар ёзувчилари ва шоирлар билан таништириб бориши лозим. Қ.Муҳаммадий, П.Мўмин, З.Диёр, А.Обиджон, Худойберди Тўхтабоев, Болтажон Содиков каби ёзувчи ва шоирларнинг асарлари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Шундай қилиб бадиий адабиёт, болалар адабиёти воқеликни ҳаққоний акс эттириш, ёрқин образлар яратиш билан болаларда эстетик дид ва ахлоқий сифатларни мужассамлаштради. Уларда ҳаёт

гўзаллигини идрок этишга ўргатади. Сўз санъати бадий асарда ўз ифодасини топади. Халқ бадий сўзнинг ёш авлод тарбиясидаги куч-қудрати ва жозибасига қадим замонларданок эътибор бериб келинган. Бадий сўз халқнинг барча маданий бойликларини абадийлаштирган.

Дарслар жараёнида ўзган халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар, тез айтишлардан фойдаланиб ўқувчиларнинг оғзаки нутқ кўникмаларини шакллантириш, мустақил фикрлаш қобилиятларини ўстиришга эга бўлади.

Бошланғич синфларда синфдан ташқари ўқиш дарсларида “БББ”, “Венн диаграммаси”, “Тушунчалар таҳлили”, “Светафор”, “Қарорлар шажараси” каби инноватсион технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

## USMON NOSIRNING “NIL VA RIM” SHE’RINI O’RGANISHDA INNOVATSION USULLAR

*O.Sh.G`oziyeva*

*Samarqand viloyati Bulung`ur tumani  
30-maktab*

Bizga ma'lumki, zamonaviy adabiyot o'qituvchisining asosiy vazifalaridan biri darslarni o'tish jarayonida o'quvchilarga ma'naviy tarbiya berish, ularda komillik sifatlarini kamol toptirishdan iborat.

Tarix, adabiyot darslaridan bizga ayonki, jadid adabiyoti namoyandalari asarlarida va umuman jadidchilik ruhida yozilgan asarlar zamirida asosiy kitobxonni yangilikka da'vat etish, ma'rifatga chorchash va ma'rifat orqali xalqni erk va ozodlikka undash kabi ulkan maqsadlar yotadi.

Jadidchilik adabiyotining eng so'nggi vakillaridan biri Usmon Nosir adabiyotga Turob To'la aytganidek "...shamolday, balki bo'ronday kirib keldi". Usmon Nosir ustozlaridan farqli o'laroq, uning ijodiga tuzumdan norozilik, chaqiriq, undash holatlari yot edi. Shunday bo'lsa-da, Usmon Nosirning ayanchli taqdiri o'quvchi-kitobxonga sir emas.

8-sinf adabiyot darsida U.Nosirning “Nil va Rim” she’ri berilgan bo‘lib, DTS talabi asosida o‘qituvchidan o‘quvchilarga bir soatlik dars davomida, she’rni erk madhiyasi ekanligi, she’rda-ozodlik va mustaqillik uchun olib borilgan asriy kurash sahifalariga murojaat qilib insoniy erk uchun kurashning abadiyligi va davomiyligi masalasining yuksak ifoda etilgani haqida ma'lumot berish talab qilinadi.


O'qituvchi she'rni mazmunini tushuntirish va tahlil qilish jarayonida o'quvchilarda badiiy tahlil kompetensiyalarini, shu bilan birga, asar g'oyasiga urg'u berish orqali ularda mehr-shafqat, qadr-qimmat, insonlarga mehr-oqibatli bo'lish kabi umummadaniy kompetensiyalarini shakllantirish darsning asosiy maqsadlarini tashkil etadi. Dastlab o'tilgan mavzu Usmon Nosirning hayoti va ijodi va “Manolog” she’rini takrorlash yuzasidan didaktik topshiriqlar bajarilib, o‘tilgan mavzu mustahkamlanadi. So‘ngra “Nil va Rim” she’ri o‘qituvchi tomonidan ifodali o‘qiladi va asar tahliliga o‘tiladi.

Asarni tahlil qilish uchun bevosita tarixga nazar tashlaymiz. Tarix va adabiyotga oid bilimlarni o‘zaro bog‘lagan holda badiiy tahlil usulini tanlaymiz. “Piramida” usuli orqali ushbu she’rning badiiy g‘oyasini, mazmun-mohiyatini o‘quvchilarga yetkazish samarali natija ko‘rsatishi mumkin.

Piramidaning rasmi tushirilgan slayd orqali she’rdagi lirik qahramonlar va asarda ifodalangan detallarning asar g‘oyasiga ta’sir ko‘rsatadigan ramziy ma’nolari namoyish etiladi. Piramidaning pastki ikki qirrasida tarixda dastlabki ikki davlatlarning boshliqlari: Misr fir’avnlari va Rim hukmdorlari so‘zlari keltirilgan. Ularning oraliq qismida ular tomonidan “ezilgan, g‘azabini yutib o‘lgan” qullar so‘zi keltirilgan. Bundan esa tepadagi qirraga chiziq tortilgan bo‘lib bevosita Piramida hosil bo‘gan. Bu kabi tasvirlarning ma’nosi nima?

Piramida. Ulkan yodgorlik. Bu qanchalik mehnat, mashaqqat evaziga dunyoga kelgan. “Ko‘z yoshidan”, “dil toshidan” bunyod bo‘lgan. Yo‘q, ular “xaltasida noni yo‘q”, “kosasida suvi yo‘q”, “bemor” qullar mehnatidan yaralgan. “Bir parcha non” kabi qadri yo‘q qullar tomonidan minglab yillardan beri bashariyatni hayratga soladigan ulkan obida paydo bo‘lgan. Fir‘avn-u hukmdor, qullar ham o‘lib yo‘q bo‘ldi. Ammo ular tomonidan bunyod etilgan yodgorlik o‘lmas bo‘lib bashariyatga muhrlandi. Zeroki, “tun qancha qora bo‘lsa, oy shuncha yorug‘”. Qullarning azob-uqubatli qora kunlaridan, bunyod bo‘lgan oy kabi yorug‘ Piramidalar hali-hanuz yog‘dusini yo‘qotganmas.

Usmon Nosir ushbu she‘ri orqali tarixga murojaat qildi. Erk va ozodlik uchun olib borilgan kurashning abadiyligi va davomiyligi haqida kuyladi. She‘rda tasvirlangan tarix - “Piramida” Usmon Nosir yashagan davrga ham begona emas. Uzoq o‘tmishdagi tarixning ko‘lanka-soyasi asar tug‘ilgan vaqtda ham yo‘qolmadi. Usmon Nosir aytganidek: “Mana menman, u qullarning o‘lmas avlodi...” misralaridagi ta‘kid ham bejiz emas. Piramida qanchalik yashovchan bo‘lsa, Usmon Nosir nomi va asarlari shunchalik barhayotdir.



She‘rning 5-bandida gladiator va yo‘lbars o‘rtasidagi jangni tomosha qilishga kelgan olomonning yo‘lbars changalida parchalangan gladiatorning o‘limiga chapak chalayotgani – o‘z fikriga ega bo‘lmagan, ma‘naviyatsiz, atrofdagi voqea-hodisalarning mohiyatini anglamaydigan odamlar to‘dasini ifodalasa, Abdulla Oripovning “Olomonga” she‘ridagi olomon, Usmon Nosir yashagan davrdagi xalqning bo‘layotgan voqealarga to‘g‘ri baho bera olmasligi, ma‘naviyatga, bilimga ega bo‘lmagan odamlarga nisbatan ishlatilishi o‘tmishdagi tarixning ko‘lankasi ekanligini ifodalaydi. Har ikki o‘rinda ishlatilgan “olomon” so‘ziga “Venn diagrammasi” tuzish orqali asar g‘oyasini yanada oydinlashtirishga erishamiz.

## VENN DIAGRAMMASI



Usmon Nosirning “Nil va Rim” she’rini badiiy tahlil qilish jarayonida o’quvchilarda mehr-shafqat, qadr-qimmat kabi tushunchalarni shakllantira oladigan bo’lsak, ularda inson qadri, insonlarga mehr-oqibatli bo’lish kabi sifatlarni singdira olsak, shuningdek, badiiy ifodalar, ramzlar botinida yashirin ma’nolarni anglash, qiyoslash, vaziyatni baholash salohiyatini rivojlantirsak, demak, biz maqsadga erishamiz. Zero, Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov ta’kidlaganidek: “Bu aziz Vatanda azizdir INSON”.

### ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУАММОЛИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*М.Тариева*  
*Самарқанд шаҳар 28-мактаб,*  
*Г.Хўжамуратова*  
*Тошкент шаҳридаги 1-сон академик лицейи*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврда мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари қаторида таълим тизими, унинг таркибий қисми бўлган Олий ва ўрта махсус таълими ҳам туб ислохотларни бошдан кечириб, такомиллашиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши (1997 йил, 29 август), уларда мамлакатимиз таълим тизимини ислох қилишнинг асослари, тамойиллари ва босқичларини белгилаб берганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўз навбатида хорижий мутахассислар ҳам мамлакатимиз таълим тизимида рўй бераётган ислохотларни ўрганиб, уларга ижобий баҳо бермоқдалар. Бу каби алоқалар, ўз навбатида, мамлакатимиз таълим тизимида ривожланган мамлакатлардаги илғор педагогик технологияларни ўз миллий кадриятларимиз ва халқ педагогикаси ғоялари нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, ўқув жараёнига жорий этишни ҳам тақозо қилмоқда. Zero, бу каби амалий ишлар мамлакатимиз таълим тизимини жаҳон таълим стандартлари билан интеграциялашувининг асосий белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичида «ўқув-

тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш» алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар мутахассисларнинг янги авлоди эгаллаши зарур бўлган билимлар, малакалар ва кўникмаларга янгидан-янги талабларни қўймоқда. Биринчидан, илмий билимларни кўп талаб қиладиган технологияларнинг кенг тарқалишига тааллуқли бўлса, иккинчидан, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати ва ўқитиш жараёнининг натижаларига тегишлидир.

XXI аср учун олий таълим ҳақидаги бутунжаҳон Декларациясида таъкидланганидек: «...малакали ва кенг маълумотли инсонларнинг критик массасини барпо қилувчи адекват олий таълимга ва илмий текшириш муассасаларига эга бўлмаётган туриб, бирорта мамлакат реал ва барқарор ривожланишни таъминлай олмайди».

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ўқув-тарбия жараёнининг барча томонларига алоқадор бўлган стратегияни амалга оширишда мақсад ва вазифалардан тортиб, то аниқ дастурлар мажмуасигача инсон омилига жуда ката аҳамият берилган. Унда таълим хизматларининг истеъмолчиси ва ишлаб чиқарувчиси бўлган шахс, кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти деб қаралади. Таълим хизматларининг сифати ва самарадорлиги эса, ўз навбатида ижодий ёндашувчи шахс ва унинг ижодий фикрлашини ривожлантириш даражасига боғлиқ.

Бугунги кунда замонавий таълим тизимининг кучли бўғинларидан бири бўлмиш ижодий фикрлашни ривожлантириш, унинг педагогик назариялари асосида замонавий технология ва методларини шакллантириш жадаллашмоқда. Ижодий фикрлашнинг фан ва техника тараққиётида инсон фаолияти самарадорлигини оширувчи асосий интеллектуал омил эканлигини эътироф этиб, уни ривожлантириш усуллари ҳақида фикр юритилса, муайян ҳолат ва жараёнларда ижодий фикрлаш ва изланишни намоён этиш ва уни оммалаштириш, яъни муҳитга мослаштириш ҳақида илмий-услубий кўрсатмалар етарлича ишланмаган.

Ижодий фикрлашни муҳитга мослашган ҳолда ривожлантириш, талабалар томонидан қийин ўзлаштириладиган фанларни уларнинг фикрлаш доираларига етарлича яқинлаштирган ҳолда педагогик ёндашув билан олиб бориш, таълим самарадорлигини таъминлаш, рақобатбардош мутахассислар тайёрлашда ва уларнинг келажак истиқболини башоратлашда ўта муҳимдир.

Ижодий фикрлашнинг фан ва техника тараққиётида инсон фаолияти самарадорлигини оширувчи асосий интеллектуал омил эканлигини эътироф этган ҳолда, уни ривожлантириш ҳақида фикр юритсак, муайян ҳолат ва жараёнларда ижодий фикрлаш ва изланишни намоён этиш ва уни оммалаштириш, яъни муҳитга мослаштириш ҳақида илмий услубий кўрсатма етарли эмас.

Ҳар бир педагог муаммоли таълимни ташкил этиш кўникмаси ва малакасига эга бўлиш, амалиётда муаммоли таълим технологиялардан фойдалана олиш зарур. Ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини ривожлантиришда муаммоли таълимни шакллантириш жараёнида «Балиқ суяги», «Кейс стади», «Нима учун»? «Муаммоли вазият», «Идрок харитаси», «Синквейн», «Қандай қилиб», «6Х6», «Галерея» каби метод ва усуллардан фойдаланиш мумкин. Ушбу методлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиришга ёрдам беради, муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларини топишга ўргатади. Шунингдек, ўқувчиларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун яхши имконият яратади. Ўқувчиларни тизимли фикрлашга, натижаларни таҳлил қилишга ўргатади.

## TASVIRIY SAN'AT MASHG'ULOTLARIDA ILG'OR PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASH – SAMARADORLIK OMILI

*K.Suvanova*  
*Samarqand shahar 33-maktab*

Hozirgi davr yoshlari dunyoqarashi keng, erkin fikrlovchi, to'g'ri baho bera oluvchi, o'tkir zehni, yuksak intellektual salohiyatga ega bo'lishlari uchun davlatimiz tomonidan barcha shart-sharoitlar yaratilmoqda. Zamonaviy maktablar qurilishi, o'quv xonalarining zamonaviy jihozlar bilan bezatilishi, barcha turdagi darslik, o'quv qo'llanmalarining chop etilishi – bularning barchasi yoshlar uchun yetarli emas, maktabga, o'quv darsgohiga zamonaviy pedagog o'qituvchi - shaxs kirib kelgandagina jonlanadi, haqiqat – hurmatga, do'stlikka asoslangan o'qituvchi- o'quvchi hamkorligi yuzaga keladi.

Ta'lim-tarbiya tizimida innovatsion terminlar, yangi pedagogik texnologiyalar, noan'naviy usullar haqida ko'plab gapirilmoqda, ularni tashkil etish yo'llari ishlab chiqilib, hayotga tatbiq etilmoqda, bunda hamkorlikdagi ta'limning yo'lga qo'yilishi va uning samaradorlogi ham e'tiborga olinmoqda.

Ta'lim-tizimidagi sifat o'zgarishlarini hamkorlidagi ta'limsiz tasavvur etish qiyin. Har tomonlama intellektual salohiyatga ega o'quvchi yoshlar taqdiri oila-mahalla, oila-o'qituvchi, o'qituvchi-o'quvchi hamkorligida hal qilinadi. To'g'ri, o'qituvchi-o'quvchi hamkorligisiz darsni tashkil etib bo'lmaydi. Ammo mustabid tuzum davrida bir qolipdagi, asosan, o'qituvchi faolligiga asoslangan an'anaviy darslarga ko'p e'tibor berilgan. Mashg'ulotlarda noan'anaviy usullarning kengroq qo'llanishi o'quvchilarning faol ishtirokchiga aylantiradi, ularni erkin fikrlashga undaydi, dunyoqarashini kengaytiradi.

Tasviriy san'at mashg'ulotlarining o'quvchilarni estetik ruhda tarbiyalashda, go'zallikni his etish qobiliyatini shakllantirishda o'ziga xos o'rni bor. Shuni e'tirof etish joizki, Respublikamizda ushbu predmet bo'yicha darsliklar, o'quv qo'llanmalar mustaqillikdan keyingina chop etildi, shuningdek, mustaqillikdan so'ng yangi pedagogik texnologiyalarni, ta'lim innovatsiyalarini to'plash, ulardagi ijodiy faoliyat uchun eng samaradorligini tajriba - sinovdan o'tkazish va o'quv jarayoniga tadbiq etish yo'lga qo'yilmoqda.

Ma'lumki, tasviriy san'atni o'qitishning o'ziga xos yo'nalishi, xususiyatlari bor, shuning uchun o'qituvchi va o'quvchi ijodiy hamkorligi uchun eng maqbul noan'anaviy dars usullarini tanlab olish va hayotga tatbiq etish lozim. Noan'anaviy mashg'ulot topshiriqlarini predmetning o'ziga xos xususiyati, mazmun-mohiyatidan kelib chiqqan holda ishlab chiqqan ma'qul. Ana shunday o'yin-topshiriqlardan tasviriy san'at faniga xos "Mozaika", "Intellektual ring", "Tayanch iboralar", "Ranglar olamiga sayohat", "Musavvirlar" kabilarni misol keltirish mumkin.

Odatda, noan'anaviy mashg'ulotlar kichik guruhlarni tashkil etishdan boshlanadi, o'quvchilar kichik guruhlarda ishlaydigan birinchi mashg'ulot hal qiluvchi asosiy mashg'ulot hisoblanadi. Shuning uchun, ilk mashg'ulotlarda qator shartlarga rioya qilish juda muhim. Avvalo, guruhlarga bo'linish ham tasviriy san'atga xos va noan'anaviy bo'lgani ma'qul. Masalan, o'quvchilar sonidan kelib chiqqan holda 4 xil rang yoki gullar tasviri chizilgan kartochkalar o'quvchilarga yopiq usulda bittadan tarqatiladi. Bir xil ranglar yoki gullar tasviriga ega o'quvchilar 4 guruhni tashkil etadi. Guruhlarga nom qo'yish ham tasviriy san'atga xos bo'lishi lozim ("Kamalak", "Nafosat", "Yosh musavvir", "San'at" va h.k). Tasviriy san'at mashg'ulotlariga xos noan'anaviy dars usullaridan biri "Mozaika" o'yin-topshirig'idir.

O'quvchilar mozaika, vitraj kabi tasviriy san'at turlarini yaxshi bilishadi. Mashg'ulotlar jarayonida shunga o'xshash tasvirlarni rangli qog'oz, mato parchalari va tashlandiq tabiiy materiallardan yasashga ham to'g'ri keladi. "Mozaika" topshirig'ida o'quvchilar mayda bo'laklanib, konvertlarga solingan, biror tasviriy san'at asarlaridan keltirilgan namunalarni tezlik bilan yig'ib kerakli tasvirni hosil qilishlari kerak bo'ladi. Bunda tasviriy san'at mashg'ulotlarida olingan bilim - ko'nikmalar asqotadi. Ushbu musobaqada guruhning barcha a'zolari birday ishtirok

etadilar. Diqqat bilan fikrlash, boshqalar fikriga quloq tutish muvaffaqiyat garovidir. Vazifa hamma ishtirokchilarga bir vaqtda tarqatiladi va o'quvchilar o'qituvchi ishorasi bilan bir vaqtda topshiriqni bajarishga kirishadilar. Qaysi guruh shartni birinchi bo'lib bajarsa, o'qituvchi (trener)ga xabar beradi va yutuqlar, albatta, baholanadi.

Biz yuqorida tasviriy san'at mashg'ulotlarida qo'llash mumkin bo'lgan noan'naviy dars usullari haqida to'xtalib o'tdik. Shuningdek, "Mozaika", "Intellektual ring", "Tayanch iboralar", "Aqliy hujum", "Arilar uyasi" kabi o'nlab noan'naviy dars usullarini misol keltirish mumkin. Buning natijasida o'qituvchi-o'quvchi hamkorligi biz kutgan samarani beradi, ya'ni pedagogik texnologiyalarning pedagogik mahorat bilan o'rgatilishi yangi yosh avlodning komil inson bo'lib voyaga yetishiga muhim omil bo'lib xizmat qiladi va o'quvchilarga quyidagi muhim sifatlar namoyon bo'ladi:

- o'quvchi yoki talaba erkin fikrlashni o'rganadi;
- tasviriy san'at faniga ixlosi, ishtiyoqi ortadi;
- yashirin iqtidori namoyon bo'ladi, ijodkorligi ortadi;
- so'z boyligi oshadi, savol-javob berish madaniyati shakllanadi;
- o'zini va boshqalarni nazorat qiladi;
- xotirasi mustahkamlanadi;
- vazifalarni to'g'ri anglab yetadi va bajaradi;
- yangilikni tez ilg'aydi, komil inson sifatida rivojlanadi va h.k.

Zamonaviy innovatsion texnologiyalarni ta'lim-tarbiya jarayoniga kengroq joriy etishda o'zaro ijodiy munosabatlar shakllanadi, rivojlanadi, o'qituvchi o'quvchilar bilan, o'quvchi o'quvchilar bilan do'stona munosabat orqali ishonch, birdamlik yuzaga keladi.

"Har bir odam, go'yoki alifbodagi harfga o'xshaydi, so'z yasash uchun o'zaro birikish kerak", – deb yozgan edi O.Mandelshtam. U qanchalik haq ekanini davrning o'zi ko'rsatib turibdi.

## **MATEMATIKA FANI SIFAT-SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR**

*G.A.Hakimova*

*Sirdaryo viloyati Guliston tumani 10-maktab*

Innovatsion pedagogik texnologiyalar ta'lim jarayonini oldindan rejalashtirishni talab qiladi. Bunda fan o'qituvchisi o'quvchi o'zlashtira olishi mumkin bo'lgan o'quv materiallaridan dars mobaynida foydalaniladigan jihozlardan, axborot texnologiyalaridan, masalalar, test topshiriqlari, amaliy mustaqil ravishda bajariladigan sinf va sinfdan tashqari topshiriqlardan foydalanishni ko'zda tutadi. O'qituvchi o'quvchiga darsning mazmunini tushuntirishni va amalda qo'llashga o'rgatishni maqsad qilib qo'yadi. O'quvchilarga kerakli, zaruriy o'quv materiallarini berish va ayni fan mavzusi sirlarini o'rgatish bilan bir vaqtda ularni mustaqil fikrga ega, o'rganayotagan, o'qiyotgan dars mavzusiga ongli munosabatda bo'lish, tushuncha yoki voqea-hodisalarni keng mushohada etib, uni o'zining og'zaki nutqi asosida aytib berish, asoslash va o'z tushunchalarini ifoda qila olish qobiliyatlarining shakllanishiga ham yordam ko'rsatish kerak.

Zamonamizning shiddat bilan o'sib borayotgan bir davrida "innovatsion texnologiyalar" tushunchasini tilga olmasdan gap boshlash qiyin. "Innovatsion" so'zi haqida gapirganda, unga qisqacha ta'rif berishni joiz deb topdik. Hozirgi vaqtda "Innovatsiya tushunchasi" juda keng qo'llanilmoqda. Innovatsiya so'zi inglizcha so'z bo'lib, "innovatsion"- "yangilik kiritish" degan ma'noni bildiradi, ya'ni tizim ichki tuzilishini o'zgartirish, deb ta'riflanadi. Innovatsiya amaliyot va nazariyaning muhim qismi bo'lib, ijtimoiy-madaniy obyekt sifatlarini yaxshilashga yo'naltirilgan ijtimoiy sub'yektlarning harakat tizimidir. Innovatsiyalar dolzarb, muhim ahamiyatga ega bo'lib, bir tizimda shakllangan yangicha yondashuvlardir. Ular tashabbuslar va yangiliklar asosida tug'ilib, ta'lim mazmunini rivojlantirish uchun istiqbolli bo'ladi. Shuningdek, umuman ta'lim tizimi rivojiga



ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Innovatsiya - ma'lum bir faoliyat maydonidagi yoki ishlab chiqarishdagi texnologiya, shakl va metodlar, muammoni yechish uchun yangicha yondashuv yoki yangi texnologik jarayonni qo'llash, oldingidan ancha muvaffaqiyatga erishishiga olib kelishi ma'lum bo'lgan oxirgi natijadir.

O'quvchilarga bilim berish va ularda amaliy ko'nikmani rivojlantirishda innovatsion texnologiyalarning o'rni beqiyos. Ilg'or pedagogik texnologiyalarni qo'llashda zamonaviy axborot texnologiyalari keng imkoniyatlar yaratmoqda. Darslarda interfaol metodlarni rivojlantirishda innovatsion texnologiyalardan keng foydalanish ta'lim samaradorligini oshirishda o'ziga xos ahamiyat kasb etayotir. O'qish jarayonida, fanlararo aloqadorlikni amalga oshirishda pedagogik axborot texnologiyalarini qo'llash va bu boradagi muammolar, aniq manbalar asosida zamonaviy multimedia vositalari yordamida o'quvchilarga yetkazilsa, ularning qabul qilish imkoniyat darajasi ortadi va sog'lom avlod va mafkura masalalariga doir tushunchalari maydoni kengayadi. Ayni paytda zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalangan holda dars o'tishning yangicha usullarini ta'lim jarayonida qo'llash bo'yicha tayyorlangan o'quv-metodik qo'llanmalar taqdim etilmoqda. Shuni alohida ta'kidlash kerakki, yurtimiz mustaqilligining dastlabki yillaridanoq Vatan, vatanparvarlik, millat, millatparvarlik masalalariga alohida ahamiyat beriladi. Bugungi yoshlarning ongida yangicha fikrlash, milliy tafakkur, milliy mafkuraviy qarashlar, ma'naviy axloqiy xislatlarni, milliy g'ururni shakllantirish tarbiyada bosh mezon sanaladi. Buni har bir ota-ona farzand tarbiyasida to'g'ri anglashi kerak. Shunday ekan, jamiyatimiz, davlatimiz hayotida o'ta muhim bo'lgan, barchamizning ertangi kunimizni, kelajagimizni belgilab beradigan Vatanga e'tiqod, milliy munosabat madaniyatni yoshlarimizda shakllantirish dolzarb masala ekanligini yoddan chiqarmasligimiz lozim. Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan kelib chiqqan holda ta'kidlash kerakki, zamonaviy pedagogika fani pedagogik jarayonlarni tashkil etish va boshqarish g'oyalarini har tomonlama, turli nuqtayi nazardan o'rganishga intilish bilan bir qatorda, ularni ta'lim amaliyotiga tatbiq etishning yo'l-yo'riqlarini ishlab chiqish talab etmoqda. Bugungi kun pedagogika fanida tizimli yondashuv metodologiyasi va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari vositalarisiz pedagogik jarayonlar samaradorligini ta'minlashni tasavvur etib bo'lmaydi. Bunday innovatsion yondashuv hamda AKT vositalarining joriy etilishi mazkur jarayonlarda tasodifiy va kutilmagan holatlarning oldini olishga xizmat qiladi. Tizimli yondashuvda ta'lim muassasalarida tashkil etiladigan, pedagogik ahamiyat kasb etuvchi barcha jarayonlar majmui yaxlit tizim sifatida, ya'ni tashqi muhitda xizmat qilayotgan murakkab pedagogik tizim sifatida ko'rib chiqiladi. Bunda pedagogik jarayonlarning aloqalari va bog'liqligining mazmun va mohiyatiga ko'ra ularni bir butun, ya'ni yaxlit holda tasavvur etish talab etiladi.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, zamon yoshlarniki ekan ularga kerakli ma'lumotlarni berish bizlarning burchimiz hisoblandi. Shunday ekan, bor imkoniyatlardan foydalanib yangi yosh avlodni bilimli, zukko, sog'lom qilib tarbiyalash har bir pedagogning, qolaversa, yurt farzandining vazifalaridan biri hisoblanadi.

## TA'LIMDA INNOVATSIYALARDAN FOYDALANISH

*M.Ergasheva*

*Andijon viloyati Shahrixon tumani 65-maktab*

Fanlarning puxta, chuqur o'qitilishi o'qituvchining mahorati bilan belgilanadi. Izlanuvchan muallim qaysi mavzuda o'quvchining qiynalishini his qiladi, o'sha mavzu bo'yicha yillar davomida tayyorlanadi, o'quvchi tushunishi oson bo'lgan usullarni qidiradi. Har bir fanda uchragani kabi ona tili ta'limida ham o'zlashtirilishi qiyin bo'lgan mavzular bor. Masalan, 5-sinfda "Ona tili" fanidan "Tutuq belgisining ishlatilishi" mavzusini olsak.

Ushbu mavzu quyi sinfda o'rganilishiga qaramay, yuqori sinf o'quvchilarining yozma nutqida, eng achinarlisi, katta yoshdagi yetuk mutaxassislarimizning yozma nutqida ham bot-bot xatoliklar uchrab turibdi. Masalan, tutuq belgisi(‘) bilan O` unlisining belgisini hamon farqlay

olmaslik: turli posterlar, shiorlardagi ushbu xatolik ona tili o'qituvchisining g'ashini keltirayotgani tabiiy. O'sha xatolikni maktab binosining peshtoqida, yoki sinf xonasida, boshqa turli binolarning reklama yozuvlarida ko'rgan o'quvchi ongiga o'sha so'zni muhrlab oladi. Bu holatni to'g'ri deb hisoblaydi. Bu esa uning yozma nutqida aks etadi. Ona tili darslarida o'sha xunuk kamchilikni oldini olishga qancha harakat qilmaylik, o'quvchilar bilimlar bellashuvida, fan olimpiadalarida ushbu xatoni takrorlab qo'yayotgani achinarlidir: "O'zbekiston" so'zi - O'zbekiston tarzida. Bu kamchilikni bartaraf qilish ona tili fani o'qituvchisidan yana bir ijodkorlik, izlanishni talab qiladi.

Umumta'lim maktablarida fonetika mavzusini o'rganishda "Tutuq belgisi" haqidagi mavzuni yangi ta'lim texnologiyalari bo'yicha o'rganib chiqamiz.

Topshiriq. Quyida berilgan so'zlarda birinchi bo'g'indagi cho'ziq unlining talaffuzi va imlosini tushuntiring. *Mo'jiza, mo'tabar, mo'tadil.*


Darslikdagi ta'riflarni klaster usulida tushuntirib beramiz...

Mashq. So'zlarni o'qing, tutuq belgisi nima uchun ishlatilayotganini aniqlang. So'zlar ishtirokida gaplar tuzing. *E'lon, she'r, qal'a, shu'la, qit'a, jur'at, da'vo, ma'no, qat'iy, ba'zan, e'tiqod, ne'mat.*

Mashq. Berilgan har bir juftlikdagi so'zlarning ma'nosini izohlab, farqini tushuntiring. Ular ishtirokida gaplar tuzing.

<i>San'at-sanat</i>	<i>sur'at-surat</i>	<i>qal'a-qala</i>
<i>She'r-she'r</i>	<i>sa'va-sava</i>	<i>ta'na-tana</i>

Mashq. O'qing. Avval tutuq belgisi unli tovushlarni cho'zib talaffuz qilinishni, keyin unli bilan undoshni ajratib talaffuz qilinishni ifodalayotgan so'zlarni ko'chiring. T-chizma asosida tutuq belgili so'zlarning paronimlarining ma'nolari tushuntirib o'tiladi.



"Savatcha" usulidan foydalanamiz. Doskaga ikkita savatchaning maketlari yopishtiriladi. "Ko'hinur" guruhi mevalarni, "Tojmahal" guruhi sabzavotlarni savatchaga joylashlari kerak. Meva va sabzavotlarning ortiga topshiriq yoziladi. O'quvchilar uni bajarib, savatni to'ldirishlari kerak. Mevalar ortiga tutuq belgisining unidan keyin kelib, undosh tovushdan ajratib ma'no farqlash xususiyatiga ega ekanligi, sabzavotlarga esa undoshdan keyin tutuq belgisining qo'llanilishiga misollar yozilgan bo'ladi:

Mevalar: *A'lo, a'zo, sa'va, ta,na, da'vo, me'yor, e'zoz, e'tibor, ra'no, ne'mat.*

Sabzavotlar: *San'at, sur'at, tal'at, qal'a, qat'iy, mas'ul, mash'um, shar'iy, sun'iy, in'om.*

Mavzu yuzasidan test topshirig'i beriladi. Tog'ri javoblar videoprojektorda tekshirib boriladi.

"Zinama-zina" o'yini. Ikki guruhdan bittadan o'quvchi chiqib, tutuq belgisi ishtirok etgan so'zlarga misol yozadilar. Ikki daqiqa vaqt beriladi. O'yin oxirida bir xil so'zlar chiziladi, har xil so'zlarning soni kimda ko'p bo'lsa, o'sha guruh g'olib bo'ladi.

Yuqoridagi ta'limiy o'yinlar o'quvchilarimizda mavzuni puxta o'zlashtirish, faollik, yozma va og'zaki nutqni o'stirish malakalarini hosil qilish bilan birga yillar davomida o'sha mavzuni esda saqlab qolishiga yordam beradi.

## МАЪНАВИЙ ТАХДИДЛАР ВА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРЛАРИ

*Х.Сулаймонов*

*Андижон вилояти Избоскан тумани*

*7-умумтаълим мактаби*

Бугун биз ахборот технологиялари тез суръатлар билан ривожланиб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Ҳеч шубҳа йўқки, замонавий технологиялар, айниқса, интернет инсон ва жамият ҳаётининг ажралмас бўлагига айланди. Дарҳақиқат, интернет тармоғининг салмоғи ва кўлами кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Ушбу замонавий ахборот майдонининг кўпгина мукамал хусусиятлари ва заҳиралари коммуникация, фан, таълим ва маданиятни бир бутунликдаги тараққиётга ниҳоятда ижобий таъсир ўтказмоқда. Биз интернетнинг инсоният учун катта имкониятлар эшигини очиб берган бундай қулайликларини қадрлаймиз, албатта. Бироқ, ҳозирги кунда интернет инсониятнинг минг йиллар давомида тажрибаларини ўз домига қамраб олмоқда. Шу боис унинг тўридан бунёдкорликка ундовчи ғоялар билан бирга вайронкор ғоялар ҳам жой олмоқда. Иккинчи ҳолатнинг кенгайиб, башариятнинг энг буюк бойлиги - маънавий-руҳий заҳираларига улкан хавф туғдираётгани кишини хавотирга солади.

Интернет - ўзига хос виртуал, сунъий ахборот сайёрасидир. Мазкур сарҳади йўқ сайёранинг ўзига яраша об-ҳаво(атмосфера)си, турфа хил “одамлари ва уларнинг маконлари” мавжуд. Интернет “кишилари” орасида дин-диёнатли, маърифатпарварларни ҳам, “аборигенлар”ни ҳам учратиш мумкин. Лекин энг эътиборлиси, ундаги “маконлар”-саҳифалар ичида “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузқлик ва зўравонлик, инсон шаъни ва қадрини камситувчи зарарли ғояларни тарқатаётган, инсонни маънавий жиҳатдан емиришга қаратилган мафкуравий технологияларни тарғиб қиляётганлари афсуски оз эмас.

Оммавий маданиятнинг хавфли томони шундаки, у ўзгармас истеъмол ва дидларга ўзини мослаб асл бадиий маданиятни четга суриб чиқариши мумкин. Унда у шахс, инсонни юксалтирувчи руҳий олам ва маънавият ўрнига кўнгилсизлик ва зўравонликни таклиф этади<sup>1</sup>.

Айни пайтда ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда - эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Ҳозирги дунёда ахборот технологияларининг ривожланиш даражаси давлатнинг геосиёсий таъсирини белгиловчи омиллардан бирига айланди. Шунинг учун ахборот технологиялари юксалган давлатларда бу соҳадаги устунликдан сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ахборот ва маданий тажовузларни амалга ошириш йўлида фойдаланиб қолиш нияти йўқ, деб айтолмаймиз<sup>2</sup>.

“Оммавий маданият” хуружи эртага қандай оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлиги устида бош котиришимиз даркор. Зеро, яқин-йироқ юртларда “оммавий маданият”нинг аччиқ, тахир мевалари - оила институтининг дарз кетиши, ахлоқсизлик ва беҳаёликнинг авж олиши, ота-она ва фарзандлар ўртасида меҳр-оқибат йўқолиб бораётгани, бир жинсли никоҳлар - буларнинг барчаси бизнинг кўзимизни очиши керак.

Маънавий таҳдидлардан ҳеч қайси халқ, шунингдек, Ўзбекистон халқи ҳам холи эмас. Ана шу ўринда табиий савол туғилади: бундай мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак? Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият - энгилмас куч” асарида масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратилган: “Жаҳон

<sup>2</sup> Умарова Н. Халоскор куч ёхуд маънавий оламни асраш қайғуси./Маънавий юксалиш йўлида.- Т.:Маънавият.2008.-Б.49.

ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди<sup>1</sup>”.

Носоғлом ахборот оқимларидан ёшларни химоялашга оид дунёда қатор ҳуқуқий механизмлар яратилган. Жумладан, халқаро амалиётда "Кибер жиноятлар тўғрисида"ги Конвенция, "Вояга етмаганлар учун хавфсиз Интернет ва онлайн ресурсларни жорий қилиш тўғрисида" Европа Иттифоқи Парламенти Ассамблеясининг тавсиялари, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги БМТ Конвенциясини, "Ёшларни химоялаш тўғрисида" Германия, "Вояга етмаганларни оммавий ахборотнинг салбий таъсиридан химоялаш тўғрисида"ги, Литва "Болаларни соғлиги ва ривожланишига зиён етказувчи ахборотдан химоялаш тўғрисида"ги Россия қонунларини тилга олишимиз мумкин. Миллий қонунчилигимизда ҳам ёшларни носоғлом ахборотлардан химоялашнинг механизмлари мавжуд. Хусусан, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонунда "Ўзбекистон Республикасида ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонликни, ҳаёсизликни ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ман этилиши", "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда боланинг яшаш ва билим олиш ҳуқуқи белгилаб берилган. 2017 йил 8 сентябрь "Болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан химоя қилиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун болаларни турли зарарли ахборотлардан химоя қилиш учун ишлаб чиқарилган. "Болалар соғлигига зарар етказувчи ахборот - болалар ўртасида тарқатилиши ушбу Қонунга мувофиқ тақиқланган ёки чекланган ахборот маҳсулоти<sup>2</sup>". Ахборот асри даврида ёшларга ёпирилиб келаётган ахборотлардан фойдалана олишлари, хусусан, носоғлом ахборотлардан химоялана олишлари, коммуникация воситаларидан тўғри фойдалана билишлари учун билим ва тажриба керак бўлади. Айнан мана шу борада улар катталар, айниқса, ота-оналар ва педагогларнинг маънавий-руҳий кўмагига муҳтож. Биз ўсиб келаётган ёш авлоднинг медиа саводхонлиги ва Интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтиришимиз лозим. Ахборот маконининг глобаллашуви жараёнида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, буни амалга оширишда жамиятимизнинг кенг қатламлари: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ота-оналар ва педагогларни кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Дарҳақиқат, ахборот маконида таҳдидлар бор экан, Миллий ахборот маконимизга чегара қўйиб бўлмайди. Шундай экан, ёшларга соғлом ахборот муҳитини яратиш, улар маънавий оламининг дахлсизлигини асраш асосий вазифаларимиздан биридир. Зеро, ёшлар маънавиятига дахлдор юмушларда бепарволикка йўл қўйиб бўлмайди.

## USING THE INNOVATION TECHNOLOGY IN LESSONS FOR INCREASING EFFECTIVE TEACHING

*Sh. Asadova*

*Past Darg'om tuman 28-IDUM*

Some people say that the invention of technology is one of the greatest humankind's inventions. However, other people think that computers make their life more stressful. Those people who think that computers brought many benefits and play a very important role in our modern life.

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.:Маънавият.2008-Б.114.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонуни "Болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан химоя қилиш тўғрисида"ги қонуни. 2017 йил 8 сентябрь. 4-моддаси.

Even in education system computers and the types of innovation technologies are being developing on this way. Therefore, the skills of language teaching are taught with the assistance of Innovation technologies.

In every education centre or educational establishments teachers nowadays use a computer to teach the data and make different kinds of lessons. In our modern life It is very difficult to imagine the schools without computers. A school has to store millions of lessons and activities. With the helping of innovation technologies the lessons are interesting and effective. Moreover, a pupil who doesn't work with computer would be in a difficulty for some hours or some days to put up with the technologies and pick up information about his tasks at school, while a teacher was indicating through the monitor of the computer. Another important aspect of this is that pupils are able to catch all information easier,

As for Teachers can make their papers and documents, put information, make corrections, print or send documents using computers by themselves. It makes life much easier. They can spend the rest of the time watching TV with his family or working on something new.

Computers provided a great means of communication - the Internet. I think it is the most easiest and cheapest way to get in touch with relatives, friends, business colleagues, etc. Nowadays the teachers, students can receive some information or handouts for their lessons or their trainings. On this way lessons also have a lot of benefits. We can receive a lot of advantages from those lessons. The world becomes smaller and smaller. A person can get latest news, become friends with someone from another country, find his old friends, ask for a piece of advice, etc.

In addition to these practical benefits people can learn without leaving their house. They just use an Internet access, a computer and their cards to make a payment. It is kind of difficult to imagine that a few years ago people had to spend their time in lines buying newspapers, books. Now, a person can choose a destination, company, date and time and buy newspapers delivered to his door. I think it is amazing. In other word we should speak about the another type of innovation technologies.

Technologies support oral skills. For younger learners effective classroom strategies have traditionally involved use of songs, rhymes and traditional stories with repeated language structures. The internet can be a rich source of authentic oral models through recorded songs, talking electronic books, podcasts and video clips that help learners with pronunciation as well as acquisition and reinforcement of new vocabulary. These tools can also help to support teachers who don't feel as confident with their own language skills. Technology also affords children the opportunity to record themselves for playback at a later time. Learners report that the ability to listen and play back recordings helps identification of grammatical errors and inaccuracy in pronunciation, encouraging self-improvement.

So, today the door of all conveniences are open for every lively person: youth can do what they wish, they are able to learn or work where they would like. 21<sup>st</sup> century is the century of technologies.

## **ONA TILI VA ADABIYOT FANLARINI O'QITISHNING SIFAT-SAMARADORLIGINI OSHIRISH**

*F.E.Tog'ayeva*  
*Samarqand viloyati Ishtixon tumani*  
*1-IDUM*

Bilamizki, ta'lim tizimi doimo davlat siyosati darajasida e'tibor qaratiladigan sohalardan biri bo'lib kelgan. O'tgan bir yil mobaynida hukumatimiz tomonidan ta'lim sohasiga aloqador 70 dan ortiq farmonlarning qabul qilingani va ijrosining hayotga tatbiq etilayotgani ham fikrimizni isbotlaydi.

Yurtboshimiz o'z ma'ruzalaridan birida bugungi ta'limning bir jihatiga e'tibor qaratadilar: "... Yana bir muammoni hal etish ham o'ta muhim hisoblanadi: bu – pedagoglar va professor-o'qituvchilar tarkibining professional darajasi, ularning maxsus bilimlaridir. Bu borada ta'lim olish, ma'naviy-ma'rifiy kamolot masalalari va haqiqiy qadriyatlarni shakllantirish jarayonlariga faol ko'mak beradigan muhitni yaratish zarur...".

Hukumatimizning farzandlarimiz taqdiriga shu qadar jon kuydirib tashvishlanayotgani bejiz emas. Farzandlarimiz darslarini va darsdan bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish kerak. Bugungi islohotlar, o'zgarishlar zamon barcha sohalar qatorida ta'lim tizimida ham yangiliklarni taqozo qilmoqda. Zamonaviy ta'limni tashkil etishda jahon pedagogikasi amaliyotida qo'llaniladigan ilg'or metod va usullar, texnika vositalari, o'qitishning yangicha shakllari, har bir pegagogning individual imkoniyatlaridan kelib chiqib qo'llaniladigan innovatsion usullar ta'lim jarayonida har bir o'quvchiga ta'lim jarayonining obykti, ya'ni faol ishtirokchisi, o'qituvchiga esa shu jarayonning tashkilotchisi, boshqaruvchisi sifatida qarashni taqozo etadi. Darsda o'quvchi faol ishlovchi shaxs bo'lsa, u butun mashg'ulot jarayonida egallagan bilimlarini xotirada tiklaydi, uni qisman yangi sharoitlarda qo'llaydi, aqliy faoliyat usullarini bajarib, ma'lumdan noma'lumga qarab boradi, natijada shu mavzu yuzasidan zarur bo'lgan bilim, ko'nikma va malakaga(BKM) ega bo'ladi va egallangan kompetensiyalarni (layoqat) kundalik hayotda – kutilmagan vaziyatlarda ham qo'llay oladi. Bu esa bugungi ta'limning oldiga qo'yilayotgan zaruriy talabdir.

Shu o'rinda sizga ona tili va adabiyot darslarida qo'llanishi mumkin bo'lgan va o'quvchilarning xususiy kompetentligini shakllantirishda yaxshi samara beradigan ayrim innovatsion texnologiyalar xususida so'z yuritamiz.

**“Men haqman”** – o'quvchilarga tanish va yaqin bo'lgan mavzu bo'yicha asoslangan fikr almashish jarayoni. Bu usulni qo'llashda mavzu oldindan beriladi, erkinlik muhiti yaratiladi, mutaxassis yoki ekspert xulosasi inobatga olinadi. Bunday usuldagi darslar adabiyot darslarida, ayniqsa, asar qahramonlari tahlilida (“Ufq”da Tursunboy, Farhod va Shirin”da Farhod, “Hellados”da Yanguli...) qo'l keladi. Buning uchun o'qituvchi biror badiiy asarni o'rganish yakunlangach, 10-15 daqiqalik munozara uyushtiradi. Asar voqealari yoki qahramonlari taqdiri haqida o'quvchining shaxsiy fikrini erkin bildirishiga imkoniyat yaratiladi. Haqiqatni bahslar jarayonida oydinlashtirish va xulosalash o'qituvchiga yuklanadi.

Ushbu usul O'tkir Hoshimovning “Urushning so'nggi qurboni” hikoyasi tahlilida ham qo'l keladi. O'qituvchi tomonidan muammoli fikr o'rtaga tashlanadi: “Umri xolaning o'limiga kim aybdor?” Dastlab o'quvchilar savollarga erkin javob beradilar. Fikrlar tinglangach, ularning izohi talab qilinadi. Ayrim fikrlar bir-biriga zid kelishi sababli bahs tug'iladi. O'quvchilar o'z fikrlarini “Men haqman”, mazmunida oqlashga urinadilar. O'qituvchi sabablarni jamlab, yakuniy va to'g'ri xulosani o'quvchilar bilan birga chiqaradi. Ushbu usulni qo'llash mobaynida o'quvchilarda badiiy asarni tahlil qilish kompetensiyasi bilan birga, kommunikativ va ijtimoiy faol fuqarolik kompetensiyalari ham faollashadi.

**Tezkorlik mashqi** – aniq amaliy, hayotiy, iqtisodiy ko'nikmalarni shakllantirishga yo'naltirilgan dars turi. Bunda shartlar aniq, lo'nda yozib qo'yiladi, o'qituvchi kuzatadi, tahlil qiladi, umumlashtiradi. Bunday vaziyat ko'pincha ona tili fanida yangi mavzuni mustahkamlashda qo'l keladi. Bunda o'quvchilarning individual yoki jamoa bo'lib topshiriqlarni amalda qo'llashlari nazarda tutiladi. Masalan, jadvaldagi bo'sh kataklarga joylashtirishi, rasmlar asosida topshiriqlarni bajarishi yoki turli harakatlarni bajarib, biror ko'rinishlarni hosil qilishlari kerak bo'ladi.

Masalan, 8-sinfda “So'z birikmasining birikish usullari” mavzusi o'tilgach, darslikda berilgan “Nochorlik nimadan?” matnidan boshqaruvli, moslashuvli, bitishuvli so'z birikmalarini ajratish topshirig'ini guruhlarga bo'lingan holda bajaradilar. Darslarda bu usuldan tez-tez foydalanish o'quvchilarda tezkorlik va hushyorlikni oshiradi va ularda fanga oid kompetensiyalar bilan birga milliy va umummadaniy kompetensiyalarni ham rivojlantiradi.

1- guruh “Boshqaruv”	2-Guruh “Moslashuv”	3-guruh “Bitishuv”
sirlarini o'rganibdi	qishloqlarning birida	mard Hasan
do'koniga ega bo'libdi	hunarmandchilik sirlarini	kamharakat Husan
hayotidan nolibdi	hayotning qiyinchiligidan	bir hunarmand

**“Bo‘ron”** – ishtirokchi (o‘quvchi)larning diqqat-e‘tiborini kuchaytirish, ijodiy muhit yaratish, charchoqni olish uchun qo‘llanadigan usul. Ishtirokchilar davra bo‘lib o‘tiradilar. Boshlovchi o‘rtada turadi va “Bo‘ron bo‘lyapti, bo‘ron bo‘lyapti, qora tufli kiyganlarni uchirib ketyapti”, (masalan) deydi. Bunda ikkitadan ko‘p ishtirokchida mavjud belgi aytiladi. Ishtirokchilar o‘rin almashadilar va h.z. Boshlovchi ham bo‘sh o‘ringa o‘tirib oladi. Joy yetmagan ishtirokchi jarayonni davom ettiradi. Bu mashqni qo‘llashda tashqi belgilarni (sochi kaltalar, sochi qoralari, ro‘mol o‘rganlar kabi) sanashdan ko‘ra ichki belgilarni sanash maqsadga muvofiq bo‘ladi deb o‘ylaymiz. Masalan, “Sariq devni minib” asarini o‘qiganlar, bugun besh baho olganlar, ismlari mavhum otlardan hosil bo‘lganlar, familiyasi arabcha so‘zlardan tuzilganlar va h.k. Bu usul ko‘proq tushunilishi qiyin bo‘lgan mavzular (“Qo‘shimcha”, “Ismlar”, “Ergash gap”...) o‘tilganda o‘quvchilar charchog‘ini olish maqsadida o‘tkaziladi. Ushbu dam olish daqiqalarida tashkil qilinadigan usul o‘quvchilarda ko‘proq kommunikativ va ijtimoiy faol fuqarolik kompetensiyalarini faollashtiradi. Masalan, “Son” mavzusini mustahkamlashda ushbu o‘yin o‘tkazilsa, o‘quvchilar quyidagicha guruhlanishi mumkin:

- jurnaldagi tartib raqami qo‘shma son bo‘lganlar guruhi;
- ism yoki familiyasi sondan tashkil topgan o‘quvchilar guruhi;
- oila a‘zolari 5 kishidan iborat o‘quvchilar guruhi;
- oilada 2-farzand bo‘lgan o‘quvchilar guruhi...

**“Qushchalar uyda”** – ishtirokchi (o‘quvchi)larning diqqat-e‘tiborini kuchaytirish, ijodiy muhit yaratish, charchoqni olish, kichik guruhlariga bo‘lish maqsadida o‘tkaziladi. Bu usuldan istalgan mavzudagi mustahkamlash darslarida (“Fe‘lning munosabat shakllari”, “Kesim”, “Ko‘chirma gap”...) foydalanish mumkin. Ishtirokchilar auditoriya bo‘ylab erkin harakat qiladilar. Yer (pol)ga 8-9 bo‘lak qog‘oz (gazeta) yozib qo‘yiladi. O‘qituvchi boshlovchilik qiladi: “Mana kuz ham keldi. Ko‘p qushlar janubiy o‘lkalarga uchib ketishdi. Qushchalar manzillariga yetib keldilar va har bir daraxtga uchmadan (beshtadan, ikkitadan, yettitadan) qo‘ndilar...”. Asta-sekin qog‘ozlar soni kamaytirib boriladi. Ishtirokchilar, masalan, 4 ta guruhga bo‘linadilar va guruhlarining raqamlari yozilgan stollar atrofiga o‘tiradilar. Ushbu usulda tashkil etilgan o‘yinlar o‘quvchilarga istalgan shakldagi guruhlar bilan ishlash majburiyatini shakllantirishi bilan birga, ularda hushyorlik va tezkorlik kompetensiyalari rivojlanishi mumkin.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, darsni samarali va qiziqarli tarzda tashkil etish o‘qituvchining bilimi, tajribasi va ijodkorligiga bog‘liq. Dars jarayonida shu kabi innovatsion usullardan samarali foydalanish yoki o‘zi yangicha usullarni yaratish o‘qituvchining o‘zini ham, u tashkil etayotgan bir soatlik darsni ham zamon talablariga mos deb topilishining muhim belgilardan biridir.

## **O‘QUVCHI BILIMIGA QO‘YILGAN TALABLAR VA PEDAGOGIK YONDASHUV**

*D.Rustamova  
Samarqand viloyat Tayloq tumani  
5-umumta’lim maktabi*

Ta’lim-tarbiya berish jarayonida ona tilining o‘rni beqiyosdir. Bu, albatta, isbot talab qilmaydigan haqiqatdir. O‘zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.A.Karimov: “Jamiki ezgu fazilatlar inson qalbiga, avvalo, ona allasi, ona tilining betakror jozibasi bilan singadi. Ona tili – bu millatning ruhidir”, – deya ta’kidlaganlar.

Bugungi kunda o'quvchilarni har tomonlama mukammal bilim olishlari, uning intilishlari, qobiliyati va qiziqishlari ustuvorligi inobatga olinib, davlat ta'lim standartlarining yangi tahriri ishlab chiqildi. Davlat ta'lim standartining maqsadi – umumiy o'rta ta'lim tizimini mamlakatda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar, rivojlangan xorijiy mamlakatlarni ilg'or tajribalari hamda ilm-fan va zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalariga asoslangan holda tashkil etish, ma'naviy barkamol va intellektual rivojlangan shaxsni tarbiyalashdan iborat. Shunisi e'tiborliki, bugungi kunda har bir fanni, jumladan, ona tili fanini o'qitishda ham o'quvchilarda bilim, ko'nikma va malakalar bilan birga hayotiy kompetensiyalarni shakllantirish, ya'ni ularni egallagan bilimlaridan kundalik hayotda duch kelinadigan amaliy hamda nazariy masalalarni yechishda, shuningdek, tanish yoki notanish vaziyatlarda foydalanishga tayyorlash muhim vazifalardandir.

Ona tili fanidan o'quvchilarga mukammal bilim beraman degan, o'qituvchi o'z fanini boshqa fanlar bilan bog'liqlikda unga kompetensiyaviy yondashgan holda tashkil etishi va dars jarayonida pedagogik texnologiyalardan o'rinli foydalanishi zarurdir. Fan sifatida ona tili o'qitish metodikasining o'z predmeti, vazifasi, nazariy va ilmiy sohasi bo'lib, bir qator fanlar o'rtasida uning ma'lum o'rni bor. Bu fan o'zining boy tarixiy ildizlariga ega bo'lib, yillar davomida rivojlanib, taraqqiy etib bormoqda. U o'z maqsad va vazifasini mana shu yo'lda falsafa, tilshunoslik siklidagi fanlar, didaktika, ruhshunoslik va boshqa ijtimoiy-iqtisodiy hamda siyosiy fanlar bilan uzviy bog'liqlikda amalga oshiradi. Demak, maktabda ona tili o'quv fanidan dars beradigan yetuk mutaxassis bo'lish uchun, avvalo, o'qituvchini o'zi shu fanlarning bilimdoni o'z fani tarixiy ildizlarini mukammal biladigan bo'lishi kerak.

Ona tili ijtimoiy fanlar guruhiga kirganligi sabab bunday fanlarning asosini tashkil etadigan falsafa bilan chambarchas bog'liq. Bu fanning falsafa bilan aloqadorligi ona tilining maqsad va vazifalarini tushunishingizga bu fanning ta'lim mazmunini to'g'ri belgilashingizga, o'qitishning eng samarali usul va vositalarini tanlashingizga yordamlashadi. O'quvchiga 7-sinf ona tili darsligida berilgan "Til va nutq" mavzusini tushuntirish, til hodisalarini o'quvchi ongida voqelanishi, til va tafakkurning aloqadorligi, tafakkur bilan chambarchas bog'liq holda amalga oshiriladi.

Ma'lumki, falsafada har bir umumiy tushuncha yakka va juz'iy tushunchalar yig'indisidan tashkil topadigan tushuncha mavjud. Ona tili mashg'ulotlarida o'quvchi faoliyatini tashkil etishda ham mana shu qoidaga asoslanamiz. Muayyan bo'laklarga ajratilgan til hoqisalarini kuzatish ularning birini ikkinchisi bilan taqqoslash orqali o'quvchi muayyan ta'rif, qoida va xulosalarga keladi. O'quvchi tomonidan ijodiy fikrlash orqali egallangan bilim, ko'nikma va malaka o'zining amaliy ahamiyatini beradi. Ona tili fanini o'qitishda bola psixologiyasi ham muhim o'rin tutadi. Demak, bu hol ta'lim tashkil etish, o'qitish bola ruhiyatiga chambarchas bog'liqdir. O'rganilayotgan til hodisalarini qiyoslash, ularni o'xshash va farqli tomonlarga qarab guruhlash, umumlashtirish, xulosalar chiqarish, shaxsning aqliy faoliyati bilan bog'liq bo'lib, xotira, tafakkur, xayol kabi individual-ruhiy xususiyatlarga tayanadi. Shu sababdan o'qituvchi o'quvchilarning shaxsiy psixik xususiyatlarini bilishi va unga tayanib ish ko'rish lozim.

Hozirgi zamon psixologiyasi bilim olishda ehtiyojni zarurat deb biladi. Bu ta'limni ona tili mashg'ulotlarida ham kasb etadi. O'quvchi bu fanni o'rganish jarayonida so'zdan foydalanishga har xil nutqiy vaziyatlarda uni qutqaruvchi til ekanligini payqab yetmasa, uni o'rganishga qiziqmaydi, zarurat ham sezmaydi. Biz ular ongida mana shunday vaziyatlarni paydo qilib, ularni til o'rganishga da'vat etishimiz lozim. Shu borada L.N.Tolstoyning fikrlarini keltirish o'rinlidir: "Har bir insonning o'z qalb notasi mavjud. Qalbining sadosini eshitish qobiliyatiga ega bo'lgan va uning sozlanishiga yordam bera olgan kishilarning hayotda qadri balanddir". Mana shunday kishilar sirasiga mashaqqatli, ammo sharafli kasb egalari-ustoz murabbiylarning kirishi tabiiy holdir. Har bir o'qituvchi mahorat va fidoyilik bilan talim jarayoniga yondashsa, zamonaviy talab asosida bilim bersa, har bir o'quvchi qalbiga kirib borsa, shak-shubhasiz, jamiyatda yanada qadri baland insonga aylanadi. Bunday muhitni yaratishda bizga Govard Garner asos solgan Intellekt ko'pligi nazariyasi yordam beradi. Intellekt ko'pligi nazariyasi har bir odam turli darajada rivojlangan kamida 8ta tipdagi intellektga ega ekanligini ochib berdi. Ular quyidagilar:



1. Verbal- lingvistik intellekt.
2. Mantiqiy-matematik intellekt.
3. Vizual-fazoviy intellekt.
4. Motor-harakatli intellekt.
5. Musiqaviy-ritmik intellekt.
6. Shaxslararo intellekt.
7. Ichki shaxsiy intellekt.
8. Tabiatshunos intellekt.

Bundan shuni xulosa qilishimiz kerakki, o'quvchilarda intellekt darajasi turli xil bo'lib, o'quvchilarda ona tili darslarida boshqa fanlar bilan bog'liqlik yo'lga qo'yilsa, undagi kuchli rivojlangan intellektga ta'sir etib, bu fanni o'rganishga bo'lgan qiziqishi ortadi. Mana shunday darajaga erishsak, sinfda qoloq o'zlashtiradigan, fanga e'tiborsiz, qiziqmaydigan o'quvchi qolmaydi. Bu hol Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev ta'kidlaganlaridek: "O'qituvchidan fidoyilikni talab qiladi". Masalan, 6-sinf ona tili darsligidagi "So'z turkumlari" mavzusi o'tilganda mustaqil so'z turkumlari, yordamchi so'z turkumlari, undov, taqlid, modal so'zlarni, ularning bir-biridan farqlari va ular tarkibiga kiruvchi so'z turkumlarini qaysidir o'quvchi o'qib tushunishi, qaysidir o'quvchi tinglab tushunishi, qaysidir o'quvchi o'z tushunchasini chizmalarda aks ettirishi, qaysidir o'quvchi mavzu haqidagi tushunchalarini rasmda aks ettirishi mumkin. Bu holatda o'qituvchi o'quvchilarning intellekt darajalarini inobatga olgan holda to'g'ri tushunishi va to'g'ri baholashi zarur. Baholash borasida o'quvchilar o'zlashtirgan materiallarni bilish, tushunish, qo'llash, tahlil qilish, baholash va yaratish darajalariga asoslanib baholash muhim ahamiyat kasb etadi. Bu borada bizga amerikalik mashhur psixolog va pedagog Benjamin Blum tomonidan asos solingan, zamonaviy ta'lim olamida yetarli darajada keng tarqalgan savol va topshiriqlar tizimi-bilish faoliyati darajalariga asoslangan o'quv maqsadlar taksonomiyasi yordam beradi. O'quv maqsadlari taksonomiyasi (Blum taksonomiyasi deb ham yuritiladi) – o'quvchilar o'zlashtirishining ma'lum bir darajasidan darak beruvchi konkret harakatdir. Interfaol usullarni qo'llash natijasida o'quvchilarning mustaqil fikrlash, tahlil qilish, xulosalar chiqarish, o'z fikrini bayon qilish, uni asoslagan holda himoya qila bilish, vaziyatlarni baholash ko'nikmalari shakllanib, ular mana shu asosida munosib baholanib, rag'batlantirilsa, yanada rivojlanib boradi.

## **ИНГЛИЗ ТИЛИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ СИФАТ-САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

*Д.Б.Каримова*

*Фаргона вилояти Қўштепа тумани 19- мактаб*

Ҳар бир жамиятнинг келажиги – унинг ҳаётий зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Шу маънода бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимини такомиллаштириш ва уни замон талабларига жавоб бера оладиган илғор педагогик ва замонавий ахборот технологияларига асосланган, жаҳон андозаларига мос келувчи таълим тизимини яратиш, такомиллаштириш ҳамда сифат самарадорлигини ошириш умумдавлат сиёсатининг муҳим таркибий қисмларидан бирига айланди. Хусусан, халқ таълими тизимида чет тилларини ўқитиш ва ўрганишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларини ўқитиш ва ўрганишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 1875-сонли қарори, Халқ Таълими Вазирлигининг 2012 йил 11 декабрдаги 358-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларига, хусусан, инглиз тилига ўқитиш, шу тилда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, дунё ахборот-ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро

хамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш учун юртимиз таълим тизимининг энг муҳим стратегик йўналишларидан бирига айланди. Мустақиллик йилларида 51,7 минг нафардан зиёд чет тиллар ўқитувчилари тайёрланди, умумтаълим мактабларининг 5-9 синфлари учун инглиз, немис ва француз тиллари бўйича мультимедиа дарсликлари, бошланғич синфларда инглиз тилини ўрганиш бўйича электрон ресурслар тайёрланди, умумтаълим мактабларида ва касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда 5 мингдан кўпроқ лингафон кабинетлари жиҳозланди.

Таълим сифати мазкур йўналишнинг ҳолати ва самарадорлигини белгилайдиган мезон ҳисобланиб, таълим жараёнида эришилган натижаларнинг меъерий талаблар, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларга мувофиқлиги билан белгиланади. Таълим жараёнига инновацион технологияларни татбиқ этиш эса таълим натижалари ҳамда мазкур омиллар сифати ва самарадорлигини ошириш имконини беради. Ёш авлодга таълим-тарбия бериш жараёнида таълим тизимининг барча шаклидаги муассасаларида таълим жараёнига илғор илмий-услубий жиҳатдан асосланган янги ва замонавий услублардан, фан, техника ва илғор технология ютуқларидан унумли фойдаланган ҳолда ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаш тезкор суръатларда ривожланиб бораётган юртимизнинг таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ҳисобланади.

Таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлишини ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти ПҚ 1875-сонли қарори билимларини мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, улардан таълим тарбия бериш жараёнида самарали фойдалана оладиган ўқитувчилар керак. Бунинг учун барча фан ўқитувчиларини янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш ва малакасини узлуксиз ошириб бориш лозим. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг туб моҳияти ўқувчиларни кун сайин ошиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата оладиган, ахборот оқимидан оқилна фойдаланишга ўргатадиган замонавий кадрларни тайёрлаш ва илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновация лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм-фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Республикамиз таълим муассасаларида фаолият курсатаётган ёш, истикболли педагог кадрлар таълим жараёнида инновацион педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Шу вақтгача анъанавий таълимда фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиш, яъни таълим-тарбия жараёнининг марказида ўқитувчи турувчи таълим бериш усулидан фарқли ўларок ўқувчилар мустақил ўрганиб, таҳлил қилиб, хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқарувчи, яъни таълим-тарбия жараёнининг асосий иштирокчиси ўқувчи ҳисобланган йўналишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Хусусан, инглиз тили дарсларида замонавий коммуникацион технологияларни олиб кириш, улардан мақсадли ва тўғри, унумли фойдаланиш, улар орқали инглиз тилига бўлган қизиқишни орттириш, ўқитиш самарадорлигини ошириш энг муҳим масала ҳисобланади.

Инглиз тили фани ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва гапириш каби тўрт (Ўзбекистон республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури аспектга бўлиниб, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида тушунча ва кўникмалар бериш жараёнида ахборот-коммуникацион воситаларидан фойдаланиш муҳим омил ҳисобланади. Масалан, тинглаб тушуниш машғулотларини ўтказишда, албатта, компьютер ёки DVD, овоз кўтаргичлар, проекторлардан фойдаланиш яхши самара беради. Бундай машғулотларда ўқувчи сўзловчинин талаффузи, нутқ жараёнида грамматик қоидаларга риоя қилиши, сўз бойлиги ва луғат таркибига эътибор беради ва ўзида ҳам шундай кўникмалар шаклланади. Бундан

ташқари чет тилидаги видео роликлар, мультфильмлар, таълимга оид дастурларни томоша қилиши, чет тилидаги радио эшиттиришлар, кўшиқлар, диологларни тинглаши чет тилини ўрганиш жараёнини қизиқарлироқ ва самаралироқ бўлишини таъминлайди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларини ўқитиш ва ўрганишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК 1875 –сонли қарори асосида чет тилларини, асосан инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришни босқичма-босқич бошлашни ўзида мужассамлаштирган «Kids' English 1-4» ва «Fly High 5-9» дарслик мажмуалари яратилди. Бу дарслик мажмуаларда тўрт аспект (ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва гапириш)ни ривожлантиришга мўлжалланган машқлар мавжуд бўлиб, уларни ахборот-коммуникацион воситаларсиз амалга ошириш мумкин эмас.

Чет тилини ўрганишга эҳтиёж юқори бўлган бир даврда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитиш комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантирувчи таълим жараёнида инновацион ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш бу жараёни самарали бўлишига олиб келади.

## **ЎҚУВЧИ ШАХСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

*Р.Жуманиязова  
Хоразм вилояти Урганч шаҳри 1-мактаб*

Ривожланиш ибораси, энг аввало, инсон танаси (гавда) аъзоларининг илк ҳолати ва унинг ўсиш (ривожланиши) даражаси билан боғлиқдир. Бу, асосан, биологик, физиологик, биокимёвий, психологик, жисмоний тарбия каби кенг қамровли табиий ва махсус жараёнларнинг ҳосиласидир.

Ўқувчи ёшларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш ва ҳаёт-турмушга лаёқатли бўлиб етишишида барча фанлар каби жисмоний тарбия фани, спорт турлари, саёхатлар, халқ миллий ўйинлари муҳим ўрин тутади.

Жисмоний ривожланиш деганда тананинг барча аъзолари соғлом, ҳаракатларни ихчам ва тез бажарилиши тушунилади. Бу, ўз навбатида, чаққонлик, эпчиллик, кучлилик, чидамлилик, эгилувчанлик каби қатор жисмоний сифатлардан таркиб топади. Улар эрталабки гимнастика, жисмоний тарбия дарслари, спорт машғулоти (тренировка), спорт мусобақаларига тайёргарлик ва унда қатнашиш йўллари билан ривож топади.

Ривожланиш - инсон организмидаги миқдор ва сифат ўзгаришлари жараёнидир. Ривожланиш натижаси - инсонни биологик тур ва ижтимоий мавжудот сифатида вояга етиши. Инсондаги биологик тур жисмоний ривожланиш билан тавсифланади, морфологик, биохимик, физиологик ўзгаришларни ўз ичига олади.

Ижтимоий ривожланиш эса, психологик, маънавий, ақлий ривожланишда кўринади.

Инсоннинг ривожланиши - ўта мураккаб, узоқ давом этувчи ва зиддиятли жараён. Бизнинг организмимизда бутун ҳаётимиз давомида ўзгаришлар бўлиб туради, лекин асосан инсоннинг жисмоний ва ички дунёси болалик ва ўсмирлик чоғларида фаол ўзгаради.

Инсоннинг ривожланиш жараёни ва натижалари уч асосий омилга боғлиқ:

- ирсият;
- муҳит;
- тарбия.

Ўрта Осиё мутаффакирларидан Форобий, Ибн Синолар ҳам инсон тарбиясига таъсир этадиган омиллар аҳамиятига эътибор бериб келганлар.

Форобий инсон камолотида таълим-тарбиянинг муҳимлигини таъкидлаб шундай дейди: "Муносиб инсон бўлиш учун одамда иккита имконият: таълим ва тарбия олиш имконияти бор. Таълим олиш орқали - назарий камолга эришилади. Тарбия эса - бу кишилар билан мулоқотда ахлоқий кадр-қимматни ва амалий фаолиятни яратишга олиб борадиган йўлдир."

Ирсият деганда - ота-оналардан болаларга ўтувчи маълум бир сифат ва хусусиятлар тушунилади. Ирсиятни ўтказувчилар - бу генлар (юнончадан таржима қилинганда "ген"- "туғулувчи" деган маънони билдиради). Организмнинг хусусиятлари ўзига хос ген кодларига шифрланган, у организмнинг хусусиятлари ҳақидаги барча маълумотни сақлаб туради ва узатади.

Бола шахсининг ривожланишига наслнинг таъсири деганда ота-оналарга ўхшашликни ифодаловчи биологик белгиларни такрорланишини тушунмоқ керак.

Ҳар бир бола ота-онасидан баъзи бир биологик белгиларга эга бўлган ҳолда дунёга келади, яъни тананинг тузилиши, сочининг, кўзининг, терисининг ранги, бўйи-басти, қадди-қомати, нерв тизимининг хусусиятлари.

XVI асрда вужудга келган преформизм оқими намоеਂдаларининг фикрича, одам боласи она пуштидалигидаёқ бўлажак шахсга хос барча хусусиятларга эга бўлади, ривожланиш ана шу хусусиятларнинг миқдорий кўпайиб боришидан иборатдир.

Америкалик педагог ва психолог Э.Торндайкнинг фикрича, шахснинг барча хусусиятлари, шу жумладан онг ва ақлий қобилият ҳам наслдан наслга ўтади, гўё одамнинг бошқа аъзолари каби қобилият ҳам табиатдан берилгандир.

Маълум бир оилалардаги қобилиятларнинг наслдан-наслга ўтиши ҳақида гапирганда кўпинча, тегишли қобилиятларнинг ривожланиши учун қулай имконият яратаётган оилавий шароитни ҳисобга олмайдилар.

Инсоннинг ривожланиши ирсий дастурлари детерминирланган (маълум бир сабабга асосланган) ва ўзгарувчан қисмларни ўз ичига олади, улар инсонни инсон эканлигини билдирувчи умумийлик ҳамда уларни бир-бирига ўхшамайдиган ўзига ҳосликни белгилайди.

Ирсий хусусиятларга асаб тизими хусусиятлари ҳам қиради. Ота-оналарнинг нерв фаолиятидаги камчиликлари, шу жумладан, патологик камчиликлар - улар психик асаб бузилишлари ва касалликларни (масалан, шизофрения) келтириб чиқаради ва авлоддан-авлодга ўтади. Қон касалликлари (гемофилия), қанд диабет, баъзи эндокриник касалликлар (бўй гипофизининг бузилиши) ҳам ирсий характерга эга. Авлодга алкоғолизм ва ота-оналарнинг нарқоманлиги ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Тарбиявий таъсирнинг кучи қатор шарт ва шароитларга боғлиқ.

Тарбиянинг вазифаси яқин ривожланиш зонасини яратишдан иборат, у кейинчалик долзарб ривожланиш зонасига ўтади. Шахсни тарбия шакллантиради, у ҳам етилмаган, лекин етуқлик босқичида бўлган жараёнларда йўналтирилган ривожланишни олиб боради.

Таълим-тарбия бола шахсининг ривожланишига таъсир этувчи ташқи омил ҳисобланади. Таълим-тарбия аниқ мақсадни кўзлаб, инсонда ижобий фазилатларни тарқиб топтириш йулида тарбиячи (ўқитувчи)нинг раҳбарлигида амалга оширилиб борилади.

Инсон камолотида таъсир этувчи омиллар бир қанча бўлса ҳам, лекин махсус тарбия муассасалар (мактаблар)да тарбиячи (ўқитувчи)нинг раҳбарлигида амалга ошириладиган тарбия жараёни етакчи ҳисобланади. Чунки, биринчидан, тарбия таъсирида муҳит таъсирлари бера олмаган фазилатлар ўзлаштирилади ва нарсалар ўрганилади, яъни билим, маълумот эгалланади. Иккинчидан, тарбия туфайли туғма камчиликларни ҳам ўзгартириб шахсни камолатга етказиш мумкин. Масалан; кўрлар, гўнлар ҳам ўқитилиб, соғлом кишилар қатори ҳаётга тайёрланади. Учунчидан, тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсирини йуқотиш ёки бартараф қилиш мумкин. Тўртинчидан, тарбия доимо келажакка

қаратилган мақсадни белгилайди. Шу тўғрисида у шахснинг камолатга етишини тезлаштирувчи рол ўйнайди.

Ўқувчи шахсининг камол топишида мактаб ва ўқитувчининг аҳамияти катта. Болалар мактабга қадам қуяр экан, улар ўқув меҳнати билан банд бўлади.

## ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ИМЛО САВОДХОНЛИГИНИ ЎСТИРИШ УСУЛЛАРИ

*Н. Сабирова  
Хоразм ВХТХҚТУМОИ,*

*Н. Рузимова  
Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани 1-мактаб*

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг имло қоидаларини онгли ўзлаштириши, ижодийлик, фикрни аниқ, лўнда, қисқа ва тушунарли баён қилиш она тили ва адабиёт дарсларида ёзма саводхонликни ошириш учун улар ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни ўз ичига олади.

Ўқувчилар энг кўп ҳолларда *тиниш белгиларига* оид хато ва камчиликларга йўл қўйишади. Жумладан: ундалма, кириш сўз, боғловчилар, уюшиқ бўлақларни вергул билан, изоҳланаётган бўлақларни вергул ва тире билан ажратилиши, эга ва от – кесимнинг орасида тиренинг қўлланиши, кўчирма гапли қўшма гаплар, диалогларда кўп хатоликлар йўлга қўйилади.

Иккинчи турдаги хатоликлар бу – *имловий*, кейингиси эса – *услубий* хатолардир. Имло хатолари деганда фақат ҳарфий хатолар назарда тутилмайди. Бу: қўшиб ёзиш, ажратиб ёзиш, чизикча билан ёзиш, бош ва кичик ҳарфлар билан ёзиш, бўғин кўчиришни ҳам ўз ичига олади. (*Масалан, 3 та тиниш белгиси 1та имловий хатога тенглаштирилади*).

Қўшиб ёзиш, ажратиб ёзиш, чизик билан ёзиш, бош ва кичик ҳарфлар билан ёзиш, бўғин кўчиришнинг мураккаб жиҳатларилари 2 бўғин орасидаги 3 ундош – *конституция, контракт, конспект, транспорт* каби олинма сўзлардан ташқари, оддий, таниш, фаол қўлланиладиган сўзлардаги бўғин кўчиришга оид хатоликлар бошланғич синфлардаги бўшлиқдир, албатта.

Бош ва кичик ҳарфлар имлоси, оддий бир масаладек туюлиши мумкин. Янги гап бош ҳарф билан бошланади. Атоқли отлар бош ҳарф билан, турдош отлар ва гап ичидаги бошқа сўзлар кичик ҳарфлар билан ёзилади, шу ҳам муаммоми, дегувчилар ҳам топилади. Аммо шу масалада катталар ҳам хатоликка йўл қўяди. Масалан, “Ватан” сўзи фақат дарслик китобларидагина бош ҳарф билан ёзилиши кузатилади. Ташкилот, муассаса, корхона, мансаб, лавозим, унвон, тарихий сана ва байрам номларига оид бош ҳарфлар имлоси ўзига хосликка эга.

Йил ва саналарда, тартиб сонлар араб рақамидан кейин – (и)нчи кўшимчаси ифодасида, бўғин кўчиришда айрим юкламалардан олдин, билан, учун кўмакчиларининг қисқарган шакллари (*–ла, –чун*) да чизикчанинг қўйилмаслиги кўпол хатолик саналади. Чунки чизикча бу ҳолатларда сўз ёки рақамларнинг таркибий қисмидир.

Сўзларни қўшиб ёки ажратиб ёзиш мураккаб бўлганидан бу ҳақдаги қоидалар бошланғич синфлардагина эмас, юқори синфларда ҳам ўргатилади.

Пароним (талаффуздош)ларга оид хатоликлар имловий эмас, балки услубий хатолик саналади, чунки ўқувчи бу ўринда ҳарф эмас, сўз қўллаш билан боғлиқ кўпол хатоликка йўл қўяди. “*Qor ko`p yog`ganidan daraxtlarning shohi sinib ketdi*”, “*Shox mulozimla-rini mashvaratga chorladi*” каби гаплар “*Kishidagi yomon fazilatlar egasini obro`sizlantiradi*”, “*Kechki nonushtaga tayyorgarlik ko`ra boshlashdi*” гаплари билан услубий хатолик нуқтаи назаридан мантиқан ҳамоҳангдир.

Йўл қўйилган хатолар таҳлил асосида ўқувчининг ўзи томонидан тузатилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки ўқувчи бу сўзларни ёзиш жараёнида иккиланган (масалан, х ёки h; а ёки o; i ёки u; *тутуқ белгиси қўйиши ёки қўймаслик; қўшиб ёки ажратиб ёзиши* ва ҳоказо) бўлиши мумкин. Агар шундай бўлса, ўқувчи икки вариантдан нотўғриси тинлаб хато қилганини тезроқ фаҳмлайди ва хатосини ўзи осон бартараф этади. Бу унинг ўзига ишончини оширади ва бундай хатоликка бошқа йўл қўймаслигига туртки бўлади. Ўқувчи ўз хатосини ўзи тузата олмаса, зинхор ўқитувчи тузатишга киришиб кетмаслиги керак. Ҳар қандай хатоликни ҳам бутун синф эта олади, шунда ҳам тузатолмаса, ўқувчиларни йўналтириш, фикрлашига имкон бериш керак. Натижада турли вариантлар юзага чиқади ва улар орасидан тўғриси тинлаш қийинчилик туғдирмайди.

Ёзувда услубий хатоликларни бартараф этиш бош масаладир. Ана шундан ўқувчи ҳар бир сўзга эътиборли бўлади, жўн ифодадан бадиий ифодани фарқлашга, фикрни аниқ, қуйма ифодалашга ўрганади. Одатда, мактабларда ўқувчилар она тили фанидан айланма назорат адабиёт фанидан назорат дафтари тутати. Булардан ташқари, она тили ва адабиёт фанидан имло хато устида ишлаш дафтари ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Она тилидан хатолар устида ишлаш дафтарида айланма дафтарларда ва ёзма назорат ишларида йўл қўйилган камчиликлар устида ишланса, адабиётдан тутилган дафтардан ўқувчи ёзма назорат ишларида йўл қўйган хатолардан ташқари, луғат дафтари сифатида фойдаланиши ҳам мумкин. Натижада ўқувчи дарсликда ёки бадиий асарларда дуч келган ўзи учун нотаниш сўзларнинг изоҳини ёзиб бориб изоҳли луғатга, ёзилиши қийин туюлган сўзларни қайд этиб бориб ўз имло луғатига эга бўлади.

Мактаб ўқувчиларининг оғзаки ва ёзма саводхонлигини такомиллаштириш учун болаларда китобхонлик маданиятини шакллантириш зарур бўлади. Болага китобда ҳар бир сўзнинг шаклига (қандай ёзилганлигига), тиниш белгиларнинг ишланилиш ўрнига, услубий жиҳатига диққат билан эътибор бериб, мутоала қилишни таъкидлаб туриш лозим. Чунки яхши китоб энг маҳоратли мураббий, гўзал бадиий ифодалар хазинасидир. Ўқувчини китобдек хазинага эртароқ ошно қилиш, бу комил мураббий билан ҳаяжонли учрашувини хашиша интиқлик билан кутиш бедорлиги билан яшашига одатлантирмоғимиз керак.

## КОМПЕТЕНТНОСТНЫЙ ПОДХОД В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ

*Е.И. Махмудова  
Школа №13 г. Самарканда*

Компетенция — это те знания, умения и навыки, которыми младший школьник овладевает в начальной школе и использует их во всех сферах своей дальнейшей жизнедеятельности. Важнейшей частью данного определения является его вторая часть, которая отличает компетентностный подход от других образовательных подходов, главенствующей целью которых является именно приобретение ребенком знаний, умений и навыков.

В результате изучения теоретических основ компетентностного подхода, можно сделать вывод, что реализация данного подхода в школе подразумевает становление в процессе обучения нескольких образовательных компетенций, являющихся ключевыми.

Коммуникативная компетенция. Подразумевает под собой владение учеником средствами коммуникации. Необходимо, чтобы ученик на уроках общался с одноклассниками, умел истолковать для них материал. То есть создание коммуникационных приемов на уроках математики подготавливает ученика с ТНР (тяжелым нарушением речи) к реализации себя в социуме. Коммуникативная компетенция не является новой в школьной системе обучения, так как ее реализация подразумевает использование различных коллективных (коммуникативных) приемов работы (таких как дискуссия, групповая работа, работа в паре и др.). данные приемы активно используются в современной начальной школе

и им посвящено множество исследований. Главным при реализации данной компетенции является соблюдение принципа полезности проводимой работы.

Информационная компетенция. В своей сути включает процесс освоения учеником современных информационных технологий. То есть на уроке математики мы должны, как всегда, непреднамеренно для ученика, обучить его способам работы с информационными технологиями. От урока к уроку необходимо повышать уровень «первоисточников», таким образом подготавливая ученика к реализации себя в социуме. Для детей с тяжелым нарушением речи это вдвойне важно. Информационная компетенция может быть реализована не ранее чем в 3-4 классах, так как она подразумевает использование ребенком различных информационных ресурсов, что довольно трудно для учеников с ТНР (тяжелым нарушением речи) 1-2 классов. Ученикам могут быть предложены задания подобного типа: «Найти любую информацию о древнегреческом ученом Пифагоре». Далее работа на уроке, посвященном Пифагору, будет строиться на основании того материала, который найдут дети. Таким образом, главной компетентностной задачей урока будет не изучение личности Пифагора, а становление (совершенствование) умений работы с информационными ресурсами. Вовсе не обязательно использовать ресурсы Интернет, ведь можно начинать с газетных и журнальных статей, с работы в читальном зале библиотеки. Главное соблюсти последовательность усложнения заданий от урока к уроку. Также здесь важен и индивидуальный подход к каждому ученику. Необходимо учитывать его возможности, как физические, так и интеллектуальные. Таким образом, реализация данной компетенции, является вполне возможной и на уроках математики, но после предварительной подготовки учителя и учеников.

Компетенция личного самосовершенствования. Эта компетенция подразумевает овладение учеником теми способами деятельности, которые пригодятся ему в определенной современной жизненной ситуации. К ней относятся правила личной гигиены, забота о собственном здоровье, внутренняя культура, основы безопасности жизнедеятельности. То есть как и в случае с общекультурной компетенцией необходимо на подсознательном уровне сообщать ученику информацию, которая может потребоваться ему в дальнейшей жизни. Но отличие этих двух компетенций в том, что первая направлена на функционирование личности в социуме, а вторая как на самосовершенствование личности, так и на совершенствование личностью социума.

Компетенция социально-гражданской активности. Является одной из самых важных, она предполагает овладение учеником знаниями и опытом в гражданско-общественной деятельности, в социально-трудовой сфере, в области семейных отношений и обязанностей, в вопросах экономики и права, а также в профессиональном самоопределении. То есть данная компетенция подразумевает овладение детьми теми предметными знаниями, умениями и навыками, которые они будут использовать непосредственно в своей дальнейшей жизнедеятельности. Именно в начальной школе на уроках математики дети научаются считать, вычислять, измерять и так далее. Необходимы постоянные закрепления, усовершенствование и контроль за данными базовыми умениями

Национально – и общекультурная компетенция. Подразумевает знакомство учеников с общественной моралью и традициями непосредственно на уроках математики. То есть учителю необходимо внедрять такие приемы работы на уроке, которые не отвлекали бы урок от основного содержания, но при этом были бы с подтекстом, благодаря которому ученики несознательно усваивали бы общекультурные компетенции. Например: «Известно, что ученики 2-го класса должны спать 10 часов в сутки. Сколько в этом случае часов они будут бодрствовать?» Таким образом, работая над данной задачей, ребенок невольно усваивает общепринятые гигиенические нормы.

Учебно-познавательная компетенция представляет собой совокупность учебных ситуаций, в которых ученик выступает как субъект и как объект процесса обучения одновременно, то есть в данном случае речь идет о самообучении. Соответственно

реализация компетентного подхода в части учебно-познавательной компетенции подразумевает использование учителем приемов, способствующих обучению и развитию у учеников способности к самообразованию.

Реализация учебно-познавательной компетенции не вызывает особых трудностей, так как для ее становления способствуют различные практические приемы организации работы учеников. Одним из способов реализации данной компетенции является проведение проверочных работ в форме теста. Целесообразность данной работы с точки зрения компетентного подхода заключается в том, что в ходе работы ученики приобретают общеучебные умения и навыки. Причем именно умение решать тесты для детей будет очень полезным, так как им предстоит сдавать единый государственный экзамен в форме теста. Приведу пример.

Задание: «Обведи правильный ответ. Какой знак пропущен: 5 дм 3см 51 см». Варианты ответа:  $>$ ,  $<$ ,  $=$ . Ученики, не обращая внимания на условие теста, вписывают правильный ответ в текст задания. Таким образом, решение тестов на уроках позволяет выявить слабые места в оформлении заданий. Важным является то, что чем раньше мы начнем устранять ошибку, тем проще перестроиться ученику под новые требования.

Учебно-познавательная компетенция реализуется в современной начальной школе, она имеет практическую направленность, однако надо помнить и о значимости данного направления в будущей жизни ребенка.

Компетенция математической грамотности, осведомлённости о достижениях науки и техники, умения пользоваться ими. Данная компетенция включает постановку ученика в ситуацию самоопределения.

Если говорить относительно уроков математики, то мы должны в течение учебного процесса выявить математически способных учеников и помочь им в ситуации самоопределения. Собственно говоря, речь здесь идет о профориентации. Ведь именно в эти школьные годы мы способствуем выбору детьми той сферы, которая им наиболее интересна – это либо гуманитарная сфера, либо сфера точных наук. Лучше всего для реализации данной компетенции подходит проведение предметной олимпиады, которая включает в себя нестандартные задания, требующие применения учеником именно предметной логики, а не материала из школьного курса.

Рассмотрим предложенную детям задачу: «Брату 11 лет, а сестре 7. Сколько лет было сестре, когда брату было 6 лет?» При решении этой задачи учеником важно выделить в ее решении два действия:

- а) нахождение разницы в возрасте между детьми;
- б) нахождение готового ответа.

Всегда найдутся ученики указавшие верный ответ, но только 1-2 из них могут правильно составить краткую запись – наглядное изображение задачи, то есть именно у этих учеников развито математическое мышление (они могут интерпретировать текст задачи схематически). Таким образом, одним из приемов выявления склонности ученика к тому или иному предмету является проведение олимпиады.

Такими видятся варианты реализации основных ключевых компетенций на уроках математики в начальной школе. Предложенные варианты могут быть модернизированы, изменены или дополнены. Все зависит от уровня готовности учителя и учеников класса к реализации компетентного подхода в своей учебной деятельности.



## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ


У.Мирзохидов, Г.Мирзохидова  
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Талабаларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш, муаммоларни ҳал қилишда тайёр стандарт ечимлар билан бирга ностандарт ечимлар қилишга ундаш, талабалар ички ҳиссиётларини юзага чиқариб, уларни мантиқий фикрлашга чорлаш, уларни солиштириш, хусусий аналитик фикр юритишга ўргатиш, талабалар интеллектуал, зукколик ҳислатларини шакллантириш ва маълум йўналишда янада юқори даражада ривожлантириш мақсадида инноватсион технологиялардан фойдаланилади.

Биз ушбу мақоламизда нуклеин кислоталар мавзусини ўқитишда нималарга эътибор бериш кераклиги, қандай интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш юзасидан фикр юритамиз. Бунинг учун биз нуклеин кислота мавзуси юзасидан талабаларнинг БКМларини шакллантиришга яқиндан ёрдам берувчи топшириқларни ишлаб чиқамиз.

Топшириқлар.


1. Нуклеин кислота нима? 2. Унинг қандай хиллари мавжуд? 3. ДНК ва РНК нима?



ДНК полимер молекуласининг тузилишида тўрт хил нуклеотид: аденин ва гуанин (пурин ҳосилалари), цитозин ва тимин (пиримидин ҳосилалари) иштирок этади. Нуклеотидлар ўз номининг бош ҳарфи билан ифодалаб белгиланади. М: Аденин нуклеотида – А, гуанин нуклеотида – Г ва ҳоказо.

А-Г-Г-Ц-Т-А-Ц-Ц

Т-Ц-Ц-А-А-Т-Г-Г ушбу тузилишни қуйидаги расм асосида изоҳланг.



Изоҳ. ДНК занжирининг бирининг тузилиши иккинчисига боғлиқ бўлади. Занжирнинг бирида А жойлашган бўлса, унинг рўпарасига Т бўлади, Г жойлашган бўлса, унинг

рўпарасига Ц бўлади. Шундай қилиб, занжирнинг бирида А-Г-Г-Ц-Т-А-Ц-Ц нуклеотидлари кетма-кет жойлашган бўлса, уларнинг рўпарасида Т-Ц-Ц-А-А-Т-Г-Г нуклеотидлари жойлашади. Хужайра бўлинишидан олдин ундаги ДНК молекулалари икки хисса ортади, яъни редупликация юз беради. Бунда ДНКнинг куш спираль занжири бир учидан ажрала бошлайди ва хужайра муҳитида мавжуд бўлган эркин нуклеотидлардан яъни ДНК занжири тузилади.

ТУШУНЧА	ИЗОХ
Репликация	Бу ДНК куш занжирининг уз-узидан купайиши
Транскрипция	Бу ДНК молекуласидаги информацияни РНК молекуласига кучирилиши
Трансляция	.....?
ДНК	.....?
РНК	.....?

*Маълумот:* ДНК синтези ферментатив процессдир. Бу ДНКнинг махсус ферменти полимеразанинг фаолияти натижасида юзага чиқади. ДНК факат нуклеотидларнинг жойлашиши тартибини белгилаб беради, редупликация процессини эса оксил ферменти бошкаради.

РНК структурасида куш спираль йук, у ДНК занжиридан бирига ухшайди. ДНК занжирлари каби РНК ҳам полимердир. РНК нуклеотидлари А, Г, Ц ва У (Урацил) дан иборат.

РНКнинг молекуляр оғирлиги ДНКнинг молекуляр оғирлигидан кичик, РНК молекулалари узунлиги ДНК занжиридан калта бўлади.


РНК уч хил бўлади:

- 1) и-РНК – информацион ёки воситачи
- 2) т-РНК – транспорт
- 3) р-РНК – рибосомал РНК маълум.

и-РНК ирсий ахборотни ядродан (ДНК) дан цитоплазмага етказидади.

т-РНК цитоплазмадаги нуклеотидларни (аминокислоталарни) оксил синтезланадиган жойга - рибосомага етказиб беради. р-РНК оксил синтезида иштирок этади.

*Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб ДНК ва РНКнинг фарва ўхшаш жиҳатларини таҳлил қилдириш мумкин:*



**Ирсиятнинг моддий негизи буйича қуйидаги масалаларни ечиш орқали талабаларда амалий кўникмалар ҳосил қилинади.**

1. ДНК занжирининг бирдан азотли асосларнинг (нуклеотидларнинг кетма-кетлиги) қуйидагича:

А-Г-Г-Ц-А-Т-Т-Ц-Г-Ц-Г-А жойлашган. Генетик ахборотнинг транскрипцияси ва трансляциясини амалга оширинг?

Бунда биринчи ДНК нинг иккинчи тўлдирувчи занжирини тузиш лозим. Яъни:

А-Г-Г-Ц-А-Т-Т-Ц-Г-Ц-Г-А

Т-Ц-Ц-Г-Т-А-А-Г-Ц-Г-Ц-Т

Сўнгра транскрипция яъни, ДНК нинг дастлабки занжиридан ирсий ахборотнинг и-РНК занжирига кўчирлиши куйидагича ёзилади.

ДНК: А-Г-Г-Ц-А-Т-Т-Ц-Г-Ц-Г-А

и-РНК: У-Ц-Ц-Г-У-А-А-Г-Ц-Г-Ц-У

Оксил: серин валин глутин аргин

и-РНК занжиридаги нуклеотидлар кетма-кетлиги оксил синтезига утказилиши, яъни аминокислоталарнинг жойланиш тартиби белгиланиши **трансляция** дейилади.

### **Мисоллар.**

1. Нуклеотидларнинг кетма-кетлиги куйидагича:

Ц-Г-Т-Т-Г-Г-А-Т-Г-Ц-Ц-Цдан иборат ДНК молекуласи бир қисмининг репликация (н-чи занжирини хосил булиши) транскрипцияси (РНК молекуласига кучирилиши) ва транскрипциясининг (и-РНК даги ирсий ахборотнинг яратилаётган оксилнинг таркибига ўтказилишининг) схемаси қандай булади?

Оксил молекуласида аминокислоталарнинг навбатланиши лизин-глутамин, трионин-аммониндан иборат. Унинг яратилишини таъминлайдиган ДНК азотли асосларининг кетма-кетлигини ёзинг. ДНК молекуласи шу қисмининг куш занжирини ёзинг.

2. ДНК молекуласида нуклеотидлар куйидагича навбатлашиб жойлашган.

Ц-Ц-Т-А-Г-Т-Т-Т-Т-А-А-Ц бўлганда яратиладиган оксилда аминокислоталарнинг кетма-кетлиги қандай бўлади ?

6- ва 7- азотли асослар ўртасида гуанин киритилса, қандай аминокислоталар яратилади.

## **АМИР ТЕМУР – КАК ИСТОРИЧЕСКАЯ ЛИЧНОСТЬ**

*Н.Ёкубова  
СамГУ*

Об Амуре Темура (1336-1405 годы), которому Аллах неизменно посылал удачу во всех его начинаниях, написано немало: и у нас в Азии, и в Европе, и в Америке людей привлекал к себе этот человеческий феномен. Темуру посвящено более пятидесяти хроник, летописей научных исследований, художественных произведений. Тимур был одним из самых выдающихся правителей всех времен и народов. Он обладал даром предвидения невероятной силы. И таким же могучим был его организаторский дар. Десятки, сотни раз его пытались победить в открытом бою – и не могли, Амир Тимур не проиграл ни одного сражения<sup>1</sup>. Он надежно оградил себя, свое государство от любых неожиданностей. Он знал, как сделать государство сильным, а народ счастливым. Он твёрдой рукой осуществлял намеченное: его государство стало самым могучим в мире. Ни на западе, ни на востоке, ни на севере, ни на юге не было силы, способной ему противостоять. Как Александр Македонский, как Чингиз-хан, он был великим полководцем и великим государем.

Войны, которые вел Тимур за захват территорий Индии, Ирана, Ирака, Закавказья, Египта, Турции, Южных районов Руси, безусловно, носили грабительский характер, и этим объясняется тот факт, что в памяти народов, в исторических книгах, летописях этих стран Тимур запечатлен как жестокий завоеватель. В своем сочинении Шарафуддин Али Йезди подробно описывает разрушение городов и сел, истребление людей войсками Тимура. Автор

<sup>1</sup> Евгений Березиков. «Великий Тимур». –Т.: 1994. 3-стр.

преподносит материал так, что любой здравомыслящий читатель не может не осуждать самым решительным образом то, что совершали воска Тимура. Правда, Шарафуддин Али Йезди старался найти на все это какие – то объективные причины<sup>1</sup>.

Великому Амиру Тимуру принадлежат идеи национального объединения, создания сильного, независимого государства, способы управления, меры по укреплению государственности, социально-экономического положения социальных групп населения<sup>2</sup>.

Еще одной важнейшей особенностью Сахибкирана было то, что он опирался на деятелей науки, культуры, искусства, на духовенство, получал от них необходимые советы по различным вопросам.

Сам Амир Темур был хорошо осведомлен о таких науках, как астрономия, медицина, архитектура, теология, знал шахматную игру. С любовью изучал историю, в особенности военную. Как отмечает арабский философ Ибн Халдун, которому удалось беседовать с Тимуром, он глубоко знал историю турецких, арабских, персидских народов, тонко понимал сложнейшие особенности религиозных, светских и философских знаний.

Небезынтересна созданная Тимуром система управления страной. Укажем на то, что, кроме главной администрации – канцелярии, в каждой области существовала администрация – канцелярия, так называемый диван каждый диван вел дафтары – тетради учета главный образом дохода и расхода на тюрском и таджикском языках.

Али Йезди пишет, что во дворе Тимура чтецы, толкователи и писари говорили и писали как на тюрском, так и на таджикском языках.

Сам Тимур, кроме своего родного тюрского-узбекского языка, как писал академик Бартольд, в совершенстве знал забони-форси-таджикский язык. Высокую оценку деятельности Тимура как государственного деятеля дал известный русский ученый Д.Н. Логотэф, который в своём произведении «Бухарские горы и равнины» писал: «...Он был очень культурным представителем своего времени, поднявшим развитие своего народа на высокую ступень...»

Особо важно стоит отметить, что во всех делах, касавшихся народа какой-либо провинции, правителем было приказано строго держаться пределах справедливости эти установки по мнению Тимура, должны были обеспечить справедливое управление страной и государством.

Он навечно останется для народов мира Центральной Азии и Узбекистана великим государственным деятелем, бесстрашным полководцем, исторической личностью и гением.

Следует мною отметить, что изучение и популяризация Амира Тимура как великой исторической личности необходимы для установления исторической истины.

## **KICHIK YOSHDAGI BOLALARGA CHET-TILINI O'RGATISHNING SAMARALI YO'LLARI**

*M.Normo'minov SamDCHTI talabasi*

Bugungi kunda mamlakatimizda yosh-avlodning bilim darajasi va ularning intellektual va yuksak kompetentlik salohiyatini rivojlantirish uchun davlatimiz tomonidan katta imkoniyatlar yaratilib berilmoqda. O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidentining 2012 yil 10 dekabrda "Chet tillarini o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-1875-sonli qarori ijrosini biz ayni paytda yaqqol ko'rib bormoqdamiz. Jumladan, maktabgacha ta'lim va boshlang'ich sinflardanoq bolalarga chet tili bo'lgan ingliz (fransuz, nemis) tillarini chuqur o'rganish uchun chora-tadbirlar rejalari ishlab chiqildi.. Ushbu qarorning oliy maqsadi

<sup>1</sup> Ибрагим Муминов. «Роль и место Амира Тимура в истории Средней Азии» -Ташкент, 1968 год. стр. 6.

<sup>2</sup> Гульнора Мансурова, Шоира Намазова, Барно Фармонова. «Методические рекомендации по изучению произведения Ислама Каримова «Юксак маънавият – энгилмас куч». - Ташкент. 2010 год.

farzandalarimizni rivojlangan davlatlarning bolalari bilan intellektual tomondan raqobatlasha oladigan qilib shakllantirishdan iboratdir.

Ayni raytda ingliz tilini o'rganish barcha uchun ijtimoiy-iqtisodiy hayotning zaruriyatiga aylanmoqda. Shu bois yoshlarning xorijiy tillarni, ayniqsa, ingliz tilini o'rganishga qiziqishi kundan kunga ortib bormoqda. Chet tilini o'qitishdan asosiy maqsad ongli, bilimli, faol, intizomli, dunyoqarashi keng, madaniyatli shaxslarni tarbiyalab yetkazishdir.

Keling, quyida kichik yoshdagi bolalarda ingliz tilini o'rganishga bo'lgan qiziqishni yanada shakllantirishning samaradorli yo'llarini ko'rib chiqamiz. **1.Har bir dars ular uchun unutilmas o'tishi zarurligini unutmang.** Barchamizga ma'lumki, kichik yoshdagi bolalar faol hayot tarzini kechirishadi. Ular rasm chizishni, qo'shiq kuylashni, raqsga tushishni yoqtirishadi, bir joyda davomli vaqt o'tirish bolalar uchun mushkuldir. Shunday ekan, bolalarning faolligidan samarali foydalaning. Bolalar uchun bajarish maroqli bo'lgan topshiriq va vazifalar o'lyab topishga harakat qiling. Masalan, ingliz tilida so'zlarni yod olish jarayonida, bolalar uchun "run" (yugurish) so'zini joyda yugurish orqali, "jump" (sakrash) so'zini esa joyda sakrash orqali yodda saqlash odatiy jarayondan ko'ra ancha samaralidir. Ushbu mashq "**Warm-up activity**" deb nomlanib, 15-20 daqiqa davomida bolalar 7 tadan 10 tagacha so'zlarni (asosan fe'l so'z turkumiga oid so'zlar) effektiv tarzda eslab qolishi mumkinligi kuzatiladi. Bunday mashq bolalarning so'zlarni yod olish qobiliyatini shakllantiribgina qolmay, balki kun davomida to'plangan energiyani to'g'ri sarflashga ham xizmat qiladi.

**2.Kompyuter o'yinlardan foydalaning.** Bugungi kunda kompyuter o'yinlarini xush ko'rmaydigan bolani uchratish qiyin. 10-15 daqiqa davomida ingliz tiliga doir bo'lgan o'yin tarzidagi dastur va ilovalardan foydalanish dars jarayonini maroqli bo'lishini ta'minlaydi. Bunday ilova va dasturlar bolalar leksikasini boyitibgina qolmay, bolalarning darsga bo'lgan qiziqishini yanada kuchaytiradi. Masalan, "Word Confession" deb nomlangan o'yinda bolalarga bitta so'zi tushirib qoldirilgan gap beriladi. Tushirib qoldirilgan so'zning o'rniga ikkita to'g'ri kelishi mumkin bo'lgan variantlar taqdim etiladi, bolalar esa ulardan ma'no-mazmun jihatidan gapga mos tushadigan so'zni tanlashlari kerak bo'ladi. Bu o'yin bolalar uchun ingliz tilidagi o'xshash (accept – except, advise – advice) so'zlarni ajratish, ularning bir-biridan farqini tushunish jarayonini yanada soddalashtiradi. Yoki "The Plural Girls" o'yini bolalarni ingliz tilidagi otlarning ko'plik shaklini yozishda qilishi mumkin bo'lgan imloviy xatolarning oldini olishda yordam beradi. Yuqorida ta'kidlangan o'yinlarni siz [www.funbrain.com](http://www.funbrain.com) ; [www.englishweek.ru](http://www.englishweek.ru) ; [www.digitaldialects.com](http://www.digitaldialects.com) saytlaridan topishingiz mumkin.

**3.O'qish uchun qo'shimcha materiallar taqdim eting.** O'quv jarayonida aynan kichik yoshdagi bolalar uchun mo'ljallangan ingliz tilidagi turli xil kichik hajmdagi hikoya, ertak va matallarni o'qish uchun qo'shimcha materiallar sifatida taqdim qiling. Yangi o'qish materiallarini bolalar xursandchilik bilan qabul qilishadi, ulardagi yangi so'zlarni o'rganishga astoydil harakat qilishadi. Kichik hajmdagi bunday hikoya va ertaklarni siz Ziyonet ta'lim tarmog'ining onlayn kutubxonasi, yoki boshqa saytlardan qiyinchiliksiz topishingiz mumkindir.

**4.Ingliz tilidagi animatsion filmlarda (multfilmlar) keltirilgan dialoglarni o'zbek tiliga bolalar bilan birgalikda tarjima qiling.** Bolalar bilan qisqa metrajli ingliz tilidagi multfilmlarni tomosha qiling, ulardagi qahramonlarning dialoglarini o'zbek tiliga birgalikda tarjima qiling. Bunday usul nafaqat bolalarning lug'at boyligini oshirishga xizmat qiladi, balki ulardagi tajimonlik qobiliyatini oshirishda, ingliz tili fonetikasi to'g'risida tushuncha hosil qilishida ham ko'maklashadi. Ingliz tilidagi qisqa metrajli multfilmlarni [www.youtube.com](http://www.youtube.com), yoki [www.utube.uz](http://www.utube.uz) saytidan qidirishingiz mumkin.

**5.Ingliz tilidagi qo'shiqlar matnini birgalikda tahlil qiling.** Barcha kichik yoshdagi bolalarga birday manzur bo'lgan ingliz tilidagi qo'shiqlarni, qo'shiq fonogrammasi va matniga ega bo'lgan holda birgalikda ijro eting. Bunday holda musiqiy savodxonlikka ega bo'lish shart emas. Ijro etib bo'lgandan so'ng esa, qo'shiq matnini tahlil qiling. Disney, DreamWorks va Pixar kompaniyasining multfilmariga ("Qiro'l she'r", "Madagaskar", "Shrek") ishlangan saundtreklarni kichik yoshdagi bolalar sevib tinglashadi va ijro etishadi. Bundan tashqari til o'rganish jarayonida

kichkintoylarni qiziqtirish uchun o'yinchoqlar yoki kubiklardan foydalanib, stol ustida o'ynaladigan o'yinlarni harakatli o'yinlar bilan almashtirib yoki qo'shib olib borish va narsa va buyumlarning nomini aytish yoki ta'riflashga yo'naltirilgan turli o'yinlar tashkil etish mumkin. Bu usul o'quv jarayonining yanada qiziq kechishi, bolalarning ijodkorlik salohiyatini oshirishida muhim ahamiyat kasb etadi.

## HUSNIXAT DARSLARIDA KEYS-STADI TEXNOLOGIYASI

*D.Rabbanayeva*  
*Samarqand VXTXQTUMOI*

Boshlang'ich ta'lim ta'lim-tarbiyaning poydevoridir. Poydevor qanchalik mustahkam bo'lsa, imorat shunchalik mustahkam bo'ladi. Mukammal boshlang'ich ta'limga ega bo'lgan o'quvchilar kelgusida yuqori sinflarda hech qiynalmasdan yanada yuksak natijalarga erisha oladilar. Shuning uchun boshlang'ich sinf o'qituvchilari o'quvchilarning savodini chiqarishda, mustahkam bilim berishda barcha imkoniyatlarni ishga solib ilk ta'lim-tarbiya jarayonini sifatli olib borishi lozim. Zero, "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" talablarida ham o'qituvchi zimmasiga ulkan mas'uliyat yuklanadiki, bu mas'uliyatni to'laqonli his etgan holda mehnat qilish zamirida ijodkorlik, izlanish, ta'lim yangiliklarini ish jarayonida qo'llash faoliyati yotadi.

Inson hayotida yozuvning o'rni be'qiyosdir. Chunki yashash jarayonida har-bir kishi turli xil hujjatlardan, rasmiy qog'ozlardan va shunga o'xshash yozuv turlaridan foydalanishi sir emas. Yozuv turlaridan foydalanganda bexato va chiroyli yozish talab etiladi. Demak, o'quvchilarning yozuvlari chiroyli va bexato bo'lishi uchun boshlang'ich sinf o'qituvchisining yozuvi chiroyli va bexato bo'lishi shart va zarurdir. Bunga erishish uchun esa yozuv tamoyillarini, usullarini, vositalarini, uslubiyatlarini mukammal bilishga harakat qilish kerak.

Axborot texnologiyalari kundan-kunga rivojlanib borayotgan bir davrda qo'lda yozilgan hujjatlarga e'tibor biroz susaymoqda. Shu sababli kichik maktab yoshidagi o'quvchilarni husnixatga o'rgatish masalasi dolzarb pedagogik ahamiyat kasb etadi.

Yozuv - san'at. Bu san'atdan ozmi-ko'pmi hamma xabardor bo'lishi kerak. San'at muttasil takrorlarsiz qo'lga kiritilmaydi. "Qobusnoma" da mana bunday bir hikoyat bor: Hojib Ismoil ibn Abbat devonxonada kotiblariga qarab bunday deydi: "Har shanba kuni kotibligimda nuqson ko'raman, buning sababi shundaki, men har juma kuni devonxonaga kelmayman va hech narsa yozmayman. Bir kun to peshingacha xat yozmasligim menga ta'sir qiladi va xatimda nuqson ko'raman". U o'z farzandlariga qarab, "Bas, ey farzand, hamma vaqt xat yozish bilan mashg'ul bo'l," deydi.

Biz shaxsiy kasbiy faoliyatimizda turli xil muammoli vaziyatlarga duch kelamiz, aynan shu vaziyatlarning muqobil yechimini izlash, yuzaga kelgan har qanday muammoli jarayonining yechimini topa olish, istiqbolli rejalarni tatbiq qila olish bizning bilim, mahoratimizga bog'liqdir. Aynan amaliy vaziyatlarni hal qilishda qo'llaniluvchi "Keys-stadi" texnologiyasi kelgusi faoliyat jarayonida yuzaga keluvchi vaziyatlarning yechimini oldindan topishga o'rgatuvchi, yangi yechimlarni ishlab chiqishga yo'naltiruvchi pedagogik texnologiyalardan biridir.

Keys-stadi texnologiyasining asosiy maqsadi o'quvchilarning bilim olish jarayonini faollashtirish, mavjud muammoli vaziyatlarni hal qilish orqali ularning ilmiy-ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishdan iboratdir. Amaliy vaziyatlarni hal etish uslublari va vositalari, ya'ni keys-stadi (inglizchadan "case"-yig'ma, aniq amaliy, holat, stadiy-o'quv) texnologiyasi bo'lib, u tashkilot, shaxslar guruhi yoki alohida shaxslar hayotidan olingan real vaziyat deganidir. Gary Thomas quyidagi keys-stadiga oid ta'rifi keltirib o'tadi: "Keys stadi" bu shaxslarni, voqealarni, qarorlarni, davrlarni, loyihalarni, qonunlarni, tashkilotlarni va boshqa tizimlarni bir yoki undan ortiq usullar orqali avvaldan o'rganib kelinayotgan tahlili hisoblanadi. Keysning subyekti tahliliy vaziyatlardir, ob'yekti esa uni tahlil qilish jarayonidir".

Ta'lim jarayonida keyslardan foydalanish samarali natijalar bermoqda. Husnixat darslarida quyidagicha keyslardan foydalanish mumkin. 1-keys tinglovchi muhokamasi uchun, 2-keys o'quvchilar uchun qo'llaniladi.

### **Keys №1**

Ona tili darsida bir o'qituvchi o'quvchilariga: "O'rtog'ingdan ko'chirma!", "O'zing yoz, birovlarning daftariga qarama!", "Obbo, ko'chiradigan odamingni ham topibsanni-a!" - singari zaharxanda bilan yondhshadi. Boshqa sinfda esa o'qituvchi darsida yo'l-yo'lakay, albatta ta'sirli qilib: "Bolalar, bir-biringizdan berkitmanglar, bu yaxshi emas, hech kim sizlardan ko'chirayotgani yo'q!", - degan so'zlar bilan bir necha bor qattiq tanbeh berdi.

Ta'lim jarayonida individual nazorat topshiriqlarini har bir o'quvchi mustaqil bajarishi lozim.

#### **Keys savollari:**

1. Birinchi o'qituvchi o'quvchiga muloqotning qaysi turidan foydalanib murojaat qildi? Pedagogik talabni shunday tarzda qo'yish qanchalik to'g'ri?

2. Ikkinchi o'qituvchi tomonidan pedagogik muloqot jarayoniga qo'yilgan talab buzilmoqda. O'qituvchining xatti-harakatini oqlash mumkinmi?

#### **Ko'rsatmalar:**

1. Keys mohiyatini yetarlicha anglab oling.

2. Berilgan manbalarga tayangan holda muammoning yechimini topishga xizmat qiluvchi omillarni aniqlang.

3. Aniqlangan omillar orasidan muammoga barchasidan ko'proq daxldor bo'lgan omil (yoki ikkita omil)ni ajrating.

4. Ana shu omillar asosida yechimni asoslashga urining.

5. Yechimni bayon eting.

### **Keys № 2**

1. Muammo tashlanadi: "O'rtog'ingiz chiroyli yozmaydi, bu holatda sizning harakatingiz".

2. Muammo tahlili:

1. Usullar ichidagi eng muhimini ajrating.

2. Ushbu usullarni qay holatlarda ishlatisiz?

3. O'quvchi javobi.

O'qituvchi fikrlar ichidan eng muhim deb hisoblaganlarini ta'kidlab o'tadi.

Husnixat darslari orqali estetik tarbiyani amalga oshirishda yozuvga e'tibor doimo diqqat markazda bo'lishi va uni amalga oshirish uchun har bir o'qituvchidan yuksak kasb mahorati va hattotlik san'ati talab etilar ekan bugungi kun o'qituvchilarimiz husnixat darslarini shunday tashkil etishsa, natijada o'quvchilar og'zaki va yozma nutqi ravon hamda har tomonlama yetuk insonlar bo'libgina qolmasdan, go'zallikka intiluvchi va uni yurakdan his qila oluvchi, go'zallikni yaratishga intiladigan shaxslar bo'lib voyaga yetadilar.

## **DARS JARAYONIDA ISHBILARMONLIK O'YINLARIDAN FOYDALANISH**

*R.V. Tashmatova  
SamDU,  
S.I.Ahmedov  
SamVXTXQTMOI*

Har bir jamiyatning kelajagi uning ajralmas qismi va hayotiy zarurati bo'lgan ta'lim tizimining qay darajada rivojlanganligi bilan belgilanadi. Bugungi kunda mustaqil taraqqiyot yo'lidan borayotgan mamlakatimizning uzluksiz ta'lim tizimini isloh qilish va takomillashtirish, yangi sifat bosqichiga ko'tarish, unga ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy etish hamda ta'lim samaradorligini oshirish davlat siyosati darajasiga ko'tarildi.

Hozirgi kunda ta'lim jarayonida interfaol usullardan foydalanib, ta'limning samaradorligini ko'tarishga bo'lgan qiziqish kundan kunga kuchayib bormoqda. Zamonaviy texnologiyalar qo'llanilgan mashg'ulotlar o'quvchilar egallayotgan bilimlarni o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib, tahlil qilishlariga, hatto xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga qaratilgan.

Ko'pchilik hollarda kimyo fanini o'qitish jarayonida ishbilarmonlik o'yinlari ham qo'llanilib, ularning maqsadi nazariy bilimlarning amaliy va effektiv qo'llanilishini amalga oshirishdir. Ishbilarmonlik o'yinida konflikt holat yaratilib, unda qatnashchilar muayyan qarorni vaqt tig'izligi, moddiy materiallar kamligi hamda o'yin qatnashchilari va rahbariyat tomonidan qarama-qarshilik sharoitida qaror qabul qilishlari zarur bo'ladi. Ishbilarmonlik o'yinining asosiy maqsadi har bir o'quvchini bilim olish jarayoniga jalb etish, o'quv predmeti vositalari yordamida o'quvchilarni professional yo'naltirilishini amalga oshirishdir. Ishbilarmonlik o'yinlari o'qitishning tarbiyaviy ahamiyatini rivojlantirishga yordam beradi. Ta'lim olish vazifasi shundan iboratki, u o'quvchilarda chuqur, mustahkam va amalda sinalgan bilimlarni beradi, chunki bunday darslarda o'quvchilar tomonidan olingan bilimlarni amaliy faoliyatda, ya'ni ishlab chiqarishda mutaxassis sifatida qo'llashiga imkon yaratadi.

Ishbilarmonlik o'yinlari intellektual ko'nikmalarini rivojlantirishga yordam berib, birinchi navbatda, bunday ko'nikmalar sirasiga qiyoslash, asosiy holatni aniqlash, xulosa chiqarish va umumlashtirish kabi ko'nikmalarni shakllantiradi. O'qitishning bunday ko'rinishi, ya'ni o'qitishning tashkillashtirilgan o'yin ko'rinishida o'tkazilishi umumiy tavsifdagi o'tkir konflikt holatlar fonida qatnashchilarning faol muloqotida o'tkazilib, rolli o'yini deb nomlanadi. Rolli o'yin vazifasi, o'quvchilarni real hayot sharoitlariga maksimal ravishda yaqinlashtiradi. Rolli o'yini jarayonida har bir o'quvchi mutaxassis roliga kirib, unga yaratilgan holatda to'g'ri javob topish vazifasi yuklatiladi. O'quv jarayoni tashkillashtirilishining bunday shakldagi emotsional ko'rinish yuqori sinf o'quvchilarini o'z so'zlari va harakatlari uchun katta javobgarlik hissiga majbur etadi.

O'yinlar o'qituvchiga asta-sekinlik bilan o'quvchilarni mustaqil ijodiy faoliyatiga jalb etish imkoniyatini beradi. Har bir o'quvchi rol o'yinlari jarayonida o'z bilimlarini turli darajada qo'llaydi. Bir darsda o'quvchi laborant rolini bajarsa, keyingi safar injener – texnolog rolini ham o'zida sinab ko'rishi mumkin bo'ladi. O'quv jarayoniga hattoki bilim saviyasi past, dangasa o'quvchilar ham jalb etilib, ular sinfdoshlari orasida, o'z fikrlarini izhor etish imkoniyatiga ega bo'lib, jamoaga yondashishadi. Bunda tartib, mehnatsevarlik, o'zaro yordam o'quvchilarning turli faoliyat turlariga kirishib ketish, ijodiy hamda mas'uliyat xususiyatlari rivojlanadi.

Ishbilarmonlikning yana bir muhim jihati shundaki, turli mutaxassislarning mehnat funksiyalari, professional yo'nalishdagi bilimlari dastur materiallarini o'rganish borasida ko'rib chiqilib, tasniflanadi, ammo har qanday dastur materiali ham rol o'yini ko'rinishidagi dars tashkillashtirilishi uchun qo'llanilishi mumkin emas. Uning tanlab olinishida, shuni e'tiborga olish zarurki, o'quv materiallari qator talablarga javob berishi, ya'ni birinchidan, muayyan muammoni qo'yilishi va yechilishini ta'minlashi, uning yechimi uchun ijodiy yechim turini tanlash imkoniyatini berishi, ikkinchidan, mavjud bilimlarga asoslangan holda, o'quvchilar tomonidan mustaqil, tadqiqiy hamda amaliy ish bajarilishini tashkillashtirilishga yordam berishi, uchinchidan, jamiyat rivojlanishi yo'lida, ilmiy bilimlar rolini ochishi hamda nazariya, mazmun va qonuniyatlarini rivojlanishini ko'rsata olishi lozim. Masalan, "Mineral o'g'itlar" mavzusiga bag'ishlangan rolli o'yin darsiga o'quvchilar oldindan tayyorlanadi. Sinf quyidagi mutaxassislik bo'yicha beshta guruhga bo'linadi: kimyogarlar, biologlar, texnologlar, agronomlar, ekologlar.

Har bir guruh o'z mutaxassisligi nuqtayi nazaridan mineral o'g'itlar haqidagi materialni o'rganadi, uni darsga ma'ruza sifatida tayyorlaydi. Buning uchun muayyan materiallarni tanlab oladi va mavzu bo'yicha o'quvchilar uchun savollarni shakllantiradi. Darsda quyidagi ma'ruzalar eshutiladi: 1."Mineral o'g'itlar tasnifi". Kimyogar olimlar ma'ruzasi mineral kolleksiyasi namoyishi bilan birgalikda o'qib, eshittiriladi va e'tiborga mineral o'g'itlarning oziq elementlari miqdori ko'rsatilgan jadvali keltiriladi.

2. Mineral o'g'itlarni ishlab chiqarish uchun xomashyo mavzusidagi geologlar ma'ruzasi (tabiiy qazilmalarning O'zbekiston xaritasi bo'yicha konlarining ko'rsatilishi bilan) tinglanadi.



Mineral o'g'itlar ishlab chiqarilishi mavzusidagi texnologlar ma'ruzasi, kimyoviy reaksiyalar tenglamalari haqidagi axborot hamda mineral o'g'itlar zavodida mineral o'g'itlar ishlab chiqarilishi haqidagi ma'lumotlar bilan to'ldiriladi. Mineral o'g'itlarning ahamiyati (agranomlar ma'ruzasi) mineral o'g'itlarning o'simliklar faoliyatidagi rolini ko'rsatuvchi plakatlar bilan birgalikda namoyish etiladi.

3. Mineral o'g'itlarni ishlab chiqarish va qo'llash bilan bog'liq bo'lgan ekologik muammolar haqida ekologlar ma'ruzasi tinglanadi. Darsda mineral o'g'itlarni aniqlash bo'yicha laboratoriya ishi o'tkazilishi ko'zda tutilgan. Mutaxassislar har bir guruhiga uchtdan mineral o'g'it beriladi. Vazifa: mineral o'g'itlarni aniqlash, keyinchalik uni qanday aniqlashni amalga oshirish haqida sinfga aytib berish hamda ko'rsatib berishdan iborat.

Dars davomida o'quvchilarning faolligini oshirish uchun mutaxassislar har bir guruhi boshqa guruhlarga oldindan tayyorlangan munozarali savollarni berishadi. O'qituvchi zarur paytlarda o'quvchilarga umumlashtiruvchi tavsiflarga ega bo'lgan savollar berishi mumkin. Bunda turli didaktik maqsadlarda, ya'ni o'quvchilarning o'qish jarayonini motivatsiya etish maqsadida darsda qo'shimcha sifatida u yoki bu ma'ruza oldindan muammoviy masala sifatida, shu bilan birgalikda o'rganilgan materialni mustahkamlash maqsadida ham kimyoviy topishmoqlarni berish maqsadga muvofiqdir.

Ishbilarmonlik o'yinlarini o'tkazishda didaktik sharoitlar yaratilishi kerak.

Birinchi, real hayotdagi professional hayotni imitatsiya etuvchi sharoitlarni o'yin davomida modellashtirish kerak. Ishbilarmonlik o'yinlarining asosiy maqsadi murakkab tizimlarni boshqarishda qaror qabul qilishga o'rgatishdir. Qaror qabul qilish yoki tanlov istalgan faoliyatga xos bo'lgan harakat bo'lib, u faoliyatda muayyan maqsadni belgilaydi. To'g'ri qaror qabul qila olish insonda hayotiy tajriba orqali (sinov va xatoliklar) yoki o'qitishning maxsus usullari yordamida, shu jumladan, o'yinlar orqali ham shakllantiriladi. Ishbilarmonlik o'yinida yaratilgan shartli ishlab chiqarish modelini o'zgartirishlar bilan bo'rttirish kerak emas. Ular reallikka maksimal darajada yaqinlashgan hamda ikkilamchi alohida holatlardan holi bo'lishi lozim, chunki ular o'yin jarayoniga muhim ta'sir o'tkaza olmaydi. Misol uchun, zavod sexi modelini to'laligicha yaratish shart emas. O'yin boshida sex ko'rinishini tasvirlab berish yetarlidir, chunki shuning o'zi o'quvchilarda muayyan psixologik maqsadni belgilaydi. So'ngra esa o'yinda oldindan rejalashtirilgan holatlarni kiritib, o'quvchilarga o'yin vazifalarini berib borish lozim.

Ikkinchi, ishbilarmonlik o'yinidagi faoliyat bosqichma-bosqich rivojlantiriladi. O'yin bosqichlari o'zaro bog'liqdir, shu sababli boshlang'ich bosqichlarda olingan o'quvchilarning qarorlari keyingi bosqich harakatlariga ta'sir o'tkazadi. Mazkur bosqichda belgilangan vazifa yechimining optimal varianti qatnashchilar fikrlash faoliyatini stimulatsiya etib, ularda o'z-o'zini boshqarish hamda xatoliklarni tuzatish ko'nikmalarini shakllantiradi.

Uchinchi, ishbilarmonlik o'yini uchun konflikt holatlar mavjudligi zarurdir. Ular ishbilrmonlik o'yiniga ham xos bo'lib, uning rivojlanishi jarayonida ham yuzaga keladi yoki o'yin rahbari tomonidan yaratilib undan o'quv maqsadlari kelib chiqadi. Bunda holatlar murakkablashtirilishi yoki o'zgartirilishi, qo'shimcha vazifalar kiritilishi mumkin bo'lib, buning natijasida o'yin qatnashchilarida yangi sharoitlarda qaror qabul qila olish ko'nikmasi hosil bo'ladi.

Ishbilarmonlik o'yini davomida konfliktlar professional tavsifga ega bo'lgan bahs va munozaralar ko'rinishida o'tadi, buning natijasida o'yin qatnashchilari turli muammolarni hal etishadi hamda o'yin sharoitlari o'zgargan taqdirda zarur qaror qabul qilish ko'nikmasi hosil bo'ladi.

## TA'LIM VA TARBIYA JARAYONIDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARNING O'RNI VA IMKONIYATLARI

*Sh.Xo'jaqulov*  
*SamarqandXTXQTMOI,*  
*O.Eraliyev*  
*Siyob tibbiyot kolleji*

Ta'lim tizimiga shiddat bilan kirib kelayotgan yangi pedagogik texnologiyalar, innovatsiyalar, yangi-yangi pedagogik-psixologik tushunchalar, interfaol metodlarni ta'lim beruvchi tomonidan o'zlashtirilib va qo'llanib borilishi, ta'lim mazmunini tubdan o'zgartirib yubordi desak mubolag'a bo'lmaydi. Dars mobaynida ma'lum nazariy bilimlarni o'quvchiga yetkazish, unda ayrim faoliyat yuzasidan ko'nikma va malaka hosil qilish, ma'naviy-ahloqiy sifatlarni shakllantirish, o'quvchi bilimni nazorat qilish hamda baholash o'qituvchidan yuksak mahorat va tezkorlik talab qiladi.

Zamonaviy o'qituvchi dars jarayonida «aktyor» emas, aksincha «rejissyor» bo'lishi kerakligini anglashi lozim. U o'z o'quvchilarini fanga ijodkorlik nuqtai nazari bilan qarashlarini tashkil qilishi, ularda izlanuvchanlik xususiyatlarini shakllantirishi va albatta, yangi pedagogik texnologiya usullaridan foydalangan holda darsni tashkil etishi kerak bo'ladi. Buning uchun o'qituvchi ta'lim texnologiyasini zamonaviy usullarini yaxshi bilishi kerak. Shu yerda Ozbekiston Respublikasining birinchi prezidenti I.A. Karimovning «Biz o'g'il-qizlarimizni o'zlarini anglashga, mustaqil, ongli fikrlashga, ularning tafakkurida bo'shliq vujudga kelishigi yo'l qo'ymasligimiz lozim» degan so'zlarini ta'kidlagan holda yosh avlodning nutq boyligini oshirish, mustaqil fikrlashini kengaytirish, zamon talabiga mos qilib ta'lim berish kerak bo'ladi.

Interfaol metodlar ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarflamay, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishish maqsadini nazarda tutadi. Bu borada o'qituvchi darslarda foydalanishi mumkin bo'lgan ayrim pedagogik vositalar: ta'kidlovchi savollar bunda o'quvchining bergan savoliga qarab, uning fikrlash darajasini aniqlash mumkin. O'qituvchi alternativ, o'quvchini faollikka chorlovchi savollar orqali sinfda ijodkorlik, izlanuvchanlik, qiyoslash, o'xshashlik va farqini topish singari xususiyatlarni rivojlantiruvchi muhitni yaratadi.

Bu usullar asosan bosqichlarga ajratilgan dars jarayonida qo'llaniladi (chaqiruv, anglash, fikrlash) va har birida o'qituvchi o'quvchilarga tegishli topshiriqlar beradi. Bu metodlar va usullar o'quvchida kommunikativ qobiliyatning o'sishiga, o'quvchilar orasida hissiy aloqa o'rnatilishiga, muammoli vaziyatlar yechimiga, guruhda ishlashni, o'zgalarning fikrini tinglay olishni va o'z fikrini mustaqil bayon etishni o'rgatibgina qolmasdan, unda o'ziga ishonch, bilimiga tayana olish, qiziqishlarining kuchayishiga, keng fikrlashiga olib keladi.

Bu so'zlarni shunchaki keltirmadik, chunki yoshlarimizni ma'naviy barkamol, aqliy salohiyati yuqori, mustaqil va erkin fikrlovchi, ijodkor bo'lib shakllanishida pedagogik innovatsiyalarni qo'llash, integrativ jarayonga asoslanish, interfaol metodlardan foydalanish kamlik qiladi. Biz o'quvchi shaxsining ichki olamini hisobga olishimiz kerak bo'ladi. Ya'ni uning shaxsiy fikri bilan hisoblashishimiz, undagi qobiliyatlarni payqamog'imiz, uning so'z boyligini oshib borishiga ijobiy ta'sir ko'rsata olishimiz zarur. Interfaol metodlarni qo'llash dars samaradorligini oshirishga yordam beradi. Interfaol ta'limning asosiy mezonlari: norasmiy bahs-munozaralar o'tkazish, o'quv materialini erkin bayon etish va ifodalash imkoniyati, ma'ruzalar soni kamligi, lekin seminarlar soni ko'pligi, o'quvchilar tashabbus ko'rsatishlariga imkoniyatlar yaratilishi, kichik guruh, katta guruh, sinf jamoasi bo'lib ishlash uchun topshiriqlar berish, yozma ishlar bajarish va boshqa metodlardan iborat bo'lib, ular ta'lim-tarbiyaviy ishlar samaradorligini oshirishda o'ziga xos ahamiyatga ega. Interfaol usullarni qo'llash natijasida o'quvchilarning mustaqil fikrlash, tahlil qilish, xulosalar chiqarish, o'z fikrini bayon qilish, uni asoslagan holda himoya qila bilish, sog'lom muloqot, munozara, bahs olib borish ko'nikmalari shakllanib, rivojlanib boradi. Interfaol mashg'ulotlarni amalda qo'llash bo'yicha ayrim tajribalarni o'rganish asosida bu

mashg'ulotlarning sifat va samaradorligini oshirishga ta'sir etuvchi ayrim omillarni ko'rsatishimiz mumkin. Ularni shartli ravishda tashkiliy-pedagogik, ilmiy-metodik hamda o'qituvchiga, o'quvchilarga, ta'lim vositalariga bog'liq omillar deb atash mumkin. Ular o'z mohiyatiga ko'ra ijobiy yoki salbiy ta'sir ko'rsatishini nazarda tutishimiz lozim. Tashkiliy-pedagogik omillarga quyidagilar kiradi: o'qituvchilardan interfaol mashg'ulotlar olib boruvchi trenerlar guruhini tayyorlash; mashg'ulotda faol ishtirok etish uchun zarur bilimlarni o'zlashtirganlik, muloqotga tayyorlik, o'zaro hamkorlikda ishlash, mustaqil fikrlash, o'z fikrini erkin bayon qilish va himoya qila olish ko'nikmalari va boshqalardan iborat. Mashg'ulotlarda vaqtdan unumli foydalanish zarur shart hisoblanadi. Buning uchun zarur vositalarni turli tanlash, tayyorlash hamda mashg'ulot o'tkazuvchilar va ularning vazifalari aniq belgilangan bo'lishi lozim. Interfaol metodlar bilan an'anaviy ta'lim usullari orasida o'ziga xos farqlar mavjud bo'lib, har bir o'qituvchi bu farqlarni qiyoslashi, ularning bir biriga nisbatan afzalliklari va kamchiliklarini darsni rejalashtirish va uni o'tkazish usullarini tanlashda to'g'ri hisobga olishi zarur. Bunda yangi bilimlarni berish, ko'nikmalarni shakllantirish, rivojlantirish, mustahkamlash, bilimlarni takrorlash, amalda qo'llash mashg'ulotlarida hamda o'quv fanining xususiyatlarini hisobga olgan holda har bir mavzu bo'yicha mashg'ulot uchun eng maqsadga muvofiq bo'lgan interfaol yoki boshqa metodlarni to'g'ri tanlash nazarda tutiladi. To'g'ri tanlangan metodlarni qo'llash mashg'ulotning qiziqarli va samarali bo'lishini ta'minlaydi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, interfaol ta'lim bir vaqtda bir nechta masalani hal etish imkoniyatini beradi. Bulardan asosiysi - o'quvchilarning muloqot olib borish bo'yicha ko'nikma va malakalarini rivojlantiradi, o'quvchilar orasida emotsional aloqalar o'rnatilishiga yordam beradi, ularni jamoa tarkibida ishlashga, o'z o'rtoqlarining fikrini tinglashga o'rgatish orqali tarbiyaviy vazifalarning bajarilishini ta'minlaydi. Shu bilan birga, amaliyotdan ma'lum bo'lishicha, dars jarayonida interfaol metodlarni qo'llash o'quvchilarning asabiy zo'riqishlarini bartaraf qiladi, ular faoliyatining shaklini almashgirib turish, detallarini dars mavzuining asosiy masalalariga jalb qilish imkoniyatini beradi.

## **BOSHLANG'ICH SINFLAR O'QUVCHILARIDA ONA TILIDAN NUTQIY KOMPETENSIYALARNI O'YINLAR ORQALI SHAKLLANTIRISH**

*D. Jo'rayeva  
Samarqand viloyat XTXQTMOI*

Ta'lim muassasasida umumta'lim fanlari bo'yicha o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarga ega bo'lishlari bilan birgalikda, ularda boshqalar bilan muloqotga kirishuvchanlik, aloqa o'rnatish olishlik, axborotlarni eslab qolishlik va ulardan o'z o'rnida foydalana olishlik, o'zini-o'zi rivojlantirib borishlik, o'z millatining urf-odatlarini hamda umummadaniy tushunchalarni o'zlashtirishlari, tahlil qila olish bilan birgalikda o'z bilim, ko'nikma va malakalardan kundalik hayotlarida uchraydigan muammolarni hal etishda foydalana olishlarini shakllantirish zarur.

Kompetensiya - fan bo'yicha egallagan nazariy bilim, amaliy ko'nikma va malakalarini kundalik hayotida duch keladigan amaliy va nazariy masalalarni yechishda foydalanib, amaliyotda qo'llay olishidir.

Ta'lim jarayonining asosiy maqsadi - o'quvchilarning salohiyati va imkoniyatlarini safarbar qilish, ularning hayotiy faoliyatlari bilan uyg'unlashtirishdan iborat. Shuningdek, mazkur imkoniyatlardan o'quvchi shaxsining mukammal, mustaqil rivojlanishi yo'lida foydalanish usullarini izlash lozim.

Boshlang'ich sinflarda o'qitiladigan ona tili darslarida fanga oid kompetensiyalar bilan birgalikda fanga doir kompetensiyalar ham shakllantirilmog'i lozim. Bular: nutqiy kompetensiya va lingvistik kompetensiya. Nutqiy kompetensiyani shakllantirishda o'quvchilarda og'zaki va yozma nutq ustida ishlash darkor. O'quvchi o'z fikrini ona tilining keng imkoniyatlaridan foydalangan holda og'zaki ravon, to'g'ri, mazmundor qilib bayon eta olishi o'z navbatida ularning yozma

nutqining ham serjilo, tushunarli bo'lib shakllanishiga xizmat qiladi. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining nutqi ustida ishlash bola maktabga qo'ygan ilk qadamlaridan boshlanadi. Bunda bolalar bilan rasmlar asosida savollar berib, biror mavzu yuzasidan suhbatlar olib borish va turli didaktik o'yinlar ham olib boriladi. Masalan, "So'zning boshiga bir tovush qo'shib yangi so'z hosil qilish o'yini". Bu o'yinning talabiga asosan o'quvchi ma'lum bir olingan so'zning boshidan bir tovush qo'shib yangi so'z hosil qiladi. Ba'zi undosh bilan boshlangan so'zdan avval unli tovushni qo'shish yoki unli bilan boshlangan so'zdan oldin undosh tovush qo'shish orqali yangi so'z hosil qilinadi.

<i>Son</i> - <i>o+son</i>	<i>o'lka- yo'lka</i>
<i>ola</i> - <i>lola</i>	<i>ota - nota</i>
<i>ayiq- qayiq</i>	<i>or- bor - tor</i>
<i>o'roq - so'roq</i>	<i>osh - qosh- mosh.</i>

Ushbu o'yinda ayrim so'zlarga tovush qo'shish orqali bitta so'z hosil qilish mumkin bo'lsa (son-oston), ba'zi so'zlardan bir qator so'zlar tuzish mumkin. O'yinni butun sinf bilan ham, o'quvchilar guruhlari tuzib musobaqa tarzida ham o'tkazish mumkin.

"Kim so'z topadi?" o'yini. Bu o'yin qatorlararo musobaqa tarzida o'tkazilishi ham mumkin. G'olib qator rag'batlantiriladi. Sinf bolalari to'rt guruhga bo'linadi. Har biriga alohida topshiriq beriladi.

1-guruh	2-guruh	3-guruh	4-guruh
<i>Osh</i>	<i>bosh</i>	<i>Obbo</i>	<i>Bino</i>
<i>Ol</i>	<i>tosh</i>	<i>Bobo</i>	<i>havo</i>
<i>Ot</i>	<i>shoh</i>	<i>Dono</i>	<i>navo</i>
<i>Og'a</i>	<i>bos</i>	<i>Momo</i>	<i>sado</i>
<i>Opa</i>	<i>son</i>		

Bu kabi o'yinlar o'quvchilarda zukkolik, topqirlik, tezkorlik, kuzatuvchanlik sifatlarini shakllantirish bilan birgalikda ularning lug'at boyligini oshiradi. O'quvchilar o'yin jarayonida foydalanayotgan so'zlarning ma'nosini tushunishlari ularning kundalik faoliyatlarida shu so'zlardan o'rinni qo'llashlariga zamin yaratadi. O'quvchilar bu so'zlarning mazmuni, talaffuzi va yozilishini to'g'ri o'zlashtirishlari orqali ularning nutqiy kompetensiyalari shakllanadi.

## ONA TILI DARSLARIDA MA'NODOSH SO'ZLARNI O'RGATISH USULLARI

*J.B.Eshqumatov*  
*SamVXTXQTUMOI*

Bugungi kunda o'quvchilarni ijodkorlikka, mustaqil fikrlashga o'rgatmas ekanmiz, mustaqil O'zbekistonning "o'ziga xos, o'ziga mos" yo'ldan borishiga sabab bo'ladigan, milliy urf-odatlarimiz va milliy qadriyatlarimiz ruhida tarbiyalanayotgan yoshlarimizga to'g'ri ta'lim-tarbiya bera olmaymiz. Bu masala, eng avvalo, har bir pedagogning ish rejasida, dasturlarida o'z aksini topishi lozim. Ona tili darslari oldiga qo'yiladigan vazifalar va ularni amalga oshirish yo'llari, har qanday mukammal dastur asosida yaratilgan takomillashgan darslik, samarador usullar bilan o'quvchilar ongiga singdirilgandagina kutilgan natijani beradi.

Buning uchun esao'qituvchilar hozirgi zamon talablari darajasida dars o'tishi va quyidagi omillarga e'tibor qaratishi kerak.

- ✓ didaktika va tarbiya nazariyasini puxta egallash;
- ✓ innovatsion texnologiyalardan foydalanish;
- ✓ o'z fani bo'yicha yangiliklardan boxabar bo'lish;
- ✓ dars o'tishning noan'anaviy usullarini amaliyotda qo'llash;
- ✓ o'quvchilarning bilimi, malakasi va ko'nikmalariga mos tarzda ta'lim mazmunini yangilash;

- ✓ o'qitishda kompyuter texnologiyalaridan foydalana olish;
- ✓ nutqiy jihatdan barkamol bo'lish, ishontirish, isbotlash, malakalarini egallash.

Innovatsion texnologiyalardan foydalanish dars samaradorligini oshiruvchi vositadir. Bu ta'lim o'quvchilarni bilimlarni mustaqil egallashga undovchi o'qitishning muammoli uslubidir. Ta'limning ushbu turiga muvofiq o'quvchilar bilan munozaralar, didaktik o'yinlar maxsus ijodiy topshiriqlar o'tqaziladi. Yangi pedagogik texnologiyalarga muvofiq o'quvchi ona tili materiallarini tayyor holda o'zlashtirmay, uni izlashi, ijodiy faoliyat ko'rsatishi zarur.

O'zbek tilini rivojlantirish, bu tilning davlat maqomini izchil va to'liq ro'yobga chiqarish lozim. Tildagi so'zlarning jami uning leksikasini, ya'ni lug'at boyligini tashkil etadi. Leksikologiya (yunoncha lexikos - lug'atga oid va logos - ta'limot) tilshunoslikning lug'aviy birliklar tarkibini tekshiradigan bo'limidir. Tilning lug'at tarkibi va uni tashkil etuvchi so'zlar bir qator umumiyliklarga ega. Ular quyidagilarda ko'zga tashlanadi: 1) tildagi so'zlar muayyan ma'no ifodalash xususiyatiga ega bo'ladi. So'zning ma'no xususiyatlari leksikologiyaning semasiologiya bo'limida o'rganiladi; 2) har qaday tilning taraqqiyoti jarayonida yuz beradigan o'zgarishlar, avvalo, uning leksikasida o'z aksini topadi. Chunki til jamiyat taraqqiyoti davomida yangi-yangi so'zlar hisobiga boyib boradi, ayni paytda ba'zi so'zlar eskiradi va iste'moldan chiqadi; 3) tilning lug'at tarkibidagi so'zlar iste'mol darajasiga ko'ra chegaralangan yoki chegaralanmaganligi bilan ham farqlanadi. Xususan, ba'zi so'zlar umumxalq iste'molidabo'lsa (ota, ona, yurmoq, men, sen), ayrim so'zlaning iste'mol darajasi chegaralangan bo'ladi. Masalan, shevaga oid so'zlarning hududiy chegaralanishi, shular jumlasidandir; 4) so'zlar nutq uslubiga bo'lgan munosabatiga ko'ra ham farqlanadi. Jumladan, ba'zi so'zlar uslubiy betaraf bo'lsa, ba'zilari esa nutq uslubining ma'lum turiga mansubligi bilan farqlanadi; 5) har bir so'z tovush qiyofasi va ma'noga, ya'ni shakl va mazmunga ega. Shunga ko'ra, so'zlar omonim, paronim, sinonim, antonim munosabatlarni yuzaga keltiradi. Tilning eng muhim birliklaridan bo'lgan so'zlarga xos bu umumiyliklar leksikologiyaning asosiy tekshirish obyektidir.

So'z tilning muhim unsurlaridan biri bo'lib, ma'lum ma'no doirasida birlashgan tovush va tovushlar majmuidan tashkil topadi. Biroq har qanday tovushlar birligi so'z yoki uning ma'nosini shakllantira olmaydi. Masalan, olma so'zidagi tovushlar birligi meva tushunchasini ifodalagan holda, shu so'zdagi tovushlarning mloa, oalm shaklidagi yig'indisi hech qanday ma'noga ega emas. Ayni paytda, tovushlarning bunday birligini so'z deyish ham mumkin emas. Shunday ekan, har qanday tovush va tovushlar yig'indisi ma'no ifodalovchi vosita sifatida emas, ma'no tovush va tovushlar majmuyini shakllantiruvchi vosita sifatida muhim ahamiyatga egadir. Muayyan ma'noning tovush yoki tovushlar birligi vositasida belgilanishi esa so'zni shakllantiradi. So'zning tovush tarkibida o'zgarish yuz bersa ham ba'zan ma'no saqlanishi mumkin. Lekin bu hodisa birdaniga emas, tilning uzoq asrlik tarixiy taraqqiyoti davomida ro'y beradi. Masalan o'grat-o'rgat, yog'mir-yomg'ir, qo'nshi-qo'shni kabi so'zlar tarkibidagi metateza hodisasi ana shunday uzoq asrlik tarixiy taraqqiyot mahsulidir. Biroq bunday tarixiy o'zgarish so'z ma'nosining yo'qolishiga olib kelmaydi. Ba'zan bunday tarixiy o'zgarishlar tilda yangi ma'no tashuvchi belgining, ya'ni yangi so'zning shakllanishiga ham olib kelishi mumkin. Jumladan, arch, yoy, ko'rso'zlari tarkibida yuz bergan tarixiy fonetik o'zgarishlar tufayli, mazkur so'zlarda o'ziga xos ma'no parchalanishi yuz bergan va ularning har biri hozirgi tildaalohida tushuncha ifodalovchi so'zlar sifatida shakllangan: arch-art, yoy-yoz, ko'r-ko'z. Bundan tashqari tilda shunday so'zlar ham borki, ular fonetik tarkibiga ko'ra bir xil (omonim), biroq ma'no jihatdan har xil. Bunday so'zlarda yashiringan ma'no faqat nutq jarayonida, ya'ni boshqa so'zlar qurshovidagina anglashiladi.

So'zning ikkinchi muhim belgisi uning ma'no ifoda etish va saqlash xususiyati orqali namoyon bo'ladi. Lekin ular ifodalaydigan ma'nolar bir xil emas. Chunki so'z ifodalaydigan ma'no eng umumiy xususiyati bilan ham turli tiplarga bo'linadi. Jumladan, ayrim so'zlar obyektiv borliqdagi narsa-hodisa, belgi, qiymat, harakat kabilarni, ba'zilari esa so'zlovchining hishayajonini, voqelikka munosabatini bildiradi, ba'zan esa faqat grammatik ma'no ifodalaydi. Biroq ular qanday ma'no ifodalashidan qat'iy nazar, so'z hisoblanadi. So'zning obyektiv borliqdagi narsa, belgi, harakat kabilar haqidagi ma'lumoti leksik ma'no deyiladi. Masalan, anor, tosh so'zlarining

narsa haqida ma'lumot berishi, qattiq, shirin so'zlarining belgi haqida ma'lumot berishi shular jumlasidandir. Demak, so'z borliqdagi narsa, belgi, harakat kabilarning atamasi – nomi bo'lishi yoki aksincha, bunday xususiyatga ega bo'lmasligi mumkin. Shunga ko'ra ular mustaqil va yordamchi so'zlar turkumlariga ajratiladi. Tildagi mustaqil so'zlargina leksik (lug'aviy) ma'noga ega bo'ladi va ular leksikologiyaning asosiy o'rganish manbai hisoblanadi. So'zning borliqdagi narsa, belgi, harakat kabilarni atash, nomlash xususiyati esa uning nominativ funksiyasi deyiladi.

Tildagi so'zlar bir va birdan ortiq ma'noga ega bo'lishi mumkin. Bir ma'nolilik hodisasi *monosemiya*, ko'pma'nolilik hodisasi esa *polisemiya* deb yuritiladi. Masalan, *marmar*, *g'oya*, *xulosa*, *taassurot* kabi so'zlar va ilm-fan sohalariga doir atamalar bir ma'noli so'zlardir. O'z va ko'chma ma'nolari tufayli yoki undan ortiq ma'noga ega bo'lgan so'zlar esa *ko'p ma'noli (polisemantik)so'zlar* deyiladi. Masalan: *etak-choponning etagi*, *tog'ning etagi*.

Tilshunoslikda so'zning ko'p ma'nolilik xususiyatini o'rganish muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki ko'p ma'noli so'zlar turli usullar vositasida ma'no ko'chishi orqali o'z ma'nosidan boshqa ma'nolar ifodalagan holda tilning ifoda imkoniyatlarining bo'lishida muhim ahamiyat kasb etadi. Demak, ko'p ma'noli so'zlar o'z ma'nosidan tashqari ko'chma ma'nolarga ham ega bo'ladi. So'zning nutqdan tashqarida, ya'ni tilda ifodalagan ma'nosi *o'z ma'nosi* deb ataladi. Masalan, *ko'z*, *etak* so'zlari yakka holda ishlatilganda uning asl, ya'ni o'z ma'nosi anglashiladi.

So'zning gap ichida, ya'ni nutqdagi o'z ma'nosidan boshqacharoq mazmun ifodalashi uning *ko'chma ma'nosi* deb yuritiladi. Masalan, *ishning ko'zi*, *tog'ning etagi* kabi birikmalar tarkibida *ko'z* va *etak* so'zlari ko'chma ma'noda qo'llangan.

So'zning ma'no ko'chish usullari ham so'zlarning ma'nolarini o'rgatishda muhimdir. O'zbek tilida ma'no ko'chishining to'rt xil usuli mavjud: 1) *metafora*; 2) *metonimiya*; 3) *sinekdoxa*; 4) *vazifadoshlik*.

*Metafora* (yunoncha “ko'chirma” so'zidan olingan) biror narsa, belgi yoki harakatning nomi o'zaro o'xshashligi bo'lgan boshqa narsa, belgi yoki harakatga ko'chishidir. Masalan: *U tarozining ikki pallasiniko'zdankechirdi (I.Rahim).Yormat tarvuzni kesdi. Bir pallasini o'zi olib, ikkinchi pallasini Yo'lchi va O'rozoldiga qo'ydi (Oybek)*. Birinchi misoldagi palla so'zining o'z ma'nosi taroziga nisbatan qo'llaniladi. Uning tashqi ko'rinishiga ko'ra o'xshashligi ikkinchi misolda tarvuz bo'laklariga nisbatan ham qo'llanishga sabab bo'lgan.

*Metafora* asosida nom ko'chish aniq narsalar doirasida bo'lganda ular o'rtasidagi o'xshashlikni ilg'ash uncha qiyin bo'lmaydi. Mavhum narsalar doirasida esa bu bir oz qiyin kechadi: *Bir qarichlikdan dutorni sevaman. Bir qo'shni kelinchakdan o'rgangan edim (Oybek).Yigit yalt etib qo'shni dalaga qaradi, u yerda xotin-xalajlar, bola-chaqalar chuvillashib paxta terishayotgan edi(M.Ismoilij)*.

*Metafora* asosida nom ko'chish birgina narsa nomi bo'lgan otlarga daxldor bo'lmay, boshqa turkumga mansub so'zlarda ham uchraydi. Masalan: *taqir cho'l,taqir bosh, taqir sholcha; o'tkir pichoq,o'tkir hid,o'tkir odam* kabi sifatlar; *dalalarda qushlar uchadi—uning jahldan lablari pir-pir uchardi* kabi fe'llarda ham *metafora* asosida ma'no ko'chishi uchraydi.

*Metonimiya* (yunoncha “qayta nomlash”, “nomini almashtirish”) narsa yoki hodisalarning makon va zamonda o'zaro bog'liqligi, doimiy aloqadorligi asosida birining nomi ikkinchisiga ko'chishidir. Bunda narsa, harakat va belgi o'rtasidagi o'zaro o'xshashlik emas, balki doimiy aloqadorlikning mavjudligi birining nomini aytganda ikkinchisini anglash, nazarda tutish imkonini beradi.

*Metonimiya* asosida nom ko'chishda narsalar (otlar) o'rtasidagi quyidagicha uzviy aloqadorliklar asos bo'lishi mumkin: 1) narsa yasalgan materialning umumiy aloqadorligi asosida uning nomi boshqa narsaga ko'chadi: *Moyi tugab piligi so'xta bo'lgan chiroq bir lip etib so'ndi. (S.Ahmad).Sochini mayda o'rib uchiga pilik taqqan edi (S.Ahmad)*; 2) narsalarning o'ziga xos harakat-holati, xususiyati jihatdan umumiy aloqadorligi asosida uning nomi boshqa narsaga ko'chadi: *beshik-maktab ta'lim va tarbiya beshigidir, qaldirg'och – litseyimiz qaldirg'ochlari*; 3) o'rinning unda joylashgan narsa bilan doimiy aloqadorligi asosida uning nomi boshqa narsaga ko'chadi: *kosa, qoshiq, tovoq-ovqat, zal-zal kulib yubordi, sinf-sinf oyoqqa qalqdi ma'nolarida*

ishlatiladi; 4) harakat-hodisaning nomi shu harakat-hodisaning bajarilgan vaqtiga ko'chiriladi: Machitdan shom *azoni* eshitildi (Sh.Toshmatov). *Azonga* yaqin bir iloj qilibqochibdi (P.Tursun); 5) narsaning nomi shu narsaga xos bo'lgan belgi aloqadorligi asosida ko'chadi: *tulki*-ayyor, mug'ombir odam, *iflos*-betayin, jirkanch kishi; 6) harakat, o'yin obyektini shu o'yinning nomi sifatida ko'chadi: *uloq*-uloq chopmoqva boshqalar.

Sifat va fe'l turkumiga mansub so'zlar doirasida ham metonimiya hodisasi mavjud bo'lib, ularda ko'chma ma'no belgining yoki harakatning aloqadorligiga asoslanadi. Masalan: *qisqa yo'l*-qisqa nutq, qisqa ovoz, *beg'ubor osmon* beg'ubor odam, beg'ubor ko'ngil; *bola boqmoq*-kishini hunar boqadi, bog'ni boqsang bog' bo'lur.

Sinekdoxa narsa va hodisaning nomi bilan uning qismini atash yoki qismining nomi bilan shu qism mansub bo'lgan butunni atash orqali yangi ma'no hosil qilish usulidir. Masalan: Tirnoq so'zining farzand ma'nosida ishlatilishi (U tirnoqqa zor edi) qism nomi bilan butunni ifodalanishidir. Qo'l so'zi bilan uningbir qismini, ya'ni barmoqning atalishi esa (Qo'lga uzuk taqdi) butun nomi bilan qismning nomlanishidir. Ajratib ko'rsatilganso'zlarning quyidagi gaplardagi ma'nolariga e'tibor bering: Rux samovar. Egamberdi, Sen darrovo't sol!(A.Qodiriy) Mirzo kechqurun *samovarga* chiqdi, ikkita choy ichdi (A.Qahhor).Devorlarda Tamara o'z qo'li bilan tikkan *kashtalar* osilgan edi (M.Muhammedov).U yenglariga chiroyli qizil *kashtalar* tikilgan ukraincha oq shoyi kofta kiygan edi (P.Tursun).

Vazifadoshlik narsa va hodisalarning bajaradigan vazifasidagi birlik,o'xshashlik asosida nom ko'chishidir. Masalan, chiroq so'zi o'tmishda moy shimdirilgan pilik yordamida yorug'lik beruvchi moslamani anglatgan. Hozirda esa elektor yoritgichlar ham chiroq deb yuritiladi.Yoki tarixan qamish yoki patdan yasalgan yozuv quroli qalam deb atalgan. Hozir esa grafitli maxsus yasalgan yozuv quroli ham shu nom bilan yuritiladi. Vazifadoshlik asosida nom ko'chish so'zning ko'p asrlik tarixiy taraqqiyoti bilan bog'liq bo'lgani uchun ma'no ko'chishning boshqa usullariga nisbatan ancha kam uchraydi.

Ko'p ma'noli so'zlarning yuzaga kelishida polisemantik so'z va yasovchi affikslarning ham alohida o'rni bor. Masalan, *tuzsiz taom,tuzsiz gap* birikmalari tarkibidagi -siz ko'p ma'noli affiksi va o'zak birligi ko'p ma'noli so'zning yuzaga kelishida muhim rol o'ynagan. Polisemantik so'zlar, qancha ma'noga egabo'lmasin, bu ma'nolar o'zarobog' langanbo'ladi. Agar ular o'rtasidagi ma'no bog'liqlik davrlar o'tishi bilan uzilib qolsa, u holda bunday so'zlar o'zaro omonimga aylanadi. Masalan, *gap*-fikir, mulohaza; *gap*-tengdoshlar, hamkasblar yig'ini, ziyofati; *ko'k*-rang, *ko'k*-osmon kabilar. Keltirilgan misollarda ma'no bog'liqlikni ilg'ab olish ancha qiyin. Shunga ko'ra aytish mumkinki, polisemantik so'zlar bir xil fonetik qobiqqa ega bo'lgan so'zlar takrori nuqtayi nazaridan omonimlarga o'xshasa ham, ko'p ma'nolilik, avvalo bir turkum doirasida yuzaga kelishi, ular qancha ma'noga ega bo'lmasin, o'zaro bog'liq bo'lishi bilan omonimlardan farqlanadi. Ko'p ma'noli so'zlarning o'z va ko'chma ma'nolari, odatda, izohli lug'atlarda, shakldosh so'zlar esa omonim so'zlarning izohli lug'atida beriladi.

Tilni tizimli o'rganishga asoslangan ona tili o'qitish metodikasi o'quvchilarni mustaqil va ijodiy fikrlashga o'rgatish, lug'at boyligini oshirish,o'zgalarni nutqini tinglay va anglay olish, fikrni aniq, ixcham ifodalash, so'z tanlash va uni o'rinli qo'llash, og'zaki va yozma nutq malakalarini shakllantirish, fikr ifodalashda shakl va mazmun uyg'unligiga erishish, o'quvchi-ta'lim-o'qituvchi munosabatlarini to'g'ri tashkil etish ta'lim samaradorligini oshirishning muhim omili ekanligini nazariy va amaliy jihatdan asoslab berishga xizmat qiladi. Ona tili o'qitishning asosiy maqsadi til imkoniyatlaridan to'g'ri, aniq, o'rinli va unumli foydalanish ko'nikma va malakalarini hosil qilish; mantiqiy – ijodiy tafakkurni rivojlantirish, kommunikativ savodxonlikni oshirish; milliy g'oyani, tarbiyani shakllantirish; o'quvchi shaxsini ma'naviy va zamonaviy rivojlantirishdir.

## ONA TILI DARSLARIDA MAXSUS FONETIK MASHQ VA TOPSHIRIQLARDAN FOYDALANISH METODIKASI

*G'.Hamroyev,  
SamDU*

Umumta'lim maktablari va akademik litseylarda ona tili o'qitishdan ko'zlangan asosiy maqsad o'quvchilarda nutqiy malakalarni shakllantirish va rivojlantirishdir. Har bir millat o'z ona tilini o'qitishda ichki imkoniyatlaridan kelib chiqadi. Bu o'rinda biror chet tilini o'qitish bilan ona tilini o'qitishning ta'limiy maqsadlarini farqlab olish lozim. Zero, ona tili tafakkur shakllanishida alohida xizmat qiladigan birinchi tildir<sup>1</sup>.

Maktabda ona tili fani bo'limlarga bo'lib, mavzular taqsimoti shaklida o'qitiladi. Ya'ni fonetika bo'limi nutq tovushlarini tanishtiradi; leksikologiya bo'limi so'zlar, tilning lug'at tarkibi; orfografiya to'g'ri yozish; morfologiya so'z turkumlari; sintaksis so'z birikmalari va gaplar haqida ma'lumot beradi hamda mashq va topshiriqlar orqali hosil qilingan bilimlar mustahkamlanadi. Endi ko'nikmaning hosil bo'lishi, uning malakaga aylanish jarayonini ko'z oldimizga keltiramiz. Malaka muayyan harakat yoki jarayonning uzluksiz, tizimli takrorlanishidan hosil bo'ladi.

Dars jarayoni o'quvchida zaruriy nutqiy malakalarning shakllanishiga sharoit yaratib berishi lozim. Bola o'z tilida ham og'zaki, ham yozma shaklda mantiqan izchil, nutq sharoitiga mos ravishda fikr ifodalay olishga erishishi uchun zarur so'z boyligiga, adabiy talaffuz ko'nikmasiga ega bo'lishi; imloviy savodxon va ijodiy tafakkur sohibi bo'lishi lozim. Bu borada o'quvchilarda nutqiy malakani kompleks tarzda hosil qilish usuli yaxshi samara beradi.

Ona tili darslarida nutqiy malakalarni shakllantiruvchi asosiy o'quv materiali bu – mashqlar va topshiriqlardir. Hozirgi kunda ta'lim jarayoniga turli yangi pedagogik texnologiyalar ham tatbiq qilinmoqda. Ilmiy tadqiqotlar natijasida bir qator o'quvchini faollikka undovchi yangi tipdagi mashq va topshiriqlar tizimi ishlab chiqilib, amaliyotda sinab ko'rilmogda. Masalan, professor Baxtiyor Menglievning algoritmik dastur va darsliklar, xususan, o'quv lug'atlari yaratish ustida olib borayotgan ishlari, shuningdek, I.Davronovning algoritmik mashqlar haqidagi fikr-mulohazalari<sup>2</sup>, T.G'anievning Ona tili bo'yicha mashqlar bajarish jarayonida o'quvchilarning bilim faoliyatini faollashtirishga bag'ishlangan tadqiqotlari<sup>3</sup> ona tili ta'limining maqsadiga mosdir. Shunga qaramay, ona tili o'qitish, ayniqsa, adabiy talaffuz bilan bog'liq muammolar hali o'z yechimini topgan emas. Bu borada ijobiy natijalarga erishish mashq yoki topshiriqning sifati, berilishiga bog'liq. Agar topshiriq maqsadli, puxta o'ylangan holda tuzilsa, ya'ni birvarakayiga uch yoki to'rt nutqiy ko'nikmani shakllantirishga imkoniyat yarata olsa, nihoyatda foydali bo'ladi.

Ta'lim muassasalarida faoliyat ko'rsatayotgan ona tili o'qituvchilarining hammasini ham tajribali, malakali, saviyasi bir xil deb bo'lmaydi. Belgilangan dastur bo'yicha faoliyat olib borilayotgan va zamonaviy interfaol usullar dars jarayoniga tatbiq qilinayotgan bo'lsa-da, o'quvchilarda nutqiy kompetensiya kutilgandek rivojlanmayotgani tajriba-sinov kuzatuvlari mobaynida ma'lum bo'ldi.

Agar darsni qanday tashkil etishni, xususan, ona tili darslarida, fonetika, orfoepiya, orfografiya mavzularini o'qitishni o'qituvchining ixtiyoriga to'liq topshirib qo'yadigan bo'lsak, o'quvchilarning adabiy talaffuz va imloga oid ko'nikma va malakalari bir xil bo'lmasligi

<sup>1</sup> Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. Т.: Ўқитувчи, 1996.–3-б.

<sup>2</sup> Давронов И. Алгоритмик машқ ва унинг хусусияти. Филология ва услубиёт масалалари. Илмий –услубий мақолалар тўплами.–Бухоро, 2010. 188-193- б.

<sup>3</sup> Фаниев Т. Она тили бўйича машқлар бажариш жараёнида ўқувчиларнинг билим фаолиятини фаоллаштириш. Номзодлик диссертацияси автореферати, Т., 1991.



muqarrardir. Talaffuz va imlo qoidalari esa bir xillikni taqozo etadi. Shu ma'noda o'quvchilarda nutqiy kompetensiyani rivojlantirishni avtomatlashtirish muammosi juda dolzarb bo'lib qoladi.

Tadqiqotlar natijasida ma'lum bo'ldiki, o'quvchi uchun o'ta zarur bo'lgan to'g'ri talaffuz, imloviy savodxonlik, mantiqiy fikrlash ko'nikmalari uzuq-yuluq mashg'ulotlar bilan emas, balki tizimli ravishda, amaliy ishlash orqali hosil qilinadi. Ehtiyojlarni o'rganib, nutqiy malakalarni kompleks tarzda rivojlantirish imkonini beruvchi maxsus mashq va topshiriqlar tizimi, darsda undan foydalanish texnologiyasini ishlab chiqish zarur. Ayni paytda mashq va topshiriqlar tizimi ikki bosqichga bo'linadi. Birinchisi umumiy o'rta maktablarning 5-sinflari uchun; ikkinchisi akademik litseylarning birinchi bosqich o'quvchilariga mo'ljallanadi. Taklif etilayotgan loyiha materiallari o'qituvchining mahoratiga deyarli bog'liq bo'lmaydi. Uni bajarish uchun o'quvchi o'qish va yozishni bilsa kifoya. Mashq va topshiriq tushunchalarini metodik jihatdan farqlagan holda ularga butunlay yangicha yondashish kerak.

Fonetika o'qitishni zamon talablari darajasiga ko'tarish uchun ona tili darslari jarayonida amaliy ishlash, haqiqiy mashqlardan foydalanish zarur.

Topshiriq shunchaki tuzilmasligi, puxta o'ylangan, maqsadli, ko'p tomonlama foydali bo'lsa, vaqtdan, darsdan unumli foydalanilgan bo'ladi. Topshiriq birgina ko'nikmani hosil qilishga qaratilgan bo'lsa, u bugungi kun talabiga javob bermaydi. Bir topshiriqni bajarish mobaynida bir nechta ko'nikmani shakllantirish payti allaqachon kelgan. Masalaga shunday yondashilsa, quyidagi mexanizm paydo bo'ladi. O'quvchilarda nutqiy malaka avtomatik holatda rivojlanib boraveradi.

Ona tili mashg'ulotlarida fonetika o'qitish orqali nutqiy malakalarni kompleks tarzda shakllantirish mexanizmi:

Birgina topshiriqni bajarish mobaynida bir nechta zarur nutqiy ko'nikmani shakllantirishga erishish texnologiyasi.

**1-topshiriq. Berilgan hikmatli so'zning ma'nosini tushuntiring. Unda ishtirok etayotgan undosh tovushlarning hosil bo'lish o'rnini talaffuz asosida mustaqil aniqlang. Har bir so'zning ma'nodoshini topib yozing.**


Meni men istagan o'z suhbatig'a arjumand etmas,  
Meni istar kishining suhbatin ko'nglum pisand etmas.

Navoiy




Til bir-birini taqozo etadigan birliklardan iborat yagona sistema bo'lib, ularni alohida-alohida o'rganish metodik jihatdan mutlaqo noto'g'ridir. Shuning uchun ham fonetikani leksikologiyaga; leksikologiyani orfografiyaga; morfologiyani orfoepiyaga; sintaksisni punktuatsiyaga bog'lash nihoyatda foydali bo'ladi. Bu kabi bog'lanishni istagancha tuzish mumkin va u hech ham xato bo'lmaydi. Yuqorida keltirilgan topshiriq akademik litsey o'quvchilariga fonetika bo'limidan undosh tovushlar tasnifi mavzusi uchun ishlangan bo'lsa-da, unda leksikologiya, orfografiya, orfoepiya bo'limlari hamda adabiyot, mantiq fanlariga ham murojaat qilingan. Topshiriqning bosqichliligi har tomonlama o'ylangan. Birinchidan, ona tili fanini matematika, fizika, kimyo kabi murakkab fanlar bilan o'zaro munosabatini yanada yaxshilash, ya'ni mazkur fanlarda masalalar sharti bosqichli ekanligi inobatga olinib, ona tili darslaridagi topshiriqlar strukturasi ham shungamoslash; ikkinchidan o'quvchining o'zlashtirish imkoniyati, saviyasi, nazarda tutilgan. Masalan, uch bosqichli topshiriq bo'lsa, bittasini to'liq bajargan qoniqarli; ikkitasini to'liq bajargan yaxshi; va uchallasini ham to'liq bajargan o'quvchi a'lo baholanishi ko'zda tutilgan. Bu o'quvchilar bilimini monitoring qilishda o'qituvchiga ham juda qo'l keladi.

Dars mobaynida quyidagi mexanizm asosida o'quvchilar bilan ishlashga erishilsa, nutqiy ko'nikmalarni jadal rivojlantirish mumkin:



Yuqoridagi sxemadan ma'lum bo'lib turibdiki, ona tili darslarida (umumta'lim maktablarida ham, akademik litseylarda ham) amaliy ishlash yo'lga qo'yilsa, kutilagan jarayon boshlanadi.

Nutqiy ko'nikmalarni kompleks tarzda shakllantiruvchi topshiriqlarning tarkibi quyidagicha bo'ladi.



Darslik va qo'llanmalarining aksariyatida mashq va topshiriqlardan unumli foydalanilmaydi. Ya'ni birgina topshiriq bilan kifoyalaniladi. Bizningcha, bir paytning o'zida bir necha topshiriq berish samaraliroq natija beradi. Birinchidan, tildan foydalanish imkoniyatini kengaytirsa, ikkinchidan, boshqa fanlar, jumladan, matematika, fizika, kimyo kabi fanlardan masala berilganda o'quvchi qiynalmaydi. Chunki u ona tili darslarida bu shakldagi muammoli topshiriqqa ko'p duch kelgan va bosqichma-bosqich bajariladigan topshiriqlarni bajarishga odatlangan bo'ladi.

Har bir topshiriq shu mezonlar asosida ishlab chiqilsa, o'quv materiallarining saviyasi yanada ortadi. Sharqda ta'lim berishning eng samarali usullari keng qo'llangan bo'lib, biz ham mazkur texnologiyani ishlab chiqishda ularga tayandik. Dunyo tamadduniga katta hissa qo'shgan Beruniy, Ibn Sino, Xorazmiy kabi olimlar; o'z asarlarida eng ko'p so'z ishlatgan Alisher Navoiy kabi donishmand ijodkorlarni tarbiyalagan matn ustida ishlash, hikmatlarni yod olish, mulohaza qilish mashg'ulotlari bugun ham juda ahamiyatlidir. Xulosa o'rnida aytish mumkinki, o'quvchilar o'z ona tilidan mahorat bilan samarali foydalana olsa, o'z fikrlarini ta'sirchan, tushunarli bayon qila olsa, ajdodlardan qolgan boy ilmiy, badiiy merosni chuqur anglash darajasida o'z tilini bilsa, ona tili ta'limi o'z maqsadiga erishgan bo'ladi. Buning uchun ona tili darslarida foydalaniladigan o'quv materiallari nihoyatda puxta ishlangan bo'lishi, ko'nikmalarni kompleks tarzda shakllantirish imkoniyatiga ega bo'lishi lozim. Bir paytning o'zida ham talaffuz, ham imlo, ham so'z boyligini oshirish, qolaversa, mustaqil fikrlashga yo'naltirishga sharoit yaratish takrorlanish jarayonini hosil qiladi, bu esa nutqiy mahoratni oshiradi.

MUNDARIJA

So'z boshi ..... 3

1-SHO'BA.

FILOLOGIK FANLARNI O'QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA DAVLAT  
ME'YORIY HUJJATLARINING O'RNI

*Юлдашев Р.Д.* Инновацион таълим – олий таълимнинг узлуксиз ривожланишини таъминлаш воситаси ..... 6

*Қурахмедов А.Э., Расулова Д.Б.* Узлуксиз таълим тизимида хорижий тилларни ўқитишнинг аҳамияти..... 9

*Ибрагимов А.А.* Педагоглар индивидуал таълим траекториясини тузиш ва амалга ошириш босқичлари ..... 12

*Орымбетова Л.Б.* Самообразование педагогов – главный фактор повышения качества образования ..... 14

*Усманов Б.И., Холбаев Ш.А.* Иқтисодий фанларни ўқитиш самарадорлигини оширишда давлат меъерий ҳужжатларининг ўрни ..... 16

*Айымбетов М. К.* Педагогическое мастерство современного учителя ..... 18

*Абдуманнотов А.* Бошланғич таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишда меъерий ҳужжатлар ..... 19

*Самадов А.Р.* Фуқаролик жамияти ривожланишида малакали кадрларга эҳтиёж ва уларнинг маънавий-ахлоқий иммунитетини юксалтиришнинг баъзи масаллари ..... 21

*Худойқулов Д.* Таълим тизимини модернизациялашда ёшлар иттифоқининг ўрни ..... 23

*Қаршиева З.* Давлат талаблари асосида болаларнинг маънавий камолотини ўстириш ..... 24

*Хаитова Д., Тагаев Г.* Ўқувчиларда фанга оид компетенцияларни шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислоҳ Каримов асарларидан фойдаланиш ..... 26

*Расулова Г.* Ҳаракатлар стратегиясининг таълим тизимидаги ўрни ..... 27

*Садикова Б.* Государственный образовательный стандарт как решение проблемы гарантии качества..... 29

*Хо`jamqulov А., Tog`ayeva F.* Та'лим тизимида қабул қилинаётган ме'yoriy hujjatlar – о'қитиш самарадорлиги гарови ..... 30

*Abduraimov А.* Istiqlol davri "Ona tili" darsliklari haqida mulohazalar ..... 32

*Холмухаммедов Б.* Ўзбек тилини ўқитишдаги долзарб масалалар..... 34

2-SHO'BA.

FILOLOGIK FANLARNI O'QITISHDA KOMPETENSIYAVIY HAMDA  
DIFFERENSIAL YONDASHUVNING AHAMIYATI

*Каримов С.А.* Ўзбек тилининг ҳозирги меъерий ҳолати ва унинг маданийлик мезони ..... 36

*Ҳасанов Ш., Эргашбекова Ф.* Шароф Рашидов ижодини ўрганишнинг тарбиявий аҳамияти..... 38

*Ахмедов Б.Я.* Целевые установки как фактор формирования речевых компетенций..... 40

*Мамадалиев М., Файzieва М.* Фанни ўқитишда компетенциявий ёндашувдан фойдаланишнинг аҳамияти ..... 42

*Қосимова Н.Д.* Ўқитиш жараёнида ўқувчилар компетенцияларини ривожлантиришда нутқ ўстириш масалаларига психологик ёндашув ..... 43

*Юлдашева М.М., Хакимова Ш.К.* Профессиональная ориентация на уроках русского языка – фактор формирования компетенций социально-гражданской активности и самосовершенствования учащихся ..... 44

*Ўринбаева Д.* Она тили таълимини модернизациялаш – ўқув-тарбия жараёни сифатига самарали таъсир ..... 47

*Qobilov U.* Mumtoz adabiyot namunalarini o`qitishda badiiy tahlil. .... 49

<i>Мустафаев Ш.</i> Баркамол шахс таълим-тарбиясида компетенциявий ёндашувнинг ўрни .....	51
<i>Дониев Б.Б.</i> Ўқитувчининг касбий компетенцияси.....	53
<i>Yuldosheva S., Xo'jaqulova I.</i> O'zbek tili ta'limida lingvistik kompetensiyalarni shakllantirish .....	54
<i>Урунов А., Мухитдинова Д.</i> Типология трудновоспитуемых подростков как теоритическая основа воспитания их волевых качеств.....	55
<i>Salayeva N., Xudayberganov A.</i> O'quvchi-yoshlarda kitobxonlik madaniyatini rivojlantirishning ba'zi jihatlar.....	58
<i>Якубжанова М.К.</i> Формирование коммуникативных компетенций на уроках русского языка.....	61
<i>Хамидова Г.</i> Значение компетентностного и дифференцированного подходов в обучении филологическим дисциплинам.....	64
<i>Исҳоқова М.</i> Кам комплектли мактаб самарадорлиги – таълим самарадорлиги.....	65
<i>Мусаева М.Э., Холмаматов Ф.</i> Нутқий маданиятни шакллантиришда фоносемантик воситалардан фойдаланиш .....	68
<i>To'rayeva N.Z.</i> O'qituvchining kasbiy kompetentlari.....	70
<i>Қурбонова С.М., Жалилова И.</i> Филологик фанларни ўқитишда компетенциявийликни шакллантириш.....	71
<i>Салаева Н., Беглиев Р., Давлетов Р.</i> Ўқувчиларда китобxonlik маданиятини шакллантиришнинг психологик жиҳатлари.....	73
<i>Muhiddinova B., Mirzohidova L.</i> Badiiy asar tahlili jarayonida xususiy va tayanch kompetensiyalarni shakllantirish (A.Muxtorning "Chinor" romani asosida) .....	75
<i>Yusupova V.Ya.</i> Imkoniyati cheklangan bolalarga ta'lim-tarbiya berishda pedagogik yondashuv masalalari.....	79
<i>Яхяева С.</i> Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг аҳамияти .....	81
<i>Jo'rayeva D.</i> O'qish darslarida o'quvchilarda shakllantiriladigan fanga doir kompetensiyalar .....	83
<i>Normurodova D., Abdurazzoqova U.</i> Yozma savodxonlikda nutq va matnning o'rnini.....	84
<i>Рахмонова Б., Турдуалиев У.</i> Ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантириш омиллари .....	86
<i>Matasoliyeva L.K.</i> Voburning «Voburnoma» asarini o'rganishda kompetensiyaviy yondashuvning ahamiyati .....	88
<i>Назаров Х.Т., Самъев А.Қ.</i> Ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланишидаги муаммолар ва ечимлар.....	91
<i>Ғайбуллаев Ҳ.</i> Ўқувчи компетенциясини шакллантиришда синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг аҳамияти .....	93
<i>Алиқулова Ҳ., Атамұхамедова Г.</i> Ўқувчиларнинг касбий компетентлигини оширишда ўзбек халқ мақолларидан фойдаланиш.....	94
<i>Омонова М.</i> Эркин Воҳидовнинг “Рухлар исёни” достони орқали ўқувчиларнинг бадий таҳлил компетентлигини ошириш .....	95
<i>Yusupova U.A.</i> O'quvchilarning savodxonligini oshirish, badiiy adabiyotga, kitobxonlikka qiziqtirishda kompetensiyaviy yondashuvning ahamiyati .....	97
<i>Собиров К.</i> Ёшлар онгида иқтисодий тафаккурни шакллантириш масалалари.....	100
<i>Ғайбуллаева Л.С.</i> Ўқувчиларда тарихий манба ва адабиётлар билан ишлаш компетенциясини шакллантиришнинг аҳамияти .....	101
<i>Усанов Ш.А.</i> Алишер Навоийнинг маънавий мероси – ахлоқий бойлик сифатида .....	103
<i>Ахроров В.Ю.</i> Бошланғич синф ўқувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялашда синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларнинг ўрни.....	105
<i>Оқилова К., Ҳайдарова З.</i> Педагог мулоқот маданиятининг касбий фаолиятида тутган ўрни .....	109

<i>Каримов З.</i> Ўқувчи-ёшларда умуммаданий компетенцияларни шакллантиришнинг ахамияти.....	110
<i>Toshniyozova R., Baxtiyorova M.</i> Konstruktivist o'qituvchi qiyofasi.....	112
<i>Qarshiyeva D.U., Kattayeva F.B.</i> O'quvchilarda axborot bilan ishlash kompetensiyasini shakllantirishda internet resurslaridan foydalanish.....	114
<i>Усанов Ш.А.</i> Ўқувчи-ёшларда компетенцияларни тарбиялашда алломаларнинг қарашларидан фойдаланиш.....	115
<i>Холиқов Ю.</i> Глобаллашувнинг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига салбий таъсирини олдини олиш йўллари.....	117
<i>Tolipova T.</i> Boshlang'ich sinf o'qish darslarida tayanch kompetensiyalarni shakllantirish .....	119
<i>Абдуманнотова Н.</i> Малака ошириш тизимида педагогларнинг компетентлигини такомиллаштириш йўллари.....	120
<i>Тухтаев О., Қорабоев Ҳ.</i> Бошланғич синф ўқувчиларида ватанпарварликка оид компетенцияларни шакллантириш.....	122
<i>Nasriddinova N., Yakubova F., Boysariyeva Z.</i> Yoshlarning intellektual salohiyatini yuksaltirishda ilmiy-madaniy merosdan foydalanishning ahamiyati.....	123
<i>Курахмедова Л.Э.</i> Педагогические технологии, ориентированные на формирование компетенций учащихся.....	125
<i>Мавлонова М.С.</i> Компетентностный подход в обучении русскому языку .....	126
<i>Бердимуратова Х.Р.</i> Формирование ключевых компетенций учащихся в соответствии с требованиями модернизации образования .....	128
<i>Умаров С.</i> Matematik tafakkurni shakllantirishda masalalarning o'rni .....	131
<i>Мардонов Э.М., Остонов Қ., Хайитмуратов Ш.С.</i> Математика дарсларида таянч компетенцияларни шакллантириш хусусиятлари .....	133
<i>Ўринбаева Ш., Хожиева М.</i> Она тили таълими мазмунининг муҳим таркибий қисми.....	135

### 3-SHO'BA

#### O'QUVCHILARDA SHAKLLANTIRILADIGAN KOMPETENSIYALARNI OBJEKTIV BAHOLASHNING MAZMUN-MOHİYATI

<i>Османова Т. В., Шадыбаева Г.</i> Оценка результатов начального обучения учащихся.....	137
<i>Юлдошева С., Ҳайитова Д.</i> Ўқувчилар билими ва компетенцияларини баҳолаш масаласига доир.....	139
<i>Toshniyozova D.</i> Zamonaviy baholash tamoyillari .....	141
<i>Мирзоҳидова Л.Б., Рўзмонова Р.</i> Баҳолаш ўқувчи имкониятларни амалга ошириш омили сифатида.....	143
<i>Абдуев Ш.</i> Баҳолаш таълимнинг сифати ва тизимини яхшилаш воситаси .....	145
<i>Раимкулова И.А.</i> Оценивание образовательных результатов как способ формирования ключевых компетентностей.....	146
<i>Қаршиева З.</i> Қисқа муддатли гуруҳларда таълим самарадорлиги ва ривожланишидаги ижобий ўзгаришларни баҳолаш .....	150
<i>Эшназарова Ф., Мамадиярова Д.</i> Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини баҳолаш меъёрлари.....	152
<i>Холбаев Ш.А., Ахматов Э.</i> Иқтисодий фанларни ўқитишда шакллантириладиган компетенцияларни объектив баҳолаш масаласи .....	154
<i>Мамадиева С.</i> O'quvchi bilimni tekshirish va baholash texnologiyasi .....	155
<i>Абриев С., Абриев Р.</i> Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ва уларни объектив баҳолаш масаласи .....	158
<i>Normaxmatova F.</i> Assessment methods and their impact on education .....	159
<i>Raximova M.</i> O'quvchi bilimni tekshirish va baholash texnologiyasi.....	162
<i>Amirullayeva A.</i> Fanlarni o'qitishda o'quvchilarda hayotiy ko'nikmalarni shakllantirish.....	164

<i>Юмагулова И.Р.</i> Проверка знаний, умений и навыков школьниковна уроках русского языка при коммуникативном обучении.....	167
<i>Rustamova D.</i> O'quvchi bilimiga qo'yilgan talablar va pedagogik yondashuv.....	169
<i>Tursunov M.S., Eshonqulov U.L.</i> Ingliz tilidan bilim darajani aniqlovchi dasturiy vositaning loyihasi ishlab chiqish.....	171
<i>Гапоненко М.А.</i> Проблемы и пути решения оценивания учащихся.....	172
<i>Пардаев З.</i> Ўқувчиларда ривожлантириладиган компетенция элементлари.....	174
<i>Эшмуродова Д., Самадова З.</i> Электрон қўлланалардан фойдаланиш орқали шакллантириладиган компетенциялар.....	175

#### 4-SHO'BA.

#### FANLARNI O'QITISH SIFAT-SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

<i>Martinez M.Carlos</i> Innovative teaching methods and theories (article).....	178
<i>Рафиев Ҳ.Т.</i> Жисмоний маданият фанини ўқитиш жараёнида, махсус атамалардан фойдаланишнинг баъзи муаммолари.....	181
<i>Нарзикулова Ф.Б., Аиранов Р.Р.</i> Современные технологии, как фактор повышения эффективности образования.....	183
<i>Eshquvatov T., Rustamova P.</i> Ta'lim jarayonini yangi pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etish.....	185
<i>Худайбердиева О.Ж.</i> Таълим сифатини оширишда инновацияларнинг тутган ўрни.....	186
<i>Sabirova N.</i> Ona tili va adabiyot fanlarini o'qitishda ta'lim samaradorligini oshirish usullari.....	187
<i>Абдумаликова Д., Рахмонова Н.</i> Фанларини ўқитишда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш масаласига доир.....	189
<i>Djumaboyeva Ya.E.</i> Umumta'lim maktablarida axborot texnologiyalarining roli.....	191
<i>Abdurahmonova Ch.</i> Pedagog kompetentligini rivojlantirishda ilg'or pedagogik texnologiyalaridan foydalanish.....	192
<i>Hazratqulov M.</i> Erkin Vohidovning "jaholat to'g'risida rivoyat" dostoni asosida rivoya insho yozishni tashkil etish metodlari.....	194
<i>Gulyatova Z.</i> Chizmachilik fanining dolzarb muammolari.....	196
<i>Уралов А.</i> Ўзбек филологиясида аффиксларини ўқитиш самарадорлиги.....	197
<i>Ahrorov V.Yu., Kushanova M.I.</i> Boshlang'ich sinf o'quvchilarini ma'naviy tarbiyalashda interfaol usullardan foydalanish.....	199
<i>Abdurahmonova Ch.</i> O'quvchi shaxsini shakllantirishda innovatsiyalar.....	201
<i>Jo'raqulova D., Tovbayeva M.</i> Talabalarda bilim olishga intilish motivatsiyasini shakllantirish.....	202
<i>Тошпулатов А.</i> Абдулла Қаҳҳор новеллаларининг тарбиявий аҳамияти.....	204
<i>Исоева М.</i> Таълим жараёнида аудио воситалардан фойдаланиш.....	205
<i>Qayumova M.M.</i> Boshlang'ich sinf o'qish darslarida o'quvchilarga maqollarni o'rgatishda ta'limiy o'yinlardan foydalanish.....	207
<i>Юсупова У.А.</i> Она тили ва адабиёт фанини ўқитишда инновацион технологиялар.....	209
<i>Utirova M.T.</i> Boshlang'ich sinflarda o'quv mashg'ulotlarini sifat-samaradorligini oshirish.....	212
<i>Қурбонова М.С., Айсароҳунова Л.Қ.</i> Она тили дарсларида ўқувчиларнинг билимини оширишда таълимий ўйинларнинг роли.....	213
<i>Мўминова И.</i> Ўқитишда аудио-визуал воситалардан фойдаланиш.....	215
<i>Эшмуродова З.</i> Халқ мақоллари ижодий тафаккурни ривожлантириш омили.....	216
<i>Ҳайдаров Д, Камолова Ф.</i> Узлуксиз таълим ва спорт терминологияси.....	218
<i>Холбоева Г., Бутаева Р.</i> Ўқув жараёнини бошқаришда педагогик технологияларнинг ўрни.....	219
<i>Vohidova S.</i> The development of innovative technologies in education.....	221

<b>Kushakova N.O.</b> The effectiveness of role play strategy in teaching english lessons .....	223
<b>Зулунув Қ.</b> Ижтимоий фанларни ўқитишда инновацион технологияларини жорий этиш муаммолари .....	225
<b>Абдуев Ш.Б.</b> Таълим тизимини такомиллаштиришда ахборот технологияларнинг ўрни .....	227
<b>Усманова М.Х.</b> Ижтимоий фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш .....	228
<b>Ergasheva G., Achilova X.</b> Sinfdan tashqari o`qish darslarida zamonaviy pedagogik texnologiyalarning o`rni.....	231
<b>Toshniyozova D.P., Ergasheva D.A.</b> Darsliklarda berilgan «Rustamxon» dostonini o`quvchilarga interfaol usullarda tushuntirish .....	232
<b>Аминова Н.А.</b> Проблемы изучения русского языка.....	234
<b>Yo`ldosheva D.B.</b> Akademik litseyda Abdurauf Fitrat ijodini o`rganish .....	236
<b>Кадиоров Т.</b> Ахборот-коммуникацион технологияларини ўқитишда инновацион ёндашув... <b>Холбаев Ш., Эгамбердиев Ф.</b> Иқтисодий фанларни ўқитишда инновацион технологиялар.....	237 239
<b>Алиқулов Қ.Х.</b> Инновацион иқтисодиёт ва ёшлар иқтисодий фаоллиги муаммолари .....	240
<b>Xudoyberdiyeva H.</b> Ta'lim tizimida pedagogik texnologiyalarni qo'llash .....	243
<b>М.Нигматова.</b> Ноанъанавий ўйинлардан фойдаланиш .....	244
<b>Айматов А.Қ.</b> Ўқувчиларга таълим беришда эстетик тарбиянинг табиатга таъсири .....	245
<b>Xolboyeva G.A., Eshquvvatov T.</b> Ta'lim-tarbiya jarayonini samarali tashkil etish .....	247
<b>Назарова З.</b> Таълим самарадорлигини оширишда илғор технологияларнинг ўрни .....	249
<b>Jurayeva Z.</b> Ta'lim - tarbiya jarayonida zamonaviy texnologiyalarning o`rni .....	250
<b>Сувонова Р.А.</b> Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул-луғатайн” асарининг лисоний хусусиятлари .....	252
<b>Raimov A.</b> Ta'lim tizimida rangshunoslik fanini o`qitishning ahamiyati .....	253
<b>Насиров А.</b> Бадий вақт: характер ва руҳият тасвири .....	255
<b>Vobobekova B., Kamolxonov D.</b> Kasb-hunarga oid so'zlar va ularni o'rgatish .....	258
<b>Деҳқонова М.</b> Абдулла Қаҳҳор “Даҳшат” ҳикояси таҳлилига замонавий ёндашув .....	259
<b>Ачилова З.Қ.</b> Ҳикоя жанрини ўрганиш йўли .....	262
<b>Мирзаев Н.</b> Тарих фанларини ўқитишда электрон дастурий воситаларидан фойдаланиш масаласига доир.....	264
<b>Муталлибжонов М.М.</b> Ижтимоий фанларни ўқитишда ахборот - коммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлик омили .....	266
<b>Тухтаев О., Турдибекова Н.</b> Бошланғич синф ўқиш дарсларининг самарадорлигини оширишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг шакл ва усуллари .....	268
<b>Махматгазиева Л.</b> Технология дарсларини ўтишда “Бумеранг” технологиясидан фойдаланиш .....	269
<b>Зоҳидова С.</b> Бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштиришда педагогик инновациялардан фойдаланиш .....	270
<b>Pardayev Z.</b> O`quv jarayoni sivat-samaradorligini oshirishning ayrim masalalari .....	273
<b>Орипов Ж.</b> Ёшларни турли таҳдидлардан сақлашда ахборотлар билан ишлаш компетенциясини шакллантириш .....	274
<b>Baltabaeva N.</b> The relevance of speaking in developing other language skills .....	276
<b>Mirzakamalova S.</b> Innovative technologies in teaching effectively.....	277
<b>Во`риева Ф.</b> Adabiy ta'limda badiiy talqin.....	279
<b>Ermatova Ya.</b> Innovative technologies in foreign languages teaching.....	282
<b>Nurmatova B.E.</b> Ona tili darslarida o`quvchilarning og`zaki nutqini rivojlantirish .....	283
<b>Madaliyeva M.D.</b> Fanlarni o`qitish, sifat samaradorligini oshirishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish .....	285
<b>Пўлатов Х.Т.</b> Чет тили фанларини ўқитишда тест машқларидан фойдаланиш .....	287



<b>Тухтаев О., Қорабоев Х.</b> Бошланғич синфларда синфдан ташқари ўқиш дарсларида инновацион технологияларнинг ўрни.....	<b>289</b>
<b>G`oziyeva O.Sh.</b> Usmon Nosirning “Nil va Rim” she’rini o’rganishda innovatsion usullar .....	<b>291</b>
<b>Тариева М., Хўжамуратова Г.</b> Ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини ривожлантириш ва муаммоли ўқитиш жараёнини шакллантириш .....	<b>293</b>
<b>Suvanova K.</b> Tasviriy san`at mashg`ulotlarida ilg`or pedagogik texnologiyalarni qo`llash – samaradorlik omili .....	<b>295</b>
<b>Hakimova G.A.</b> Matematika fanidan sifat-samaradorligini oshirishda innovatsion texnologiyalar.....	<b>296</b>
<b>Ergasheva M.</b> Ta’limda innovatsiyalardan foydalanish.....	<b>297</b>
<b>Сулаймонов Х.</b> Маънавий таҳдидлар ва интернет тармоғининг салбий таъсирлари .....	<b>299</b>
<b>Asadova Sh.</b> Using the innovation technology in lessons for increasing effective teaching.....	<b>300</b>
<b>Tog`ayeva F.E.</b> Ona tili va adabiyot fanlarini o`qitishning sifat-samaradorligini oshirish.....	<b>301</b>
<b>Каримова Д.Б.</b> Инглиз тили фанини ўқитиш сифат-самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти .....	<b>305</b>
<b>Жуманиязова Р.</b> Ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим технологиялари .....	<b>307</b>
<b>Сабирова Н., Рузимова Н.</b> Она тили ва адабиёт дарсларида ўқувчиларда имло саводхонлигини ўстириш усуллари .....	<b>309</b>
<b>Махмудова Е.И.</b> Компетентностный подход в начальной школе .....	<b>310</b>
<b>Мирзохидов У., Мирзохидова Г.</b> Амалий машғулотларни ўтказишда инновацион технологияларни қўллаш .....	<b>313</b>
<b>Ёқубова Н.</b> Амир Темур – как историческая личность.....	<b>315</b>
<b>Normo`minov M.</b> Kichik yoshdagi bolalarga chet-tilini o`rgatishning samarali yo`llari.....	<b>316</b>
<b>Rabbanayeva D.</b> Husnixat darslarida keys-stadi texnologiyasi.....	<b>318</b>
<b>Tashmatova R.V., Ahmedov S.I.</b> Dars jarayonida ishbilarmonlik o`yinlaridan foydalanish.....	<b>319</b>
<b>Xo`jaqulov Sh., Eraliyev O.</b> Ta’lim va tarbiya jarayonida zamonaviy texnologiyalarning o`rni va imkoniyatlari .....	<b>322</b>
<b>Jo`rayeva D.</b> Boshlang`ich sinf o`quvchilarida ona tilidan nutqiy kompetensiyalarni o`yinlar orqali shakllantirish.....	<b>323</b>
<b>Eshquvatov J.B.</b> Она tili darslarida ma`nodosh so`zlarni o`rgatish usullari.....	<b>324</b>
<b>Hamroyev G`.</b> Она tili darslarida maxsus fonetik mashq va topshiriqlardan foydalanish metodikasi .....	<b>328</b>

**UZLUKSIZ TA'LIM TIZIMIDA FILOLOGIYA FANLARINI  
MAZMUNAN MODERNIZATSIYALASH HAMDA O'QITISH  
SIFAT-SAMARADORLIGIGA ERISHISH TEXNOLOGIYALARI**

*(Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari)*

Muharrir: D.O'rinbayeva  
Tex.muharrir: Sh.Xujakulov  
Musahhih: S.Yo'ldosheva  
Kompyuterda sahifalovchi: A.Xo'jamqulov

ISBN 978-9943-4584-6-8

Terishga berildi: 25.10.2017 y.  
Bosishga ruxsat berildi: 5.11.2017 y  
Ofset bosma qog'ozi. Qog'oz bichimi 60x84<sub>1/16</sub>.  
«Times» garniturasini. Ofset bosma usuli.  
bosma taboq 21,5 Adadi 100  
Buyurtma № 7/17

Samarqand viloyat xalq ta'limi  
xodimlarini qayta tayyorlash va ularning  
malakasini oshirish instituti bosmaxonasida chop etildi.

---

Samarqand shahar, Boysunqur ko'chasi 3-uy.



